



Ислом маданиятининг сара асарлари

# Абул Ҳасан Мовардий дунё ва дин одоби



Таржимон ва сўзбоши муаллифи  
АБДУЛЛОҲ ИСМОИЛ МАҲДУМ

---

---


---

Абулҳасан Мовардий

ДУНЁ ВА ДИН

**ОДОБИ**

Таржимон ва сўзбоши муаллифи  
АБДУЛЛОҲ ИСМОИЛ МАҲДУМ



ГОШКЕ Н

2017

УЎК: 297.17:17  
ББК 86.38

Ўз даврининг забардаст адиби Абулҳасан Мовардийнинг «Дунё ва дин одоби» китобида инсоний одоб-ахлоқ, гўзал фазилат ва Ҳислатлар нозик қузатиши ва ҳаётий тажрибалар асосида таҳлил цилиб берилган. Адиб ўз қарашларини Куръони Карим ва ҳадиси шарифлар қўрсатмалари бишан асослаб берини ҳам ўқувчилар фикрини ўзига жсалб этади. Мазкур китоб кўпчилик китобхонларга манзур бўлишига ишонамиз.

Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2434-ракамли хulosаси асосида тайёрланди.

ДрВ^Н) Абулҳасан Мовардий  
^ Г ^ Д у н ё ва дин одоби. X: «Hilol-Nashr», 2017. - 456 f

УУК: 297.17:17  
КБК 86.38

ISBN 978-9943-4819-8-5

© Абулҳасан Мовардий  
©«HILOL-NASHR» нашриёти, 2017.

СҮЗ БОШИ

# **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ**

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, хотамул анбиё Мұхаммад Мұстафага, ул зотнинг оила ва асҳобларига дурууд саломлар бўлсин!

Ислом оламининг беназир ва етук мутафаккири, аббосийлар давлатининг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган, дунёқараш кенг ва фикри теран ажойиб адиллардан бири Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Басрий Мовардий Ислом маданиятининг турли соҳаларини қамраб олган асрлари билан ўз номини тарих саҳифаларига муҳрлади. Ҳижрий 364—450-йилларда яшаб ўтган бу алломанинг «Дунё ва дин одоби» («Адаб уд-дунё ваддин») китоби орадан шунча асрлар ўтганига қарамай илм аҳлининг юксак меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келмоқда.

Тарихда ўтган машхур уламолар ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ёзилган китобларда Абулҳасан Мовардийнинг Басра ва Бағдодда ҳадис ва фикрдан бошқа илм соҳалари билан шуғуллангани тўғрисида бирон маълумот учрамайди, чунки бу икки соҳа ўша пайтдаги ўқув дастурларнинг асосини ташкил этарди. Лекин Абулҳасан Мовардийнинг ёзиг қолдирган китоблари диний илмлардан ташқари адабиёт, шеърият, тилшунослик, фалсафа ва ижтимоий фанлардан ҳам чуқур билимга эга эканини тасдиқлайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг бу соҳаларга оид китоблар билан танишлиги ва ўз даврининг забардаст устозларидан таълим олганига хужжат-далил бўлиб хизмат қиласди.

Айниқса, алломанинг адиблик маҳорати исломий ва ундан бошқа илмларда ҳам ўз замондошларидан илгарилаб кетганига гувоҳлик беради. Адиб бир қанча диёрларда қозилиқ, Нишопур вилоятида қози ул-куззот вазифаларида ишлаб ўзига бой ҳаётий тажриба орттиради. Мамлакатнинг у чеккасидан бу чеккасигача хизмат юзасидан кезибучиккан Абулҳасан Мовардий Бағдодга қай-

тиб келиб, у ерда Қуръонин тўлиқ тафсир килди, фикх, усул ул-фикх ва адабиёт фанидан талабаларга сабок берди, кўпгина асарларини шу ерда тавъиф килди. Бир катор нуфузли хонадоёнлар, жумладан, халифа ал-Муктадир ҳузурида обрў-эътибор қозонди.

Айтишларича, ҳижрий 429 санада халифа Жалолуддавла ибн Бавейх ўз исемига «шоҳон шоҳ» (подшоҳлар подшоҳи) лакабини кўшиб айтишларини талаб килиганда, бағдодлик кози Абуттайиб ал-Табарий каби бир турӯҳ факихлар жоиз деб фатво бердилар. Аммо Абулҳасан Мовардий қарши чиқиб, уни жоиз эмас, деб ўз фикрини исботлайди. Бу ёса ўз-ўзидан Жалолуддавла билан аллюма ўргасига совукчилик туширгандек бўлди. Лекин Жалолуддавла уни саройга чакиртириб: «Бўлиб ўтган воқеада дин а бўлган ихлосинг туфайли менга ҳеч ким кильмаган яхшиликни килдинг ва бу билан хузуримда обрў-эътиборинг янада ошди», леди.

**Илмий мероси.** Мовардийнинг кўпгина китоблари бизгача стиб кельмаган. Ҳозиргача алломанинг ўп иккита китоб ёзиб колдиргани маълум бўлиб, улар уч туркумга ажратилган; биринчиси – диний китоблар, иккинчиси – сиёсий-ижтимоий ва учинчиси – тишинунослик ва адабиётга оид китоблар.

**«Адаб ул-дунё вал-дин» китоби.** Абулҳасан Мовардийнинг мана шу китоби Ислом оламида кенг таркалиб, ҳозирги купларда ҳам унга мурожаат қилинади. Бу асар Ёвропада бир неча марта нашр этилиб, Берлин, Лондон ва Мисрининг нуфузли кутубхоналарида унинг кўлёзма нусхалари сакланади. Бундан ташкири, бу асарнинг яша бир канча нусхалари Искандария, Фос шахри (Марокко)даги Қаравийлар университети кутубхоналари, Ирекинг Мосул ва Ҳиндистоннинг Рампур шаҳарларида ҳам мавжудлиги аниқланган.

Лайнан мазкур китоб мавзусига тўхталадиган бўлсақ, унинг соғилмий нуткази назарлан ёритилган ахлокий ва диний фазилатлар, «Қабул килинган одатлар одоби» деб номланган ижтимоий одоб ва муомалага оид кўпгина мавзуларни камраб олганига шоҳид бўламиз. Муаллиф бу китобида ўрни келганда оят ва ҳадисларни келтириш баробарида араб адабиёти ва Ислом одоби билан уйғунлапшиб кетган боинча ҳалкларининг адабий манбаларидағи хикмат ва насиҳатлар, мисол ва шеърлардан намуналар келтиради.

«Адаб ул-дунё вад-дин» китоби турли табака вакиллари, хусусан, илмга чанқок талабалар учун ниҳоятда фойдали асардир. Бундан ўтиз йилларча буруп, шу мавзуда ёзилған янги дарсліктер ҳали мавжуд бўймаган бир найтда Миср маориф вазирлиги «Адаб ул-дунё вад-дин» китобини ўрга мактаблар ва ал-Азҳар университети ўқув дастурларига дарслік ва қўлланма сифатида киритишига қарор қилгани бежиз эмас.

Бундан юз йиллар олдин юртимиздаги Самарқанд, Тошкент ва Бухоро мағрасаларида мазкур китоб дарслік сифатида ўқитиб келинганини яхши биламиз. Бу билан мазкур китобни факат талабаларга керакли қўлланма экан, деган маънода тушунмаслик керак. Талабалар билан бир каторда боинқа илм ихлюсманнари ҳам бу китоб билан танишиб чиқишиса, фойдалаш ҳоли бўлмайди. 1978–1979-йилларда Дамашқ университетининг шариат факультетида таҳсил олиб юрган кезларимда шаҳардаги китоб бозорларини шеригим – кейинчалик дин инилари бўйича давлат қўмита-сиининг раиси бўлиб ишлаган Шарафуддин aka билан бирга кўп айланардик. Дамашқдаги Умавийлар масжиди яқинидаги диний китоблар бозорида тафсир, ҳадис, фикҳ, сарф ва паҳвга оид қўлланма китобларни қидириб юриб, бир дўконда Ливанинг Байрут шаҳрида чоп қилинган «Адаб ул-дунё вад-дин» нинг эндиғина нашрдан чиқкан нусхасига кўзим тушиб колди. Ўзимизда одамлар кўлида китобнинг қўллэзма ва тошбоема нусхалари борлигиндан хабарим бор эди. Лекин мутолаасига қийналганим сабабли унчалик аҳамият бермас эдим. Дарҳол китобни сотиб олиб, ётоказонада вараждай боинладим. Янги напрдаги китоб биззаги нусхалардан мутолаа килиш ва тушуниш учун кулайлиги билан фарқланиб турарди. Ушбу фарқ қўйидагиларда кўринади:

**Биринчидан**, китоб матнидаги кийин сўз ва маънолар шархи мавжуд.

**Иккинчидан**, замонавий китобхон ҳолати инобатга олинниб, айрим иборалардаги мураккабликлар иложи борича соддаланитирилган.

**Учинчидан**, китобхон ўқиганда кийналмаслиги ва тушуниши осон бўлиши учун жумлалар орасига тинини белгилари пункта, вергул ва ҳоказолар кўйиб чиқишиган.



**Тўртничидан**, китоб мавзусининг ўзгаришига қараб, зарур ўриниларга кичик сарлавҳалар киритилиган.

Шу тарика бу одоб китобини қайта-қайта ўқир эканман, унинг кўпчиликка фойдадан холи эмаслигига амин бўлдим. Араб тили чексиз лугат уммони бўлишидан ташқари, нахв, сарф, маопий, баён, бадиъ, фасоҳат каби яна бир қанча улуғ илмларни ҳам ўз ичига олади. Алтоҳ таолонинг ожиз қолдирувчи улуғ Китобининг айнан араб тилида нозил бўлишининг ҳикмати бу тилининг яна кўплаб ўзига хос хусусиятлари борлигига далолат қиласди. Найтамбаримиз Мухаммад соллаҳлоҳу алайҳи васалламнинг тишилари ҳам араб тилидир. Расулуллоҳнинг ҳадислари кўп маъноларни ўзида жамлагани ҳар қандай киши ёътиборини ўзига тортади. Бу ҳақда у зотнинг ўзлари: «Менга жавомиъул-калим ато қилинганд», деб марҳамат қилинглар. Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг сўзларини у зотдан олдин бирорга араб айтмаган, бирор ажамий шу қабилда гапирмаган, фалончининг сўзи ёки бу менинг сўзим, деб ҳеч ким даъво қилмаган. Набий алайҳис-саломнинг сўзлари сунъийликдан холи ва такаллудан пок эди. Шу сабабли, ҳадиси шарифлар ҳам Куръон оятлари билан бир каторда мўминларнинг қалбларидан жой олди.

Куръони Карим оятлари ва Расулуллоҳнинг суннатлари руҳида тарбия тоиган Абулҳасан Мовардийга замондош олим, адаб ва факихлар ўз асарларида иложи борича кам сўз кўллаб, кўп маъноларни ифода килишда мусобакалашардилар. Бу соҳада улар араб тилининг турли имкониятларидан кенгроқ фойдаланишига харакат килардилар. Абулҳасан Мовардий ҳам бундан мустасно бўлмади, албатта. «Адаб уд-дунё вад-дин» китоби жумлалари киска ва муҳтасар бўлиши баробарида кўн ўринларда сажъ (вазнга ёътибор қилинмаса-да, жумлалар охирининг кофияли бўлиши бахшишаримиз ижросида кўп кузатиладиган усул)дан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

Хуносай қалом, «Адаб уд-дунё вад-дин» китобининг жарангдор тили, тўзалиги, латофати ва маънолар мураккаблигини бошқа тилда ифода этиш ва китобхонга етказиш осон бўлмаслиги аник. Албатта, бундай иш таржимондан катта маҳорат ва тажриба бўлишини талаб этади. Таржима назарияси мутахассислари фикрига



караганда, илмий хужжатларни таржима килганда ҳар бир сўз (истилоҳ) фақат битта маънода қўлланади ва бу билан хужжатларни ҳар хил тушунишга барҳам берилади лекин бадиий адабиётнинг таржимаси ундан эмас. Қадимги дунё ва Шарқ Уйғониш даврининг мутафаккир ва файласуф олимлари тор соҳа мутахассислари бўлишмаган, балки турли илм соҳаларидан етарли даражада ҳабари бор қомусий олимлар бўлишган. Кейинги даврга келиб эса илм-фаи қамрови кенгайиб бориши натижасида муайян илм соҳасида чуқурлашиш ва шу соҳада етук мутахассис бўлиш давр талашибига айланди. Бунинг оқибатида ҳар бир соҳада мисли қўрилмаган қашфиётлар амалга оширилди, инсон тафаккури ва имконияти уфқлари кенгайиб борди. Шунга карамасдан, маънавият ва амалиёт орасида муайян даражада инқизор юзага келди. Аниқ фанлар соҳаси мутахассислари билан руҳий-маънавий таълимот устозлари ўргасида муайян маънода «бўшилик» пайдо бўлди. Маънавий ва аниқ фанларни ўрганиш ва таълим бериш алоҳида ажратиб чиқди. Ваҳоланки, Абулҳасан Мовардий каби комусий олимларнинг фикрича, маънавий ва моддий ҳаётни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу алломанинг давлатчилик таълимоти, жумладан ана шу пазария асосига курилган, десак хато бўлмайди.

Қадимги юнон файласуфлари, форс ва хинд доинишмандлари, юртимизнинг таникли алломалари – Форобий, Беруний, Бухорий, Термизий, Замахшарий ўз ҳаётлари давомида диний илмлар каторида математика, астрономия, геодезия, кимсё, физика, тилшунослик, табобат ва бошқа катор табиий фанлар билан қизиқиб, уни ўрганиш ва шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Чунки маънавиятни деб дунё ишларини, дунё ишларини деб маънавиятни бой бермаслик инсониятнинг вазифасидир.

Шундай экан, Абулҳасан Мовардий ва у каби аллома зотларнинг давлатчиликка оид нодир ва қимматли асарларини бугунги қунимизда тилимизга ўгириш катта аҳамият касб этади. Бу аллома қаламига мансуб маинбалар билан сиёsatшунос, хукуқшунос, ижтимоий фанлар мутахассислари, аниқ фанлар билан шуғулланувчи ва бошқа турли соҳа вакиллари обдон ўқиб танишсалар, фойдадан холи бўлмайди. Лекин бу асарларни тилимизга ўгириш осон эмаслигига ўз тажрибамизда шоҳид бўлдик.



Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтмоқчимизки, мазкур қомусий илмларни старли даражада эгаллаган мутафаккирларнинг асарларини ўша илм соҳаларидаи хабари йўқ холда таржима қилиш кўзланган натижани бермайди. Ушбу асар таржимасига киришар эканмиз, Абулҳасан Мовардийнинг сўз санъати борасидаги маҳорати, ўзгача лутф ва нозик сўз ўйинларини китобхонга тўлигича ва мукаммал ҳолда етказиб бериш иложи йўқлигига амин бўлдик. Баҳоли қудрат асарнинг асосий ғоясини ташкил этган алломанинг фикр-мулоҳазалари, донишмандона хикматлари, умуминсоний қадриятлар ва дунё халқларинин умумий меросига айланниб қолган буюк зотларнинг айтган сўзларини ҳозирги кун ўқувчисига етказиб беришни ният қилдик. Бунинг қай даражада амалга ошиганига ўқувчиларнинг ўзи холис баҳо беради. Таржима жараённида Хонзода номи билан машҳур туркиялик олим Увайс Вафо Мухаммад ибн Мухаммад ибн Халил ибн Довуд Арзанжонийнинг ҳижрий 1328 йилда Истанбулда чоп этилган «Миннхожул яқийн шарҳу Адабид-дунё вад-дин» номли шарҳидан кенг фойдаландик. Албатта, бу ишимизни тугал ва энг тўғри, муваффакиятли таржима деган даъводан мутлако йирокмиз. Лекин сув йўғида таяммум дейилганидек, кийинчиликни рўкач қилиб, инсоният тафаккур хазинасининг дурдоналаридан бири билан халқимизни таништирумай туришнинг фойдаси йўқ деб ўйлаймиз. Инсон хатодан холи эмас, эҳтимол, амалга оширилган таржимамиз борасида баъзи бир фикр-мулоҳаза ва эътиrozлар бўлиши мумкин.

Илтимосимиз шуки, бу асар таржимаси тўғрисида пайдо бўлган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ёзма равишда нашриёт манзилига юборилса, бизга катта ёрдам бўларди, ишшоаллоҳ. Таржима жараённида ўз ёрдамини аямаган Абдулазиз Мўмин, Ҳикматуллоҳ Тоштемиров, Алоуддин Хофий ва масъул муҳаррир Бобомурод Эралига ўз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Мазкур китобни ўз тилимизга ўгиришга муваффақ айлаган Аллоҳ таолодан тавфиқ сўрайман. Ўзига суюндим ва Ўзига илтижо килурман.

**Абдуллоҳ Имоил Махдум  
Тошкент**



# ДУНЁ ВА ДИН ОДОБИ

**БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИМ**

**МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ**

Чексиз құдрага беҳисоб неъматлар зәсісі бўлғап Аллоҳ таолоға ҳамдлар бўлсин! Пайғамбарлар ва анбиёлар охири сайдимиз Мұхаммадга, у зотнинг ойлалари ва тақводор асҳобларига саловоту саломлар бўлсин!

Дарҳакиқат, ҳар бир максаднинг улуғлиги натижаси улуғлигига, ҳар бир шарафнинг юксаклиги ундан қанча фойда етишига қараб белгилапади ва унга эътибор бериш лозим бўлади ҳамда шу эътиборга мувофиқ самарасидан баҳраманд бўлинали. Обрў-эътибор ва шараф жихатидан ишларниң қадрлиси ва улуги, фойда ва самараси кўпроғи дин ва дунё ишларини тартибга солиб, бандани дунё ва охират саодатига етказадиганидир. Чунки диний аҳкомларга амал қилиш туфайли ибодатлар макбул ва ижобат бўлади. Дунё ислохи ва салоҳияти туфайли баҳт-саодат манзилига етиб борилади.

Мазкур китобда дин ва дунё одоблари хақида сўз юритиб, умумий жиҳатлари хақида мухтасар ва лўнда услубда туиунча беришинга ҳаракат килдим. Яна бу китобда факъҳлар таҳқики билан адилларнинг нозик ва аниқ ифода маҳоратини ўзаро уйғуллаштирганим боис уни тушуниш кийин бўлмайди. Аллоҳ таолонинг китоби ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламининг ҳадиси шарифларидан ҳужжат-далил ва иқтинос келтирганим, донишмандларнинг пурмаъно хикматлари ва сўз усталарининг фасоҳатли ибораларию шоирларнинг тўзал ва марокли байтларидан намуналар олганим ўқувчиларга ўзгача завқ бағиппайди. Чунки қалблар ҳар хилликдан завқ олиб, бир хилликдан зерикади. Ҳазрати Али розияллоҳу анху: «Танамиз чарчагандек, қалблар ҳам зерикади, уларга турфа хикматларни



хадя этииг», деган экан. Бунинг маъноси шуки, тана ва қалб бир холдан бошқа ҳолга ўтиб туришни ёқтиради. Халифа Маммун раҳимаҳуллоҳ ўз саройида бир жойдан бошқа жойта кўчиб турар ва Абулатоҳиянинг мана бу шеърини ўқир экан:

*Малол етиб чарчаган нафс муддаоси бажо айланмаса,  
Биридан бошқа ҳолга кўчишидан бошқаси уни тузатмас.*

Ушбу китоб асосан беш бобдан иборат:

1-боб. **Ақлнинг фазилати ва «ҳаво» нинг ёмонлиги.**

2-боб. **Илм одоби.**

3-боб. **Дин одоби.**

4-боб. **Дунё одоби.**

5-боб. **Нафс одоби.**

Аллоҳ таолодан яхши ният или кўл урган ишимда ёрдам бериши ва Ўзи ваъда қилган ажру мукофотларга муюссар этишини сўрайман. У менга ёрдам бериш ва кифоя этишда энг яхши вакидир.

## БИРИНЧИ БОБ

### АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА «ҲАВО» НИНГ ЁМОНЛИГИ

Билгилки, ҳар бир фазилатнинг ўз асоси ва ҳар бир одобнинг ўз манбаси бор. Бу асос ва манба ақл бўлиб, Аллоҳ таоло шу ақлни дин таянчи ва дунё устуни қилиб яратди. Қарангки, шариатнинг амр-қайтарикларини ақлнинг камолот даражасига қараб белгилади ва дунё ишларини шу ақл йўриғи ва тадбирига биноан бошкаришга йўл кўрсатди, мақсад ва қизикишлар ҳар хил бўлишига қарамай, қилинадиган ишларни икки қисмга ажратди. Биринчиси, ақлга биноан қилиш вожиб бўлган қисмни шариат кувватлайди. Иккитинчи, ақлга биноан қилиш жоиз бўлган қисмни шариат тасдиқлайди. Ақл ана шу икки қисмга устун ва таянч вазифасини бажаради.

Ривоят қилининича, Набий алайхиссалом: «Кишини тўғри йўлга бошлайдиган ёки ҳалокатдан куткарадиган ақлга тенг келадиган нарса йўқ», дедилар. Яна у зот бир ҳадиси шарифда: «Ҳар бир нарсанинг таянадиган асоси бор. Кипи амалининг асоси унинг ақлидир», дедилар. Ҳар бир банданинг Роббига ибодати унинг ақл даражасига қараб бўлади. Фожирларнинг: «Агар бизлар (пайғамбар сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах ахлидан бўлмас эдик», деганларини эшитмаганмисиз?» (Мулк сураси, 10-оят). Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Ҳар бир киши суянадиган асос ақлидир, насиби динидир ва муруввати хулқидир», деган. Ҳасан Ҷасрий деди: «Аллоҳ кимга ақл берган бўлса, кундан-кун ўтиб ўша ақл бир хожатига ярайди». Донишмандлардан бири: «Ақл энг яхши дўст ва подоилик энг ёмон душмандир», деди. Бир адаби: «Ҳар бир кишининг дўсти ақли ва душмани жоҳиллигидир», деди. Улуғлардан бири: «Нематлар ичida энг яхшиси ақл, мусибатлар ичida энг ёмони жоҳиллиkdir», деган экан. Шоир Иброҳим ибн Ҳассон шундай дейди:

Бечораҳол йигитга соглом ақл зийнатдир,  
 Насаби улуг бўлса ҳам, қалтафаҳмлик айб.  
 Одамлар ичida йигит ақли билан танилгай,  
 Илм ва тажриба юзага чиқар ақлга қараб.  
 Аллоҳ берган нематлардан энг афзали ақлдир,



*Бирон нарса дунёда унга тенг кела олмас.  
Агар Раҳмон зот ақлни қылган бўлса гар етук,  
Шу баробар хулқ ва тилагин мукаммал кўрдик.*

Билгилки, кўп ишларнинг моҳиятига ақл ёрдамида етиб борилиб, у туфайли яхшилик билан ёмонликлар орасини ажратилиди. Ақл ғаризий (туғма) ва муктасаб (ўзлаштирилган), деган икки қисмдан иборат. Ғаризий ақл аслий бўлиб, унинг ҳад-ниҳояси борки, шариатнинг амр-қайтариқларини бажариш ана шу ақлга боғлиқ. Шаръий амаллар ана шу ҳад-ниҳоядан ошиб ҳам, камайиб ҳам кетмайди. Мана шу ҳад-чегара туфайли инсон ҳайвонлардан фарқланади. Агар инсонда ғаризий ақл тўлиқ ва мукаммал бўлса, уни оқил деб аталади ва шу туфайли у камолотга эришади. Солих ибн Абдулқуддус айтганидек:

*Ақли расо ҳеч бўлмагай шошмашошар,  
Қылган орзу-тилаги бир кун амалга ошар.*

Захҳок Аллоҳ таолонинг: «**У тирик кишиларни огоҳлантириш учун**» деган (Ёсин сураси, 70-оят) сўзини «**Оқил кишиларни**», деб тафсир қилди.

### АҚЛНИНГ ҲАДДИ ВА ЎРНИ

Ақл ва унинг сифати тўғрисида одамлар турлича фикрда бўлишган. Бир тоифа ақлни латиф жавҳар, у туфайли хабар ва маълумотларни ажратиб олинади, дейди. Бу фикр тарафдорлари ақлнинг асл жойи каерда бўлиши тўғрисида ихтилоф қилишди. Бир тоифа ақлнинг жойини мия, уни ҳис этиш ўрни деса, бошқа бир тоифа ақлнинг жойини қалб дейди ва уни ҳаётнинг манбай ва сезгилар асосидир, деб таърифлади. Ақлни латиф жавҳардир, деган фикр икки жиҳатдан тўғри эмас: биринчидан, жавҳарлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, бири тақозо этмаганини бошқа бири тақозо этиши мумкин эмас. Агар бири тақозо этганини бошқа бири тақозо этса, оқил киши ўзи тирик бўла туриб ақлнинг мавжуд бўлишидан беҳожат бўларди. Иккинчидан, жавҳарнинг ўз ўзича мавжуд бўлиши тўғридир. Агар ақл жавҳар бўлса, унинг



аклсиз кишида бўлишини инкор этиб бўлмасди. Худди аклсиз жисм бўлиши жоиз бўлганидек. Мана шу икки сабаб туфайли ақлни жавхар дейиш тўғри эмас.

Яна бир тоифанинг акл бир нарсанинг моҳиятини идрок этувчи, деб айтган фикрини олдингисидан ҳакикатга яқинроқ десак-да, яна бир жиҳатдан унга қўшилиб бўлмайди. Чунки идрок жонли мавжудотга хос сифатдир. Акл эса араз бўлиб, идрок араз бўла олмайди. Ҳолбуки, идрок жонли мавжудот сифатларидан биридир. Акл араздир (**араз – ўз-ўзича мавжуд бўла олмай, мавжуд бўлиш учун асосга муҳтож нарса. Масалан, намоён бўлиш учун ўрин-маконга боғлик ранглар каби – тарж**). Идрок араз бўла олмайди. Чунки араз тирик нарса эмас. шундай экан, жонсиз нарсага лаззатланувчи, оғриқни сезувчи ва хоҳловчи, деган сифатни бериш тўғри эмас. Яна бир тоифа мутакаллимлар ақлни зарурӣ илмлар йигиндиси, дейди. Бу таърифнинг умумийлик ва эҳтимолликни камраб олганини иnobатга олсак, уни аниқ таъриф деб бўлмайди. Чунки таърифнинг вазифаси ўзидан умумийлик ва эҳтимолликни кетказиш туфайли маҳдудликни очиб беришга қаратилган.

Яна бир тоифа ақлни идрок этиладиган нарсаларнинг энг зарурларини билишdir, дейди. Бу саҳих қавл бўлиб, у икки турдан иборат. Юқорида айтиб ўтилганидек, зарурини билиш икки хил: биринчиси, сезги аъзолари пайкаши билан ҳосил бўладиган нарса. Иккинчиси, туғилганидан бошлаб инсон табиатида мавжуд бўлган нарса. Ҳис этиши аъзолари пайқашидан юз берадиган нарса кўриш орқали идрок этиладиган манзара, эшитиш орқали идрок этиладиган товушлар, татиб кўриш билан билинадиган таъмлар, ҳидлаш орқали сезиладиган бўйлар ва ушлаш орқали пайқаладиган нарсага ўхшайди. Агар инсон сезги аъзолари ёрдамида бу нарсани идрок этса, илмнинг шу тури унга собит бўлади. Чунки кўзни юмган вақтда идрок этмаслик ва шу туфайли маълумотга эга бўлмаслик инсонни ақли комил бўлишдан чиқара олмайди. Чунки сезги аъзосини ишлатиш ҳолатидан аён бўладики, агар идрок этса, муайян маълумотга эга бўлади.



## ТУҒМА АҚЛ

Тұғма ақлға күра, бир нарсани вужуд ва адамдан, мавжудлик худус ва қидамдан холи бўлмаслигини, яна у икки зид нарса ҳеч қачон бир-бирига бирикмаслиги ва бир раками иккidan камлигини ҳам билишга ўхшайди. Инсондаги ана шу бошлангич билимни идрок этишни туғма ақл дейилади. Илмнинг бу тури нафакат соғлом ва ақли расо кишида мавжуд. Агар у мазкур икки турдаги зарур маълумотни идрок қилса, уни ақли етук киши деб аталади. «Ақл» сўзи түяни тушовлаш маъносини ҳам билдиради. Шунинг учун тушовни ҳам ақл, дейиш холати учрайди. Чунки қочмоқчи бўлган түяни тушов тутиб қолганидек, ақл инсонни ярамас ва бузук ишларни амалга оширишига йўл бермайди. Шунинг учун Омир ибн Абулқайс: «Қачон ақлинг шаънингга нолойик ишдан қайтара олса, сен ақлписан», деган. Ақл хусусида айтилган бу фикрни Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис ҳам қўллаб-қувватлайди. Пайғамбар алайҳиссалом: «Ақл ҳақ ва ботил ўргасини ажратадиган қалбдаги нурдир», дедилар. Ақлни жавҳар деганларни инкор этган тоифа у қалба жойлашган, деган қарашни ёқлашади. Чунки қалб барча илмлар маҳалли – ўчоғидир. Аллоҳ таоло:

«Ахир улар (Макка мушриклари) Ер юзида сайр қилмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун идрокли қалблар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлар» (Ҳаж сураси, 46-оят). Биринчидан, бу оят ақлни илм, иккинчидан, унинг жойини қалбдир, деган икки фикрга далолат қиласи. Аллоҳ таолонинг: «Идрокли қалблар», деган сўзини икки хил таъвил қилса бўлади: биринчиси, у (акл) туфайли биладилар, иккинчиси у (акл) туфайли ибрат оладилар. Мана шулар туғма ақл тўғрисида айтилган фикр-мулоҳазалардир.

## ТАЖРИБА ВА КЕКСАЛАР ФИКРИ ТУФАЙЛИ МУКТАСАБ АҚЛНИНГ ЎСИШИ

Муктасаб ақл аслида ғаризий (туғма) ақлнинг ҳосиласи, билишнинг ниҳояси, түғри тадбир ва фикрат ютуғидир. Муктасаб ақлга ҳад-чегара йўқ, чунки уни қанча кўп ишлатилса, камайиш ўрнига кўпайиб боради. Мабодо уни ўз ҳолига кўйиб қўйилса, олдинги ҳолатидан камаяди. Муктасаб ақлнинг кўпайишига икки нарса сабаб бўлади. Биринчиси, кўп фойдаланиш туфайли бўлиб, агар унга «ҳаво» ва шаҳвоний тўсик бўлмаса. Бу худди кекса кишиларда кўп тажриба, соғлом фикр бўлишига ўхшайди. Шунинг учун араблар кексалар ақлини мактаб: «Кексалар викор дарахтлари, билим ва тажрибага бой кишилар, отган ўқлари мўлжалдан адашмайди ва айтган фикрлари хато кетмайди. Агар сенда бир ёмонликни кўрсалар, ундан қайтарадилар, агар бир яхшиликни кўрсалар, ёрдам берадилар», деган. Шунинг учун айтишади: «Кексалар фикрини олинг. Уларда хотира қуввати сусайиб борса-да, ўз ҳётида ибратли воқеаларга гувоҳ бўлиб, турли хабарларни эшлишишган». «Мансур-ул ҳикам» да: «Ёш улғайган сари жисмоний қувват камайиб, ақлий қувват ошиб боради», дейилган. Яна унда: «Жоҳилни фақат ҳаёт тарбиялайди», дейилган. Дошишманлардан бири: «Одоб беришга тажриба, насиҳат килишга кунлар ўтиши кифоядир», деган. Улуғлардан бири: «Тажриба ақлнинг ойнаси, ғафлат нодонлик мевасидир», дейди. Бир адид шундай деган экан: «Ўтган нарса у ҳакда хабар беришга кифоя этади, ақл эгаларига тажрибадан ҳосил бўлган нарсалар ибрат олишга етарлидир». Шоирлардан бири шундай деди:

*Ақл ўз аҳлига зийнат эканин кўргин,  
Етук ақл узоқ йиллар тажрибасидир.*

Бошқа шоир деди:

*Киши ҳавою нағсга эргашмай улгайса,  
Вақт ўтган сари ақлига ақл қўшилар.*



## ЁШЛАР ЗУККОЛИГИ

Энди иккинчи йўл – муктасаб акл ўткир фаросат ва закийлик билан бўлади. Бу нарса тўсатдан пайдо бўлувчи ўта зийраклик, деб аталади. Агар жутугма акл билан бирлашса, худди ўсмирлардаги зийракликни ақли расолик ўзаро бирикишида кузатилгандек, муктасаб ақлнинг кўпайиб боришини келтириб чиқаради. Ҳарим ибн Қутбанинг олдига Омир ибн Туфайл билан Алқама ибн Улоса (*жоҳилияят даври саййидлари – тарж.*) бир иш юзасидан тортишиб келганда, зехни ўткир ва ёш ўсмирга учрашиши маслаҳат беради. Эҳтимол Ҳарим бу билан баҳс-мунозарани хоҳламагандир. Лекин иккиси ҳам ноилож ҳақ сўзга бўйсуниб, ёш ва зехни ўткир Абу Жаҳлнинг олдига боришидди. Лекин Абу Жаҳл ҳам икковига ҳакамлик қилишдан бош тортди. Алалоқибат иккиси яна Ҳаримнинг олдига қайтишга мажбур бўлди. Бу гал Ҳарим иккови ўртасида ҳакамлик килди. Бу ҳақда Лабид (*ислом келган даврдаги шоирлардан бири – тарж.*) шундай деди:

Эй аслзодалар зурриёти Ҳарим тан бердик,  
Сенга берилганини билдик ҳакамлик.

Араблар: «Ёшлар билан маслаҳатлаш. Чунки улар вақт ўтиши туфайли ҳали оҳори кетмаган ва қарилик нуқси урмаган тиник фикрларни ҳадя этади», деди. Шоир шундай деган:

Кимда ақл бўлса, ундан тортиб олинмас,  
Яна ёшга қараб тақсимланмас у.  
Агар ёшга қараб берилганида борми,  
Оталар болалар улушин олиб қўярди.

Асмай розияллоҳу анху шундай ҳикоя қиласи: «Мени араб болаларидан бирининг фасоҳат ва малоҳати ҳайрон қолдирди. Чунки у билан ҳамсухбат эдик. Мен уни синамоқчи бўлиб: «Юз минг дирҳам эвазига аҳмоқ бўлишни хоҳлайсанми?», дедим. «Аллоҳга қасамки, йўқ», деди у. «Нима учун?», дедим. «Аҳмоқлигим тутиб, бир жиноятни қилгач, бор-будимдан ажралиб, аҳмоқлик яна ўзимда коладими?», деди». Қарангки, бу бола ўткир ақли би-

лан қандай гўзал хулоса чиқарди ва туғма қобилиятига суяниб қандай йўл тутди? Эҳтимол бундай неъмат ҳаётда ундан ёши улуғ ва тажрибали кишида ҳам бўймас. Ибн Кутайба айтиб берган воқеа закийлик ва фатонатнинг бундан-да ажойиброги деса бўлади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху кўчада ўйнаб юрган болалар олдидан ўтди. Болалар орасида Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам ўйнаётган эди. Ҳазрати Умарни кўргач, болалар ўзини четга олди. Фақат Абдуллоҳ жойидан жилмади. Ҳазрати Умар унга: «Нега сен дўстларинг каби четга ўтмадинг?», деди. «Эй мўминлар амири, айбим йўқки, сиздан кўрксан, йўл ҳам тор эмас, уни бўшатсан?», деди Абдуллоҳ. Бу жавоб замиридаги зийраклик ва гўзал ҳозиржавоблик дурдек яширин турганига қаранг. Ҳали ёш бола бўлса ҳам, маломатни ўз фойдасига ҳал этиши ажойиб эмасми? Закийликнинг ҳад-чегара ва туғма қобилиятининг ниҳояси йўқ.

### ФАРАЗДАҚ ВА ЖАРИРНИНГ ТОПҚИРЛИГИ

Ҳикоя қилинишича, Сулаймон ибн Абдулмалик Фараздаққа олдидаги румлик асиirlардан бирининг бошини олишни буюрди. Фараздақ ундан афв этишни сўради. Бироқ халифа кўнмай, унинг қўлига ўтмас қилични тутқазди. Фараздақ: «Йўқ, Абу Раговон Мужошиб қиличи (яъни, ўз қиличи) билан уларни чопаман», деди-да, ўрнидан туриб, румлик асиirlинг бўйнига қилич солди. Қилич кесмай, сапчиб кетди. Буни кўриб турган Сулаймон билан атрофидагилар кулиб юборди. Шунда Фараздақ шундай деб шеър айтди:

Ёмғир сўралганда васила этилгувчи халифани  
Кулдирганимдан одамлар нечун ажабланар?  
Қиличим кўркюв ёки даҳшатдан чопишдан бош тортмади,  
Балки тақдир шуни раво кўрса, менда не илож?  
На ўткир қиличу на қўлни боғлаб қўйши ҳам,  
Бирон жон ажалин тақдир дафтарига битмас.  
Сўнг шундай дея қиличини қинига жойлади:  
Улуғ киши ёш боладек иши қилса, айб эмас,  
Ўткир қилич кесмаса, қиличда не айб?  
Агар шоир хато қилса, унга ҳам айб бўлмас.



Шундай дея у жойига ўтирди ва агар ибн Мароға (**Жарир деган шоирнинг лақаби – тарж.**) бўлганда, мени шундай деб ҳажв қиласарди, деди:

*Абу Рагавон Мужсошев қиличи билан урдинг,  
Ибн Золимнинг қиличи билан урсанг не бўлгай.*

(Ибн Золим умавийлар давридаги машхур саркарданинг лақаби – тарж.)

Сўнг ўрнидан туриб, мажлисдан чиқиб кетди. Бироз ўтиб Жарир кириб келди. Бўлиб ўтган воқеани унга айтиб берилганда, Фараздақ шеъридан бехабар ҳолда шундай шеърни айтди:

*Абу Рагавон Мужсошев қиличи билан урдинг,  
Ибн Золимнинг қиличи билан урсанг не бўлгай.*

Шеърни айтиб бўлиб, халифага: «Эй амирал мўминин, Ибн ул Қайн (Фараздақнинг лақаби) бўлганида менга бундай жавоб берарди:

*Асирни қатл этмай қўйиб юборар эдик,  
Агар бўйинга қарз кўтарши юк бўлиб тушса ҳам.*

Сулаймон Жарирдан кўра Фараздақнинг сўзга усталиги ва ҳозиржавоблигини мақтовга лойиқ деб билди. Фараздақقا Жарирнинг шеъри айтиб берилди-ю, лекин унинг топқирлиги тўғрисида лом-мим дейилмади. Фараздақ айтди:

*Шунга ўхшаши ўткир учли ҳинд қиличлари,  
Гоҳо туморлар богичин кесгайдир, холос.  
Асирларни қатл этмай, қўйиб юборар эдик,  
Агар бўйинга қарз кўтарши юк бўлиб тушса ҳам,  
Бир румликни қатл этиши сизларга нечун керак,  
Кулагайдан бир ота ёки Дорим каби бир акали қиласми?*

(**Кулагай ва Дорим** Фараздақнинг ота-боболари уруғи. – тарж.)

Шу билан Фараздақ воқеаси атрофга тарқалди. Ҳикоя килинишича, халифа Маҳдий ҳузурига Румдан асиrlар келтирилганда уларни қатл этишни буюрди. Халифа олдидағи Шабиб ибн

Шайбага: «Мана бу румлик кофирнинг бошини ол», деди. Шунда Шабиб: «Эй мўминлар амири, Фараздаққа нима бўлганини биласиз-ку? Ҳалигача уни деб қавми бош кўтариб юра олмайди», деди. Шунда халифа: «Сенга эҳтиром кўрсатмоқчи эдим, унга лойиқ эмас экансан», деди. Ўша жойда турган шоир Абулҳавл бундай деб шеър айтди:

*Кўли боғлиқ румликдан мунча қўрқасан,  
Агар унга озод бўлган ҳолда рўбарў келсанг?  
Амирул мўминин уни қатл эт, десаю,  
Шабиб буни эшишиб, қўрқиб кетдими.  
Шабибининг қўшин сафида туриши қизик,  
Уни безаб тўқилган сўзларга яқинлаштиринг.*

Фараздақнинг сўзи тўғри ва ҳақ бўлса ҳам, лекин ажабланадиган жойи йўқ. Икки фикрнинг бир жойдан чиққанидан ҳайратланса бўлади. Шунинг учун донишмандлар: «Ақлнинг белгиси топқирлик ва мақсади мавҳумликдан кутулиш», дедилар.

### ЎТКИР ЗЕХН

Тўғма кобилиятли ва ўткир зехни киши ҳар қанча мушкул ва қалтис савол берилмасин, жавоб беришда довдираф, ўзини йўқотиб қўймайди. Бунга бир мисол: Али розияллоҳу анхудан: «Аллоҳ таоло беҳисоб бандаларни қандай килиб ҳисоб-китоб килади?», деб сўралганда: «Қанча беҳисоб бўлишса ҳам, уларга ризқларини етказиб берганидек», деб жавоб берди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумодан: «Рухлар жасаддан чиқкандан кейин қаерга боради?», деб сўралди. У: «Мойи тугаган чироқ нури қаерга кетади?», деб жавоб берди. Ҳар иккала жавоб ҳам ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмай, қатъий ҳужжат-далили билан лол қолдирувчи жавоблардир. Иблис ҳақида келтирилган ҳикоя бундан ҳам ажойибдир. Иблис Исо алайҳиссаломга кўриниб: «Аллоҳ тақдирингта не битса, шу сенга етади, дейсан, шу тўғрими?», деди. Ҳа, деди Исо алайҳиссалом. Иблис: «У ҳолда ўзингни мана бу коядан ташла-чи, агар тақдирингда бўлса, омон қоласан», деди. Исо алайҳиссалом: «Эй малъун, бандаларни си-



наш Аллоҳнинг ҳаки, Роббисини синаш банданинг иши эмас», дедилар». Аллоҳ вахий юбориб, кўллаб-куватлаган пайғамбарларнинг бу тариқа жавоб беришидан ажабланмаса бўлади. Аммо факат акли ва зеҳнига суянадиган кишилардан бундай жавоб чиқиши ҳайратланишга арзийди. Кусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилиб дейди: «Ҳазрати Алига осмон билан ернинг ораси қанча?», деб савол берилганда: «Мустажоб дуо (масофа-сича)», деб жавоб берди. «Машриқ билан магрибнинг ўртаси-чи?», деб сўралганда: «Қуёшнинг бир кунлик йўли», деди. Бу саволни берган киши ё синаш, ё билмаганини билиб олиш ниятида сўрагандир. Ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг жавоби эса ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмади.

### АҚЛ КАМОЛОТИ

Ўткир фаросат ҳосиласи – зийраклик, туғма қобилиятдан келиб чиқсан гўзал бадиҳа, шу билан бирга, кўп йиллик тажриба ва турли синовларни бошдан кечириш ва турли синовлар билан умрни ўтказиб, унда қўлланган чоралар – мана шу икки жиҳат муктасаб аклда жамланса, фозил кишида бўладиган мутлақо етук ва комил ақл саналади. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида бир кишини мақталди. У зот: «Унинг ақли қандай?», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, унинг ибодати, хулқи, фазилати ва одобини айтинг», дейишди хайрон бўлиб. У зот яна: «Унинг ақли қандай?», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз унинг ибодати билан бошқа фазилатларини айтсак, сиз унинг ақли ҳакида сўраяпсиз?», дедилар. У зот марҳамат қилдилар: «Обидларнинг аҳмоғи нодонлиги туфайли фожирга караганда кўпроқ заарар етказади. Одамларнинг Раббилиарига курбатлари ақллари даражасига қараб бўлади».



## МУКТАСАБ АҚЛНИНГ КҮПАЙИШИ

Одамлар муктасаб ақл ҳаддан ошса ва күпайса, фазилат бўлиш-бўлмаслиги тўғрисида ихтилоф қилишди. Бир тоифа буни фазилат эмас, чунки фазилатлар икки нокис фазилат ўртасида ги ўрта ҳолатдир, деди. Бу худди яхшилик икки ёмон нарса орасидаги ўрталикка ўхшайди. Агар бу ўрталик фазилат ҳаддидан ўтиб кетмаса. Донишмандлар Искандарга: «Эй подшоҳ, ҳар бир ишда мўътадил бўлишни лозим туting. Зеро, ҳаддан ошиш айб, ҳаддига етмаслик ожизлиқдир», дейишди. Расулуллоҳ алайҳис-саломдан ворид бўлган «Амалларнинг энг яхшиси ўртачасидир», деган ҳадиси шариф ҳам шунга далолат қиласи. Али розияллоҳу анху: «Амалларнинг яхшиси ўртача йўл тутишдир. Чунки юқориси унга кайтади, пастдагиси унга етиб олади», деди.

*Амалларда ҳаддан ошмагин зинҳор,  
Сўрасанг гар, ҳаддан зиёдини сўрама.  
Одамлар орасида ўртача бўлгин доим.*

Дейдиларки, ҳаддан зиёда ақл ўз соҳибини ҳийла ва макрга йўлиқтиради. Бундай ақл қораланиб, соҳиби ҳам маломат қилинган. Умар ибн Ҳаттоб Абу Мусо Ашъарийга Зиёдни волийликдан бўшатишни буорди. Бундан ҳабар топган Зиёд: «Эй мўминлар амири, ғазабданми ёки айбим борми?», деди. Ҳазрати Умар: «Униси ҳам, буниси ҳам эмас, балки ақлинг кўплиги одамларга ташвиш келтиради, деб хавотир олдим», деди. Ҳазрати Умарнинг бу сўзи қадимий: «Ақлнинг ҳаддан ортиғи жисмни ҳалок қиласи», деб айтилган хикматда ҳам ўз ифодасини топган. Бир донишманд шундай деди: «Тўғри йўл кўрсатадиган ақл сенга кифоя этади». Улуғлардан бири: «Кифоя этадиган оз нарса тутёнга солувчи кўп нарсадан яхшироқдир», деган. Бошқа бир тоифанинг ақлнинг кўпи фазилатдир, деган сўзи икки қавлнинг сахихроғидир. Чунки муктасаб нарсага ҳад-ниҳоя йўқ. Ҳаддидан ошган фазилат камчилик белгисидир. Зотан, ҳаддидан ошиб кетган нарса фазилат саналмайди. Шижоатли киши шижоатда ҳаддан ошса, уни аҳмоқ дейилади. Сахий киши саховатда ҳаддидан ошса, унга исрофгар,



деган ном тақилади. Муктасаб ақл бунга ўхшамайди. Чунки муктасаб ақлдаги зиёдалик ишларни билиш зиёдалиги ва тахминлар орқали чиройли йўл топиш ва бўлган нарсага қараб бўлмаган нарсани билиб олишдир. Бу нарса фазилат бўлиб, асло камчилик бўлмайди. Набий алайҳиссаломдан: «Инсонларнинг афзали ақллироғидир», деганлари ривоят килинган. Яна у кишидан: «Ақл қаерда бўлса-да, улфат тутувчи ва улфат тутилгандир», деб келтирилган. Аллоҳ таолонинг: «Айтинг: «Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилур. Раббингиз ким тўғри йўлда эканини яхши билгувчидир» (Йсро сураси, 84-оят) оятини шархланиб, «Ақлига қараб» дейилган. Қосим ибн Мухаммад: «Араблар: «Кимнинг ақли кўпроқ бўлмаса, хайрли хислатларидан унга фойда йўқ», дейди», деб келтирди. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ақлдан бошқа нарса кўпайса, баҳоси тушади, ақл кўпайса, баҳоси ошади», дейилган. Улуғлардан бири шундай дейди: «Оқил киши ақлига суяниб, тўғри йўлни топади, фикрига суяниб, нажотга эришади. Унинг сўзи тўғри ва амали мақтовга лойиқдир. Жоҳил жоҳиллиги туфайли эгриликни касб этади, «ҳаво» сига эргашиб, йўлдан адашади. Унинг сўзи бемаъни, иши ёмондир». Ибн Ланкака менга отасининг шеърини айтиб берди:

*Кимнинг ақли хислатларидан кўпроқ бўлмаса,  
Ҳалок этар ундан ана шулар ўзини бир кун.*

Макр ва ҳийланинг иккиси ҳам мазмум (кораланган) дир. Чунки ҳийлагар киши ортиқча ақлини ёмонликка сарфлайди. Агар яхшиликка сарфласа, албатта у мақталган бўларди. Муғирия ибн Шульба Ҳазрати Умарни эслаб: «Аллоҳга қасамки, у алдашдан ва алданишдан юқори киши эди», деди. Умар розияллоҳу анху: «Мен маккор эмас, маккор мени алдай олмас», деган экан. Одамлар Зиёд ва унга ўхшаш ошиқча ақлини ёмонликка сарфлаган ҳийлагар кишиларни оқил, деб номлаш тўғрими-йўқми, дея ихтилоф қилишган. Улардан бири ҳийлагарда ақл бўлгани учун уни оқил, деб аташ керак, деса, бошқа бири ҳийладан ўзини тиймас экан, уни оқил, деб бўлмайди, деган. Чунки яхшилик ва дин ақл тақозо этган нарсалардир. Аммо ёмонлик қилув-



чини оқил, деб бўлмайди, балки уни мулоҳаза ва фикр соҳиби деб аташ керак, деган. Яна бир ривоятда Аллоҳнинг амр-қайтариқларини англаган кишини оқил, дейилган. Имом Шофеъий розияллоҳу анхунинг асҳоблари меросининг учдан бирини одамлардан ақллироғига васият қилган кишининг мол-давлати тўғрисида: «Бундай мол-давлатни зоҳидларга бериш керак, чунки улар ақллари йўриғига юриб, орзу-ҳавасларга алданмайди», дейишган. Луқмон ибн Абу Омир Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят килишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Эй Уваймир, ақлингни кўпайтири, Раббингга қурбатинг ошади», дедилар. (**Уваймир – улуғ саҳобий Абу Дардонинг исми. – тарж.**) Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, ақлимга нима кафил?» дедим. У зот: «Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан четланиб, Аллоҳ буюрган фарзларни бажарсанг, оқил бўласан. Агар солих амалларни кўпайтирсанг, ақлингга ақл қўшилади, Раббингта қурбатинг ошиб, азизу макаррам бўласан», дедилар. Бир адид менга мана бу байтларни ўқиб, Али ибн Абу Толибнинг байтларидан бири деди:

*Гўзал хислатлар покиза хулқлардир,  
Аввалгиси ақл, иккинчиси дин бўлур.  
Учинчиси илм, тўртингчиси ҳилмдир.  
Бешинчиси саҳийлик, олтинчиси яхшиликдир.  
Еттингчиси олийжаноблик, кейингиси матонат.  
Тўққизинчиси шукр, ўнинчиси мулойимликдир.  
Нафс яхши билар, ҳаргиз унга ишонмасман,  
Унга осий бўлсам, тўғри ийлдан борурман,  
Кўз сўзлаб турган кишининг қўзига қараб,  
Ким душман, ким дўст эканин билади албат,  
Кўзларинг кўзимдан яширганинг ошкор этар.*

## МУКТАСАБ АҚЛ ВА ТУҒМА АҚЛНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Билгинки, муктасаб ва ғаризий (туғма) ақл бир-биридан ажралмайди. Чунки муктасаб ақл ғаризий ақлнинг самарасиdir. Баъзан ғаризий ақл муктасаб ақлдан ажралмайди. Ғаризий ақлнинг эгаси фазилати йўқ ва разолатларга тўла ҳолда ўз аклидан фойдаланмай, ҳою ҳавасга эргашса, улардан айрилиб, разолатларга юзтубан кетган аҳмокка ўхшайди. Аҳмок киши камдан-кам ҳолатда разолатдан четда туради. Набий алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда марҳамат қилиб дедилар: «Аҳмок киши на ямаб, на чегалаб бўлмайдиган сополга ўхшайди».

Бошқа бир ҳадисда: «Аҳмок Аллоҳ яратган маҳлуқлар ичida энг ёмонидир. Чунки у энг керакли нарсадан маҳрум килинган». Бир донишманд: «Инсон молдан кўра ақлга кўпроқ муҳтождир», деди. Улуғлардан бири деди: «Жоҳилнинг мол-давлати оқилга ибратдир». Анушервон Бузургмехрдан: «Кишига қайси нарсалар хайрлидир?», деб сўради. У: «Ўзи билан юрадиган ақл», деди. «Агар у бўлмаса-чи?» деди. «Айбини яширадиган дўстлар», деди. «Бу ҳам бўлмаса-чи?». «Одамлар кўнглини оладиган мол», деди. «Буниси ҳам бўлмаса-чи?», деди. «Сўзсиз сукут», деди. «Агар бу ҳам бўлмаса-чи?», деди. «Ўлим яхшироқдир», деди. Шопур ибн Ардашер айтади: «Ақл икки хил, бири матбуъ (табиий), иккинчили масмую (ўзлаштирилган). Бу иккиси бир-бirisiz мавжуд бўлмайди». Шоирлардан бири буни олиб шундай деди:

*Кўрдимки, ақл икки хил экан,  
Бири масмую ва яна бириси матбуъ.  
Агар матбуъ ақл бўлмаса, унисидан фойда йўқ,  
Кўз кўрмаса, қуёши нури фойда бермаганидек.*

## ОҚИЛ ВА АҲМОҚНИНГ СИФАТИ

Бир адид оқил кишидаги фазилатларни ва аҳмоқ кишидаги разолатларни тавсифлаб шундай деди: «Оқил киши бирор билан дўстлашса, ёрдамини аямайди. Агар душман бўлса, ўз қадрини зулмдан баланд тутади, акли билан дўстига ёрдам беради ва ўз одиллиги билан душманини маҳкам тутади. Агар биронтага яхшилик қилса, яхшилигини миннат қилмайди. Агар бирор киши унга ёмонлик қилса, уни кечириш учун сабаб ахтаради ёки кечириб, узрини қабул этади. Аҳмоқ эса хатога йўл кўядиган адаштирувчидир. Агар биронта билан дўстлашса, кибр-ҳаво қилади, ундан узоклашилса, хафа бўлади. Бирор ишни деб ундан мурожаат килинса, ўзини четта олади, тарқ килинса, зарда қилади. Шунинг учун у билан бирга ўтириш оғир, бирон айбидан сўз очиш мусибат. У билан тортишиш алдайди, дўстлашиш зарар келтиради, якин бўлиш кўрлик, ҳамкор бўлиш баҳтсизликдир».

Қадимда Форс подшоҳлари ақлли кишини жазоламоқчи бўлса, аҳмоқ билан бирга қамаб қўяр экан. Аҳмоқ ўзидан бошқага ёмонлик қилиб, яхшилик қилдим, деб ўйлади, ҳатто бу иши учун ундан раҳмат кутади. Қачонки, унга яхшилик килинса, ёмонлик килди, деб ўч олмоқчи бўлади. Аҳмоқнинг ёмонликлари тугамас, айбларининг ҳад-ниҳояси йўқ. Мабодо, назар солинса, ундаги айб-нуқсонларнинг охири кўринмайди, бир айби ортида янада тубанроқ, разилроқ, аччиқроқ ва маккорроқ иллат борлиги кўзга ташланади. Буларни кўрган кишига қандаям ибратлар кўп, ибрат олувчи кишига фойдалар қандаям бисёр.

Ахнаф ибн Қайс: «Аҳмоқ киши бошқа нарсадан ўзини сақласа ҳам, лекин нафсидан сақлана олмайди», деди. Бир донишманд айтади: «Дунё баъзан жоҳилга юзланиб, ҳақдор бўлса ҳам, оқилдан юз ўгиради. Агар сенга дунёдан бир улуш жоҳилликка қўшилиб келса ёки бирон орзу-мақсадинг ақл билан қўшилиб сени тарқ этса, бу ҳол сени нодонликка қизиктириб, ақлдан юз ўгирирmasин. Жоҳилнинг давлати ўткинчи, оқилнинг давлати боқийдир. Бир нарсага осонгина эришган киши ақли, меҳнати ва саъй-ҳаракати илиа эришган билан баробар эмас. Шундай қи-



либ, жохилнинг давлати бир жойдан бошқа жойга кўчмоқчи бў-  
либ турган мусоғирга ўҳшайди. Оқилнинг давлати меҳр-муҳаб-  
бат риштаси билан боғланган яқин қариндошга ўҳшайди. Киши  
ақлини ишлатмай эришган улуғ мартаба ёки фазилати йўқ обрў-  
эътибордан хурсанд бўлмасин. Чунки жаҳл уни улуғ мартаба ва  
обрў-эътиборидан тушириб, олдинги ҳолига қайтаради. Бирма-  
бир айблари очилиб, гуноҳлари кўпайгандан кейин олдин мақ-  
таган киши энди уни ҳажв қиласди, дўсти душманга айланади.

Билгилки, оқил кишининг фазилатлари тарқалишига қараб  
жохилнинг ёмон ишлари ҳам худди шундай фош бўлиб боради.  
Ҳатто назардан қолган жохил ўз замонида беобру ва ёмон отлик-  
ка, кейингилар орасида гап-сўз ва зарбулмасалга айланади». Жо-  
бирдан келтирилган ривоятда Атоъ: «Бани Исроилда бир киши-  
нинг эшаги бўлиб, у: «Эй Раббим, эшагинг бўлганида, албатта  
уни эшагимга кўшиб боқардим», деди. Буни эшитиб, Аллоҳнинг  
анбиёларидан бири уни койиди. Аллоҳ таоло анбиёсига вахий  
юбориб: «Ҳар бир инсонга ақлига қараб ажр-савоб берилади»,  
деди. Муовия Калб қабиласидан бир кишини волийликка тайин-  
лади. (Калб – Яман арабларининг бир қабиласи. Муовиянинг  
хотини Майсум шу қабиладан бўлган. Калб ит маъносини  
ҳам беради. – тарж.) Бир куни мажусийлар ҳакида сўз очилган-  
да ҳалиги волий: «Аллоҳнинг лаънати бўлсинки, мажусийлар ўз  
оналарига уйланади. Аллоҳга қасамки, менга ўн минг дирҳам  
берилса ҳам, онамни никоҳлаб олмасдим», деди. Бу Муовия ро-  
зияллоҳу анхуга етиб боргандা: «Аллоҳ юзини тескари қилсин,  
биласизларми, агар айтганидан кўпроқ берилса, шу ишни қилар-  
кан-да», деди ва уни волийликдан бўшатиб, Робиъ ал-Омирийни  
Яманга волий қилиб жўнатди. Робиъ ал-Омирий ҳам ахмоқлиги  
ва бошқа бўлмагур қилиғи билан олдингидан қолишмасди. У ўл-  
дирилган итнинг қасоси учун ўлдириган итни ўлдиришга буюр-  
ган эди. Бу ҳақда шоир шундай деб шеър тўкиди:

*Аллоҳ ҳузурига бории ҳақдир шубҳасиз,  
Робиъ ал-Омирий ҳам аҳмоқ ва тентак-ку.  
Бир итнинг хуни учун итни ўлдиридики,  
Мусулмонларнинг итлари қонин зое кеткизмади у.*

(Шариатда хайвонлардан қасос олиш, деган гап йўқ. Омирий эса бир мусулмоннинг итини ўлдириб қўйган ғайридиннинг итини ўлдиритирди. Бу билан гўёки мусулмон итининг қони учун қасос олди. – тарж.)

Жоҳилнинг айбларига ҳад-чегара, ахмоқликнинг зиён-зарарига нихоя йўқ. Бир шоир деди:

*Ҳар бир дарднинг давоси бор, у билан тузатилгай,  
Аҳмоқлик давоси йўқ, даволайман деганни чарчатар.*

### ФАСЛ

**Ақл ва «ҳаво».** «Ҳаво» яхшиликдан тўсувчи ва ақлга ғов бўлувчидир. (араб тилида «ҳаво» сўзи пастга шўнгимоқ, севмоқ, хоҳламоқ, қизиқмоқ, интилмоқ ва мафтун бўлмоқ деган маъноларни билдиради. Бу сўз асли «ҳавон» дан олинган. «Ҳавон» хорлик ва тубанлик демакдир. – тарж.). Чунки «ҳаво» ёмон хулкларни кўпайтириб, фазоҳат (ярамас ва пасткаш) амалларни юзага чиқаради, мурувват пардасини йиртиб, ёмонликка йўл очади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху: «Ҳаво» Аллоҳни қўйиб, ибодат қилинадиган илоҳидир», деди ва: «(Эй Мұхаммад!) ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олганини кўрмадингми?» (Жосия сураси, 23-оят) оятини ўқиди. Икрима розияллоҳу анху: «Ҳа, лекин сизлар ўзингизни фитнага солдингиз, кўз тутдингиз» (Ҳадид сураси, 14-оят) оядидаги: «Фитнага солдингиз» ни шаҳватлар билан, «кўз тутдингиз» ни тавбани кечиктиридингиз деб, «шубҳаландингиз» ни Аллоҳнинг амри ҳакида деб, «хом хаёллар сизларни алдади» ни тавбани орқага суриш, «Аллоҳнинг амри келди» ни ўлим, «Сизларни Аллоҳ ҳакида алдаб қўйди» ни шайтон, деб тафсир қилди. Бир ривоятда Набий алайхиссалом: «Шаҳватга итоат этиш касаллик, унга итоат этмаслик даводир», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху деди: «Нафсларни шаҳватдан тийинг, чунки у жуда қизиқувчи ва ҳарис, охирги ёмонликкача етиб боради. Албатта ҳақ аччиқ ва оғир, ботил хатарли ва енгилдир. Гуноҳлар-



ни тарк этиш тавба муолажасидан яхшироқдир. Кўпинча бир марталик қарашиб шаҳватни «экади» ва бир соатлик шаҳват узок маҳзунликни келтириб чиқаради». Али ибн Абу Толиб розияллоху анху: «Сизлардаги икки нарсадан қўрқаман: «ҳаво» га эргашибиши ва орзу-ҳавасга берилиш. Чунки «ҳаво» ҳақдан тўсади, орзу-ҳавас охиратни унуттиради», деди. Шаъбий деди: «Ҳаво» нинг «ҳаво» дейилишига ўз соҳибини кулатиши сабаб бўлган». Бир аъробий: «Ҳаво» бу «ҳавон» дир, уни номлашда хатога йўл кўйилган», деди. Бир шоир буни олиб шундай деди:

«Ҳавон» дегани «ҳаво»дир, исми қалб қилинган,  
Агар хоҳлассанг, «ҳавон» га учрайсан!.

«Мансур ул ҳикам» да: «Ким «ҳаво» га итоат қилса, тақдир тизгинини душманига тутқазибди», дейилган. Доңишмандлардан бири: «Ақл гарид ҳолга тушган дўст, нафс эргаштирувчи душман-дир», деди. Улуғлардан бири: «Одамларнинг яхщиси «ҳаво» сига итоат этмайдигани ва ундан ҳам яхшироғи дунёдан юз ўтиргани-дир», деди. Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон шундай дейди:

Агар сен «ҳаво» нигга қарши бормасанг,  
Сенга қарши айтладиган гап-сўзга қўйгай.

Ибн ал-Мұтаз розияллоху анхунинг айтишича, Ҳишом ибн Абдулмалик мана шундан бошқа бирон байт айтмаган экан. Шоир деди:

Инсонни «ҳаво» си жиловлаб олганин кўрсанг,  
Бу ҳолига боласидан айрилган онаси йиғлар.  
У ўзидан бехабар душманларин кулдирур,  
У ҳақда маломатчиларга гап-сўз топилгай,  
Ўжар нафсни ҳой-ҳавасдан ақли расо қайтарур.

«Ҳаво» ғолиб келувчи ва ҳалокатга олиб борувчи бўлгач, ақлни унинг устидан мужоҳид кузатувчи қилинди. Бу мужоҳид кузатувчи «ҳаво» нинг ишларини мулоҳаза қилиб, тўсатдан қилган хужумларини қайтаради ва алдамчи ҳийаларини даф этади. «Ҳаво» нинг ҳукм ўтказиши кучли ва қувватли бўлиб, макр-ҳийалари йўли жуда маҳфийдир. Мана шу икки важҳдан

«ҳаво» ҳукмлари устидан ғолиб келгүнича оқил кишига ҳамроҳ килинди. Икки важхдан бири деганда «ҳаво» нинг ҳукм ўтказиш қуввати, бошқа бири деганда «ҳаво» нинг кўзга кўринмас макр-ҳийласини назарда тутаяпман. Аммо биринчи важх «ҳаво» ва шаҳватлар ақлни тўлиқ эгаллаб олмагунича ҳукм ўтказиши ва ундовлари кўплигига қараб кучли бўлмоғидир. Бас, «ҳаво» нинг ёмонликлари тобеъ қилинган ақлда кўзга ташланиб туришига қарамай уни тийиб қўйишдан чарчаб, ман этишга заифлик килади. Бу ҳол ёшларда кўпроқ, шаҳватлари бетийик ва уларни буйруқ берувчи «ҳаво» нинг хоҳиш-истаклари кўпроқ ром этганидан йигитларда кучлироқдир. Шунинг учун ёшликтин ёшларга узрли қилдилар. Мұҳаммад ибн Башир айтганидек:

*Ҳар бир киши ёшларнинг ҳар бир лаззатга  
Етиб боришида сабаб бор, деб ҳисоблар.*

Шунинг учун донишмандлардан бири: «Ҳаво» зулмкор подшо ва қаҳри қаттиқ ҳукмдордир», деди. Адиллардан бири: «Ҳаво» золимдир, ақл улфат тутилган дўстдир», деди. Шоирлардан бири шундай деган:

*Эй «ҳаво» ақлни мағлуб қилган оқил,  
Сенга не бўлди, ишларинг доим тескари.  
Ақлни «ҳаво»га асир қилиб қўяссанми,  
Аслида ақл унинг устида амир эмасми?*

«Ҳаво» ни тийишининг бирдан-бир йўли шуки, ақл манфур ва саркаш нафсни ёрдамга чақириб, «ҳаво» нинг оқибатида қаттиқ зарар, қабоҳат ва маъсиятлар кўплигидан огохлантириши керак. Набий алайҳиссалом: «Жаннат машакқатлар ва дўзах шаҳватлар билан ўраб қўйилган», дедилар. У зот жаннатга йўл машакқатларга сабр қилиш ва дўзахга йўл шаҳватларга эргашишда эканини хабар бердилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Нафсингизни шаҳватларга қул бўлишдан сақланглар. Албатта тез етиб келувчи шаҳват ёмон, кечроқ келувчиси хавфлидир. Агар бу хавфни кўрмас экансан, қанча огохлантириш ва кўрқитишга қарамай, унга эргашасан. Бас, рағбат ва умид қилишга қарамай, хо-

хиш-истагингни орқага сур. Дарҳақиқат, нафсда умид ва кўркув пайдо бўлса, унга итоат қилиб, эргашади». Ибн Саммок: «Ҳаво» нгни покла ва ақлингга ёрдам бер. Оқибати ёмон ишга қара. Нафсингни ундан четланишга ўргат. Албатта, нафснинг хоҳлагани касаллик ва хоҳлаганини тарк этиш муолажасидир. Касалдан кўрккандек давога сабр қилгин», деган. Бир шоир деди:

*Кунларга сабр қилдим, ўтиб кетгунга қадар,  
Нафсимни сабр-тоқатга мажбурладим мен.  
Нафсинг қандай бўлиши ийгитга боғлиқ,  
Агар нафсни умидлантирилса, интилар ҳар вақт,  
Акс ҳолда танбалга айланур албат.*

Агар нафс ўзига билдирилган «ҳаво» нинг оқибатларини ўйлаб ақлга бўйсунса, «ҳаво» ақл туфайли мағлуб бўлади ва нафсга тобе бўлади. Шуни деб у Холик зотнинг ажр-савоби ва маҳлуқлар мақтовига эришади. Аллоҳ таоло деди: **«Аммо кимки Парвар-дигорининг (хузурида) туриши ва (ҳисобот беришидан) кўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина (унга) жой бўлур»** (Нозиот сураси, 40-41-оятлар).

Ҳасан Басрий: «Жиҳоднинг афзали «ҳаво»га қарши жиҳод қилишдир», деди. Донишмандлардан бири: «Энг кучли одам аслида «ҳаво» га кул бўлишдан қутулган кишидир», деган. Улуғлардан бири: «Энг яхши одам қалбини шаҳватдан поклаб, Раббисига итоат этишда «ҳаво» сига қарши борувчиidir», деган. Адиллардан бири: «Ким шаҳватини ўлдирса, ўз мурувватини тирилтирибди», деди. Уламолардан бири айтади: «Аллоҳ фаришталарга аклни бериб, шаҳватни бермади. Ҳайвонларга шаҳватни бериб, ақлдан маҳрум қилди. Одам боласига эса ақлни ҳам, шаҳватни ҳам берди. Кимнинг ақли шаҳватидан устун келса, у фаришталардан афзалдир. Кимнинг шаҳвати ақлидан устун келса, у ҳайвонлардан тубанроқ». Бир донишманддан: «Одамларнинг шиҷоатлиси ва курашда ғолиб бўлишга лойиғи ким?», деб сўралди. У: «Роббисига итоат этиш учун «ҳаво» сига қарши бориб, кураш вақтида қалбини шаҳвоний ўй-хаёллардан сақлай олган кишидир», деб жавоб берди. Бир шоир деди:

«Ҳаво» га исён қилиб, ақл йўригига юрган,  
Ақлли ва эҳтиёткор киши ниятига эришгай.

Иккинчи важх – «ҳаво» ўз макрини билдири маслиги дидир. Ҳатто «ҳаво» ўз ишларини ақлга чиройли кўрсатиб, натижада ақл ёмон нарсани яхши, заарали нарсани фойдали, дейдиган бўлади. Бунга икки нарсадан бири ундаиди: ё нафснинг шунга мойиллиги. Бас, кучли шахват туфайли бир нарсани яхши, деган гумонга бориб, уни чиройли деб тасаввур этганидан нафс ёмон нарсани кўрмайди. Шунинг учун Набий алайхиссалом: «Бир нарсани ҳаддан ортиқ яхши кўриш сени кўр ва кар қилиб кўяди», дедилар. Яъни тўғриликни кўрсатмайди, панд-насиҳатни эшилтирмайди. Али розияллоҳу анху: «Ҳаво» кўрлиқдир», деди. Бир шоир шундай деди:

*Ҳар кўзга яхши кўргани чиройли эрур.*

Абдуллоҳ ибн Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб шундай деди:

*Ўзим яхши кўрган кишининг айблари,  
Агар ундан рози бўлсан, кўзимга кўринмас.  
Ризолик кўзи айбларни кўришидан ожиз,  
Аммо газаб кўзи айбларни ошкор айлар.*

Иккинчи сабаб шубҳали нарсани ажратишида фикрга оғир деб ҳисоблаш ва енгил бўлган нарсага эришишда роҳатни хоҳлашдир. Ҳатто икки ишдан енгилроғи яхши, оғирроғи ёмон, деб алданганидан енгилини ўз ишлари ичидаги энг мувоғифи ва ҳоллари ичидаги энг яхлиси, деб ўйлайди. Шунинг учун Омир ибн Зарив (**жоҳилияят донишмандларидан бири. – тарж.**): «Ҳаво» уйғоқ, ақл ухлагандир. Ана шунда ақл «ҳаво»дан енгилади», деди. Сулаймон ибн Ваҳб: «Ҳаво» ни итоатга келтириш оғир, бироқ бу ишда ақл ёрдам берувчи дидир», дейди. Ҳикматларда: «Ақл маслаҳат берувчи вазир, «ҳаво» шарманда қилувчи вакилдир», дейилган. Шоир деди:



Агар киши нафс истагин бажо айласа,  
Ботил нарсалардан уни тийиб қўймаса.  
Нафс унга гуноҳ эшикларини очар,  
Гуноҳ ва иснодни фоний лаззатни деб чақирап.

Биринчи сабабни бартараф этиш қалб амрини кўз назари устидан ҳакам қилишдир. Чунки кўз шахватга ундовчидир. Шахват эса «ҳаво» нинг хохиш-истаги, қалб эса ҳакка бошловчидир. Ҳак ақлнинг мақсад-муддаосидир. Бир донишманд деди: «Жоҳилнинг назари кўзи ва қарашида, оқилнинг назари қалби ва ақлидадир». Шундан сўнг нафс тўғри мулоҳаза юритиш ва ҳақни билиб олиш учун ўзи яхши кўрган савоб (тўғрилик) ва ўзи хоҳлаган нарсани чиройли бажариш борасида шубҳаланади. Негаки, ҳақни кўтариш оғир, уни қарор топтириш янада оғир.

Агар икки ишни қилиш оғир бўлса, киши ўзига маъқулидан воз кечиб, енгилини қолдиради. Чунки нафс ҳақдан кочувчи ва енгилликни маъқул кўрувчидир. Аббос ибн Абдулмутталиб: «Агар сенга бир вактда икки ишдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, ўзингга маъқулини олмай, қийинроғини ол», деди. Бунинг маъноси шуки, нафс ҳеч қачон оғир ишга шошилмайди. Аста-секинлик ва вакт ўтиши билан мужмал ишнинг зоҳири кўриниб, қийин тушуниладиган ишнинг тўғрилиги маълум бўлади. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу айтади: «Кимки фикр-мулоҳаза юритса, нафс енгил ва маҳбуб нарсага шошилади ва унга илдам етиб боради. Натижада ўз ишини адо этиш учун дикқат қилиб қарашга вакти бўлмайди ва моҳиятига етиб бориш унугилади. Бир ишни қилишдан олдин дикқат билан қараш керак, яъни вакт ўтиб бўлгандан кейин чиранишдан фойда йўқ». Донишмандлардан бири: «Ўзингдан юз ўтирган нарсага сен юзланма», деган. Шоир деди:

Ўтиб кетган нарса учун қайгурма асло,  
Қўлингдан келмайдиган ишни сўзлама.  
Агар ақл эгаси бўлса, бу нодонлик эмасми?

Улуғлардан бири «ҳаво» ҳолини ва у билан боғлиқ дунё ташвишларини таърифлаб шундай дебди: «Ҳаво» фитна ўчоғидир, дунё меҳнат-машаққат уйидир. Агар «ҳаво» ни тарқ этсанг, са-



ломат бўласан. Агар дунёдан юз ўтиранг, роҳат топасан. «Ҳаво» сени гўзал ва ёқимли ўйин-кулгулар туфайли алдаб қўймасин. Дунё ўткинчи матоҳлари билан йўлдан оздирмасин. Кайф-сафо вакти жуда оз. Дунё нимани берса, бир куни албатта уни қайтариб олади. Гуноҳлар ва ҳаром ишларинг сен билан қолади». Али ибн Абдуллоҳ ал-Жаъфарий айтади: «Каъбада тавоф пайти бир аёл:

*Лаззатлар мени мафтун этса ҳам,  
Дин муҳаббатини истайман албат.  
Мен учун дин ва лаззат хоҳими,  
Қандай қилиб бирга бўлсин?*

деб шеър айтаётганимни эшитиб: «Бу иккиси (дин ва дунё) кундош, хоҳласанг бирини олиб, бирини тарк эт», деди».

**«Ҳаво» ва шаҳват.** «Ҳаво» билан шаҳват сабаб ва натижа, маъно ва моҳиятда бир хилга ўхшаб кўринса-да, лекин бир-биридан фарки бор. «Ҳаво» фикр ва эътиқодларга хос, шаҳват роҳат ва лаззатларга эришиш учун интилиш демакдир. Шундай экан, шаҳват «ҳаво» нинг самарасидир. Шаҳват хосроқ, «ҳаво» асл ва омроқдир. Аллоҳдан «ҳаво» нинг чақиравчи – хоҳиш-истаклари йўлларидан бизни асраб, тавфикни раҳбар ва аклни йўл кўрсатувчи қилишини сўраймиз.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ваҳий юбориб шундай деди: «Аввал ўзингга насиҳат қил. Агар у фойда берса, ундан кейин одамларга насиҳат қил, акс ҳолда Мендан ҳаё қил». Мухаммад ибн Каноса айтади:

*Одобдан сўз очиб, унга қилмаган амал,  
«Ҳаво» дан нафсини тиймаган одобли эмас.  
Бир нарсани билиб, унга амал қилмагунча,  
Ва айбдан холи бўлмаса, одобли бўла олмас.  
Сўзамоннинг сўзи камдан-кам фойда берар,  
Агар унинг ишлари сўзига мувофиқ эмас.*

Бошқа бири деди:

*Эй ўзидан бошқага ақл ўргатувчи, эй нодон,  
Аввал ўзингга насиҳат қилсанг бўлмайдими?*



Беморга согайиши учун дори ич, дейсан,  
Холбуки, ўзингга қара, касал ва беморсан.  
Ўзингдан бошла, аввал нафс саркашигин қўй,  
Агар шундай қила олсанг, сен ҳакиқий табибсан.  
Шунда бошқага насиҳатинг айб саналмас,  
Сўзингга эргашиб, насиҳатинг мақбул бўлар.  
Ёмон амал қила туриб, қайтарма бошқаларни,  
Бундай қилиш сен учун уяту шармандалик.

Абу Фарванинг ҳикоя қилишича, Холид ибн Абдуллоҳ Қасрийнинг миршаббоиси Ториқ бир гурӯҳ аскарлар билан Ибн Шубруманинг олдидан ўтиб қолди. Шунда Ибн Шубрума:

Бундай дабдабаю асъасага ҳавас қилишса-да,  
Ёз булутлари каби тез ўтиб кетгувчи дир, – дея шеър ўқиди  
ва: «Эй Парвардигор! Менга динимни, уларга дунёсини бер»,  
деб дуо қилди.

Орадан унча кўп ўтмай Ибн Шубруманинг ўзи қозиликка таинланди. Бир куни ўғли Абу Бакр отасига: «Ториқ отликлар билан олдимиздан ўтганида нима деганингизни эслай оласизми?», деди. Отаси: «Эй ўғлим, улар отангга ўхшаганлар ҳолини яхши билади, аммо отанг уларнинг ҳолини билмайди. Отанг уларнинг ҳолваларидан еб, шу ҳолга тушиб қолди», деди.

Мана шундай тақводор ва фозил зотнинг ҳоли не бўлганига қаранг. Яна орадан ҳеч қанча ўтиб-ўтмай энг яқин кишиси, яъни меҳрибон фарзанди томонидан шу тарика таъна-маломатга қолди. Бизлар-чи, ундан кўра жиловимиз бўш, қалбимиз ташвишли ва безовта, маломатчиларнинг нигоҳи бизга қадалиб, тиллари нишонга олиб турган бўлса, Аллоҳ таолонинг тавфиқидан ўзга нажот ва паноҳидан ўзга паноҳ топа оламизми?



## ИККИНЧИ БОБ

### ИЛМ ОДОБИ

Билгилки, иштиёқмандлар қизиқадиган нарсанинг энг ша-рафлиси, изловчилар қаттиқ жидду жаҳд ила интиладиган нар-санинг энг афзали ҳамда инсон кўлга киритадиган ва ҳосил қи-ладиган нарсаларнинг фойдалиси илмдир. Чунки илм шарафи ўз эгасига фойда келтиради, унинг фазилати илм олувчи дара-жасини кўтариади. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай деди: «**Айтинг, биладиганлар билан билмайдиганлар баробарми?**» (Зумар сураси, 9-оят). Аллоҳ таоло илм фазилати фақат олим кишигагина хос бўлгани учун олим билан жоҳилни тенг кўрмади. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай дейди: «**(уларни) фақат олимларгина англайдилар**» (Зумар сураси, 9-оят). Шундай экан, мазкур оятда Аллоҳ таоло ўз амр ва қайтарикла-рини фақат олим кишигагина тушуниши ва англашини истисно услуби орқали билдириди.

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз дедилар: «Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳ таоло ваҳий юбориб деди: «Мен ўта би-лувчиман, билимлilarни яхши кўраман». Абу Умома ривоятида Пайғамбар алайҳиссаломдан бири олим ва яна бири обид – икки киши ҳақида сўралиганда: «Олимнинг обиддан афзаллиги сиз-ларнинг энг паст даражадаги кишидан афзаллигим кабидир», дедилар. Ҳазрати Али деди: «Инсонлар яхши бажарган ишлари билан таниладилар». «Мусъаб ибн Зубайр ўғлига деди: «Эй ўғ-лим, илм олгин. Агар молинг бўлса, у сенга кўрк-жамол, агар молинг бўлмаса, у сенга мол бўлади». Абдулмалик ибн Марвон ўғилларига шундай деб насиҳат қилди: «Эй болаларим, илм олинглар. Агар саййидлардан бўлсангиз, мартабангиз яна оша-ди, агар ўртаҳол бўлсангиз, саййид бўласиз. Агар оддий (авом) бўлсангиз, хорлик кўрмайсиз». Бир донишманд деди: «Илм қадри йўқ кишига шараф, одоб эса хатари йўқ молдир». Адиб-лардан бири деди: «Илм энг афзал мерос ва унга амал қилиш энг улут шарафдир». Улуғлардан бири деди: «Илм ўрган! Чунки



илм ёш пайтингда сени түғри йўлга бошлайди, улғайганингда тўрга ўтказиб, обрўйингни оширади, ёмон ва ярамас хулқингни ислоҳ қилиб, пишигади, душманингни ва ҳасад қилувчини тупроқка қоради. Агар эгри ва қийшиқ жойинг бўлса тузатиб, ғамташвишдан халос этади ва орзу-умидингни рўёбга чиқаради». Ҳазрати Али деди: «Ҳар бир кишининг қадр-қиммати қилган яхшилиги билан ўлчанади». Бу сўзни Халил олиб, назмга тизди:

*Улуг кииши пасткашдек бўлмас ҳеч қачон,  
Закий кииши ҳам нодон каби бўлмагай.  
Киши қадри у қилган яхшилик эрур,  
Бу ҳукмни имом Али келтиргандир.*

Илм фазилатини фақат жоҳилларгина англамас. Чунки бу фазилат илм туфайли билинади. Бу унинг энг юқори даражасидир. Жоҳиллар илм фазлига олиб борадиган илмни бой беришгач, уни унутиб қўйдилар, илм аҳлини назарларига илмай, уларни пасткаш ва хорга чиқардилар, топган мол-дунёлари ва нафслари хоҳлаган нарсаларни илм билан машғул бўлишдан афзал ва фойдали, деб ўйладилар. «Мансур-ул ҳикам» да Ибн Муътазз шундай деди: «Олим жоҳилни танийди, чунки у ўзи илгари жоҳил бўлган. Лекин жоҳил олимни танимайди, чунки у илгари олим бўлмаган». Бу асл ва тўғридир. Шунинг учун жоҳиллар илм ва илм аҳлидан зоҳидлар дунёдан қандай юз ўтиrsa, шундай юз ўгириб, қайсарлар қочганидек қочадилар. Чунки ким нимани билмаса, шуни ўзига душман тутади. Ибн Ланкака менга Абу Бакр ибн Дурайднинг мана бу шеърини айтиб берди:

*Жоҳилга айландинг илм ва аҳлини душман тутиб,  
Ким жоҳил бўлса, худди шундай йўл тутар.  
Ким бошлиқ бўлиб танилишини хоҳласа,  
«Билмайман», дейини ҳар доим ёмон кўрар,  
Ана шу иши туфайли ўзига кўп зиён етар.*

Бузругмехрдан илм афзалми ёки мол, деб сўралганда илм афзал, деб жавоб берди. Шунда: «Бизга не бўлдики, олимларни бойлар эшигига қўрамиз, лекин бойларни олимлар эшигига

кўрмаймиз?», дейилди. Бузругмехр: «Бу олимлар молниг фойдасини билиб, бойлар илм фазлидан бехабарлигидан», деди. Бир донишманддан: «Нима учун илм билан мол бир-бири билан келиша олмайди?», деб сўралди. Донишманд: «Илмнинг қадри молдан улуғлиги учун», деб жавоб берди. Менга бу замон ахлидан бирининг шеъри айтилди:

*Ўлимдан олдинги жоҳиллик аҳли учун ўлимдир,  
Ўйлаб кўрсанг, танаси қабрдан олдинги қабр.  
Илмсиз яшаган кишини қандай ўлик демайлик,  
Қиёматга қадар илмсиз киши тирик ҳисобланмас.*

Бир талаба таниқли олимнинг эшиги олдида туриб: «Бизга тишга ботмайдиган ва жонни қийнамайдиган нарсани садақа қилинглар», деб чақирди. Таом ва нафақа чиқариб олдига қўйиши. Шунда талаба: «Таомни эмас, сўзингизни хоҳлаб келган эдим. Олдингизга илмдан бошқа нарсани деб келмадим», деди. Шунда унга киришга рухсат берилди. У бу ердан барча саволларига жавоб олиб, шод ва хурсанд холда чиқа туриб: «Мавҳумликни очиб берадиган илм нафсни қондирадиган молдан яхшироқдир», деди.

### ИЛМНИНГ ҲАД-НИҲОЯСИ ЙЎҚ

Билғинки, ҳар бир илм шарафли ва ҳар бирининг ўзига хос фазилати бор. Бир кишининг ўзи ҳамма илмни тўлик эгаллаш иложи йўқ. Бир донишманддан: «Ким ҳамма илмларни билади?», деб сўралганда: «Ҳамма», деб жавоб берди. Ривоятга кўра, Пайгамбаримиз алайҳиссалом шундай дедилар: «Ким илмнинг ҳад-ниҳояси бор, деб ўйласа, ҳақини камайтирибди ва Аллоҳ васф қилган мартабасига қўймабди». Аллоҳ таоло деди: «Сизларга озгина илм берилгандир» (Исро сураси, 85-оят).

Олимлардан бири деди: «Агар илмни охирига етиш учун излаганимизда нақийса (кам жойи) дан бошлаган бўлардик. Лекин биз илмни ҳар куни билмаганимизни камайтириш ва илмимизни ошириш учун излаймиз». Олимлардан бири деди: «Илмга шўнгувчи денгизда сузувлига ўхшайди: ерни кўрмайди, на эни ва на бўйидан хабари йўқ». Ҳаммод ар-Ровияга: «Шунча илм



олиб тўймадингми?», дейилганда шундай жавоб берди: «Илм олишга бутун куч-кувватни берсак ҳам, унинг охирига етмадик. Биз худди шоир айтганига ўхшаймиз:

*Вақтики бир тогдан оишак, бошқа бир тоз кўринди.*

Рашид бу икки байтни Маҳдийдан бўлса керак, деб келтирди:

*Эй нафс, илм уммонига шўнеги, унга гарқ бўл,  
Бас, инсонлар икки тоифа: хос ва омм.  
Бу дунёда ҳеч нарсани тўлиқ эгаллаб бўлмас,  
Чунки олинажсак нарса ҳам, олувчи ҳам ноқис.*

Агар ҳамма илмларни билиш иложи бўлмаса, у ҳолда энг муҳимроғига эътибор бериш, энг авто ва афзали билан шуғулланиш керак. Илмлар ичida энг яхшиси ва афзали дин илмидир. Чунки инсонлар дин илмини билиш туфайли тўғри йўл топадилар ва уни билмаслик билан адашадилар. Чунки ибодатни адо этиш йўллари ва шартларини билмаган кишининг амали тўғри ва мақбул бўлмайди. Шунинг учун Пайғамбаримиз: «Илмнинг фазли ибодат фазлидан яхшироқдир», дедилар. Чунки илм ибодатга йўл кўрсатади. Ибодат қилувчининг у ҳакда етарли билими бўлмаса, ибодати ибодат ўрнига ўтмайди. Шунинг учун ҳар бир мукаллаф (**шариатда амр-қайтариқларни бажариш ёшига етган ақли расо киши. – тарж.**) дин илмини ўрганиши лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир», дедилар. Бу хадис тўғрисида икки хил таъвил бор. Биринчиси, билиш шарт бўлган ибодатлар илми. Иккинчиси, ҳамма илм билан шуғулланувчилар бўлмаса, ҳаммасини ўрганиш фарзи кифояга айланади. Аллоҳ таоло дин илмидан баъзисини ўрганишни фарзи айн ва ҳаммасини ўрганишни фарзи кифоя қилиб кўйди. Шунинг учун дин илми фарзи айн ва фарзи кифоя бўлмаган бошқа илмлардан афзал.

«Уларнинг ёппасига жангта чиқишилари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гурухидан бир тоифа чиқмайдими? (Қолганлари Пайғамбардан) динни ўрганиб, уларни қавми (жангдан) қайтиб келгач, гуноҳдан сакланиш учун огохлантирмайдилар



ми?» (Тавба сураси, 122-оят). Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилиб деди: «Расулуллоҳ алайҳиссалом масжидга кириб, бири Аллоҳ таолони зикр қилаётган ва яна бири фикҳни ўрганаётган икки жамоани кўриб: «Ҳар икки жамоада ҳам яхшилик бор. Аммо менга бири унисига қараганда суюклироқдир. Улардан бири Аллоҳ таолони зикр қилиб, ундан сўрайяпти. Агар У хоҳласа, беради, хоҳламаса бермайди. Яна бири фикҳни ўрганиб, билмаганга ўргатаяпти. Мен муаллим қилиб юборилдим», дедилар ва илм аҳлининг олдига бориб ўтирилар». Марвон ибн Жаноҳ Юнус ибн Майсарадан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз: «Яхшилик одат, ёмонлик эса лажажа (пайдо бўлиб йўқоладиган) дир. Аллоҳ кимга яхшилини хоҳласа, уни динда факиҳ қилиб қўяди», дедилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу келтирган ривоятда Пайғамбаримиз: «Умматимнинг яхшиси олимлардир. Олимлар ичida яхшиси факиҳларидир», дедилар.

Муъоз ибн Рифоъ Иброҳим ибн Абдураҳмон Адавийдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Бу илмни ҳар бир авлоддан одиллари эгаллаб етказади. Улар илмни ғулу кетувчиларнинг бузук талқини, бузғунчилар ўзгартириши ва жоҳиллар таъвилидан ҳимоя қиласди. Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз: «Халифаларим орқали менга келасизлар», дедилар. «Халифаларингиз кимлар?», деб сўрашди. Пайғамбаримиз: «Суннатимни тирилтириб, уни Аллоҳнинг бандаларига ўргатувчилар», дедилар. Хумайд розияллоҳу анҳу Анасадан ривоят қиласди: Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Динни ўрганиш ҳар бир муслимга фарздир. Отоҳ бўлингларки, илм олинглар ёки илм беринглар, факиҳ бўлинглар ва жоҳил ҳолларингизда ўлманглар!», Сулаймон ибн Ясор розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ таолога динда факиҳ бўлишдан кўра афзалрок ибодат йўқ. Бир факиҳ шайтонга минг обиддан ёмонроқдир. Ҳар бир нарсанинг устуни бор. Диннинг устуни фикҳдир», дедилар.



## ДИН ЖАМИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛАДИ

Баъзан динга лоқайд қарайдиган кимсалар ақлий илмларга ортиқча маҳлиё бўлишиб, динда буюрилган вазифаларни оғир, шариатдаги ибодат ва қайтариқларни машақкат, деб хисобланганлари учун ақлий илмларни фазилатга ҳаклироқ, олдинда туришга лойик, деб билдилар. Аслида бу тўғрида гапириш бу фасл доирасига кирмайди.

Соғлом ақл ва фикри теран кишида ҳеч қачон бундай бузук тушунчани кўрмайсан. Чунки ақл инсоннинг беҳуда ва бемаксад яратилганини ўз-ўзидан инкор этади. Бинобарин, юкорида зикр қилинган кимсалар ихтилоф ва тортишувга берилиб, ишлари уларни тафовут ва зиддиятга олиб боради. Шундай экан, инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, бирлаштириб турадиган диндан киши беҳожат эмас. Ақл динга эргашишни такозо этади ва унга тобедир. Агар фикри лойқа киши дин ақл учун зарурий нарса ва ақл дин учун асос эканини тасаввур қила олганида, албатта хатодан тийилиб, ҳаққа бўйсунарди. Лекин у нафсиға бепарво бўлиб адашади ва (бошқаларни ҳам) адаштиради.

## ДИН БИЛАН БОҒЛИҚ ИЛМЛАР

Динга тааллукли баъзи илмлар ҳам борки, улардан ҳар бирининг фазилатини Шофеъий раҳимаҳуллоҳ баён этиб, шундай деган: «Ким Куръонни ўрганса, унинг қадри ошади. Ким фикҳни ўрганса, қадр-қиймати юксалади. Ким ҳадисни ёзib қайд этса, хужжати кучли бўлади. Ким хисобни ўрганса, фикри тे-ранлашади. Ким тилни ўрганса, табиати мулойим бўлади. Ким нафсини тиймаса, олган илми унга фойда бермайди».

Умримга қасамки, нафсни тийиш фазилатлар асосидир. Чунки ўзига илм ато этган фазилат ва покдомон деб ўйлапшларига ишонганидан нафсини тиймаган кишидан илм фазилатини тортиб олинади, ножӯя қилиқ ва хатти-харкаглари туфайли уни ёмон отлик қилинади. Шунда бундай кимсага илм берган нарса вафо қилмайди. Чунки ёмон нарса яххисига қараганда тез тарқайди.



Разолат фазилатдан кўра ёйилганроқdir. Чунки инсон табиати ва феъл-авторидаги қабиҳлик, ҳасад ва ўзаро низолар туфайли яхшиликдан кўра кўпроқ ёмонликни кўрадилар. Шундай экан, яхшига инсоф қилиш йўқ ва ёмонни кечириш йўқ.

Айниқса, кимки илм туфайли танилиб, унга алоқаси бўлса, хатоси ўзига айтилмайди ва уни тузатилмайди. Ё бундай хатонинг ёмонлиги ва аксар қишилар унга алданиб қолганидан айтилмас. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Олимнинг хатоси чўкаётган кемага ўхшайди. Кема билан бирга кўпчилик ғарқ бўлади». Исо алайхиссаломдан: «Одамлардан энг адаштирувчироғи ким?», деб сўралди. Исо алайхиссалом: «Хато қилувчи олим. Агар олим қиши хато қилса, бу хато туфайли кўпчилик ҳалок бўлади», дедилар. Бу бир жиҳати.

Иккинчидан, жоҳиллар олимдан пешқадамлик фазилатини тортиб олиш ва алоҳида хосланиб туришидан уни маҳрум этиш учун ёмонлаб, айблашга ҳарис ва мойилдирлар. Буни билмаганларига ўжарлик қилган ва олимни хосланиб турганига ғазабланган ҳолда қиласидилар. Чунки жоҳил илмни такаллуф ва маломат деб ўйлайди. Олим жоҳилликни қолоқлик ва ёмонлик, деб ўйлаганидек. Рабийъдан имом Шофеъий розияллоҳу анхунинг шеъри ўқилди:

*Аҳмоқнинг фақиҳдан фарқини билмоқчи бўлсанг,  
Фақиҳнинг аҳмоққа қиёсан тутган даражасидек.  
Буниси унисига яқинлашиб кела олмас ҳеч,  
Унисида бунисидан юз ўғириш янада кўпроқ.  
Қачон аҳмоқда бадбаҳтлик голиб келса,  
Фақиҳга қарши чиқшида қаттиқ чиранар.*

Яҳё ибн Холид ўғлига деди: «Ҳар бир илмни қолдирмай ўрган. Чунки қишига билмаган нарсаси душмандир. Илмдан бирор нарсанинг душмани бўлишингни хоҳламайман», деб шеър айтди:

*Маҳорат кўрсат ва бирон илмни қолдирма,  
Илм қишиси ҳар бир соҳада устун бўлур.  
Сен билмайдиган нарса ўзингга душман,  
Аммо сенга яхши билган нарсанг ошнодир.*



Агар илм эгаси ўз нафсини хақиқатда тийиб, унга лозим ишни қила олса, дўйстларининг маломати ва душманлари таҳ-киридан сақланади. Шунда илм фазилат устига гўзал ҳимоя ва поклик иззатини жамлайди ва ўз фазилатлари туфайли ҳақли бўлган мартабага эришади. Абу Дардо ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари-дир», дедилар. Чунки пайғамбарлар динор ва на дирҳамни ме-рос қолдирмади, балки илмни мерос қолдиришди. Абу Хурай-ра розияллоҳу анху ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «На-бийларнинг олимлардан икки даража ортиқ фазли бор, олим-ларнинг шаҳидлардан бир даража ортиқ фазли бор», дедилар. Улуғлардан бири: «Шариат ахлини улуғлашинг шариатдандир ва бир яхши ишни охирига етказишинг яхшиликдандир», деди.

Демак, ўз фатонатига суюниб, фазилатларни яхши ва разо-латларни ёмон, деган хulosага келган киши ўзидан жоҳиллик разолатини илм фазилатлари ва лоқайдлик ғафлатини риёзат ўйғоқлиги билан кетказиши керак. Шунингдек, фазлини тан оловучи ва фойдасига ишонувчи қизиққанидек илмга қизиқиши, молу давлати, обрў-эътибори ва на мартабаси улуғлиги уни илм излашдан тўсиб қўймаслиги лозим. Кимнинг обрў-эътибори ошса, у илмга янада мухтожроқ, бошқалардан кўра илм олишга ҳақлироқ бўлиб қолади. Анас ибн Молик ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Албатта ҳикмат обрўли кишининг хурматини оширади ва қулни кўтариб, подшоҳлар мажлисида ўтиради-ган қиласди», дедилар. Адиблардан бири деди: «Илмдан кувват олмайдиган азизлик хорликдир ва акл ёрдам бермайдиган илм адапшишдир». Салаф олимлардан бири: «Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни хоҳласа, илмни подшоҳларига бериб, уларни уламо-лари даврасига ўтқизади», деди. Улуғлардан бири айтди: «Илм подшоҳлар ҳимоячисидир. Чунки илм уларни зулм қилишдан тўсиб, ҳалимликка йўллайди ва озор беришдан саклаб, раиятига меҳрибон қилиб қўяди».

Шунинг учун илм хақини таниб, илм ахлига ҳомийлик қи-лиш подшоҳлар бурчидир. Аммо мол ўтиб кетадиган соя ва қай-тарилгувчи ижарадир. Шунинг учун молнинг кўплигига фази-лат йўқ. Агар молда фазилат бўлганида Аллоҳ таоло танлаган

пайғамбарлари ва нубувватига сайлаган набийларига беҳисоб бойликни бериб қўярди. Дарҳакиқат, Аллоҳнинг аксар анбиёлари мукаррам ва фазилатли қилиб қўйилганига қарамай фақирона ҳаёт кечириб, кифоя қилгудек нарсага ҳам эга бўлишмаган, ҳатто фақирликда бошқаларга ибрат ва намуна тимсолига айландилар. Бухтарий айтди:

*Фақирлик набийлар фақирлигига ўхшар,  
Ғариблик ва ишқ уларнинг синови эрур,  
Синов-имтиҳонлар ҳеч бир хил бўлмас.*

Молда фазилат йўқлиги учун Аллоҳ уни коғирга бериб, мўминга бермади. Шоир айтди:

*Қанча коғирлар бор, гам-ташвиши ўйқ,  
Бироқ унинг моли ҳар дам кўпайиб борар.  
Бир дирҳамдан маҳрумдир қанча мўминлар,  
Шу ҳолига қарамай иймони ошиб борар.  
Эй замон ва унинг ишларига айб тақувчи,  
Сен замонингни айблашдан бўшамадинг.  
Билгинки, замон буйруққа бўйсунувчидир,  
Унинг устида ҳам буйруқ берувчиси бор,  
Замон унинг буйругига қараб боради ўтиб.*

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу илм билан мол ўргасидаги фазилатни баён қилиб айтди: «Илм молдан яхшироқдир. Илм сени кўриқласа, сен молни кўриқлайсан. Илм ҳоким, мол эса маҳкумдир. Молни йиғувчилар ўлади, илмни йиғувчилар боқий қолади. Илм йиғувчилар оламдан ўтса ҳам, қалбларда зикри саклади». Олимларнинг биридан: «Мол афзалми ёки илм?», деб сўралди. У: «Бунинг жавоби шуки, мол афзалми ёки ақл?», деди. Солих ибн Абдулкудус деди:

*Одамлар ичида бой, деб мақталишини  
Ёқтирган кишида яхшилик ўйқ.*

Баъзан инсон ёшлигига вақтни бой бериб, ёши ўтганда илм олишга уялади ва жоҳиллик тамғага рози бўлади ва уни илм



олишдан устун кўяди. Бу айни нодонлик ғуури ва дангасалик алдовидир. Чунки илмни фазилат деб тан олсак, ёши катталар унга кўпроқ қизиқиши керак. Бир фазилатни бошлиш ҳам фазилатдир. Илм олувчи қария бўлиш жоҳил қария бўлишдан яхши-ку. Ҳикоя килинишича, донишмандлардан бири кизиқса ҳам, лекин илм олишга уяладиган кекса кишига шундай деб насиҳат килди: «Эй фалончи, умринг охирида аввалида бўлганидан кўра афзал бўлишдан уяляйсанми?».

Нақл этилишича, Иброҳим ибн Маҳдий Маъмун хузурига кириб, фикҳ ҳақида сұхбат қуриб ўтирган бир жамоани кўрди. Маъмун: «Эй амаки, анавилар айтотган илм ҳақида нима дейсиз?», деди. Иброҳим деди: «Эй амирал мўминин, ёшлигимизда бизларни машғул қилдилар, ёшимиз ўтганда ўзимиз машғул бўлиб колдик». Шунда Маъмун: «Нима учун энди илм олмаяпсиз?», деди. У: «Менга ўхшаган қарияга илм олиш ярападими?», деди. Маъмун: «Ха, Аллоҳга қасамки, илм ўрганаётган ҳолда вафот этиш жоҳилликка рози бўлиб яшашдан яхшироқдир», деди. У: «Қачонгача илм олиш менга ярапади?», деди. Маъмун айтди: «Аллоҳ қанча умр берса. Чунки ёшлик узрлидир, агар жоҳилликка узр бўлмаса ҳам. Албатта ёшликтинг бепарволик муддати узоқ бўлмайди ва унинг бепарво кунлари ҳам давомли эмас». «Мансур-ул ҳикам» да: «Ёшнинг нодонлиги узрли ва унинг илми ўйиб ёзилган нақш кабидир. Аммо кексанинг жоҳил бўлиши ёмон ва айб-нуқсони жуда уятдир. Чунки кексалик унга фазилат бағищламаса ва илми фойда бермаса, унинг кунлари нодонлиқда ўтаётган ва фазилатдан холи бўлса, ёш ундан афзалдир. Чунки ёшдан умид кўпроқ, ундаги орзу амалга ошиш эҳтимоли якинроқ?! Жоҳилликда ёш ва кекса баробар бўлиб қолса, ёшни кексадан афзал деб қаралади. Кексанинг мана шу нуқсони ибрат олишингга етарлидир». Адиблардан бирига шеър айтилди:

*Агар ийлар ўтиши инсон фазлини намоён этмаса,  
 Ёш бола деб атайвер ҳеч ўйлаб ўтирмасдан.  
 Йиллар фойда бермас, уни санаган пайтинг,  
 На илм ва на фазлини ўзлаштирмаган бўлсанг.  
 Замон ҳам аслида феъл-автор ёмонлигидан*

*Хар бир жоҳил кишига мойилдек туюлар,  
Худди замонда ҳам жоҳиллик хислати бордек.*

Баъзан моддий имкон йўқлигидан илм олинмайди ва тириклик илм излашдан тўсиб қўяди. Гарчи бундай киши бошқага караганда узрлироқ бўлса-да. Баъзан бу ҳолат очкўз, нуқсонли ва орзу-ҳавас қулига айланган кишиларда кўпроқ учрайди. Шундай экан, бундай киши илм олиш учун ўз вақтидан бир қисмини ажратиши керак. Чунки куну тунни, яъни бутун умрини тириклик ташвишида ўтказиш тўғри эмас. Балки истироҳат ва дам олишга ҳам вақт ажратиши керак. Ким бутун вақти ва кучкувватини тирикликка сарфлаб, шу билан овора бўлиб қолса, у дунё қули ва ҳирс асиридир. Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайхиссалом: «Ҳар бир нарсанинг бўш вақти бор. Ким бўш вақтини илмга сарфласа, нажот топибди», дедилар.

Яна Расулуллоҳ алайхиссалом дедилар: «Солиҳ олим бўлинглар. Агар солиҳ олим бўла олмасанглар, олимлар билан ўтиринглар ва сизларни хидоятга олиб борадиган ва ҳалокатдан кутқарадиган илмга қулоқ тутинглар». Олимлардан бири: «Ким илмни яхши кўрса, уни шу илм фазилатлари ўраб олади», деди. Донишманлардан бири деди: «Кимда-ким олимлар билан дўстлашса, улуғланади. Кимда-ким ахмоқлар билан ўтирса, назардан қолади».

Баъзан илм олиш қийин ва унинг охирига етиб бўлмайди, деган шубҳа кишини илм излашдан тўсади, зеҳни пастлиги ва хотираси сустлиги панд беришидан кўркади. Бундай шубҳа калтафаҳм кишилар баҳонаси ва ожиз кишилар кўркувидир. Чунки синааб кўрмай туриб хабар бериш нодонлик, амалда синааб кўришдан олдин кўрқиши ожизлиқдир. Шоир айтди:

*Албатта бир ишни қилишидан қўрқсанг,  
Кўрқоқликдан умидсизлик юзага чиқар.*

Бир киши Абу Хурайра розияллоҳу анхуга: «Илм олишни хоҳлайману, аммо уни зое кетказишдан кўрқаман», деди. У киши: «Илм олмаслигинг зое кетказиш эмасми?», деб жавоб берди.

Агар зеҳнлар фазилатда бир-биридан устун бўлиб, фаросат бир-биридан фарқланса ҳам, зеҳн ва фаросат камдан-кам одам-



да бўлишини эътиборга олиб, оз нарсага эришганидан ноумид бўлмаслиги лозим. Чунки у оз нарса туфайли жоҳиллик ҳадидан олимликнинг энг паст даражасига кўтарилади. Чунки юмшоқ бўлишига қарамай, сув қаттиқ тошни тешганини кўрмаганмисиз? Шундай экан, кўпаювчи илм қаттиқ истаб турган нафста ва холис талаб қилувчига қандай таъсир қиласин? Айниқса, илм талаб қилувчининг ёрдам берувчиси ва қўллаб-куватловчиси бўлса. Набий алайхиссалом: «Фаришталар илм талабида юрган кишидан рози бўлиб, унинг йўлига қанотларини тўшайди», дедилар.

Баъзан аҳмоқ кишини оила ташвиши ва ишлари кўпайиши илм олишдан тўсади. Ҳатто илм йўлидан чекинишга мажбурлаб, маҳрумлик даражасига етказади. Агар сиёҳдонни кўрса, кўнгли айниб, бурун жийиради, мабодо китобни кўрса, кўлига олиб-олмай ундан юз буради. Агар бирон илмли кишига дуч келиб қолса, тезроқ олдидан кетиш пайида бўлиб туради. Худди олимни ҳеч қачон омадли ва жоҳилни ҳеч қачон омадсиз ҳолда кўрмагандек.

Ҳақиқатда мен ҳам мана шунга ўхшаган бир жамоани кўрдим. Ҳар доим ёнимда олиб юрадиган китоб билан сиёҳдоними ни уларга малол келмасин деб яширишга уринардим. Агар улардан узокроқ бўлишимда яхшилик билан фойдани, якин бўлишимда зарар билан зиённи кўрсам ҳам. Бузругмехр: «Қалбдаги жаҳолат худди ерга томиб, атрофини бузаётган сувга ўхшайди. Лекин Абу Ашъас Абу Усмондан, Абу Усмон Совбондан, у Набий алайхиссаломдан: «Инсонларга хулкларида аралашинглар, амалларида уларга ўхшаманглар», деб келтирган ҳадисга муовофик улар билан бирга бўлардим. Шунинг учун улуғлардан бири айтди: «Кўпинча жоҳилликка қараб илмимни эҳтиёт қилдим, аҳмоқликка қараб ҳилмни ҳимоя қилдим». Бу нодон тоифанинг тузалиши ва нажот топишига умид йўқ. Чунки илм олишни ўзиға айб ва уни тарк этишни зийнат, илмсизлик учун омадли икбол, илм учун эса омадсизлик бор, деб ишонадиган киши қаттиқ адашади ва хаётда тўғри йўл топиши маҳолдир. Бундай киши Али розияллоҳу анҳу айтган ҳалок бўлувчи бешинчи киши-



дир: «Олим бўл, ё илм олувчи бўл, ё тингловчи бўл, ё уларни яхши кўрувчи бўл. Лекин асло бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан». Бу ҳадисни Холидул Ҳуззо Абдураҳмон ибн Бакрадан, у Набий алайҳиссаломдан санад билан ривоят қилиб келтиради. Бу ҳолдаги кишини маломат қилишдан фойда йўқ ва бир хисобда тузалиб қолар, деб умид қилмаслик ҳам яхши. Бузругмехрга: «Сизларга не бўлдики, жоҳилларга танбех бермайсизлар?», дейилди. У: «Албатта кўрларни кўришга ва карларни эшлишига мажбурлай олмаймиз», деди.

### ЖОҲИЛЛАР АҚЛ ЭГАЛАРИГА ДУШМАН

Илмдан мана шу тариқа юз ўгириб қочадиган, қайсарлик қилиб, илм ахлидан бўйин товладиган бу тоифа ақлни шу тарзда кўриб, ақлли кишилардан ўзини тортади. Энг ёмони, улар ақлли кишининг ризқини кам ва аҳмоқнинг ризқини кўп деб ўйлади. Илм ва ақл тўғрисида бундай қаращда бўлиш унинг адашганини билдиради. Айтинг-чи, у яхшиликка аҳл ва фазилатга эга бўла оладими? Улуғлардан бири деди: «Инсонларнинг энг ёмони яхшилик ва ёмонликни баробар кўрувчиdir». Бунга улар оқил кишини бенасиб ва олимни ризқдан маҳрум, деб илм ва ақл насиба ва ризқини камайтиради, деб ўйлашлари сабаб бўлади. Аммо ҳаётда кўп аҳмоқларнинг ризқ-насибадан маҳрумлиги ва кўп жоҳилларнинг омади чопмасдан яшаётганига қарамайди. Чунки олим ва оқиллар кам ва ноёб бўлишса-да, лекин фазилатлари отнинг қашқасидек кўзга ташланиб туради. Шунинг учун жоҳиллар кўплиги учун олимлар ғарib (камёб) дир, дейилган.

Агар олимларнинг фазилат белгиси намоён бўлишига баъзиларининг насибалари кам бўлиши ҳам кўшилса, уларга алоҳида ишора қилиниб, ажратиб кўрсатилади. Натижада улар қайсарлар ишораси ва ичи қоралар имоси нишонига айланади. Жоҳил ва аҳмоқлар ҳамма замонда кўплиги учун билинмайди ва хосланиб турган олимларга каралмайди. Жоҳил ва аҳмоқларнинг илмдан маҳрумлигига айловчي эътибор бермайди ва жоҳил





холда яшаётганини ўйланмайди. Шунинг учун ризқи кенг жоҳил, факир ва мухтожликни жоҳиллик ва ахмоқликка эмас, илм ва ақлга хос, деб адашади.

Аслида озлигига қарамай, олимлар ва оқиллар ҳолини кузатсанг, албатта кўплари омадли, кўплигига қарамай, аксар жоҳил ва ахмоқлар маҳрум ва омадсиз эканига гувоҳ бўласан. Лекин аҳмоқ ва жоҳилларнинг омадлилари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Чунки унинг ризқ-насибаси ажабланарли ва омади ғаройибдир. Худди илмли оқил кишининг маҳрумлиги кам ва кам бағаллиги ажиб бўлганидек, ўтган замонларда одамлар ундан ибрат олардилар. Бузругмехрдан: «Қайси нарса ажойиб?», деб сўралди. У: «Жоҳилнинг омади ва оқилнинг омадсизлиги. Лекин ризқ илм ва ақлга эмас, балки насиба ва ҳаракатга боғлик. Лекин бунда Аллоҳ таолонинг Ўз қудрати ва хошиш-иродасига кўра ҳар бир ишни жорий этишига далолат этадиган ҳикмат мавжуд». Донишмандлар дедилар: «Агар ризқ ақлларга яраша тақсимланганда, албатта чорвалар нобуд бўларди». Буни Абу Таммом ат-Тоий шундай деб назмга тизди:

*Йигит жоҳил бўлса ҳам, кўп нарсага эришар,  
Яна бири олим бўлса-да, зўрга кун кўрар.  
Агар ризқлар ақлга қараб берилганида,  
Ақли йўқ чорвалар тўлиқ нобуд бўлар.*

Каъб ибн Зухайр ибн Абу Сулмо деди:

*Агар бирор нарсадан ажаблансан,  
Тақдир не битганин билмаган ҳолда  
Йигитнинг саъй-ҳаракатидан ажабланардим.  
Йигит иложи йўқ ишлар учун уринди қанча,  
Ахир жон битта, орзу-ҳаваслар эса кўп,  
Албатта илм ва ақл баҳт-саодатдир.*

Албатта, илм ва ақл баҳт ва омаддир, агар шу иккиси туфайли мол озайиб, ҳоли ночор бўлса ҳам. Жоҳиллик ва ахмоқлик маҳрумлик ва омадсизликдир, агар шу туфайли мол кўпайиб, ризқ кенгайса ҳам. Чунки баҳт ва омадни молнинг кўплигига боғлик деб қара-



маслик керак. Ҳаётда моли кўп қанча баҳтсиз бойлар бор ва моли йўқ қанча баҳтли камбағаллар бор. Жоҳил бойни қанақасига баҳтли деб бўлади, ахир жоҳиллиги уни пастга туширса? Камбағал олимни қанақасига баҳтсиз деб бўлади, илм уни юқорига кўтарса?

«Мансур-ул хикам» да: «Қанча-қанча хорлар борки, уни илми азизу мукаррам қилиб қўйибди, қанча-қанча азизлар борки, уни жоҳиллиги хор ва забун қилиб қўйибди», дейилган. Абдуллоҳ ибн Мұтазз деди: «Жоҳилнинг неъмати ҳожатхона устидаги боғчага ўхшайди». Бир донишманд айтди: «Жоҳилнинг неъмати кўпайиб боргани сари ёмонлиги ҳам кўпайиб боради». Бир олим ўғилларига шундай деб насиҳат килди: «Эй ўғилларим, илм олинглар. Агар илм туфайли дунёдан бирон нарсага эришмасангиз ҳам. Менга сизлар учун замон ёмон бўлиши сизлар туфайли унинг ёмон бўлишидан яхшироқдир». Адиблардан бири деди: «Ким илми билан молга эришмаса, у туфайли жамол-кўркка эришади». Бир адид Ибни Табитобонинг мана бу шеърини ўқиди:

Қалби касал ҳасадчи дардин яширап,  
 Олдимда гамиимга ҳамдардлик изҳор этиб.  
 Илм олишга чиққаним учун маломат қиласар,  
 Ровийлардан илмларни тўплашим кўриб.  
 Ўрганарман сўзларни эскисию кўркамин  
 Олганиларимдан энг сарасин ёдлайман.  
 Илм бойлик келтирмас, дея даъво қиласар у,  
 Ёмон жоҳиллик билан гумонларини безар.  
 Эй маломат қилувчи, мени ўз ҳолимга қўй,  
 Қадру баҳомни оширай, шу менга яхшироқ,  
 Ҳар бир инсон қиймати яхшилигига боғлиқ.

Мен Аллоҳдан жоҳилликнинг хорловчи алдовлари, аҳмокликнинг адаштирувчи хатоларидан паноҳ сўрайман, хато қилган кишига тўғри йўлни кўрсатувчи акл ва адашган кишига тўғри йўлни топишда ёрдам берувчи илмга эришиш баҳтини сўрайман. Ривоят килинадики, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Агар Аллоҳ бир бандани хорламоқчи бўлса, уни илмдан маҳрум қилиб қўяди», дедилар. Илмни истамаган киши унга қизиқмоғи, илмга қизиккан киши



уни изламоғи ва илм излаган киши уни кўпайтиromoғи ва илми-ни кўпайтирган киши унга амал қилмоғи лозим. Аммо илмни тарк қилиш учун баҳона ва ўзи айбдор бўла туриб илм олишга узр изламаслиги лозим. Шоир деган эди:

*Мендан узр сўраманг ёмонлик борасида  
Энг ёмон киши уни қилиб, узр сўраганидир.*

Яна киши ўзига ёлғон ваъдалар бериб, илм олишни орқага сурмасин ва давом этиб турган илм олишини тўхтатиш билан орзу-хаёлга берилмасин. Чунки ҳар бир вактнинг ўз машғуллиги ва ҳар бир замоннинг узр-баҳонаси бор. Яна бир шоир деди:

*Эртаю кеч елиб-югурамиз тирикчилик деб,  
Тирик жон борки, ҳожатлари асло тугамас.  
Чунки у бир умр ҳамроҳдир, ўлгунга қадар,  
Модомики тирик экан, ҳожат асло тарк этмас.*

Яна илм олувчи Аллоҳ таоло осон қилишига ишониб, Унинг ризосини истаб холис ният ва чин қатъият билан илм изламоғи лозим. Набий алайҳиссаломдан шундай деганлари ривоят қилинди: «Ким Аллоҳдан бошқаси учун илм ўрганса ва Аллоҳдан бошқасини ирова этса, ўрнини дўзахдан тайёрлаб кўяверсин». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломнинг: «Илм кўтарилимасдан олдин илм олинглар. Илмнинг кўтарилиши илм аҳлининг ўтиб кетмоғидир. Чунки сизлардан биронтангиз қачон илмга муҳтож бўлишини ёки ўзидаги илмга қачон муҳтож бўлинишини билмайди», деганларини ривоят қилган.

Илмни талашиб-тортишиш ва риё мақсадида ўрганишдан ҳазар қилсин. Чунки илм билан тортишувчи фойдаси йўқ ортиқча кишидир ва илм туфайли риё килган киши тубан ва пасткашдир. Ривоят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Илмни ахмоклар билан тортишиш учун ҳам, олимлар билан баҳслashiш учун ҳам ўрганманглар. Ким шундай килса, дўзах унинг жойидир», дедилар. Илмда тотишувчи тўғриликни истаб мунозара қилувчи эмас. балки у ўзига қарши қўйилган тўғри ва нотўғри фикрни даф этишни қасд қилувчидир. Шундай кишилар ҳакида



Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ҳадис нақл этилган: «Фақат муноғиқ ёки динда шубҳа килувчигина талашиб-тортишади». Имом Авзойй деди: «Аллоҳ таоло бир қавмга ёмонликни ирова қилса, баҳс-мунозара килувчини бериб, ўзларини амал қилишдан тўсиб қўяди». Риёший Мусъаб ибн Абдуллоҳга шеър ўқиди:

*Ҳар бир шубҳачи қарши чиқувчи билан тортишиб,  
Унинг динини ўз динимга гараз қиласман.  
Бошқанинг фикрига билганимни чогиштираман,  
Чунки фикр яқийн илмдек бўла олмас.  
Нима керак хусумат қилиб, ундан фойда йўқ,  
Қасамки, у ўнгга ва чапга ҳам огувчи нарса.  
Бас, билган нарсам ҳақиқатда менга кифоя қилур,  
Аммо билмаганимдан мени четлатинглар.*

Олимлардан бири тортишиш нималигини тушунтириб, дўстига шундай деди: «Ортиқча баҳс-мунозарадан сақланиш сени чиройли баҳс-мунозарадан тўсиб қўймасин. Чунки тортишадиган кишидан бирон киши илм олишни хоҳламайди ва ўзининг ҳам илм олишига умид йўқ».

Билгинки, ҳар бир талаб этилган нарсанинг сабаби бўлиб, у иккитадир: рағбат ёки хавф. Шундай экан, илм оловчи ҳам рағбат, ҳам хавфда бўлсин. Аммо рағбат Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қилувчилар ва буюрган фарзларини адо этувчиларга берилажак ажр-савобга қизиқишидир. Аммо хавф Аллоҳнинг буйруқларини тарқ этувчи ва қайтариқларига бепарво бўлувчиларга берилажак азобдан қўрқишидир. Агар рағбат ва раҳбат бир жойда жамланса, илмнинг моҳияти ва зуҳднинг ҳақиқатига етказади. Чунки рағбат илмга икки ундовчининг кучлироғи ва хавф зуҳддаги икки сабабнинг энг кучлироғидир. Дошишмандлар айтади: «Илмнинг асли рағбат, унинг самараси саодатdir. Зуҳднинг асли хавф, унинг самараси ибодатdir».

Агар зуҳд билан илм ўзаро бирлашса, саодат тўлиқ бўлиб, фазилат мукаммал бўлади. Агар бир-биридан ажралса, иккисининг ҳам ҳолига вой бўлсин. Зуҳд ва илмнинг бир-биридан ажralиши қандаям зарарли ва алоҳида бўлиши қандаям ёмон. Ри-



воят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Кимнинг илмда рушди кўпайиб, дунёда зуҳди кўпаймаса, фақат Аллоҳдан узоқлашиши зиёда бўлибди», дедилар. Молик ибн Дийнор деди: «Ким дунёдан тиядиган илмни олмаган бўлса, олган илми унга фойда бермабди». Донишмандлардан бири деди: «Тақвоси йўқ факих хонани ёритиб, ўзини ёқадиган чироқка ўхшайди».

### ТАЪЛИМ ҲАҚИДА ФАСЛ

Билгинки, илмларнинг охирига олиб борадиган боши бўлганидек, моҳиятига йўл очадиган муқаддимаси ҳам бор. Илм олувчи илмнинг охирига етиш учун дастлаб уни бошидан бошласин ва моҳиятини тушуниш учун муқаддимасини ўргансин. Бироқ у бошини колдириб, зинхор охиридан бошламасин ва муқаддимани ўрганмай моҳиятига етишга уринмасин. Бас, шундай йўл тутса, илмнинг охирига етиб бора олмайди ва моҳиятини англамайди. Чунки иморат пойdevорсиз қурилганини ва мева ниҳолсиз терилганини ҳеч ким кўрган эмас. Бунинг учун бузувчи сабаблар ва заиф баҳоналар бор:

**Шундай сабаблардан бири** кишида илмнинг бирон турига хосланадиган мақсадлар бўлишидир. Ана шу мақсад илм олувчини шу турдаги илмни ўрганишга қизиктириб, унинг аввалидан бошлашдан чалғитади. Бундай киши қозиликни танлаб, ҳукм чиқаришга бел боғлаган кишидек фикҳ илмидан бирданига қозилик одоби ва унга тааллукли даъвою ҳужжатларни ўрганишга киришади ёки гувоҳлик бериш билан танилишга қизиққанидан энг керакли нарсани билмаслиги ошкор бўлиб қолмаслиги учун шаҳодат китобини ўқиб-ўрганади. Агар у мақсадига эришса, ўзини бу илмдан кўпини эгаллаб, энг машҳурига эришдим, деб ўйлади. У шундан қолган қисмини ўрганишни қийин ва унинг тубигача етишни иложсиз нарса, деб ўйлади. Бунга ўрганиши керак бўлган нарсага қизиқмаслиги ва тарқ қилган нарсадан юз ўгириши сабаб бўлади. Агар у ўз-ўзига насиҳат қилганида, албатта тарқ этилгани эришганидан муҳимроқлигини биларди. Чунки ҳар бир илм бир-бирига боғлиқ, ундаги ҳар бир боб ўзидан олдинги бобнинг давомидир. Демак, ҳар бир илмнинг охири факат аввалги қисми,



яъни бошини ўрганиш орқали эгалланади. Баъзан аввалгиси ўз-ўзича барпо бўлиши тўғри бўлса-да, уни қолдириб, охиридан ўрганишни бошлаш аввали ва охирини тарк этиш демакдир. Шундай қилган киши маломатдан қутулмайди ва гарчи ҳамма илмни тарк этувчи бундан-да маломатга лойиқроқ бўлса ҳам.

**Шундай сабаблардан яна бири** илм туфайли машҳур бўлишни яхши кўришдир. Буни ё тирикчилик, ё ўзини илм ахлидан қилиб кўрсатиш учун килса ҳам. Бундай киши илмнинг кенг тарқалган баҳс-мунозара масалалари ва мубоҳаса йўлларини ўрганишни қасд этади ва иттифок қилинганини қўйиб, балки ихтилофга борилган жойни ўрганишга вақт сарфлайди. Ваҳоланки, у бир мазҳабни тутмаган ҳолда рақиби билан талашиб-тортишади ва келиша олмайди. Мана шундай тоифалардан бир қанчасини кўрдимки, улар мутакаллимлар ўрганганидек танилишди. Агар у рақиби билан мунозара қилса, гап-сўзлари ютиб чиқади. Агар ундан тутган йўли ҳақида сўралса, фаҳмлари тойиб, ҳатто кўр туждек тусмоллаб жавоб берадилар. Уларнинг тўғрилиги аниқ эмас, жавоблари қатъий эмас. Энг ёмони, ана шуни нуқсон деб билмайдилар.

Мажлисларни чиройли сўзлари билан безашиб, рақибига қарши одатий баҳс-мунозара қилишганда, мазҳабга оид оддий одам билган ва муҳокама этадиган нарсани билмайдилар. Бас, шу тариқа адаштирувчи бақир-чақир ёки таҳқирловчи хатодан нарига ўтилмайди. Яна улардан бир тоифасини кўрдимки, мазҳаблар (йўл, диний таълим) билан шугулланишни ортиқча ва бу тўғрида кўпроқ билимга эта бўлишни қолоклик, деб биладилар. Улардан бири мен билан тортишиб деди: «Мазҳаб тарафдорининг илми қандай қилиб кўзга ташланмайдиу мунозара қилувчининг илми эса машҳур илм бўлади?». Мен унга: «Қанақасига мазҳаб тарафдорининг илми кўзга ташланмайди? Ахир, у хозиржавоб ва сўзлари тўғри бўлса-чи?», дедим. Чунки ундан сўралмаса, жим ўтиради ва кўзга ташланишга ҳаракат қилмайди. Мунозара қилувчи сўралмаса ҳам, сўрайди ва кўзга ташланишга ҳаракат қиласди. Айтдимки: «Агар мазҳаб тарафдоридан сўралганда, тўғри жавоб берса, бу унинг фазли эмасми?». У: «Ха»,



деди. Мен: «Агар мунозара қилувчидан сўралса-ю у хато жавоб берса, бу унга айб эмасми? Имтиҳон пайтида киши ё макталади, ё изза қилинади, дейилган», дедим. У сўзимга жавоб бермай жим бўлиб қолди. Чунки у сўзимни инкор этса, акл тасдиқлаган нарсадан такаббурлик қилган агар маъқулласа, унга ҳужжат-далил келтириш лозим бўларди. Жим бўлиш бўйсуниш ва сукут ризолик аломатидир. Албатта ҳаққа бўйсуниш ундан ботил устун келганидан авлороқдир. Бу танимаган ва на танилмаган ҳолда мени таниб қўйинглар, деган кишининг йўлидир. Илм ҳақини билмаган киши у туфайли танилишдан узоқдир. Зуҳайр деди:

*Бир кишида қандай бир хулқ бўлса,  
Агар одамлардан яширса ҳам, маълум бўлар.*

**Шундай тақсир** (хатога йўл қўйиш) **сабабларидан яна бири** ёш пайтида ўзига керакли илмни олмай улғайганда илм билан шугулланишдир. Бундай киши вақтни бой бергандан кейин ёш бола ўрганадиган илмдан бошлишга уялиб, уни ўзига teng кўришдан ор қиласди. Шундан сўнг у зарур илмни олиш ўрнига эндиғина таҳсилни бошлаган бола қаторида бўлишни истамай, ўзидан анча илгарилаб кетган ёши катталарга етиб олиш учун илмларнинг охири ё атрофидан бошлайди, ҳошиялари ё четларига қизиқади. Бу ўзини алдашга рози бўлиб, ҳиссиёти макрига қаноат қилган кишидир. Ўзининг ҳам ва ҳар бир соғлом кишининг ҳам мантиқи бу тасаввур хато эканига гувоҳлик беради ва нотўғри эканини тасдиқлади. Чунки у тасаввурга сифмайдиган маҳол ишдир. Илм ўрганувчи илмда бошлайдиган нарсани билмаслик олим охирига етиб борадиган нарсани билмасликдан ёмонроқдир. Шоир айтди:

*Кичик ишига ҳаракат қўлсанг,  
У сени каттасига кўтариб қўяр.  
Бас, кичик иши ҳақида тафаккур қилиб,  
Кичик ишини билгандан кейин,  
Катта ишини албат биласан.*

Шу маъно ва шунга ўхшашлар туфайли ёшлиқда илм олиш таҳсинга лойиқдир. Марвон ибн Солим Исмоил ибн Абу Дар-



додан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшга ўхшайди. Кексаликда олинган илм сувга ёзилган хатта ўхшайди», дедилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу: «Ёш йигитнинг қалби бўмбўш ерга ўхшайди. У ташланган нарсани қабул қиласди», деди. Ҳа, илм худди шундай. Чунки ёш боланинг қалби холи, ташвиши кам, камхарж ва кўп тавозеълидир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Худди пастлик жойда сув кўп тўплангандек, тавозеъ йўлини тутган илм олувчиларнинг илми серобдир. Агар халақит бериб, чалғитилмаса, ёш бола катта ёшлига қараганда тез олиб, тўсқинлик бўлмаса, ёдда сақлаши осон, аксинча бўлса, йўқ».

Ривоят қилинишича, Ахнаф ибн Қайс бир кишидан: «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақшга ўхшайди» деганини эшилди. Шунда Ахнаф: «Катта ёшли кишининг ақли кўп бўлса ҳам, лекин қалби машғул бўлади», деди. Умримга қасамки, Ахнаф бу гапнинг маъносини очиб, уни тушунтириб берди ва сабабини кўрсатди. Чунки катта кишида илмдан тўсувчи ҳолатлар кўпроқ учрайди. Биз илгарироқ айтиб ўтган уялиш ҳам шулар қаторига киради. «Мансур-ул ҳикам» да: «Кимнинг эти юмшок бўлса, илми ҳам юпқа (саёз) бўлади», дейилган. Халил ибн Аҳмад: «Илмиззлик ҳаё ва кибр ўртасида «ўтлаб» юради», деди.

**Шундай сабаблардан яна бири** илм олувчида ҳою ҳаваслар кўплиги ва фикр тарқоқлигидир. Шоир деди:

*Нафси ҳаво эгасидан ҳою ҳавасни кетказиш осон эмас,  
Албатта нафси ҳаво фойда-зарарни ажратма олмас.*

Улуғлардан бири: «Агар қалб бир нарсага боғланса, гаровга ўхшайди. Гаровга қўйилган нарса бой берилганга ўхшар», деди.

**Шундай сабаблардан яна бири** халақит берувчи бало-офатлар ва тасодифий ғам-ташвишлардир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ғам-ташвиш ҳис-туйғулар кишанидир», дейилган. Улуғлардан бири: «Ким балоғат ёшига етса, ташвиши янада кўпаяди», деган.

**Шундай сабаблардан яна бири** илм олувчининг машғуллиги кўпайиб, турли ҳолатларга дуч келишидир. Ҳатто бу кабилар унинг вақтини олиб, умрини зое кетказади. Агар илм олувчи раёсат эгаси бўлса, уни чалғитади, агар оддий касб-хунар эгаси



бўлса ҳам, илм олишдан тўсилади. Шунинг учун: «Бошлиқ бўлишдан олдин илм олинглар», дейилган. Бузругмехр: «Машғуллик фойдага, бекорчилик зарарга сабабдир», деган.

Шундай экан, илм оловчи лоқайд бўлмаслиги ва бўш вақтдан унумли фойдаланмоғи лозим. Қарангки, баъзан замон сахийлик қилган нарсасига баҳиллик қилиб, берганини қизганади. Шундай экан, илм оловчи илмнинг аввалидан бошласин ва унга муқаддимасидан келсин. Бироқ билмаслиги зарар қилмайдиган нарсани ўрганишга вақтини сарфламасин. Шунга вақтини сарфласа, ўзига керак илмларни ўргана олмайди. Чунки ҳар бир илмнинг ортиқча жойлари ва машғул қилувчи қисмлари бор. Ким вақтини шу тариқа илм олишга бағишиласа, ундан муҳимроқларини ўрганиш четда қолиб кетади. Ибн Аббос розияллоху анҳумо: Илмнинг охирига етиб бўлмайди. Ҳар бир нарсадан танлаб энг яххисини олинглар», деди. Донишмандлардан бири: «Ўзингта кераксиз нарсани тарк эта олсанг, фойдали нарсага эришасан», деган. Бу нарса илм оловчини бу илмни ортиқча, уни эгаллаш қийин деб ҳисоблаганидан қийин нарсани тарк этишга ундамаслиги лозим. Чунки шундай фикрда бўлиш ахмоклар улови ва ожизлар баҳонасидир.

Илмнинг осонини ўрганиб, қийинидан воз кечаман, деган киши худди ўлжасини тута олмаса, ноумид бўлиб қўл силтайдиган овчига ўхшайди. Чунки у ўлжани тутиш имкони йўқ, деб билади. Илм ҳам шундай. Илм ўрганиш уни билмаган кишига қийин, билган кишига эса осон. Чунки илмнинг етиб бориладиган маънолари уларни шарҳу баён этувчи жумла ва сўзлар қатига жойланган. Илм эшитиладиган лафз ва тушуниладиган маъно холида жамланади. Каломнинг лафзи эшитиш билан англанса, лафз остидаги маъно холида жамланади. Лафз эшитиш орқали англанаидиган каломдир, лафз ичига жойланган маъно қалб билан фаҳмланади. Донишмандлардан бири айтади: «Илмларнинг кириш жойи уч жиҳатдан ҳосил бўлади: «Фикрловчи қалб, ифодаловчи тил ва тасаввур қилдирувчи баён».

Агар калом эшитиш орқали тушунилса, маънолари қалб билан фаҳмланади. Қачонки ундаги маънолар тушунилса, хуло-



са чиқариш осонлашиб, ёдлаш ва уни қарор топтириш қолади. Чунки маънолар ялт этган фикр бўлиб, эътиборсизлик туфайли зое кетади. Ваҳоланки, илмлар қўлдан чиқариш билан хуркиб қочадиган ёввойи ҳайвонга ўхшайди. Агар илмни билиб олгандан кейин ёдида сақласа, бир умрлик унс-улфатга айланади. Агар унс-улфатга айлангандан кейин уни такрорлаб турилса, хотираға қаттиқ ўрнашади. Бир олим шундай дебди: «Ким олган илмини кўп такрорласа, билганини унутмайди ва билмаганини ўзлаштиради». Шоир деди:

*Агар илмлар эгаси илмини тақрорламай қўйса,  
Илмдан фойда бўлмас, ўрганганин унумар.  
Ҳар бир жабҳадан ёзувларни тўпловчилар борки,  
Кунлар ўтиб, тўплаганида кўрлик зиёда бўлар.*

Агар эшитилган нарсанинг маъноси тушунилмаса, тушунилига халал берадиган иллатни билиш учун унга тўққинлик қилаётган сабабни очсин. Чунки нарсаларнинг сабаб ва иллатларини билиш орқали эътибордан четда қолган нарсани жойига қўйиш ва бузилган нарсани тузатишга олиб келади. Тушунишдан ман килувчи иллат уч қисмдан иборат: **биринчиси**, маънони баён этадиган каломдаги иллат. **Иккинчиси**, лафзда жойланган маънодаги иллат. **Учинчиси**, маънони чиқариб оладиган эшитувчидағи иллат. Агар маънони тушунишдан ман этувчи иллат шу маънони очиб берадиган иборадаги иллат сабабли бўлса, бу ҳам уч ҳолатдан холи бўлмайди.

**Биринчиси**, маънога нисбатан лафзнинг қиска бўлиши. Яъни маънога нисбатан лафзнинг қискалиги маънони тушунишдан тўсувчи сабабга айланади. Бу қискалик икки жиҳат: ё сўзловчининг етказиб беролмаслиги ва ожизлиги, ё аҳмоқлиги ва калтафаҳмлигидан келиб чиқади.

**Иккинчиси**, маънодан кўра лафзнинг зиёда бўлиши. Бундай зиёдалик ҳам кўзланган маънони тушунишдан тўсувчи иллатга айланиши мумкин. Баъзан бу икки тарафдан сўзловчининг мақсаддан четланиб, кўп гапириши, ё унинг тингловчи фаҳмини ёмон деб ўйлашидан пайдо бўлади.



**Учинчиси**, сўзловчи ўз гапида назарда тутган истилоҳ туфайли бўлиши. Агар тингловчи истилоҳни тушунмаса, гапнинг маъносини ҳам тушунмайди. Аммо лафзни қисқартириш ёки зиёда қилиш умумий эмас, балки хос сабаблардир. Чунки буни ҳар бир гапда эмас, балки айрим гапда учратасан. Агар қисқа гапдан тўлик гапга, зиёдадан кифояга ўтсанг, фикрни лойқалайдиган тақаллуфдан ўзингни куткарган бўласан. Агар бошқа гап келтириб чиқарган зарурат ёки шу гапни фаҳмлаш мушкул бўлганида пайдо бўлган хоҳишинг туфайли хулоса чиқармоқчи бўлсанг, қисқалик ва зиёдалик сабабига қара. Агар қисқалик етказиб беролмаслик ва зиёдалик ортиқча сўзамоллиқдан пайдо бўлса, бу гапдан маъно чиқариб олиш осон. Чунки гапнинг тартиблисидан тартибсизи кўпроқ эмас. Демак, кўпда озга далил бор. Агар маънога нисбатан гапнинг кўпроқ бўлиши сўзловчида тингловчининг фаҳми хақидаги ёмон гумондан пайдо бўлса, маъно чиқариш ундан-да осонрок. Агар маънога нисбатан лафзнинг камлиги сўзловчининг яхши тушунмаслигидан келиб чиқса, бу оғир ҳолат бўлиб, бундай лафздан хулоса чиқариш осон бўлмайди. Чунки сўзловчининг ўзи тушунмаган нарсани сен қандай тушунардинг? Лекин ўткир заковат ва кучли хотиранг туфайли сўзловчи тушунтира олмаган ва қийналган маънони чиқариб олишда унинг ишорасидан англаб оласан. Тўла-тўқис (англаб олиш) фазилати сенга боғлиқ, биринчи (сўзлаш) ҳаки уники бўлади.

Аммо истилоҳ умумий ва хос деган икки қисмга бўлинади. Умумий истилоҳ илм олувчиларга фойдаси йўқ маънолар учун олимлар томонидан кўйилган истилоҳлардир. Илм олувчи мутакаллим гаплари маъносидан фақат ўша истилоҳларни билиш орқали хабар топади. Худди мутакаллимлар жавҳар, араз ва жисмлар каби сўзларни ўзлари иттифоқ қилган маъноларга истилоҳ қилиб кўйганларига ўхшатиш мумкин. Ҳеч бир илм истилоҳлардан холи эмас. Бундай умумий истилоҳларни «урф» деб номланади.

Энди хос истилоҳларга келсак, у бир кишига тегишли истилоҳ бўлиб, сўзнинг ботини билан зоҳиридан бошқа маънони қасд киласди. Агар бу истилоҳ жумлада бўлса, уни «рамз» деб аталади. Агар у шеърда бўлса, «луғз» дейилади. Аммо рамз маънавий



илем ва на луғавий гапда учрамайди. Кўпинча бу рамз икки нарсадан бири билан хосланади. Ё эътиқод қилувчиси яширадиган ёмон мазҳабга хос рамзни одамлар ўрганиши ва ундан таъвил килиш эҳтимоли ўзи эътиқод қиладиган мазҳабидан тухматни кетказишга сабаб бўлади. Ёки бу рамзни кўйган одамлар рамзни кийин илем ва уни идрок этишни эса мўъжизавий бадеъ деб даъво киладилар. Худди «сунъат» сўзига ўхшаш. Кимёгарлар қизғаниб, ошкор этишни хоҳламаганлари учун бу сўзнинг асл маъносини яшириб, оммага билдиринасилик мақсадида ўзлари шуғулланадиган соҳани «кимё» деб номладилар. Шу боис унинг сифатларини рамзга айлантириб, маъноларини яширдилар. Бир шоир деди:

*Бир нарсадан ман қилинсан, унга муҳаббатим ошар,  
Инсонга энг севимли нарса ман этилган нарсадир.*

Агар яхшилаб тажриба қилиб кўрилса, сўз масъулиятини зиммаларидан соқит қилиш учун унинг сифатларини рамзларга айлантириб, маъноларини яширадилар. Агар умумий ва хусусий бўлган бу икки турни ва шунга ўхшаш бошқа рамзларни қамраб олган истилоҳлар саҳиҳ маъно ва истеъфода этилган илем бўлса, албатта яширин рамзлардан очиқ илемга чиққан бўларди. Чунки мақсад ва хоҳиш-истаклар турлича бўлишига қарамай, одамлар тўғри нарсани яшириш ва фойдали нарсани беркитишга иттифок қилмайдилар. Шоир Зухайр айтди:

*Фаҳш ишларнинг қаршиисида парда бордир,  
Яхшиликлар олдида сенга бирор парда йўлиқмас.*

Баъзан рамз гапда маъноларни бўрттириш, лафзларни зийнатлаш, қалбларда яхши ўрнашиш ва дилларда юксак эътиборга эга бўлиш мақсадида қўлланади. Шундай рамзларни қўллаш на-тижасида гап кенг тарқалиб, сахифаларда абадий сакланиб қолади. Пифагорнинг рамзий васиятларидан бирида шундай дейилади: «Мезонингни адабсизлик ва вазнларингни кирлиқдан сакла». Яъни бунда мезонингни адабсизликдан сакла, деганда тилни уят сўзлардан саклаш, вазнингни кирлиқдан сакла, деганда, ақлни ҳою ҳавасдан саклашни ирода қилган. Мана шу рамз туфайли



Пифагорнинг сўзи чиройли деб қаралиб, ёзиб қолдирилган. Агар уни очик лафз ва фасиҳ маъно билан баён этилганида, балки бу қадар машхур бўлмай деб қаралмаслиги мумкин эди. Бунга сабаб шуки, фаҳмлардан тўсилган нарса кўзлардан тўсилган нарсага ўхшайди. Шундай нарсага нисбатан қалбларда улуғлаш ва тилларда эҳтиром ҳосил бўлади. Маъноси очик, равшан ва тўсилмаган иборалар аста-секин назардан қолиб, машхур бўлмайди. Аммо бундай рамзлар баъзи ҳолларда чиройли ва ёқимли бўлиб, у очик лафз билан ажралиб туради.

Кўпчилик интиладиган, кенг тарқалган илмлар ўз жозибаси ва жалб этиш хусусияти туфайли ажойиб лафз ва гўзал рамзлар билан ўзига чақиришдан беҳожатдир. Бироқ бу рамзлар кенг тарқалган илмлардан узоқлаштиради, чунки уларнинг моҳиятини тушуниш кўп вактни олади ва илмни идрок этиш ва маъноларини тасаввур қилишни орқага суради. Ана шу рамзнинг ҳоли.

Аммо лугз бекорчилар мусобақаси ва ишёқмаслар машғулотидир. Чунки бекорчилар ва ишёқмаслар қобилият жихатидан бирбиридан фарқ қилганидан мусобақалашадилар ва ўзларининг тез хотирлиги билан фарҳрланиб, фойдасиз нарсани деб кучли хотираларини кийнайдилар. Улар соғлом танасини кураш учун чиниктирган полвонларга ўхшайди. Мана шу кураш ақиларини мағлуб қилиб, жисмларини заифлаштиради. Аммо уларга бу нарса мақтов ва на манфаат келтирмайди. Шоирнинг мана бу сўзига қара:

*Бир киши ўлди-ю, отасининг синглисининг*

*Отасининг ўглининг онасининг ўглини ортида қолдирди.*

*У билан бирга болаларининг боласининг онаси ва*

*Акасининг амакиси болалари опасининг отасини қолдирди.*

Хўш, айтинг-чи, бу икки байтни тушунтириб бера оласизми? Дарҳакиқат, маънони чиқариб олишда фикр қаттиқ зўриқса ҳам, шу маъно қамраб олган саволнинг мashaққати сизни даҳшатга туширади. Биласизки, шоир бу сўзи билан орқасида отаси, хотини ва бир амакини қолдириб кетган майитни назарда тутади. Бу байт сенга қандай илмни ҳосил қилиб, билмаганингни билдирсин? Бу байтни ўқигандан кейин олдин қандай бўлсанг, кейин ҳам ўшан-



дай илмсиз ҳолингда қолмайсанми? Агар сўровчи бу саволни олдингисини орқага, орқадагисини олдинга олиб ўтиб ўзгартирган тақдирда ҳам олдин қандай ҳолда бўлсанг, маънони билиб олгандан кейин ҳам шундай бўласан. Шундай экан, ўзингни қийнаб, ақлингни зўриқтиришдан бошқа фойда топмайсан.

Бунга ўхшаш каломлар туфайли билмаганингни билиш имконига эта бўлмайсан. Бас, олдин қандай бўлсанг, ундан кейин ҳам шу ҳолингда қоласан. Аллоҳ сени тўғри йўлдан адаштирмасин, ўзингни ахмоқлар илми ва бекорчилар такаллуфидан четлантири. Набий алайҳиссалом дедилар: «Ўзига фойдаси йўқ нарсани тарк этиш кишининг исломи гўзал эканини билдиради». Демак, Аллоҳ таоло неъмат қилиб берган соғлом қобилият ва ўткир хотирангни шундай ишга сарфлагинки, унга ақлингни инфоқ қилишинг (охиратда) заҳира ва у ҳақда ўйлашинг Аллоҳ берган неъматга шукронга бўлсин.

Сайийд ибн Абу Ҳинд Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Кўпчилик қадрига етмайдиган икки неъмат бор: соғлик ва бўш вақт», дедилар. Бизни берган неъматлари қадрига етмаслик ва унинг яхшиликларидан бебахра қолишдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилди: «Бекорчиликдан ёшлик бебошлиги келиб чиқади». Бир донишманд шундай деди: «Ким ўз вақтини бирор ҳақни адо қилмай, ё бирон фарзни бажармай, ё бирор фазилатни кўпайтирмай, ё ўзига мактоб келтирадиган ишни қилмай ва ё бирон илмни ўрганмай ўтказса, ўша кунини бекор ўтказиб, ўзига зулм килибди». Шоирлардан бири деди:

*Бўш вақт сенга шундай машгуликни келтирап,  
Билсанг, бало сабаби айнан бўши вақтдандир.*

Мана шулар гапда унинг маъноларини тушунишга халақит берадиган сабаблар бўлиб, у сўзамолликдан керакли мақсадга йўллаб, яширин маъноларни очишга ёрдам беради.

\* \* \*

Аммо иккинчи қисмга кўра, гап маъносида учрайтирган иллат туфайли тингловчи тушуниб олишига халақит берадиган сабабнинг бўлишидир. Бу уч қисмдан иборат: биринчиси, ўзи муста-



қил маъно бўлиши, иккинчиси, ўзидан бошқа бир маънога муқаддима (олдин ўтган) бўлиши, учинчиси, ўзидан бошқа маънонинг натижаси бўлишидир. Ўзи мустақил маъно бўлиши икки хил: биринчиси, очик маъно, иккинчиси, яширин маъно. Аммо очик маъно тасаввур қилувчи фаҳмига биринчи мартгодаёқ етиб бориб, тасаввур эгасига мушкул туғдирмайди. Аммо яширин маънони тушунишда маҳфий тутилган нарса аниқ бўлиши ва ноаниқ маънони билиш учун бироз тааммул килиб, қийналишга тўғри кела-ди. Яна маънони англаб олишда фикрни ишлатиш туфайли риёзат чекиши керак. Чунки риёзат туфайли қийин ва мураккаб маънони англаниб, узоқ маънога яқин борилади. Дарҳақиқат, риёзатда журъят ва дироят (ўрганиш) да таъсир қилиш бор.

Аммо бошқа маънога муқаддима (олдин ўтган) бўлиш икки хил: биринчиси, муқаддима бўлувчи маъно ўзидан бошқа бир маънога тегишли бўлса-да, ўзича барпо бўлиши мумкин. Бу пайтда у тасаввур қилиш ва фаҳмлашда ўзича мустақил маънога ўхшайди. Иккинчиси, натижасига муҳтож бўлишидир. Бунда муқаддима (олдин ўтган) маънони фақат унга эргашиб келган натижасига қараб тушуниб олса бўлади. Чунки муқаддима (олдин ўтган) маъно бир қисмдир. Маънони қисмга ажратиш тушу-нишга оғирлик қиласиди. Маънонинг баъзи қисми кулл (умумий) маънони бермайди. Аммо бошқага натижা бўлиши фақат олдин-гиси орқали идрок қилиниб, унинг моҳияти фақат муқаддима (олдин ўтган) ёрдамида тасаввур этилади. Муқаддимани қўйиб, натижা билан машғул бўлиб қолиш машакқат, маънони чиқариб олишда фикрни зўриқтиришдир. Бу эса маъноларни фаҳмлашга монеълик қилувчи сабаблар иллатини очиб беради.

**Учинчи қисмга кўра, тингловчидаги иллаттга монеълик қилувчи сабабнинг бўлишидир.** Бу икки хил: биринчиси, тингловчининг ўзида нуқсон бўлиши; иккинчиси, тўсатдан пайдо бўлувчи ҳодиса сабабли нуқсон бўлишидир. Аммо тингловчининг ўзида нуқсон бўлиши икки турга бўлинади. Биринчиси, маънони тасаввур қилиш ва тушунишга халақит берадиган иллат бўлиши. Иккинчиси, маънони тасаввур қилиб, тушунгандан кейин ёдлаб олишта хала-кит берадиган иллат бўлиши.



Аммо маънони тасаввур қилиб, тушунишга халақит берадиган иллат аҳмоклик ва фахм-фаросат камлигидан бошқа нарса эмас. Чунки у бедаво дарддир. Бир донишманд деди: «Агар олимнинг зехни сусайса, мунозарада хужжат-далил келтириши камаяди ва китобларни кўришга эҳтиёжи ошади. Бундай иллатта мубтало бўлган киши сабр қилиши ва илмини оз-оздан ошириб бориши керак. Чунки унинг оз нарсани ўрганишга кучи етади ва сабр билан мақсад ва ютуққа эришади».

Донишмандлардан бири деди: «Ҳожатинг учун сабр-тоқатингдан баъзисини илгари қўй. Бундай ҳолатда бўлмаган киши сабр қилишга қодир эмас. Лекин истак-ҳоҳишини енга олган ва ҳиммати баланд кишигина бунга қодир бўлади». Шундай экан, унинг қалби қизиқиш кучлилигидан сабрни ҳис этиб, ҳиммати баландлигидан қийинчиликни кўтаришга ўзини мажбурлайди. Агар қизиқиш ёрдамида маънони англаса, бу нарса унда умид қилувчилар қатъиятини ва идрок этувчилар ғайратини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, кўп нарсалар камаяди ва қийин нарсалар осонлапади. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Яхши кўрганларингга факат ёмон кўрганларингга сабр қилиш орқали эришасизлар. Орзу-ҳавасингизга факат яхши кўрганларингиздан воз кечиши орқали етасизлар», дедилар. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилади: «Қадамингни қийна, сени пешқадам қиладиган қанча қийинчиликлар бор». Улуғлардан бири деди: «Агар қизиқиш кучайса, машаққатни енгиш осон бўлади». Адаб ахлидан бири Абу ибн Толибнинг шеърини айтиб берди:

*Ожизлик қилма, ҳеч қачон сен оғрина кўрма,  
Омад ожизлик ва зерикиш орасида йўқолар.*

Аммо маънони тушуниб, тасаввур этгандан кейин ёдлашга халақит берувчи ўз хатосига қарамаслик, локайд ва эътиборсизликдан келиб чиқадиган унтишидир. Бундай иллатта мубтало бўлган киши олаётган дарсини кўпайтириш билан қолдирганига етиб олишни ва эътиборни ошириб, ғафлатдан уйғониши керак. Бир ривоятда: «Мунтазам дарс қилмаган ва нафсини қийнамаган киши ҳеч қачон илмга эришмайди», дейилган. Кўп дарс қилиш



оғирлигини фақат илмни ўлжа, жоҳилликни зарар, деб билган кишигина кўтаради, илм лаззатини тотиш ва жоҳиллик иснодидан кутулиш учун барчасига чидайди. Албатта, улуғ нарсага эришиш улуғ ишни қилишга боғлиқ. Нимани хоҳлаган бўлса, шунга яраша изланиб, роҳатига яраша машакқат тортиш керак. Айтишларича, роҳатнинг сабаби истироҳат камлигидир. Донишмандлардан бири: «Энг яхши роҳат меҳнат ва машакқат тортиш ва илмнинг энг улуғи қийналиш туфайли ҳосил бўлганидир», деди.

Баъзан илм оловчи дарсни ва ёд олишни ўзига оғир ҳисоблаб, озроқ илм олгандан кейин зарурат бўлгандагина китобларга қараш ва мутолаа қилишга одатланади. Бундай илм оловчи тутиб олишига ишонган ҳолда ўлжасини қўйиб юбориб, овдан воз кечган кишига ўхшайди. Бундай ишонч уни фақат хижолатта қўяди ва лоқайд бўлиш фақат афсус-надоматни келтириб чиқаради.

Бунга илмни ёдлаш ва ёдда сақлаш машакқатидан зерикиш, жидду жаҳд вактида орзу-ҳавас кўпайиши, мақсади йўлида фикр бузуқлигидан бири ундейди. У зерикиш умидсизлик, узун орзулар алдамчи ва бузук фикр мусибат эканини билмайди. Арабларнинг масалларида шундай дейилган: «Қалбингдан ўрнашган бир ҳарф китобларингдаги мингтасидан яхшиrok». Яна улар айтдилар: «Сен билан бир водийни ўтмайдиган ва сен туфайли бир йигин обод бўлмайдиган илмда яхшилик йўқ». Робеъдан Шофеъий розияллоҳу анхуга шеър ўқилди:

Илмим ўзимга ҳамроҳ, қайга борсам эргашар,  
 Қалбим унга идиишdir, сандиқлар «қорни» эмас.  
 Агар уйимда бўлсан, илмим ҳам бирга бўлар,  
 Агар бозорда бўлса, илмим ҳам бозордадир.

Баъзан илм оловчи тушуниб, англаб олмасдан бурун ёдлашга киришади. Ҳатто лафз маъноларини ёд олиб, маъносини англамай тиловат қиласиди. Ҳолбуки, у лафзларни ва шу лафзлар қамраб олган маъноларни англамайди. Натижада у ҳали англамай туриб ривоят қиласиди ва билиб олмай туриб хабар беради. Бу эса худди шубҳани кетказмайдиган ва хужжат-далилни кўлла-кувватламайдиган китобга ўхшайди. Ривоят қилинишича, Набий алайхиссалом: «Аҳмоклар мақсади хабар бериш, олимлар мақсади риоя

қилишдир», дедилар. Ибн Масъуд розияллоҳу анху шундай деди: «Илмга риоя қилувчи бўлинглар, уни ривоят қилувчи бўлманглар. Баъзан ривоят қилмаган киши риоя этувчи, риоя қилмаган киши ривоят қилувчидир». Ҳасан Басрий розияллоҳу анху бир ҳадис айтди. Шунда бир киши унга: «Эй Абу Сайд, кимдан?», деди. «Кимданлигини нима қиласан? Сенга бу гапнинг насиҳати етиб, хужжати келмадими?», деди Ҳасан Басрий.

Баъзан илм оловчи бир илмни тушуниб, ёдлаганига сұянағи ва зеҳнига ўрнашганига ишониб, олган илмини ёзиб, қайд этиб қўйишга одатланмайди. Бу унинг хатосидир. Чунки шубҳа доимо рўбарў келиб, унтиш хоҳлаган пайтида ўз ишини қиласди. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ алайҳисса-ломнинг: «Илмни ёзиш билан қайд қилиб қўйинглар», деганлари накл қилинган. Яна бир ривоятда бир киши унтиб қўяётганидан шикоят қилганида Пайғамбаримиз: «Қўлингни ишлат (яъни ёзиб қўйгин), ёдингдан чиқса, ёзиб қўйганингга қараб билib оласан», дедилар. Халил ибн Аҳмад розияллоҳу анху деди: «Китобдаги илмни сармоя, қалбингдаги илмни инфоқ қилгин». Махбуз: «Агар олдингиларнинг тажрибасини китобларга ёзиб қўйилмагандা, унтиш оқибатида кейингилар муаммоси хал бўлмасди», деди. Улуғлардан бири шундай деди: «Бу илмлар зеҳнлар тушовидан қочувчидир, уларга китобларни қўриқхона ва қаламларини чўпон қилиб қўйинглар».

Аммо тингловчидаги иллат туфайли монеълик қилувчи тасодифан юз бериб, у икки турлидир:

**Биринчиси**, маънога зид келиб, уни англаб олиш ва мөҳиятга етиб боришга йўл бермайдиган шубҳадир. Мөҳиятини тушуниб, маъносини тасаввур қилишга эришиш учун илм оловчи савол бериш ва фикрлаш орқали ўзидан ана шу шубҳани кетказиши лозим. Шунинг учун олимлардан бири: «Бепушт (унумсиз) бўлиб қолмаслик учун қалбингни музокарадан холи қилма, заиф бўлиб қолмаслик учун таъбингни мунозарарадан ман этаман», деди. Башор ибн Бурд деди:

*Омиликнинг шифоси кўп савол бериши,  
Омилик давом этиши жоҳишликда узоқ қолишадир.*



Ўзингга муҳим деб билган нарсани сўрагин фақат,  
Чунки оқил киши билан ақлинг ила баҳсга чақирилдинг.

**Иккинчиси,** ақлга зид келувчи фикрлар бўлиб, у маънони англашга халақит қиласди. Кам ҳолларда киши бу сабабдан холи бўлади. Айниқса, бу нарса илмдан бошқасини орзу қилмаган ва ўзга мақсади бўлмаган кишида кам учрайди. Бундай қарама-қарши фикрлар инсонда тўсатдан пайдо бўлса, ўзига-ўзи тушуниришга ва қалбини тасаввур устидан ғолиб қилишга қодир бўлмайди. Чунки қалб мажбурлаш туфайли қаттиқ қочувчи ва ижобатдан узоқ турувчидир. Ривоятларда келганки, агар қалб мажбурланса, сўқир бўлади. Лекин тўсатдан пайдо бўлувчи ғурула ёки макр-хийлани даф этишда қалб кишига итоат билан қабул қилиш учун амал қилаверади. Шоир деди:

Агар қобурғалар ўртасида шафев (ҳимоячи) бўлмаса,  
Мұхаббатда шофев (даволовчи) бўлмайди.

Донишманлардан бири деди: «Бу қалбларнинг ёввойи ҳайвон қочгандек, қочиши бор. Бас, қалблар итоатли ва фаол бўлиши учун таълимда мўътадил йўл тутиб, дарсни меъёридан оширманглар». Бу маъноларни тушунишдан эшитувчини ман килувчи сабаблар изоҳидир.

Мана шу ўринда гапни тушуниш ва маъноларини фаҳмлашдан тўсадиган яна тўргинчи сабаб бор. Лекин айрим гапларда учрагани учун уни бу қисмларга киритилмади ва келтириб ўтиш билан халал етказишни жоиз деб ҳисобламаймиз. У ёзувдир. Чунки қулоққа етган бир гапни тушунишда ёзувни тааммул қилишга эҳтиёж бўлмайди. Шуни ҳам айтиб қўяйликки, гапни тушунишга биз юқорида айтиб ўтган қисмлар монеълик қиласди. Баъзи гаплар ёзув натижасида сақлаб қўйилган, тадвин ила муҳофазаланган ва керакли вақтда мурожаат қилиш учун китобларда битилган. Ёзув шу гапларни ўзида сақловчи ва ифода этуввидир. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан Аллоҳ таолонинг: «**Агар ростгўй бўлсангиз, менга ушбу (Куръон) дан илгари (нозил бўлган) бирор китобни ёки бирор илмий асарни (хужжат) ни келтирингиз!**» (Аҳкоф сураси, 4-оят) сўзи ва Мухоҳиддан Аллоҳ таолонинг: «**У ўзи хоҳ-**

**лаган кишиларга ҳикмат** (пайғамбарлик ёки Қуръон илмини) **бे-ради.** Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Ундан фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар» (Бақара сураси, 269-оят) ояти ривоят қилиниб, илмдан мурод ёзув деб айтилган. Араблар: «Ёзув икки тилнинг, чиройли ёзув икки фасоҳатнинг биридир», дейди. Жаъфар ибн Яҳё: «Ёзув ҳикмат дастурхонидир, у туфайли ҳикматлар ушоги ажратилиб, сочилганлари тартибга солинади», деган. Ибн Муқаффаъ: «Тил ҳозир ва яқин билан ҳадланади, қалам шоҳиду ғойибларни ўз ифода ва баёни ила камраб олади. У олдин ўтган ва келажакда бўладиган ва шунга ўхшаш ҳозирда бўлиб турадиган нарсаларга ҳам тегишлидир», деган. Рум донишманди: «Ёзув руҳоний хандасадир, агар у жисмоний асбоб (кўл) воситасида намоён бўлса ҳам», деган. Араб донишманди: «Ёзув руҳдаги асл нарсадир, агар у тана ҳиссиёти туфайли намоён бўлса ҳам», деган.

\* \* \*

Биринчи бўлиб ёзувда ким ёзгани хусусида ихтилоф қилинган. Каъбул Ахборнинг хабар беришича, Одам алайҳиссалом энг биринчи ёзувда ёзган кишидир. У зотнинг вафотидан уч юз йил олдин китобларни лойга ёзиб, пиширилган. Набийимиз Нух алайҳиссалом даврида ер юзини сув босгач, ёзув сақланиб қолди. Кейинчалик ҳар бир қавм ўз китобига эга бўлди.

Арабий ёзув Исмоил алайҳиссаломнинг пайғамбарлик давригача сақланиб, у зот уни топиб ўрганди. Ибн Кутайбанинг ҳикоя қилишича, биринчи бўлиб ёзувда ёзган киши Идрис алайҳиссаломдир. Араблар ёзувни юксак қадрлар, фойдали эканини билганиларидан уни улуғ нарса деб ҳисоблардилар. Ҳатто Икрима розияллоҳу анху: «Бадр аҳлининг фидяси тўрт минг дирҳамга етган эди», деди. Ўша даврдаги арабларда хат-саводнинг қадри юксак, фойда ва таъсири юқори бўлгани учун хат-саводни билган кишидан уни ўргатишини фидя сифатида қабул қилинган, деган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари Набий алайҳиссаломга: «Ўқи, вахоланики, Роббинг қарамли Зотдир. У қалам билан таълим берди», (Алак сураси, 5-оят)



деди. Аллоҳ таоло Ўзини қарамли деб тавсифлагандек қалам билан ўргатди деб, унинг улуғ неъматлари ва улкан мўъжиза аломатларидан бири эканини билдириди. Ҳатто Ўз китобида қалам билан қасам ичиб, шундай дейди: «**Нун. Қалам билан ва улар** (фаришталар ва одамлар) ёзадиган нарсалар билан қасам ичаман» (Қалам сураси, 1-оят). Қалам билан ёзиладиган нарса билан қасам ичгандек қалам билан ҳам қасам ичди.

\* \* \*

Биринчи бўлиб арабий ёзувда ким ёзгани тўғрисида ихтилоф қилинган. Каъбул Ахбор арабий ёзувда дастлаб Одам алайхиссалом ёзганини келтириб, тўфондан кейин бу ёзувни Исмоил алайхиссалом топиб олган, дейди. Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг ҳикоя қилишича, арабий ёзувни биринчи бўлиб Исмоил алайхиссалом ўз лафзи ва нуткида қўллаган. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анхунинг келтиришича, бу ёзувдан биринчи бўлиб қадимда яшаган Абжад, Ҳавваз, Ҳутти, Каламан, Съфаз ва Қорашат деган қавмлар фойдаланган. Улар Мадян подшоҳлари бўлишган. Ибн Кутайба «Маориф» номли китобида арабий ёзувда биринчи бўлиб ёзган киши анбор аҳлидан Муромир ибн Мурра, ёзув шу анбордан тарқалган, деб келтиради. Мадоинийнинг айтишича, араб ёзувида биринчи бўлиб Муромир ибн Мура, Аслан ибн Сидра ва Омир ибн Жадра ёзган. Муромир асосан ҳарфга шакл берган, Аслан фасл ва васлни, Омир турли белги ва ҳаракатларни кўйиб чиккан. Хат мана шу ҳолатда бўлгани учун илмни сақлашни истаган киши икки нарсадан бирига эътибор бериши керак:

**Биринчиси**, ҳарфларни кўйилган аслий шаклларига мослаб тўғрилаш. **Иккинчиси**, бир-бирига ўхшаган ҳарфларга нуқталар ва уларни ажратиб турадиган белгиларни кўйиш. Бу икки коида устига ёзувни чиройли килиш ва тартиб жиҳатидан гўзал ҳолатга келтириш ҳам қўшилиб, бу хат санъатида маҳорат ошганини билтиради. Ёзув тўғри бўлиши учун юқоридаги икки қоидадан бошқа нарса шарт эмас. Али ибн Убайда: «Хусниҳат қўлнинг тили ва қалбнинг гўзаллигидир», деган. Абу Аббос Мубаррат: «Хунук хат одобнинг оғатидир», деган. Абдул Ҳамид:



«Баён тилда, хат бармоқларда», дейди. Илм ахлидан бири менга басралик шоирлардан бирининг шеърини айтиб берди:

*Биродаринг битган хатни хунук дея айблама,  
Зеҳни ўткирлиги учун бу айбини кечиргил.  
Билгинки, хатни ёзишдан аслида фақат  
Хат маржонларин тизии мақсад қилинур.  
Агар хат маънони очиб баён қилиб берса,  
Унинг чиройи фақат шартин зиёда қилиши бўлур.*

Тушунарли ёзувнинг ҳарфларини тузатиш ва шаклларига жило бериш муайян жумлага фасоҳатли сўзларни танлаш ва эъроблари ни тўғрилашга ўхшайди. Шунинг учун араблар: «Хусниҳат икки фасоҳатнинг биридир», дейди. Моҳир нотик бўлишга кизиқкан кишининг фасоҳат ва эъробга эътибор бермаслигини кечириб бўлмаганидек (агар сўзи тушунарли бўлиб, тушунтира олса ҳам), хусниҳатда маҳорат касб этишни истаган кишининг ҳарфларни тўғрилаш ва шаклига жило беришни эътиборсиз қолдириши (агар хати тушунарли бўлса) узрли бўлмайди. Айрим ҳолларда улуғ фазилат ва шарафли хислатлардан бири – хусниҳат туфайли киши машҳур ва таниқли кишига айланиши мумкин. Лекин уламолар бутун эътиборни фақат чиройли ёзишга қаратмайди. Чунки чиройли ёзиш аслида илмдан чалғитиб, ўзини унга бутунлай багишашга тўскинилик қиласи. Шунинг учун баъзан олимларнинг хати хунук бўлади. Фақат тақдир раво кўрган олимнинг хати чиройли бўлиши мумкин. Фазл ибн Саҳл: «Хати хунуқлик кишининг баҳтидир, чунки чиройли ёзишга кетадиган вақтини ёдлаш ва мулоҳаза қилишга сарфлайди», деди. Аслида хати хунуқлик баҳт эмас, балки илмдан чалғитувчининг бўлмаслиги баҳтдир.

Кўпинча хусниҳат эгаси илмни қўйиб, фақат чиройли ёзиш маҳоратини ошириш билан овора бўлиб қиласи. Шу жихатдан қаралса, хати хунук олимни баҳтли инсон деса хато бўлмайди. Агар хати хунуқликни баҳт деб қаралмаса ҳам. Агар ҳолат шундай бўлса, баъзан бир жумлани тушуниш ва тўғри тузилишини бузадиган сабаблар бўлганидек, ёзувда ҳам уни ўқиш ва билишдан тўсадиган сабаблар учраб туради. Хатни ўқиш ва унда ифода этилган маънони тушуниб олишга халақит берадиган саккизта сабаб бор:



**Биринчиси**, гап ўртасидан бирон-бир лафзни атай тушириб қолдириш. Бу билан жумланинг қолган қисми узук-юлук тус олиб, ўзини ва ундан чиқадиган маънони англаб бўлмайди. Бундай хато ё котиб, ё ўша жумла нотўғри тузилганидан юз беради. Ана шу вақтда гапда йўл қўйилган хатони англаб, ундан маъно чиқаришни фақат хуснихатда маҳорати ошиб, қаттиқ риёзат чеккан киши уddeлайди. Хат-ёзувни ўқиётганда тушиб қолган ёки талафот етган қисмидан ҳошияларни ва соғ қолган қисмига қараб йўл қўйилган хатони тузатади. Айниқса, бундай хато кам бўлса. Чунки ҳар бир сўз ўзидан кейин қандай сўз келишини такозо этади. Маънони билиш шу маъно яширган жумлани аниклаб беради. Бу борада тажрибаси кам кишининг гапдан маъно чиқариб олиши қийин. Айниқса, жумлада йўл қўйилган хато кўп бўлса. Чунки маънони тушуниб олишда фикрлашга ва ёзувдаги чиқариб оладиган нарсага қарашга мажбур бўлади. Агар маънони ифодалайдиган гапни тўлиқ билмаса, тушуна олмай, маънони чиқариб олиш осон эмас.

**Иккинчиси**, жумла ўртасига бирон сўзларни қўшиб юбориш. Бу холатда ноўрин қўлланган сўздан ўз ўрнида қўлланган тўғри сўзни ажратиб ололмай, уни тўлиқ тушуниш кийинлашади. Бундай хатолик кам учраса-да, лекин котиб ўз фикрини очик баён этишни хоҳламаган вақтда онда-сонда рўй беради ва унинг орасига тушунишга халақит берадиган сўзни қўшиб юборилади. Бу эса маҳсус истилоҳ ёрдамида билиб олинадиган рамзга айланади. Сўзнинг жумла орасига хато туфайли кириб колиши баъзан у бир ёки икки сўзда учраб, бу соҳанинг маҳорат соҳибига ҳам, ундан бошқага ҳам тушунишни қийинлаштиради.

**Учинчиси**, гапда келган сўз орасидан бирон ҳарфни тушириб қолдириш. Бу эса сўзни тўғри тушуниб олишга халақит қиласи. Баъзан бундай хато адашиш туфайли рўй берса-да, лекин жуда кам учрайди. Баъзан аниқ ёзиб қўймаслик туфайли учраб туради. Бу ўриндаги сўз аввалги қисмдаги сўзга ўхшайди.

**Тўртинчиси**, гапда келган сўз орасига ҳарфларни қўшиб юбориш. Шу туфайли ҳарфлардан қайси бири тўғри эканини билиш қийин. Бу котибининг хатоси туфайли юз берса ҳам кам

учрайди, у түғри ҳарфларни ажратиб олишга халақит бермайди. Баъзан бу каби ҳолатлар сўзни яшириш ва маҳсус истилоҳни деб қилинади. Котиб бу билан мақсадини яширишни кўзлайди ва бу ҳолат кўп учрайди. Айниқса, тарожим (таржимаи ҳол) каби асарларда кўп. Бу важҳдаги сўз иккинчи важҳдаги сўзга ўхшайди.

**Бешинчиси**, ажратилган ҳарфларни қўшиш ва қўшилган ҳарфларни ажратиш. Бу қийинчилик туғдиради. Чунки ҳарфларни қўшиш сўзга ишора қиласди. Ҳарфларни қўшмасдан ёзиш сўзниг бошқасига қўшилишига йўл бермайди. Бу ҳолат хато туфайли юз берса ҳам кам учрайди ва маъно чиқариб олиш осон бўлади. Бу ёзишни яхши билмаслик ёки тез ёзишдан келиб чиқса, бу соҳадан хабари йўқ киши маъно чиқаришда қийиналади. Шунинг учун Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Қироатнинг ёмони тез ўқиш бўлганидек, ёзувнинг ёмони машқ (тез ёзилгани) дир», деган. Агар бу нарса мақсадни яшириш ва рамз учун қилинса, уни фақат маҳсус истилоҳлар ёрдамида билиб олиш мумкин.

**Олтинчиси**, ҳарфлар шаклини ўзгартириш ва бошқасига алмаштириш. Ҳатто котиб «ҳо» ни «бо» шаклида, «сад»ни «ро» шаклида ёзади. Бу тарожим (асарлари) рамзларида учраб, маҳсус истилоҳ ёки ақл-фаросати кучли кишигини маъно чиқаришга қодир бўлади.

**Еттинчиси**, ёзувда ҳарфларни ҳакиқий шаклида бера олмаслик ва уни шу шаклига жойлаштира олмаслик. Ҳатто ҳарфларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Масалан, қўшиб ёзиладиган «айн» ҳарфи «фо» га, ажратиб ёзиладиган «айн» «ҳо» га ўхшаб қолади. Бу хато ёзув хунуклиги ва қўли ёзувга яхши ўрганмаганликдан юз беради. Бундай жумладан маъно чиқариш кўп машқ ва чуқур мулоҳаза орқали ҳосил бўлади. Баъзан бундай ёзув ўкувчини бездириб, маъноларини англашда қийнайди. Шунинг учун: «Албатта ҳусниҳат ҳақни янади очади», дейилган.

**Саккизинчиси**, ўхшаш ҳарфларни бир-биридан фарқловчи нуқта ва шаклларини қолдириб кетиш. Бунинг иши осонроқ ва холи енгилроқдир. Чунки маъно чиқариш ва ёзув илмини билган кишига нуқта ва шакллар аниқ бўлмаслиги ёзув ва унинг маъносини тушунишда қийинчилик туғдиради. Балки котиблар ўзаро



ёзишмаларида нукта ва белгиларни қўйишни хуш кўришмай, ҳатто нукта ва белгиларни қўйишни котибнинг камчилиги ёки мактуб жўнатиладиган кишининг фаҳм-фаросати ҳаминқадар деб ўйлашдан келиб чиқади. Котиблар нукта ва шаклларни қўйишни унчалик ёқтирмаслиги бошлиқларнинг ўзаро ёзишмаларида учрайди.

Кудома ибн Жъафар хикоя қиласиди, девон котибларидан бири иш бошқарувчидан ҳисоб беришни талаб қилди. Иш бошқарувчи унинг устидан Убайдуллоҳ ибн Сулаймонга шикоят қилиб, ёзган хатида даъвоси тўғрилиги ва шикояти аниқлигига хужжат келтирди. Убайдуллоҳ ибн Сулаймон унинг шикоятини «Ҳаза, ҳаза», яъни бу, бу, деб тасдиқлади. Иш бошқарувчи хатни ўқиб кўриб, ўзича Убайдуллоҳ бу сўзи билан даъвоси тўғри ва гапи ростлигини тасдиқлаб, шикоятини эътиборга олди, деб ўйлади ва унинг сўзига ишонди. Бир нарсани тўғри деб тасдиқлашда «шундок, шундок», дейилганидек. У хатни дарҳол девон котибига олиб борди ва хатни кўрсатиб: «Убайдуллоҳ сўзимни тасдиқлади ва мен айтган гапларни тўғри деб топди», деди. Котиб тушунмади ва уни девон котиблари олдига жўнатди. Улар ҳам Убайдуллоҳ нима демоқчилигини тушунишмади. Нихоят, мақсадини аниқлаш учун хатни ўзига қайтаришди. Убайдуллоҳ «ҳаза, ҳаза» деб иккинчи сўзга ташдид кўйиб, тагига мақсадини котиблар тушуммагани, ҳатто шаклни аниқ билдириш кераклигини катта камчилик хисоблаб, Аллоҳ ёрдам сўраладиган Зотдир, деб ёзиб кўйди.

Шунинг учун котиблар мактубларда ҳарфлар устига нукта ва ҳаракатларни қўйиб ёзишни унчалик хуш кўрмайдилар. Аммо ўзаро ёзишмалардан бошқа илмларда ҳарфлар устига нукта ва ҳаракатларни қўйиб ёзиш айб хисобланмайди, балки яхши деб маъқулланади. Ўрганишдан мақсад лафзларнинг сийға ва маҳраж ҳолатларини билишга эътибор берадиган нахв, лугат, шеър ва ғариб соҳасига ўхшиш адабий китобларда буни яхши хисоблаганлар. Чунки уларни ўрганишда шакл ва ҳаракатларни қўйишга эҳтиёж катта. Бундан бошқа илмларда камроқ. Суфён Саврий деди: «Ёзувга қўйилган белгилар худди йўлни кўрсатувчи белгиларга ўхшайди». Улуғлардан бири: «Ёзувда ҳарфлар устига ҳаракат қўйиш тушунишни енгиллаштириб, сўзни нотўғри



ёзиб қўйишдан сақлайди», дейди. Адиллардан бири: «Баъзан бир илмнинг фасллари аниқ бўлмаса, унинг маҳсули ҳам тушунарсиз бўлади», деган.

Агар илмий китобларда яхши деб қаралса ҳам, котиблар ўз мактубларида харакат, нукта ва шакл қўйишни маъқул кўришмаганидек. Худди бу каби ҳолатлар бўлиши илмий китобларда айб деб қаралса ҳам, ўзаро ёзишмаларда хат машқини фазилат деб каралган. Бунинг сабаб шуки, котиблар хат битиш санъатида ўзига ортиқча ишонганидан ишора билан кифояланиб, талвих (имо-ишора) билан чекланганлар. Шунинг учун баён қилиш шартларини тўлиқ келтиришни айб-нуқсон деб караганлар. Ана шу ҳолатни деб ўзлари ишонган бу фазилатни деб сиёҳнинг қоралигини чиройли аломат, фазилат ва хосланиб туришга далил деб билганлар. Ҳикоя қилинишича, Убайдуллоҳ ибн Сулаймон кийимига сариқлик текканини кўрганида сиёҳ билан устидан бўяб: «Сиёҳранг биз учун заъфарондан яхширок», дея шеър айтди:

*Албатта заъфарон келинчаклар атридир,  
Сиёҳдон ранги эса эркаклар атри эрур.*

Хоҳ лафзда, хоҳ ёзувда бўлсин, ана шулар жумла ва унинг маъноларини тушунишда ҳалакит берадиган сабабларни билиб олишга етарлидир. Аллоҳ тавфиқ Эгасидир.

\*\*\*

Илм олувчи илмга осон эришиш учун маънони тушунишга ҳалакит берадиган сабабларни билиб олиши керак. Шундан кейин у ўз нафсини бошқариб, илм ўрганиш вақтида уни жиловлай олади. Чунки нафсда хатога йўл қўйишга олиб борадиган нуфур (кочиш) бор, исрофга бошлайдиган кўпайтириш бор. Нафсни бошқариш жуда қийин. Бунинг уч йўли бор: мўътадил ва инсоф ҳолати, ҳаддан ошиш ва исроф ҳолати, тақсир (хатога йўл қўйиш) ва зиён ҳолати.

Мўътадил ва инсоф ҳолатида нафс куввати икки қарамакарши томондан фойдаланади: ёрдам берувчи итоат ва тиовчи шафқатдир. Нафс тоати хатодан тўssa, шафқати исрофдан қайтаради. Булар ҳолатлар ичida энг мактovлисиdir. Чунки хато-



дан түсувчи нарса ўсувчидир ва истрофни түсувчи нарса давом этувчидир. Агар ўсиш давом этиб турса, нафснинг комил бўлиши қандай ҳам яхши! Донишмандлардан бири деди: «Сен мұтадил (ўртача бўлиши) дан ажралишдан саклан. Чунки ҳаддан ошувчи ҳаддан чиқишига нуқсонга йўл қўювчига ўхшайди».

Энди ҳаддан ониш ва истроф ҳолатида нафс факат тоат қуввати билан хосланиб, унда шафқат қуввати бўлмаслигидир. Тоатнинг хосланиши пафспи тўлиқ қувват сарфланига мажбурлайли ва у нафсда заифликни келтириб чиқаради. Кейин бу заифлик бутунлай тарқ этиш билан бешарволикка олиб боради. Шундай экан, бу зиёдалик нуқсонга ва фойда эса заарга айланади. Донишмандлар: «Илм олувчи ва яхшилик қилувчи таом сювчига ўхшайди, агар уни меъеридан онирмаса, ўзини ҳалокатдан саклайди, агар меъеридан оширса, ўзини бўктиради ва баъзан ўлимига сабаб бўлади. Шунга ўхшашиб меъерида ичилган дори беморга шифо бўлади, меъерида ичилмаса, беморни бевакът ўлдирадиган заҳарга айланади», дейишган.

Нафснинг нуқсон етказини ва зарар берини ҳолати у ўзига раҳм килиш қуввати билан чекланиб, тоат қувватини йўқотади. Раҳм-шафқат нафсни мәъсиятга ундейди ва мәъсият уни ижобатдан түсади. Шундай экан, нафе илм олишини хоҳламайди, ўзига фойдали нарсани кабул қилмайди ва ўзига берилганини муҳофаза килмайди. Кимки илм талаб қилмаса, фойдали кабул қилмаса ва ўзига берилганини сакламаса, мавжуд нарсани йўқотиб, йўқолганини топмайди. Ким мавжуд нарсани йўқотса, у мусибатга учраган ҳазинидир, ким йўқотган нарсани тополмаса, у зиёнга учраган ғамгинидир. Донишмандлардан бири деди: «Ожизлик сусткашлик, йўқотини бешарволик билан биргагидир».

Баъзан нафсда мана шу уч ҳолатта муштарак яна икки ҳолат бўлиб, икки қувватдан бирининг бошқасидан устун бўлиши билан боғлик. Нафсда тоат ва шафқат бўлиб, бири иккинчисидан кучлироқ. Агар тоат кучли бўлса, нафсда ҳаддан онишига майл пайдо бўлади. Агар раҳм-шафқат кучли бўлса, нуқсонга якин туради. Қачонки, кини ўз нафснинг тоат даражасини билса, раҳм-шафқат даражасидан аниқ хабардор бўлса, энг яхши ҳолаида бўй



лини учун уни чиниқтиради. Фараздақ ўз сўзида таърифланган нафс ҳолатига шундай ишора қиласди:

*Ҳар бир кишида икки нафс бор:  
Кини итоат этадиган олижаноб нафс,  
Яна бири итоат этмайдиган нафс.  
Сенинг нафсине шу икки нафсдан иборат,  
Нафсинг сахијликни ёқтирад,  
Қачонки кам бўлса ёрдамчиси бетарафлардан.*

Агар инсон ўз нафсини бошқаришга етарли эътибор бермаса ва риёзатиши дикқатдан қочирса, кўполлик билан тутиш ва зулм билан қаҳр қилишини хоҳласа, нафс ғазабланиб қочади, қайсарлиги тутади ва итоатдан бўйин товлаб, маъсиятдан тийилмайди. Собиқ Баририй айтади:

*Қайсарни (бир нарсадан) ман қылсане,  
Унинг қайсарлиги ошади аниқ.  
Унинг нафси қайсарликда давом этар.  
Агар унинг нафси бош тортса, сен унга  
Мулойимлик билан мурожсаат қил.  
Чунки уни мулойимлик эгиб олар.*

Агар кишига нафсни бўйсундириш оғир бўлса, бошқариш ва уни йўлга солиш қийинчилигида қалби чўчища давом этса, уни ўз холига қўйгандан кейин тарбияни кайтадан бошлайди. Чунки шундай қилинса, осон бўйсуниб, нафс итоатга қайтади. Дархакикат, Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ривоят қилинади: «Албатта қалб ўлади ва тирилади. Агар бир оз вактдан кейин бўлса ҳам». Ибн Масъуд айтади: «Қалбда қизиқини, олдинга интишин, бўшанини ва ортга чекиниш мавжуд. Унга қизиқтирган томонидан бориб, бўшаниш томонидан ёндашманглар», дейди. Шоир айтади:

*Инсонни унс учунгина инсон дейшлаган,  
Қалбни эса ўзгариб тургани учун.*

Илм олувчига лозим бўлган, хоҳлаган киши тўлиқ тавфикка эришишига ёрдам берадиган ва эътибор бериши керак бўлган шартлар тўққизтадир:



**Биринчиси,** ишларнинг моҳиятига етказадиган ақл.

**Иккинчиси,** илмларнинг ноапик ва мубҳам ҳолатларини англатадиган фаросат.

**Учинчиси,** тасаввур килиб, ёдияганини ва ўрганганини тушунтирадиган зийраклик.

**Тўртинчиси,** илм олувчи давом этадиган ва малол олмайдиган қизикиш.

**Бешинчиси,** илм олувчи кифоя озуқага қаноат қилиши.

**Олтинчиси,** илм олувчидан тўлиқ олиш мумкин бўлган ва илмни кўпайтирадиган бўш вақт.

**Еттиинчиси,** илм олишдан чалғитадиган ғам-ташвиш ва қасаллик каби тўсиқлар бўлмаслиги.

**Саккизинчиси,** кўп илм олишида юксак даражага етиб бориши учун узоқ умр ва узун муддат бўлиши.

**Тўққизинчиси,** илмини хотиржам ўргатадиган олимни тошиш. Агар мана шу тўққиз шарт тўлиқ тоинлеса, у энг баҳтили ва энг омадни илм олувчидир. Искандар: «Илм олувчига тўрт нарса керак. Вақт, жилду жаҳд, туғма қобилият ва қизикиш. Буларнинг барчаси насиҳаттўй устоз билан тўлиқ бўлади», деди.



## ИЛМ ОЛУВЧИЛАР ОДОБИ

Энди илм оловчи риоя этадиган одоблар ва олим кишига лозим бўлган бир канча хислатларни айтиб ўтмоқчиман. Билигинки, илм олиш вактида илм оловчида (устозга) хушомад ва унинг ҳузурида ўзини хор тутиш бўлиши керак. Агар шу икки хислатни ўзида шакллантирса, максадга эришади, агар тарк этса, илмдан бенасиб қолади. Чунки илм берастган олимга хушомад яширин илмини юзага чиқаради ва ўзини хор тутиш оса унинг сабр-тоқат билан илм беришдан илмига илм кўшилади. Муз розияллоҳу анҳу ривоятида Расулulloҳ алайҳиссалом: «Хушомад мўминнинг хулкларидан эмас, лекин илм олишда хушомад жоиз», дедилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Илм олиш йўлида хорландим, сўнг матлуб (изланган олим) бўлиб азизликка эрипидим», деди. Доњишманлардан бири: «Ким илм олиш хорлигига озгина сабр қилмаса, жоҳиллик хорлигига абадий қолади», деди. Форс доњишманларидан бири: «Ёшлигингда ўзиг яхши кўрган жойга ўтирасанг, улгайганингда яхши кўрмаган жойга ўтирасан», деди.

Яна илм оловчи олим илмининг фазлини билсин ва қилиган яхшиликларига раҳмат айтсин. Чунки Оиппа онамиз Расулulloҳ алайҳиссаломдан: «Ким олимни улуғласа, батаҳқиқ, Роббисини улуғлабди» деган ҳадисни ривоят қилган. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Илм ахлининг фазлини фақат фазл өгаларигина билади», деди. Шоирлардан бири деди:

Муаллим ҳам, табиб ҳам иккиси  
 Хурмат қилинмаса, насиҳат қилмас.  
 Табибни ҳурмат қилмасанг, касалингга сабр қил,  
 Муаллимга жафо қиласанг, нодонликка сабр қил.

Агар илм берувчи олим унча таниқли бўлмай, илм оловчининг мартабаси баланд бўлса ҳам, бу ҳолат уни ҳурмат қилишдан тўсмасин. Чунки олим кишилар на куч-кудрат, на моли билан эмас, эришган илмлари туфайли ҳурмат-эхтиром козонди-

лар. Адиблардан бири менгә Абу Бакр ибн Дурайднинг мана бу шеърини айтиб берди:

Олимни таҳқиrlама, кийимлари жусулдур деб,  
Балки сен унга одоб назари билан қарагин.  
Мушк аттор ва ёргуchoқ тошида эзилгай,  
Тезда у подиохнинг икки чаккаси  
Ва тожида хушибүйлик таратиб турар.

Яна илм олувчи яхни феъл-атвор ва хүш хулклы олимларга әрганиб, барча ишларида улфатига айлансии, хулкларидан ибрат олган ҳолда камол тошиш ва унга зид ишларни қилип-дан четганиш учун уларга ўхшашга ҳаракат қылсан. Расулуллоҳ алайхиссалом: «Ёшларингиzinинг яхшилари ўзларини кексаларга ўхшатғанлари, кексаларингизнинг ёмонлари ўзларини ўшларга ўхшатғанлари»дир, дедилар. Ибн Умар розияллоҳу апхумо Набий алайхиссаломнинг: «Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, уларданцир», деганиарини ривоят килиб келтиради. Адиблардан бири менгә Абу Бакр ибн Дурайднинг шеърини айтиб берди:

Ақлли олим ҳеч кимниг фарзанди эмас,  
Илми уни ўз жинсидан беҳожасат қылур.  
Кимниг ўғли бўлсанг ҳам, одобли бўлгил.  
Киши зийраклиги билан фазилат топур.  
Сен ўзидан бошқаси учун ҳурмат қиёған киши  
Айнан ўзи учун ҳурмат қиласидиган кишидек бўлмас.

Агар ўзига яқин олиб, яхни кўрса ҳам, илм олувчи илм берадиган кишига ҳазил-хузул қилиш ва олдин суҳбатдош бўлса ҳам, хузурида ўзини бемалол тутишдан эҳтиёт бўлсан. Бир дошишманддан: «Энг хорланған инсон ким?» деб сўралиди. У: «Жоҳил ўз ҳукмини ўтказған олим», деди. Расулуллоҳ алайхиссалом билан асир тушган бир жория гаплашди. У зот ундан кимлигини сўраганларида: «Сахий Хотамтойнинг қизиман», деди. Шунда у зот: «Хорликка учраган қавм азизи (бошлиғи) га раҳм қилинглар, фақир бўлиб колган бойга раҳм қилинглар ва жоҳиллар ичида зос (эрмак) бўлган олимга раҳм қилинглар», дедилар.



Илм олувчи олган илми етарли бўлганини ва беҳожатлигини олимга билдирамасин. Чунки бу нарсада олимнинг қилган яхшилигини тан олмаслик ва унинг ҳакими унтуни мавжуд. Баъзан айрим илм олувчилар зекни ўткир ва хотираси яхшилигидан кибр-ҳаво қириб, илм берган кинишни ранжитади, ҳар хил айблар тақиб, унга малол келтирган ҳолда устидан кулишга харакат қиласди. Бундай кини хуҷуди Абу Бадҳоннинг машҳур масалидаги кишига ўхшайди:

*Мен унга ҳар куни ўқ отишни ўргатдим,  
Билаги кучга тўлгач, у ўзимга отди ўқ.*

Ўзлари илм бериб, пешқадамликка олиб чиққанлар наздида жоҳил ва хор хисобланишлари олимлар йўлиkkан мусибат ва ҳақнари ноймол этилишидир. Солих ибн Абдул Қудус айтди:

*Жоҳига таълим берниши бир машаққат,  
У жоҳил ҳолида сендан ўзин олим ҳисоблар.  
Қайси кун қурган иморатинг охирига етса,  
Агар сен тиклаған бўлсанг, бошқаси уни бузар.  
Қачон ёмонлик қилган киши ундан тийилган,  
Агар шу қилигини деб афсус-надомат қилмаса.*

Кўп доцишманлар олим киши ҳакини ота хақидан устун қўйиб, ҳатто баъзи бирлари шундай деди:

*Эй ўтганлар бизан фахрланувчи ақли йўқ киши,  
Олийлик ва шарафни марк этувчи подон киши,  
Оталар дунёга келишинизга сабабдир бениак,  
Чунки биз баъло-уқубатга рўбарў қилиндик.  
Ким илми ўқларга илм берса, отанинг яхшиси бил,  
У руҳнинг отасидир, бир томчи нутфанинг эмас.*

Аммо илм олувчи ҳар доим устоз ҳакини яхши билиши, ундан шубҳа қилимаслиги ва малол келтирмаслиги устозидан олаётган илмга кўр-кўрониа тақлиид қилишига сабаб бўлмаслиги керак. Баъзан айрим шогирдлар ўз устозига ортикча баҳо бериб, ҳатто сўзлари далил бўлишга ярамаса ҳам, уни далил киниб оладилар, агар фикрлари хужжатга ярамаса ҳам, уни



хужжат деб биладилар. Бупдай кайсарлик устозидан оладиган ҳукмга ўзини кўр-кўрона тошириб кўйишдир. Бу эса олган илми старли бўлмаганини билдиради. Чунки у хужжатни кимдан олса, ўшанинг ҳукмига биноан йўл тутади. Бупдай йўл тутиш олган илмида устозига ўзини тўлиқ тоширишга олиб боради ва устозидан содир бўлған ишда хато қилишини юзага келтиради. Чунки у кимдан илм олса, унинг ижтиходига қараб ижтиход қиласи. Агар бу сўз ёлгиз бўлса ҳам, ботил бўлиши ёки унинг уламолар сафидан чиқиши оҳтимолдан узоқ эмас. Чунки ўзи илм оладиган устозини бошқалар илм оладиган устозчалик кўрмайди. Шундай экан, хато айтган ҳукмига хужжат-далил талаб қилинса, уни келтира олмайдилар, унга ёрдам беришга кучлари етмайди. Натижада вакълари зос кетиб, ўзлари даъво килган нарсани исботлай олмай ожиз-потавон бўлиб қоладилар.

Кўнчилик тўплангани мажлисда баҳс-мунозара қиласидан бу тоифага мансуб бир кишига қарши ракиби сахих ҳужжат-далил келтирди. Унинг жавоби бор-йўғи шундай дейиш бўлди: «Бу далил тўғри эмас. Унинг тўғри эмаслигига сабаб шуки, устозим бупдай деб айтмаган, устозим айтмаганида яхшилик йўю». Ҳужжат-далил келтирувчи ҳайрон бўлиб, дарҳол баҳс-мунозарани тўхтатди. Чунки унинг устози обрў-ътиборга шағарикини эди. Мажлисда мана шу жоҳил фикрлагандек фикрлайдиган тоифа ҳам бор эди. Сўнгра ҳужжат-далил келтирувчи менга юзланиб шундай деди: «Аллоҳга қасамки, жоҳиллиги билан менинг оғзими очирмай кўйди. Бу жаҳолатга хали мубтало бўлмаган бошка одамлар на кулишни, на йиглашни билмасдилар. Аллоҳдан паноҳ сўрайдилар. Жоҳилликка ғулу кетган ва аюни камлигига далолат қиласидан мана шунақа олимни кўрганмисиз?».

Агар илм олувиини қайсарлик танбех берувчилиар эътирозига дучор қиласлиги ва гулу кетини кўр-кўрона тақлидга ундумаслиги учун устози ва илм ўрганиётгани киши ҳакида мўътадил фикр ва ўргача эътиқодда бўйса, икки мазаммат, яъни кайсарлик ва кўр-кўрона тақлиддан кутулади ва олим кини ҳам ҳар иккисидан саломат бўлади. Ноаниқ ва чигал нарса хусусида кўп савол бериши қайсарлик эмас ва аслида тўғри бўлинган нарсани қабул килини тақлид эмас.

Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм ҳазинадир. Унинг қалити саволдир. Аллоҳ сизларга раҳм қилсин, сўранглар, албаттга, илмда уч кишига ажр берилади: айтувчи, эшитувчи ва олувчи», дедилар. Яна Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Агар билмасалар сўрамайдиларми? Билимсизлик шифоси саволдир», леб марҳамат қилдилар. У зот сўраинга буюриб, унта тарғиб қилдилар. Яна бир ҳолатда бошқаларни савол беришдан қайтариб, шундай дедилар: «Мен сизларни кийлу қол, кўп савол берин ва молни исероф қилишдан қайтараман».

Яна: «Кўп сўраишдан сақланинглар, чунки сизлардан олдингилар кўп савол бериш туфайли ҳалок бўлдилар», дедилар. Кеъинги келтирилган ҳадислар олдингисига зид эмас. Чунки у зот билмаган нарсани билмоқчи бўлган кишини сўраинга буюриб, ёшитганига амал қилиш ниятида йўқ кишини сўраишдан қайтардилар. Агар савол ўринли ва жоиз бўлса, шак-шубҳани кетказади. Иби Аббоҳ розияллоҳу аиҳуга: «Бунча илмга қандай эришдингиз?», дейилганда у зот: «Сўровчи тил ва ақъли қалб билсан», деган. Иби Умардан Нофеъ келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Чиройли савол илмининг ярмидир», дедилар. Мубарард Абу Сулаймон ал Гапавийдан щеър айтиб берди:

*Фақиҳдан сўра, сен ҳам ўшандек бўласан,  
Тадаббурсиз илмда яхшилик йўқдир.  
Ишлар оғир бўлса, уларни кечиктир,  
Ўзингга осон ва енгил шини лозим тут.*

Илм олувчи ўз талабини қондирадиган ва даре беринига лаёкатли машҳур кишидан керакли илмни олсин. Аммо марғабаси улуғ олимлардан илм олганидан шуҳрат ва мақтov қозониш найида бўлмасин. Агар бошқаларига караганда фойдали бўлса бошқа ган. Лекин икки манфаат баробар келса, машҳур кишига ўхшащига интилиш чиройлироқ, ундан илм олинни шуҳратлироқтир. Шоир айтди:

*Гарчи илминг сенга машҳурлик ато этмаса,  
Биляки, илмингни оладиганини топмайсан.*



Кўтариб юрган илминг сени (зуноҳлардан) сақласа,  
Илмингни олувчи ва терувчи олдингга келар.

Агар оладиган илм яқинингда бўлса, узокда турганини кўзла-  
ма. Агар сенга бир жиҳатдан ентил бўлса, илмни оғир бўлган то-  
мопидан излама. Агар сенга илмли деб мақталган бўлса ҳам, яхши  
билимаган кишидан илм олишни ўйлама. Яқиндан узокка ўтиш  
машаққат ва қийинини деб осонидан воз кечиш балодир. Синал-  
гандан боиқасига кўчишида хатар бор. Али Абу Толиб розияллоҳу  
анҳу: «Ахмокнинг оқибати заардир, ўзбошимча иш тутган киши-  
даги хурсандчиллик узокқа бормайди», деган. Доинимандлардан  
бири деди: «Тўгри йўл тутиш ўз билганича иш килиндан осон ва  
бир нарсадан тийишиш такаллуфга ўрин қолдирмайди».

Баъзан нафс ўз яқинидаги кишини писанд этмаганидан узок-  
даги кишининг ҳузурига илм олишга боришга буюради. Ўзига  
енгил нарсани хақир санаганидан қийин нарсани талаб қиласди,  
синалган кишини писанд қилмай, синалмаган кишининг ҳузу-  
рига қатнайди. Натижада на мақсадига эришади ва на бирон  
фойда кўради. Араблар ўз масалларида: «Олим киши Каъбага  
ўхшайди, унга узоқдагилар келади, лекин яқиндагилар қизик-  
майди», деган. Устозлардан бири менга Маҳс иби Хотимнинг  
шеърини айтиб берди:

Кўрсанг бир олимнинг қавмга меҳмон бўлганин,  
Кўрурсан унинг энг ёмон жойга тушганин.  
Саломатлик ва сиҳатни топган инсон кам бўлур,  
Соглик ва сиҳат узоқда бўлса ҳам, нафслар талтинар.  
Мана азиз Маккага – Байтуллоҳнинг ҳажига  
Йўл олишар узоқдан инсу жинлар баробар,  
Лек яқин бўлганидан Макка аҳли унга қизиқмас.



## ОЛИМЛАР ХУЛҚИ

Илм берувчи олим кишиларга лойиқ ва лозим бўлган хулқиар тавозеъ ва ужб (**ички кибр-ҳаво, манманлик, ўз-ўзига мафгун бўлиш. – тарж.**) дани сақланиши керак. Чунки тавозеъ раҳм-шафкатни, ужб нафратни қўзғайди. Бир кишида ужб бўлиши ёмон, олимларда бўлиши янада ёмон. Чунки инсонлар олимлардан ибрат олиб, уларга эрганиади. Кўнинча олим кишида илм фазилати кўзга ташлалиб турганидан унинг хулқига ужб араланиади. Агар улар ҳақиқий назар солиб, билганига амал қиласалар, албатта тавозесь авло ва ужбдан сақланиши тўгри эканини кўрадидар. Чунки ужб фазилатдан маҳрум этадиган иллатдир. Айниқса, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: «Олов ўтинни еганидек, ужб яхшиликларни ейди», деган хадисларига биноан олимлар эришган илм фазилати уларга етган ужб билан баробар эмас. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ривоятида Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Озгина илм ибодатнинг кўнидан яхшироқдир», дедилар.

Агар Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қиласа, кининг олган илми кифоя этади ва агар ўз раъй-фикри билан кибр-ҳавога берилса, унга жоҳиллиги кифоя этади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Илм олинглар, илм учун сакинат ва хилмни ўрганингчар. Сизларга ҳам тавозеъ кўрсатиш учун илм олаётган кишига тавозеъли бўлинглар. Илм беринида кўпол ва кўре бўлманглар. Илмга жоҳиллик билан эриниб бўлмайди», деди. Салафлардан онри айтади: «Ким олган илми туфайли кибр-ҳаво қилиб, ўзини баланд тутса, Аллоҳ уни пасайтириб кўяди. Ким олган илми туфайли тавозеъли бўлса, Аллоҳ уни кўтариб кўяди». Олимтарниңг ужбга берилиш сабаби шуки, ўзидан пастда жоҳиллар кўплигини кўрса ҳам, ўзидан юқоридаги олимларни кўрмаслинидир. Чунки илмнинг интиҳоси йўқ, агар интиҳоси бўлганида албатта олим киши ўзидан олимроқ киши борлигини кўради. Илмни тўлиғича эгаллаб олишнинг иложи йўқ». Аллоҳ таото: «Ўзимиз хоҳлаган кишиларни даражаларга кўтарамиз (онни илмда), ҳар бир илм эгасидан юқорида илмтироқ бор», (ІСуф сураси, 76-оят) дейди. Яъни, илмда.



Таъвил ахли айтади: «Яньни, ҳар бир илмли кишидан юкорида яна бир илмли бор. Ҳатто бу Аллоҳ таолога қадар давом эгади». Донинманандардан бирига: «Ким ҳамма илмларни билади?», дейилганды, «Ҳамма», деб жавоб берди. Шаъбий: «Үзимга үхашани күрмайдым. Агар үзимдан олимрок кишини учратишни хоҳласам, албатта уни учратардим», дер эди. Шаъбий розияллоху анху буни ўзини афзал күриши маъносида айтмади, чунки шу маънода айтганида шаънига лойик сўз бўлмасди. Балки илмни тўлиғича оғаллаб бўлмас даражада улуғлигини билдириш учун айтди.

Илмли кини олган илми туфайли ўзида пайдо бўлган ужбдан қутулиш учун нафсига қарани лозим. «Мансур-ул ҳикам» да: «Агар билсан; ўзинидан настда турган жоҳиллар кўшигини ўйлама. Яхшини, ўзингдан юкорида турган олимларга қара», дейилган. Менга Ибн Умайддиниг шеъри ўқиб берилди:

*Ким дунё ва охирати учун фойдали яхши ҳаёт истаса.  
Одобда ўзидан тепага, мол-дунёда настга қарасин.*

Одатда илм туфайли кибр-ҳавога берилиб, эришган ютуғи туфайли фаҳр-ифтихор қилувчининг илми озлиги ва ноқислигини кўрасан. Чунки у ўз қадрини билмайди ва илм олишни бошлаб, олган озигина илми туфайли ғурурланинди ва қўп нарсага эришдим, деб ўйлади. Аммо анча вакт илм билан машғул бўлса, тубига стиб бориш қийилиги ва охиригача эгалланидан ожизлигини ҳис этади. Фақат ана шундай хулюсага келган кишигина олган илмини деб кибр-ҳаво қилмайди. Шаъбий айтади: «Илм уч қаричдан иборат. Ким бир қаричига етса, бурни кўтарилиб, илмга етдим, деб ўйлади. Ким иккинчи қаричига етса, нафси кичрайиб, унга стмаганини тушунади. Аммо учинчи қаричига хайхот, ҳеч ким ҳеч қачон столмайди».

Яна айни ўз ҳаётимда кўрган бир воқеани сизларга айтиб берсам. Савдо-согик масалалари ҳакида бир китоб тасниф қилиб, иложим еттаничка шу мавзуга оид масалаларни тўплашта кўп вактим кетиб, анча кийналдим. Ниҳоят, ёзган китобим сайқалланиб, охирги нуқтани кўйдим. Шу ишимдан бироз ғурурланиб, ичимда фиқҳ илмиши бошқалардан яхширок биламан,

деб ўйладим. Бир куни мажлисда ўтирсам, иккى аъробий келиб, мендан сахрода олди-согти битими тузадиган тўртта масалани ичига олган савдо шарғуларини сўради. Тан олиб айтгаманки, бирорта саволга жавоб бера олмадим. Хижолатдан бошимни эгиб, ерга қараб қолдим. Аъробийдан бири: «Ахир сен бу кавмнинг олимни бўлсанг, нахотки биз сўраган оддий саволларга жавоб бера олмасанг», дейишди. «Ха, шундай», дедим. «Аттани; аттани», деди иккови чикиб кета туриб. Мендан тайинли жавобни олоямай, илмда кўн шогирдларимдан хам орқада юрадиган бир кишининг олдинга бориб, шу масалаларни сўрашганда у тўлик жавоб беради. Иккови жавобдан рози бўлиб, илмига таҳсии айтиб қайтиб кетишади. Шунда мен саросимага тупиб қийналдим. Бундан ўзимга етарли панд-насиҳат ва сабок олдим. Шу икки аъробий туфайли нафсим жилови бўшашиди, кибр қаноти насадиди. Яхши бажарган амали туфайли ужбни тарқ этган кини яхши бажармаган амални деб тақаллуфни ташлаши шарт. Одамлар бу иккисидан қайтаришган ва Аллоҳ таолодан иккисини деб балоланишдан паноҳ сўрапади.

Буни Жоҳиз ўзининг «Китоб-ул баён» китобида очикрок келтириб, Аллоҳ таолодан паноҳ сўраб айтган сўзиdir: «Ой Аллоҳим, Сендан амал фитнасидан паноҳ сўрагандек, сўз фитнасидан хам паноҳ сўраймиз. Яхши адo этилган амалини деб ужбдан паноҳ сўрагандек, яхши адo этолмаган амални деб тақаллуфдан хам паноҳ сўраймиз. Дудуклик ва ҳасар (тил тутилини) дан паноҳ сўрагандек, тил аччиклиги ва вайсақилик ёмонилигидан хам Сендан паноҳ сўраймиз».

Биз ҳам у паноҳ сўрагандек Аллоҳ таолодан паноҳ сўраймиз. Яхши бажармаган ишни деб ўзини қийнаган кишининг мўлжали ва тўхтайдиган чегараси йўқ. Кимнинг тақаллуфи ҳадудан онса, у алашиб ва адаштиришга мубтало бўлибди. Ривоятга кўра, Пайтамбаримиз алайхиссалом: «Кимдан сўралса, билмай туриб фатво берса, адамибди ва адаптирибди», деб марҳамат киёдилар. Ҳонишмандаардан бири: «Билмаганингни биладиган кишидек сўзламаслигинг илм, тушунмаганингни тушунгандек сўзланинг қалтафаҳмликдир», деди. Ибн Зайд қандай ҳам чиройли айтибди:



Қачон шимим охирига етса, уни деб ҳаддан ошибман,  
Гойиб кишидан менга унинг шин хабар етказар,  
Киши яширган нарса ҳақида утинг шин хабар берур.

Агар илмни тўлиғича эгаллаб бўйлас экан, ундан бир қисми ни билмаслик уят ҳисобланмайди. Агар бир қисмини билмаслик уят бўйласа, билмаганини «билмайман», дейиш ҳам ёмон деб каралмайди. Ривоятга кўра, бир кипи: «Ё Расулуллоҳ, қайси жойлар яхши-ю, қайси жойлар ёмон?», деб сўради. У зот: «Жаброилдан сўрамагунча билмайман», ледилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Биронтангиздан билмаган нарсаси ҳақида сўралса, «Аллоҳ билгувчиидир», дейиши қалбга қандаям роҳат», деди. Дарҳакиқат, билмаганидан билани камлигини билган киши олимдир. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо: «Агар олим «билмайман», деган сўзни тарқ қилса, ҳалок бўлибди», дедилар. Олимлардан бири: «Ким «билмайман», деган сўзни тарқ этса, ҳалок бўлибди», деди. Донишмандлардан бири: «Менинг ортиқча илмим йўқ, факатгина билмаслигимни билишим бор, холос», деди. Улуғлардан бири: «Ким «билмайман» десса, унга билдирилади ва билади. Ким билмаганини «билиман», деб даъво қилса, ўз ҳолига ташлаб қўйилади ва ҳалок бўлиади», деди.

Агар фозил олимлар табакасида бўлса ҳам, такаллuf (сохталик) дан кутулиш учун киши ўзида йўқ илмни ўрганишдан уялмаслиги керак. Ийсо алайхисалом: «Эй илм соҳиби! Билмаганингни ўрган, билганингни жоҳилларга ўргат», деганлар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Беш нарсани мендан олининглар. Агар кема (узоқ сафар) га чиксангиз ҳам, мендан олган нарсани бошқа жойдан топа олмайсизлар. Огоҳ бўлингларки, биронтангиз Роббисини қўйиб, бошқасидан умид қилмасин. Фақат туноҳидан кўрксин. Олим киши ўзида бўлмаган илмни ўрганишдан уялмасин. Агар кимдан билмагани ҳақида сўралса, «билмайман», десин. Сабрнинг имондаги мақоми бошнинг танадаги мақомига ўхшайди», деди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо: «Агар илмдан қониқиши мумкин бўлганда, Мусо алайхиссалом илмдан қониқардилар. У кини Хизр алайхиссаломга: «Сизга ўргатилган яхшиликини менга ҳам ўргатишингиз учун сизга эргашсан майлими?» (Каҳф сураси, 66-оят) деган эдилар.

Халил ибн Аҳмаддан бунча илмга қандай эришганини сүралғанда: «Қачон бир олимни учратиб қолсам, илмини олиб, унга хадя берар әдим», деди. Бузургмекр айтади: «Илмдан бирор нарсаны ҳакир санамаслигиг илмдир ва ҳамма илмларни фазиятли деб билишиңг ҳам илмдир». Мансур розияллоху анху Шарқ розияллоху анхудан: «Бунча илмни қаердан олдинг?», деб сўраганда: «Оз бўлса ҳам фойда берадиган илмдан юз ўғирмадим, бирорвга нафи тегадиган илмимни қизғанмадим», деди.

Албатта илм ҳали ўрганилмаганини ўрганишни ва ўргангандарини такрорлаб туришни тақозо этади: Илмга кизиққан киши қанча илм олган бўлса ҳам унга тўймайди. Ави ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қиласди: «Икки очкўз сира тўймайди: илм оловучи ва дунё талаб қилувчи. Аммо илм оловучи Раҳмоннинг розилиги деб қурбни зиёда этади», деди ва сўнгра: **«Фақатгина Аллоҳдан бандалари ичиде олимларгиша қўрқади»**, деган оятни ўқиди. (Фотир сураси, 28-оят) Аммо дунё талаб қилувчи тугёнга кетади, дея: **«Дарҳаққат, инсон ҳадидан ошар (бунга) сабаб ўзини бой-бехожат санашидир»**, деган оятни ўқиди (Алак сураси, 6-7-оятлар).

Илм оловучи ўзидағи илм фазлиси кам деб ўйласа, илми янада кўпаяди, қусурларини кўп деб билса, унинг охирига етиб бора-ди. Олим киши ўзи олган илмга қаноатланмаслиги керак. Чунки олган илмига қаноатланиш зухд, яъни илмга кизиқмасликни билдиради. Қизиқмаслик тарқ этиш, тарқ этиш эса айни жаҳолатдир. Донишмандлардан бири: «Илм олиб, доим уни кўпайтириб боришни ўйла. Чунки илмнинг ками оз яхшиликка, кўпи кўп яхшиликка ўхшайди. Яхшилик факат камлиги туфайли айблидир. Яхшиликнинг кўпи эса орзудаги нарсадир», деди. Улуглардан бири: «Сен олган илмингни кам деб билишиңг илм фазидир, ақлингдан устун бўлишиңг ақлинг камолидир», деди.

Илм оловучи қанча илм олган бўлса ҳам, уни ўзидаң деб билмаслиги ва илм ҳақини адо этишини унутмаслиги керак. Бу ёса ўз нафсини қусурли ҳисоблаб, камтарликни тарқ этиб, илм ололмай қолишидан яхшироқдир. Чунки ким ўз нафсини яхши билмаса, бошқа хеч ким у билғанчалик билмаслиги аниқ. Оиша



розияллоху анҳо:» Ё Расулуллох! Инсон қачон Роббисини танийди», деганида, у зот: «Қачон ўзини таниса», деб жавоб берди. Халил ибн Ахмад билган-бilmagانларига қараб инсонларни тўрт қисемга ажратиб, ҳар қайсиси шулардан бирида бўлади, деб шундай деди: «Биринчиси, билади, билишини ҳам билади. У олимдир, ундан сўранглар. Иккичиси, билади, лекин билишини билмайди, у унтувчидир, унга эслатинглар. Учинчиси, билмайди ва билмаслигини ўзи ҳам билади. У тўғри йўл сўровчиidir, унга тўғри йўлни кўрсатинглар. Тўртинчиси, билмайди ва билмаслигини ҳам билмайди, у жохилдир, уни уйғотиглар». Абулкосим Омидий ўз шеърида айтади:

Агар билмасане, биладигандан сўрамасане,  
 У ҳолда сен қаердан ҳам била олардине?  
 Агар подон бўласангу ўзинг ўну билмасане,  
 Уни билишинидага сенга ким ёрдам берар?  
 Ҳар бир ишида сумонлисини келтирсане,  
 Ердек бўл, сени биладигандар босиб ўтсин,  
 Энг ажойиби, билмайсан ва билмаслигини ҳам билмайсан.

## БИЛГАНИГА АМАЛ ҚИЛИШ ОЛИМНИНГ ШИОРИ

Олим киши билганига амал қилиши, нафсини буюрилган шига штоат эттиришни ўзига шиор қилиб олиши керак. Аллоҳ таоло: «**Таврот юқлатилган** (берилган) сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) **кимсаларининг мисоли худди** **китобларни ортиб** кетаётган эшакка ўҳшайди» (Жума сураси, 5-оят), деган кишилардан бўлиб қолмасин. Қатода розияллоху анҳу Аллоҳ таолонинг: «**Зотан у биз** (ваҳий орқали) **берган таълими-миз сабабли** (чуқур) **билим эгасидир**» (Юсуф сураси, 78-оят), деган сўзи ҳақида: «Яъни, у билган илмига амал қилувчиidir», деган эди. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Кўп таан ўигувчилар ва кўни ганирувчиларга вайл бўлсии», дедилар. У зот бу билан эшиттанига амал қилмайдиганларни назарда тутган. Абдуллоҳ ибн Ваҳб Суфён розияллоху анҳудан келтирилган ривоятда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй Имрон



ўгли! Илмни амал қилиш учун ўрган, агар гапириш учун ўргансант; сенга ҳалокат ва нури бошқаларга бўлади», дедилар. Али ибн Абу Толиб: «Инсонлар илм олувчининг олган илмидан ўзига фойда кам, деб ўйлаганлари учун илм олишга кизикмадилар», деди. Абу Дардо: «Энг кўп қўркканим Аллоҳ таолонинг хузурида турганимда сен билар эдинг; унга қандай амал қилидинг; деб айтишидир», дер эди. Яна у киши: «Қуруқ гапдан кўра унга амал қилувчи, тўғри гапдан кўра, уни айтувчи, илмдан кўра уни олувчиси яхшироқдир», деди. «Мансур-ул хикам» да: «Ким олган илмига амал қилмаса, илмидан унга фойда стмабди», дейилган. Олимлардан бири: «Илмнинг меваси унга амал қилини, амалнинг меваси унга ажр олишдир», деган. Солиҳлардан бири айтади: «Илм амалини чакиради, агар амал жавоб берса, илм келади, аксинча бўлса, илм кетади». Донишмандлардан бири: «Илмнинг яхписи фойдалиси бўлиб, сўзнинг яхписи тўхтатиб қолинадиганидир», дейди. Адиблардан бири: «Илмларнинг самараси биллиб олганига амал қилишдир», дейди. Улуғлардан бири: «Илмнинг тўлиқлиги ундан фойдалана олиш, амалнинг тўлиқлиги уни кам деб хисоблашдир. Ким илмидан фойдаланишни билса, тўғри йўлдан адашмайди, ким амалини кам ҳисобласа, мақсадига етади», дейди. Абу Таммом Тоий шеър айтди:

Амал қилмайдиган олимни мақтамаслар,  
Худди шундай илмсиз амал қилувчини ҳам.  
Шараф ўйларин эри-бугри деб билдишар,  
Улар наздида даҳшатли ожизлик доно ожизлигидир.

Чунки олимнинг илмини олганлар унга амал қилмасалар, илм уларнинг заарига хужжат бўлганидек, илмли кишининг ўзига ундан-да қаттиқ ва заарарли хужжат бўлади. Шунинг учун илмли киши ўз илмига шогирдларидан кўра кўпроқ амал қилини керак. Чунки илмнинг мартабаси амал мартабасидан олдинда бўлганидек, илм мартабаси сўз мартабасидан ҳам олдиндайдир. Абу Атохия рахимахуллоҳ айтади:

Ровийлар сен тўғрингода етказган ҳукмларига қулоқ сол,  
Билсинки, улар заарингга ҳужжат бўлур, ибрат ол.



Илмли киши ўзи амал қилмайдиган гапни айтни ва ўзи қилмайдиган ишга буюриш ва сирти бошқаю, ичи бошқа бўлишдан сакланиши керак. Шоирнинг мана бу:

*Ўзим амал қилмасам, сўзимга қиласил амал,  
Сўзим сенга фойдали, нуқсоним қилмас халал,*

деб айтган байтини олим киши ўз нуқсонларига узр қилиб олмасин, ўзига зарар бўлади. Агар ундан бошкага зарар бўлмаса хам. Чунки нафсинг қайсарлик қилиб, итоат этмаслиги унинг хоҳиши бўлиб, мана шу қайсарлик унга ёмонликларни чиройли қилиб қўрсатади. Ким ўзи қилмайдиган ишни айтса, ҳйла қилибди, ким ўзи итоат этмайдиган ишга буюrsa, алдабди, кимнинг ичи сиртига ўхшамаса, мунофиқлик қилибди. Ривоят килинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Макр ва хиёнатнинг соҳиби дўзахдадир», деганлар. Чунки ўзи итоат этмайдиган ишга буюриш ва ўз нафсига ёқмаган нарсани рад этиш ярамас олатdir. Баъзан бу нарса бир ишга буюрилган киши қайсарлик қилиб уни тарқ этиши ва буюрилмаган ишни килишига сабаб бўлади. Ҳикоя қилинишича, бир аъробий Ибн Абу Зиъбнинг олдига келиб, ундан талоқ масаласини сўради. У аъробийга талоқ тушибди, деб фатво берди. Шунда аъробий: «Яхшилаб қаранг», деди. «Қарадим, ҳақиқатан ҳам унга талоқ тушибди», деди. Аъробий куйидаги пеърни айтига-айта қайтиб кетди:

*Ибн Зиъб ҳузурига фикҳни хоҳлаб келдим.  
Хотинини талоқ қилди, қуриб кетгур, нажот топмадим.  
Ибн Зиъбнинг фатвоси билан ҳалоламини қилгум талоқ,  
Ваҳолангки, у уйида жуфттию аҳли ила апоқ-чапоқ.*

Аъробий ўз жоҳишлиги туфайли талоқ қилиши лозим бўлмаган одамнинг сўзига биноаш талоқ тушмайди, деб ўйлаган эди. Энди буюрувчи ҳам, буюрилувчи ҳам амал қилиши вожиб бўлган сўзга нима дейсиз? Ўзи амал қилмаса, қандай қилиб унинг сўзи мақбул бўлсин? Йўқ, ундан эмас! Аҳмад ибн Юсуф айтади:

*Яхниликка буюур, ўзи фужурда бўлиб,  
Гўё зулматга шўнгийётган йўлбоичидек.*

Ё бир табибки, касал уни беҳол қылган,  
 Касалгикни даволар, ўзида ҳам шу касал.  
 Эй одамларга ваъз айтувчи, ўзи эшиштмас насиҳат,  
 Аввал кийимингни покла, қулмай насиҳат.

Яна бир шоир айтади:

Тилингни ўргатгин камгапликка,  
 Сўзингни сақлагин хушёрликка.  
 Одамларга насиҳат қилишдан сақлан,  
 Ўзинг насиҳатга муҳтож бўлгандা.

Аммо илм тақозосига кўра, амал қилиб, илмни қўйиб амалга, амални қўйиб илмга ўтиш ҳақда Зухрий шундай хикоя килали: «Бу тўғрида бошқалар такаллуфидан халос этадиган ривоят нақл қилиниб, унда инундай дейилган: «Билмаган киши учун илм амалдан афзал, билган киши учун амал илмдан афзал». Аммо илм билан ибодат ўртасидаги фазлга келсак, агар обид бирор вожибни нуқсонли бажармаса ёки фарзни бажаришида камчиликка йўл қўймаса, Расууллоҳ алайхиссаломдан: «Олим ва обид қайта тирилганда, обидга жаннатга кир, дейилади. Олимга ёса, одамларни шафоат килгунингча кутиб тур, дейилади», деган ҳадисдаги холатга дохил бўлади.

\* \* \*

Яхши эгаллаган илмларини ўргатишни қизғашмаслик ва етказишдан юз ўтирмаслик олимларнинг одобларидир. Чунки илмни қизғаниш насткашлиқ ва зулмидир, ундан ман этиш ҳасад ва гуноҳдир. Ахир олимлар ўзи илмни қизғанишсиз, сахийлик ва сарф-харажатсиз олган бўлсаю, қандай қилиб илмини бошқалардан қизғансин ёки илмни сарфланса, кўпайишини, беркитилса, камайиб боришини билсаю, қандай қилиб баҳиллик кильсин. Агар олдинги олимлар мана шунаقا йўл тутгангандарида, шим унгача етиб келмасди ва олимлар ўтиб кетиши туфайли илм ҳам инкирозга учарди. Ўзлари кундан-кун жоҳилга айланиб, ҳолат ўзгариши ва нуқсонга юз тутиш билан разилга айланишарди. Аллоҳ таоло айтади: «Эсланг, (эй, Мухаммад!) Аллоҳ

**аҳли китоблардан, уни (Таврот ва Инжилни) одамларга, албатта, аниқ баён қиласиз, уни (хеч кимдан) сир тутмайсиз, деб аҳд олган эди...»** (Оли Имрон сураси, 187-оят)

Ривоятга кўра, Расулulloҳ алайҳиссалом: «Илмни ўз олувчилардан маън қилманлар. Чунки динингиз фасоди ва акл-идроқингиз (бошқа одамни) адасигириши ана шундадир». Сўнг у зот мана бу оятни ўқидилар: **«Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни (Муҳаммаднинг барҳақ Пайғамбар эканини) одамларга Китоб (Таврот) да аниқ қилиб берганимиздан кейин (уни) яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар (фаришталар ва мўминлар) ҳам лаънатлагай»** (Бақара сураси, 159-оят). Ривоят килинадики, Расулulloҳ алайҳиссалом: «Ким ўзи яхши билган илмни яширеа, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни оловни юган билан юганлайди», дедилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят килинади: «Аллоҳ таоло токи илм аҳлидан илм бериш ваъдасини олмагунча жоҳийлардан илм олиш ваъдасини олмади». Донишмандлардан бири: «Сарфлаш билан камаядиган нарсани сарфлаш ҳикмат қоидаларидандир. Энди сарфлаш билан кўнайдиган нарсани сарфлан ҳса, ҳикмат қоидалари бўлишга лойикроқдир», дейди. Олимлардан бири: «Илм олувчиға илм олиши нафл ибодат бўлганидек, илмни етказиш олимга худди шундай фарздир», деган. «Мансур-ул ҳикам» да: «Илмни яширган кишининг жоҳилдан фарки йўқ», дейилган. Холид ибн Сафвон айтади: «Муаллимдан фойда олганимдан кўра, шогирдимга илм беришдан кўпроқ хурсанд бўламан». Илм беришда олимга икки фойда бор:

**Биринчи фойда**, Аллоҳ таолодан умид қилинадиган ажр-савоб. Расулulloҳ алайҳиссалом илм ўргатишни садака деганлар: «Биродарингизга тўғри йўлга йўллайдиган илмни ва тузатадиган фикрни садака қилинглар». Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулulloҳ алайҳиссаломнинг: «Илм олинилар ва илм беринглар, чунки илм берувчи билан илм олувчининг ажри баробар», деганларини ривоят килди. Уларинг ажри ҳақида сўралганда: «Юз магфират ва жаннатдаги юз даража», дедилар.



**Иккинчи фойда**, илмнинг кўнайиб, ёд олинганини нишитиш. Халил ибн Аҳмад: «Илм беришингни илминг учун дарс килгин, илм олувчииниг баҳс-мунозарасини ўзингда бўлмаган нарсадан огоҳлантириш деб қабул килгин», деди. «Мансур-ул ҳикам» да Ибн Мұтаз айтади: «Оловни оловдан олинадиган нарса ўчирмайди, лекин уни ўтин тополмаслигинг ўчиради». Худи шунга ўхшашиб илм иктибос олини билан йўқолмайди, балки ҳомил (етказувчи) ларнинг кетиши унинг йўқолинига сабаб бўлади. Олган илмингни кизғанишдан сақлан. Олимлардан бири деди: «Илмишгни ўргатиб, бошқалар илмиши ол. Агар билмаганингни ўрганиб, билганингни ёд олган бўлсанг ҳам».

Билгинки, илм олувчилар икки тоифа бўлади: илмга чакирилувчи ва илмни излаб борувчи. Илмга чакирилувчининг зехни ўткир ва хотираси қучли эканини билган олим киши илм бериш учун уни олдига чакириб олади. Агар олимнинг бу таклифи шогирдни кизиктирса, катта ютукқа эришилади. Чунки олим киши уни таклиф килиш билан ўзи илмга чукур кириб борса, илм олувчи қизиқиш ва закийлик туфайли илмини янада кўпайтиради. Илм излаб борувчини илмга даъват этадиган ҳолат икки хил, агар ундаётган истак ва чакираётган сабаб диний бўлса ва илм олувчида закийлик ва фаҳм-фаросат бўлса, олим киши уни савимий қабул килиши ва илм беришда мутаваффир (тўлиқ килиб берувчи) бўлиши лозим. Ўзидаги бор илмни сир тутмаслиги ва тўшлаган илмини ундан янирмаслиги лозим.

Агар таълабанинг зехни паст ва ўзи аҳмок бўлса, озгина илмни ҳам раво кўрмай, маҳрум килинмаслиги ва кўп илмни юклаб, уни кийнаб кўймаслик керак. Илм олувчининг зехни пастлигини ундан маҳрум этишга баҳона қилиб олмасин. Чунки қизиқиш сабаб бўлишини, сабр таъсир қилишини билини керак. Ривоятга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Илм олувчидан илмни кизга мангларки, унга зулм қилган бўласизлар. Илмни қизиқмаган кишига бермангларки, гуноҳкор бўласизлар», дедилар. Дошишмандлардан бири деди: «Бирон кишини илмдан тўсманглар. Чунки илм ўз тарафига тортувчи эмас» (яъни машақкатларни била туриб, илмга интилган кишининг йўлини тўсмаслик керак. – гарж.).



Аммо илм олишига чақиравчи сабаб диний бўлмаса, бу ҳолатда унга карайди. Агар ўрганиш мубоҳ бўлса (**масалан, бир кишини илм излашга машҳур бўлиш ва риёсат чақирган бўлса.** – тарж.), бу тўғридаги сўз илм беришдаги олдишги сўзга якиндири. Чунки илм олувчини илм кейинги ҳолатда динга боғлайди. Гарчи олдинги ҳолатда диний илм олишни ният қилмаган бўлса ҳам. Суфён Саврийдан ривоят килинади: «Биз илмни Аллоҳ таолодан бошқаси учун ўргандик, лекин илм бошқаси учун бўлишдан бош тортди». Абдуллоҳ ибн Муборак деди: «Илмни дунё учун ўргандик, у бизни дунёни тарк этишга йўллади».

Агар илмга чақиравчи сабаб паҳий-таъкик этилган бўлса, (**масалан, бир киши илмни диший шубҳалар ва фикҳий ҳийлаларда фойдаланмоқчи бўлиб, яширин ёмонлик ва ботиний макр ила ўрганса.** – тарж.) ахли салоҳ ундан қутилиш ва ҳимоя чорасини топа олмай колади. Расулуллоҳ алайхиссалом айтгандаридек: «Умматимни икки киши ҳалок қиласи: фожир олим ва ибодатли жоҳил». «Ё Расулуллоҳ, кайси инсон ёмопрок?», дедилар. «Олимлар, агар фасод иш килсалар», дедилар.

Агар олим бир кишини фасод ҳолда кўрса, уни қайтариб, истагидан буриши керак, макрини ва ёмонлигини амалга оширишга ёрдам бермаслиги лозим. Анас ибн Молик ривоятида Расулуллоҳ алайхиссалом: «Илмни хоҳламаган кишига илм берувчи худди тўнғизга марварид, гавҳар ва тилла таққан кишига ўхшайди». Ийсо алайхиссалом: «Жавҳарни тўнғизга бермангларки, илм марвариддан афзалдир. Илмга ҳақли бўлмаган киши тўнғиздан ёмондир», дедилар. Ҳикоя қилининиша, бир шогирд олимдан баъзи илмларни ўрганмоқчилигини сўради. Олим унга сабоқ бермади. «Нега бундай қилдинг?», деб сўралганда: «Ҳар бир сринг ўз экини, ҳар бир бинонинг ўз пойдевори бор», деди. Улуглардан бири: «Ҳар бир кийимнинг ўз кийувчиси, ҳар бир илмнинг олувчиси бор», деди. Адиллардан бири: «Тўнғиз оралаб юрган боғ учун ачин ва ёмон кипи жамлаган илм учун йиғла», деди.

Олим ўз фахм-фаросати ила илм олувчининг токат даражаси ва закийлик ила илмни олишга унинг ҳақдорлигини билиши ёки ақли камлиги боис кувваи ҳофизаси заифлигига эътибор бериши

керак. Бу олим учун роҳат, илм оловчи учун фойдалидир. Собит Анас иби Моликдан келтирган ривоятда Расулulloҳ алайҳисса-лом: «Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, улар инсонларни фаросати билан танийдилар», дедилар. Умар иби Хатюб розияллоҳу анху: «Мен кўрмаган нарсамни билмасам кўрган нарсамни ҳам билмабман», деди. Абдуллоҳ иби Зубайр айтади: «Ким кўзи билан кўрмаганини фикрлаб кўра олмаса, яхшилик билан яшай олмайди». Иби Румий деди:

*Зийрак кини фикрининг аввалидаёқ  
 Гойиб нарса ортидаги ишининг охирин билар.  
 Иқтидор эгаси закий қалблি, заковатда тенги йўқ.  
 Одамлар ҳайрат ва изтиробда бўлсалар ҳам,  
 У назарин қаратмайди ва англамайди.*

Агар олим киши илм оловчиларга мана шу тариқа эътибор бериб, уларга кифоя этадиган илм миқдорини билса, илм беришда кийналмайди ва илм оловчи ҳам ноумид бўлмайди. Агар илм оловчиларга эътибор бермаса, унинг ҳоли ва ҳаққорлик дараҗасини билмаса, илм оловчилар ундан илм олинида қийналади. Чунки илм берувчи талabalари ичида илмга муҳтоҷ зийраклари ва озгина илм ҳам оғирлик қиласидиган зеҳни пастлари борлигини билади. Ана шуни ишобатга олмаса, илмга чанқок талаба илмдан зерикади, зеҳни паст талаба вазифани уddyалай олмайди. Кимининг талabalари зерикиш ва ожизлик тараддуудида қолса, уларни ўзига малол олади ва ўзи ҳам малоллик келтиради.

Абдуллоҳ иби Ваҳб Суфён Ибн Абдуллоҳдан ривоят қиласи: «Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй илм оловчи, сўз-попчининг эши тувчига қараганда малоли камроқдир. Эй Мусо, агар сўзлассанг, олдингдагиларни зериктирма. Билгинки, қалбинг идишдир. Бу идишга нимани қўйтганингта қара», дедилар. Дошишимандлардан бири: «Олимларнинг яхшиси камайтиrmайдиган ва зериктирмайдиган кинидир», деган. Олимлардан бири: «Эши тувчига кўпайган ва фаҳмлашга тоқати етмаган хар бир илм қалб кўрлигини оширади», деди. Қачонки танадаги қалбларнинг фаҳмлаши кучайса, кулоқлар эшитиши фойдали бўлади.



## ОЛИМНИНГ СУЛТОН ҲУЗУРИДАГИ ОДОБИ

Баъзан нафс фазилати ва яхши табнат туфайли айрим султонларда илмга қизикиш пайдо бўлади. Ана шуни билган олим сulton ҳузурига боргандা ўзини бемалол тутиб, талтайиб кетишдан тийилсан. Балки сulton ва унинг мартабасига караб ҳақини тўғри адо этишини ўйласин. Чунки итоат этиш ва улуғланини сulton ҳақи бўлса, қабул қилиш ва хурмат кўрсатини илм берувчининг ҳақидир. Мабодо сulton илм олишни хоҳласа, чакирилгандан кейингина илм беришни бошлаши керак. Шунда ҳам сultonга илми кифоя даражасидан оширмасин.

Баъзан айрим олимлар сulton ҳузурида ўз илмини кўз-кўз этишга қизикиб, ҳаддан онади. Бу эса сultonга малол келиб, илмдан безишита сабаб бўлади. Чунки сulton ҳар доим беҳаловат ва вақти зик кишидир. Илм билан шуғулланишига вақти ва сабр тоқати етмайди. Асмаъий рахимахуллоҳ айтади: «Хоруғ ар-Рашид менга: «Эй Абдулмалик, сен биздан кўра илмлисан, биз эса сендан акслироқмиз. Кўичилик ичиди бизга илм берма, холи колган вактимизда бирор нарсани эслатинига шошилма. Токи сенга савол бермагунимча, ўз ҳолимизга қўй. Тўлик жавоб бергач, унга кўшимча килма. Бир нарсани сендан сўралсагина айтгии. Одоб беришда юмшоқ бўлиб, илм беришда ўртача йўлни танла. Жуда кисқа ва тўғри сўзлар билан етказишни ўйла».

Олим кишининг сultonга илм бериши баҳс-музокара ва маърузага ёки унга ақл ўргатишга ўхшаб қолмасин. Чунки ўз вактида илм олмагани учун айбордлик ҳисси борки, сulton буни кўтара олмайди. Агар сultonнинг сўзи ёки амалида бирон хатолик ва адашиш юз берса, унга ошкора таибех бермасин, хатосини тушунтириш ва айбини тузатишга берилиб кетмасин. Ҳикоя қилининиича, Абдулмалик ибн Марвон Шаъбийга: «Кам атоака (мукофот пулинг канча?)», деди. У: «Алфайнин (икки мингни)», деди. Абдулмалик ибн Марвон: «Хато айтдинг», деди. «Амирул мўминин эъроб (турлаш) га риоя қилмагач, мен ҳам эъроб билан айтишини хуш кўрмадим», деди у. (Аслида халифа «Кам атоука» дейиши, у эса «алфони» дейиши керак эди. – тарж.)



Яна олим киши султоңға ёқиши ва ҳавои нафсига әргашиш туфайли динига таъсир қилиш ва ҳаққа қарши боришда унға әргашыдан сақлансын. Күнинча ё рағбат, ё хавф туфайли олимлар үз кадрини йүқтөді ва үzlари адашиб, бошқаларни ҳам адаптиради. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ келтирған ривоятда Расулуллоҳ алайхиссалом: «Бу уммат ҳар доим Аллохнинг құли ва химояси остида яхшиликда бўлади, модомики, корилари амирларига мойил бўлмаса, фозиллари фожирларини мактамаса, яхшилари ёмонлари билан баҳслашмаса. Агар шундай қилинса, улардан Аллоҳ таомонинг ёрдами кўтарилади. Шундан кейин улар устидан золим подшоҳлар ҳукм юритиб, қаттиқ азобга дучор этадилар, муҳтоҗлик ва фақирликка йўлиқади ва қалблари кўркувга тўлади».

Шубҳали касб-корлардан нафсни пок тутиш ва ҳожатмандлик ташвишидан қутулиб, озгипасига қаноат этиш олим кишилар одобларидан биридир. Шубҳали касб-кордан ризқ топини гуноҳ ва уни талаб қилувчининг машаққати хорликдир. Гуноҳдан кўра ажр-савоб унга лойик ва азизлик хорликдан кўра лойикроқдир. Адаб аҳлидан бири менга қози Али иби Абдулазиз раҳимаҳуллоҳнинг шеърини айтиб берди:

Менга улар айтар нега четда юрасан деб,  
 Улар хорликдан сақланған кишини кўрдилар.  
 Одамларга ким яқин борса, хор бўлганин кўрдим.  
 Ким обрўйни сақласа, ҳурмат қилинар.  
 Илм ҳақини тўлигича аддо этмадим афес,  
 Қачон тамаъ бошланса, ўзимга уни нарвон айладим.  
 Мен қилган ҳар бир тамаъ мени хорлаган каби  
 Мен учратған ҳар кишини неъматга рози бўлмас.  
 Мана чашма дейилса, кўриб туриман, дейман,  
 Лек ҳур кишининг нафси ташналикка тоқат этар.  
 Нафсимни баъзи ёмон эмас нарсалардан тияман.  
 Нима учун, нега деган ганим сўзидан қўрқиб.  
 Илм хизматида бор гайратимни ишга согмадим,  
 Менга учраган кишига холис хизмат қилиши учун.  
 Балки менга хизмат қилишларини истадим.  
 Шу илми деб айтинг бадбахт ё хор бўлайми?



Ундаî бўлса жоҳилликни афзал билайми?

Гар илм аҳли илмига риоя этса, илм ҳам уларни сақлар.

Қалбларда илм улугланса, илм ҳам уларни улуглар.

Лек илмни хорзадилар, бас, илм хорланди, қаранг,

Илм юзини таъмалар булгаб, янада бўлур хунук.

## ИЛМ ЛАЗЗАТИ ҲАР ҚАНДАЙ ЛАЗЗАТДАН АФЗАЛ

Илм ҳар қандай лаззатдан эваз ва ҳар қандай шаҳватдан бе-жожат бўлишга қодир. Ким илмга тўғри ва холис ният билан ёндашса, ундан бошқа бирон нарсага қизикмай қўяди. Улуғлардан бири: «Ким илм билан ёлғиз колса, ёлғизликдап қўрқмайди. Ким китоблар билан овунса, қалбига тасалли топади. Кимни Куръон тиловати ўзига ошуфта этса, дўстлардан ажралиб ёлғиз қолиш уни чўчитмайди», деди. Олимлардан бири деди: «Илм-дек ҳамроҳ йўқ, хилмдек ёрдамчи йўқ».

Яна илм олувчиларга Аллоҳ таолонинг розилиги ва тўғри йўлга йўллаш савобини умид қилган ҳолда илм берини олим кишилар одобидандир. Бундан ташқари, шу берган илмлари учун бирон эвазни тамаъ қилиб ризқ топишни ўйламасликлари керак. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «**Ўзингиздаги нарса (Таврот ва Инжил) ни тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсам (Куръон) га имон келтирингиз. Уни биринчи бўлиб инкор этувчи бўлмангиз. Оятларимни (ўзгартириш эвазига бериладиган) озгина баҳога сотмангиз ва Мепдангина қўркингиз**» (Бақара сураси, 41-оят). Абул Олия: «Илм учун ҳақ олманглар, ҳақ олмаслик ҳузурингиздаги олдинги китобда: «Эй одам боласи, ҳақ тўламай илм олганингдек, ўзинг ҳам ҳақ олмай илмни ўргат», деб қўйилган. Нақл килинишича, Расулуллоҳ алайхиссалом: «Илм берувчининг ҳақ-ажри кундузи рўза тутиб, кечани ибодат билан ўтказадиган киши оладиган ҳақ-ажрга ўхшайди. Мана шу ажрни деб, ажр-савобни излаш етарлидир».

Яна илм олувчиларга насиҳат қилиш, мулойим бўлиш, сигил ва осон йўлни кўрсатиш, иложи етса ёрдам берини ва қўллаб-кувватлаш олим кишилар одоби ҳисобланади. Албатта шундай қили-

ши улар оладиган ажр-савобнинг энг улуғидир, улар зикрининг шарафлиси, улар илмининг машҳур бўлиши ва уларга маълум нарсанинг мустаҳкам бўлиб, ёдда қолувчироғидир. Бир ривоятда Расууллоҳ алайҳиссалом Али қаррамаллоҳу важҳаҳуга: «Эй Али, Аллоҳ таоло сен туфайли бир кишини тўгри йўлга солиши қўёш нури етиб турган ҳамма нарсалардан яхшироқдир», деган эдилар.

Яна илм оловчига қўпол бўлмаслик, иззат-нафсига тегмаслик ва илм олиш йўлига кирган кишининг иштиёқини сўндириб қўймаслик ҳам олим кишиларнинг одобидир. Бундай одоб илм оловчиларши ўзига чорлаб, илм олишта қизиқтиради. Ривоят килинишича, Расууллоҳ алайҳиссалом: «Илм беришда қўпол бўлманглар. Албатта илм берувчи қўполлик килувчидан яхшироқдир», деганлар. Ривоятга кўра Расууллоҳ алайҳиссалом: «Сизлар илм олаётган кишини ҳам, илм берадиган кишини ҳам хурмат қилинглар», дедилар.

Яна илм олмоқчи бўлган кишининг раъйини қайтармаслик, иштиёқини сўндиримаслик ва ноумид қилмаслик ҳам олим кишилар одобидир. Бундай одобларга риоя қилмаслик олимларнинг камайиб, илмнинг йўқолишига олиб боради. Ривоятга кўра Расууллоҳ алайҳиссалом: «Сизларга ҳақиқий факих кимлигини хабар берайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расууллоҳ», дейишиди. У зот: «Одамларни Аллоҳ таолонинг раҳмати ва меҳрибонлигидан ноумид қилмаган ва бошқа нарсага қизиқиб, Қуръонни упга алмаштиргаган кишидир. Огоҳ бўлингларки, илмсиз ҳолда адо этилган ибодатда ва тушунмасдан олингаг илмда ва тадаббурсиз қироатда яхшилик йўқ», дедилар. Мана шу айтиб ўтилганлар ўкувчига етарли бўлиб, Аллоҳ таоло муваффак этувчиидир.



## УЧИНЧИ БОБ ДИН ОДОБИ

Шупи билгипки, Аллох таоло бандаларни ибодатга буюриб, фарзларини бажаришни шарт қилиб қўйди, пайғамбарларини юбориб, шариатини етказди. Аслида, бандалар зиммасига масъулият юкланиб, Аллох таолога ибодат килишларига ҳеч қандай хожат ҳам, зарурат ҳам йўқ. Бундан максад уларга беҳисоб исъмат бериб, Ўз фазлипи кўрсатганидек, яна Ўз фазли-марҳамати билан уларга манфаат ва фойда етказилишидир. Неъматнинг ибодат билан бирлапини энг улуғ баҳтдир. Зоро, тоат-ибодатдан бошқа амалларнинг фойдаси шу дунёning ўзида интиҳосига етиб туғайди. Аммо тоат-ибодатнинг фойдаси дунёда ҳам, охиратда ҳам аскотади. Дунё ва охиратдаги фойдапи ўзида жамлаган парса энг улуғ неъмат ва энг кўп фазилат дейишга арзиди.

Яна Аллох таоло бандаларига буюрган тоат-ибодатларни бир-бирига эрганидиган ва бир-бирини тинглайдиган ақл ва шариатдан олди. Демак, ақл шариат ман этмаган ишларни маъқулласа, шариат ақл ман этмаган ишларларга қулоқ солади. Чунки шариат ақл маъқул кўрмаган ишларга буюрмайди, ақл шариат маъқул кўрмаган ишларга эрғашмайди. Шу боис таклифлар (**амр ва қайтариқлар. – тарж.**) факат ақли тўлиқ ва унда нуқсони йўқ кишиларга юклатилган.

Қанчалик қарши бўлишмасин, Аллох таоло Ўз динини юзага чиқариш учун мушрикларга расулинни хидоят ва ҳақ дин билан юборди. Пайғамбар уларга Аллох таолонинг рисолатини бескаму кўст етказди, шариатини баён қилиб, Улуғ Китобидаги ҳалол, ҳаром, мубоҳ, тарьқик, мустаҳаб, макруҳ, амр ва қайтариқ, итоат этувчиликларга ваъда қилинган ажр-савоб ва осийларга тайин этилган азобларни тиловат килиб берди. Аллоҳнинг ваъдаси тарғиб, ваиди эса тархиб-кўркитишдир. Чунки рагбат итоатга чакирса, раҳбат маъсиятдан қайтаради. Итоатга буюриш ва маъсиятдан қайтариш таклиф дейизлади. Шунинг учун таклиф доим рагбат ва раҳбат билан ёнма-ён юради. Аллох таолонинг китобида зикр

этилган пайғамбарларнинг қиссалари ва олдинги қавмларниң хабарлари рағбатни кучайтириб, раҳбатни оширади. Бу эса Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатган лутфи, фазли ҳамда марҳаматидир. Несъматлари бехисоб ва шукрини адо қилиб бўлмайдиган Зот – Аллоҳга ҳамд бўлсии.

Сўнг Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссаломга мужмал ишларни баён қилиш, поаниқ ишларни тафсир қилин ва эҳтимолли ишларни аниқлаштириш (неъмати) ни берди. Бу эса мазкур ишлар фактат Аллоҳ таолуга хослиги, расулнинг вазифаси эса фактат етказиш эканини апглатади. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Ва биз инсонларга ўзларига нозил қилинган нарсани баён қилиб беришинг учун сенга Зикри нозил қилдик. Ва шояд улар фикр қилсалар**» (Наҳл сураси, 44-оят).

Сўнг Аллоҳ таоло уламоларга Китобнинг маъно ва усусларига таянган холда ўз ижтиходлари билан хулоса чиқариши (неъмати) ни берди. Бу билан улар бошқалардан ажралиб, ижтиходларига ажр-савоб оладилар.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «**Аллоҳ сизлардан имон келтирган кимсаларни ва илм ато қилинган кимсаларни даражаларга кўтаради**» (Мужодала сураси, 11-оят).

Аллоҳ таоло яна айтади: «**Ва унинг таъвилини Фақат Аллоҳ ва пухта илмилларгина билади.**» (Мужодала сураси, 11-оят).

Демак, Китоб (Куръон) асл манба, суннат (ҳадис) фаръ (тармоқ), уламолар хулоса чиқариши эса изоҳ ва баёнидир. Ривоятга кўра, Пайғамбар алайҳиссалом: «Куръон шариат илмининг асоси, унинг матни ва далилидир», дедилар. Ҳикмат Расулulloҳ алайҳиссаломнинг баёни, кўпчилик умматнинг иттифоқи ва улардан оз кишиларнинг зарарига хужжатдир. Аллоҳ таолонинг бандаларига яна бир фазлу марҳамати шуки, уларни токат ва кучлари стадиган амалларга буюрди, ибодатлардаги қийинчиликларни кўтарди. Буларни тоат-ибодатларини жиҳду жаҳу ила бажаринилари ва маъсиятлардан кайтишлари учун қилинди. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Аллоҳ жонни фақат тоқати етадиган нарсагагина буюради**». (Бакара сураси, 286-оят).

Яна Аллоҳ таоло деди: «**Ва Аллоҳ сизларга динда ҳеч қандай қийинчилик қилиб кўймади**». (Ҳаж сураси, 78-оят).



Аллоҳ таоло Ўз таклифларини уч қисмга ажратди. **Биринчиси**, эътиқод қилиш, **иккинчиси**, бажариш ва **учинчиши**, тийилишдир. Таклифнинг бу тарздаги тақсими уни қабул қилишни осонлаштириш ва бажаришга ёрдам беришини таъминлади. Бу Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва лутфи карамидир. Шунингдек, эътиқод қилишга буюрган нарсаларни икки қисмга ажратди. **Биринчиси**, исбот қилиш, **иккинчиси**, инкор қилишдир. Исбот қилиш деганда Аллоҳ таолонинг бирлиги, сифатлари, пайғамбарларни юбориши ва Мұхаммад алайхиссалом келтирған нарсаларни тасдиклаш тушунилади. Инкор қилиш деганда Аллоҳ таолонинг хотини, боласи йўқлигини, бирон нарсага ҳожати тушмаслигини ҳамда ёмонлик ва камчиликлардан нок эканини эътироф этиш тушунилади. Аллоҳ таоло оқилнинг зиммасига дастлаб икки масъулиятни юклаган.

Яна бажаришлари керак бўлган ишларни уч қисмга ажратди. **Биринчиси**, намоз ва рўза каби баданга тегишли амаллар. **Иккинчиси**, закот ва каффорат каби молга тегишли амаллар. **Учинчиши**, ҳаж ва жиҳод сингари ҳам баданга, ҳам молга тегишли амаллар.

Бу буйрукларни бажариш осон ва енгил бўлиши учун Аллоҳ таоло Ўз фазли ва раҳмати билан уларни шундай тақсимлади. Тাъқиқлаб, ман этилган ишларни уч қисмга ажратди. **Биринчиши**, жонларини ва баданлари саломатлигини саклаш учун. Масалан, ноҳақ одам ўлдириш, ҳаром ва ифлос нарсаларни ейиш, заҳар ва зарапли нарсаларни истеъмол қилиш ва ақлнинг айниб, завол топишига олиб келадиган маст қилувчи ичимликларни ичишдан кайтарди. **Иккинчиси**, ўзаро бирлашиш ва ораларини ислоҳ қилиш учун. Масалан, ғазаб қилиш, урушиш, зулм, ихтилоф ва низоларга сабаб бўладиган исрофгарчилик ва ёвузликдан қайтарди. **Учинчиши**, насл-насабни сақлаш ва қариндошликтини мустаҳкамлаш учун. Зинодан ва қариндошларга никоҳланиш кабилардан қайтарди.

Демак, таъқиқланган ишлар бизга мубоҳ қилинган неъматлар каби яна бир неъматдир, тийилишга буюриши бажаринига буюришдек Аллоҳ таолонинг фазлидир. Ахир, оқил киши ўзига



нельмат килиб берилган ишни бажаришда локайд бўладими ёки таъкиқланган ишни қиладими, ахир ундан тийилиш ўзига фойда-ку!? Ўзи шу нельматга муҳтож бўлсаю, шариат бу нельматдан юз ўғиргапларга қаттиқ азобни ваъда қилган бўлса, шуни била туриб, ундан юз ўғирса, нельмат берган Зотга бехурматлик бўлмайдими?!

Яна Аллоҳ таолонинг бандаларига лутфи ва фазли шундан иборатки, ҳар бир фарз ибодат турига кирған нафл ибодатларни тайин қилди, унга ажр-савобни белгилаб, бу нафлларни мандуб ҳисоблади. Шунингдек, бир яхшилик килганлик савобини ўн баробар кўпайтириб қўйди, уни тарк этган кимсага эса азоб тайин этмади.

Аллоҳ таоло ҳикматининг улуғлиги шундаки, У зот ҳар бир ибодатни комил ибодат ва яна бирини жоиз ибодат деб иккига ажратиб қўйди. Бу Аллоҳ таолонинг бандаларига кўрсатган раҳм-шафқатидир. Чунки Аллоҳ таоло азалдан бандалари орасида буйрукни эшитган заҳоти сўзсиз адo этадигани, эриниб хоҳлаб-хоҳламай адo этадигани ҳамда етук ва мукаммал тарзда адo килишга сабри етмайдиганлари борлигини билишига асло шубҳа йўқ. Ибодатнинг бу икки ҳолатга бўлиниши фарзни чиройли тарзда бажарилишини таъминлаб, ажр-савобдан баҳраманд бўлишга халал бермайди. Бу Аллоҳ таолонинг бизга ато этган нельматлари ва эътибори улуғлигига далолат қиласи.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбари алайхиссаломни тасдиқлашдан кейинги биринчи фарз қилинган амал баданий ибодатлардир. Аллоҳ таоло баданий ибодатларни молиявий ибодатлардан устун кўйиб, биринчи фарз мақомига кўтариши бежиз эмас. Чунки инсонлар молларини қизғанишса-да, аммо бадан билан боғлиқ нарсаларни қизғанмайди. Бу баданий амаллар намоз ва рўзадир. Аллоҳ таолонинг намозни рўздан олдинги ўринга кўйишига сабаб шуки, намозни адo этиш осон ва енгил амал бўлиб, Аллоҳ таолога хузуъ-итоаткорлик ва Унга муножотни ўзида мужассам этган ибодатдир. Хузуъ-итоаткорлик Аллоҳ таолодан кўркиш бўлса, ёлворини эса Унга рагбат қилишини билдиради. Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайхиссалом шундай дедилар: «Қачоп бирортангиз намозга турса, Роббингизга муножот қилаётган бўлади. Шундай экан, нима би-



лан муножот қилаётганингизга эътибор беринг!». Али розияллоху анху ҳакида ривоят қилишича, намоз вақти кирганда у зотнинг рангишари бир сафар сарғайса, бошқа сафар қизариб кетар экан. Бунинг сабабини сўрашганда, у: «Менга сру осмонларга ва тоғларга кўтариш таклиф қилинган, улар эса бош тортуб, уни кўтаришдан кўрккан омонат келди. Мен уни кўтардим. Уни ёмон адо этаманми ёки яхши адо этаманми, билмайман!».

Яна Аллоҳ таоло намоз учун зарур ва керакли шартларни белгилаб қўйди. Масалан, таҳоратсизлик ва најосатни кстказини банданинг Роббиси билан учрашувини ва фарзни адо қилишни поклик талабига кўра бажаришни таъминлайди. Сўнг Аллоҳ таоло намознинг ичидаги Ўзи нозил қилган Китобидан тиловат қилишни буюрди. Бу Куръондаги амр ва кайтариқни тушуниш ҳамда унинг мўъжизавий лафзлари ва маъноларини тадаббур қилингага ёрдам беради.

Яна Аллоҳ таоло намозни муайян вакт ва тартиб асосида адо этишини буюрди. Намоз вақтларининг бундай кетма-кет ва тартибли бўлиши Аллоҳ таолога итоаткорлик ва Унга бўлган тазаруъининг мунтазам равишда адо этилишини таъминлаб, Аллоҳ таолодан кўрқини ва Унга бўлган рағбатни янада оширади. Рағбат ва кўрқув мавжуд экан, бандаларнинг салоҳият ва диёнатига футур етмайди. Рағбат ва кўрқувнинг кучайиб боришига қараб, намоз мукаммал тарзда тўла-тўқис ёки жоиз бўлса-да, нуқсон ва камчиликка йўл қўйилиши мумкин. Пайгамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилипади: «Намоз ўлчовдир. Ким вафо қилса (тўғри ўлгаса), унга ҳам вафо қилинади. Ким ўлчовдан уриб қолса, Аллоҳ ўлчовдан уриб қолувчилар ҳакида «Мутоффифийн» да нима деганини яхши биласизлар». Ривоят қилинадики, Набий алайҳиссалом: «Ким намозига енгил караса, Аллоҳ азза ва жаллага енгил қаровчироқдир», дедилар. Адибларнинг биридан шундай шеър келтирилди:

Адо эт беш вақт намозни мукаммал ва тўлиқ,  
Қанча одам кечгача етиб бормаслигини бил.  
Яни кунни кечаги ғуноҳларининг ўчириб,  
Ағсус-надоматлар, тавба билан қарши ол.



*Гуноҳлар тун пардаси қүёшни тұғсанидек,  
Гұзал юзингни тұзитиб юборар.*

Яна Аллоҳ таоло рұзани фарз қилиб, уни мол закотидан олдинги үринга ўтказди. Чунки рұза баданий ибодатшардан бири-дир. Рұзанинг фарз бўлишида фақирларга раҳм-шафқат, қорни ни тўйғизиш ва оч қолиш олдини олиш каби хикматлар мавжуд. Чунки рўзадор рўза тутиш билан очликнинг накадар машаққат ва оғир эканини ҳис этади. Юсуф алайҳиссаломдан: «Ернинг ха-зиналари қўлингда туриб, нега оч юрасиз?», деб сўралди. Юсуф алайҳиссалом: «Қорним тўйса, очларни унутиб кўйищдан кўр-қамаи», деб жавоб берган экан.

Шунингдек, рўзада нафсга итоат эттириш, уни хорлаш, уни эгаллаб олган шаҳватни синдириш, озгина таом ва ичимликка ҳам сабр қилиш мумкинлигини эслатиб кўйиш каби хикматлар мавжуд. Бирор нарсага муҳтож бўлиш ўша нарсага зор бўлиш де-макдир. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссалом ва у зотининг оналарини илоҳ деб билганиларга айнан шуни хужжат қилиб шундай дейди: **«Масиҳ Ибн Марям ўзидан олдин ўтган пайғамбарлар каби бир пайғамбардан бошқа нарса эмас. Ва унинг онаси тўғри сўз аёлдир. Иккиси ҳам таом ер әдилар»** (Моида сураси, 75-оят). Мазкур оятда Исо алайҳиссалом ва оналаришиш таомга муҳтож бўлиши илоҳ мақомига кўтарила олмасликларига сабаб қилиб кўреагилмоқда.

Ҳасан Баерий сб-ичишга бўлған оҳтиёжни тавсифлаб шундай дейди: «Мискин одам боласининг ажали белгиланган, орзулари беркитилган, иллатлари янирин, гўшт (тил) билан гапиради, ёғ (кўз) билан кўради, суяқ (кулок) билан эпигади. У очлик асири ва тўқлик қулидир. Кўзга илинмас кана ҳам унга озор беради, тер уни бадбўй килади, курғоқчилик уни ўлдиради. У ўзига на зарар, на фойда берини, на ўлим, на ҳаёт ва на қайта тирилишга қодир». Аллоҳ таолонинг рўзани фарз қилиб, бизга кўрсаттан меҳрибон-чилигини қаранг! Рўза туфайли олдин ғафлат ва локайдликка чўм-ган ақоллар уйғонади! Олдин фойда ва манфаат нималигини бил-маган нафслар рўза туфайли фойда олади!



Яна Аллоҳ таоло закот беришни фарз килиб, уни ҳаж ибодатидан олдинги ўринга ўтказди. Чунки ҳаж ҳам молни инфок килиш, ҳам машақатли сафар демакдир. Шу боис нафс ҳаждан кўра закотга осон рози бўлади. Закотнинг фарз бўлишида факирларга ҳамдардлик, мухтожларга ёрдам бериш, газабларини тийиш ва уларни ажратиб қўймасдан ўзаро алоқада бўлиш каби ҳикматлар мавжуд. Чунки орзу қиласиган одам киришимли ва умид киладиган одам камтар бўлади. Агар орзу йўқолиб, умид пучга чикса ва эҳтиёж кўпайса, нафрат пайдо бўлади ва ҳasad кучаяди. Натижада бойлар билан факирлар орасида тафовут юзага келиб, мухтожлар билан мухтож эмаслар орасида адовар пайдо бўлади. Ҳатто, бу борада мол тоини учун курашиш ва жонни хатарга қўйишгача борилади.

Шу билан бирга, закотни адо этишда нафсни яхши хулк – сахийликка олатлантириш ва ёмон хулқлар – баҳилликдан узоқлаштириш каби ҳикматлар мавжуд. Чунки сахийлик ҳакларни ўз ўрнида адо этишга чақирса, баҳиллик унга тўсқинлик қиласди. Ҳакларни ўз ўрнида адо этишга ундаган нарса мактовга лойиқдир. Бунга тўсқинлик қилувчи нарса эса таънага лойиқдир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг ривоятида Пайғамбар алайхиссалом шундай дедилар: «Бандага берилган энг ёмон нарса ўта баҳиллик ва ўта қўрқоқликдир». Ўз ҳикматининг латофати билан бизга тадбир қилган, аксар неъматларини зеҳнимиздан япирган, махфий ва пинхон неъматларга шукр қилиш ажрини зохирий неъматга шукр қилиш ажридан улуғ қилиб қўйган Зот айб-нуқсонлардан поклир, субҳаналлоҳ!

Яна Аллоҳ таоло ҳажни фарз қиласиди, бу ибодат буюрилган фарзлар ичиди охиргисидир. Чунки ҳажда ҳам баданий, ҳам молиявий ибодат мавжуд. Баданий ва молиявий фарзлардан кейин ҳажнинг фарз бўлиш сабаби шундаки, баданий ва молиявий фарзлардан кейинги ўришда келишида ўзига ярапша енгиллик мавжуд. Шуниндек, яна бир ҳикмат шуки, ҳаж қиёматни эслатади. Чунки ҳажга боргандга ҳар бир банда моли ва оиласидан ажралиб чикади, яхшию ёмон бирдай Аллоҳнинг хузурида бўйин эгиб туради, итоат қилувчилар ва осийлар Аллоҳ-



нинг ғазабидан қўркиб, раҳматидан умидвор ҳолда бир жойга тўпландилар, осийлар ва гуноҳкорлар килган ишларини эслаб афсус-надомат чекадилар, буларнинг ҳаммаси қиёматни ёдга туширади. Ҳажни адо этиб гуноху маъсиятдан тийилмаган одамнинг ўзи йўқ, десак хато бўлмайди. Шунинг учун Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Ҳажжи мабрурпинг белгиси шуки, эгасининг ҳаждан кейинги ҳолати ҳаждан олдинги ҳолатидан яхшироқ бўлади». Бу гаи тўғридир, чунки гупоҳлардан пушаймонлик яна гуноҳ қилингнинг олдини олади, тавба эса олдинги гуноҳларни ўчиради. Ҳаждан кейин гуноҳ ишлардан тийилиш тавбанинг ҳакиқий бўлганини билдиради, тавбанинг ҳакиқийлиги эса ҳажнинг қабул бўлишига далилдир.

Яна ўз юрти ва ватанида бўлиш роҳатидан кечиб, ҳаж сафарининг машаққатларини тортиш, натижада бу қулайлик ва роҳатлардан айрилган мусофиirlарга меҳрибон бўлишига эътиборни қаратди. Сўнг Аллоҳ Ўз динини таркатган ва Ўз расулини юборган жой, яъни Ҳарамга боришни, сўнг ҳижрат макони, яъни Аллоҳ итоат этувчиларни азиз килиб, Ўз пайғамбари Мухаммад алайҳиссаломга нусрат ато этиб, катта золим ва мутакаббирларни Ўз расули олдида тиз чўктирган жой Мадинага боришни таълим берди. Чунки дунёдан узилиб қолган Мадинада заиф ҳолга келган Ислом дини фақат илоҳий мўъжиза ва Аллоҳ тарафидан етган улуғ нусрат туфайли Ер юзиининг бутун шарқию гарбига таркалли. Шундай экан, Аллоҳнинг бундай вазифани зиммангизга юклаб, сизга кўрсангтан инъомига ва шундай улуғ ибодатга буюриб, килган яхниилигига эътибор қаратин! Аллоҳ сизга шукр ва тақво неъматларини берсин! Аллоҳнинг буйруқларини бажарсангиз ва зиммангизга юклаган вазифаларни кабул қилсангиз, Унга бўлган шукрингиз чиройли тарзда уйгонармикан, деган умидда сизга ростгўй ва мушфик насиҳаттўй сифатида бу гапларни айтиб, қалбингизга ва зехнингизга йўл топишга ҳаракат қилдим. Аслида Аллоҳ шукрни вожиб қиласиган неъматни бермайди. Чунки неъматлар шу даражада кўпки, бирининг шукрини адо қилмасдан иккинчиси этиб келаверади. Ҳасан ибн Али бу тўғрида шундай деган: «Аллоҳнинг неъматлари шукр килиб адогига этиб бўлмайди».



диган даражада кўп. Лекин банда Аллоҳ қодир қилганича шукр кила олур. Одам фарзандининг гуноҳи кечириб бўлмайдиган даражада кўпдир. Лекин Аллоҳ уларни кечиб юборади». Мансур ибн Исмоил Фақих Мисрийнинг шундай шеъри бор:

*Аллоҳга шукр қилини уни вожиб этувчи неъматидир,  
Агар шукр қилишини ўзи Аллоҳнинг неъмати бўлса.  
Ато этган яхшиликлар шукрини қандай адо қиласай.  
Аллоҳнинг неъматлари шукрини қила олмас экансан,  
Буйруқ ва таклифда хато қиласан, ҳолине не кечар?*

Ахир бу буйруқ ва таклифларни адо этсанг, улардан жуда катта фойда борлигини анилаб стардини. Неъматларнинг кўплитгини сен инкор қиласанми, уларнинг мунтазам ва кетма-кет келиши аклингни шошириб қўяди. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Аллоҳнинг неъматини билишади, сўнг уни инкор қилишади**» (Нахъл сураси, 83-оят). Мужоҳид бу оятни шундай тафсир килади: «Аллоҳнинг тайёрлаб қўйған неъматларини била туриб, уларни инкор қилишади, яъни уларни ота-боболаримиздан мерос қилиб олганмиз ва ўз меҳнатимиз орқали эришганмиз, дейишади». Расулуллоҳ алайхиссаломдан шундай ривоят килинади: «Аллоҳ таоло шундай дейди: «Эй одам фарзаиди, сен Менга иисоф қилмадинг! Мен неъматларим билан кўнглини олишни хоҳлайман, сен эса гуноҳларинг билан мени нафратлантирасан, яхшилигим сенга тушиб турибди, ёмонлигинг Менга кўтарилиб турибди. Қанчадан-қанча улуғ фаришталар Менга сенинг ёмон амалингни кўтариб чиқмокда!». Солих салафлардан бири шундай деган: «Гуноҳимиз кўплитигига қарамасдан Аллоҳнинг бизга берган неъматлари адонига етиб бўлмас даражада кўнайди. Яхши амалларимизни ошкор қиласи, ёмонларини яширади, бу иккисининг қай бирига шукр қилишни билмаймиз».

Неъматнинг неъмат эканини таниган киши уни қабул килиши ва зиммасидаги бурчини бажариши лозим. Неъматни қабул килиш уни адо қилиш ва Аллоҳга шу неъматни бергани учун шукр қилиш туфайли бўлади. Чунки Аллоҳнинг неъматларига муҳтожлигимиз зиммамизга юқлатилган шукрни адо қилишга



караганда күпроқдир. Агар шукр қилиш вожиб бўлған неъматлар ҳаккини адо этадиган бўлсақ, Аллоҳ шукр қилиш вожиб бўлмаган неъматларни ҳам кўпайтириб беради ва натижада икки неъмат ҳосил бўлади. Кимда шу икки неъмат бўлса, дунё ва охиратдаги насибасига ёришибди. Бу том маънодаги баҳтлар. Агар шукри вожиб бўлған неъматлар хақини адо килишга енгил карасак, Аллоҳ шукри вожиб бўлмаган неъматларни камайтиради. Натижада икки неъмат бир-биридан узоклашади. Кимда бу икки неъмат бўлмаса, у дунё ва охиратдаги насибасидан айрилибди. Унинг тириклигига насиба бор, па ўлимнида роҳат бор. Бундай кимса бадбаҳт бўлининг лойикдир. Соғлом акл ва фаросат эгаси бадбаҳтникни саодатдан устун кўймайди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Ким ёмонлик қиласа, унинг жазосини олади»** (Нисо сураси, 123-оят). Аъмаш роҳматуллоҳи алайҳ Сулайм розияллоҳу апхудап қуйидаги ривоятии келтиради: «Абу Бакр Сиддик розияллоҳу апху шундай деди: «Ё Расулуллоҳ, бу оят қандаям оғир!» Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Эй Абу Бакр, албатта, дунёдаги мусибат ҳам жазо (мукофот) дир».

Муфассирлар «...Уларни икки марта азоблаймиз...» (Тавба сураси, 101-оят) оятининг таъвили хусусида турлича фикрда бўлишган. Баъзилари айтишича, бу икки азобининг бири дунёда шарманда бўлиш, иккичиси қабр азобидир. Абдураҳмон ибн Язид шундай деган: «Икки азобининг бири дунёда молу дунё ва фарзандларига этадиган мусибатлар, иккичиси охиратдаги олов азобидир». Ҳаёт лаззатини тотиб, дунёда тинч-хотиржам янанини гуноҳкорларга берилган неъмат эмас, балки истидрож, яъни охиратда азблари янада кўпайиши учун берилган мухлат ва жазодир. Ибн Лахиъа роҳматуллоҳи алайҳ Укба ибн Муслим ибн Омирдан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Агар Аллоҳ таолонинг гуноҳкор бандаларга хоҳлаган неъматларини бераётганини кўрсанг; (билигинки) бу улар учун истидрождир». Сўнг мана бу оятни тиловат қилдилар:

**«Бас, улар эслатма берилган (огоҳлантирилган) нарсани унтишгач, уларга барча эшикларни очиб қўйдик. Ҳатто улар берилган нарсалар билан шодланишганларида, биз тў-**



**сатдан уларни (азоб) билан ушладик. Шунда бехос улар ҳеч нарсасиз қолдилар». (Анъом сураси, 44-оят)**

Шариат ман этиб, ҳам ақл, ҳам шаръий жиҳатдан қайтарилган харом ишлар икки кисмга бўлинади.

**Биринчиси**, кон тўкиши, ҳамр ичиш каби нафс ва шаҳват доим хоҳлаб, унга интилиб турувчи ишлар. Аллоҳ таоло майл ва рағбат кучлилигидан бу ишлардан икки турдаги зажр (қайтарик) билан уларга яқинлашишини ман қилиб қўйган. Биринчиси ҳадд бўлиб, шу дунёнинг ўзидаёқ жиноятчига жазо тариқасида қўлланади. Иккинчиси ваъид бўлиб, бу жазо киёматга қолдирилади, бундан тақводорларгина эслатма оладилар.

**Иккинчиси**, ифлос нарсаларни сийш, инсон ва ҳайвон чиқинцилари ва заҳар ичиш каби нафс хоҳламай ва рад қилган харом ишлардир. Аллоҳ таоло булардан фақат ваъид билан қайтарган бўлса-да, аммо ҳаддни тайин қилмаган. Чунки нафс бу ишлардан табиатни пафратланиб, уларни ишкор қиласди. Сўнг бу икки турдаги харом ишларни қилганларни қайтариш учун Аллоҳ таоло амри маъруф ва нахӣ мункарни вожиб қилиб қўйди. Зеро, амри маъруф Аллоҳнинг буйруқларини жорий этиш бўлса, нахӣ мункар қайтарикларидан сакланишдир. Чунки ёмон нафс буйрукларга итоат этишдан бўйин товлаш ва қайтарикларга берилиб кетишни ўзига жоиз кўради. Амру маъруф, нахӣ мункар эса бу икки ҳолатни назорат қилиб, инсонларга кучли таъсир қиласди. Шу боис Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Қайси қавм мункар ишни ошкора қилса, Аллоҳ ҳалок қилувчи азобни ҳаммасига юборади».

Шундай экан, мункар ишни қилувчилар доим икки ҳолатда бўлади. Биринчиси, ёлғиз бир ўзи бошқалар билан келишмаган ҳолда мункар иш қилувчилар. Буларни бўйсундириш осон бўлгани учун имконият ва куч етсагина, бундай ишга гувоҳ бўлганлар ёки эшитганлар уларга амри маъруф, нахӣ мункар қилишида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Мункар ишлардан қайтариш ақл жиҳатидан вожибми ёки шаръий жиҳатдан вожибми, деган саволга ҳар хил жавоб берилгап. Баъзи мутакалимлар бу ақл жиҳатидан вожиб, дейишади. Чунки ақл жиҳатидан вожиб



бўлғандагина инсон ёмон ишлардан тийилиб, бошқаларни ҳам ундан қайтишга ундаиди. Зеро, бирор ишдан қайтиш ва унга йўламасликда ақл жиҳатидан вожиб бўлишнинг таъсири кучлироқдир. Абдуллоҳ ибн Муборак роҳматуллоҳи алайҳ келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Дарҳақиқат, бир кавм кемага чиқиб, ҳар бири ўзи учун бир жойни эгаллашиди. Шунда бир киши (ўзи эгаллаган) жойни болта билан теша бошилади. Шунда (одамлар) унга: «Нима қиляпсан?», дейишди. У: «Бу менинг жойим, бу ерда ўзим хоҳлаган ишни қиласман», деди. Бошқалар уни бу ишидан қайтармади. Натижада унга кўшилиб ҳаммалари ҳалок бўлишди».

Баъзилар мункар ишлардан қайтариш акл жиҳатидан эмас, балки шаръи вожибдир, дейишган. Агар ақл мункар ишдан тийилиш ва бошқаларни ҳам ундан қайтаришни вожиб қилганида эди, бу иш Аллоҳ таолога ҳам вожиб бўлиб қоларди ва шариат ахли зимманинг куфрга икror бўлишини ва уларни мункар ишдан қайтармасликни жоиз хисобламаган бўларди. Чунки ақл вожиб қилган нарсаларни шариат билан ботил қилиш жоиз эмас. Шариатнинг бу ишларни жоиз хисобланни шуни кўрсатадики, ақл мункар ишдан қайтаришли вожиб этмайди. Агар мункар ишдан қайтармасликда қайтармаган кинига зарар етиш эҳтимоли бўлса, мункар ишдан қайтариш ҳар иккала тарафнинг фикрича ақлан вожиб бўлади. Агар мункар ишдан қайтаришда қайтарга кинига зарар етса ва агар қайтармаса, ушга зарар етмаса, у ҳолда мункар ишдан қайтаришни ҳам ақл, ҳам шаръий жиҳатдан вожиб эмас. Чунки ақл фойдаси йўқ зарарни ишларни килишдан қайтаради. Шариатга келсак, қуйидаги ҳадис мавжуд: Абу Саид ал Худрий розияллоҳу анху Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадисни ривоят қилган: «Мункар ишни кўлинг билан қайтар. Бас, бундай қила олмасант; тилинг билан қайтар, шуни ҳам қила олмасант, қалбинг билан (қайтар), бу имоннинг энг заифидир».

Агар бирор киши зарарлигини била туриб, мункар ишдан қайтаришни хоҳласа, қарайди: агар мункар ишдан қайтариш Аллоҳнинг динини азиз қилиш ва ҳак сўзни юзага чиқариш билан боғлиқ бўлмаса, талафот ва зарар кўриш эҳтимоли кўп



бўлса ва мункар иш қилаёттап одамдан кўркса, унга мункар ишдан қайтариш вожиб бўлмайди. Агар мункар ишдан қайтариш Аллоҳнинг динини азиз қилини ва хақ сўзни юзага чикариш билан боғлиқ бўлса ва шу билан мақсади амалга описа, зарар ва талафот стишидан кўркса ҳам, хатто мағлубият ва ўлим хавфи бўлса ҳам, гарчи вожиб бўлмаса-да, ҳасан (мустаҳаб) дир. Шу маънода Расулуллоҳ алайхиссалом шундай ҳадисини айтганлар: «Золим сұлтоннинг ҳузурида ҳақ таниш энг фазилатли амалиарнинг бириди». Лекин мақсади амалга оиласдан олдин ўлиб кетиш эҳтимоли бўлса, мункар ишдан қайтариш акл жиҳатидан кабих саналади. Шунингдек, мункар ишдан қайтариш унинг янада кўпайиши ва таркалишига сабаб бўлса ҳам, ундан қайтариш акл жиҳатидан кабих ҳисобланади.

Мункар ишни қилувчиларнинг иккинчи ҳолати ўзаро келишган ва бирлашган ҳолда жамоат ва гурӯҳ бўлиб, мункар ишни қилишидир. Бундай кимсаларни мункар ишдан қайтариш вожиб ёки вожиб эмаслиги хусусида олимлар фикри ҳар хил бўлган. Баъзи ҳадис ва осор соҳибларишинг сўзига қараганда вожиб эмас, бундай вақтда инсон мункар ишдан қайтаришдан тийилимёни, ўз уйининг хавфенлизигини ўйлаб, тарғибу ташвикларга аралашмасдан жимтурмоғи афзашроқ.

Маҳдийшинг чиқишини кутаёттган бошка бир тоифаларнинг айтишларича, токи у чиққунича мункар ишдан қайтариш ва унга қаршилик кўрсатиш вожиб эмас. Маҳдий чиқкач, мункар ишдан қайтаришни ўз зиммасига олади, қонгандар эса унга ёрдам беради. Бошка бир тоифанинг айтишларича, (Асомм ҳам уларни маъкуллайди) бундай ҳолатда одил имомнинг рухсати бўлганда, мункар ишдан қайтариш жоиз, факат унинг рухсати бўлсагина мункар ишдан қайтариш вожиб бўлади. Аксар мутакаллимлар фикрича, бундай ҳолатда модомики ўз тарафдорлари ва ёрдамчиларига эта бўлсагина мункар ишдан қайтариш ва уни даф килиши лозим. Агар тарафдорлар бўлмаган ҳолатда жим туриш керак бўлади. Чунки бир ўзи бўлса, мақсади амалга оиласдан ўлиб кетиш эҳтимоли йўқ эмас. Бу эса акл жиҳатидан караганда кабих саналади. Шулар амри маъруф, нахъй мункардан иродада

қилинганд амр ва қайтариқларнинг мазмун-моҳияти ҳамда амри маъруф ва нахӣ мушкар қилувчиларнинг холатлариидир.

Яна кишилар тоат-ибодатни бажариш ва гуноҳлардан тийинлишда тўрт ҳолатда бўлади.

**Биринчиси**, тоат-ибодатни бажаришда хозиржавоб ва ҳар доим гуноҳлардан тийилиб юрадиганлар. Бу диндорликнинг комил ҳолати ва такводорликнинг энг фазилати сифатидир. Булар амал қилувчиларнинг мукофоти ва итоат қилувчиларнинг савобини олишга ҳақлидир. Мұҳаммад ибн Абдулмалик ал-Мадиний роҳматуллоҳи алайҳ Ноғеъдан, у Ибн Умар розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайхиссалом шундай дедилар: «Гуноҳ унугтилмайди, яхшилик эса ёкирмайди, Дайён (Аллоҳ) ўлмайди. Бас, қандай хоҳласант; шундай яна. Қандай амал килсанг, шундай мукофотланасан». Баъзилар айтинган: «Ҳар ким экканини ўради ва қилган амалига яраша жазолапади». Яна айтгишларича: «Бугунги экканинг эртаги хирмониншдир».

**Иккинчиси**, тоат-ибодатлардан бўйин товлаб, гуноҳлардан тийилмайди. Бу бандаларнинг энг ёмон ҳолатидир. Булар тоат-ибодатларга бенарво қараб, гуноҳдан ўзини тиймаганларининг азобига зойикдир. Бу ҳақда Ибн Шубрума шундай деган: «Касалликдан кўркиб, шириналлардан ўзини тийган кишига ҳайрошман. Қандай қилиб исен жаҳаннам оловидан кўркиб, гуноҳлардан тийилмайди-я!». Буни шоирлар шеър тарзида шундай келтирган:

Жисмингни совуқ ва иссиқда қийнаб ҳалок қилурсан,  
Дўзахдан қўрқиб, гуноҳлардан тийилмоқ авлодир, билсане.

Ибн Зубора шундай дейди: «Кўриб шуни биздикки, Аллоҳнинг тоатига сабр килиш Унинг азобига сабр қилишдан енгилрок жаан». Яна бир олим шундай деган: «Эй Аллоҳнинг бандалари, савоби тайин бўлгап амалини қилишга сабр қилингилар ва азобига сабрингиз етмайдиган амалини қиласликка ҳам сабр килинглар». Фузайл ибн Иёзга: «Аллоҳ сиздан рози бўлсин». У зот: «Аллоҳ қандай мендан рози бўлсин, ахир, мен Уни рози килмадим-ку?!».

**Учинчиси**, тоат-ибодатларни бажарса ҳам, гуноҳлардан тийилмайди. Бу тоифа гуноҳкорлар тортадиган азобга мустахик-



дир. Чүнки тоат-ибодатларни бенуқсон адо ўтишса-да, шаҳватига енгилиб, гунохга кўл урадилар. Бу ҳақда Расулулоҳ алайхисаломдан шундай ҳадис бор: «Аллоҳ сизларнинг жонингизни олмасдан гуноҳлардан тийилингизар». Шунинг учун баъзи олимлар: «Инсонларнинг энг афзали шаҳват динини бузмаган ва шубҳа ишончини тарқ килмаган кишидир», дейишди. Ҳаммод ибн Зайд: «Зарар этишини ўйлаб таомлардан ўзини тийган одамга ҳайронман, шарманда бўлишини ўйлаб қандай гуноҳлардан тийилмайди», деди. Солихлардан бири деди: «Гуноҳкорлар қалби касал кишилардир». Фузайл ибн Иёздан: «Энг ҳайратлашарли нарса нима?», деб сўрашди. У: «Аллоҳни таниб, сўнг Унга осий бўлган қалб», деб жавоб берди. Бир оқил шундай деган: «Осий тоатига ишониб, катта гуноҳларни унутади». Бир киши Ибн Аббос розияллоҳу анхудан сўради: «Қайси бири сизга суюклироқ, гуноҳи ва амали оз кишими ёки гуноҳи ва амали кўп кишими?». У зот: «Бу иккиси орасида адолат билан ҳеч қандай хукм чикара олмайман», деб жавоб берди.

Баъзи зоҳидлардан сўрашди: «Тунги намоз ҳакида нима дея оласиз?». Зоҳид: «Кундузи Аллоҳдан кўрқ ва тунда ухла», деди. Зоҳидлардан бири бир кишининг қавмта: «Сизларни уйку ҳалок қили», деганини ошитиб шундай деди: «Йўқ, сизларни бедорлик (кундузи Аллоҳдан кўркмаслик) ҳалок қилиди». Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан: «Тақво нима?», деб сўраиди. У зот улардан бирига: «Тиконили ерда юрганмисан?» деб савол берди. У: «Ҳа», юрганман», деди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху: «Қандай қилиб юргансан?», деб яна сўради. У: «Жуда авайлаб юрганман», деди. Абу Ҳурайра: «Гуноҳлардан хам шунлай эҳтиёт бўл», деди. Абдуллоҳ ибн Муборак шундай деди: «Бирор киши менга гуноҳларни тарқ қилишига кафолат бера оладими, мен унинг (охират азобидан) ҳалос бўлиш кафолатини зиммамга олсан. Аллоҳга итоат килган қавм хотиржам бўлали ва гуноҳларнинг жабрини тортмайди».

**Тўртиччиси**, тоат-ибодатларни бажармаса ҳам, лекин гуноҳлардан ўзини тияди. Булар ўз динига эътиборсизлик ва ишонч заифлиги туфайли азобга лойиқдир. Абу Идрис ал-Хавлоний



роҳматуллоҳи алайҳ Абу Зар Ғифорийдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Мусо алайҳиссалом саҳифалари-пинг ҳаммаси (яъни Таврот) ибратлардан иборат эди: Жаҳаннам олови борлигига ишониб сўнг кулаётган кишига ҳайронман, қадарға ишониб, ўзини қийнаётган кишига ҳайронман, дунёни ўз аҳли билан ўзгариб туришини кўриб, унга хотиржам бўлган кишига ҳайронман, ўлимга ишониб, хурсанд юрган кишига ҳайронман, эрганиги ҳисоб-китобга ишониб, амал қилмаётган кишига ҳайронман», дедилар.

Яна Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай деганлар: «Амал қилинни ўйланилар, агар унга қодир бўлмасангиз, гуноҳдан тийинлар». Бунинг маъноси аниқ, яъни гуноҳлардан тийилиш тарк этиш бўлиб, бу осон. Тоат-ибодатни адо этиш эса бўйсуниш бўлиб, уни қилиш осон эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло бирор узр ёки узрсиз гуноҳ қилинни мубоҳ қилмаган, унга рухсат бермаган. Чунки гуноҳ қиласлик тарк этиши демакдир. Узрли киши хам буни қила олади. Лекин Аллоҳ таоло бирор узр сабабли амалларни тарк қилинни мубоҳ қилган. Чунки узрли киши амалии бажара олмаслиги мумкин. Бақр иби Абдуллоҳ шундай деган: «Бор кучқувватини Аллоҳнинг тоатига ишлаттани кучли кишига ёки гуноҳни тарк қилган заиф кишига Аллоҳ таоло раҳм қилсин». Абдулаъ-ҷо иби Абдуллоҳ Шомий роҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

Умр камайиб борар, гуноҳлар-чи кўнайр,  
Кимки гуноҳ қилса, шу гуноҳи ўзига урад.  
Аъзолар гувоҳлик берса, қандай гуноҳ қилинар?  
Сўралини билгандо оз бўлинин ўйлаб, ўлимдан қочар.

Билгинки, тоат-ибодатларни адо этиши ва гуноҳлардан тийилишда иккита оғат бор. Биринчиси, гуноҳни кўпайтиrsa, иккинчиси ажр-савобни камайтиради. Гуноҳни кўпайтирадиган киши қилган амали ва адо этган ибодатидан ужбланишдир. Чунки бундай ужбланиш кишини икки ёмон ҳолатга туширади:

**Биринчиси**, ўз амалидан ужбланган киши амалига ишониб, Аллоҳга миннат қиласи. Ким Аллоҳга миннат қилса, Ундан етган неъматларга куфр келтирибди. Ибн Аббос розияллоҳу анху шун-



дай ривоятни келтиради: «Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бирига шундай вахий юборди: «Дунёда тақвадор бўлишинг охиратдаги роҳатга шопилганингдир, Менга ўзингни багишлашинг ўзингта иззатдир. Бу иккиси ўзинг учундир. Мен учун ниманг бор?».

**Иккинчиси**, ўз амалидан ужбланган кипи амалига ишонганидан алданиб колади. Амалига ишонган киши эса гуноҳкор ҳисебланади. Аллоҳга гуноҳ қилиган кимса эса осийдир. Муварриқ Ижлий шундай деди: «Ужб билан қилинган тоат-ибодатдан тоат-ибодат қилимаган яхшироқдир». Салафлардаи бири шундай деган: «Ўз гуноҳини айтиб, кулиб юрган киши Роббисига ишониб йиғлаб юрган кишидан яхшироқдир. Гуноҳига пушаймон бўлиб йиғлаган кипи бенарволигини айтиб кулиган кишидан яхшироқдир». Ажрни камайтирадигани эса қилиган амалларига суюнин ва ишониб қолинидир. Чунки ишониб қолиш икки ёмон ишини келтириб чиқаради.

**Биринчиси**, қилиган амалларига ишониб, кейин қиласжак амалларда сусткашлиқка йўл қўяди. Ким сусткашлиқка йўл қўйиб, қилиган амалларига ишониб қолса, савоби кўшаймайди ва шукрни адо қила олмайди.

**Иккинчиси**, ўз амалларига ишониб колган кипи хотиржам бўлади. Аллоҳдан хотиржам бўлган одам Ундан кўрқмайди. Ким Аллоҳдан кўрқмаса, унга буйруқлари арзимас, қайтариқлари осондек туюлади. Фузайл иби Иёз айтади: «Аллоҳдан кўркин Уни танинга караб маълум бўлади». Муварриқ Ижлий шундай деган: «Тунда ухлаб тониду пушаймон ҳолда уйғонишним тунни ибодат илиа ўтказиб, тонгда мамнун ҳолда уйғонишшимдан яхшироқдир». Дошишманлар шундай дейишган: «Ўзингда яхшилик бор деб ўйлашинг сенда яхшилик йўклигининг аломатидир». Робия ал-Адавиядан сўраинди: «Қабул бўлади, деб ўйлаган бирор амал қилинмисан?». Робия: «Агар бундай амалим бўлса, у «камалим ўзимга қайтарилмасмикан», деган хавфсирашимдир, холос», деди. Иби Саммок шундай дейди: «Албатта, биз ўтган ишларда Аллоҳникимиз. Бизниг қилиган ишларимиз қашалар хатарли! Албатта, келгуси ишларда ҳам Аллоҳникимиз. Келгуси ишларда огоҳлигимиз қашалар оз!».



Хикоя килинишича, бир зоҳид бир жамоанинг олдига келиб, баланд овозда уларга: «Эй бойлар жамоаси, сизларга айтаман, яхшиликларни кўнайтирини; чунки туроҳларингиз кўпидир. Эй факирлар жамоаси, сизларга айтаман, туроҳларни камайтиринглар, чунки яхшиликларингиз камдир», деди. Шундай ёкан, Аллоҳ сизга чиройли тавфиқ ато этсин, Роббингиз тоатида сустканилик қилиб ва адо этган амалингизга ишониб, соглик ва бўш вактингизни зое қилмаслик лозим. Ҳаракатни соглигининг ганимати ва амалини эса бўш вактингиз фурсати деб билини. Зоро, вакт қайтиб келмайди ва ўтиб кетган нарса тонилмайди. Бўш вактни бехуда кетказишда адашиш ва шунаймонлик бор. Хилватда эса мойилик ва афсусланиш бор. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху шундай деган: «Роҳатланиш (ортиқча дам олиш) эркаклар учун гафлат, аёллар учун шахватпарастликдир». Бузургмехр шундай дебди: «Агар машғуллик фаоллик бўлса, бекорчилик бузуничиландир». Донишманлардан бири шундай деди: «Хилват (бекорчилик) дан саклан! Чунки у аклни айнитади ва ечишган тутунларни қайтадан тушиб кўяди». Донишманлардан яна бири шундай деди: «Кунингни бефойда ўтказма, молингни бекорга сарфлама. Чунки умр бефойда ишларга сарфланишдан кўра қисқа ва мол эса кераксиз ишларга сарфланишдан кўра кам». Оқил кинни вактини фойда ва яхшилик йўқ ишларга сарфлашдан ҳамда молини савоб ва ажри йўқ ишларга инфок килишдан ўзини саклади. Бунга Исо алайхиссаломнинг мана бу сўзлари яққол мисол бўла олади: «Яхшилик учта: гапириш, назар солиш ва жим туриш. Кимнинг сўзи зикрсиз бўлса, у лаъв ва бехуда гапларни айтибди. Кимнинг назари эътибор ва ибратдан холи бўлса, у хато килибди. Кимнинг жим туришин тафаккурсиз бўлса, у эътиборсиз бўлибди».

Билгинки, инсон зиммасига ибодатлар юкланар экан, бу уч холатда бўлади. **Биринчиси**, ибодатларни ҳеч қандай камайтирмай ва на унга қўшмасдан тўлиқ ва мукаммал адо этади. **Иккинчиси**, ибодатларни камайтирган ҳолда бажаради. **Учинчиси**, ибодатларни кўнайтирган ҳолда бажаради.

**Биринчи холат**, инсон тоат-ибодатларни нафшлардан биронтасини қўшмаган ҳолда тўлиқ бажаради. Бу энг мўътадил холат-

дир. Чунки бундай қилишда гунохни келтириб чикарадиган сусткашлик ҳам ва на ожизликин келтириб чикарадиган кўпайтириш ҳам йўк. Саид ибн Абу Саид розияллоҳу анху Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар: «Юриш-туришда ва кечасию кундузи тўтри бўлинглар, якинилашинглар ва осонлаштиринглар». Шоир шундай ёзди:

*Ишларниң ўртачасин тапла, чунки унда пажот бор,  
Қийин ва оғирини таплаб, ўзингни қийнама бекор.*

**Иккичи ҳолат**, яъни тоат-ибодатларни бажаришда сусткашлик қилиш тўрт ҳолатда бўлади. Биринчisi, ожиз қолдирувчи узр ёки ибодатни бажаришга халақит берадиган касаллик сабабли сусткашликка йўл қўйиш. Бу сусткашлик ҳукмига кирмайди, балки тўлиқ бажарилган амал сифатида қабул қилинади. Чунки шариатта биноан ожизлик сабабли бажариш имкони бўлмаган ишлар соқит бўлади. Бу хақда Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадис ворид бўлган: «Касаллик туфайли қилиб турган амалидан тўхтаб қолган баандага Аллоҳ таоло амали савбини ёзиб турувчи бир фариштани вакил қилиб қўяди».

**Иккинчиси**, рухсат берилганига алданиб ва кечирилишига умид қилган ҳолда сусткашликка йўл қўйиш. Бу ақининг алданниши ва нодонликка кўникишдир. Бундай киши ўзига гумонни захира, умидни курол қилиб олади. Бундай киши яйлок ва бўш сахрова озуқа тонаман деган ниятда ҳеч қандай озуқасиз сафарга чиқкан йўловчига ўхнайди. Ана шу гумон уни ҳалок қиласиди. Ахир у бундай қилмаслиги керак эди, Аллоҳ ҳам шунга буюрган. Ҳикоя қилинишича, қози Истроил ибн Мұхаммад шундай деди: «Бир мажнунни харобаларда учратдим. У менга: «Эй Истроил, Аллоҳдан шундай кўрккинки, бу қўркув сени ражо(умид) дан машғул қиласин. Чунки ражо сени хавфдан машғул қилиб қўяди (тўсиб қўяди). Аллоҳга кочгип, Аллоҳдан кочмагин». Мұхаммад ибн Восиъга: «Йигламайсизми?», дейишди. У: «Йиглаш хотиржам кишилар сифатидир», деб жавоб берди.

Ҳикоя қилинишича, Абу Ҳозим Аъраж Сулаймон ибн Абдулмаликка Аллоҳнинг гунохкорларга айтган вавидини эслат-

ди. Шунда Сулаймон: «Аллоҳнинг раҳмати қаерда?», деди. У: «Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқинидир», деб жавоб берди. Абдуллоҳ иби Аббос розияллоҳу анху шундай дейди: «Мен Расулуллоҳ алайхиссаломдан кейин Али иби Абу Толибнинг менга ёзган мактубичалик бирон нарсадан манфаат ва вазъ-насиҳат олмадим. Унда шундай дейилган: «Аммо баъд! Албатта, ишон бой берган нарсанни топишдан хурсанд бўлади ва тонгтан нарсасини йўқотишдан хафа бўлади. Дунёда тонгтан нарсангни деб қувонма, бой берганингни деб хафа бўлма. Охиратни амал қилмай умид қилувчилар ва узун орзу-хавасларга берилиб тавбани кечиктирувчилардан бўлма. Бор гап шу, вассалом». Маҳмуд Варроқ шундай деган:

*Тақводор солиҳ банди ҳолидан ҳавотирдаман,  
Гуноҳкор (нинг кечирилиши) га умид қиласман.  
Бу менинг солиҳ бандага бўлған қўрқинчимдир,  
Тажсовузкор золим ҳолидан қандай қўрқмайин.  
Зоро, адаиган кимса ўз йўлини топиб олар-ку,  
Тақводорнинг қалби эса бот-бот адашар.*

**Учинчи ҳолат**, қолиб кетган ишларни келгусида охирига етказаман деб сусткашликка йўл қўйиш. Бундай киши узок яшанини орзу қилгани ҳамда олдин йўл қўйишан камчиликларини кейин тузатаман, деб кейинига қолдиргани учун ўзини алдаб яхши ишларни кечиктиради ва ёмон ишларни килиб, сусткашликда давом этади. Унинг бу каби орзуси тугамайди ва охири қўринмайди. Чунки орзу яна бошқа бир орзуни етаклаб келаверади. Расулуллоҳ алайхиссаломдан шу маънида ҳадисни ривоят қилинган: «Ким эртага яшанини орзу қилса, у абадий яшанини орзу килибди». Касамки, бу гоятда тўғри гап, чунки ҳар бир куннинг эртаси бор.

Агар орзу рўёбга чикмаса ва камчиликларни тузатиш амалга оиласа, орзу саробга, умид эса умидсизликка айланади. Амр иби Шуайб отасидан, отаси бобосидан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайхиссалом айтдилар: «Бу уммат ислоҳишинг асоси зухд ва ишонч туфайлидир, унинг фасоди баҳиллик ва орзу туфайлидир». Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳ шундай деган:

«Қайси банда орзу-хавасни кўпайтиrsa, амални ёмон адо этади». Бир киши басралик зоҳидлардан бирига: «Бағдодда бирор ишининг борми?», деб савол берди. Зоҳид унга: «Сен Бағдодга бориб келгунингча узун орзуга берилишни хоҳламайман», деб жавоб берди. Донишмандлардан бири деди: «Жоҳил орзусига, оқил амалига суюниб яшайди». Яна бир донишманд шундай деди: «Орзу саробга ўхшайди. Саробни кўрган киши алданади ва уни умид қилган ноумид бўлади». Мухаммад ибн Яздон шундай дебди: «Маъмурининг олдига кирдим. У пайтлар мен ушинг вазири ёдим. Тик ҳолда бир қоғозни қўлига олиб қараётганини кўрдим. Шунда у: «Эй Мухаммад, буни ўқидингми?», деди. Мен: «У амирул мўъминин қўлида-ку», дедим. Маъмун уни менга узатди, қарасам, унда шундай ёзилган ёди:

Сен шундай ҳовлиласан, унда амал қилишга етарли вақт бор,  
Кара, орзу қуловчи орзусини кесувчи ўлим шай тұрап.  
Нимани хоҳласансаң қилиб, гуноҳга шошиласан,  
Яна таббанаң қабул бўлининдан ҳам умидине ўйқ эмас,  
Ахир ўлим тұсатдан етар, бу оқил ва доношта шимми?!?

Бу шеърни ўқиб бўлгач, Маъмун: «Бу сен ўқиган энг хикматли шеърдир», деди. Абу Ҳозим Аъраж шундай деган: «Биз тавба килмай туриб ўлишини хоҳламаймиз ва ўлицидан олдин тавба килинни ҳам хоҳламаймиз». Донишмандлардан бири: «Вақтинг кўшиги беспарволик ва лоқайдилек бошидир», деди.

**Тўргинчи ҳолат**, тоат-ибодатларни тўлиқ ва мукаммал адо этишини қийин хисоблаб, уни адо этишга эринган ва хаёлига келгани билан кифоялануб, қолганиларига кам эътибор берган ҳолда сусткашликка йўл қўйиш. Бу ҳолат уч қисемга бўлинади.

**Биринчиси**, фарзни тўлиқ ва мукаммал адо этиб, ибодатни бекор киymайдиган даражада хатога йўл қўйиб сусткашлик қилиш. Яъни, ибодат амалларидан факат фарз ва вожибларини тўлиқ бажаришни етарли деб ўйлаб, унинг суннат ва мустахабларида хатога йўл қўйинцидир. Бундай кинни гуноҳкор хисобланади, лекин ваъид ва итобга лойиқ бўлмайди. Чунки вожиб ва фарзни бажарини туфайли азоб сокит бўлади, суннатни бажармаслик савобни

тўлик олишига тўсқинлик қиласди. Донишмандлардан бири шундай деди: «Ким динга бепарво бўлса, хор бўзали, ким ҳақиқатни сингизига харакат килса, мағлуб бўлади». Ўир шоир шундай леган:

*Тавба қилишини сақлаб бошқасини тарк этар у;*

*Сақлани ва риоя қилишига энди ҳақли нарса омонат ва дини.*

**Иккичиси,** фарз ибодатларни адо этинида хатога йўл кўяли, лекин олдин колидрган ибодатларни бажармасликни айб хисобламайди, яъни баъзи ибодатларни тўлик бажаради, баъзилариши бажаришда сустканилик қиласди. Бундай кишининг ҳоли олдингисидан ёмонроқдир. Унга ваъид ва итоб лойикдир.

**Учинчиси,** фарз ибодатларни тўлик ва мукаммал бажармайди, лекин айримларни бажаради. Яъни, бир-бирига боғлиқ бўлган ибодатларнинг бир кисмига ахамият бермайдиган бундай киши ҳаммасини тарк қилиган хисобланиб, шунинг учун қилган амали инобатга олинмайди. Бу сустканиларнинг энг ёмон одати бўлиб, у тарк қилувчиларнинг ҳолати билан баробар, балки улардан ҳам ёмонроқдир. Чуники ҳеч қачон сокит бўлмайдиган фарз ибодатининг ҳакини тўлик адо этмаяпти. У ваъидга лойикликда тарк қилувчилар билан тени; фойдасиз ибодатни бажаришда улардан ёмонроқдир. Нагижада дунё ва охирагта унинг барча амаллари зое кетиб, уларни деб зарап кўргувчилардан бирига айланади. У деярли ўз ҳолатини англамайди ва зарап кўраётганини билмайди, агар унинг молига арзимас талафот етса, буни дарров билган бўларди. Ахли илмлардан бири менга шундай шеърни айтиб берди:

*Эй ўзлум, одамлар ичиди одамсифат ҳайконлар бор.*

*Молига мусибат етса, сезар, динига етса, исло сезмас.*

**Учинчи ҳолат** ўзига буюрилган амалини қўпайтириш бўлиб, уч кисмiga бўлинади.

**Биринчиси,** одамларга риё ва хўжакўрсин учун зиёдалик (кўпайтириш). Ҳатто бу бесарор қалбларни ўзига мойил қилиб, заиф ақилар унга алданади. Солихлардан бўлмаса ҳам, ўзини улардан деб мактанади. Ўзини яхшилар категорига кўшади, ҳолбуки, уларнинг яқинига ҳам бормайди. Расулуллоҳ алайҳиссалом амалини



деб риё қилувчини шундай мисол билан тавсифлаганилар: «Ўзиники бўлмаган нарсалар билан зийнатланган одам иккита сохта кийим кийган кимсага ўҳшайди». «Иккита сохта кийим кийган киши» дан мурод солихлар кийимини кийган бўлса ҳам, аслида ўзи солихлардан бўлмаган кипидир. Чунки у риё килиш туфайли ажру савобдан маҳрум бўлади, номи ҳам қоралапади. Чунки у Аллоҳнинг розилигини қасд килмагани учун ажр-савобдан маҳрум бўлади. Риёси одамлардан маҳфий бўлмайди, шу боис у мактovга лойиқ эмас. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Бас, ким Роббисига йўликини умид қилса, бас, солих амал қилсин ва Роббисининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин**». (Қаҳф сураси, 110-оят). Барча аҳли таъвиллар «...ва Роббисининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин» оятини «амали билан ҳеч кимга риё қилмасин», деб тафсир қилишган.

Риёнинг ширк деб аталишига Аллоҳ учун килиниши керак бўлган амалини риёкор бошқа учун килиши сабаб бўлади. Ҳасан Басрыйроҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг: «...**Ва намозингни жаҳрий ҳам қилма ва уни маҳфий ҳам қилма...**» (Илеро сураси, 110-оят) деган сўзи хусусида шундай деган: «Яъни, намозни риёкорлик ила жаҳрий қилма ва ҳаё қилган ҳолда уни маҳфий этма». Суфён ибн Уяйнароҳматуллоҳи алайҳ: «**Албагта, Аллоҳ адолат, яхшилиқ ва яқинларга эҳсон қилишга буюради ва фахш, мункар иш ва боғийликдан қайтаради**» (Наҳл сураси, 90-оят) деган оятни шундай таъвили қиласди: «Адолат» Аллоҳ таоло учун килишган амалда ботин ҳам, зоҳир ҳам бир хил бўлишидир. «Яхшилиқ» ботин зоҳирдан яхширок бўлишидир. «Фахш ва мункар иш» эса зоҳир ботиндан яхширок бўлишидир. Яна бир допишманд шундай леди: «Адолат» «Ла илаха иллаллоҳ» сийг шаҳодатидир. «Яхшилиқ» Аллоҳнинг амр ва қайтарикларига сабр қилиши ва ботипида ҳам, зоҳирида ҳам Унга итоатли бўлишидир. «Яқинларга эҳсон қилиши» силсила раҳмидир. «Фахш» зинодир. «Мункар иш» ёмонликлардир. «Боғийлик» эса кибр ва зулмидир. Амалларни деб риё қилиш ҳам шулар жкмласига киради. Чунки риё ёмонликлардан биридир».

Расулулиоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Умматимга келишидан мен кўркадиган энг хатарли нарса ошкора риё ва маҳфий шаҳватдир». Яна бир ҳадисда шундай дейилган: «Қиёматда яхшилик, деб ўйлагани яхшилик бўлиб чиқмаган киши қаттиқ азоблапади». Али иби Абу Толиб розияллоҳу анху шундай деган: «Ҳеч бир яхшиликни риё билан қилмагин ва ҳеч бир яхшиликни ҳаё қилиб тарқ этмагин». Олимлардан бири деди: «Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмаган ҳар бир яхшилик риёнинг ёмонидир ва унинг самараси жазонинг ёмонидир».

Кўпинча риё риёкорнинг масхара бўлишига сабаб бўлади. Ҳикоя килинишича, Тохир иби Ҳусайнроҳматуллоҳи алайҳ Абу Абдуллоҳ Марвазийдан: «Қанчадап бери Ироқдасан, эй Абу Абдуллоҳ?», деб сўради. У: «Ийгирма йилдан бери Ироқдаман, ўттиз йилдан бери рўзадорман», деб жавоб берди. Шунда Тохир иби Ҳусайн: «Мен сендан бир нарса ҳакида сўрадим, сен бўлсанг икки нарсага жавоб бердинг», деди. Асмаъий роҳматуллоҳи алайҳ шундай ҳикоя қиласи: «Бир аъробий жуда узок намоз ўқиди. Буни кўрганлар: «Қандаям чиройли намоз ўқидинг», десишиди. Аъробий эса: «Бунинг устига рўза ҳам туттаниман», деди.

*Намозига қойил қолиб, рўзасидан шубҳаландим,  
Бундай рўзадор намозхондан тужнини олиб қочсан.*

Бундай риёнинг қанчалар ёмонлигига кара! Риёкор накадар ақли паст кимса!. Баъзан риёкор кишилар ўз устидан кулиниларага имкон беради. Бу ҳакда шундай ҳикоя бор. Бир зоҳид нешонасида тангадек сажда аломати бор кишини кўриб қолди. У султон эшиги олдида турарди. Зоҳид унга: «Пешонангда шундай дирҳаминг бўла туриб, бу ерда нима қилиб турибсан?», деди. У киши: «Чунки бу дирҳам тангага зарб қилинмаган-да!» деб жавоб берди. Бу нокулай ҳолатдан чиқиб кетиш учун гап уловини бошқа ёққа буриб айтилган жавобдир. Ашъяс иби Қайснинг айтган машиа бу сўзини одамлар мақташади. Ашъяс бир куни намозни киска ўқиди. Шунда масжиддагилардан бири унга: «Намозни жуда енгил қилиб юбордингиз», деди. У зот: «Бу намозга риё аралашмаганидан», деб жавоб қайтарибди. Ашъяс риёдан



воз кечиб, намозини сохтакорлик ва бирорлар айбланидан саклади. Агар намозида риёга йўл кўйганида, мункар иш килиб, маломатга коларди.

Абу Умома масжид олидан ўтаётуб, бир кишининг йиғлаб намоз ўқиётганига кўзи тушди. Шунда унга: «Агар шу намозингни уйда ўқиганингда, яхширок бўларди», деди. Абу Умома унинг ишини маъқулламади, уни риёкорликда айбласа-да, бироқ у риё қилмаган бўлиши ҳам мумкин эди (лекин бу иши тўғри эмас). Энди риёкорлик асосий иллатга айланиб, шу туфайли танилиб, амаллари турноҳдан иборат ва ёмонлиги шамолдан ҳам тез тарқаладиган кишининг ҳоли не кечади?! Шунинг учун Абдуллоҳ иби Муборак шундай деган: «Таквонинг энг афзали амалини маҳфий килишдир».

Баъзан фозил кишилар ўзларида риёга мойиллик борлигини сезиб қосаллар, фазилатлари уларни нафс ундаётган риёкорликка карши қурашинига чорлайди. Бу улардаги фазилатнинг энг юқори чўккисидир. Бу борада Умар иби Хаттоб хақида шундай хикоя бор. У бир куни минбарда туриб таҳорати синганини сезиб шундай деди: «Эй инсонлар, мен хозир икки ўт Аллоҳни деб сизлардан кўрқмаслик билан сизларни деб Аллоҳдан кўрқмаслик орасидаман. Менга Аллоҳни деб сизлардан кўрқмаслик яхшироқдир. Ҳозир менинг таҳоратим кетди. Минбардан тушиб, таҳоратни яигилаб келамац». Бу Умар розияллоҳу ашҳу ўз нафсига қаҳр килиб, уни хоҳишлиаридан қайтарди. Умар иби Абдулазиз розияллоҳу ашҳу Мұхаммад иби Каъб Қуразийга: «Менга насиҳат қил», деди. Шунда Мұхаммад: «Мен ўзимни сенга насиҳат қилувчи деб ўйламайман. Чунки мен бой ва факирлар орасида ўтираман. Факирга суюнаман, бойга жой бераман. Зоро, Аллоҳ таолога амалда итоат этиш фақат Унинг розилигини деб бўлиши керак, Упдан бошкаси учун эмас». Ҳикоя килинишича, бир қавм сафарга чиқиб, йўлдан аланибди. Шунда бир роҳибга йўликиниб, ундан: «Биз аданиб қолдик, қайси йўлдан борайлик?», деб сўрашибди. Роҳиб: «Бу ёққа», деб осмонга ишора килибди.

**Иккинчиси,** бирорга эргашиб, ибодатни кўпайтириш. Бу яхшилар ва такводорлар билан ҳамсухбат бўлишининг самараси-

дир. Шуннинг учун Расулуллоҳ алайҳиссаalom шундай деганилар: «Киши дўстининг динида бўлади. Шундай экан, ҳар бирингиз кимни дўст тутганига карасин».

Агар кини яхшилар билан бирга ўтиреа, уларнинг сухбатидан узоқ вакт баҳраманд бўлса, уларга амалда эргашишни, улардан орқада қолмасликни, уларсиз бирор яхшиликни қизламасликни хоҳлаб қолади ва доим уларга тенгланишига ҳаракат қилиади. Бальжан улардан кўра кўпроқ амал килишга интизали ва саодатга эришини ва амалларни кўнайтиришига сабаб бўлади. Арабларда шундай мақол бор: «Агар бирлик бўлмаганида, инсонлар ҳалок бўлишарди». Яъни, бир-бирини кўриб, яхши иншларда бир-бирига эргашмаганларида, барча инсонлар ҳалокатга йўликарди. Шуннинг учун донишмандлардан бири шундай деган: «Яхшиларнинг сухбати ёнг яхши танлов, ёмонларни дўст тутиш энг ёмон танловдир». Бу ҳак ган, чуники дўстлашишиниг бир-биридан ибрат олинига таъсири катта. Агар киши яхшиларга ёндашса, хулқи яхши бўлади, агар ёмонларга ёндашиша, хулқи айнийди. Шуннинг учун бир шоир шуңдай деб шеър битибди:

*Бир кини солиҳ бўлса, унинг аҳли ҳам яхши.  
Ёмонлиги унинг аҳлини ҳам айнитар аниқ.  
Яхшилиги тифайли дунёда ҳурмат тонар.  
Ўлгач эса, аҳли ва фарзандлари ёдидан чиқмас.*

Адаб аҳлидан бири меңга Абу Бакр Хоразмийнинг мана бу шеърини айтиб берди:

*Ҳар қандай ҳолатда дангасани тарк этгиси,  
Қанча солиҳлар шериди ёмонлигидан айнигани.  
Ләки ўйқ аҳмоқиниғ касали ақллиса жуда тез юқар.  
Зоро, чўғ кужга тушгач, албанита, сўниб-ӯчар.*

**Учинчи қисем** ўзидан келиб чиқсан ҳозида савоб умидида ва Аллоҳга янада якин бўлиш пиятида ибодатни кўнайтириш. Бу дин соғлиғи, ишонч-эътиқоднинг тўғри ва мустаҳкамлигини га далолат килувчи ҳақиқий рағбат, нок нафенинг патижаси ва хоҳиш-истагидир. Бу амал килувчиларнинг энг афзал ҳолати ва



обидларнинг энг юқори мартабаси дир. Айтишларича, яхшилик қилишда тўрт тоифа бор. Биринчиси, ўзидан келиб чиққан ҳолда яхшилик қиласиганлар, иккинчиси, бирорвга тақлидан яхшилик қиласиганлар, учинчиси, яхшилик қилмасликни яхши деб билганлар, тўртишчиси, яхшилик кила олмагани учун яхшиликни тарқ килганлар. Бирингчиси карим, иккиси ҳаким, учинчиси тарбиясиз, насткаш, тўргинчиси бадбаҳтдир. Шунингдек, ибодатни кўпайтиришда икки ҳолат мавжуд.

**Биринчи ҳолат**, мақсадли ва узлуксиз қилиш. Бу энг афзал ҳолат ва энг олий мартабадир. Салафлар шу йўлдан бориб, кешишги уламолар ҳам шу йўлни тутташлар. Оша розияллоҳу анҳодаш ривоят қилишади: «Расулуллоҳ алайхиссалом айтдијлар: «Эй инсонлар, тоқатингиз етганича амал килинглар. Агар амал килини сизларга малол келмаса. Аллоҳ таолога савобини бериш малол бўлмайди. Амалларнинг энг яхниси давом этиб тургандир». Араблар шундай дейиншади: «Максад ва давомли бўлиш сени доим олдинга чорлайди». Чунки беражак савобига кимшинг фикри тўғри бўлса, Аллоҳга итоат қилганидан хурсанд бўлади. Абдуллоҳ ибн Муборак шундай леди: «Бирроҳибга: «Сизларнинг байрамингиз қачон бўлади?», ледим. У: «Аллоҳга гуноҳ қилмаган ҳар куним менга байрамдир», деб жавоб берди». Унинг айтган бу сўзига каранг! Унинг тоат этишга муҳаббати ва шу йўлда бор кувватини ишга солиши чиндан ҳам мактовга лойик! Зоҳидлардан бири бир байрамга эски кийимиши кийиб чиқди. «Нега шундай байрамда эски кийимда олдингиз, ахир ҳамма чиройли кийимиб олган-ку?», дейинди. Шунда зоҳид: «Аллоҳ, учун зийнатланиш Унга итоаг қилишга қараб бўлади».

**Иккинчи ҳолат**, кўп ибодат қилса ҳам, лекин доимий ва муттасил давом этмаслиги. Баъзан бу уни қилишга одатлашманга ожизлар ҳолатига ўхшаб кетади. Чунки амални бу тариқа кўпайтириш икки салбий ҳолатни юзага келтиради. Биринчisi, ибодатни адо этишга тўсқинлик қиласи, бу кусурли бўлишдан бошқа нарса ёмас, чунки бундай одам нуқсонли зиёданни ва фарзига тўсқинлик қиласиган нафлини ихтиёр этади. Иккинчisi, ибодатни мунтазам кўпайтириб бориш ҳамда фарз ва вожиблар-

да камчилик ва хатога йўл қўймасдан кўпроқ адо этишга монеълик қилади. Бунинг умри қиска ва давом этиши оз.

Узоқ вақт оз-оздан давом этган амал Аллоҳ таолонинг ҳузурида қиска вақтда қилинган кўп амалдан яхшироқдир. Чупки қиска вақтда кўп амал қиласидиган кипи баъзан амал қиласа, баъзан амал қilmайди. Кўнинча амал қилмаган пайтида бепарво ёки унутувчига айланиб қолади. Узоқ вақт оз-оздан амал қиласидиган кипи тафаккурда бўлиб, ҳар доим хотираси ўзи билан бўлади. Абу Солих роҳматуллоҳи алайҳ Абу Ҳурайра роғияллоҳу анҳудан шундай ривоятни келтиради: «Расууллороҳматуллоҳи алайҳиссалом Исломда учкун чикиши ҳам бор эканига ишора қилдилаар, у (тоат-ибодат) да ҳадиҷан ошишидир. Учкун чикишининг ўз вақти бор, у (тоат-ибодатни) кўпайтиришдан кейинги ўз ҳолига ташлаб қўйишдир. Мана шу кўпайтириши, юқорида неботланганидек, кусур ёки шикаст етишдан ҳоли бўлмайди. Кусур ва шикастнинг ҳеч бирида яхшилик йўқ. Ким тўғри бўлиб, (инсонлар билан) яқин муносабатда бўлса, ўна кишини орзу (ҳавас) қилинглар ва ким бармоқлар билан ишора қиласидиган (даражада ёмон) бўлса, уни (мусулмонлар қаторида) хисобламанглар».

Билғинки, Аллоҳ илмни сизга ҳоким ва ҳақни йўлбошли қилисин, дунёга келини хатарли қарамлиқдир, ундан ажralиш куйдирувчи фожиалидир. Дунё билан доимий қолиб бўлмайди, ундан ажralишдан бошқа чора йўқ. Ўзингизни дунёдан узок тутинг; шунда унга қул бўлиб колмайсизлар, яқин борманглар, шунда унинг фожиаларидан омоңда бўласизлар. Шундай ҳикмат бор: «Киши тугаб бораётган умридан қарз олади. Агар узун бўлса ҳам, умр оздир, агар тўлиқ ва кўп бўлса ҳам, бўш вақт камдир». Менга Али ибн Мухаммад роҳматуллоҳи алайҳининг шеърини айтиб берди:


Олтмини ёшинг олтидан биригина насиба эрур,  
Ярми тун билан ўтар, ҳордиқ вақтлари бешдан биридир.  
Ғам-ташвии ҳам умрдан ўз ҳиссасин олмасдан қўймас,  
Касаллик вақтлари кексаллик дараҳтин ўиқар.  
Шу тарзда бор умрнига олтидан бир қисми қолар,  
Агар ўзи ҳушёр ва зийраклик шимин олган бўлса.



Демак, пафсни риёзаг килдириш уч ҳолатда бўлади. Ҳар бир ҳолатининг ўзидан кейин келадигани осон бўлишига сабаб бўладиган шохобчалари бор. **Биринчиси ҳолат**, қалбдан дунё мухаббатини чикариш. Чунки дунё сизни охиратдан чалғитади. Кучингиизни дунёга сарфламанг, чунки у сизни ўзидағи насибангиздан маҳрум этади. Дунёга суюнишдан сақланиб, унга ишониб қолманг. Расулуллоҳ алайҳиссаломдан бу ҳақда шундай ҳадис ворид бўлган: «Ким қалбини дунё мухаббати билан сугорса ва унга суюниб колса, у дунёга манаққатли машғулот, охирни йўқ орзу ва чеки йўқ хире билан ёнишиб қолади». Исо алайҳиссалом шундай деганлар: «Дунё иблиснинг экинзоридир, дунё ахли унинг дехқонлариридир». Али иби Абу Ғолиб шундай деган: «Дунё танаси юмиюқ, заҳри ўлдирувчи илонга ўхнайди. Дунё жилваларидан юз ўғир, чунки улар сен билан кўп қолмайди. Агар дунёдан ўтишингта ишонсанги, унинг ғам-ташвишидан воз кеч. Дунё учун амал килишидан сақлан. Сен дунёда яшашни ёқтирасан. Ҳолбуки, дунё соҳиби ҳар қанча унга ишониб, хурсанд бўлмасин, ундан жудо бўлади ва ҳар қанча дунёга ошино бўлмасин, уни ташландик ҳолатда тарк этади».

Донишмандлардан бири шундай дейди: «Дунё чанқоқни қондирмайди, эгасига вафо қўлмайди, фитнадан холи бўлмайди, манаққатдан аримайди. Дунё юз ўтиришидан олдин сен ундан юз ўғир, сени алмаштирасдан уни алмаштири. Чунки унинг исьматлиари кўчиб юради, ҳолатлари ўзгариб туради, лаззатлари йўқолиб, таъқиқланган лаззатлардан ҳосил бўлган гуноҳлар қолади». Донишмандлардан бири шундай деган: «Дунёга уни тарқ қилган зоҳиднинг назари билан қара, дунёга берилган ошиқнинг орзуси каби уни орзу қилма». Шоирлардан бири шундай деди:

Дунё уйқудаги туш десам, асло ҳато бўлмас,  
 Наззатни ҳаёт абадий ва мансу эмаслигин бил.  
 Кечак бир лаззатни топиб, уни ўқотган бўлсанг,  
 Худди туш кўргандек уни эсса олурсан.  
 Ўзи ғоғиғ бўлмай түриб, гафлатда юрганлар қанча,  
 Кўзлари очиқ бўла туршиб, ухлаётганлар қанча?!





Расулуллоқ алайхиссалом шундай деганилар: «Дүнёнің Аллох наздида арзимас ва ҳақирилиги шундаки, гуноқ факат шу дүнёда қилинади ва уни тарқ қилип билан Аллохнің розилигига әришилади». Сүфөн шундай ривоят келтиради: «Хизр алайхиссалом Мусо алайхиссаломта шундай деди: «Әй Мусо, дүйдан юз ўғир ва уни орқангга иткіт. Чунки у сенинг жойинің әмас, унда колишнінг иложи йўқ. Дунё бандаларга факат охиратта тайёргарлик кўринилари учунгина берилган». Исо алайхиссалом шундай деганилар: «Дунё кўпrikдир, упдан ўтиналар, уннінг устини обод қилманлар». Али розияллоҳу анху дүнёни шундай тавсифлаган: «Дүнёнің аввали машаққат, охири фонийлик, ҳалинга хисоб бор, ҳаромига азоб бор. Ким унда соңлом бўлса, нажот тонали, ким унда касал бўлса, надомат чекади, ким унга ишониб қолса, алданади, ким унга мухтож бўлса, маҳзун бўлади, ким уни кувласа, унга ста олмайди, ким ундан воз кечса, уннінг ўзи ёніга келади, ким унга бокса, уни кўр килади, ким унга ибрат назари билан қараса, уни кўради». Донишмандлардан бири деди: «Дунё тез келиб, тез кочиб кетади, сабрсизлик билан келиб, шошилинч ажралади. Уннінг яхшилиги оз, маиншати кисқадир. Уннінг юзланиши ёлғон, алдов, лаззатлари фоний, гуноҳлари боқийдир. Шу қисқа вактни ғанимат бил, кулай имкониятдан фойдалан, ўзингга фойдалы нарсаларни ол, бугун әртанди кунинг учун тайёргарлик кўр». Ваҳб ибн Мунаббих шундай деган: «Дунё ва охират кундопи аёлларга ўхшайди. Биринчи рози қылсанг, униси норози бўлади». Абдулхамид шундай деган: «Дунё манзиллардан иборат. Бу манзилдан ўтиб кетадиганлар бор, унга тушиб қоладиганлар бор». Донинимандлардан бири шундай дейди: «Дунё ё осмондан тушган бало, ё заволга учрайдиган исъматдир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Дунёда ўзининг зарагига далил бор». Шоир шундай деди:

*Агар оқыл бўлсанг, ғанимат бил дунёни.*

*Чунки сен унда амр ва қайтариқ орасидасан.*

*Дунё кишига динити қолдирса, йўқотгани зарар қылмас.*

*Дунё қадри пашша қанотича ва ё бир қуши қанотичамас,*

*Дунё мўминга савоб, кофирга жазо бўлишини хоҳламас.*



Расулуллох алайхиссалом шундай дедилар: «Дунё икки кундир. Бири шодлик, бири маҳзунлик. Иккиси ҳам сиздан кетувчиdir. Заволга учрайдиган амалларни тарқ этиб, завол стмайдиган амалларни деб жонингизни кийнанглар». Исо алайхиссалом шундай деганлар: «Дунё аҳли билан дунёси хусусида тортишманглар, акс ҳолда улар ҳам динингиз хусусида тортишади. У ҳолда дунё аҳлининг дунёсига ета олмайсиз ва динингизни ҳам саклаб қола олмайсиз». Али иби Абу Толиб розияллоҳу анху айтади: «Дунё ҳақида зоҳидлар гапини айтиб, унга қизиқувчилар амалини қиласиганлардан бўлма. Агар дунё берилса, унга тўймайдиган, агар ман қилинса, каноат килмайдиган, дунёда берилган неъматлар шукрини адо этишдан ожиз бўлишига қарамай, яна кўнини хоҳлайдиган, бошқаларни қайтариб ўзи қайтмайдиган, ўзи қилмайдиган ишга буюрадиган, солихларни яхши кўриб, уларнинг амалини қилмайдиган ва гуноҳкорларни ёмон кўриб, ўзи улар каторида юрадиганлардан бўлма».

Ҳасан Басрийроҳматуллоҳи алайх шундай деган: «Дунёнинг турган-битгани ғамдир. Унлаги хурсандчиликлар худди шамолга ўхшайди». Донишмандлардан бири деди: «Дунё кўп ўзгарувчан, тез йўқоладиган, жуда маккор, ҳар доим ҳийла қилувчиdir. Қалбингидан ҳавои нафс сабабларини (дунёни) чикариб ташла, гўё амалларинг савобини кўриб тургандек узун орзуларингни камайтири». Яна бир донишманд шундай деган: «Дунё ё аламли мусибат, ё фожиали ўлимдир». Шoir шундай деди:

Дунёни тарқ эт, яхшилик қилса, ортида бир ёмонлиги бор,  
 У ўзи тугиб, ўзига яхшилик қилганни оқ қилмиш онадир.  
 Ҳар бир нафс уни хурсанд қилишини хоҳлаб уринар,  
 Умидлар нафсига қулларни бошқарар, орзулар алдар.  
 Дастлаб меваси ширин, аччиги кейинроқ билинар,  
 Унинг бағрида қулу ҳур бирдек ором олиб ётар.

Агар нафсингни мана шу ҳолатга ўргатган бўлсані, у ҳолда мана бу уч хислатга эга бўласан.

**Биринчиси**, дунёни яхши кўрувчига раҳм қилиш ва ундан эҳтиёт бўлиш билан кифояланишингдир. Раҳм қилувчининг ишончи йўқ, эҳтиёт бўлувчининг рохати йўқ.

**Иккинчиси**, дунё күнгилхушпилкларига алданың қолишідан сақланишиңгидір. Шунда дунёның балою оғатларидан узокда бұласан. Чunksи дунё билан күнгилхушпил қилувчи алданған, алданған эса хавф-хатардадир.

**Үчинчиси**, дунёни деб яшаш мешекшесінде жаңынан күйніліп отыржам бұласан, күтуласан. Чunksи ким бир нарсаны яхши күрсө, уни излайды, ким бир нарсаны изласа, уни деб мешекшесінде чекады, мешекшесінде чеккан агар құлға кириңсе, чарчайды, агар құлға кириңсе, маҳрумға айланади.

Расулуллох алайхиссалом Каъбга шундай дедилар: «Ой Каъб, инсонлар иккі тоифадир. Ўз нағсыннан сотиб олиб, уни озод қилувчи ва ўз нағсыннан сотиб, уни қул қилувчилар бор». Исо алайхиссалом шундай дедилар: «Дунёни деб амал киласизлар, аслида хеч қандай ташвишесиз дунёда сезларға ризқ стиб турибди. Охиратни деб амал килмайсизлар, аслида охиратда (шу дунёдаги амал) туфайли ризклапасизлар». Донинимандардан бири: «Дүпўпинг бевағолиги хеч қақоң у бир ҳолатда ўзгармай турмаслигидадир. Бирини тузатсаң, яна бирини бузасан, бирини хурсанд қылсанг, яна бирини хафа киасан. Дунёға суяниш хатарлы, инсоннан алдовдир», деди. Ҳакимлардан бири деди: «Дунё берган совғасини сўзсиз қайтариб олади, замон эса ҳасадгўйлигидан қайси нарсаның олдига борса, уни ўзгартириб юборади. Дунё яшаётган одам учун тугамас ҳожатдир».

Маздак дунёниң энг афзал, деб билған нарсасига эриштегі, уни тарк қилиб шундай деген экан: «Бу хуреандылық бўларди, аслида у алдов бўлмаса, у неъмат бўларди, аслида у пуч бўлмаса, мулк бўларди, аслида у побуд бўлмаса, бойлик бўларди, аслида у фоний бўлмаса, улуғлик бўларди, аслида у хорлик бўлмаса, аслида у мақтовга лойик бўларди, йўколувчи бўлмаса, аслида у захира бўларди, сароб бўлмаса, аслида у юксалиш бўларди, хокисорлик бўлмаса, аслида у юксаклик бўларди, балою фитна бўлмаса, аслида у яхшилик бўларди, маҳзулилк бўлмаса, аммо у эртасига ишонч йўқ кундир».

Ҳакимлардан бири шундай деган: «Роғиб (дунёға кизиқувчи) бўлса ҳам, зоҳид бўлса ҳам, хеч ким дунёға эгалик қила олма-



гап. Рогибни саклаб қолишини хоҳламади, зоҳидни ҳам тўхтатиб қолмади». Абул Атохия шундай деган:

Дунё озор ва ташвиши ҳовлиси, фонийлик ва алдов бисёр.  
Охирига етдим деганда, умр тугаб, мақсад ҳосил бўлмас.  
Эй узоқ яшашни орзу қилиган, билсанг, унда зарар бор,  
Узгайсан чөгда, биласанки, кексайғач, яшашда хайр йўқ.

Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Аллоҳим, Сендан фойласи йўқ илмдан, тўймайдиган нафсадан, қўркмайдиган қалбдан ва ёш тўқмайдиган кўздан папоҳ сўрайман. Сизлар фақат туғёнга кетказувчи бойликни, ё Аллоҳни унугтирувчи факирликни, ё бузувчи касалликни ва мажолисиз қарилликни, ё кутиластган киёмат аломатларининг энг ёмони Дажжолни, ё охиратни кутмоқдасизлар, холос. Охират жуда қўрқинчли ва аччиқдир». Ҳикоя қилишишича, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ваҳий юборибди: «Менга қалбингдан хушуъни бер, баданингдан хузуъни бер, кўзингдан ёшларни бер. Чунки Мен яқинман!». Исо алайҳиссалом шундай дедилар: «Аллоҳ таоло ерга шундай ваҳий қилди: «Ким Менга хизмат қилса, сен ҳам унга хизмат қил, ким сенга хизмат қилса, сен ҳам уни ишлатгин (кйнагин)». Донишмандлардан бири айтди: «Узун орзунгдан қиска амалингга кўшиб бер. Чунки дунё булатнинг сояси ва уйқудаги тушдир. Ким уни таниб туриб, талаб қилса, йўлдан адашади ва тавфиқдан маҳрум бўлади». Донишмандлардан бири айтди: «Дунё сенга юзланса, унга ишониб колма, бир куни барибир сени ташлаб кетади, мол-давлатга ишониб колма, у барибир бир кун тугаб йўколади. Яна бир донишманд: «Дунёда ўтган кунлар худди бўлмагандек, колган кунлар эса худди ўтган кунлардек», деди. Бир зоҳиддан сўрашиди: «Дунёни тарк қилдинг; нафсингни бунга қандай ўргатдинг?». Донишманд: «Дунёдан бир кун кетишими билгач, ундан ўз хоҳишим билан кетишни хоҳладим». Ҳурфа бинти Нўймондан: «Нега йигляяпсан?», деб сўрашиди. У: «Ахлимнинг фаровон ва хурсандлигини кўрдим. Қайси ҳовли хурсандчиликка тўлса, албагта, изидан ғам-қайгуга ҳам тўлади». Иби Саммок айтди: «Кимни майл кўрсаттани учун дунё ўз халовати билан

ўраб олган бўлса, ёмон кўргани учун охират ҳам кишини азоби ва аччиқлиги билан ўраб олади». «Калила ва Ҳимна» муаллифи шундай деган: «Дунёни излаган киши денгиз сувини ичаётганга ўхшайди. Аммо ичган сари яна чанқоғи кучайиб боради». Умар ибн Абдулазиз шундай байтларни айтиб берди:

Эй алданган инсон, кундузинг хато ва гафлатда ўтишин англа,  
Тунинг уйқудан иборатлигин билиб, нафомат чек.  
Туш кўраётган киши ундаги лаззатдан хурсанд бўлганидек  
Ўткинчи нарсаларга хурсанд орзу-ҳавасдан хурсандсан,  
Оқибати ёқимсиз ишлар машгул этар, ҳайвонлар шундай яшар.

Бир киши бирорнииг шеригига шундай деб айтаётганини энитиб қолди: «Аллоҳ еспга ёмонликни кўрсатмасин». Шунда у: «Сен шеригингта ўлим тиладинг. Чунки шеригинг дунё ахлидандир, унинг ёмонлик кўришидан бошка чораси йўқ». Абу Атохия шундай дебди:

Замон ўз аҳлига мулойим кўринса-да, аслида қаттиқдир,  
Унинг ташласан қадамлари гўё тек тургандек кўринур.

Нафс риёзати ҳолатларининг иккинчисига мувофиқ, дунёда берилган, орзу қилинган нарсалар ва сизга келган дунё гаройиботлари вақтингчалиги ҳамда берилган нарса топширилиши ва омонат қайтариб берилишини нафсингизга уткириш лозимлигини билишишгиздир. Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Қиёмат куни одам фарзандининг оёғи уч нарса – ўтказган ёнилиги, кечирган умри ва молни каердан топгани ва каерга сарфлагани хақида сўралмагунича ердан жилмайди». Исо алайҳиссалом айтдилар: «Молда учта хислат бор». Одамлар: «Улар қайсилар, эй Рухуллоҳ?», деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Молни харомдан топади», дедилар. Улар: «Агар ҳалолдан топса-чи?» деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Молни ноўрин сарфлайди», дедилар. Улар яна: «Ўрнига инплата-чи?», деб сўрашди. Исо алайҳиссалом: «Мол уни Роббисига ибодат қилишдан тўсиб кўяди», деб жавоб бердилар.

Абу Ҳозимроҳматуллоҳи алайҳи Бишр ибн Марвонининг олдига кириб, унга: «Биз бу кийин ҳолатдан кандай чиниб кета-



миз, эй Абу Ҳозим?», деди. Абу Ҳозим: «Ўзингники бўлганни ўз ўрнига сарфла, ўзингники бўлмаганни ноҳаклик билан олма», деди. Шунда Бишр ибн Марвон: «Буни ким ҳам қила оларди, эй Абу Ҳозим?» деди. Абу Ҳозим: «Шунинг учун Жаҳаннам жинлар ва инсонларга тўлдирилади-да», деди. Яхудийлар Исо алайхиссаломни фақирликда айблашгандা шундай деб жавоб бердилар: «Сизлар бойлик туфайли ёмон ҳолга тушгансизлар». Бир кавм бир обиднинг уйига киришиб, ўтиришга ҳеч нарса то-пиша олмади. Шунда обид уларга: «Агар дунё абадий қўним-гоҳ бўлганида, албатта, биз унга бирор жихоз олган бўлардик», деди. Зоҳидларниг бирига айтишди: «Васият қилмайсизми?». У: «Нимани васият қиласан, Аллоҳга қасамки, бизнинг ҳеч нар-самиз йўқ, бизнинг бировда, бировнинг бизда ҳам ҳеч нарсаси йўқ», деди. Бу жавобга эътибор беринг, бу роҳат ва тинчликка қаранг, кандай хотиржамлик! Шунинг учун ҳам факирлик ҳи-соб-китоби йўқ мулкдир, дейишади.

Исо алайхиссаломдан: «Уйланмайсизми?», деб сўрашди. У зот: «Биз бокий дунё – охиратда кўпайишини хоҳлаймиз», деб жавоб бердилар. Яна у зотта: «Аллоҳга дуо қиласангиз бўларди, сизга бир эшак берса», деб айтилди. У зот: «Эшакка хизмат қилганимдан кўра шу ҳолда юрганим афзалроқ», дедилар. Абу Ҳозим роҳматуллохи алайҳдан: «Мол-дунёнг канча?», деб сўрашди. У: «Иккита молим бор: бири Аллоҳдан розилигим, иккинчиси одамлардан беҳожатлигим», деди. Яна у зотта: «Сиз мискинсаниз?», дейишади. У зот: «Қанақасига мискин бўлай, ахир еру осмон, улар орасидаги ва тунрок остидаги нарсалар Мав-ломники бўлса», деди.

Донишмандлардан бири деди: «Қанча-канча хурсандчилик ту-файли шодланиб юрганлар бор, аслида бу дард эканини билмай-дилар ва канча-канча дардан маҳрумлар бор, аслида бу шифо эканини билмайдилар». Адиллардан бири айтди: «Инсонлар ҳар хил ва ҳар бир жамоанинг тарқалини бор». Донишмандлардан бири деди: «Такводорлик ишонч тўғрилиги, ишонч тўғрилиги эса динининг нури туфайли бўлади. Кимнинг ишончи тўғри бўлса, бойлиқда такво қиласи, кимнинг дини кучли бўлса, жазога ишо-

нади. Жонингиз саломатлиги ва кечаги кунингиз тинчлиги сизни алдаб қўймасип. Чунки умрниш муддати оз ва жонниш соғлиги абадий эмас». Шоирлардан бири шундай шеър айтди:

*Қанчадан-қанча дараҳтлар ғуркираб ўсар,  
Ниҳолини экканлар аллақачон ўтиб кетгандир.  
Замон ҳам ҳудди шундай, фикр этсанг агар,  
Унинг азаси тўйидан кўра яқинроқдир.*

Агар нафсингиз айтиб ўтилганларга рози бўлса, ундан уч хил ҳолат келиб чиқиши мумкин.

**Биринчиси**, пафсингизга насиҳат қилиш ва унга пазар соилиш. Шунда у сизга бўйсунади ва суюнади. Зоро, нафсини алдаган таҳқирланади, нафсидан юз ўғирган аҳмоқ хисобланади.

**Иккинчиси**, ўзингизники бўлмаган нарсадан сакланиш, уни эталлаш ва талаб қилишга қарам бўлиб қолишдан сакланиш.

**Учинчиси**, ўзингизники бўлган нарсанни ўз ўрнида ишлатиш ва ўзига лойик жойга сарф қилиш имконинг бой бермаслик. Шунда у қиёматда захира бўлиб, зарарингизга ишламайди. Бир ҳадисда шундай дейилган: «Бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломга: «Ё Расулуллоҳ, мен ўлимни ёмон кўраман», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Молинг борми?» деб сўрадилар. У киши: «Ҳа», деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Молишигни садақа кил, чунки мўминнинг қалби молининг ёпида бўлади». Оиша розияллоҳу анҳо шундай ривоят қилади: «Бир кўйни сўйиб, уни садақа қилидик. Шунда мен: «Ё Расулуллоҳ, фақат кураги колибди», дедим. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Курагидан бошка ҳаммаси колибди (савоби тегибди)», дедилар». Ҳикоя қилиннишича, Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд ҳовлисини саксон минг дирхамга сотди. Одамлар унга: «Шу пулдан ўғлингизга саклаб, захира қилиб кўйинг» дейишди. У зот: «Мен бу пулларни Аллоҳ таолонинг хузурида ўзим учун захира қилиб кўяман ва Аллоҳни ўғлим учун захира қиласман», деди ва пулларни садақа қилиб юборди.

Саҳл ибн Абдуллоҳ кўп садақа қилгашидан одамлар уни гап кија бошлашди, шунда у зот: «Ахир, инсон бир ҳовлидан иккин-



чисига кўчишини хоҳласа, биринчи ҳовлисида бирор нарсани қолдирадими?!» деган экан. Сулаймон ибн Абдулмалик Абу Ҳозимдан: «Биз нега ўлимни ёмон кўрамиз?», деб сўради. Абу Ҳозим: «Чунки сизлар охиратингизни хароб этиб, дунёнгизни обод килгансизлар, обод жойдан хароб жойга кўчишини хоҳламаяпсизлар», деди. Абдуллоҳ ибн Умарга шундай дейишди: «Зайд ибн Хорижа юз минг дирҳамни олмади». Ибн Умар: «Лекин дирҳамлар уни ташлаб кетмайди», деди. Ҳасан Басрий шундай деган: «Аллоҳ қайси бандага исъмат берса, у ўша неъматникидир, лекин Сулаймон ибн Довуд бундай эмас. Чунки Аллоҳ таоло бу ҳакда шундай деган: «Бу бизнинг сенга берган тухфамиздир. Бас, сарфла ёки сакла, унинг ҳисоб-китоби йўқдир». Абу Ҳозим айтади: «Агар бизга ато килинган нарсалардан ёмонлик етмаганида, тўплаганларимиздан зарар кўрмасдик». Баъзи салафлар айтганди: «Борини сарфланг, сизга фойда бўлади. Ҳамма нарсани ҳам саклайверманг, сизга зарар бўлади». Иброҳим шундай деди: «Эшигингизни коқиб, охират учун нима берасизлар, деб сўраб келган қавм қандаям яхши!». Сайд ибн Мусаййиб айтди: «Сила ибн Ушайм олдимга кезиганда ўрнимдан туриб кутиб олмасликдан ўзимни тутиб турга олмадим ва унга: «Эй Абу Саҳбо, менинг ҳақимга дуо қил», дедим. У: «Аллоҳ сени боқий нарсага қизиктирсин, фоцийсига қизиктирмасин, сенга нафс хотиржам бўладиган ва динда фақат унгагина суяниладиган ишончни берсин».

Абдулмалик ибн Марвон ўлими яқинлашиб колганда қўлига қандайдир кийимни ўраб олган бир ғассолни кўриб шундай деди: «Қанийди ғассол бўлиб қолсан, доим кунма-кун топган маошим билан яшардим». Унинг бу сўзи Абу Ҳозимга етиб боргач, шундай деди: «Уларни ўлим олдида биздаги парсаларни орзу килирган ва бизни ўлим олдида улардаги шарсаларни орзу килирган Аллоҳга ҳамд бўлсин». Расууллоҳ алайхиссалом шундай дедизлар: «Одам фарзанди, молим, молим, дейди. Молингдан факат ёб тутагганинг, кийиб тўзғиттанинг ва бериб тарқаттанинг бор, холос». Ҳолид ибн Сафрон айтади: «Туни билан яшил денгиз ва кизил тиллоларни қўлга киритсан деб орзу килиб чиқдим. Вахоланики, менга икки дона кулча, икки кўза сув ва иккита



жулдур кийимнинг ўзи етарли экан». Муварриқ ал-Ижлий айтди: «Эй одам, хар куни ризкинг берилиб туради, сен эса, маҳзун бўйласан. Умринг қисқармоқда, уни деб хафа бўймайсан. Етарли нарсалар ёнингда туриб туғёнга солувчи нарсаларни излайсан». Абу Ҳозим айтди: «Биз билан подшоҳлар орасида бир кун, у хам бўйса, бугун бор, холос. Кеча ўтиб кетди, унинг лаззатини энди кўрмайдилар. Биз ҳам, улар ҳам эртанги кун нима бўлишидан кўркиб турамиз. Эртанги кун ҳам хадемай кириб келади».

Салафлардан бири айтди: «Ман қилинган нарса ўзингга кимматли бўлади. Чунки сенга берилиган нарса узоқ вақт бирга қолмайди». Бир донишманд айтди: «Ким дунёдагисини тарк килса, охирандаги насибасини тўлиқ олади». Яна бир донишманд шундай деди: «Дунёга берилишини олдин тарк этиш боғланиб қолгандан кейин тарк этипидан енгилроқдир». Бошқа бир донишманд айтади: «Дунёни мажбур бўлиб изла, килган ишларингни эслашинг ибрат юзасидан бўлсин ва охират учун амалинг олдиндан бўлсин (**Мажбур бўлмасанг дунёни талаб қиласа, эслаганда ибрат оладиган ишларни қил ва охиратга олдиндан тайёр тур.** – тарж.)».

Донишманлардан яна бири шундай деди: «Зоҳид боридан ҳам айрилмаслик учун йўқотилган нарсани изламайди». Яна бир донишманд айтди: «Ким охиратга имон келтирган бўлса, дунёга ҳирс қўймайди. Ким жазо бўлишинга ишонса, яхшилиқдан ёмонликини устун қўймайди (**яхши ишни қўйиб, ёмонини қилмайди.** – тарж.).» Донишманлардан яна бири шундай деган: «Ким нағсини хисоб-китоб қилса, фойда кўради, ким ундан ғафлатда бўлса, зарар кўради». Абул Атохия шундай деган:

*Дунё кимда бўлса, қўпайган сари азобга ҳам ўйликар,  
Ким дунёга иштиса, хорлаб, қарамаса, унга талтипар.  
Кераксиз матоларни тарк қилгин-у ҳожатингга яранини ол.*

Асмаъий роҳматуллоҳи алайҳ шундай хикоя қиласади: «Бир куни Ҳорун ар-Рашид роҳматуллоҳи алайҳнинг олдига кирдим. У китоб ўқиб ўтирас ва кўз ёшлари янокларидан оқиб турарди. Мени кўргач, шундай деди: «Менинг ҳолимни кўрдингми?». Мен: «Кўрдим, эй амирул мўъминин», дедим. Ҳорун ар-Рашид: «Дунё



ишларини деб бундай йиғламайман», деди. Сүңг менга бир қотозни берди, унда Абул Атохиянинг мана бу шеъри битилган экан:

Яшаши жойи хароб бўлган кишидан ибрат олдинеми?  
 Замон мағлуб қилиб, аскарлари ташлаб кетгандан ибрат олдинеми?  
 Яқинлари тарқ этиб, минбарлари бўши кишини кўрдинеми?  
 Подиоҳлар ва улуғлар қани, сен ҳам ўтурсан албат,  
 Дунёни охиратдан устун қўйиб, фахр-ифтихор қилувчи,  
 Дунёдаг олмоқчи бўлган нарсангга эриш, ўлим дунё охириди.

Хорун ар-Рашид менга деди: «Аллоҳга қасамки, бу шеър менга атаб ёзилган, бошқага эмас». Шу воқсадан сўнг ҳеч қанча ўтмай у вафот этди».

Нафсингни риёзат қилдирадиган учинчи ҳолат унга бу дунёда қанча яшашингни англатмоғинг ва орзуга алданиб қолинидан уни кутқармоғингдир. Шундагина орзу қисқа муҳлатингни узайтирмаиди ва ўлим ҳамда қайта тирилишни ёдингдан чиқишига йўл қўймайди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом хутбаларининг бирида шундай деганилар: «Эй инсонлар, албатта, кунлар ўтиб, умрлар тугаб боради, баданлар чирийди. Албатта, тун билан кун худди чопар сингари бир-бирини кувиб ўтади, хар бир узоқни яқинлаштиради ва ҳар бир янгини эскиртиради. Шу билан бирга, Аллоҳнинг бандаларини шахват (ҳоҳишистак) лардан тўсади ва бокий қолувчи солих амалларга тарғиб қиласди». Мисъар шундай деган: «Кунпи карши олиб, уни бефойда ўтказганлар қанча! Эртанги кунни кутиб, унга стиб бора олмаганлар қанча! Агар ажалининг келиш аниқ вактини билганингда, орзу билан алдовидан ғазабланар эдинг». Ансорлардан бир киши Расулуллоҳ алайҳиссаломдан: «Инсонларининг энг зийраги ким?», деб сўради. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ўлимни кўпі эслайдигани ва унга тайёр турадиганидир. Бу зийрак кинилар дунёнинг шарафи ва охиратнинг кароматини олиб кетдилар». Исо алайҳиссалом айтдилиар: «Ухлаганингиздек ўласизлар, уйғонганингиздек қайта тириласизлар». Али иби Абу Толиб розияллоҳу анху шундай деган: «Эй инсонлар, бир нарсани айтсангиз, эшитадиган, сир сақласангиз биладиган Аллоҳдан қўрқинглар. Қочсангиз стиб оладиган, тек



турсанғыз тутиб оладиган ўлимга шошилинглар». Абу Ало ибн Мусайиб айтди: «Ўлимдан олдин ўлимдан-да қаттиқроқ ҳеч нарса йўқ, ўлимдан кейин ўлимдан-да осонроқ ҳеч нарса йўқ».

Донишмандлардан бири айтди: «Олдиндагилар учун ўтмишда ибрат бор, охиргилар учун аввалгиларда огоҳлаптириш бор. Баҳтли одам алдовга ишонмайди, тамага алданмайди». Солихлардан бири шундай деган: «Албатта, сенинг бокийлигинг фонийлик, фонийлигинг бокийликкадир. Шундай экан, бокий эмас фонийлигингдан фоний бўлмайдиган бокийлигинг учун амал қилиб қол». Олимлардан бири шундай деган: «Қандай қилиб ҳаёт яхши ва роҳат бўлсинки, ўлимнинг табиби йўқ бўлса?!». Донишмандлардан бири деди: «Ҳар ким ажали етгунча ва амал саҳифалари ёнилгунча яшайди. Шундай экан, ўзинг учун фойдали ишларни қилиб қол, бугунги кунингни кечагиси билан қиёсла, умринг тугаши, амал ва ҳаракатдан тўхташингдан олдин ёмонликлардан тийил, яхшиликларни кўпайтир». «Мансур-ул хикам» да шундай дейилган: «Ким оғатларга йўлиқмаса, уларнинг ўзи унга йўлиқади». Абул Атохия шундай деган:

*Қабрларга не бўлди, ғамгин одамлар чақирса, жавоб бермас.  
Усти ётиқ «чукӯрлар» устида қабртош ва дўнгликлар бор.  
Уларда болалар, чиқалоқлар, йигитлар ва қариялар бор,  
Уларда фироқи менга оғир ботган қанча суйганиларим ётар.  
Баъзи тошлар мен сўйган кимсанинг қабрига қулаб тушган,  
Ўзимга тасалли бердим, улар билан кўришимогим яқин деб.*

Расулуллоҳ алайхиссалом бир кишига шундай насиҳат қилдилар: «Дунёдаги хоҳишингни камайтири, ҳур янайсан, гунохларни камайтири, сенга ўлим енгил бўлади ва қилган амалингни фарзандингда кўр, чунки томирдан ўтади (**яъни, ёмон ишларинг фарзандингта ҳам ўтади. – тарж.**)».

Рашид роҳматуллоҳи алайҳ Ибн Саммокка: «Менга мўъжаз ва қисқа насиҳат қил», деди. У: «Сен ўладидиган ҳалифаларнинг энг биринчисисан», деди. Бир аъробий ёш боласи вафот этган кишига шундай деб таъзия билдириди: «Фарзандингни дунё машакқатларидан кутқартган ва ҳаётида бўлажак хатарлардан халос



этган Аллоҳга ҳамд бўлсин». Салафлардан бири айтди: «Ким охират учун амал қилса, охират ва дунёни топади, ким дунёни охиратдан устун кўйса, дунё ва охиратдан маҳрум бўлади».

Бир солиҳ киши шунидай деган: «Ўлим нафасини ва амал қилиш имконини ғанимат бил, узр ва сабабларни рўкач қилишин тўхтат. Чунки муҳлатинг оз, нафасинг интихоси яқин ва умринг кисқа». Бир донишманд деди: «Агар огоҳлантирилган касалга даво топа олмаса, табибда айб йўқ». Яна бир донишманд шундай деган: «Жўнаб кетадиган одамнинг амалини қилгин. Чунки ўлим сени хеч каерга қоча олмайдиган бир кунга олиб кетади». Али ибн Абу Толиб Расулулуҳ алайхиссаломнинг вафотларидан кейин шундай деган:

Орзу-ҳавас жоҳулни алдар, ажали етган ўлар,  
 Ўлими яқин одам ҳийласидан қутула олмас.  
 Охири боқий нарсанинг аввали гойиб бўлар.  
 Кишига қабрда фақат амали ишерик бўлар.

Абул Атоҳия шундай деган:

Ўлимдан сақланиб бўлмас, парда ва қўриқчилар тўсса ҳам,  
 Ўлим пайконисга зирҳ ва қалқон тут, нишонга урад аниқ,  
 Нажот топмоқ истайсан, билмайсанки, кема саҳрода сузмас.

Агар нафсинг айтиб ўтилган сифат ва холатларга рози бўлса, унда учта ҳолат мавжуд.

**Биринчиси**, ҳалок қиладиган орзуни ортда колдириш ва озор берадиган, иложи йўқ мушкул ишларни тарқ қилишингдир. Чунки орзуга берилиш алдов, иложи йўқ ишларни қилиш эса заардир.

**Иккинчиси**, охират амали учун уйғонишинг ва қолган умрингда яхши амалларни ғанимат билишингдир. Зоро, ким орзу-ҳавасга берилмай, умр муҳлатини оз деб билса, унинг амали чиройли бўлади.

**Учинчиси**, кутулиш иложи йўқ қийинчиликларга учрашингга кўнишишинг ҳамда счими йўқ муаммоларни осон қабул қилишингдир. Чунки ким ечими қийин бир ишни ўзи учун ойдинлантиреа, ўша иш келганда унга арзимасдек туюлади.

Расулуллоҳ алайхиссалом шундай деганлар: «Қалбнингни фикрлаш билан огоҳлантири, баданингни уйқудан узоклаштири ва Аллоҳдан қўрқ». Умар иби Хаттоб розияллоҳу анху Абу Зарр розияллоҳу анхуга: «Менга насиҳат кил», деди. Абу Зарр розияллоҳу анху: «Етган ризкингга рози бўл, ўлимдан қўрқ, дунёни рўзанг, ўлимни ифторинг деб бил», деб насиҳат қилди. Умар иби Абдулазиз шундай деди: «Биздаги ишончдан бошқа ишончсиз шакка ўхшаган шаксиз ишончни кўрмадим. Агар тан олсак, ахмок бўламиз, агар тан олмасак, ҳалок бўламиз». Ҳасан Басрый айтди: «Кундуз сенинг меҳмонинг уни яхшилаб меҳмон қил. Агар сен уни яхши меҳмон килсанг, жўнаётиб сени мақтаб кетади, агар ёмон меҳмон килсанг, жўнаётиб сени ёмонлаб кетади. Тунинг ҳам шу кабидир».

Ал-Жоҳиз «Ал-Баён» номли китобида шундай дейди: «Мен кўрган тошда шундай деб битилган экан: «Ой одам фарзанди, умринг камайиб бораёттанини кўрганингда, орзу-ҳавасга берилмай, амални кўпайтирардинг ва ҳирсу ҳийлаларингни камайтирардинг: Агар қадаминг тойган бўлса, ахлинг ва мулозимларинг сени тарқ килганда, яқинларинг сендан ажралганида ва яхши кўрганларинг сендан айрилганида эртанги кунинг сенга надомат билан йўлиқади». Ўлеми яқинлашганда Бишр иби Мансур хурсанд бўлди. Шунда ундан: «Ўлим келса ҳам хурсанд бўласизми?», деб сўрашди. У: «Мен ҳар доим зикрида бўлганим Ҳолиқ Зотнинг хузурига бораётганимни кўрқадиган маҳлук ҳузурида қолиш билан тенглантириңсизларми?!». Ўлим тўшагида ётган Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуга: «Табибни чақирайликми?», дейишди. У зот: «Табиб мени кўрди», деди. «Табиб сизга нима деди?», деб сўрашди. У зот: «Табиб: «Албатта, Мен нимани хоҳласам, шуни қилувчи Зотман», деди», деб жавоб берди. Робиъ иби Ҳусаймдан касал бўлиб қолганида: «Сизни табиб кўрсинми?», деб сўрашди. У зот: «Мен ҳам шуни хоҳлагандим, сўнг Од, Самуд, Асҳоби Расс ва бошқа қавмларни эслаб билдимки, улар ҳам касал бўлишган ва табиблари ҳам бўлган, лекин барибир барчаси бу дунёдан ўтиб кетинган», деди. Анушервондан: «Дунё ҳаётида қачон роҳат бўлади?», деб сўрашди. У: «Инсоннинг ҳаётда қилмоқчи бўлган иши амалга ошса», деб жавоб берди. Донишмандлардан бири



деди: «Ким ўлимни эсласа, орзуни унугади». Адиблардан бири деди: «Ўлимдан қочма, у пат сингари юлиниб кетади». Донишманлардан бири: «Орзу ажалинг пардасидир», деди. Адиблардан бири Али розияллоху анхунинг шеърини айтиб берди:

*Агар ўлганимиздан кейин ҳеч нарса бўймаса,  
Ўлим барча тирикларга қандаям роҳат!  
Лекин ўлсак, қайта тирилиб, сўраламиз.*

Шоирлардан бири шундай дебди:

*Дунё қўним топиб, жўнайдиган қўналга,  
Юради-ю қаерга кетаётганин ўзи ҳам билмас,  
Нимани қўлсангиз, ўша нарсани тўлиқ оласиз.*

Сайд ибн Масъуд розияллоху анху шундай ривоят келтиради: «Абу Ҳардо розияллоху анху: «Ё Расулаллоҳ, менга васият қилинг», деди. У зот: «Ҳалол қасб қил, яхши амал қил, Аллоҳ таолодан кунлик ризкингни сўраб, ўзингни ўлимга тайёрла», дедилар. Робиъ ибн Хайсам ўз акасига шундай деб мактуб ёзди: «Энг зарур нарсаларигни тайёрла, юкларигни ташла ва нафсингга насиҳат қил. Вассаллом».

Салафлардан бири деди: «Дунёга ундан ҳазар қилган киши эришади, сақланганга унинг ўзи келади». Мұҳаммад ибн Восиъ бир қавмнинг олдидан ўтаётганда: «Бу қавм зоҳидлардир», дейишиди. Шупда у: «Дунёдан юз ўтирганларга мақталған душё қадри қапча бўларди?!», деди. Донишманлардан бири деди: «Саодатманд киши кечаги кунига ибрат назари билан қараб ўзига ундан фойда кўрган кишидир. Бадбаҳт эса боинқа учун тўплаб, ўзидан қизғанган кишидир». Бир донишманд деди: «Васиятсиз юрма. Агар жисминг саломат, умринг мазмунли бўлса ҳам, билгилик, вакт хиёнаткордир ва барча мавжуд нарсалар бир кун йўқ бўлур». Шоирлардан бири деди:

*Ким ўлимни келувчи, қабрни маскан, қайта тирилишини ҳақ деса,  
Жаннатда роҳат-у жаҳаннамда куйши орасида туришин билса,  
Тақводан бошқаси кўзга арзимас ва жирканч кўринар,  
Дунёни ватан қилиб олган одам ўлим қачон олиб кетишини билмас.*

Жаъфар ибн Мұхаммад розияллоҳу анҳу Жобир ибн Абдуллах розияллоҳу анхудан шундай ривоят қиласы: «Расууллоҳ ўз хутбаларидан бирида шундай деганлар: «Эй инсонлар, албатта, сизларнинг нихоянгиз (ўлишиңгиз) бор, шихоянгизга боринглар (унга тайёргарлик кўриниладиган), албатта, сизларнинг белгиларингиз (яхши-ёмон хулкларишгиз) бор, белгиларингизга боринглар (**хулқингизга ярашасини олинглар.** – тарж.). Албатта, мўмиш икки хавф орасидадир: Аллоҳ қандай хукм чикарганини билмай ўтказган кунлари ва Аллоҳ қандай хукм чиқаришини билмай қолган кунлари. Бас, банда ўз фойдаси учун амал қилисин, дунёсида охирати учун амал қилисин ва ҳётида ўлимидан олдин амал қилисин. Чунки дунё сизлар учун яратилган, сизлар эса охират учун яратилгансизлар. Мұхаммадпинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, ўлимдан сўнг жанинат ва дўзахдан бошқа овуниш, хурсандчилик қиласига жой ҳам, дунёдан кейин бирор ҳовли ҳам йўқ». Ҳасан Басрий айтди: «Кечаки мухлат, бугун амал, эрта эса орзудир». Абул Атохия буни шеър қилиб назмга тизди:

Ўйлаб кўр, кунларингда томиб кўришига арзирли лаззат борми?  
Умришг бўйи яшаётган вақтдан ҳозирги соатда борсан, холос.  
Нафсингни фақат керакли ва зарур нарсалар ила овут,  
Аке ҳолда, у тоқатиниғ етмайдиган нарсаларни талаб қилар.

Бир зоҳиддан сўрашди: «Нима учун ҳассага таяниб юрасиз, ахир қари ёки касал эмассиз-ку?». Зоҳид: «Мен бу дунёда мусофиригимни, дунёнинг ўткинчилигини ва ҳассанинг сафар асбоби эканини ҳам биламан», деб жавоб берибди. Бу гапларни бир шоир шеър қилиб назмга соглан:

Ҳассани ўзимга етсан заифлик ва қарисликдан эмас,  
Балки мусофиригимни эслатиб туради деб олиб юраман.

Сўфийлардан бири айтди: «Дунё оз вақтдан иборат соатdir. Уни тоатга айлантири». Зулқарнайн шундай деган: «Дунёда жоҳил ҳолда эркин юрдик, унда ғофил ҳолда яшадик ва ундан мажбуран кетказилдик». Абдулхамид айтди: «Киши қиска умрнинг асиридир». Бир мавъизада шундай дейилган: «Ажабо! Азобдан кўрқкан кини қандай қилиб гуноҳдан тийилмайди? Ажабо! Са-

вобни умид килган киши қандай қилиб амал қылмайды?». Бир донишманд айтди: «Ёмон одам ўлиқдир, гарчи тирик бўлса ҳам. Яхши одам тириқдир, гарчи ўлган бўлса ҳам», Салафлардан бири деди: «Аллоҳ бурро тиллар ва доно дилларнинг хилоф ишларидан шиноҳ сўралувчи Зотдир».

Яна бир донишманд айтди: «Кечака ва куидуз сенда амал килади, сен ҳам уларда амал қилиб қол». Яна бири шундай деган: «Учиб кетаёттандек ўтаётган бу кунларда охиратинг учун амал қилиб қолгин». Бониқа бир донишманд айтди: «Ўлим сенинг охирги чегарангдир. Дунёдан охиратинг учун олиб қол». Яна бир донишманд айтади: «Эй Аллоҳнинг бандалари, сакланинглар, алҳазар. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ айбариңизни худди кечирганга ўхшаб беркитди, сизларни ўз ҳолингизга қўйиб қўйтганга ўхшаб, сизларга муҳлат берди». Яна бири деди: «Кунлар амалларингиз саҳифаларицир. Уларни чиройли амалларнигиз билан тўлдиринг». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Соч оқининг насиҳатини қабул қили, ҳали эрга бўлса ҳам». Яна шундай дейилган: «Қуёш ҳар чиққанида кечаги кун билан насиҳат килади». Мухаммад иби Башир роҳматуллоҳи алайҳ айтди:

*Кечаги кунинг «шаҳид» га айланғанин кўр.  
Будунинг амалларига ила «шаҳид» лик топар.  
Кечака гуноҳ қилдингеми, уни яхшилик ила ўчир.  
Шунда мақтovга лойиқ инсонлар қаторидасан,  
Яхшиликни эртага қўйма, эҳтимол эртага йўқсан.*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мана бу ҳадисни ривоят қилиб келтиради: «Галаб қилувчиси ухлаётган жанинатга ўхшаш бирор нарсани кўрмадим. Қочаёттани ухлаётган жаханинамга ўхшаш бирор нарсани кўрмадим» (яъни, жанинат ўхшаши йўқ шундай нарсаки, уни тараб қилувчилар ғафлатда бўлади ва жаханинам ўхшаши йўқ шундай нарсаки, ундан қочадиганлар ҳам ғафлатда бўлади. – тарж.).

Исо алайҳиссалом шундай деган: «Қиёматда хавф ва хафа-гарчиликка йўлиқмайдигац Аллоҳнинг бандалари шундай кишиларки, инсонлар дунёнинг зоҳирига қарасалар, улар ботинига қарашади, инсонлар дунёнинг узунилигига қарасалар, улар

қискалигига қарашади. Улар дунёда қалбларнинг ўлимнига сабаб бўладиган нарсаларни ўлдиришади, дунёда уларни бир кунмас-бир кун тарк киладиган нарсалардан воз кечишади».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу апху шундай деган: «Инсонлар талаб килишда иккига бўлипади. Бири дунёни талаб килади. Уни ўз ҳолига кўйинлар. Чунки у гоҳида кидирган нарсасини топади ва толғаи нарсаси сабабли ҳалокатта учрайди. Иккинчиси охиратни талаб килади. У билан охиратни талаб килишда беллашинг». Абу Дардо розияллоҳу анху Шомга келиб шундай деди: «Эй шомликлар, насиҳатгўй биродарингиз сўзини эшигиг». Инсонлар унинг олдига йигилишди. У: «Сизларга нима бўлди, ўзингиз яшамайдиган уйларни куреб, ўзингиз емайдиган нарсаларни йиғаятпизлар? Сизлардан олдингилар ҳам иморатлар куришган, орзу-ҳавасга берилган ва мол-дунё тўплашган. Озгира ўтмай шу орзулари алдовга, йикқаплари заволга ва масканлари қабрга айланди». Абу Ҳозим айтди: «Дунё кўп қавмларни алдади. Натижада улар ноҳақ ишларни килишди. Ўлим стиб келгач, шошиб қолишиди ва молларини ўzlари ёктиргмаган кимсаларга ташлаб кетишиди. Биз улардан кейин яраиганмиз. Ҳемак, улар килган ёмонликларни кўриб, улардан тийилишимиз ва кила олмаган яхшиликларни килишимиз лозим бўлади». Зоҳидлардан бири подшоҳнинг эшиги олдидан ўтиб кетаётгич шундай деди: «Янги эшик, барҳақ ўлим, қийин жон бериш ва узун сафар».

Бир зоҳид одамлар атрофини ўраб олган бир кинининг олдидан ўтаётгич: «Нима бўлди?», деб сўради. Улар: «Бу бир мискин экан, бир ўғри ушиг чопонини ўғирлабди», дейишиди. Шунда бир одам мискинга чопонини ҳадя қилди. Зоҳид **«Албатта, саъии ҳаракатларингиз турличадир»** (Лайл сураси, 4-оят) оятини ўқиб: «Аллоҳ рост сўзлади», деди. Бир донишманд айтди: «Қайта тирилиш ва хисоб кунига ишонган ва ажр-савобда тақво килган киши ўз нафсига қандаям инсоғли!». Яна бири шундай деди: «Орзу-ҳавасиниг кўплити туфайли қалблар котади, холис ният туфайли гуноҳлар камаяди». Яна бир донишманд: «Орзу-ҳавасдан саклан. Чунки у дунёю охиратда сенга ҳалал берадиган подонлар юкидир», деди. Бонқа бир донишманд деди: «Орзу-ҳавасингни камайтири, чунки



умр қисқадир. Сийратингни яхшила, чунки яхшилик камдир». Абдуллоҳ ибн Мұтазз роҳматуллоҳи алайҳ айтади:

Ҳар лаҳза ажсал сари бориб, күтларимиз карвондек ўтар,  
Орзуларга берилсак, ўлимни ҳам унутгаймиз.  
Ёшликдаги гуноҳлар қандаям ёмон, энді нима қиласыз,  
Сочимизга оқ тушиб, мұнқайш қолған чөгда.  
Тақво билан озиқлан, дунёдан кеч, чунки умр поёни яқин.

Абдулмалик ибн Марвон мана бу икки байтни айтиб юрарди:

Хотиржам ҳолда амал қиласер, чунки сен ўласан,  
Үзинг үчүн шилаб, меңнат қыл, эй инсон!  
Бўлар шилар бўлиб ўтса ҳам бўлмагандек түюлар,  
Мавжуд шилар эса худди бўлиб ўтгандек бўлур.

Сулаймон ибн Абдулмалик ойнага қараб: «Мен ёш подшоҳман», деди. Шунда жорияси унга: «Сен қандаям яхши матоҳ бўлардинг, агар инсонлар бокий кола олмаётган бир пайтда бокий колганингда биз сенда инсонлардаги фонийлик айбини кўрмас эдик, лекин сен ҳам фоний бўласан», деди.

Абдулазиз ибн Абдуссамад роҳматуллоҳи алайҳ Анас розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиласди: «Расулуллоҳ алайхиссалом бурни кесик түяларига миниб олган ҳолда бизга шундай хутба ўқидилар: «Эй инсонлар, гўё ўлим бу дунёда биздан бошқаларга ёзилгандек, гўё хақ бу дунёда биздан бошқаларга вожиб бўлгандек, бизлардан олдинги ўлгацлар гўё қайтиб келадигандек, уларнинг жасадлари тепасида яшаймиз ва қолдирган нарсаларидан еймиз» (**меросларидан еймиз. – тарж.**). Гўё биз улардан кейин абадий қоладигандек, насиҳатларни унутдик, оғатларни ўйламадик. Бирорнинг айбини қидиришдан тийилиб, ўз айбини қидирган, топган молини гуноҳга сарфламаган, диндорларга ва мискинларга раҳм қилған ҳамда факиҳ ва ҳакимларга қўшилған кишига тубо (жаннат) бўлсин. Нафсини тузатиб, хулқини чиройли қилған ва ботинини поклаган кишига тубо бўлсин. Илмига амал қилиб, молидан ортиғини инфоқ қилған, ортиқча гап-сўздан тийилған, суннатга амал қилған ва суннатни бидъатга алмашмаган одамга тубо бўлсин».



Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: «Қабрларни зиёрат қилишлар, уларни кўриб охиратни эслайсизлар. Ўликларни ювинглар, чунки бу оч жасад (хирсли нафс) лар муолажаси ва таъсири насихатдир». Робиъ ибн Хайсам роҳматгуллоҳи алайҳ ҳовлисида бир қабр ковлаб қалби қорайганини билгудек бўлса, шу қабр ичига кириб Аллоҳ ҳоҳлаганича у ерда ётганича: «Роббим, мени (яна ҳаётга) қайтар. Шояд олдин тарқ қилган солиҳ (амалларим) ни қилиб олсан», (Мўминин сураси, 99-100-оятлар) деган оятини ўқирди. Сўнг ўз пафсига: «Тур, сени ҳаётга қайтардим, ҳаракатингни қил», дер эди ва яна Аллоҳ ҳоҳлаганича шу ҳолатда юрарди. Абу Мухриз Туфовий шундай деган: «Олдинги умматларни эслатишда қабр сенга кифоя қиласди». Зоҳидларнинг биридан: «Энг таъсири насихат нима?», деб сўрашди. У: «Ўликларнинг маҳалласига назар солиши», деди. Абул Атоҳия буни шеър килиб шундай деди:

*Жим ётган майитлар насиҳат берар сенга,  
Ўтган замонлар таъзия изҳор этар сенга,  
Чириған юзлар ва йўқ бўлган суратлар ҳақида гапирап.  
Сенга ўлмай туриб тириклигингда қабришни кўрсатар.  
Эй менинг ўлимимни ҳоҳловчи инсон, ўлим тугамас.  
Канча ҳасадчилар ўтиб кетиб, ўрнига қанчаси келар.*

Бир қабр устига шундай доб ёзилган экан: «Бизга қаҳр қилинларга биз ҳам қаҳр килдик, лекин мана, инсонларга ибратдан бошқа нарсага ярамадик». Бошқа бир қабр устига шундай деб ёзилган экан: «Ким манту яшаб қолишини орзу қилган бўлса, алданган ҳолда биз келган жойга келади». «Мансур-ул ҳикам»да: «Ҳақни била туриб, уни адо килмаганлар канчалар кўп», дейилган. Донишмандиардан бири деди: «Ким ўлмаса, ўтмайди». Бир солиҳ шундай деган: «Ҳар бир майитнинг ҳолида бизга насиҳат, молида эса ибрат бор». Олимлардан бири шундай деди: «Ким бирорвинг ўлимидан ўзига ибрат олмаса, унинг сўзидан ҳам ибрат олмайди». Бир донишманд айтди: «Кечаги кунингдан камайган бир соат умрингдан камайган бир бўлакдир». Абул Атоҳия буни шеърга солиб шундай деди:



Замонинг эртаси бор, эртасининг келишига қара,  
Хаётдан олган ҳар бир лаззат жасадга ўлим етганидир.

Искандар вафот этгач, донишмандлардан бири шундай деди:  
«Подшоҳ кечаки бугунгидан кўра кўпроқ сўзларди, бугун эса кечаки  
гидан кўра кўпроқ насиҳат килаёттир». Абул Атоҳия шу маънода  
шеър ёзган:

Сени кўмгунимча маҳзунлик ва хафалик етди,  
Сўнг қабринг тупрогини қўшимдан қоқдим.  
Ҳаётинеда менга кўн панд-насиҳатлар борки,  
Бугун эса пайтингдан кўпроқ насиҳатгўйсан.

Донишмандларнинг бири деди: «Агар гуноҳларнинг ҳиди бўлганида, одамлар шарманда бўлишар ва бир жойда бир-бирлари билан ўтира олмасди». Абул Атоҳия буни шеър қилиб шундай деган:

Аллоҳ гуноҳларимизни ҳидсиз қилиб бизга раҳм қилиди,  
Пинҳон гуноҳлар оикор этилса, шармандалик бўлар, холос.

Булар ҳаммаси Расулулоҳ алайхиссаломнинг мана бу ҳадисларидан олинганд: «Агар бир-бирларингизга сирларингиз очилганида эди, бир-бирингизни дағн қилимасдингиз». Бир киши Абул Атоҳияга шундай деб мактуб ёзди:

Эй Абу Исҳоқ, сенинг дўстлигинга ишонаман,  
Қасамки, айбимни тузатишда йўл-йўригинг ила ёрдам бер.

Абул Атоҳия унга шундай деб жавоб ёзди:

Кўлингдан келганича Аллоҳга итоат қил.  
Сўраган Мавлюга қушинг тоатини торттиқ қил.

Донишмандларда бири деди: «Кимни фарзандлари хурсанд киласа, унинг ўзи ёмонлашади». Шу маънода Абул Атоҳия бир шеър ёзибди:

Ўғиз улгайган сари отанинг фонийлиги ортиб борар.  
Азиз фарзандининг камоли унга ўлимидан хабар.

Шу маңнода бир ҳикоя келтирилади: «Зирр ибн Ҳубайш бир юз йигирма йил яшаб ўлыми яқинлапиғач, шундай деб шеър айтды:

*Агар кишининг фарзандларидан фарзанд түгилса,  
Қарылпикдан баданлари қалтираб қасали ҳүрүж қылса,  
Билғаны, булар йиғим-терими яқинлашған әкіндейдір.*

Бир киши Солих ибн Абдулқуддусга шундай деб мактуб ёзды: «Үлім эшиқдір, ҳар бир инсон ундан кирудынады. Бу эшиқдан кейин қаңдай ҳовли борлыгини билинни хоҳлайман». Солих ибн Абдулқуддус шундай деб жавоб ёзды: «Агар Аллоҳ рози бўладиган амалларни қила олсан; унинг ортида Алн жанглари бор, агар Аллоҳ рози бўлмайдиган амалларни қилсанг, олов бордир. Булар инсонлар учун ҳозирланган жойдир. Ўзинга кара, шундан кайси бирини танлайсан».



## ТҮРТИНЧИ БОБ

### ДҮНЁ ОДОБИ

Билгинки, Аллоҳ таоло Ўз құдратипи олам ва борлиқда памоён этиб, Ўз ҳикматини етказувчи ҳамда тадбири ила мавжудотни яратиб, тақдир-үлчови ила йўқдан бор килувчи Зотдир. У одам-зодни мухтој ва ожиз қилиб яратганининг ҳикмати борки, ана шу хусусият тақдир ва тадбир килган ишлари ичида энг латифи ва ажойибидир. У бандаларига Ўзининг йўқдан бор килувчи Холик зот ва бехожатлиги туфайли ризқ берувчи Рассоқ зотларини билдириди. Бас, кўркув ва умид ила ушини итоатига бўйсунамиз, ожиз ва ҳожатманд ҳолда ўз айб-нуқсонимизга икror бўйсунамиз.

Аллоҳ таоло инсонни жамики жонзорлар ичида ҳожатманд қилиб яратганига ҳужжат-далил шуки, ҳайвонлар ичида ўз жинсига қўшилмай ёлғиз яшайдиганлари бор. Инсон зоти эса бундай эмас. У табиатан ўзига ўхшашлар билан бирга янашга мажбур, ёрдам сўраб бир-бирини излапи фитратидаги мавжуд сифат ва жавҳаридаги ўзгармас хилқатдир. Шунинг учун Аллоҳ субҳонаху ва таоло бир ояти каримада: «**Инсон ожиз қилиб яратилгандир**» (Нисо сураси, 28-оят), деди. Яъни у нимага мухтој бўлса, унга сабр қилиши ва пимадан ожиз бўлса, унга тоқат қилишидир.

Агар ўйлаб кўрилса, жамики жонзорлар ичида инсон ожиз ва мухтојрок. Чунки ҳожатмандлик бир нарсага мухтојликка бир нарсага мухтојлик ундан ожизликка далолат қиласди. До-нишманлардан бири: «Бир нарсага мухтој бўлмаслик мухтој бўлишдан яхшироқдир», деди. Аллоҳ таоло ҳожати қўшилик ва ожизлик машаккаги бойлик тутёни ва куч-кудратга ҳаддидан ошишга йўл қўймагани учун инсонга ҳожатмандлик ва ожизликни пеъмат ва лутф-марҳамат қилиб берди.

Чунки инсон табиатан бой-беҳожат бўлиб яратилганида ҳаддидап ошарди, агар кодир бўлса, уни тажовуз ва зулмкорлик эгалларди. Аллоҳ таоло бу хусусда Қуръони каримда шундай хабар беради: «**Албаттга инсон тугёнга кетади, агар ўзини бой кўрса**» (Алақ сураси, 6-7-оятилар). Инсон зотининг бир нарсага ҳожатманд қилиб яратилганининг япа бир ҳикмати шундаки,



ожиз ва заифлигига ҳожатмандлик энг кучли гувоҳ ва ёрқин далил бўлиши эътиборда тутилган. Менга адаб ахлидан бири Ибн Румийнинг мана бу байтиарини айтиб берди:

*Мени нуқсан деб айблама зинҳор?  
Айтгени, бу иллат кимда йўқ дейсан?  
Айбу нуқсони йўқ кимса бормикан,  
Етук ва комиллик мақомига кўтарсанг?  
Гувоҳлик бераман, ожиз бандаман аниқ,  
Лекин кўпларга қиёслансам, мен каби эмас.  
Бу халқ фазл ва ақлда мусобақалашар.  
Бас, қай биринда ўзингни афзал дейсан.  
Аллоҳ Одам фарзандига етуклик берса,  
Мангу қолдираради, ўзи хоҳлаган шини қилур.*

Аллоҳ таоло инсонни ҳожатманд ва ожиз қилиб яратган ёкан, шу ҳожатини амалда кўрсатиш учун сабабларни ва ожизлигини кетказиш учун чора-тадбирларни ҳам яратди, бу сабаб ва чора-тадбирларга йўл кўрсатадиган ақл, зеҳн ва фаросат ато ўтди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «**У шундай Зотки тақдир қилди ва тўғри йўлга бошлади**» (Аъло сураси, 3-оят), леди. Мужоҳид деди: «Банданинг ҳаёти ва умрини ўлчовли қилиб, уни яхшилик ва ёмонлик сари йўллади». Ибни Масъуд Аллоҳ таолонинг сўзидағи: «**Ва биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку**» ни (Балад сураси, 10-оят), яъни икки йўлга – яхши йўлга ва ёмон йўлга деб, тафсир қилди.

Демак, ақл ҳожатлар тушадиган нарсанинг сабабига далолат қилувчи бўлиб, ризқ-насиба топишда бандалар ўз ақлларига ва ожизлиқда фахм-фаросатларига ишониб қолмасликларини деб Аллоҳ таоло муваффакият ва идрокни Ўзи тақсим ва тақдир қилган инга боғлаб қўйдики, шунда умид ва кўркувда давом этиб, Аллоҳ таолонинг бехожат ва қодир Зотлигини хис этиб турадилар. Баъзан бу Ярагувчиси ҳақида ёмон гумонда бўлған киши эътиборидан четда колиб, ҳагто уни адаштиради. Шоир айтганидек:

*Кунларни ўз манзилига қўйган ва инсонларни арзимас  
Ёки ҳавас қиласа арзийдиган қилиб қўювчи Зот покдир.*



*Ақтү бор оқылни тұтған үйләлари ҳолдан тойдирар,  
Жоғылни кенг ва мұл-күл ризққа етишіганин күрасан.  
Фалактің шу иши ақтү ҳайраттаға үзгәр,  
Билимли ақтү әгасини зиндиққа айлантырадар.*

Агар ақылни кини назари түғри эканига ишонса, албатта зиндиқтың әмас, сиддиқтың макомига күтәрадыған манфаат ва фойдалар сабабини билған бўларди. Чунки манфаат ва фойда сабаблари ичида зохирни хам, зохир әмаслари хам ва бутунлай яширин-ғойиблари хам бор. Бу хикматтинг эгаси Аллоҳ таолодир. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Аллоҳ таоло хақида яхши гумонда бўлиш Унга ибодат қилинди», дедилар.

Аллоҳ таоло охиратни жазо ва абадий уй қилганидек, инсондаги ҳожат сабаблари ва ожизлик чораларини масъулият ва амал уйи – шу дунёга хослаб кўйди. Шунинг учун инсон бу дунё ишига алоҳида эътибор бермоги керак. Чунки у ўзига охирати учун бу дунёдан озиқа хозирлаш ва ҳожатига ярашани олишга мажбур. Ким ҳожатидан ошиғини олмаса, нағсани тийса, дейилганда, дунёга кизиккан кинни маломат қилиниб, ҳожатидан ошиғини талаб қилувчи ёмонланиши тушиунилади. Бунда рагбат ҳожат микдоридан ўтиб кетган нарсага қаратилса, ортиклик эса кифоя қадаридан кўпроғини билдиради, деб олдинроқ айтган сўзимизга зиддиқ йўқ.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Пайғамбаримиз алайхиссаломга шундай лейди: «**Қачон сиз дунё ишларидан фориғ бўлсангиз, Парвардигорингизга юзингизни буринг**» (Шарҳ сураси, 7-8-оятлар). Бу оятни тафсир килғап уламолар шундай лейишади: «Агар дунё ишларидан бўшасанг, Парвардигоринг ибодатига тургун». Аллоҳ таолонинг бу сўзи Пайғамбаримиз алайхиссаломни дунёга тарғиб әмас, балки у зотни дунёдан кифоя даражасини олишга чақиради. Шунга кўра, Расулulloҳ алайхиссалом деганлар: «Охирати учун дунёни ёки дунё учун охиратини тарқ этган киши яхшиларингиз әмас. Балки яхшиларингиз унисидан хам, бунысидан хам олган кишиидир». Ривоят қилинадики, Найғамбаримиз алайхиссалом: «Дунё қандаям яхши улов, унга мининглар, сизларни охиратга етказди», дедилар.

Бир киши Али ибн Аби Толиб каррамаллоху важхаҳу ҳузурида дунёни ёмонлади. Ҳазрати Али: «Дунёга ишонган кишига у сидқ ҳовлисиdir, дунёнииг шималигига акли етган кишига у најжот ҳовлисиdir ва мол-дунё йиғиб-тўплаган кишига у бойлик ҳовлисиdir», деди. Мукотилдан ҳикоя килинишича, Иброрхим Халилуллоҳ: «Эй Роббим, қачонгача дунё талабида ҳаракат килайин?» деганида унга: «Бундай дема. Чунки тирикчилик ҳаракатида бўлини дунёни талаб килиш эмас», дейилди. Суфён Саврий розияллоҳу анҳу айтди: «Тавротда: «Агар уйда донинг бўлса, ибодат қил, агар бўлмаса, уни изла», деб ёзилган. Эй одам фарзанди, қўлингни ҳаракат килдир, у ризкинг келишига сабаб бўлади». Бир донишманд деди: «Бирорвга мухтоҷ бўлмаслик даражасида қасб-кор қилини дунёга хирс қўйини эмас». Бир адид деди: «Баданга қувват бўладиган даражада дунёни излаш очкўзлик эмас». Маҳмуд Варроқ айтади:

*Дунё ва унинг кунларини ёмон деб тарж этма,  
Гарчи сенга бир мусибат етган бўлса ҳам.  
Дунёниг шараф ва фазилатин билмоқчи эрсанг,  
Шу иккисин деб охиратда даражада ошар.*

Демак, айтиб ўтганимиздек дунё ишларини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак ва шу баробарида дунё ҳолини ўрганиши, унинг яхши ва ёмон жихатларини тадқиқ қилиб билиш лозим. Шундай қилинса, унинг яхшию ёмон бўлиш сабабларини ва ислоҳ бўлиш ҳамда айниш, обод ва ҳароб бўлиш омилларини билдиб оламиз. Дунё ахлидан ҳайрат шубҳалари кетиши ва уларга яхшилик сабаблари очилиши учун унинг ишларини қаед қилиб, қоида ва сабаблари ислоҳига киришадијар.

\* \* \*

Билгинки, дунё салоҳи (яхшилиги) икки жихатдан эътиборлидир: биринчиси туфайли дунёниг барча ишлари тартибга келтирилади. Иккинчиси туфайли дунё аҳлидан ҳар бирининг ҳоли яхшиланади. Бу иккиси икки нарса бўлса ҳам, ислоҳи бир-бирига боғлиқ. Чунки дунё фасоди ва ишлари тартибсиз бўлишига қарамай, кимнииг ҳоли яхши бўлса, унга дунё фасоди таъсир қил-

майди ва обрў-эътиборини туширмайди. Чунки у дунёдан ўзига куч-кувват ва ёрдам олиб, охирати учун хозирлик кўради. Дунё салоҳи ва ишлари тартибли бўлишига қарамай, ким ўз ҳолини тузатмаса, дунёнинг салоҳи унга татимайди ва дунёда яшашдан маъно топмайди. Чунки инсон ўз нафсига яқинлир, агар дунё унга яхши бўлсагина салоҳни кўради ва агар дунё ўзига ёмон бўлсагина фасодни кўради. Чунки унинг нафси хосроқдир ва ҳоли сезувчироқдир. Шундай экан, унинг назари ўзига тааллукли нарсага бурилиб, фикри ўзига тегишли нарсага қаратилади.

Билгинки, дунё ўзининг жамики аҳлини баҳтли қилмайди ва на ҳамма аҳлидан тўлигича юз ўгирилади. Чунки дунё ихтилоф ва тафовут сабабли бир-бирига яқин бўлишлари ҳамда бир-бирига ёрдам кўлини чўзиб, кўмаклашиш сабабли иттифоқ бўлишлари учун ҳаммаларидан тўлиқ юз ўгириши ҳалокат ва ҳаммаларини тўлиқ баҳтли килиши ҳам фасоддир. Қачонки дунё аҳлининг барчasi баробар ва тенг бўлсалар, бир-биридан ёрдам сўрамай қўяди, айтиб ўтилган ҳожат ва ожизлиқдан бир-бирини ҳолос этишини ўйламайди. Ана шунда дунё аҳлининг (амаллари) зое кетиб, ожиз ҳолда ҳалокатга йўлиқади. Аммо бир-биридан фарқ килиб, турли ҳолатда бўлишса, ёрдам бериш учун бир-бирига яқинлашади ва бир-бирига эҳтиёж сезиб, алоқа ўрнатади. Чунки ҳожатни адо этувчи алоқа боғловчидир, муҳтож эса унга боғланувчидир. Аллоҳ таоло айтади: «**Улар (одамлар) мудом ихтилоф қилурлар, магар Парвардигоригиз раҳм қилган кишиларгина** (ҳақ йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар). **Уларни шунинг учун яратгандир**» (Худ сураси, 118-оят). Ҳасап айтади: «(бу оятдаги ихтилоф сўзининг маъноси) ризқдаги хар хиллиқдир». Буниси бой ва буниси факир. Шунинг учун уларни яратди. Яъни бой ва факирликда бир-биридан фарқланиб туришлари учун. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ айримларингиздан айримларингизни ризқда устун қилиб қўйди**» (Нахл сураси, 71-оят). Лекин дунё яхши бўлса, унинг хурсанд килиши кўпаяди ва ундан юз ўтириш осон бўлади. Чунки дунё (бир нарсани) берса, баҳтли қилиб, омонат тарзида беради. Агар уни қайтариб олса, яхшилик ва раҳм-шафқат қилибди. Агар дунё бузилса, унинг ёрдами макр-хийла ва юз ўгириши

айёрликка айланади. Чунки дунё бир нарсани берса, ҳолдан тойдириб, қийнайди, агар қайтариб олса, уни тўлиғича олади. Шу билан бирга, дунё салоҳи омонатдорликлари ва дин-диёнатлари кучли бўлишига қараб ўз аҳлига яхшилик килувчидир ва дунёниг фасоди омонатдорлик камлиги ва дин-диёнат заифлигига қараб ўз аҳлини бузувчидир. Бу нарса хаётда ҳолат далили тақозо этанидек, тажриба ва урф ҳолида мавжуд. Дунё фасодидан ёмонроқ нарса бўлмаганидек, унинг яхшилигидан ҳам фойдалироқ нарса йўқ. Чунки бу нарса туфайли одамларининг дин-диёнатлари кучайиб, омонатдорликлари ошади. Дин-диёнатлари заифлашиб, омонатдорликлари бой бериладиган парсадан заарарлироқ нарса йўқ. Абу Бакр иби Дурайдан бир шеър ўқидим:

Одамлар ўз замонига ўхшайди бешак,  
 Ҳудди бир нарсани иккига бўлганидек.  
 Даҳр аҳли ўзгариши ва ҳолида замонингга ўхшар,  
 Шунга ўхшаши мабодо замон айниса,  
 Фасоди кишиларга ҳам урмасдан қолмас.

Энди бу сўзимизни шу жойда тўхтатиб, дунё қандай қилиб ислоҳ топса, шуни баён қилайлик ва мана шу ҳолатда инсон ҳоли қандай ислоҳ топса, унинг баёнига ўтайлик.

**Билгинки, дунё ислоҳ топадиган ишларнинг тартиб-қоидаларида унинг ҳоли тартибли бўлиши ва ишлари тузалиши учун олтига нарса мавжуд ва яна улар ўз навбатида бундан бошка тармоқларга ҳам бўлинади. Улар итоат этиладиган дин, қаттиққўл султон, ҳаммага бир хил адолат, умумий хавф-хатар йўқлиги, доимий мўл-кўлчилик ва чексиз орзу-умидлардир.**

**Биринчи қоида, итоат этиладиган дин.** Чунки дин пафсларни истак-ҳоҳишидан тўсиб, қалбларни унга мубтало бўлишдан саклайди. Ҳатто дин қалблар учун қаҳр қилувчи ва акллар учун зажр этувчига айланади. Инсон бир ўзи ёлғиз қолганида дин нафсни кузатувчи ва бало-мусибат етганида унга насиҳат килувчига айланади. Бу ишларга диндан бошқаси билан эришилмайди ва одамлар ҳоли фақат шу ишлар туфайли ислоҳ топади. Дин дунёниг ислоҳ топиб, тузалишида кучли қоида



хамда тартиб топиб, бузилмаслигига фойдалидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло одамзодни яратганидан бери унинг фикрини шаръий таклиф ва диний эътиқодга қаратди. Дин ҳукми ва кўрсатмасига итоат этилганда дунё аҳлининг қарашлари ҳам бир хил бўлиб, унинг амрига итоат этганларидан ҳавоий нафс уларга ҳукмини ўтказа олмайди. Уламолар розияллоҳу анҳум ақл билан шариат хусусида баҳс-мунозара юритиб, иккови бирга келганми ёки ақл олдин келиб, кейин шариат келганми, деб ихтилофга боришди. Бир тоифаси ақл ва шариат бирга келган, бири бошқасидан олдин келмаган, деди. Бонка тоифаси йўқ, ақл олдин бўлиб, кейин шариат келган, деди. Чунки комил ақл орқали шариатнинг тўғрилигига хужжат-далил келтирилади. Аллоҳ таоло: «**Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?!**» (Қиёмат сураси, 36-оят), деди.

Бу нарса фақатгина инсон ақлии комилликка эришганидагина мавжуд бўлади (яъни ақл тўлишиб, муайян даражага стганида шариат кераклигини англайди). Шундай экан, дин дунё ислоҳида кучли кондалардан биридир ва охират ислоҳида эса унга тенг келадигани йўқ. Дунё ва охират ислоҳи дин туфайли амалга ошади. Ақли расо киши динни маҳкам тутиши ва унга риоя этиши шарт. Донинимандлардан бири: «Одоб иккитадир: шариат одоби ва сиёсат одоби. Шариат одоби таклиф этилган фарз амалларни адо этиш бўлса, сиёсат одоби ер юзини ислоҳ ва обол қилишдир. Бу икки одоб айнан султон саломатлиги ва шаҳарлар ободлиги омили хисобланган одилликка кайтади. Чушки ким таклиф этилган фарз амалларни тарқ этса, ўзига зулм қилибди ва ким ер юзини ҳароб қилса, ўзидан бошқага зулм қилибди». Саъд бин Ҳумайд айтади:

*Сөгломлик ҳар доим фойдали бўлмас,  
Токи дин ва хулқар тузалмас экан.*

**Иккинчи қоида, қаттиққўл султон бўлиши.** Султон қаҳридан кўркиш оқибатида ҳавоий нафслар ўз истагидан воз кечиб, бир-бирига яқинлашади ва унинг ҳайбати туфайли бир-биридан узоқлашган қалблар бирлашади, қаҳр ва сиёсат остида низолар барҳам топиб шу кўркув мавжуд экан, душманга айланган нафс-

лар босилади. Чунки инсоний табиатда баҳс-тортишув ва ўзига маъқул нарсани деб ракобатни яхни кўриш ва ўзига карши гапирганларга ҳаҳр қилиш бор. Шундай экан, инсонларни бу табиатларидан фақат кучли тўсувчи ва буйруғини ўтказувчи қайтара олади. Бу ҳақда Мутанаббий фасоҳат тилида шундай деди:

*Юксак шараф азиятдан қутула олмас,  
Хатто атрофида қон тўқилмагунча.  
Зулм нафслар истагидир, агар пок кини бўлса,  
Сабаби у зулм қилмагани учундир.*

Зулмдан қайтарувчи бу сабаб тўрт нарсадан ҳоли эмас ё ман этувчи ақл, ё тўсувчи дин, ё қайтарувчи султон ва ноилож пайтдаги ожизликдан ҳоли эмас. Агар бу сабаблар ҳакида ўйлаб кўрсанг, уларга боғланадиган бешинчи сабабни кўрмайсан. Султондан кўрқиши улар ичиде энг кучлиси дир. Чунки ақл ва дин заифлашиб қолади ёки ҳавои пафс голиб келиши туфайли иккиси мағлуб бўлиши мумкин. Шундай экан, султондан кўрқиши энг яхни тийиб кўювчи ва энг кучли қайтарувчи дир. Ривоятга кўра, Найғамбаримиз алайҳиссалом: «Султон Аллоҳнинг ср юзидағи соясидир, ҳар бир мазлум унга суюнади», дедилар. Яна ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло Қуръон туфайли тийилмаганлардан аксарини султон туфайли тўхтатиб-жиловлаб туради. «Набий алайҳиссалом: «Аллоҳнинг осмонда ва ер юзида қўриқчилари бор. Осмондаги қўриқчилар фарншталар ва ер юзидағи қўриқчилар ризқларини бериб, одамлардан ҳимоя қиласиганлардир», дедилар. Яна бир ривоятда: «Қаттиққўл бошлиқ фитнадан яхшироқдир, ҳаммасида ҳам яхшилик йўқ ва баъзи ёмонларда яхшилик бор», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Маъсүд айтди: «Султон бузилади, лекин Аллоҳ у туфайли кўпларни ислоҳ қиласи. Агар султон одил бўлса, ажрасови ўзига ва сизларга шукр қилиш вожиб. Агар султон зулм қилса, гуноҳи ўзига ва сизларга сабр қилиш вожиб». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларида ажамларни ёмонланди. У зот бу ишдан қайтариб: «Уларни ёмонламанглар. Чунки улар курдирган шаҳарларда Аллоҳ таолонинг бандалари яшайди», дедилар. Балоғат уламолардан бири

деди: «Султон сиртида раҳбар имомдир, унинг сийратида манпуръ дин бор. Агар у зулм қилса, хукмда унга бирон киши тенг кела олмайди ва агар адолат қилса, бирон киши зулм қилишга жуरъат эта олмайди». Адиблардан бири деди: «Даъватлар ичидаги энг таъсирлиси солиҳ султон даъватидир, яхшиликлар ичидаги энг авлоси яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришдир» Булар дунё ахволидаги султошининг осор (белги, нишона) лари ва у туфайли тартибланадиган ишлардир.

Бизгикки, султонда динни химоя этиши ва уни ҳавоий нафслардан сақлаш, ундейларга бўлган ўзгаришлар олдини олиш, муртад бўлган, қайсалик қилган ёки динда бир фасод ишни юзага келтирадиганларни тийиб қўйиш хукуқлари бор. Агар қудратли султон ва тўлиқ риоя этиш орқали динни сақланмаса, ўша жойда ҳою ҳаваслар кўпайиб, фикрлар айният боннлайди. Қайси диннинг султони бўлмаса, ўша жойда дин аҳкомлари ўзгаришга учраб, тартиб-қоидлари йўқолиб боради. Динда эътибор қозонган кинилар бидъатга берилиб, унинг заифлашишига сабаб бўлади. Ўз павбатида ўз аҳли итоат қилишини фарз ва бир-бирларига ёрдам беришини вожиб ҳисоблайдиган бўлишлари учун қалбларни бирлаштирадиган динда бўлмаган султон ҳам кўп турмайди ва кунлари ҳам сафои бўлмайди. Натижада султон қаҳр этувчи ва замона бузғунчисига айланади. Абдуллоҳ ибн Мұтаз дейди:

*Мулк дин туфайли тургайдир мудом,  
Дин мулк туфайли бўлур барқарор.*

Одамлар бу нарса ақл туфайли вожиб бўладими ёки шариат туфайли вожиб бўладими, деб ихтилоғиа борицди. Бир тоифа ақл туфайли вожиб, дели. Оқиллар холидан маълумки, ўз ихтилофларида бир ҳакли раҳбардан қўркиш уларнинг фойдасига қаратилган. Бонкалар эса унинг шариат билан вожиб бўлишини маъқуллайди. Чунки бошлиқ тайинлашдаш максад ҳад-жазоларни белгилаш ва ҳакларни адо этиш каби шаръий ишларни амалга оширипидир. Агар иболат максад қилинмаса, баъзан бу ишларга ҳожат бўлмайди. Ирода қилинмаган нарсадан бсхожат бўлиш авлодир.

Шунга биноан пайғамбарларни юборин шарти хусусида ихтилофга борилди. Ким уни ақынға сұяниб, шарт деса, пайғамбарлар юборишини шарт, деб маңқуллайды. Ким уни шариат туғайли вожиб деса, пайғамбарлар юбориши шартлыгини маңқулламайды. Чунки пайғамбарларни юборишидан мақсад одамларга шаръий манфаат ва фойдаларни етказындыр. Бу ишлардан мұкаллаф бандаларга фойда йўқ, деб ўйлаш уларга пайғамбарларни юборишини вожиб этмайды.

Аммо бир замон ва бир шахарда иккى ёки уч бошлиқни тайинлаш ижмөйга кўра жоиз эмас. Аммо турли шаҳарлар ва бир-биридан узок юртларда жоизлигига кам тоифалар ҳужжат-далил келтиради. Чунки бошлиқ фойдали ишларға тавсия этилган. Агар иккى шаҳар ёки иккى поҳияда алоҳида бошлиқ тайинланса, ҳар бири ўз олдиғаги ишни бажариб, ўзига боғлик ишни амалға оширади. Чунки бир замонда иккى пайғамбарни юбориши жоиз бўлғач ва у пайғамбарликни бекор этишини келтириб чиқармагач, раҳбарларда бу нарсанинг бўлиши авлодир ва бу нарса раҳбарликни бекор қилишга олиб бормайди.

Жумҳур уламолар бир замонда икки раҳбар бўлини шаръян жоиз эмас, дейдилар. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Агар иккى амирга байъат қилинса, улардан бирини тайинланглар», дедилар. Яна бир ривоятда: «Иккovidан бирини қатл ўтинглар», дейилган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинади: «Агар Абу Бакрни бошлиқ қилиб олсангиз, уни Аллоҳ таоло динида қаттиқ, лекин жисмонан заиф ҳолда топасиз. Агар Умарни бошлиқ қилиб олсангиз, уни Аллоҳ азза ва жалла динида қаттиқ, яна жисмонан бақувват ҳолда топасиз. Агар Алини бошлиқ қилиб олсангиз, уни ҳидоят қилувчи ва йўл кўрсатувчи ҳолда топасиз». Бу ҳадиснинг зоҳиридан маълумки, бир вақтнинг ўзида уларни раҳбарликка тайинлаш дуруст эмас. Агар бу иш дуруст бўлса, унга ишора қилиниб, ўтибор қаратилиган бўларди. Уммат сultonига лозим бўладиган ишлар етти нарсадан иборат:

**Биринчиси**, бирон ўзгариш кириб қолинидан динни ҳимоя қилиш ва унга амал қилингап лоқайд бўлмаслик.



**Иккинчиси**, уммат бирлигини саклаш ва дин душмани ёки ҳавойи нафс ва молни деб ноҳақлик килганлардан уларни ҳимоя қилиш.

**Учинчиши**, фойдали мақсадда шаҳарларни обод қилиш, унинг йўл ва кўчаларини таъмирини ва тузатини.

**Тўртингчиси**, молларни айирбошлапида диппий кўрсатмаларга биноан барқарор шархни белгилаш.

**Бешинчиси**, зулмга қарши қурашда инсофли бўлиш ва уммат ахли ўртасида тентглик яратиш ва мазлумларга ёрдам бериш.

**Олтинчиси**, ҳақли кимсаларга адолат билан ҳад-жазоларни белгилаш.

**Еттинчиси**, турли ишларда мутахассис ва омонатдор ноибнарни таңлаб олиш.

Айтиб ўтилган ишларни султон тайинлаган киши амалга оширеа, у ўзининг кўл остидагиларга Аллоҳ таоло ҳақини адо этиши, тоат ва насиҳатларини вожиб қилиши ва холис меҳр-муҳаббатларига сазовор бўлиши керак.

Агар султон бу ишларни ўз ўрнинга кўймаса, ҳак ва шартларни ўз вактида адо этмаса, шуни деб жавобигарликка тортилиб, жазоланади. Сўнг у раъиятнинг маъсиятини ошкор қилиш истаги ва нафратидан ҳимояланишга мажбур бўлади. Улар эса пиятларни амалга ошириш учун қулай фурсатни кутиб, ошкор этиши учун йўл кидирадилар. Аллоҳ таоло айтади: «**Айтинг; Оллоҳ сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга ёки сизларни турх-турх қилиб арадаштириб-кориштириб** (яъни бир-бирига душман тўдаларга айлантириб) **юбориш** (айримларингизга айримларингизниг заарини тоттириб кўйишга) **Қодир бўлган Зотдир**» (Анъом сураси, 65-оят). Аллоҳ таолонинг: «**Сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб**», деган сўзида икки таъвили бор:

**Биринчиси**, устларидан етган азоб – ёмон боиликлардир, оёқлари остидан бўлган азоб – ёмон халқ. Бу Ибн Аббос ро-зияллоҳу анхумонинг сўзиидир.

**Иккинчиси**, устларидан етган азоб тошбўрои, оёқлари остидан эса – похуш воқеа. Бу Мужоҳид ва Саъид ибн Жубайрнинг

сүзидир. Аллоҳ таолонинг: «**Сизларни гурух-гурух қилиб араплантириб юборишга**», деган сўзида икки хил таъвили бор.

**Биринчиси**, турли хоҳиш-истаклар. Бу Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо сўзидир.

**Иккинчиси**, фитна ва тартибсизликлар. Бу Мужоҳиддининг сўзидир.

Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳар бир қабила боишлиғи қиёмат куни қўйлари бўйинларига боилик хонда келадилар. Уни амали кутқаради ёки ҳалок этади», дедилар. Яна бир ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Яхши бошлиқлар шуцдай кишиларки, уларни яхши кўрасизлар ва улар ҳам сизларни яхши кўрадилар. Ёмон бошлиқлар шуцдай кишиларки, уларни ёмон кўрасизлар ва улар ҳам сизларни ёмон кўради ва уларни лаънатлайсизлар, улар ҳам сизларни лаънатлайдилар», дедилар. Бу тўғридир. Бунга сабаб шуки, агар боилик яхни бўлса, ўз кавмини яхши кўради ва қавм ҳам уни яхши кўради. Агар боилик ёмон бўлса, у кавмини ёмон кўради, қавм ҳам уни ёмон кўради. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга шундай дейди: «Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, ҳалқига ҳам уни яхни кўрсатади. Одамлар наздида тутган дарражангга қараб Аллоҳ таоло ҳузуридаги мақомингни билдиб ол. Аллоҳ ҳузурида сен учун аталган нарса наздингда Аллоҳ учун аталган нарсадекдир». Бу биз айтиб ўтган маъниони очиб беради.

Бунинг асли шуки, Аллоҳдан қўрқишиш баандаларни унга итоат ёттиради. Бу тарика итоат У Зотни яхши кўришга олиб боради. Шунинг учун кавмнинг меҳр-муҳаббати бошлиқнинг яхшилиги ва Аллоҳдан қўрқишига аломатдир, аксинча, қавмнинг ёмон кўришлари эса, бошлиқнинг ёмонлиги ва ўзини-ўзи тафтиш қилмаслигига далилдир. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ноибларидан бирига: «Одамларни деб Аллоҳдан қўрқишинг ва Аллоҳни деб одамлардан қўрқмаслигингни васият қиласман», деди. Умар ибн Абдулазиз ўзи билан ўтирганлардан бирига деди: «Албатта мен бўйнимга олган ишларда Аллоҳ таолодан қўрқаман». Сўнг унга айтидига: «Мен Аллоҳдан қўрқишингдан қўрқмайман, балки Аллоҳдан қўрқмаслигингдан қўрқаман». Бу аниқдир.



Чунки Аллоҳ таолодан күрккан киши ноҳақлик қилмайди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу апху Абу Марям Салулийга (Салулий Умар ибн Хаттобнинг акаси Зайд ибн Хаттобни ўлдириған киши эди) шундай деди: «Аллоҳга қасамки, ер қоши яхши кўрмагунича, мен сени яхни кўрмайман». У: «Бу нарса мени ҳақдан тўсадими?» деди. Ҳазрати Умар йўқ, деди. У: «Ҳечкиси йўқ, яхни кўрмасликдан ноумид бўлиш аёллар ишидир», деди.

Абдураҳмон ибн Мухаммад ривоят қилиб деди: «Талҳа ибн Убайдуллоҳ Абу Бакр кизи Умму Кулсумга юз минг дирхам маҳр берли. У бу миқдорда маҳр берган дастлабки киши эди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу апху олдидан молни олиб ўтилаётганида нималигини сўради. Абу Бакрининг қизи Умму Кулсумнинг маҳри, дейишиди. Умар ибн Хаттоб уни байтулмолга олиб боришини буюрди. Буни Талҳага хабар бериб, бу ҳақда Умар билан ўзинг ганиашиб кўр, дейишиди. У: «Бундай кила олмайман. Агар Умар ўзини бу ишда ҳақ деб билса, айтганим билан рози бўлмайди ва агар ўзини ноҳақ деб билса, албатта уни кайтариб беради», деди. Талҳа: «Тонг опач, Умар молни қайтарди ва уни Умму Кулсумга олиб борилди», деди.

Ҳикоя қилинадики, Ҳорун ар-Рашид Абул Атоҳияни ҳибсга олганида у қамоқхона деворига шундай деб шеър битди:

Аллоҳга қасамки, зулм таъна-маломатдир,  
 Ёмонлик қилгувчи золим ҳолида қолгай.  
 Қиёмат куни Дайон олдига борамиз,  
 Аллоҳ ҳузурига хусуматчилар тўплангай,  
 Тонг-ла қиёмат кунида учраисак билурсан,  
 Молик Зот ҳузурида ким золимлигин.

Буни Ҳорун ар-Рашидга айтиб берингандага ҳўнг-ҳўнг йиглади. Абул Атоҳияни олдига чакириб, унга минг динор бериб, қамоқдан озод килди.

**Учинчи қоида, ҳаммага бир хил адолатли бўлиш.** Бу ўзаро бирликка чакиради, итоат этишига унрайди, шу адолат туфайли шаҳарлар обод бўлиб, мол-мулк ва насл кўпаяди, султон тинч хотиржам ҳукм юритади. Ҳурмузон ҳазрати Умарнинг бемалол

ухлаб дам олаётганини күрганида: «Адолат қилдин; хотиржам бўлдинг ва тинч ухладинг», деган экан.

Ер юзининг хароб бўлиши ва халкнинг айнишида жабр-зулмдан кўра бузувчиrok нарса йўқ. Чунки жабр-зулмда ҳад-чегара ва ниҳояй йўқ. Токи ҳадди-аълосига етиб бормаса, унинг ҳар бир қисми учун фасоддан бир улум бор. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Охират учун йиғилган энг ёмон озиқа бандаларга адоват қилишдир», дедилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар: «Уч нарса нажот берувчи ва уч нарса ҳалок этувчиидир: нажот берувчилар ғазаб ва ризоликда одил бўлиш ҳамда маҳфий ва ошкор ҳолатда Аллоҳдан қўрқиц, бой ва факирикда одил бўлишидир. Аммо ҳалок этувчилар раҳбарнинг қизғанчилиги, эргашиладиган ҳавои ҳоҳиш ва кишининг ўзидан ужбланишидир».

Ҳикоя қилинадики, юртларида қонунлар камлигини кўриб, Искандар ҳинд допиншманларига: «Нима учун юргингизда қонунлар кам?», деб сўради. Улар: «Ўз нафсимиздан ҳакни талаб қилганимиз ва подиҳоҳларимиз бизга адолат қилгацидан», дейишиди. Яна Искандар: «Адолат ёки шиҷоатдан қай бири афзал?», деб сўрганида улар: «Агар адолатга амал қилинса, у шиҷоатдан афзалроқ», дейишиди. Донишманлардан бири: «Адолат ва инсоф туфайли бирдамлик ва лўстлик қарор тоғади», деди. Балоғат олимларидан бири: «Адолат ҳалқ учун қўйилган ва ҳақ учун барпо этилган Аллоҳнинг мезонидир. Бас, унинг мезонига карши чиқма, қароридан юз ўғирма ва адолатли бўлишта икки хислат орқали ёрдам сўра: кам тама қилиш ва кўп тақво қилиш. Агар адолат факат шу туфайли тартиб топадиган дунё коидаларидаш бири бўлса ва дунёдаги силоҳлик факат шу адолат туфайли амалга ошса, инсон ўзишдан бошламоғи ва ундан кейин бошқаларга адолат қилмоғи вожиб бўлади.

Аммо ўз нафсига адолатли бўлиш нафсни яхши ишларга унлаб, ёмон ишлардан тийин туфайли бўлади. Сўнг яна икки ишдан ўргачароги – ошириб юбориш ёки камайтиришида нафс ҳолидан вокиф бўлиш туфайли бўлади: чунки ошириб юборини нафсга жабр, камайтириш унга зулmdir. Ким ўз нафсига зулм



килса, ўзидан бошқага ҳам зулм қиласди. Ким ўзига жабр қиласа, ўзидан бошиқага ҳам жабр стказади. Донишмандлар бири деди: «Ким ўз пафсига қарамаса, (амаллари) зое кетибди».

Аммо ўзидан бошқага адолатли бўлининга келсак, инсон ҳоли бу борада уч қисемга бўлинади.

**Биринчи қисем**, сulton ўз раиятига ва бошлиқ ўз ходимлари-га қилганидек, ўзидан пастроқдаги кишига адолатли бўлишdir. Бу тарика адолат тўрт нарса билан амалга ошади. Енгил нарсага эргашиб, қийин нарсадан воз кечиш, куч билан эгалик қилишини тарқ қилиш, сийратда ҳакни хоҳлаш билан бўлади. Чунки осон нарсага эрганини давомлироқ, қийин нарсадан воз кечиш хатар-сизроқдир. Бирор устидан ҳукм юритишдан воз кечиш муҳабатга боғловчироқ ва ҳакни хоҳлаш нусратга сабаб бўлувчидир. Бу ишлар идора қилувчи бошлиқни халос этмаса, унинг фикрида фасод кўпайиб, тадбирида ихтилоф намоён бўлади.

Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Қиёмат куни Аллоҳ ўз сұлтонлигига шерик қилган бўлсаю, ҳукмда ноҳақликка йўл кўйган киши бошқалардан кўпроқ азоб тортади», дедилар. Донишмандлардан бири айтади: «Подшоҳлик куфр устида турса ҳам, лекин зулм устида узок турмайди». Адиблардан бири айтади: «Золимнинг кўшниси йўқ ва унинг ҳовли-жойи обод бўлмайди». Балоғат олимларидан бири деди: «Жуда тез амалга ошувчи нарса зулм қилувчининг кулаши ва жуда тез етиб борувчи ўқ мазлумнинг дуосидир». Донишмандлардан бири деди: «Ўзининг иззат-хурмати раъияти итоатига боғликлигини била туриб, уларни бузмоқчи бўлган подшоҳдан ажабланаман». Ардашер ибн Бобак айтади: «Агар сұлтон адолатдан юз ўгирса, раият ҳам унга итоат этишдан юз ўгиради». Айборларни жазоламай озод қилганида Анушервонга таъна қилинди. Бунга у: «Улар касаллар, бизлар эса табиблар. Агар афв килиш билан даволамасак, уларни ким даволайди?», деб жавоб берди.

**Иккинчи қисем, инсон ўзидан юкоридагиларга адолат қилиши.** Раият ўз сұлтони ва ходимлар ўз бошлиғига қилганидек. Бу уч нарса – ҳолис итоат, ёрдам бериш ва аҳлига вафо туфайли амалга ошиди. Чунки ҳолис итоат тарқоқларни бирлаштиради,



ёрдам берип заифликни кетказиб, ахдига вафо бадгумон бўлишдан сақлайди. Агар бу ишлар бир кишида бўлмаса, ҳимоясига олган киши унга ҳукмини ўтказади ва сақланиш учун бир кишига мухтоҷ бўлади. Бухтурий айтганидек:

*Қачон саҳоватли кишига муҳтожслик сезсане,*

*У ёмон ҳулқларидан бирни билан олдинига келур.*

Буниинг давом этишида умумий низом ва шомил салоҳиятнинг бузилиши бор. Абравиз (**Хурмузниңг ўғли, Форсениңг до-нишманд подшоҳларидан бири. – тарж**) айтади: «Агар ўзингдан юкоридагига итоат этсанг, ўзингдан пастдаги хам сенга итоат этади». Донишманлардан бири деди: «Зулм неъматларни кеткизиш ва ноҳақлик адоватьни юзага чиқаришга сабабдир». Донишманлардан рози бўлади. Берганде неъматига шукр қилиниш, умматга насиҳат қилиш, савоб ишни чиройли адо этиш ва шариатга амал қилиш Аллоҳнинг ҳакидир», деди.

**Учинчи қисем, инсон ўзи қаторидагиларгаadolатли бўлиши.** Бу уч нарса – кибр-ҳавони тарқ этиш, бехурматликдан четланиш ва озор етказишдан тийилишдир. Чунки кибр-ҳавони тарқ этиш дўистлашиш, бехурматликдан четланиш хайриҳоҳлик ва озор етказишдан тийилиш эса инсофли бўлишдир. Агар бу ишлар ўзи қаторидагиларга ихлос билан килинмаса, ўзаро узилиш содир бўлиб, бузиладилар ва бузадилар.

Умар ибн Абдулазиз ибн Аббос розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулулоҳ алайҳиссалом: «Сизларга энг ёмон одам кимлигини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулулоҳ», дейиниди. У зот: «Ёлғиз бир ўзи таом еса, (иложи стиб) ёрдам бермаса ва қулини қамчи билан урса», дедилар. Яна: «Бундан хам ёмонроғини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулатллоҳ», дейиниди. «Яхшилигидан умид йўқ ва ёмонлигидан тинчлик йўқ кимса», дедилар. Сўнг у зот: «Бундан хам ёмонроғини айтайми?», дедилар. «Айтинг, ё Расулатллоҳ», дедилар. У зот: «У одамларни ва одамлар хам уни ёмон кўрадиган киши», дедилар. Ривоятга кўра, Исо ибн Марям алайҳиссалом Бани Исройлга хутба қилиб айтди: «Эй Бани Исройл, жоҳиилар хузурида хик-



матни галирманглар, ҳикматга зулм қилиб қўясизлар. Лескин ҳикматни унинг ахлидан ман этманглар, уларга зулм қилиб қўя-сизлар, золим билан тенг келмаглар, улар фазлингизни кетки-зади. Эй Бани Истроил, бу ишлар учтадир, тўғрилиги аниқ бўл-ган иш, унга эргашинглар, яна бири эғрилиги аниқ бўлган иш, ундан четланинглар ва яна бири сизлар ихтилофда бўладиган иш, уни Аллоҳ таолога топширинглар». Бу сўз ҳамма ҳолатлар-да одил бўлиш одобларини ўзида жамлайди. Донишмандлардан бири: «Ҳамма билан муроса қилмайдиган акл ақли том (расо-лик) эмас», деди. Шоирлардан бири деди:

*Модомики, тириксан, ҳамма билан муроса қил,  
Чунки сен муроса қилиши ҳовлиси дасан.  
Ким билса, муроса қиласди, ким билмаса,  
Озгина ўтиб, надоматлар ила афсусланар.*

Баъзан бу табакаларга бир канча ишлар хосдир. Бу ишларда табакалар адолати меъёридан кам билан кўп орасида ўртacha йўл тутиш орқали амалга ошади. Чунки одиллик ўртacha йўл тутишдан олинган. Агар бир нарса ўртacha ҳолатидан ўтиб кетса, у адолат ҳаддидан ошганидир. Донишмандлардан бири деди: «Фа-зилатлар икки нокис нарса ўртасидаги ҳолатдир. Яхши ишлар икки ёмон нарса ўртасидадир. Ҳикмат ёмонлик билан жахолат, шижаот қўрқолик билан мардлик, иффат очкўзлик билан шах-ват заифлиги, типчлик қаҳр билан ғазаб заифлиги, рашик ҳасад билан ёмон одаг, хушфевълик хулқисизлик билан кўпоялик, та-возеъ кибр билан насткашлик, саховат исроф билан зикналик, ҳилм ғазаб билан ғазабланмаслик, муҳаббат гўзаллик билан хусни хулқ, ҳаё уятсизлик билан дудуқлик ва викор таҳкирлаш билан бефаросатлик ўртасидадир.

Агар бир нарса мўътадилликдан чикиб, номўътадил ҳолатта ўтса, ўртacha ҳолатдан ўртacha бўлмаган ҳолатга ўтганидир. Баъзи балофат олимлари айтади: «Ёмон сulton пок ва бегуноҳ ки-шиларни қўркитиб, пасткашлардан фойдаланади, ёмон шаҳар пасткашларни тўплаб, ёмонликларни мерос қолдиради. Ёмон бола ўтганиларни қоралаб, шарафни кетказади. Ёмон кўшни би-

ровларга сирни ёйиб, ўртадаги пардан йиртади». Бу ишлар көрагидан ксракмасига ўтгани учун адилікден адлесизлик ҳолатига чиққанини билдиради. Фасоднинг сабаби зиёда ва иуқсон ўртасидаги ўртачаликдан ўргача бўлмаган ҳолатга ўтишдан иборат. Шундай экан, ўргача бўлмаган нарсадан зарарлироқ нарса бўлмаганидек, ўртачаликдан кўра фойдалериқ нарса ҳам йўқ.

**Тўртинчи қоида, умумий хавф-хатар йўқлигиdir.** Шу туфайли нафслар тинчланиб, ташвишлар тарқайди, айбизз кишилар хотиржам бўлиб, у туфайли заиф унс-якинга айланади. Чунки кўркувчига роҳаг йўқ ва эҳтиёткорга хотиржамлик йўқ. Донишманлардан бири: «Омонлик завқли яшашиб,adolat кучли ланикардир», деди. Чунки хавф-хатар одамларни баҳраманд бўлиш мағфаатидан тўсиб, ўз ихтиёрига кўймайди, яшаш учун керакли нарсаларни юзага чиқариш йўллари ва жамоавий ташаббусга имкон қолдирмайди. Агар осойишталик одилликден ва жабр-зулм адолатсизликдан найдо бўлса, кўпинча жабр-зулм кишилар максадининг одиллик – инсофдан чиқувчи бўлишидан юзага келади.

Баъзан одамлар мақсадида бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келиб,adolat мезонидан чиқмаган ҳисобланади. Шунинг учун дунё тартибида одиллик ҳолатидан ошган парса туфайли юзага келган осойишталик одиллик каби қоида бўлишга етарли эмас. Агар гап шундай бўлса, хавф-хатар йўқлиги умумий бўлади. Хавф эса баъзан турланиб, баъзан ҳаммага баробар стиши керак. Унинг турланиши баъзан ўзига, баъзан ўз ахлига ёки баъзан молига нисбатан бўлиши туфайлидир. Умумийлиги жамики ҳолатларни қамраб олмоғидир. Унинг ҳар бир тури учун кўркувдан бир насиба ва хафаликдан бир улуш бор. Баъзан сабаблар ҳар хил бўлиши туфайли у турлича бўлиб, унинг жиҳати бир-биридан фарқли бўлиши билан ажralиб туради ва кўрқилган нарсада рағбат-хоҳишининг ҳар хил бўлишига қараб бўлади. Шунинг учун унинг турларидан ҳар бирининг ҳолатини кўркинч миқдори ва хафалик насибасига қараб тавсифлаш жоиз ёмас. Лйника, бир нарсадан кўрқилса, бутун дикқат-эътибор шунга қаратилиб, ундан бошқасига аҳамият берилмайди. Чунки нисон ўзига хавф фақат шу нарсадан етади, деб ундан бошқаси-



да хавф-хатар йўқлигиши нesъмат маъносида қадрламайди. Бас, у ўз касали билан овора бўлиб, ундан бошиқасини ўйламаган ғоғил кинига айланади. Эҳтимол ғоғил қолган нарсаси мубтало бўлганидан каттароқдири.

*Яралар тузалар, лек энг майдасига эътибор қилинар,*

*Агар кашта нарасалар ўтиб кетса ҳам.*

*Яъни инсон бўлиб ўтган воқеаларни унумтар,*

*Улар узув воқеалар бўлса ҳам,*

*Лек ўзига алоқадор жиҳатларга эътибор берар.*

Ҳикоя қилинишича, бир кини олдида турган аъробийга: «Тиш оғриғи қандаям ёмон!», деди. Аъробий: «Ҳар бир дард даридан оғиррок», деди. Кимга амният (омонлик) умум бўлса, тўлиқ оғиятга етишган одамга ўхшайди. У кўркувни хис этмас экан, амният-омонлик туфайли нesъмат қадрини билмайди ва мусибатга йўлиқмас экан, оғият туфайли нesъмат қадрини оғият топган кишидек англашмайди. Бир донишманд деди: «Несъмат қадрини унинг зиддига қиёслани орқали билинади». Абу Тамом Тоий буни олиб шундай деган:

*Агар ҳодисалар ёмонликлари сенга етса,*

*Унинг яхшиликлари қадридан хабар берар у.*

Шундай экан, ақли расо киши ўзига касаллик ва хавф-хатар етганида бошқа пайтдаги оғият, омонлик ва ўзига берилган нesъмат қадри касали ва унинг хатаридан оғиррок эканини эсламоги яхшироқдири. Натижада у шикоят қилмай, шукур қиласди ва сабрсизликни сабрга алмаштиради. Шундай қилса, хурсанд ва масрур бўлади. Ҳикоя қилинадики, Яқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссалом билан учрашганида: «Мендан ксийн сенга нима бўлди?», деди. Юсуф алайҳиссалом айтди: «Акаларимнинг қилган ишлари хақида сўраманг, Роббим менга килган ишлар ҳақида сўранг». Шоир айтади:

*Соғломликда касал қупларни унумтма,*

*Мулоҳазани ташлаининг оқибати пушаймонлик.*

**Бешинчи қоңда, доимий мұл-құлчилик.** Шу мұл-құлчиликни деб нафслар таскын топади, бойлар билап фақирлар ши золашмайды, одамлар орасыда хасад камайиб, бир-бирини күролмаслик бархам топади. Ана шу вактда нафслар қапоат ҳосил килиб, ўзаро ёрдам ва алоқа күнәяди. Бу нарса дунё ислохи ва унинг ахволи тартибга тушинида энг күчли сабаблар қаторига киради. Чунки мұл-құлчилик бойиш омили бўлиб, ундан омонат ва саховат пайдо бўлади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху Абу Мусо Ашъарийга шуцдай деб мактуб ёзди: «Фақат ҳасабли ёки бой кишини қозилинка тайинла. Чунки ҳасабли киши оқибатдан кўрқади ва бой киши бошқанинг молига қарамайды». Салафлардан бири деди: «Мен дунё ва охират яхшилигини тақво ва бойликда, дунё ва охират ёмонлигини фужур ва камбағалликдан кўрдим». Шонрлардан бири деди:

*Диндан кейин бойникдан яхшироқ нарса кўрмадим,  
Куфрдан кейин фақирликдан ёмонроқ нарса кўрмадим.*

Бахиллар камайиши ва уларга ёрдам бериш ҳамда сахийлар ва қўли очиқлар кўпайинши бойликка қараб бўлади. Диъбил айтганидек:

*Токи ноизлож қолиб бермайдиган бўлсанг.  
Сен бой эмассан ва замонада қучмайсан зафар.  
Қайси бир идии тўлдирганда тошмас,  
Қайси бир бахил тўқчилик вақтида бермас.*

Агар бойлик айтиб ўтилган яхшилик сабабларини юзага келтирмаса, камбағаллик туфайли яхшилик зидди хисобланган фасод сабаблар пайдо бўлади. Хулии тўқчилик ва борчилик салоҳияти барчага баробар бўлганидек, хулии шундай йўқчилик ёмонлиги ҳам барчага баробар бўлади. Агар салоҳиятни омм қилювчи нарса мавжуд бўлсаю, у нарса йўқолса, фасод ҳам барчага баробар бўлади. Шундай экан, бу салоҳлик қондалари ва истикомат сабабларидан бўлишга лойикдир.

Мұл-құлчилик икки сабабдан бўлади: қасб-кордаги барака, иккинчиси, моддий фаровонлик. Қасб-кордаги барака осойиш-



талик билан боғлиқ моддий фаровоилик туфайли вужудга келади. Моддий фаровоилик кўпинча адолат натижалари билан боғлиқ илоҳий сабаблардан келиб чикади.

**Олтинчи қоида, чексиз орзу-умидлардир.** Бу орзу-умид умр етмайдиган имкониятларни кўлига киритишга ундан, орзу-умид эгаларини хаётда иложи йўқ ишларга чорлайди. Агар орзу-умид бўлмаса, кейинти авлод олдинги авлод барно қилинган имкониятлардан фойдаланиб, янада кучли авлодга айланса олмас эди. Агар орзу-умид бўлмаса, турли даврда яшаган дунё аҳни яшаш жойлари ва экин ерларини янгидан барно этишига мажбур бўлишарди. Буниинг иложи ва имкони йўқлиги аник.

Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларига орзу-умидларни ҳамроҳ қилиб яратиб кўйди. Шу туфайли дунёни обод қилиб, камини тўлдириб борилади, дунёнинг туллаб-яшинаши кейинги замонга ҳам етиб боради. Дунё аҳволи асрдан асрга ўтиши билан ислоҳ топиб, замон ўтиши туфайли тартибли бўлишини учун иккинчи авлод олдингиси охирига етказади охирига етказади ва учинчиси иккинчиси йўл кўйган хато ва камчиликларни тузатади. Агар орзу-умидлар камайса, бир кунзик эҳтиёждан нарига ўтилмас ва ундан бошқасини ташвииш қилинмаеди. Албаттa дунё бир кишидан кейингисига хароба ҳолда ўтиб, ҳожатга ярашасини ҳам топиш имкони бўлмасди. Шундан кейин дунё бир кишидан кейингисига ўз-ўзидан янада хароб ва бузук холатда етиб борарди. Натижада ер юзида экин экилмас, куп-куруқ сахрога айланиб, унда яшаш имкони йўқоларди. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Орзу-умид умматимга Аллоҳнинг раҳматидир, агар шулар бўлмаганида, бирон ниҳол экилмасди ва биронта она боласини эмизмай кўярди», дедилар. Шоир айтади:

Нафслар ўлимдан қўрқиб турган бўлса ҳам  
 Орзу-ҳаваслар уларга бағишлар қувват.  
 Ҳаёт уларни кўпайтирса, замон олиб қўяр,  
 Нафе уларни ёйса, ўлим уларни маҳв этар.

Аммо охират ишлари билан боғлиқ орзу-умид ҳолати унинг ҳолидан гоғил бўлиш ва тайёргарлик камлигидаги энг кучли сабаб-

лардан биридир. Лабид иби Рабиъа, аъробий бўлиши билан бирга, икки ишда орзу қилувчининг ҳолатини чиройли баён қилиб деди:

*Нафсга ёлғон сўзла, агар унга гапирсанг,  
Нафс сўзига кирсанг, орзулар билан айбдор этар.  
Лек тақвода ҳеч қачон нафсга ёлғон сўзлама,  
Уни яхшилик билан қўлга олгин,  
Улуғлик Аллоҳникидир.*

Орзу-умид билан ҳою-хавас ўртасидаги фарқ орзу-умидларининг сабабларга боғланиши ва ҳою хавасининг эса сабаблардан ажралишидир. Шундай экан, бу олти коида туфайли дунё холи ислоҳ қилиниб, ундаги жамики ишлар тартибга тушади. Дунёдаги барча тартиб-коидалар мукаммал ва тўлиқ бўлса, салоҳияти ҳам мукаммал ва тўлиқ бўлади. Аммо дунё ишлари кўнгилдагидек мукаммал бўлиши ва барча салоҳияти тўлигича омм бўлиши эҳтимолдан йирок ишдир. Чунки дунёга ўзгариш ва фонийлик ҳамда тугани ва инқироз тақдир қилинган. Бир до-нишманд бир кишининг: «Аллоҳ дунёни ўзгартирди», деганини эшитиб: «Ундей бўлса, у тузалади, чунки дунё айлантириб турилади», деди. Бир шоир деди:

*Кунларинг одатидир ишлари ёмонлиги,  
Агар бири хурсанд бўлса, яна бири хафадир.  
Кунларни фақатгина ёмон деб танийман,  
Замон йўқ, бори ҳам қасос талаб қиласди, деб билдим.*

Дунё бузилиниш ва фасоди унинг тартиб-коидаларига футур стиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.



## ФАСЛ

Аммо инсон ҳолининг яхши бўлиши уч нарсадан иборат. Булар инсон ишидаги қоидалар ва ҳолининг низомидир: тўгри йўлга юрувчи ва эгри йўлдан қайтувчи нафс, у туфайли қалблар боғланади ва ёмонликларни кетказувчи бўлган умумий ҳамжи-ҳатлик ҳамда нафс таскин топувчи ва noctor ҳолатни тузатишга кифоя қилувчи етарли модда.


**Аввалги қоида** итоатга келган нафсdir. Чунки нафс итоатга келса, инсон унга ҳукмини ўтказа олади, аксинча, инсон осийлик килса, нафс унга ҳукмини ўтказади, у нафсга ҳукмини ўтказа олмайди. Ким ўз нафсига ҳукмию ўтказа олмаса, бошқа нарсага ҳам ҳукми ўтмаслиги аникроқ. Кимга нафси итоат этмаса, бошқанинг ҳам унга бўйсунишига умид йўқ. Бир донишманд: «Ақлли киши пафси итоат килмаёттанини била туриб, ўзига бошқа бирорнинг итоат этишини талаб қилмаслиги керак», деди. Бир тоир шундай дейди:

*Суъдо қалбини ўзинига мойил этишини хоҳтайсанми?*

*Калбинг сенга осийлик қилганин билга тўриб.*

Нафс итоати икки хил: бири насиҳат ва иккинчиси бўйсуниш. Аммо насиҳат ишлариниг асл моҳиятига аҳамият беришдир. Шундагина нафс тўғриликни тўғри деб уни ўзига яхши деб кабул қиласди. Эгриликни эса эгри деб уни ўзига ёмон деб билади. Агар нафс ўзининг ҳавоий истакларидан тийилса, унинг тўғри йўлга юрганини билдиради. Шунинг учун кимки фикрласа, хақиқатни кўради, дейилган. Аммо нафсга бўйсуниш буюорилса, тўғри йўлга юрмоғи, агар қайтарса, эгри йўлдан қайтмогидир. Агар нафс ҳою ҳаваслар баҳс-тортишувидан кутулса, бу нарса нафснинг қабули бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «**Ҳою ҳавасга берилган кимсалар эса (ҳақ йўлдан) бутунлай оғиб кетишини гизни истайдилар**» (Нисо сураси, 27-оят).

Нафснинг бир канча одоблари борки, бу одоблар унинг тўлиқ итоати ва унга стадиган фойдадан иборат. Мазкур китобда унга алоҳида бир бобни ажратдик ва тартиб такозосига кўра ҳозирча шу қадарини етарли деб билдик ва бу мавзуга яна кайтамиз.



**Иккинчи қоңда** жамловчы бирлашишдир. Чунки инсон ма-шакқатта нишон ва неъмат туфайли хасадга мубтало этилган. Агар ўзаро бирлашиш ва ҳамжихатлик барҳам топса, хасадгүйлар ҳад-дидан ошиб, душманларнинг ҳавои нафси унга ўз хукмини ўтка-зади. Шу сабабли ишон бирор неъматта әриша олмасди ва хотир-жам ҳаёт кечирмасди. Агар ўзаро бирлик ва ҳамжихатлик юзага келса, у туфайли душманларига қарши қувватланиб, хасадгүйлар-дан кутуларди. Натижада тонгани ўзига буюриб, хотиржам ҳаёт кесириарди. Агар замон ундан іоз ўғириб, нотинч ҳолга тушса ҳам.

Ибни Журайж Ато раҳимаҳулоҳдан, у Жобир розиялло-ху анхудан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Мўмин бир-бирига яқин бўлишидир. Дўст-биродари йўқ ва би-ров билан дўстлашмаган кишида яхшилик йўқ. Одамлар ичидা энг яхшиси одамларга кўпроқ фойдаси тегувчироғидир». Ри-воятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Аллоҳ таоло сиз-лардан уч нарсада рози бўлади ва уч нарсада рози бўлмайди. Ўзига ибодат қилиш, ширк кслтирмаслик, (тавҳид) арқонидан маҳкам тутиш ва ихтилоғға бормаслик, Аллоҳ ишларингизни топшириб қўйган кишига насиҳат қилишингиздан рози бўлади ва ҳар хил гап-сўзлар, кўп савол бериш ва молни зое кеткази-шингиздан рози бўлмайди». Буларнинг ҳаммаси Пайғамбари-миз алайхиссалом томонидан ўзаро бирлашув ва жинслапувни рўёбга чиқаришга ундовдир. Араблар кимки кам ва тарқоқ бўл-са, бировга тобе бўлади, деган. Қайс ибн Осим айтди:

*Қадаҳлар жамланса, бир кучли киши  
Газабнок ҳолда синдириши учун отса,  
Қадаҳлар бирлашиб, асло синмагай.  
Қадаҳларни ҳар томонга сочиб ташланса,  
Заифлик ва синдирилиши тарқоқлар учундир.*

Агар айтиб ўтилганлардан бирлик ҳосил бўлса, жипслик ва ҳамжихатлик пайдо бўлиб, у бировга тобе бўлишга йўл қўймай-ди. Эндиғи ҳолат шу бирлик сабабларини айтиб ўтишни тақозо этади. Бир-бири билан бирлашиш ва ҳамжихат бўлиш сабабла-ри асосан беш хил, яъни дин, насаб, кудачилик, ўзаро меҳр-му-хаббат ва яхшилиkdir.



**Аммо дин** бирлашув сабаблари ичиде биринчисидир. Чунки дин кишиларни бир-бирига ёрдам беришга чақириб, таркоклар ва узоклашишдан қайтаради. Расууллоҳ алайхиссалом саҳобаларга бир-бири билан яқин биродар бўлишни васият қилдилар. Суфён Зухрийдан, у Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз: «Бир-бирингиздан узоклашимнглар ва бир-бирингиздан юз ўтириб кетманглар. Бир-бирингизга ҳасад кимманглар, эй Аллоҳнинг бандалари, дўст-биродар бўлинглар. Мусулмон киши ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб юриши ҳалол эмас», ледилар.

Шундай экан, дин бундай яқин бўлишни талаб этса, у жоҳилият сарқити ва залолат кек-адоватини эслатиб, огоҳлантириш маъносидадир. Расууллоҳ алайхиссалом пайғамбар қилиб юборилганда араблар бир-бирига душман ва адоватда яшаб, ихтилоф ва низодан тўхташмасди. Ҳатто ота-бобоси бир авлод гурухларга ажраб, бўлиниш иатижасида эски адovat ва хусуматдан боши чикмасди. Ислом дини келганда ансорлар ўзаро адovат ва хусуматда бўлишган.

Айникса, Авс ва Хазраж қабилалари ислом келганидан кейин адovат ва хусуматдан тийилиб, бир-биридан ажралмас ака-ука ва биродарга айландилар. Динда буюрилганидек, бир-биринни ёрдам бериб кўлладиган бўлишди. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб кўйди-ю, сизлар унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз**» (Оли-Имрон сураси, 103-оят).

Яъни жоҳилият даврида адovатда яшаётганингизда ислом дини келиб, қалбларингизни бир-бирига боғлади. Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта имон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни** (барқарор) **қилур**» (Марям сураси, 96-оят). Яъни яхши кўришни. Диний бирликка зид равища дин аҳли бир-бири билан ихтилофга борса, динда ҳам адovат юзага келади. Чунки инсон ўзига яхшилик қилиб, меҳр-мухаббат кўрсатган кишидан динни деб бегоналashiшига тўғри келади.

Бунга мисол Абу Убайда ибн Жарроҳдир. У юксак фазилат отаси ва исломнинг машҳур сиймоларидан биридир. У Аллоҳ таолога ва Расулига итоат ўёлидан борди, аммо отаси залолат ва түгёнда қолди. Ота-бала бир-бирига ёт-бегонага айланди. Бадр куни у отасини қатл этиб, бошини Расулуллоҳ алайхиссалом ҳузурларига олиб келди. Отасига раҳми келмади ва бундан уни раҳм-шафқат ҳам тўхтата олмади. Ҳолбуки, отасининг яхши кўрган ўғиллардан бири бўлишига қарамай, у ўз насл-насабидан динни афзал билди, Аллоҳ таолога итоат қилини отага итоат кишидан уступлик килди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло оят нозил қилди: «**Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиккан кималар билан – гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оға-инилари ёки қариндош-уруглари бўлсалар-да – дўстлашаётганларини тоимассиз**» (Мужодала сураси, 22-оят).

Баъзан турли мазҳаб ва карашлар такозосига кўра, дин ахли кам ихтилофга боради. Худди динларни деб ихтилофга борувчи зар ўртасида пайдо бўлганидек, мазҳабни ёки қараниларни деб ихтилофга борувчилар ўртасида душманлик ва тафовут юзага келади. Бунинг сабаби шуки, дин ва ягона келишувга кўра, бир-бири билан бирлашиш сабаблар ичida энг кучлиси бўлгани каби, индаги ихтилофлар ҳам тафрика сабаблари ичida энг кучлиси деб қаралади. Агар бошқа-бошқа дин ахли ва бир-бирига зид мазҳаблар ўзаро иттифок бўлишса, биронта фирмә ва тоифанинг кўли баланд келиб, адади кўпайиб кетмасди. Шу боис улар ўртасидаги адоват ва кек-хусумат тобора катталашиб боради. Чунки адоват ихтилофига, бир-бирига тенглик оқибатида юзага келган ҳасад ва турли карашларнинг ўзаро рақобатлашуви қўшилади.

**Аммо насаб** бирлашиш сабаблари ичida иккинчисидир. Ўниги қариндошлик муносабати ва қариндош-уругчилик туйғуси бир-бирига ёрдам бериш ва ўзаро бирлашишга ундан, ёрдам бермаслик ва узоқлашиб кетишдан қайтаради. Бунда бегоналар якин қариндошига хукмини ўтказмаслиги ва зўравонлигидан сақланишига эътибор берилади. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Агар қариндошлик мустахкам бўлса, бир-би-



рига меҳрибон бўлади». Шунинг учун араблар ўз наслабарини каттик химоя қилиб, зўрлигини билдириш шиятидаги зўравонга каршилик кўрсатиш ва ундан сакланиш учун бирланиб, бир-бирларига ёрдам берарди. Ҳагто наслаб боғлаган ришта туфайли кучли душманга қарни туришга эришилиб, турли тазийкларнинг олдини олинарди.

Аллоҳининг пайғамбари Йут алайҳиссалом кийналиб турганида кўллайдиган якини йўклигидан ўзини айборд ва ночор ҳис этди. Кавмига юборилган элчиларга қарато: «Қашн эди, сизлар туфайли кувватлансам ёки кучли суюнчиғим бўлса», дедилар. Яъни ёрдам берадиган қариндошлиари бўлишини истади. Абу Салама Абу Хурайрадан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Аллоҳ Лутга раҳм қилсин, ўзига кучли суюнчикни хоҳлаган эди», дедилар. Яъни Аллоҳ азза ва жаллани. Цайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар: «Аллоҳ таоло ундан кейин бирон-бир пайғамбарни юборса, фақатгина ўз кавмидаги сарват (бақувват; бой) ичиди юборди». Ваҳб дели: «Элчилар Лутнинг олдига қайтиб: «Сенинг суюнчиғинг албатта кучли ва бақувват», дедилар тасалли бериб».

Ривоятта кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бирон кишипинг ўзини ёлғиз колдирмас, дарҳол уни биронта қабилага кўшиб кўярдилар. Шундан кейин у шу қабилага араланшиб кетарди. Раййоший айтади: «Ёлғиз (муфраж) легани бирон қабилага мансуб бўлмаган кишидир». Буларнинг ҳаммаси Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонидан бирлашишга ундаш ва бўлининидаи қайтаришдир. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ким бир қавмга қўшилиб, уларнинг сонини кўпайтирса, у шулардандир». Насаб унс-улфат бўлинини юзага келтиришда шундай мақомга эга экан, унга монелик қилувчи тўсиклар ва узоклаштирувчи бўлининшлар ҳам мавжуд.

Насаблар асосан уч қисмдан иборат: бири ота-оналар, иккинчиси фарзандлар ва учинчиси наслабдошлар. Ҳар бир қисмининг яхшилик ва силлаи раҳмда ўз ўрни ва тўсатдан пайдо бўладиган бир ҳалақит берувчиси бор. Бас, бу тўсик ва ҳалақит бсрувчи ота-онага итоат қилмасликни ва бир-биридан узоклашнини юзага келтиради.

Аммо ота-онага келсак, улар оталар ва оналар, боболар ва момолардан иборат. Улар аҳволлари саломат бўлишига кўра икки хулқ билан сифатланадилар: бири табиати, иккинчиси одат-кўнишка туфайли хосил бўлувчилик. Аммо табиатида мавжуд бўлувчига келсак, у эҳтиёткорлик ва хавф-хатардир. Бу хусусият ота табиатидан осонликча кетмайди. Ривоятга кўра, Пайгамбаримиз алайҳиссалом: «Ҳар бир нарсанинг самараси бор, калбнинг самараси фарзанддир», делилар. Яна ривоят килинади: «Фарзанд баҳил, жоҳил, қўрқок ва хафа бўлишига сабабдир», деб фарзандга эҳтиёт бўлишдан юқорида айтилган сифат ва хулклар пайдо бўлишини хабар бердилар. Баъзилар шу нарсани ёқтирмағанидан фарзанд кўришни истамайди. Чунки ўзидан бу холатни кетказишга кодир эмас, бу туйғу инсон табиатидан осонликча кетмайди ва бу туйғуни табиий деб қараш керак. Яхё ибн Закариё алайҳиссаломга: «Сенга нима бўлди, фарзандингни ёмон кўрасан», дейилди. У: «Менга нима фойда, унга нима фойда? Агар ҳаёт бўлса, уни деб кийналаман, агар вафот этса, ғам-қайгуга ботаман», дели. Исо алайҳиссаломдан уйланмайсизми, деб сўрайланганда: «Дорул бакодаги кўлпайиш менга яхшироқдир», делилар.

Аммо одат-кўнишка туфайли юзага келадиган холат ўзаро меҳр-муҳаббатдир. Чунки вакт ўтиб боргали сарі холатлар ўзгаришига қараб меҳр-муҳаббат хам ўзгаради. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Фарзанд жондай шириндир», делилар. Яъни болани яхши кўрини калб ишидир. Агар ота фарзандини хушламаса, уни ёмон кўради деб ўйламаслик керак. Балки ўжарлик ёки бирон камчиликдан пайдо бўлган локайдлик унга сабаб бўлиши мумкин, ҳазар ва меҳрибонлик эса ота калбини ҳеч қачон тарқ этмайди. Чунки бу туйғу ота қалбидан узијлайди ва ажралмайди. Мухаммад ибн Али розияллоҳу анху айтади: «Аллоҳ таоло ўз ризосини оталар ризоси билан боғлаб, болаларнинг фитна бўлишидан огоҳлантириди, оталарга фарзанд тўғрисида насиҳат қилмади, аммо ўз ризосини фарзандлар ризоси билан боғламади ва оталарга итоат этиш лозимлигини буюрди. Фарзандлар ичida энг ёмони камчилик ва айблари отасига оқ бўлишта олиб келганидир, энг ёмон ота фарзандини тал-



тайтириб вояга стказганидир».

Фарзандни дунёга келтириб, унинг тарбиясини деб қийналши сабабли оналар болаларига ниҳоятда меҳрибон ва ҳаддан зиёд яхши кўрадилар. Шу боис оналар қалби фарзандга бениҳоя юмшоқ ва меҳри зиёда бўлади. Мана шу хизматларини деб мукофот ва хақларини адо этиш маъносидага оналарга кўпроқ меҳрмуҳаббат кўрсатиш буюрилди. Аллоҳ таоло яхшилик қилишда ота-онани тенг ва баробар кўришини ҳамда ҳар иккисига ҳам бир хил яхшилик қилинни каттиқ тайинлади. Аллоҳ таоло айтади: «**Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрди**» (Анкабут сураси, 8-оят). Ривоят қилинадики, бир киши Пайғамбаримиз алайҳиссалом олдиларига келиб: «Менинг онам бор, унинг уловиман, орқамга ўтқазиб, кўтариб юраман, нима иш буюрса, юзимни ўғирмайман, топган молимдан бераман, унинг ҳакими адо эта олдимми?», деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Йўқ, ҳатто бир уҳ тортичалик ҳакими ҳам адо этмадинг», дедилар. У нима учун, деб сўради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Чунки она хизматингни қилганида ўлимнинг хоҳламасди, сен эса унга хизмат қилганда ўлимни хоҳлайсан», дедилар. Ҳасан Басрий: «Отанинг ҳаки улутроқдир ва онага яхшилик қилиш лозимроқдир», деди. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Сизларни оналарингизга оқ бўлиш, қизларни тириклай кўмиш ва арзимас нарсани кизғаниб, бермасликдан қайтараман», дедилар. Холид ибн Маъдан Микдоддан келтирган ривоятга Расулуллоҳ алайҳиссаломдан шундай деб эшиитдим, деди: «Аллоҳ таоло оналарингизга, яна оналарингизга, яна оналарингизга ва ундан кейин оталарингизга яхшилик қилишга, ундан кейин қариндошларга ва ундан кейин бошқа якинларга яхшилик қилишга буюрди».

**Аммо фарзандлар** фарзандлар ва фарзандларнинг болалардир. Араблар фарзанд боласини сафва-исвара деб атайди. Улар ахволлари тўғри бўлиш шарти билан иккиси хулқ билан хосланади: бири лозим хулқ ва иккичиси ўзгарувчи хулқ. Аммо лозим хулқ оталар ҳакими адо этмаслик ва лоқайдликдан келиб чиқадиган такаббурликдир. Фарзандлардаги такаббурлик эса оталардаги меҳрибонлик мукобилида туради. Абу Тамом Тоий буни шеърида мулоҳаза қилиб деди:



*Тонгни оттиридим, замон менга фарзандни улуглаш  
Ва отанинг меҳрибонлиги билан йўлиққан ҳолда.*

Аммо кўчиб ўтувчи хулқ эркалик маъносида бўлиб, бола ҳолининг дастлабки даврига тўғри келади. Болалардаги эркалик оталардаги муҳаббат муқобилида юзага келади. Чунки оталардаги муҳаббат хосроқдир, болалардаги эркалик ҳожатта яқинроқдир. Ривоятга кўра, Умар розияллоху анху: «Ё Расулуллоҳ, бизга нима бўлди, болаларимизга меҳрибонмиз, лекин улар бизга меҳрибон эмас?», деди. У зот: «Чунки биз уларни дунёга келтирдик, улар бизни дунёга келтирмади», дедилар.

Болаларни эркалаш баъзан улғайишлари билан икки ишдан бирига кўчиб ўтади: яхшилик ва ҳурмат-эҳтиром ёки жафо ва итоат қиласлик. Агар бола тўғри вояга стса, ота яхши ва меҳрибон бўлса, эркалаш яхшилик ва ҳурмат-эътиборга айланади. Зухрий Омир ибн Шароҳилдан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жарир ибн Абдуллоҳга: «Ога ғазабланганда боланинг қўркиши ҳамда очлик ва кийинчиликда ўзидан отасини устун қўйиши фарзанддаги ҳакидир». Чунки берувчи силай раҳм килувчи эмас. Балки силай раҳм килувчи узилган қариндошлиқ рипитасини қайтадан боғлаган кишиидир».

Агар бола эгри бўлиб, ота қўпол бўлса, эркалаш узилиш ва ўжарликка айланади. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ўзига яхшилик қилишда боласига ёрдам берган кипига Аллоҳ раҳм килсии», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга фарзанд қўрганини ҳабар берилганда: «Фарзанд бир райхонки, мен уни хиддайман. У яқинда менга яхшилик қилувчи фарзанд ёки зарарли душманга айланади», деди. «Мансур ул-ҳикам»да айтилди: «Итоатсиз фарзанд фарзанди бўла туриб, ундан айрилишдир». Бир донишманд леди: «Ўғлинг етти ёшга дастёринг ва яна етти ёш қўшилганда вазиринг; кейин эса дўстинг ёки душманингдир».

**Аммо яқинлар** ота-оналар ва фарзандлардан ташқари бирлашиш ёки қардошлиқ туфайли бир-бирига туташадиган кишилардир. Улар ёрдам беришга ундейдиган ҳамият ҳис-туйғуси билан кўзга ташланиб туради. Бу ғурур мартабасининг энг паст дара-



жасидир. Чунки ғуур букилишдан ҳам, бўшашишдан ҳам тўсади. Ҳамият ҳис-туйғуси эса букилишдан қайтаради, локайдликни ёмон кўришда ҳамиятга ҳеч қандай насиба йўқ, факатгина мағрурликка олиб борадиган сабаб бўладиган нарса билан қўшилсагина насиба бор. Қардошлик туйғуси нотанин ва бегоналарга қарши ёрдам беринга ундайди. Бундай ҳамият яқинлар ва ўзидан пастдагилар ҳасадига дучор этувчи ва дўстнинг дўст билан ўзаро мусобака қилининга сабаб бўлади. Агар қон-қардошлик туйғуси ўзаро алоқа ва меҳр-муҳаббат кўрсатиш туфайли ҳимоя қилинса, унинг сабаблари пайдо бўлиб, наасаб туйғуси меҳр-муҳаббат билан туташади. Бу бирлашиш сабаблари ичидаги ёнг ишончлисизидир.

Бир қурайшликка сенга қайси бири яхнироқ, ака-уқангми ё дўстини; дейилганида ака-уқам яхнироқ, агар улар дўстим бўлсалар, леди. Маслама ибн Абдулмалик: «Яшаш уч нарсадан иборат: кенг уй-жой, кўп хизматчи, оилада тотувлик», деди. Бир дошишманд деди: «Узок одам меҳр-муҳаббат туфайли якинга айланса, якин одам адоват туфайли узоклашади». Агар яқинлар ўртасидаги ўзаро муносабат яқинлик бирлигига ишонни ва қариндошлик туйғусига суюниш туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бу туйғу устидан ҳасад нафрлати ва ўзаро рақобат низоси устун келади. Натижада муносабат адоватга ва яқинлик узоклашишга айланади. Ал-Киндий ўз рисолаларидан бирида: «Ота тарбиячи, фарзанд дард-алам, ака-уқа тузок, амаки ғам, тоға бало ва қариндошилар чаёндир», леди. Абдуллоҳ ибн Мұтаз айтади:

Уларнинг этлари менинг этимдир, улар уни ейдилар.

Кишининг баҳтсизликларига сабаб фақат унинг яқинларидир.

Шунинг учун Аллоҳ таоло силаи раҳмга буюриб, силаи раҳм қилувчи кишини мактади. Аллоҳ таоло айтди: **«Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни** (яъни қариндош-урұғлар билан алоқани) **боғлайдилар. Парвардигорларидан қўрқадилар ва оғир хисоб-китобга дучор бўлишдан қўрқиб доим чиройли амаллар килишга интиладилар»** (Раъд сураси, 21-оят). Муфассирлар: «Бу Аллоҳ таоло буюрган силаи раҳмдир ва уни узишда Роббиларидан ва уни деб ёмон хисоб-китоб бўйича ғориб келишади».

лишдан күрқадилар», деганлар. Абдурахмон иби Авф ривоятида Расулллоҳ алайхиссалом: «Аллоҳ азза ва жалла айтади: Мен Раҳмонман, у силаи раҳмдир, унинг исемини исимидан чи-кардим. Ким уни боғласа, у билан боғланаман ва ким уни узса, мен ҳам уйдан узиламан», дедилар. Ривоятта кўра, Расулллоҳ алайхиссалом: «Силаи раҳм сон кўпайиши, мол-дунё бехисоб бўлиши, оиласа мөхр-мухаббат ва келажакда савобга эришишга сабабдир», дедилар. Дошишмандлардан бири дедилар: «Қариндошларингиз ҳақини адо этинглар ва қўполлик қилиб, бетоналашманилар». Баъзи балогат олимлари айтади: «Қариндошлик риштасини боғланілар, чунки силаи раҳмни деб усул (ота-бобо) ларингиз тўзиб-йўқолмайди ва фурӯъ (авлод) ларингиз ранжи-тилмайди». Адиблардан бири деди: «Ким ўз оиласи билан инок бўлмаса, сени билан ҳам яхши эмас ва ким оиласини химоя қилмаса, сени ҳам химоя қилувчи эмас». Фусаҳолардан бири айтади: «Ким қариндошлик риштасини боғласа, силаи раҳм қилса, Аллоҳ таоло у билан боғланади ва унга раҳм қилади. Кимки бир кўшиисига ёрдам берса, Аллоҳ унга ёрдам беради ва уни химоя килади». Муҳаммад иби Абдуллоҳ ал-Яздий айтади:

*Хорлик, ёмонлик ва настканиликни деб  
Қариндошлар орасига сувукчилик тушар.  
Лекин мен кечираман ва гуноҳларини унутаман,  
Бир кун менга яхшиликлари қайтишини деб.  
Икки банди бир ҳукмда тенг бўлмас исло:  
Бири боғловчи ва бири қариндошликни узувчиидир.*

**АММО ҚУДАЧИЛИК** бирлашиш сабабларидан учинчисидир. Чунки у ўзаро алоқани янгилашиб, бошқадан муносабатта киришишни таъминлайди. Бу икки томоннинг хоҳиш-истаги ва ихтиёридан найдо бўлиб, тажриба ва танланидан ҳосил бўлади. Бас, қудачилиқда бирлашиш сабаблари ва ўзаро ёрдам бериш асослари мавжуд. Аллоҳ таоло айтади: «**Унинг оятларидан (яна бири)**»- У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўргаларингизда оинолик ва мөхр-мухаббат пайдо қилишидир» (Рум сураси, 21-оят).



Яъни «мавадда» деганда меҳр-муҳаббат, раҳмат деганда меҳр-шафқат назарда тутилган. Бу иккиси бирлашиш сабаблари ичидаги энг ишончлисиadir. Бу хусусда яна бошка таъвил ҳам бор. Ҳасан Басрий розияллоҳу анху айтади: «Мавадда никоҳдир, раҳмат фарзанддир». Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ сизлар учуп ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларини издан сизлар учун болалар, набиралар пайдо бўлди**» (Наҳл сураси, 72-оят). Муфассирлар «ҳафада» хусусида ихтилофга боришиди. Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: «Қиз тарафдан бўлган кишининг фарзандлариидир». Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо айтади: «Улар бир кишининг болалари ва боласининг болалариидир». Япа бир ривоятда бир кишининг хотини бошка кишидан дунёга келган болаларини ўзи билан олиб келишиидир, дейилган ва хизматни чакқон ва илдам бажаргани учун уларни ҳафада деб номладилар. Дуои қунутда шундай сўз бор: «Илайка насья ва нахфиду, яъни сенга тоат этиш билан амал қилишга шонилализ». Араблар ҳатто адоватли кишини ва душманни яқин дўстга айлантириш учун бегоналар билан куда бўлишган. Баъзан икки киши ўртасидаги қудачилик икки қабиланинг яқинлиги ва икки оиланинг борди-келдисига сабаб бўлади. Ҳолид ибн Язид ибн Муовиядан ҳикоя қилинади:»Мен Бани Зубайр қавмини ёмон кўрадим, аммо бу уруғдан «Рамла» деган аёлга уйланиб, уларни яхши кўрадиган бўлиб қолдим». Шу ҳақда айтилади:

Бани Аввомни ҳизини деб яхши кўраман,  
 Қизини деб тогалари Калбни ҳам шундай.  
 Агар аёллар мусулмон бўлса, биз ҳам мусулмон,  
 Агар насроний бўлса, бизлар ҳам насроний,  
 Кўз олдиларида кишилар сулб (уругдош) деб ёзib қўйилар.

Шунинг учун аёлга мойиллик, бир-бирига мувофиқлик туфайли юзага келган меҳр-муҳаббат ва ўзига ром этиш сабабли киши ўз хотини динидадир, дейилган. Бас, шу оркали бир-бирига муҳолифлик ва бир-биридан узоқлашиш ўз-ўзидан барҳам топади. Агар қудачиликнинг бу каби муносабатига никоҳ сабаб бўлса, у бени сабабдан бири бўлиши лозим: мол, ҳусни-жамол,



дин, яқинлик ва тааффуф (шаҳватдан тийилиш) дир. Саид ибн Абу Саид Абу Ҳурайрадан келтирган ривоятда Пайғамбаримиз алайхиссалом:»Тўрт нарсани деб аёлни никоҳлаб олинади: моли, хусни-жамоли, мартабаси ва дини. Сен диндорини танлагин, қўлинг яхшилик кўрмагур».

Агар никоҳ факат молни деб бўлса ва у сабаблар ичида энг кучлисига айланса, бу ҳолда никоҳланувчи ўзига молни никоҳлаб олгандек таассурот колдиради. Агар бирлашишга олиб борувчи сабаблардан биронтаси туфайли аёлга уйланса, никоҳ сақланиб туради ва ундан ажралмайди. Агар бу сабаблардан биронтаси мавжуд бўлмаса ва унга футур етказилса, никоҳ бузилиб, бирдамлик барҳам топади. Айниска, мол-дунёни деб тамаъ ғолиб келса, меҳр-вафо камаяди. Чунки молга эришилгандан кейин вафони йўқотади, мол никоҳга васила қилинса, баъзан шу мол туфайли яқинлик ҳам йўқолади. Кимки бир нарсани деб яхши кўрса, шу нарса тугаган заҳоти сендан юз ўғиради, дейилган. Агар молга эришишни хоҳлаб, унга қодир бўлмаса, бу нарса қаттик хоҳин-истакдан кейин ноумидлик нафратини юзага келтиради. Натижада тамаъ кучайгандан кейин ноумидлик адовати пайдо бўлиб, алоқа ажралишга ва яқинлик адоватга айланади. Кимки бир нарсани хоҳлаб сени яхши кўрса, агар уни сендан топмаса, дарҳол ёмон кўради, дейилган. Абдулҳамид айтади: «Кимки бойлигинг кўплигида сени иззатхурмат қиласа, молинг камайганида камситишга ўтади».

Агар аёлнинг хусни-жамолини деб никоҳланса, бундай никоҳ молни деб бўлганидан узокроқ давом этади. Чунки хусн-жамол узокқа борадиган сифат ва мол кетувчи сифатdir. Шунинг учун хушсуратлик баҳтнинг аввалидир, дейилган. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Аёлларнинг чиройлилари ва маҳрлари озида барака бор», деганлар. Агар бу ҳолат малолга олиб борувчи эркалашдан халос бўлса, яқинлик давом этиб, қариндошлиқ алоқаси мустаҳкам бўлади. Аммо ортиқча хусни-жамолини деб пайдо бўладига эркаликини яхши дейилмаган. Кимни эркалаш хурсанд қиласа, уни хорлик тутади, дейилган. Ё рағбат мاشаққати ва низолапиш балосидан кўрққани

учун ёмон күрилгап. Ҳикоя қилинишича, бир киши донишманд олдига бориб, уйланиш хақида маслаҳат сўради. Донишманд: «Агар уйлансанг; жуда чиройлисига уйланма. Чунки у кўркам ўтлоқдир», деб маслаҳат берди. У киши бу қандай бўлади, деди. У олдингишлар айтганидек:

*Ҳеч қачон кўркам ўтлоққа рўбарў келма,  
Агар рўбарў келсанг, унда ўтловчилар изи бор, – деди.*

Шунингдек, ақлли киши ёмонликдан каттиқ кўрқиб, фаросатли киши фитиадан сақланиш учун хусн жамолни хуш кўрмайди. Донишмандлардан бири деди: «Лёлларга аралашишдан саклан. Чунки аёлнинг нигоҳи ўқ, сўзи заҳардир». Бир донишманд аёл билан танишнаётган овчини кўриб: «Эй овчи, овланиб қолма», деди. Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом ўғлига: «Шернинг орқасидан юрсанг ҳам, аёл ортидан юрма», деди. Умар ибн Хаттоб розиялоҳу аниҳу бир аёлнинг мана бу байтни айтгаётганини эшилди:

*Лёллар раҳёндир, сизлар учун экиб қўйилган.  
Ҳаммангиз шу раҳёнларни ҳидлашини хоҳлайсиз.*

Умар ибн Хаттоб деди:

*Лёллар шайтондир, биз учун экиб қўйилган,  
Аллоҳдан шайтонлар ёмонлигидан паноҳ сўраймиз.*

Агар никоҳланиш динни деб бўлса, дин ҳар жиҳатдан битимлар ичида энг ишончлисиadir, бирланиш, ибтидо ва оқибат жиҳатидан бардавомлисиadir. Чунки динини деб бир аёлга уйланишини истаган киши дин йўлини тутиши аник. Кимки динга эргашса, унга бўйсунади, шу динга риоя қилиб яшайди ва адашинидан сакланади. Шунинг учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Диндорини олгин, кўлинг яхшилик кўрмагур!», дедилар. Бу ҳадисда икки хил таъвил бор: бири қўлинг яхшилик кўрмасин, агар диндорини олмасан: Иккинчиси, бу муболаға учун айтилиб, бирон ёмонликни ирода қилинмайди. Одамларнинг Аллоҳ уни олсин, у қандаям шижоатли, деганига ўҳшайди.

Агар никоҳдан яқин қариндош бўлини кўзда тутилса, буниси икки сабабга кўра амалга ошади: ё кўпайиш, яъни бола-чака орт-

тирии ва икки томон бир-бирига ёрдам берин туфайли күллаб-қувватлаш, ё кучли душман билан яқын алоқа үрнатиш. Бундай никоҳда адоватдан сақтаниш ва душманлар ғазабини кеткизиш мавжуд. Бу иккиси баъзан нуфузли ва бой кишилар орасида бўлиши мумкин. Биринчи сабабга боис бўлган нарса рағбатдир. Иккинчи сабабга боис бўлган нарса эса раҳбатдир. Бу иккиси икки тараф ҳоҳин-иродасидан ташқари амалга ошган никоҳдир. Агар сабаб давом этса, яқинлик ҳам давом этади, рағбат ва раҳбат кетиши туфайли сабаб йўқолса, яқинлик ҳам барҳам топиш хавфи пайдо бўлади. Лекин яқинликка ундаидиган ва яқин бўлишга бирон сабаб кўшилса, бирдамлик зойил бўлмайди.

Агар нафсини шахватдан тийинига қаратилган бўлса, бу никоҳдан исталган ва кўзда тутилган ҳақиқий сабаб юзага келади. Бундан бошқа битимлар никоҳга билвосита алокаси бўлиб, унга кўшимча сабаблардир. Ривоят қилинадики: «**Эй инсонлар, сизларни бир жондан (одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган Парвардигорингиздан қўрқингиз**» (Нисо сураси, 1-оят) ояти нозил бўлигач, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Эркак тупроқдан яратилди, дикқат-эътибори тупроқдадир. Аёл эркакдан яратилди ва дикқат-эътибори эркакдадир», дедилар. Ибн Бишр Уккоф ибн Рифоя Ҳилолийдан ривоят килинишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Эй Уккоф, хотининг борми?», дедилар. У йўқ, деди. Пайғамбаримиз: «У холда сен шайтонлар биродарисан, агар насронийлар роҳиби бўлсанг, уларга қўшил. Агар биздан бўлсанг, уйланиб ол», дедилар. Пайғамбаримизнинг бу сўzlари ёмонликдан тийилишга унда, фарзандларни кўнайтиришга даъватдир. Шу маънога кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ғазотдан қайтаётганиларга: «Агар аёлларингизга яқинлик қилсангиз, бас, чиройли ниятда бўлинг», дедилар. Яъни фарзанд талабида бўлиш. Шундай вақтда нафси тийиш никоҳдаги ихтиёрни тўғрилаш ва унда бардавом бўлиш сабабларини излаш лозим. У икки турдан иборат: бир тури никоҳ шартларини қамраб олиш мумкин бўлади. Иккинчи турида сабаблар хар хиллиги ва шартлари ўзгариб туриши туфайли мумкин бўлмайди.



## Аммо қамраб олинган шартларда учта шарт бор.

**Биринчиси**, сакланишга олиб борувчи дин ҳамда каноат ва нафсиин тийишга олиб борувчи иффат. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху айтади: «Мўмин киши ўз аёлига лоқайд бўлмайди. Агар унга бир хулқи ёқмаса, бошқа хулқидан рози бўлади». Бир киши Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо ўз қарамогига олган етим кизнинг қўлини сўраб келди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо беришга рози эмаслигини айтди. Келган киши нега рози эмассан, хонадоциингда улгайган бўлса, деди. Абдуллоҳ ибн Аббос: «Меникида юриб, қиз обрў-эътиборли бўлди», деди. У киши тушунмадим, дегандек қизни менсимади. Абдуллоҳ ибн Аббос: «Уни сенга беришга рози эмасман», деди. Айрим уламоларнинг сўзи шу маънода айтилган: «Кимки хайри йўқ кимсанинг сухбатига рози бўлса, хайри бор кимса унинг сухбатига рози бўлмайди».

**Иккинчиси**, чиройли тақдирлашга ундовчи акл ва тўғри тадбирга буюриш. Ривоятга кўра, Пайгамбаримиз алайхиссалом: «Акл дўст тутувчи ва дўст тутиловчи жойдалир», дедилар. Яна ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Мехрибон ва серфарзанд аёлга уйланинглар, ахмоқларига уйланмалар. Чунки уларнинг сухбати бало ва фарзандлари вафо қилмайди».

**Учишчиси**, никоҳланувчилар ор-номус қилмайдиган даражада бир-бирига тенг ва фарзандли бўлишлариdir. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Бир томчи нутфангиз учун (яхшишини) танланглар ва уни факатгина тенгини топиб қўйинглар», дедилар. Ривоят қилинадики, Аксам ибн Сайфий фарзандига: «Эй ўғлим, аёлларнинг ҳусни-жамоли сизларни пасаб улуғлигидан адаштирмасин. Чунки покиза ва тоза никоҳ шараф учун йўлдир», деди. Абу Асвад Дувалий болаларига: «Сизларга ёшлигингизда ҳам, катта бўлганингизда ҳам, ҳатто туғилмасингиздан олдин ҳам бир яхшилик қилдим», деди. Болалари хайрон бўлиб туғилмасимиздан олдин қандай яхшилик килдингиз, дейишиди. Отаси: «Уни деб сизларни ҳеч ким сўкмайдиган онани ташладим», деди. Райлоший шу ҳақда шеър битган:

*Сизларга қилган илк яхшилигим ташловимдир.*

*Иффати зоҳир ва томирлари удуз аёлни.*

Баъзан яхшилик узоклиги ва рушд камлиги учун сакланниш лозим бўлган лаззат сифатлари ва нафс ҳолатлари бу шартларга кўшилади. Чунки яширин хулклар суратлар ва шаклларда аник намоён бўлувчидир. Бир ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайд ибн Ҳорисага: «Эй Зайд, уйландингми?» дедилар. У уйланмаганини айтди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Агар уйланмоқчи бўлсані; иффатинин топиб уйлангин, аммо беш тоифа аёлга уйланма», дедилар. Зайд: «Ё Расулалиюх, улар қайсилар?» деб сўради. У зот: «Шахбара, лаҳбара, қаҳбара, ҳайзара ва лафутага уйланма», дедилар. Зайд: «Ё Расууллоҳ, улар қандай аёллар?» деди. Расууллоҳ алайҳиссалом: «Шахбара – кўзи кўк, кўнол сўзли, лаҳбара – узун бўйли, орик, нахбара – акл ўргатувчи, ёни кагта аёл, ҳайзара – семиз, калта бўйли ва лафута – сендан бошқадан боласи бор аёл», дедилар. Бани сулаймлик бир шайх ўғлига: «Эй ўғлим, молига эга бўлиш учун эришинг ўлишини кутиб юрувчи, шашлақи ва бадковоқ аёллардан эҳтиёт бўл», деди. Баъзи араблар уйланнишда ўғилларига: «Ҳапнана, маннана ва аннаналардан сакланинглар. Ҳапнана – олдинги эрини кўп кўмсайдиган, маннана – ўзидағи бор нарсани пеш қилиб, эрига кўп миннат килювчи ва аннана – эрига ялқовлик туфайли касаликни баҳона қилиб кўп минғиллайдиган аёл», деб васият қилибди. Авфо ибн Дулхум айтди: «Тўрт тоифа аёл бор: бири маъмъа-нарсани ўзига йиғувчи, яна бири маммъа-зарар келтиради-ю, лекин фойда келтирмайди, яна бири масдаъ-ажратиб ташлайди-ю, бирлаштиrmайди, яна бири ғайс, яъни бироп шаҳарга тушса, барака келтиради». Шоир айтади:

*Аёллар соҳиби ҳамма аёлни бир хил деб ўйлар,  
Ваҳоланки, бир-бираидан катта-катта фарқ этар.  
Соялари тушшиб турадиган жаннатийлари бор,  
Баъзилари ўт-олов, улар учун ёнилгилар бор.*

Абу Айкоъ ҳам Абу Зайддан бир шеърни ўқиди:

*Аёллар ёима-ён ўслубчи дарахтга ўхшар,  
Мевалари аччиги бор, баъзилари томли, ейилар.  
Аёллар гарчи тилладан сув юритилса ҳам,  
Уларда подонлик хатолари, ёмон тушунчалар бор.*



Аёлларга қачонки бирон қылышни ташла, дейилса,  
 Шу нарса возможб өткөннен лозимдир.  
 Сенса ёмоналикни вайда берса, албатта адо этар,  
 Аммо яхшиликни вайда берса, уни чүзіб юрап.

Аммо бошқа бир түрігә келсак, бу турнинг шартларини айтиб үтиш иложи йўқ. Чунки у баъзида ҳолатлар ўзгарса, ўзгаради, одамлар ва замонлар үтиши билан бир ҳолатдан иккинчисига кўчади ва бу тур якин бўлиш ҳолатини давом эттириш ва алоқа сабабларига ёрдам берувчи бўлганидан нафега органини ва шаҳватга бўйсуннидан бехожат бўлинмайди. Чунки малул (иллатли, айбли) фикр ўз ҳолида колмайди ва пайдо бўлган майл истак давомли бўлмайди. Икки ҳолатдан бирига үтиши лозим: ёзида ва камолга, ё нуксон ва заволга. Ҳикоя килинадики, бир киши Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важхахуга: «Мен сени ҳам, Муовияни ҳам яхши кўраман», деди. Али розияллоҳу анху: «Ҳозир сен бир кўзи гилайга ўхшайсан, ё тузаласан, ё кўр бўласан». Агар шундай бўлса, унга олиб борувчи сабабни баён этиш керак. Бу эса уч ҳолатдан ташқари эмас.

**Биринчи ҳолат**, никоҳ фарзанд кўриш учун бўлиши; бунга оға тегмаган ён ва бокира қизни ташлаш яхшидир. Чунки унда бола туғини имкони мавжуд. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Бокира қизларга уйланинглар. Чунки уларнинг сўзлари ширин, (белдида) боласи кўп ва осонлик билан рози бўлувчиидир», дедилар.» Антаку арҳаман», деган сўз боласи кўп, деган маънини беради. Муъоз иби Жабал розияллоҳу анху: «Бокира қизларга уйланинглар, чунки улар яхши кўрса, каттиқ яхши кўради ва хархапаси кам», деди. Бу уч ҳолат ичида ён яхшиисидир. Чунки никоҳ айнан шунга қаратилиб, шариат уни қайд этади. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Тугадиган қора хотин чиройли туғмас хотиндан яхшироқдир», дедилар. Араблар шу ҳақда бир мақол тўқиган: «Тугмайдиган туғилмаган кабидир».

Бунга ўхшаш ҳолатларда мутлако бегона ва наасаби узок аёлларни никоҳга ташланисиши фарзанд наслини тоза ва хилқатини чиройли қиласди, деб хисоблейдилар. Қариндош-уруг ёки ўз яқинига никоҳланиндан қочинишиларига туғилажак бола хилқатига зарар,



наслига футур етказади, деб билиш сабаб бўлади. Ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайхиссалом: «Нимжон ва заиф бўлмаслик учун бегоналашинглар», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан келтирилган ривоятда: «Эй аданиглан болам, нимжон ва заиф бўлиб кетдинглар, бегоналарга уйланинглар», деди. Шоир деди:

*Ўзим ёқтирасам-да, амаким қизига уйланимадим,  
Авлодим заиф ва нимжон бўлишидан қўрқдим.*

Олдинги донишмандлар хилқати ва хулиқи тоза болалар оналари йигирма ва ўттиз ёш, оталари ўттиз ва эллик ёш орасидагилардан дунёга келади, деб биладилар. Араблар: «Рашкчи аёлдан туғилган бола яхши бўлмайди. Аёллар ичида насли яхшироғи фарук (эрини хоҳламайдиган аёл) дир», деган экан. Яна айтадилар: «Агар эркак аёлинни мажбуrlаса ва аёли қўркиб турса, сўнгра аёл эслатилса, ҳомиладор бўлади».

**Иккинчи ҳолат**, аёлларга уй юмушларини бажаради, деган максадда уйланишdir. Бундай никоҳ аёллар ёрдамига хосланса ҳам, улар ҳолатига лозим тутилган парса эмас. Чунки эркак хизматини айнаш ўз хотини қилиши шарт эмас. Шунинг учун аёл раҳходидир, кошки у яна қўли чаққон бўлса, дейилган. Айни шу максадда уйланилса, унинг динга таъсири йўқ ва эркак шаъннiga хақорат эмас. Бунга ўхшаган ҳолатда уй-рўзгор ишларидан ҳабардор ва эркаклар хизматини яхши биладиган каттарок ёшли ва ҳаётий тажрибаси бор аёлларни топиб уйланиш маъкул.

**Учинчи ҳолат**, никоҳдан жинсий лаззат ва роҳат олиши мақсад қилиш. Бу уч ҳолат ичида энг ёмони ва хатарлисиdir. Чунки бундай никоҳда ҳайвоний хирс ва шаҳвагга куллик бор. Ҳорис ибн Назр Яздий: «Энг ёмон никоҳ шаҳватпараст никоҳидир», деди. Лекин васвасага тушганда ўзидағи шаҳват куввати ва уни кесиш мақсадида уйланилса, бунинг зарари йўқ. Аммо номаҳрамига карамаслик, нафси ёмонликка унダメаслик ва уни ўзига яқинлаштирмаслик ва шармандали ҳолга тушмаслик мақсадида уйланилса, бундай никоҳ мактовга лойик ва улуғланишга хақидир. Бунга ўхшаган ҳолатда ҳур аёлларни чўришлар каби бехурмат қилишидан сакланилса, бу ҳакиқий жўмардлик ва покдомонликка киради.



Шаҳватини қондириш учун уйланиш нафсларни шаҳват сари етаклаб, энг маъкул ишни танлаб олишнинг иложи бўлмайди. Ваҳдоланки, бундай никоҳ аёл учун энг хатарлидир. Чунки шаҳватнинг ниҳояси ва чек-чегараси йўқ. Айни мақсадда уйланиса, шаҳват сўнгандан кейин унга боғлик нарса ҳам завол тонади ва дастлаб яхши кўрилган шахвоний эҳтирос интиҳода ёқмай қолади. Шунинг учун араблар раҳми келганидан қизларни ёмон кўрар ва маломатчиilar таҳқиридан химоя қилиш учун уларни тириклай кўмишарди. Ана шу меҳр-мухаббат ва раҳм-шафқат хисси туфайли қатл этиш гуноҳидан қочган киши қизлари ўлимини яхшироқ ва афзал деб ҳисоблашган. Укайл ибн Уллафа қизи Жарбоъга совчи қўйилганда айтди:

*Минг динор, маҳр қуллар ва қанча тужлар берилса ҳам,  
Ўзимга қабрни қуда қилганим яхшироқдир.*

Убайдулоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир деди:

*Кудачилик мақталса, қиз шаънига риоя этадиган,  
Ҳар бир қизнинг отасига уч хил қудачилик бор:  
Ҳурмат қиласиган куёв, қизнинг чимилдиги,  
Қизни олиб бориб кўмиладиган қабр  
Ва булар ичида энг афзали қабрдир.*

## ФАСЛ

Аммо унс-улфат бўлини сабабларидан тўртингиси меҳр-оқибат туфайли биродарланингидир. Бу кучли истак-хоҳинидан бўлса, самимийлик ва сидқидилликни, холис сидқидилликдан бўлса, ва-фодорлик ва ҳимояни пайдо қиласи. Бу бирлашишнинг энг юқори марғабасидир. Шунинг учун Расууллоҳ алайхиссалом бир-бирларини ака-укалардек қўллаб, ёрдам беришлари учун сахобаларини оға-ини қилиб қўйдилар. Ривоят қилинадики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Садоқатли биродарларни лозим тутинг. Чунки улар фаровонлик вактида зийнат, мусибат вактда исмат (ҳимоя) дир», дедилар. Абу Зубайр Саҳл ибн Саъдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламининг: «Киши ўз биродари билан кўпидир. Сен хақини билганчалик хақингни билмайдиган кишини дўст тутишда яхшилик йўқдир», деганларини ривоят қилиб келтиради. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Биродарлар билан кўришиб ғам-андухларни кёткизади», деди. Холид ибн Сафвой деди: «Одамларнинг энг ожизи ўзига яқин дўстларни изламайдиган кишидир. Ундан ҳам ожизроғи топган дўстини йўқотган кишидир». Али каррамалюҳу важҳаҳу ўғли Ҳасанга: «Эй ўғлим! Дўсти йўқ киши гаридир», деди. Ибнул Мұтазз деди: «Кимниңг дўстлари бўлса, демак, унга ёрдам берувчилар бор». Адиллардан бири: «Захираларнинг энг яхиси вафодор биродардир», деди. Балогат соҳибларидан бирлари деди: «Ёрдам берувчи дўст билак ва елка (ўринида) дир». Шоирлардан бири деди:

*Одамларнинг дунёда ғам-ташивини кўп,  
Ёрдам берувчи дўстдан бошқа ғамим йўқ.  
Икки танага тақсим бўлган руҳ каби бўлсак,  
Тана бошқа- бошқаю, руҳ ўша ягонадир.*

Бир ривоятда: «Дўст садоқатини деб дўст деб аталади. Душман эса сенга тажовузини деб душман дейилади», деб келтирилган. Арабчада дўст садоқат сўзидан олиниб, содик деб аталади, душман адоват сўзидан олиниб, адувв дейилади. Халил хилол (бармоқларни бир-бирига киритиш ҳам хилол) сўзидан олинган.





Саълаб деди: «Мұхаббати қалбга етиб, унда бўш жойни колдирмагани учун дўстни халил деб айтилган». Риёший Башшорнинг сўзини шеърга солиб деди:

*Жон томиримда жондек бўлиб қолдинг мен учун,  
Садоқатли дўст дерлар дўстни шу хислат учун.*

Одамлар наздида биродарлик икки ҳолатта қараб мумкин: бири зарурат ва бир-бирига мос келиш туфайли юзага келадиган биродарлик; иккинчиси, бир мақсад ва танлаш туфайли юзага келадиган биродарлик. Бир-бирига мос келиш асосига қурилган биродарлик ўзига боғлиқ сабаблар туфайли келиб чиққани учун уни энг ишончлиси деб қаралади. Бир мақсадин деб амал қилинадиган биродарликда у тобе бўладиган сабаблар инобатга олинади. Табиий ҳолда юзага келган биродарлик бир мақсад аралашганига қараганда мустахкамдир. Дастрлаб бир-бирига мос тушиш сабабидан амалга ошидиган биродарликни кўриб ўтайлик. Шундан кейин иккинчи ҳолат, яъни бир мақсад ва танлаш оқибатида келиб чиқадиган биродарлик ҳақида сўз юритамиз.

Бир-бирига мос тушиш сабабидан юзага келадиган биродарликнинг ўзига хос бир канча сабаблари борки, шулар хусусида тўхталиб, ундан кейин айтиб ўтилган ҳолатлар охиридаги еттита мартабани кўриб ўтамиз. Баъзан улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтсан, баъзан айримларига эътибор бердим. Буларнинг ҳар бир мартабаси учун алоҳида ҳукмлар ва вожиб этувчи сабаблар бор. Шоир шундай деди:

*Ҳар қандай хоҳини-истакка бир сабаб бўлгувчиидир.  
Шундан бошланаб, ҳамто ундан фарқ қилгувчиидир.*

Демак, биродар бўлинида энг биринчи сабаб ҳар икки томонда ҳам шу хислатга сабаб бўладиган ҳолатда бир-бирига мувофиқлик бўлиши керак. Биновариц, ана шу мувофиқлик кучли бўлса, ундан амалга ошадиган яқинлик ҳам кучли бўлади. Агар бу нарса заифлашса, уни кучайтирадиган бошқа бирон сабаб бўлмаса, яқинликка ҳам футур етади. Бу нарса худди шундай амалга ошиади. Чунки ўзаро яқинлик бир-бирига мувофиқ бўйи

лишдан вужудға келса, мувофиқлик эса бир-бирига мутаносиб бўлишдан амалга ошади. Шундай экан, бир томондан мувофиқлик кетса, ҳамма томондан мутаносиблик ўз қадрини йўкотади. Мувофиқлик кетган вақтда ўз-ўзидан яқинлик ҳам барҳам топади. Демак, ҳар хил бўлса-да, мутаносиблик бирлашиш асоси ҳамда яқин бўлиш нойдворидир. Яхё ибн Саид Амрадан, Амра Оиша розияллоҳу анҳодан келтирган ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Рухлар беҳисобдир. Бир-бирларини танигандари яқинлашиб, бир-бирларини танимаганлари узоқлашади». Бу аниқ ган. Улар ўзаро мувофиқлик туфайли бир-бирлари билан танишсалар, агар шу нарса бўлмаса, бир-бирларини танимайдилар. «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Бир-бирига зидлар бирлашмайди ва бир-бирига ўхшашлар ажралмайди». Донишманлардан бири: «Биродарлар орасидаги ўзаро мувофиқликнинг гўзал бўлишига караб муносабатлар давом этади». Яна бир донишманд деди:

*Дўсти бўла туриб сен нағсумдан ҳазар қўйма,  
Зоро, ҳар ким ўзига ўхшаганга интилгай.*

Бошқа бири деди:

*Биродар, десам, қариндошингми, дерлар.  
Дедим: қариндошидир бир-бирига ўхшашлар.  
Қариндошимдир менинг фикр, азму ҳимматда,  
Гарчи насл-насабда бошқа-бошқа бўлсан ҳам.*

Шундан кейин мутаносиб бўлиш сабабидан бир-бирига ўхшаш икки томон ўртасида ўзаро муносабат бузилмайди. Бу дўстлашиш даражалари ичida иккинчисидир. Бу иккиси ўртасида мазкур муносабатга ҳар икки тарафнинг иттифок бўлиши сабаб бўлади. Чунки унинг бўлмаслиги икки томонни узоқлаштирувчиidir. Шоир шундай деган:

*Сен одамларга мос келсанг, ширин (сўз) дурлар,  
Мос келмассанг, улардан аччиқ (сўз) бўлар.  
Ичida ҳеч кими йўқ қанча-қанча боғлар бор.  
Ташландиқ ҳолда ётар, чунки унга борар йўл оғир.*



Яна мазкур алокадан учинчи даража пайдо бўлади. Бу даража дўстлик бўлиб, унга мамнунлик сабаб бўлади. Яна дўстликдан тўртингичи даража вужудга келади ва у ўзаро муносабатлардаги сидқидиллик бўлиб, сабаби холис ниятли бўлишидир. Яна ўзаро муносабатларда сидқидил бўлишдан бешинчи даража пайдо бўлиб, у яқинликдир, унга ўзаро ишонч сабаб бўлади. Ана шу даража – бирланниш ҳолатлари ичида етукликка энг яқинидир. Бундан олдингилари унга олиб борадиган сабаблардир. Агар қўллаб-куватлаш ҳам қўшилса, у садоқатдир. Яна яқинликдан олгинчи даража – муҳаббат пайдо бўлиб, унга маъқул бўлиш сабаб бўлади. Агар шу маъқул бўлиш нафсдаги фазилатларга қаратилса, еттинчи даража – улуғлаш юзага келади. Агар маъқул бўлиш суврат ва ҳаракатларга қаратилса, саккизинчи даража – ишқ пайдо бўлиб, унга тамаъ сабаб бўлади. Маъмун раҳимаҳуллоҳ шундай деган:

*Ишқнинг боши ҳазил-мазах, муҳаббат,  
Ортиб борар, ошган сайин қаттиқ истак.  
Севган ҳар ким севгани асиридир,  
Агар у шоҳлик таҳти устидадир.*

Бу санаб ўтилган даражалар ичида энг охиргисидир. Бу дараждан ошган нарсага тақдир этилган даража ва на чеклаб қўйилган ҳолат йўқ. Чунки зотлари бошқа-бошқа бўлса-да, у нафслар бирлашиб кетишига олиб боради. Агар таналар айро-айро бўлса-да, рухларнинг бирлашиб кетишини юзага келтиради. Бу чеклаб бўлмайдиган ва интихоси йўқ даражадир. Кинди шундай деди: «Дўст – бу сенинг ўзинг. Аммо у (зоҳирда) сендан бошка бўлса ҳам». Бунга Абу Бакр розияллоҳу аиҳудан накл этилган ривоят мисолдир. Абу Бакр Сиддик ер ажратиб, Талҳа ибн Абдуллоҳга хатлаб берди. Бунга одамларни, жумладан, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхуни гувоҳ қилди. Ўшанда Талҳа ўзидағи хужжатни муҳр бостириш учун Умарнинг хузурига олиб борди. У муҳр босишни хоҳламади. Шунда Талҳа ғазаб билан Абу Бакр розияллоҳу анхунинг хузурига бориб: «Аллоҳга касамки, менга айтинг-чи, сиз халифами ёки Умарми?», деди. Ҳазрати Абу Бакр: «Умар эмас, лекин у мендир», деди.

Аммо бир максадни деб амалга ошадиган биродарликка чақирадиган сабаб ва ундейдиган бир боис бўлиши керак. Баъзан шунга даъват этувчи икки важҳ – рағбат ва муҳтоҗлик бўлади. Рағбат инсонда биродар тутишга арзидиган фазилатлар намоён бўлиши ва уни дўст тутишга чорлайдиган гўзалликка эга бўлишидир. Ана шу ҳолат талаб этилган сифатлар уларни изланига мажбур бўлинмаган ҳолда мавжуд бўлиб турганидан ўзидан кейиниги ҳолатдан кучлироқдир.

Мана шу ҳолатда шу сифатлари билан соҳтакорликка алдануб қолишдан қўрқиши керак. Зоро, яхшилик қиласидиган кишининг ҳаммасини ҳам солих деб бўлмайди. Ҳусни хулқ билан хулқланган ҳаммани ҳам аслида ҳусни хулқ эгаси деб бўлмас. Бир нарсада соҳталикка йўл қўядиган киши унга мувофиқ эмас. Илло ақлда бир нарсани маъқул деб топиш ёки шариатда уни бажариш орқали тақво қилган ҳолда ўша ишда давом этар экан, табиатан унга мойил бўлган эмас, балки уни ўзига феъл-атвор сифатида қабул қиливчига айланади. Зоро, донишманларнинг: «Табиий феъл-атворда нотабиий феъл-атвор бўлиши мумкин эмас», деган сўзлари ўтди. Сўнгра биз: фозил кишида ҳамма хулқлар табиатан мавжуд бўлиши узрлидир, деймиз. Шубҳасиз, инсондаги бирон фазилат табиатан мавжуд бўлса, айримлари одат туфайли юзага келувчидир. Бошқанинг феъл-атворига тақлид қилиш туфайли хулқанини кўпроқ учрайди. Ҳатто одатга кўра, хулқланган нарса одатга хилоф қиласидиган бўлса, табиий ҳолдагисидан кучлироққа айланади. Шунинг учун: «Одат иккинчи табиатдир», дейилган. Ибн Румий раҳимахуллоҳ леди:

*Билиб қўйки, одамлар лойдан яратилгандир,  
Лойни ёмонлаганлар тўғри гапни айтибди.  
Гар одамлар хулқини тузатишга чора йўқ,  
Қора лой сассигига тўлгай ҳамма ёқ.*

Аммо муҳтоҷлик инсон ўзини ёлғизлик хавотири ва яккалик хорлигидан қутқазиш учун ўзаро дўстлашиш орқали бир-бирига якин бўладиган ҳамда ёрдам бериб, қўллаб-куvvatлайдиган кишини танлашига мажбур бўлишидир. Донишманлар шундай леди:



«Кимниң уч нарсага хоҳиши бўлмаса, олти нарса билан синалади: ким дўст тутишни хоҳламаса, адоват ҳамда ҳақирлик билан синалади. Ким соғликка эътибор бермаса, мусибатлар ва хорлик билан балоланади. Ким яхшиликни хоҳламаса, надомат ва зиён-зарар билан балоланади. Ҳаётимга қасамки, ҳақиқий биродарлар энг поёб захиралар ва энг афзал силоҳлардир. Чунки улар жонларга ҳамроҳ ва мусибат етган вактда ҳамдарддир. Донишмандлар деди: «Баъзи дўстлар туғишганингдан яқиндир». Муовиядан: «Қайси бири сенга яхши?» (яъни дўстингми ёки ака-уқангми?), деб сўралди. У: «Мени одамларга суюкли қиласидиган дўст яхшидир», деди. Ибнул Мұтазз деди: «Яқин қариндош сенга адовати сабабли узоқдир. Бегона киши сенга дўстлиги сабабли яқиндир». Шоир деди:

*Сени чиндан яхши кўрадиган кини дўстлиги  
Адоватини сир тутган қариндошдан яхшидир.*

Бошка бир шоир деди:

*Баъзан яқинларинг сенга қўп хиёнат қиласа,  
Бегона бир кини берган ваъдасига вафо айлар.*

Демак, вафодор дўстни танламоқчи бўлса, яқин бўлишдан олдин уларни текшириб, феъл-атворлари ўрганилади. Чунки донишмандлар: «Синааб кўрсанг; биласан», деган. Бироқ синаб кўрмасдан олдин шошилиб дўст бўлиш ва сохтакорликка алдануб, уларни яхши деб ҳукм чикариш дуруст эмас. Чунки лаганбардорлик ақиллар учун тузоқдир. Иккюзламачилик фаросатли кинини ҳам алдаб қўяди. Бу иккиси сохтакорниң тутма хусусиятидир. Гуфма хусусиятининг ярмиси иккюзламачилик ва лаганбардорликдан иборат кишидан яхшилик кутиб бўлмайди ва эзгуликни умид қилиб бўлмайди. Шунинг учун донишмандлар: «Кишини кимлигини сўзидан эмас, ўзини тутиши ва амалидан билиб ол. Яхши кўришини тилидан эмас, унинг кўзидан билиб ол», деган. Холид ибн Сафвой деди: «Мен биродарларимга савимий муомалада бўлдим. Чунки уларга нисбатан мунофикалик қилмадим. Уларни ўрганинда ҳам хатога йўл кўймадим». Ҳаммод Ажрад шундай деган:

*Модомиқи, дүнёда бой-бадавлат экансан,  
Дұсту ёрлар күп бұлур, сен үларни танийсан.  
Қанча-қанча меҳр-оқыбатда сохталағар бор,  
Сен билан учрашар очиқ үзсли ва шодон.  
Қачонки сендан замон юз үгірса, забун айласа,  
Замон билан бирға сендан юз үгіриб кетшиар.  
Шундай экан, камбаганни ёмон деб, бойни хүн күрган  
Одамларга яқин бұлмоқдан воз кечгін албат.  
Бой бұлсанғ-да ё камбағал, сенға баробар доим,  
Бир хил бұлғап кишиларни дүст айла албат.*

Лекин киши ўзи яқин мұомалада бўлиб юрганларнинг сиймоси билан танилади, ўзига дўст тутганлар феъл-авторини ҳам унга мансуб этилған. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Киши ўзи яхши күргани билан бўлади», деганлар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху деди: «Дўст бир-бирига муносиб бўлишидир». Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху деди: «Бирор нарсанинг яна бирига қилган далолати, ҳатто туруннинг оловга қилган далолати ҳам дўстнинг дўстга қилган далолатидек кучли бўлмайди». Донишмандлардан бири шундай деган: «Сен биродарингни олдинги дўстидан таниб олгін». Адиллардан бири деди: «Бир киши ҳақида ушинг дўсти ҳақида гумон қилинандек гумонда бўлинади». Адий ибн Зайд деди:

*Кишининг ўзи ҳақида эмас, дўсти ҳақида сұра.  
Зеро, ҳар қандай дўст ўз дўстига тақтиод қилар.  
Агар бирор қавм ичида бўлсанғ, бас,  
Сен үларнинг яхшилари ила дўст туттим.  
Улардан ярамасларини дўст туттма асзо,  
Уларга қўшилиб сен ҳам ҳалок бўлурсан.*

Шу нұктай назардан қаралса, ор-номусни бой бермаслик ва келгуси ҳәётини ўйлаган кипи ёмонлиғи билан танилған бегоналардан сақланмоғи ва шубҳали кишилардан узокрок юрмоғи лозим. Шупинг учун: «Ишонч қозониши ва мақсадға мувофиқ ҳисоблаш, доимий синов ва имтиҳонда бўлиш узрли, балки иложи йўқ инцидир», дейилади. Зур Румма сирти чиройли, аммо ичи бузук киши ҳақида сувни зарбулмасал қилиб келтирған:



*Кўрмадингми, ёмон бўлар сувнинг таъми  
Гарчи тиниқ бўлганда ҳам ранг-рўйи.*

Донишмандлардан бири юзи чиройлию хулки ёмон кишига караб: «Уй-ку чиройли экан. Аммо унинг ичидаги яшовчиси ярамас экан», дебди. Жахза ана шуни олиб, шундай деган:

*Ё Раб, ундағи тафовут нақадар аниқ:  
Обод манзил ва ҳароба ақл.*

Ахли илмлардан бири менга шеър айтиб берди:

*Сирти чиройларга майл қилмагин асло,  
Айрим сўзаликлар хабари ёмондан-ёмон.  
Ҳар қандай сариқ нарсани рангига қараб динор дема,  
Сариқ чаённи қара ҳалокатли ва хунук сариқдир.*

Юкорида донишмандларнинг: «Ким ишонишдан олдин синамаса, якин бўлишдан олдин ишонч ҳосил қилмаса, ушиг дўстлигидан надомат келиб чиқади», деган сўзлари келтирилди. Балоғат сохибларидан бири деди: «Танлашдан олдин (алоқани) узуб кўйиш алданиб, дўстлашишдан яхшироқдир». Адиблардан бири деди: «Синалмаган дўстга ишонма. Куч-кудратинг етишини билмасан; душманингга хужум қилма». Бир шоир деди:

*Синамасдан ҳеч кимни ҳаргиз мақтаб юрмагин,  
Билмай туриб ҳеч кимни ёмонлаб ўтиргагин.  
Синамаган одамни мақтасинг хато бўлур.  
Мақтовордан сўнг кишини ёмонлаш зўр ёлғондор.*

Демак, шу икки важхга кўра, дўстлашишдан олдин дўстларни яхшилаб ўрганиш ва танлашдан олдин хулк-автори қандайлигини билиш лозим. Зотан, бир-бирига муносиб бўлишнинг асли деб қаралган ўзаро мувофиқ тушнандан кейинги дўстлашишда эътибор бериладиган хислатлар тўрттадир.

**Биринчи хислат**, тўғри ишларга йўллайдиган етук ақл. Чунки ахмок билан дўстлашишдан фойда йўқ ва дўстлиги ҳам узокка бормаслиги аниқ. Ривоят килинишича, Пайгамбар алайхиссалом: «Беодблик тубанлик ва ахмок билан дўстлашиш фалокатдир», деганлар. Бир донишманд деди: «Оқил кишининг

дүшман бўлиб етказган заари аҳмоқ билан дўстлашишдан етадиган заардан камроқдир. Чунки фойдаси тегишига қодир бўла туриб, аҳмоқ зарар келтиради. Оқил эса заарда ҳаҷдан ошмайди. Бинобарин, заар етказишдан уни акли тўхтатиб колади. Жоҳил заарининг ҳадди бениҳоядир. Ҳадли нарсанинг зарари ҳадсиз нарсаникидан озроқдир».

Мансур Мусайиб ибн Зухайрдан: «Ақл озикаси нима?», деб сўраганида, «Оқиллар билан бирга ўтириш», деб жавоб берди. Балоғат соҳибларидан бири деди: «Подонлар билан дўстлашиш нодонликдир. Ақл ва қувват эгалари билан тортишиш ҳалокатдир». Адиблардан бири деди: «Кимда ким сенга жоҳил ёки ожиз билан дўстлашишни маслаҳат берса, у жоҳил дўст ёки оқил душмандан бошқаси эмас. Чунки у сенга зарари етадиган ишни маслаҳат бермоқда ва сени камситадиган ишда ҳийла қилмоқда». Шоирлардан бири деди:

*Агар дўстлашишини истайдиган бўлсанг бас,  
Ўзинг биродар тутган ҳар кимга ишонмагин.  
Агар одамлар орасидан ташламоқни истасанг,  
Улар ичидан ақл ва ҳаёз эгаларин ташлагин.  
Не учунким, ақлнинг тенги йўқдир доимо,  
Фазилатлар мусобақа қиласидиган бўлсалар.*

**Иккинчи хислат**, ўз эгасини солиҳ амаллар килиш устида ушлаб турадиган диндир. Чунки динни тарк қилган киши ўз-ўзига душман бўлиб, бошқаларни дўст тутишини ундан қандай умид қилиб бўлади?! Бир донишманд деди: «Биродарлар ичидан диёнатли, аслзода, акли ва одоблисини танла. Чунки кийналиб қолсанг, у сенга ёрдам беради, ҳалокатга йўлиқсанг, сени қўллайди. Ёлгиз пайтингда ҳамдард бўлиб, соғ вақтингда зиннат бўлади». Ҳассон ибн Собит раҳимаҳуллоҳ деди:

*Омад келса дўстлар кўп, лек мусибат вақтида оз,  
Дўстман деб юрганилар дўстлиги алдаб қўймасин.  
Ҳамма биродар ҳам ўз вафосин тилида айтар,  
У тилда айтганидан амалда қайтиб кетар.  
Сен ишонсанг, аслзода ва диёнатли дўстларга ишон,  
Зоро, у ўзи айтган гапни деб лафзидан қайтиб кетмас.*



Бошка бир шоир деди:

*Кимининг дўстлиги Аллоҳни деб бўлмаса,  
Унинг дўсти ундан хавотирда юрмоги аниқ.*

**Учинчи хислат**, чиройли хулқи ва ишлари барчага мақбул, яхши кўрганидац яхшиликка буюриб, ёмон кўрганидан ундан қайтарадиган бўлишидир. Чунки ёмон билан дўстлашини адоватни келтириб чиқаради ва хулкларни бузади. Адоват, заммат ва маломатга олиб борадиган дўстликда яхшилик йўқ. Чунки эргашган киши эргашаётган ҳамрохига тобедир. Абдуллоҳ иби Мұтазз деди: «Ёмон билан дўстлашиш бир-бирини ёқиб юборадиган норанж ларахтига ўхшайди». Бир донишманд деди: «Ёмонларга аралашишда хатар бор, ҳамроҳ бўлишига сабр қилиш худди денгиз сафарига чиқсан кинцига ўхшайдики, талафотдан баданини сақлаб колса ҳам, аммо ҳавф-хатардан қалбини сақлаб қолоимайди». Балоғат аҳлидан бири деди: «Ёмонлар билан дўстлашиш яхшиларниңг бадгумон бўлишига сабаб бўлади». Балоғат олимларидан бири: «Яхшилар билан дўстлашиш энг яхши танловдир. Ёмонлар билан дўстлашиш энг ёмон танловдир», деди. Шоирлардан бири деди:

*Аҳмоқ билан бирга ўтириши ақлсизликдир,  
Донишмандлар билан ўтириши ақллосликдир.  
Терининг ямоги ҳам теридан бўлганидек,  
Сен билан шеригинг ҳам бир хилдирсизлар.*

**Тўртингчи хислат**, дўстлашишни хоҳлаган икки кишида бир-бирига мойиллик ва истак-ҳоҳини бўлишидир. Албатта, бу дўстлашиш ҳолатини мустаҳкамлайди ва ришталарини боғлайди. Чунки ҳамма талаб этишган нарсанинг талабгори ва ҳар қандай хоҳланган нарсанинг хоҳловчиси бўлавермайди. Ким хоҳламаганни хоҳлаб, қизикмайдигантга мойил бўлса, Бухтарий айтганидек, ўзини беҳуда чарчатиб, омадсизликка йўликибди:

*Ўзимда йўқ муҳаббатни сендан истадим,  
Ўзини ҳоритган киши зафар топмайдиган тозибдир.*

Аббос иби Аҳнаф деди:

*Агар шафоатдан бошқа нарса менга яқин қылмаса,  
 Бас, шафоат сабаблы бұладиган дүстликда яхшилик ийк.  
 Қасамки, мен сени ёмон күрганимдан итоб эттәйман.  
 Тарқ қылганим бу дүстликни бефойда деб билганим учундир.  
 Албатта, мен ўз хоҳнишим билан сабр қила олмасам,  
 Ўзим хоҳламасдан мажбүр бұлыб сабр қилишим керак.*

Качонки, ана шу (түрт) хислатлар бир кишида түлік бўлса, у билан дўстлашиш керак ва уни танлаган киши адашмайди. Мазкур хислатларнинг бир кишида кўпайиб бориши билан унга мойиллик ва ишонч ҳам ортиб боради. Шу хислатлардан бири афзал бўлинига караб уни афзал келувчи хулқа мустаъмал этилади. Чунки турли табака ва фарқли томондаги дўстлардан хар бирининг ўзига хос холати бўлиб, шу туфайли ҳамкорлик қилишда хосланади, кўмак ва ёрдам беринча ёрикни тўсади. Ҳаммаларининг ахволи бир хил бўлмайди. Чунки одамларда тағовут ва фарқ кўп, хусусиятлардаги ихтилофлари аниқдир. Доңишмандлардан бири деди: «Кишилар ичадиган суви бир хил, аммо мевалари сархил дараҳтга ўхшайди». Ана шу маънони олиб Мансур ибн Исмоил шундай деди:

*Бани Одам набототга ўхшайди,  
 Қаранг, ердаги наботот ҳар хил, анвойи:  
 Сандал дараҳти, коғур ва ўрмон ёнгоги бор,  
 Энг яхши меваси гудрон бўлган дараҳт бор.*

Ким ҳар тарафлама ўзига мос дўстни изласа, иложи ийк ишни излабди. Агар ўзига мосини топғанда ҳам баъзи холатда бу дўстлик қоидасига бир нарса ҳалакит берини мумкин. Чунки танлаган дўстларидан бири ноилож колган вактда ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бу эса улар ягона хулқ устида яратилмаганини билдиради. Шуни унутмаслик керакки, хулқлар ҳар хил бўлинига караб бирлашини ва яқинлик юзага келади. Доңишмандлардан бири: «Мажбурулкдан яқин бўлган кишига яхши муомала килмаган киши оқил эмас», деди. Маъмун деди: «Дўстлар уч тоифадан иборат: бир тоифаси ҳар доим мухтож бўлинадиган озуқага ўхшайди. Яна бир тоифаси баъзида ичиладиган дөрига ўхшайди.



Яна бир тоифаси дардга ўхшайдыки, унга асло хожат тушмайды». Ҳаётимга қасамки, албатта одамларга берилигандар таъриф тавсиф рост. Лекин дардга ўхшатилгандар дүстлар қаторида эмас, балки улар эҳтиёт бўлинадиган душманлар. Бу кабилар ёмонликларини яшириш ҳамда сирлари фош бўлиб колмаслигини деб ўзларини дўст қилиб кўрсатадилар. Натижада улар ёрдам бериш ва (адоватни) сир тутиш туфайли дўстлар қаторида деб қаралса ҳам, лекин (сирлари) фош бўлиб, (адоватлари) ошкора этилган вактда душманлар сафида бўлади. Донишмандлардан бири деди: «Сенга (рўбарў келганда) кулиб караётган душман япроклари яшил, таъми қатл этувчиидир». «Мансур-ул ҳикам» да: «Душманнинг сенга яқил бўлаётганига алданиб қолма. Чунки у сувга ўхшайдыки, агар уни оловда кўп кайнатилиса, уни ўчириб бўлмай қолади», дейилганд. Язийд ибнул Ҳакам Сақафий деди:

Менга жиљмаясан, гўёки сен самимийдек,  
 Кўзинг қалбингдаги адоватни ошкора айлар.  
 Тилинг болдек ширину, нафсинг заҳри заққумидек,  
 Ёвузлигинг тарқалмиши, яхшилигинг билинмас.  
 Қанийди сув ичегувчи сувдан қонгани каби  
 Ўзингни тиймоқлигине бўлса бор яхшилигу ёмонлигине.

Агар дўстлар қаторидан дард кабиларини чиқарилса, икки тоифаси, яъни озуқа ёки даво кабилари қолади. Чунки озуқа нафсни тутиб турувчи ва унинг ҳаётидир, даво эса унинг муолажаси ва салоҳиятидир. У икковидан афзали озуқага ўхшаганларидир. Чунки унга хар доим эҳтиёж тушиб туради. Агар дўстлар шу тарика фарқланса, хар бирларига ҳолатидап келиб чиқсан холда эришган мақомлари, хислатлари ва сифатлари туфайли тутган ўринларига қараб муомала қилиш керак бўлади». Зоро, ким яхши муносабатда бўлса, унга нисбатан ишонч ҳам кучаяди. Шу ишончга қараб, унга суюнилади ва ишонилади. Шоир шундай деган:

Сен заиф ҳалқа эмассан, албатта билгин,  
 Ишларнинг ютуғи кучли алоқаси ҳалқаларга боғлиқ.  
 Бўгун бизнинг сенга ҳожатимиз бор, ахир  
 Оғриқ кучайган учун чақиришлар табиб.

Дүст тутиш ва танлаш түгрисида одамлар ҳар хил қарашга эга. Айрим кишилар кучли ҳимоя ва қувватта эга бўлиш, бир-бирининг холидан хабар олиб, меҳр-мухаббатни ошириш учун дўстларни кўпайтириш яхшироқ, дейди. Донишмандлардан бирига: «Ҳаёт нимадир?» дейилганида: «Омаднинг келиши, сultonнинг иззати ва дўстлар кўплиги», деб жавоб берди. Бир ривоятда: «Кишининг униши дўстлари кўплигидадир», дейилган. Искандар шундай деди: «Танлаб-танламай дўстларни кўпайтирувчи киши кераги йўқ тошларни кўтариб юрувчига ўхшайди, дўстларни танлаб камайтирувчи жавҳарни танлаб олган кишига ўхшайди». Амр ибн Ос деди: «Кимнинг дўстлари кўнайса, унинг карздорлари кўпайниди». Яна айрим кишилар уларнинг кам бўлишини маъқуллашади. Чунки бу ҳолатда юк ва кулфатлар енгилроқ бўлади, келишмовчилик ва тортишувлар камроқ бўлади. Иброҳим ибн Аббос деди: «Дўстлар худди оловга ўхшайди. Унинг ози фойдали, кўпи эса ҳалокатдир». Ибн Румий ушбу маънода яхши сўзлаб, иллатдан огоҳлантириди:

*Душманнинг дўстингдан фойдаланар,  
Шундай экан, дўстларни кўпайтирма.  
Касаллик кўп ҳолда таом ё шаробдан бўлур,  
Шу учун дўстларга илтифот қилма.  
Қанча кўп нарса борки, ёмон кўрилар,  
Қанча оз нарса борки, томли туюлар.  
Шўр бўлса кўп сув ҳам чанқоқ босмагай,  
Чучук сувнинг ози ҳам чанқоқ қондирап.*

Балоғат соҳибларидаи бири деди: «Дўстларни танлаш ва маслаҳат берувчилардан фойдаланишда мақсадинг агадни кўпайтириш эмас, балки кераклисини кўпайтириш бўлсин. Жамиши пайдо қилиш эмас, балки манфаатни пайдо қилиш бўлсин. Зоро, ёрдам бериш туфайли мурод ҳосил бўладиган бир киши санокни кўпайтирадиган минг кишидан яхшироқдир».

Агар бир-бирига мос келиш ва ўхашалик дўстлашиш қоидалари ҳамда меҳр-мухаббат воситалари бўлса, етук акл ва зухури фазл ўз эгасидан дўстлари кам бўлишини тақозо этади. Чунки у ўзи-



та ўхшашини хоҳлаб, ўзига муносибини излайди. Ақл ва фазилат эгалари ичида ўзига ўхшаганлари ахмоқлик ва нүксең эгаларига иисбаташ олганда камроқдир. Чунки ҳар бир жинседа энг яхшилари уларниң озларидир. Шунинг учун акли ва фазилати стук иисонлар жуда ноёб. Аллоҳ таолю шундай деб марҳамат қилди: «**Албатта, сени ҳужралар ортидан чақираётғанларнинг кўплари ақл ишлатмаслар**». (Ҳужурот сураси, 4-оят). Мана шу сабабга кўра, акл ва фазл аҳлининг дўстлари кам, кўп бўлганидан жоҳил ва нодон кишиларнинг дўстлари кўп. Бу хусуседа шоир шундай деган:

Одамлар ичида ҳар кишининг ўзига ўхшиши бор,  
 Ранг-рўйи ўхшаганлари ақли энг озларидир.  
 Ҳамма одамлар ҳам ўзига ўхшиши дўст туттар,  
 Уларниң ақли кўплари энг кам ўхшайдиганларидир.  
 Чунки ақли кўп одам йўлида юраф экан,  
 Сен унга ўхшагани асло топа олмайсан.  
 Ҳар қандай эси паст ва енгизтакни ўқотсанг,  
 Ҳар бир жойда унга ўхшагани топгувчидирсан.

Агар иш айтиб ўтганимиздек бўлса, у ҳолда дўстлар қаторидан жой олганлар тўрт қисмга бўлиниади: улар ичида ҳам ёрдам бериб, ҳам ёрдам сўрайдигани, ўзи ёрдам бермайдигани ва ўзи ҳам ёрдам сўрамайдигани, ёрдам сўрайдигани, аммо ўзи ёрдам бермайдигани ва ёрдам беради, аммо ўзи ёрдам сўрамайдигалари бор. Аммо ҳам ёрдам бериб, ҳам ёрдам сўрайдигани иисоф қилувчи муовиз (ўрнига кўювчи) дир. У бир парсани берса, уни яна тўлиқ қайтариб олади. Шу боис у қарз бергувчига ўхшайдики, хожат тушиб борилса, сўраганини беради ва ўзига керак вактда уни қайтариб олади. У ёрдам берганини деб раҳмат айтишга ва ёрдам сўраган вактида узрга лойиқ. Демак, бу дўстлар ичида энг адолатлисиdir.

Аммо ўзи ёрдам бермайдиган, ўзи ҳам ёрдам сўрамайдиган дўстни дўст деб бўлмайди, унинг бирорга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайди. Бас, у умид этиладиган дўст ҳам, кўрқиладиган душман ҳам эмас. Муғийра ибн Шульба розияллоҳу анху деди: «Дўстларидан хабар олмаган кишини дўстлари ҳам ўз холига



ташлаб қўяди». Агар шундай бўлса, демак бундай дўст хусни сенга ёқса ҳам фойдаси йўқ суврат кабидир. Бинобарин, зарари тегмагани учун уни маломат қилинмаса ҳам, лекин фойдаси тегмагани учун унга ташаккур айтилмайди. Шоир шундай дейди:

*Кишининг ҳаётида энг ёмон кундир,  
Эътибор бермаса, ё унга боқиаса ҳеч ким.*

Лекин замон айниши ва ахлиниңг ўзгариши туфайли фойда бермаса-да, зарари тегмаётганига ҳам ташаккур айтиш вожиб бўлади. Хуёди Мутанааббий айттанидек:

*Биз шундай замондамизки, унда қўптарнинг  
Ёмонликни тарк қилиншари эҳсон ва яхшиликдир.*

Аммо ёрдам сўраб, аммо ўзи ёрдам беришни ўйламайдиган дўст яхшиликни билмайдиган пасткаш ва хор тутиловчи тубаидир. Бундай дўстдан умидни узиб, кўрқиш керак. Уни яхшилик қиласи, деб ўйламаслик керак ва ҳатто ёмонлиги етишидан эҳтиёт бўлиш керак. Ўзи ноилож вактида оғирини бошқага ташлаб, бехожат бўлганида ўзини четта оладиган киши таҳқирлаш жиҳатидан сенга кифоядир. Унга ўхшаганлар дўстлигида насиба ва севги-муҳаббатида улуш йўқ. Маъмур айттанидек, дўстлар ичida бу тоифа давоси эмас, дарди, озукаси эмас, захри бўлгандардир. Донишмандлардан бири деди: «Олийжаноб кишидаги ёмон хислат унинг яхшилиги сенга етмаганидир. Пасткаш кишидаги яхши хислат унинг ёмонлиги сенга тегмаганидир». Ибн Румий деди:

*Мевасини бармоқлардан ҳимоя қилиши учун  
Тиконини санчib олган хурмони биз оқтаймиз.  
Аммо бизга бирор мевани бермай туриб  
Тиконини санчган маъзун бутани нима деймиз?*

Аммо ёрдам бериб, аммо ўзи ёрдам сўрамайдиган дўстлар олийжаноб табиатли ва иши раҳматга лойик деб карапади ва у кўп фазилатларга эга бўлиб, мусибат вактида ташвиш бўлмайди, ёрдам сўралса, дархол ёрдамига шайланади. Бу киши дўстлар ичida энг шарафлиси ва олийжанобидир. Замон қай бир кишига шунга



үхшаш дүстни насиб этган бўлса (унинг үхшashi бўлиши жуда камдир. Чунки у саҳоватпеша мўмин ва дурри ятимдир), дўст тутиш учун уни ягона деб қаралмоғи ва маҳкам тутилмоғи лозим. Шунингдек, энг пафис молни ва энг бебаҳо дурни кизғанилгандек, уларни ҳам қизғаниш керак бўлади. Чунки дўстларнинг манфаати умумий, молнинг манфаати эса хосдир. Манфаати умумий бўлган киши захира килиб олинингга ҳақлироқдир. Фараздақ деди:

*Дўстинг кетса ўрнига бошқасини топмайсан,  
Молнинг кетса ўрнига бошқа молни топилар.*

Бошқа бирори деди:

*Сен йўқотган ҳар нарсанинг эвази бор,  
Дўстни йўқотсанг унга ҳеч бир эваз йўқдир.*

Агар кўп хулқлари маъқул тусиб, кўп хислатлари мақталса, ёкмайдиган бир ёки икки хулқини деб дўстинг юз ўгириш тўғри эмас. Чунки оз нарсани кечириш кийин эмас, кўп нарсани кечириш имкони йўқ. Киндий шундай деган: «Дўстинг тўрт хил табиатли бўлсау ундан фақат битта хулқни қандай қилиб истайсан? Ҳолбуки, нафслар ичидаги энг хосроғи ҳисобланган, ихтиёр ва иродани тадбир этувчи инсон нафси у хоҳлаган ҳар бир нарсада етаклашга қўйиб бермайди, у яхши кўрган ҳар бир ишда унга итоат қиласермайди. Шундай экан, бошқасининг нафси билан қандоқ бўлсин? Дўстингдаги кўп хислатлар сенга маъқул бўлиши кифоя этади».

Абу Дардо розияллоҳу анҳу деди: «Дўстингга танбех бериш уни йўқотиб қўйишинингдан яхшироқдир. Ҳамма иши маъқул бўладиган дўст борлигига ким кафолат беради?». Шоирлар шу маънони олишли, Абул Атоҳия деди:

*Эй биродар, одамлардан ким сенга кафил  
Ҳамма иши сенга ёқадиган дўст бор, деб?  
Сенга ёқадиган айрим ишлари билан қиласер,  
Ҳар кимга ҳам ҳамма шининг ёқавермас.*

Абу Таммом Тоий деди:

*Ақмоқни ҳеч ким унинг ўз ақылчалик ақмоқ қылғанмас,  
Сенга ёқадиган дүстни бор деб, кафолат берувчи борми?*

Донишмандлардан бири деди: «Инсофни талаб қилип инсоф камлигини билдиради». Балоғат сохибларидаң бири деди: «Үзинг сийратини мактаган, юриш-туришини маъкуллаган, яхшилтигини билган ва оқил деб таниган бир кишидан кўп фазилатларини беркитиб турган биргина маҳфий нуксони ёки кучли сабаблар кечиришингни сўраб турган арзимас гуноҳини деб ҳаргиз воз кечмагин». Модомики хаёт экансан, айби йўқ ва бегуноҳ комил одамини топа олмайсан. Шундай экан, розилик назари билан қарамай туриб, ҳою-хавас хукмига биноан муомала қилмай, олдин ўз нафсингга кара. Чунки ўз нафсингга қарашибин ва уни текшириб кўришинг талаб қилаётган нарсадан умидингни узиб қўяди ва гуноҳ қиласиган кимсага нисбатан сени шафқатли қилиб қўяди. Шоир шундай деган эди:

*Барча феъл- автори маъқул келадиган ким ҳам бор?!  
Камчиликлари саноқли бўлиши шарафлашга кифоядир.*

Нобинг Зубёний деди:

*Сен ўзингга ёқмаган дўстни асраб қола билмассан,  
Одамлар ичиди қайси бири етук ва комил?*

Бу мулоҳазаларимизни дўст ҳолини текшириб кўриш ва ундаги мавжуд тўрт хислатни бирма-бир таҳлил этиш керак деган сўзимиз инкор этмайди. Чунки зарурат келтириб чиқарган нарсада афв этилиш бор. Шундай экан, бу нарса дўстингда кўрган заифликни деб кўркишинг ва ундан ўтган хатоликни деб бадгумон бўлишингни лозим тутмайди. Агар унинг ўзгаргани ва олдингидек эмаслигига ишонч ҳосил қилмаган бўлсанг, бу нарса нафслар ҳолати ва фикрлар ўзгариб туришига йўйиб юборилсин. Чунки инсон нафслар ичидан энг хосроғи бўлган ўз нафсига эътибор беришдан ўзгаради. Бу ўзгариш унга (нафсга) душманлик ва ундан малолланишдан келиб чиқмайди. «Ман-



сур-ул хикам» да шундай дейилган: «Дўстингга каттиқ ишонсанг, у ҳақда гумонга борин сени айнитмасин». Жаъфар ибн Мухаммад ўз ўғлига деди: «Эй ўғлим, дўстларинг ичидан кайси бири сенга уч марта газаб қиласа-ю, сен ҳакингда ёмон гап айтмаса, ўшани ўзингга дўст қилиб олгин». Ҳасан ибн Ваҳб деди: «Дўстларни афв этиши, агар бир айби бўлса, ундан кўз юмиш дўстлик ҳақидир». Али розияллоҳу анхудан Аллоҳ таолонинг: «**Бас, сен гўзал шаклда юз ўғир**» (Ҳижр сураси, 85-оят), деган сўзи ҳақида: «Итоб қимасдан рози бўлишдир», дегани ривоят қилинган. Ибн Румий деди:

*Бу – одамлар ва дунёда кўзга тушадиган ёки  
Сувни булгайдиган гарддир, шаксиз.  
Ўзинг комил бўлмай туриб бу дунёда  
Комил инсон ахтармогинг инсофисизликдир.*

Шоирлардан бири леди:

*Ўзаро алоқамиз замонлар оша боқийдир,  
Лекин араглашимиз баҳорнинг ёмгиридек:  
Унинг ёғинишдан қўрқасан, қандай бўлса ҳам,  
Тездан тўхтаб қолганини қўрасан утинг.  
Дўстнинг дўстдан арази бўлмаса агар,  
Ғазабланган ҳолда учрашишдан Ҳудо асрасин.*

Азлий менга ушбу шеърни айтиб берли:

*Дўстнинг жафосини деб умидингни узмагин,  
Йигит жафо қилар ўзи сахий, қўли очиқ бўлса ҳам.  
Агар жафо қиласа ҳам уни дўст деб бил ва сабр қиласа  
Ўзингни карамали тутиб, унинг ҳақини адo эт.*

Аммо сабр-тоқати йўқ киши тез ўзгарувчи ва ётга айланиб, дўст тутиш хатарли ва унга яқин бўлиш ўзини алдашдир. Чунки у ўз ҳолатида карорли эмас, ўзгармасдан қолмайди. Ибн Румий шундай деган:

*Сен бетоқат кишини итоб қиласанг, шубҳасиз  
Сув устига сўзлар ёзган бўлиб қолурсан.*

Үйлаб күр уни, итобдан кейин акын кириб қолар,  
Дўстлиги чин ва рост бўлмаса, тақаллуфга айланур.

Бу тоифадаги дўстлар ҳам икки хил бўлиб, улар орасида бетоқатлиги муваққатлари бор. Улар ўз дўстидан аҳд килинган нарсага кайтади, бетоқатликнинг салимроғи ва икки кишининг яқинроғи бўлиб, малоллик юз берганда ҳам гўзал хулқ ва дўстига қайтиш учун илтифот кўрсатади. Шоир назмга тизганларини зарбулмасал қилиб шундай деган:

*Сув анҳорга қайтиб борар, дедилар,  
Ховузлар қуриб, излар кетгандан кейин.  
Дедим: сувнинг қайтиб, униб-ўсгуича ўтлар  
Ўлиб бўлар ундан қурбақалар.*

Аммо тахмин қилиш билан дўст хақини ташлаб қўймайди ва шубҳа-гумонлар туфайли уни хурмат қилишдан воз кечмайди. Шоир шундай деди:

*Бир куни биродарине аҳди ўзгариб қолса,  
Тўғри ўйдан оғшишиб кетар бўлса гар.  
Маломатга шошимагин, дўстлигинеда давом эт,  
Биродарликни сакловчи биродар доимийдур.  
Лагар ундан бирор хато ўтса-ўтмаса ҳам,  
Олийжаноб киши хулқидан узоқлашмагин.*

Яна дўстлар ичидаги малолигиги тарк этиш ва рад этишдан иборатлари борки, дўстлик ва яхши кўришга қайтмайдиган ва уни асраб-авайланни билмайдиган ва аҳдини эсга олмайдиганлари учраб туради. Ашжаъ ибн Амр Суламий айтганидек:

*Тоқати ўйқ ва бесабр ила дўст тутинишни  
Асалга қўшилган заҳар ва огу деб билдим.  
Лҳдга вафо қилиб, гар уни унумасане ҳам,  
Чархпалак ўша аҳд билан ўйнашар билдим.*

Бу дўстлашган икки кишининг ҳол жихатидан энг ёмонидир. Чунки унинг яхши кўришига фикрининг ўзгариш васвасалари ва шахват тўсиқлари таъсир қилиб, бир кўнгилсизликдан кейин



чиroyли тарк этиш ва аралashiшдан олдин ажralиш туфайли шеригидаги бир ҳолатни идрок этишдан бошқа нарса эмас. Аббос ибн Ахнаф айтганидек:

*Нафсимни тузатиб, унга масалли бердим,  
Сени деб орзу-ҳавасларидан воз кечдим.  
Нафсим бу масалидан тузалмади ҳеч,  
Шунга қарамай нафсимга уларни юкладим.*

Бунга ўхшаш кишининг ҳоли Иброҳим ибн Ҳарма айтганидан бошқа эмас:

*Сенинг Салмо васлинин тарк этишинг  
Севгисида баҳтсизлик бўлган бошқа бир аёлни деб.  
Гўё омонатга олинган зийнатини деб ўз қулогини  
Тешған-у, тешиклар унинг ҳуснини бузгат кишидек.  
Қўшини хотин зийнатини қайтариб бергач,  
Ўз қулоқларида чандик қолган кинидек.*

Агар синовдан ўтган кишининг хулқ-атвори тоза бўлиб, ҳоли қанақалиги маълум бўлса ва уни ўзига дўст қилиб олмоқчи бўлса, ана шу вактда дўстлашиб ҳақларига риоя қилиши ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатини шарт. Амр ибн Масъада: «Қулчилик биродарига қулчиликдир. Қулликдаги қулчилик эмас», деди. Донишманлардан бири» «Ким сенга ўз дўстлигини инъом этса, демак, сени ўз нафсига шерик қилибди», деди.

Шундай қилиб, дўстлашиб ҳақларидан дастлабкиси ишонишидир, ундан кейин ҳаром бўлмаган ишларда дўстига очик чехра билан қараб, самимиятини изҳор этиб, махфий ва ошкора ҳолатда насиҳат қила олишидир. Шундан кейин иложи бўлса, унинг оғирини енгил қилишдир. Мабодо дўстининг бошига бирон мусибат ёки фалокат етса, унга ёрдам беришдир. Чунки дўсти ҳолини бир чеккада кузатиб туриш мунофиқлик ва қийналған вақтда уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш тубаглиқдир. Бир ривоятда: «Эй Аллоҳнинг Расули! Дўстларнинг кайси бири яхшироқдир?», дедилар. У зот: «Агар ёрдам сўрасан; ёрдам берадигани ва кўнгилингни кўтариб, ҳамдард бўладиганидир. Ундан

ҳам яхшироғи агар унұтсанғ, сенға эслатадиганидір», деб жа-  
воб бердилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоқу важхаху деді:  
«Дүстлар ичида әңг яхшиси күнглингни сүраб турадиганидір.  
Сени үзиге тенг күргані эса ундан ҳам яхшироқдір». Абу Ҳу-  
райра розияллоқу апху: «Әй Аллоҳим! Мен билан холис дүст-  
лашмайдыган, фақат хоҳиш-истагимға мос келгани учунгина  
дүст бўладиган кинидан Сендан паноҳ сўрайман. Бу дунёдаги  
хурсандчилигимда менга ёрдам бериб, эрганги куним ҳакида  
қайғуриб, менга ҳамдард бўлишни ўйламайдиган кишидан Сен-  
дан паноҳ сўрайман», деді.

Балоғат соҳибларидан бири деді: «Хоиннинг ақд-битимла-  
ри счилған (заиф) ва аҳдлари кучсиздір». Балоғат соҳиблари-  
дан бири деді: «Дүстлик ҳақига локайл қараган кини сени дүст  
тутмабди. Яхши кўришингни писанд қилмаган киши сени яхши  
кўрмабди». Бир шоир деді:

*Беташвиши вақтинегда ҳамма дўстлар илтифотлидири,  
Лекин ҳақиқийлари мусибат вақти илтифот айлар.*

Солих ибн Абдул Куддус деді: «Дўстлариниң ичида әңг ёмони  
омадинг келганига қараб дүст бўладиганидір. Қачонки сендан  
омад юз ўғирса, у ҳам ўз-ўзидан юз ўғиради». Ана шу маънени  
олиб шоир шундай деган:

*Дўстлар ичида әңг ёмони билсанг гар,  
Омад кулиб боққани ё юз ўғирганига қарап.  
Бирор кишини ранжитсанг, сақланадоватидан,  
Тикан эккан кимса узум олмайди ундан.  
Душман агар муроса қилса, унга алданма,  
Бирор кун имкон тонса, дарҳол ташланар сенга.*

Шунингдек, дўстлашган кишини яхши кўришда ҳаддан оп-  
маслик керак. Чунки ҳаддан ошиш хатога йўл қўйишга сабаб  
бўлади. Ҳар иккиси ўртасида меҳр-мухаббатнинг кўпайиб бо-  
риши тутаб қолишидан яхшироқдір. Ибн Сирин Абу Ҳурайра-  
дан келтирған ривоятда Расулуллоҳ соллаллоқу алайҳи васаллам  
шундай деганлар: «Яхши кўрган кишининг камрок яхши кўр.



Эҳтимол бир кун келиб уни ёмон кўриб қоларсан. Ёмон кўрган кишингни камрок ёмон кўр, эҳтимол бир кун келиб уни яхши кўриб қоларсан». Умар ибн Хаттоб розияшою анху деди: «Бирорни яхши кўришинг ҳаддан ошиб кетмасин ва бирорни ёмон кўришинг зиён-зарарагча етиб бормасин». Абул Асвад Дуалий деди:

*Яхшилик маъдани бўлгин, озор беришдан тийиз.  
Сен албатта қулмишинг кўриб эшиштевучисан.  
Яхши кўрсанг яхши кўр, ҳаддан ошиб кетмагин,  
Чунки билмассан, қачон низога боришингни.  
Ёмон кўрсанг, ёмон кўр воз кечмайдиган бўлиб,  
Чунки билмассан ҳали унга қачон қайтишингни.*

Адий ибн Зайд деди:

*Ёмон кўрганинг ўйи яқинлигидан бепарво бўлма,  
Яхши кўрувчи кипининг зерикаб узоқлашшидан ҳам.*

Дўстлашни ҳакларидан бири насиҳат қилинда жиддий бўлинни ва ҳар иккисига тааллукли ҳақларга риоя этиш керак. Зотан бу индида меъёрдан чикилса ҳам, кўн насиҳат қилиниб, ҳаддан ошилса ҳам, буни ҳаддан ошиш ҳисобланмайди. Ҳар икки дўстлигинг бор ва йўқ пайтдагисидан баробардир. Икковидан бири ишниг йўклигида ҳозир бўлган пайтдаги ҳолатидан яхшироқ ва авзорок эмас. Чунки бор пайтидан йўқ пайтидаги ҳолати устун келиши тубанликдир ва бор бўлишининг йўқ бўлишдан устун келиши карам ва ҳар иккисининг баробар бўлиши эҳтиёткорликдир. Шоирлардан бири деди:

*Зиммамда дўстларимни холис бир кузатувчи бор,  
Туну қуилар фано бўлар, у эса фано бўлмас.  
Бор пайтим ва йўқ пайтим менга уларни эслатар,  
Шунинг учун ёнимдагиси ҳам, ёнимда эмаси ҳам бир.  
Яқинимда турган дўстимни мақташидан уяламан,  
Агар мендан оғисда бўлса, унга жафо қилишидан ҳам.*

Шунингдек, ўз дўсти ҳолидан хабар олиш ва борди-келдида ҳам на камайтирмай ва на зиёда килмай ўртacha йўл тутади. Чунки ундан

хабар олишни камайтириш узоқлашынға, күпайтириш малолға сабаб бўлади. Найгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Хурайра розияллоҳу анхуға: «Эй Абу Хурайра, (дўстингни) камрок кўрсанг, шунча муҳаббатинг зиёда бўлади», дедилар. Лабид деди:

*Хар қуни бориб кўришидан ўзинги тийгин,  
Лагар бу ишине кўпайса, дўстини зерикуб қолар.*

Бошка бири деди:

*Дўстиниен камроқ кўр, кўрмасликни ҳам ҷўзма,  
Ташлаб ҳам қўйма уни, у ҳам сени ташлагай.  
Дўст ўз дўстининг олдиға кўп борса гар,  
Дўсти унинг тапирифидан малолға келдай.  
Ҳамто уни кўриб жууда шод бўлгандан сўнг  
Уни кўришини истамай қолганини кўрасан.  
Лагар киши ўз нафсини тийшида сусткашлик қиласа.  
Обрў-эътибори йўқолгай ва беписанд бўлар.*

Дўстига мана шунга кўра танбех берсин. Чунки кўп танбех бериш борди-келди узилишини келтириб чикаради. Бутунлай танбех бермай кўйиш ҳам ўз дўстининг ишига локайд карашга далилдир. Бир ривоятда: «Адоваглашини сабаби бир-бирига эътибор камлигидир», дейилган. Аксинча, дўстига танбех бериш билан танбех бермасликда ўртача йўл тутиш керак. Яъни бир-бирини тарқ этиши туфайли бир-бирига илтифот кўрсатади ва бир-бирига танбех бериш туфайли ҳар иккиси яхшиликка эришади. Илтифот кўрсатиш ва яхшиликка эришиш бирланшган жойда пафрат юзага келмайди ва бир-бирига муҳаббат ошади. Донишмандлардан бири шундай деди: «Ёмон кўриб қолмасликлари учун дўстларингга танбехни кўпайтирма». Мансур Намарий деди:

*Дўстлигига ўубҳа этсанг, кам танбех бергун.  
Танбех бериш билан муҳаббатга эришиб бўлмас.*

Банипор ибн Бурд деди:

*Агар ҳамма шиларни деб дўстингни итоб этсанг,  
Танбех берильмайдиган дўстни қайдан топасан?*



Нойқасини ўлаб бир-икки бор сув ичмасан,  
Ичадиган суви тоза одамни сен қайдан топасан?  
Елғиз яша ёки дүстүр билан борді-келди қыл,  
Албатта, у баъзан гуноҳ қылса, баъзан уни қымас.

Яна дүстларинің қылган хатони кесчириш, айб ва камчиликларини яшириш уларнинң ҳақи ҳисобланади. Чунки ким хатолардан холи ва нұқсони йүқ кишини истаса, иложи йүқ нарсаны истабиди ва иложи йүқ ишни талаб этибди. Донишманндар шундай дегандар: «Қайси олим хато қымас ва қайси килич түғри кесгай ва қайси от кокилмай қолмас». Дедилар: «Кимки хатоси йүқ дүстүн тоңишга уринса ва доимо ўзидан мамнун бўлиб юрадиган дүстни изласа, ўзини канча қийнамасип, борадиган жойидан олислаб кетадиган кишига ўхшайди». Холид ибн Сафвонга: «Дүстларинг ичидан қайси бири сен учун яхнироқ?», дейилди. У: «Хатоларимни кесчириб, узр айтсам, уни қабул қыладиган ва орзу-максадимга етказадиганидир», деди. Шоирлардан бири деди:

Дүстүм шиоңчини текшириб күрганим сайин,  
Текшириши оқибатида ағсус-надомат қылдим.

Рабийъ менга Шофсьий розияллоху анхунинг шеърини айтиб берди:

Дүстларим ичидан штоатлисииң яхши күраман,  
Хатоларимдин күз юмадиганиң яхши күраман.  
Қылмоқчи бўлган ҳар бир шашимда менга қўшилиб,  
Бор пайтим-у йўғимда эслайдиганиң яхши күраман.  
Шундайин дўст борми? Қани мен тона олсам уни?  
Топсам-у, шерик этсам яхшиликларимга уни.  
Дўстларимни синадим, гарчи улар кўн бўлса-да,  
Улар ичидаги экан шиоңчимга муносиблари.

Саълаб шеър айтиб берди:

Агар сен бир шини жуда ҳушёр қымасане,  
Юз ўгириб кетганида ушлаб қола бишмассан.  
Агар сен дўстини қылган хатоси билан  
Тек қўймасане, яқинидур ажратиб кетишларинг.

Асмай аъробийлардан бирининг шундай деганини хикоя килади: «Дўстларинг айб-кусуридан кўз юмсанг, сени дўст тутишида давом этишади». Адиблардан бири ўз дўстига шундай деб васият қилибди: «Агар дўстлик ҳакига риоя этувчи дўстни тоғмасанг, сен ўзининг унга риоя этувчи бўл. Агар алокани узмайдиган дўстни тоғмасанг, сен ўзининг уни узмагин». Иёдлик бир киши Язид ибн Мұхаллабга шундай деди:

*Дўстинг хато қылганида сен уни кечирмасанг,  
Демак, эртага хатоимни ҳам кечирмайсан.  
Ўз яқинингга яхшишинге етмай турганда  
Бошқа киши сендан уни қандай умид қиласин?  
Тоқатидан ортигига мажбурлаб дўстингга зулм этдинг,  
Ахир кишининг феъл-атвори табиий бўлади-ку??*

Разийнинг котиби Абу Масъуд деди: «Разийнинг мажлисида ўтирган эдик. Шунда бир кипни ўз дўсти устидан шикоят қилиб колди. Разий куйидаги шеърий айтиб берди:

*Гуноғлари бўлса ҳам дўстингни кечир,  
Айбларидан кўз юмсан, уларни айтма, яшир.  
Эси настнинг бўхтони-ю замонанинг  
Бахтесизлигу гамларига қилгин сабр.  
Эси настга жавоб бермай мурӯват қил,  
Зулм қилувчини эса Ҳаққа ҳавола қил.  
Билики, газаб келганида ҳизмли бўлмоқ  
Газаб билан иш қилгандан кўп яхшироқ.*

Хикоя килиншларича, Абдуллоҳ ибн Мутийънинг қизи эри Талха ибн Абдурраҳмон иби Авф Зухрий (ўз замонасида Қурайшининг энг саҳоватли кишиси бўлган. – тарж.) га шундай дебди: «Дўстларингиздан насткашрок кишиларни кўрмадим». «Бас кил! Нимага ушдай дейсан?», леди у хотинини койиб. Хотини: «Улар бой-бадавлат пайтингизда сиздан айрилмайди, камбағал пайтигизда сизни йўкламайди», деди. Эри: «Аллоҳга касамки, дўстларим олийжаноблиги туфайли бой-бадавлат пайтимиизда олдимизга келишиб, икром этининг ҳолимиз колмаганида келмай

туришади», деди. Қарантеки, ўз олий жаноблиги ва дўстлари бебурдлигини яхшиликка, ошкора хиёнатларини эса вафодорлик деб таъвил қилаётгир. Бу айни олий жаноблик ва соғф фазилатдир. Фазилат экалари ўз дўстларидаги айб-қусурларни ана шу тариқа таъвил килишлари керак. Шоирлардан бирин деди:

Бирор дўстингдан хато ўтиб қолганда,  
Сен унинг хатосига сабаб топгувчи бўл.  
Энг яхши ўнгит ёмон сўзларга қулок тутмас,  
Ҳар қандай ёмон сўздан ҳудди қулоги кардек.  
Калби тоза, ёмон ишларни қилгувчи эмас.  
Яхшиликдан тийизламас, ёмон сўзларни демас.

Бундай таъвилга икки нарса сабаб бўлади: фаросатли кишидек ўзини эшитмасликка олиш ва вафоли кишидек яқин бўлиш. До нишмандлардан бирин деди: «Дунё ишларининг кўпини факаттана билмасликка олиш туфайли амалга ошганини кўрдим». Аксам ибн Сайфий деди: «Ким (дўстларига) қаттиқўл бўлса, уларни ўзидан бездиради. Ким мулоийим ва юмшоқ тутса, дўстлашади. Улуғлик камтарликдадир». Шабиб ибн Шайба деди: «Акл-идрокли киши ўзини билмаганига соладиган фаросат эгасидир». Тоий деди:

Нодон одам қавми ичра улуг бўлмас,  
Алмо улуг бўлар ўзини нодон тутган.

Абул Атоҳия деди:

Одамлар орасида дўстлигига нуқсони йўғи  
Ва садоқатлиси жуда камдан-кам топтилар.  
Нуқсони бўлса-да, одамларга имконинг қадар,  
Муомала қил, йўқса, бирон дўст топмайсан.  
Агар узрларни қабул қизмайдиган бўлсанг,  
Хатони афф этмайдиган бўлсанг, ёлғиз яшагин.  
Бизлар бир ота-ю бир онадан яратилганимиз,  
Бироқ мол борасида кундошларининг болаларимиз.

Бугзу адоватдан узоклаштириб, меҳр-муҳаббатига мойил киладигапларни деб душманларининг дўстта айланиси бу фасл-

пинг давомида баён этилади. Бу нарса яхшилик килишинг бир неча турларидан иборат бўлиб, ҳоятлар хар хил бўлишига қараб ўзгариб туради. Албагта, бу нарса фазилат аломатлари ва раҳбарлик килиш шартлари жумласидандир. Чунки душмани ва ҳасадгўйи тошилмайдиган бирон кимса йўк. Пеъматнинг кўпайиб боради. Бухтарий айтанидек:

*Агар ҳасадгўй сенга ҳасад қўймаганида эди,  
Пеъматнинг қафрини ҳаётда ҳарғиз билмасдинг.*

Несъмати мўл-кўл ва ҳасадгўйлари бўлса ҳам, душманларни дўстга айлантиришга локайл қараса, улардан ақллисисининг макру хийласи ва настканилари ғазаби туфайли унлаги неъмат азобга, бошлиқлик маломатта айланади. Ибн Мусаййаб Абу Хурайра розияялоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулулоҳ соллаялоҳу алайҳи васаллам: «Ақлнинг боши Аллоҳ таолюга имон келтиришдан кейин одамлар меҳр-муҳаббатини қозопицдир», дедилар. Сулаймон иби Довуд алайҳимассалом ўғлига деди: «Дўстнинг мингта бўлса ҳам кўн деб ўйлама, зотан, мингтаси ҳам оз. Душманинг бигта бўлса ҳам оз деб ўйлама, зотан, биттаси ҳам кўп». Иби Румий ана шу маънони олиб назм битган экан:

*Мумкин қадар дўстларни кўпайтири, негаки.  
Ёрдам сўрасанъ сирдоши ва кўмакчиг бўлар улар.  
Мингта бўлса ҳам дўсту оғайни зарар қўймас,  
Биттасина бўлса- да, душманинг кўплик қиласар.*

Абдулмалик иби Марвондан: «Сен подиоҳ бўлиб нима фойда тоидинг?», деб сўраганиларида: «Одамлар меҳрини тоидим», деб жавоб берди. Донишмандлардан бири: «Мардларни танланш баҳтининг аломатидандир» деди. Баюғат сохибларида бири деди: «Кимки ўз душманини яхши деб хисобласа, уларнинг сони кўпаяди. Кимки ўз дўстини ёмон деб хисобласа, уларнинг сони камаяди». Адиблардан бири деди: «Ичидағи адоватини сиртига чиқармай юрган окилни кўйиб, ўзини дўст қилиб кўрсатадиган жохилни танлайдиган кишига ҳайронман. Ваҳоланки, ўзининг яхши ишлари ва пеъматлари ёрдамида ўзига аловати бор киши-



ни тузатиб олишга қурби стади». Абдуллоҳ ибн Зубайр араблар айтган барча ганлар маъносини ўзида жамлаган уч байтни ўқили. У байтлар (нинг бири) Афваҳники бўлиб, унинг исми Салоат ибн Амрдир. У шундай деган:

Одамларни ҳар вақт имтиҳон қилиб кўрдим,  
 Алдамчию хушомадгўйдан бошиғасини кўрмадим.  
 Ҳамма нарсанинг аччиғини татиб кўрдим, аммо  
 Тиламчиликдан аччикроқ таъмини топмадим.  
 Кишилар адоватидан кўра қўрқинчлироқ  
 Ҳамда қаттиқроқ мусибатни кўрмадим.

Қози Танухий деди:

Душманни қарши ол ҳўмраймаган юз ила,  
 Ундан табассумлар томчилаб турсин.  
 Энг ақлини одал ўз душманин қарши олар  
 Адоват жисимю муҳаббат либоси билан.  
 Юмиюқлик баҳт эрур, сўзининг яхинси ростидир,  
 Ҳазил-мазахнинг кўти эса адоват қалитидир.

Рабийъ менга Шофеъий розияллоҳу анхунинг шеърини ўқиб берди:

Ҳеч кимсага кек сақламай кечиб юборган эдим,  
 Ўз жонимга роҳат бердим, адоватлар гамидан.  
 Душманимни кўрганимда салом бераман,  
 Салом бериб ёмонлигин даф қизай деб ўзимдан.  
 Ёмон кўрган одамимга кулиб қараиман,  
 Гўё қалбим муҳаббатга тўлиб кетсандек.  
 Одамлар дард, уларга яқин юрмоқ уларнинг давоси,  
 Улардан узлатда юрмоқлик меҳр-муҳаббатни йўқотар.

Агар душманларни дўстга айлантирингга буюрилиб, якин бўлиши тавсия этилган бўлса-да, уларга мойил бўлиб, ипониб қолиш дуруст эмас. Аксинча, улардан эҳтиёт чорасини кўриб, макр-хийлаларидан сақланни керак. Чунки душманлик табиатларда қаттиқ ўрнашиб қолса, ўзгармас табнат ва зойил бўлмайдиган хулқ-атворга айланади. Дўстлашишда дўстликни намоён

килиш билан кифояланади ва бу билан унинг заарларини ўзидан узоқлаштиради. Худди оловга ўхшабки, агар у зойил бўлмайдиган табиати ва ўзгармас жавҳари туфайли куйдирувчи бўлса-да, сув ёрдамида куйдириши четлатилиб, сувни қайнатишда фойдалапилади. Шоир деди:

*Душмандан ожиз бўлсанг, у билан муроса қил,  
Ҳазил-мутойиба қил, албатта у шунга ҳақли.  
Зеро, олов ўзининг зидди бўлмиш сув сабабли  
Табиати куйдириши бўлса-да, ўз мевасин берар.*

## ФАСЛ

Яхшилик бирланиш сабаблари ичидаги бешинчисидир. Чунки шу яхшилик туфайли қалбларда мудойимлик ва меҳроқибат пайдо бўлиб, хайриҳоҳлик ва муҳаббат зиёда бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларни яхшиликда ўзаро ҳамкорлик қилишга ундан, уни тақво билан боғлаб шундай деди: «**Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг**» (Моида сураси, 2-оят). Чунки тақвода Аллоҳ таолонинг ризоси бўлса, яхшилиқда одамлар розилиги бор. Ким Аллоҳ таолонинг ризоси билан одамлар розилиги ўргасини бирлаштиурса, улкан баҳтга эришиб, (дунё ва охират) неъматини тонибди. Аъмаш Хайсамадан, Хайсама Ибн Масъуддан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайхиссаломнинг: «Қалб хилқатида ўзига яхшилик қилганларни яхши кўриш ва ўзига ёмонлик қилганларни ёмон кўриш мавжуд», деганларини эшитган эдим», дейилган. Ҳикоя қилинишича, Аллоҳ таоло Довул алайхиссаломга шундай ваҳий юборибди: «Мени яхши кўришлари учун бандаларимга қилган яхшилигимни эслат. Чунки улар ўзларига яхшилик қилган кишидан бошқаларни яхши кўрмайдилар». Абул Ҳасан Ҳошимий менга шеър айтиб берди:

*Одамларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг сояси остидаги фақирлар,  
Улар ичидаги энг суюклиси ўз аҳлига яхшилик қилувчидир.*

**Яхшилик икки хил бўлади: мукофот (ҳадя) ва хайрли амал.**



**Аммо мукофот** (хадя) ҳақли жойларға бирон әвәзсиз моли-ни сарфлашыр. Бунга уни нағс олий жаноблиги ва хайр-саҳовати ундаиди. Аммо шағсаның баҳиллиги ва итоатсизлиги ундан қайтаради. Аллох таоло деди: «**Ким ўз нағсаның баҳиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир**» (Тағобун сураси, 16-оят).

Мұхаммад ибн Иброҳим Таймий Урва ибн Зубайрдан келтирған ривоятда Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам: «Сахий кини Аллоҳ азза ва жаллага яқиндір, Жаннатга яқиндір ва одамларға хам яқиндір, бирок Дўзахдан узокдір. Баҳил киши Аллоҳ азза ва жалладан узокдір, Жаннатдан узокдір, әдамлардан хам узокдір, бирок Дўзахга яқиндір», дедилар. У зот Адий ибн Ҳотимға дедилар: «Сахий бўлгани учун отанғдан Аллоҳ таоло қаттиқ азобни кўтарди», дедилар. Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам кизганчик деб эннитганларида Зубайрининг салласидан тортиб: «Эй Зубайр! Мен Аллоҳнинг сенга ва сендан бошқаларга юборган өлчисиман. У Зот: «Агар инфок қилисанг, инфок қиласман. Агар баҳиллик қилисанг, баҳиллик қиласман», дейди», дедилар. Абу Дардо: Расулуллоҳ: «Күёши ботмаган бирор кун йўқки, унда икки фаришта: «Эй Аллоҳ! Инфок қилгувчига әвазини бергин ва мумсикка талафот етказгин», деб нидо қилмасалар», дедилар», деди. Бу ҳақла Куръонда шундай оят нозил бўлган: «**Аммо кимки (ато) берса ва тақво қилса. Ва гўзал (сўз) ни тасдиқ қилса. Бас, Биз уни осонга муюссар қиласмиз. Аммо кимки баҳиллик ва истиғно қилса. Ва гўзал (сўз) ни ёлғонга чиқарса. Бас, Биз уни қийин-га муюссар қиласмиз**» (Лайл сураси, 5-10-оятлар).

Ибн Аббос розияллоху анхумо деди: «Яъни ким ҳақли жойга берса ва қайтарилигтан ишда тақво қилса, хусно (гўзал оқибат) ни тасдиқласа, яъни бергани әвазига (ажр-савоб) борлигини тасдиқласа». Мана шу оят тағсирин хусусида Ибн Аббос розияллоху анхумо шундай деган: «Одамларнинг бу дунёдаги улуғлари сахийлари ва охиратдагиси тақводорларидир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилади: «Жувд (сахийлик) мавжуудан (олинган)». Бир масалда шундай дейилган: «Саховатсиз хожалик лашкари йўқ подшохлик кабидир». Донишмандлардан бири: «Сахийлик мол-

дунёнишг кўрикчисидир», деди. Адиблардан бири деди: «Кимниң қўли очик бўлса, улуф бўлади ва ким инъомини қўйайтирса, улутлиги зиёда бўлади». Фасоҳат соҳибларидан бири деди: «Саховатли бўлинн кишини рақибларига суюкли килиб, баҳиллиги уни ўз фарзандларига ҳам ёмон кўрсатиб қўяди». Фасоҳат соҳибларидан бири деди: «Молларнинг энг яхшиси (эҳсон кизиш билан) озод одамии асир қилиб оладигани ва амалларнинг энг яхшиси раҳмат айтишга арзийдиганидир». Солиҳ ибн Абдулкулус деди:

*Кишини айдин одамларга баҳиллиги онкор айлар,  
Саховати эса кўндан-кўп айларини янишар.  
Сен саховат либосин кий, чунки мен қўрайтманки,  
Ҳар қандай айб-нұқсаннинг саховатдан либоси бор.*

Сахийлик ҳадди муҳтож вақтда керакли нарсани берини ва имконига караб ҳақли деб хисоблаган кишидан уни кизганимасликдир. Бунинг тадбири осон әмас. Эҳтимол у сахий деб ном қозонишибни ёктириб, ҳаддини инкор этадиган, инъом-тухфа тақдирини баҳилликнинг бир тури деб, сахийликни бор нарсанигина беришдан иборат дейдиган кишидир. Бу эса фазилатлар ҳаддини билмасликка олиб борадиган тақалуфдир. Агар сахийлик ўзидағи мавжуд нарсани берини бўлса, албатта сарфлану учун жой қолмасди ва истроф учун мавке бўлмасди. Китоб (Куръони карим) бу иккисиши мазаммат қилиб, Суннат бу иккى ишдан қайтарди. Агар сахийлик маҳдуд (чекланган) бўлса, демак, унинг ҳаддида тўхтаган киши карим деб аталади ва мактоворга мустаҳиқ бўлади. Аммо бу ҳаддан камайтирган кишини баҳил дейилиб, у мазамматта мустаҳиқдир. Аллоҳ таоло шундай деган: «**Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага баҳиллик қилишлар буни ўзларига яхшилик деб хисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни баҳиллик қилишган нарсалари ила бўйинлари ўралур**» (Оли Имрон сураси, 180-оят).

Ривоятга кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Аллоҳ таоло Ўз иззати ила касам ичиб, баҳилни асло қўшни тутмаслигини айтди», дедилар. Яна Набий алайҳиссалом: «Сахий кишининг таоми даво ва баҳилнинг таоми дарлдир», дедилар.



Расууллоҳ соллаллоҳу алайхі васаллам бир кишининг «Бахил киши золимдан яхцироқдир», деганини эшитиб: «Аллоҳ баҳилни ва золимни лаънатлади», дедилар. Доңищмандлардан бири деди: «Бахиллик қашшоқлик кўйлагидир». Адиблардан бири: «Бахил одамнинг дўсти йўқ», деди. Балоғат соҳибларидан бири: «Бахил киши ўзидаги исъматнинг кўриқчиси ва ворислари хази-набонидир», деди. Бир шоир шундай деди:

*Бахиллик ила молингни ушлаб тургувчи бўлсанг,  
Сен унинг хазинабони ва қўриқчисидир.  
Молингни бир кун раҳмат айтмайдиганга топишрасан,  
Қабрда ётганингда у молингни ейди бемалол.*

Шон-шуҳрат эгаларидан бири ўзи баҳиллик бўла туриб, мақтov эшитишни яхши кўришини билдириб қўйди. Шунда бир шоир унга деди:

*Яхии деб мақтасиларини ўйлаб, умид қисурсан,  
Аллоҳ буни баҳилга насиб этмаган асло.  
Озгина нарса бериб, кўп миннат қиласидиган –  
Очофат одам қандай қилиб удузлик даъво этсин?*

Мактovни ва молни яхши кўришни баёни этдик. Чунки мактov инфок-эҳсон қилишга ундаса, молни яхши кўриш эса ундан тўса-ди. Аммо ҳар иккиси (мактov ва мол) ни яхши кўриш зоҳир бўлса, мактovни яхши кўриш ёлғон бўлиб колади. Шоирлардан бири деди:

*Ўртасида ақял ҳайрон бўлиб қолган икки шини жамладинг:  
Подиоҳлардаги магрургигу қуллардаги ахлоқни.  
Яхшилик ва хайр амалсиз раҳмат эшиятсан дейсан.  
(Бу билан) ҳеч ким тутмаган бир ўлни тутдинг.  
Ўйлайсанки, шаънингга бирон ҳақорат айттилмаган,  
Кўраманки, ҳеч вақт сўкулмасдан қолмаясан.  
Агар ҳурматингни оширадиган молга эришсанг ҳам,  
Аҳмоқликдан бошқа нарсага эришимаган бўласан.*

Шуни яхши билиш кераки, баҳилликдан ёмон хулқлар пайдо бўлади, агар у ёмон деб кўрилган тўртта хулқа сабаб бўлса: ха-рислик, очкўзлик, бадгумонлик ва ҳақларни бермаслик.



Харислик мол талабида қаттық маңаққат ҳамда истрофға йүл күйишідір. Очкүзлик кифоя әтадиган миқдорни кам күриб, хожатдан ортигини күңгайтиришідір. Харислик билан очкүзлик ўртасидаги фарқ ана шу. Ало ибн Жарир отасидан, у Солим ибн Масруқдан келтиріган ривоятда Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам: «Кім тирикчиликдан ўзига кифоя миқдорига қаноат қылмаса, модомики ҳаёт әкаи, ўзипи беҳожат киладиган нарасага әриппабди», дедиілар. Донишманндардан бири деди: «Очкүзлик пасткашлик турларидан биридір».

Балғумошлик ишончли деб тан олинған кишига ишонмаслиkdir. Агар у Холик Зотға нисбаган бўлса, залолатга олиб борадиган шубха-гумонга айланади. Агар у маҳлуққа нисбатан бўлса, ишонч йўклиги туфайли ўта хоин ва алдамчига айланади. Чунки инсонда ўзидан бошқага нисбатан гумон ўз нафсида нимани кўрса, шунга караб бўлади. Агар ўз нафсида яхшиликни кўрса, бошқаларни ҳам шундай леб ўйлайди. Агар унда ёмонликни кўрса, одамларда ҳам шуни бор, деб билади. Маколда: «Қозонда бори чўмичга чиқади», дейилган. Юкорида «Эҳтиёткорлик бадгумонликдір», десе келтирилган донишмандлар сўзининг таъвили шуки, одамлар ҳакида ёмонлик эътиқод кизиш эмас, уларга камрок ишопишлир.

Аммо ҳакларни бермаслик баҳилнинг нафси яхши кўрганидан жудо бўлиш туфайли яхши бўлиб қолмайди ва талабидаги нарсани тарқ қилишга бўйсунмайди. Бас, у ҳакқа бўйсунмайди ва инсофга келмайди. Агар баҳил киши айтиб ўтилган ёмон хулқлар ва ярамас сиғатлардан кутулмаса, унда умид қилинадиган бирор яхшилик ва на кутиладиган эзгулик йўқ.

Аммо истроф ва совуришда саховат ҳаддидан ошғаш киши истрофгар ва совурувчи бўлиб, у ёмонланинг муносибдир. Аллоҳ таоло шундай деган: **«Ва истроф қылманилар. Албатта, У истроф қилгувчиларни севмас»**(Анъом сураси, 141-оят).

Ривоят килинишича, Пайғамбар соллаллоху алайхі васаллам: «Тежаган киши кашшоқ бўлмайди», дегашлар. Маъмун раҳимаҳуллох шундай деди: «Истрофда яхшилик йўқ ва яхшилик-





да истроф йўқ». Донишмандлардан бири деди: «Тежамкорлик кишининг дўсти, истроф унинг душманидир». Балоғат соҳибларидан бири деди: «Иstrof бор жойда мол кўнаймас ва хунар бор жойда мол камаймас».

Билгилки, истроф билан совуришнинг маънолари баъзан бирбиридан фарқ килади. Истроф ҳақлар микдорини билмаслиkdir, совуриш эса ҳақларнинг жойларини билмаслиkdir. Ҳар иккиси хам дуруст эмас. Совуришнинг ёмошлиги кўпроқdir. Чунки истрофгар кўп бериб юбориб, хатога йўл қўйса, совурувчи билмаганидан адашади. Ҳақларнинг жойларини ва ўз молининг микдорини билмаган ва уларни потутри бажарған киши худи ўз ишида уларни билмаган ва ноҳакликка йўл қўйган кишидек йўл тутади. Шунигдек, бундай киши совуриш туфайли бир нарсани ўз ўрнидан бошқасига кўйгандеклир. Шундай килиб, бундай киши шу амали туфайли ўз мавқсидан узоклашади. Чунки мол ҳар доим талаб этилган жойга берилишдан кам бўлади. Муовия розияллоҳу анху шундай деган: «Ҳар бир истроф қаршисида зос кеткизилган ҳақ бор». Донишмандлардан бири деди: «Лозим бўлмаган нарсани бериш билан лозим бўлган нарсани бермаслиқда йўл қўйилган хаго бирдир». Суфён Саврий розияллоҳу анху деди: «Ҳалол мол истрофни кўтармайди». Ўз қўлидаги нарсани бериш билан сахийлик тўлиқ бўлмайди, тоинки нафси бошқалар қўлидаги нарсадан сахий бўлмас экан. Агар шундай бўлмаса, у талабга юзланиб, тама килишдан тийилмайди.

Ҳикоя килинишича, Аллоҳ таоло Иброҳим Халилуллоҳга вахий юбориб шундай дебди: «Биласанми, сени нима учун халил (дўст) килиб танладим?». У киши: «Йўқ, эй Роббим», дедилар. Аллоҳ таоло: «Беришни яхши кўриб, олишни ёмон кўришининг билгасим учун», дебди. Саҳл иби Саъд Соъидий розияллоҳу анху ривоят килиб деди: «Бир кинни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам яхши кўрадиган бир амални менга буюринг», деди. У зот: «Дунёдан юз ўтиранг, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсадан юз ўтиранг, улар сени яхши кўради», дедилар. Айюб Сахтиёний деди: «Токи кишида икки

хислат бўлмаса, бошқалардан афзал бўлмайди: одамлар молидан ўзини тийин ва улар (айби) ни кечириши». Суфёнга деди: «Дунёдан юз ўтириши нима дегани?». «Одамлар(нинг кўлидаги нарса)дан юз ўтиришдир», деди. Кисро ўгли Ҳурмузга шундай деб мактуб ёзди: «Эй ўғлим! Берадиганинг кўп бўлса ҳам, уни оз хисобла ва оладиганинг оз бўлса ҳам, уни кўп хисобла. Чунки улуғлар бир нарсани бериш билан қувонса, пасткашлар кўпроқ олиш билан курсанд бўлади. Бахил одамни ишончли, ёлғончиши ҳур ва эркин деб ўйлама. Чунки баҳиллик бор жойда иффат, ёлғончилик бор жойда муруват бўлмайди». Донишманлардан бири деди: «Саховат икки хил бўлади. Энг яхшиси бошқалар кўлидаги нарсадан юз ўтиришингдир». Балоғат сохибларидан бири деди: «Саховат ўз молингни инъом килишинг, ўзганинг молидан сақланишингдир». Солиҳлардан бири деди: «Сахийлик зоҳидлик самарааси ва зоҳидлик сахийлик самараасидир». Шоирлардан бири деди:

*Агар шарафлининг нафси шарафли бўлмаса,  
Агар даражса эгаси бўлса ҳам у шарафсиздир.*

Бериш икки хил бўлади: биринчиси, бир нарсани сўралмасдан олдин бериши. Иккитчиси, бир парсани сўралганидан кейин бериш. Сўралмасдан олдин берадиган киши саховат тарафидан қаралса, иккисидан табиийроги ва яхисидир. Али каррамаллоҳу важҳаҳудан инъом хакида сўраганларида: «Сўралмасдан олдин берилган нарса саховат, сўралганидан кейин берилса, хаёв ва карамли бўлишдир», деди. Донишманлардан бири деди: «Энг катта ҳадя сўралмасдан олдин берилганидир». Шоирлардан бири деди:

*Молу дунёси йўқ йигит,  
Муруватдан холи эмас.  
Сен сўрамай сенга бериб,  
Хижсолатдан сени қутқарар.*

Беришнинг бу турида тўққизта сабаб мавжуд:

**Биринчи сабаб**, бартараф этишига иложи етадиган етишимовчиликни ва ёрдам бериш кўлидан келадиган йўқчиликни кў-



рии. Бас, унинг диёнати агар буни ўзига карз деб билса, савоб умидида ва агар карамли бўлса, раҳмат эшитиш умидида уни ислоҳ этиб, хожатини чикаришдан бошқасига рози бўлмайди. Абул Атохия деди:

*Одамлар ўзи учун ишлайдиган «асбоб»дан бошқа эмас,  
Яхшилигү ёмонликнинг ҳаммасини қилгайдир у.*

**Иккинчи сабаб**, ўз молида ҳожатидан ортиқчасини ва қўлида кифоя этганидан зиёда нарсани кўришидир. Шу боис фурсатни ғанимат билиб, уни ўзи учун тайёрлаб кўйилган захира ва яна доимий ғанимат бўладиган жойга беради. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ деди: «Молини бермай, ўзини улуғлашга мажбур қилган киши сенга инсоф қилмабди». Ҳинд бинти Хассга: «Сенинг учун энг улуғ инсон ким?», лейилганда «Ҳожатим тушган одам», деди у. Шоир деди:

*Эгасига мақтov келтирган мол зое кетмас,  
Аммо баҳилнинг моли зое кетгайдир аниқ.*

**Учинчи сабаб**, фаросати туфайли диққатни тортадиган таъриз (қочирим сўз) ва олийжаноблиги сабабли далолат қиласидан ишорани сезишdir. Шунинг учун бундай кишида олийжаноблик бепарво бўлишга ва ҳаёси тийилиб туришга йўл кўймайди. Ҳикоя қилинишича, бир киши ҳокимлардан бирига йўлда ҳамроҳ бўлибди. Йўлда ҳоким унга: «Аравага қўшиган отинг бунча ҳам ориқ», дебди. «Унинг ҳоли ҳам бизникига ўхшайди», дебди киши. Очикдан-очик сўраш билан етказа олмайдиган истагини таъриз (қочирим сўз) билан етказди. Шунинг учун Аксам иби Сайфий: «Саховат гўзал фаросат ва тубанлик ёмон бепарволикдир», деган. Ҳикоя қилинишича, Убайдуллоҳ иби Сулаймон Мұтазид биллахнинг вазири бўлгач, унга Абдуллоҳ иби Абдуллоҳ иби Тоҳир мана бу шеърни ёзиб юборган экан:

*Замонамиз бизларга ёрдам берини хоҳламади,  
Бизлар яхши кўриб, ҳурмат қиласидиган кишига ёрдам берди.*



Мен унга дедим:

*Уларга берадиган неъматинени тўқис қилиб бер!*

*Бизни қўяйвер, чунки зарур иш отдин қилиншии керак.*

Шунда Убайдуллоҳ: «Мақтov баробарида ўз ҳолини англатा олиш қандаям яхши», деб, унинг ҳожатинираво қилибди. Шоирлардан бири деди:

*Кимнинг нафси ўзига-ўзи эслатма бериб турмаса,*

*Ёрдам сўрайдиганлар талабини ўзига оғир олур.*

**Тўртингчи сабаб**, ўзига қилинган бир яхшилик риояси ёки шу яхшиликка яраша жазо-мукофотни деб сахий бўлишдир. Ё фахр-ифтихор ва ё шукр маъносига ўз зиммасидаги ҳакни ўз хоҳишига кўра адо этишни маъкул кўради. Буни миннатдан қутулиш, ё эҳсон ва унинг қулигидан халос бўлиш ниятида амалга оширади. Донишмандлардан бири: «Эҳсон асирикдир. Унга яраша жавоб бериш озодликдир», деди. Абул Атоҳия деди:

*Одамларнинг ёрдамлари менга бойлик эмасдир,*

*Менга қилинган яхшилик асирикдан оғирдир.*

**Бешинчи сабаб**, бир нарсани бериш орқали ўзига итоат этиш ва ўзини улуғлашни қарор тонтиринини устун қўйишидир. Бунда киши ўзи яхши кўриб турган ва талабига қаттиқ киринган бошликлекни мустаҳкамлашни мақсад этади. Бир шоир деган эди:

*Бошлиқликни севмоқ давоси йўқ дард эрур,*

*Қисматга розиларни сиз жуда кам топасиз.*

Шунинг учун одамларнинг буидай кишига ихтиёран ёки хайриҳоҳлик ила итоат этиши оғир бўлади. Адиллардан бири: «Инсон яхшилик билан боғлаб олинади», деган эди. Балогат соҳибларидан бири деди: «Ким ўз молини сарфласа, ўз орзуларига эришади». Шоирлардан бири деди:

*Машақат тортмасдан бошлиқ бўлмоқчимисан?*

*Дам олиб ётган баҳил қандай ҳам хожса бўлсин?*



**Олтинчи сабаб**, бир нарсаны бериш билан душманлар ҳамласини даф этиши ва хусуматчилари нафратидан қутулишидир. Шу тарика хусуматдан кейин унга ёрдам берувчига ва адовандан кесин дүст-биродарга айланадилар. Бу ор-номусни саклаш, ё шаррафни химоя этиши учун бўлади. Абу Таммом Тоий шундай деган:

*Юзланувчи бир пайтда шарқ ва гарбса қарай олмас,  
Шараф эса киши қўлдаги дирҳамлар эмас.  
Ҳақлари адo этилган яхшилик каби кўрмадим  
Кавмлардаги қарзларни. ҳолбуки, улар ганимат-ўлжалар.*

Адиблардан бири деди: «Ким кўпроқ фойда етказса, дўстлари уни улуғлайди».

**Еттичинчи сабаб**, олдин қилиган яхшилигини кўпайтириши ва олдин берган неъматини саклашидир. Буни олдинги берганини унугуши ёки зое бўлмаслиги учун қиласди. Чунки охири тўхтаб колган яхшилик зос кетади ва эътиборсиз қолган эҳсон унугулиди. Шоир шундай деди:

*Яхшилик қилиб бир кишига белги қўйдим-да, ташлаб қўйдим.  
Нарсалар ичида энг яхшиси яхшиликлар эгасидир.*

Мухаммад ибн Довуд Асбаҳоний деди:

*Менга инъом этиб, ҳурмат қилишимни вожиб этдинг.  
Бас, яна марҳамат қил, зотан бу иш мақтоворга лойиқ.*

**Саккизинчи сабаб**, яхши кўриш туфайли молидан кўра маҳбубини афзал кўради. Шунинг учун маҳбуби нимани сўраса, уни қизғанмайди ва хоҳинини чекламайди. Буни ўз наздида энг роҳатли ва онг ёқимли лаззатни деб қиласди. Чунки нафс ўз маҳбубига кўпроқ интилиб, у томонга ошикувчиidir. Шоир шундай деган:

*Олдингга атайлаб келмадим, аммо ошиқ кишининг  
Оёги унинг қалби хоҳлаган томонга олиб борадур.*

Бу хайр-эҳсон қисмларига кирмаса-ла, саховат ҳадидан чикувчиidir. Бешинчи ва олтинчи сабаблар ҳам шунга ўхшайди. Уларни хайр-эҳсон килиш қисмларига киргани учун айтиб ўтдик.



**Тұққизинчи сабаб**, бу сабаб әмас, балки уни сабаб бўлганидан бошқаси учун қилишдир. Бу саховати ундағи хислат бўлиб, табиатан шунга мойил қилиб яратилган туғма хусусиятидир. Шунинг учун у ҳақдор билан маҳрум ўртасини ажратмайди, яхши билан ёмон ўртасини фарқламайди. Бир шоир айтганидек:

*Умид қилиб ё қўрқиб сенга эҳсон қиласмайди у,  
Аммо ҳайр-эҳсоннинг таъмидан лаззатланар.*

Одамлар бунга ўхшаш хусусида саховатга мансуб, деб мақталадими ёки саховатдан чиқди, деб мазаммат қилинадими, дея ихтилофга боришиди. Бир тоифа бу айни сахий кишининг одати ва қўли очик одамнинг карамидир. У саховати туфайли макталишга ва саховат эгаси дейишлишга ҳакли кишидир, дейди. Абу Таммом деди:

*Ҳур киши обрўсининг кетмогига кифоя сабаб,  
Бесабаб ҳур кишидан эҳсон сўрамоқликдир.*

Ҳасап иби Сахл деди: «Мен ҳақдор кишига эҳсон килсанги на карздор кишига яхшилик килгандек бўламан». Бир ривоятда: «Шараф ҳаддан оширишдадир», дейилди. Унга: «Ҳаддан оширишда яхшилик йўқ», дейилди. У: «Яхшилик қилинида ҳаддан онини йўқ», деди. Фазл иби Сахл деди: «Ўзидан юқоридаги Зотдан умид қилган кишининг ўзидан настдаги кипини кандай килиб маҳрум килиши мени ажаблантиради». Башшор деди:

*Одамларнинг ҳаммасидан икки оғайининг бор холос,  
Улардан сахийси бор ва қўли юмуқ баҳили бор.  
Қўлингдан келганича очик қўл бўл, чунки  
Мол кўпайиб камаяр, матоматчилар сени тўсар.*

Бошқалар дедилар: Бу мақталган саховатдан мазаммат қилинган иероф ва ноўрин сарфлашга ўтиб кетади. Чунки бирон сабабсиз бўлса, ҳайр-эҳсон бермаслик ҳам сабабсиз бўлади. Чунки мол ҳақдорларидан кўра кам ва вожиб бўлган ишларни адо этишдан ожиз. Шунинг учун ҳакли бўлмаган одамга берса, ҳаклисини бенасиб қолдириши мумкин. Ҳақли одами маҳрум этиш



туфайли етадиган мазаммат ҳақли бўлмаган одамга бергани учун олган мақтовидан кўирок бўлади. Ишлари фарқлангиз содир бўладиган ва бесабаб вужудга келадиган кишининг мазаммат қилиниши сенга етарлидир. Аллоҳ таоло шундай деган: «**Қўлингни бўйништа боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма. Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин**»(Исро сураси, 29-оят).

Демак, баҳиллик килган ҳолда қўлни юмиб олишдан қайтарганидек, истроф килган ҳолда қўлни очиб юборишдан ҳам қайтарди. Бу ҳар иккала амал баробар мазаммат қилиниши ва ҳар иккисини тўғри дейишда маломат борлигига далолат қиласи. Шоир шундай деган:

*Молу дунё бизга келарди ҳар ёқдан,  
 Уни аҳмоқларча истроф қиласар эдик биз.  
 Аммо молу дунё биздан юз ўсирганда  
 Ортиқча молимиз йўғида кирди ақтимиз.*

Айтадиларки, агар бир нарсани бериш ва ундан маҳрум этишга сабаб бўлмаса, маҳрум этилган нарсанинг мазаммати ва хайр-эхсон ато этилган нарсанинг шукри оз бўлишига олиб келади. Аммо маҳрум қилишган нарсани саховат эгаси ҳақлордан кўра бошқаларга беришни афзали билди. Хайр-эхсон қилинган киши буни тасодифан учратиб, шу тасодиф туфайли кўпроқ нарсани умид қиласи ва у мазаммат қилиниши ҳамда ношуқрликка олиб келади. Иккисидан бирига олиб борган нарсада умид қиласа бўладиган яхшилик йўқ. Аслида у сақланиладиган ёмонлик бўлишга муносиброқдир. Шу каби ҳаммани маҳрум қилиш ҳаммани рози этиш бўлади. Шунинг учун бўлишидан кўра бўлмагани маъқулроқ деб қараиган хайр-саховат очиқ-ойдин йўқотишдир. Агар бериш ва хайр-саховат сўраш ва талаб килишдан келиб чиқса, унинг шартлари икки жихатдан эътиборлидир. Биринчиси, сўровчи кинида ва иккинчиси сўралган кишидадир. Аммо сўровчи кишида эътиборга олинадиган нарсалар уч шартдан иборат:

**Биринчи шарт**, сўраш бир сабаб учун ва талаб мувжиб (вожиб этувчи) учун бўлишидир. Агар у зарурат учун бўлса, ундан нокулайлик кўтарилиб, таъна соқит бўлади. Донишмандлардан бири шундай деган: «Зарурат суврат (бет) ни қотиради». Бир шоир деди:

*Огоҳ бўлингки, Аллоҳ заруратни ёмонлар,  
Чунки У бойларни фақирлар устида масъул қилар.  
Бадавлатлик қандай яхшиидир, чунки у  
От минмасдан ўзганларни кўрсатар.*

Кумайт деди:

*Найзалиарнинг учларидан бошқа улов йўқ бўлса,  
Муҳтож одам учун уларни минмоқдан ўзга фикр йўқ.*

Агар зарурат кўғарилса, ҳожат икки ишдан авлорок бўлмаганига чакирса, гарчи бўлмаслиги жоиз бўлса ҳам, мусомаҳат (олижаноб, илтифотли) нафс ҳожатни қондиради, ўз соҳибига сўраш учун изн беради ва ҳолатни тўғри қиласидиган нарсани эътиборга олади. Агар ўзига хорлик етиб, заифлик етса ҳам эҳтиёж соҳиби қандай бўлишини Бухтарийшиг мана бу сўзи тушунтиради:

*Баъзан ёмон шилар яхши шиларга  
Ўхнаши топилмас сабаб бўлгайдир.*

Мусомаҳат нафс ҳимояни талаб қиласи, покликни сақлайди, ўз сабрига яраша мусибатга ва ўз тоқатига яраша машакқатга чидайди. Шунинг учун унинг бардоши бокий, ҳимоялапиши бардавом бўлади. Натижада шоир айтганидек бўлади:

*Киши баъзан ишак кийимлар кияр,  
Унинг тагида эса оғир аҳволи ётар.  
Ёноги қизарган кинидек, асли  
Унга сабаб ўпкадаги шини бўлар.*

Шунинг учун у ёмон талаблар ва тубан истаклар билан бултанишни истамайди. Чунки ваҳший ҳайвонлар ҳам буни хоҳламайди ва ундан ҳазар қиласи. Шоир деди:

*Оч қолса ҳам шер тегиммагайдир,  
Итлар оғзи теккан ўзимтикларга.*

Шундай экан, мақоми ва даражаси улуг, олижаноб нафс эгаси инсонга ўзидаи ваҳший ҳайвонларни фазилатда устун кўриши қандай тўғри бўлсин? Бир шоир шундай деган:



*Нима бұлса ҳам киши ўз ризқини олмасдан қолмас.*

*Фақырлықда ҳам, баҳтсизликда ҳам, фалокатда ҳам.*

Зоҳидлардан бирига: «Құшнингдан сұрасанғ, сеніңгә ёрдам беради-ку», ледилар. У: «Аллохға қасамки, дунёning эгаси бўлған Зотдан сўрамайман-у, кандай килиб эгаси бўлмаган кишидан сўрайин», деди. Шоирлардан бири бир қавмни тавсифлаб шундай деди:

*Агар муҳтожс бўлсалар, савоб умидида жум тұрадылар,*

*Агар бой бўлсалар, тезда фақырликка қайтадылар.*

Энди бирон зарурат ва асоссиз холда сўрайдиган киши очик-ойдин пасткаш ва аник разилдир. Бу тоифа ичида эътибор топиб ёки омади келиб, бадавлат бўлганини кам учратасан. Чунки маҳрумлик уни пасткашликка етаклаб, тубанлик энг попок емакка йўликириб кўяди. Шунинг учун у юзидағи уятни сидириб, хорликпин ҳамма таъмини тотиб бўлган. Худди Абдуссонад ибн Муаззал Абу Таммол Тоийга айтганидек:

*Сен одамларга кўринганингда*

*Юзлариге таҳқиқланган бўлур.*

*Маҳбубингдан висолин тилаб*

*Ёки инъом тилаб қўймассан.*

*Нафс билан тиламчилик хорлиги аро*

*Юзине иссиғини кеткизар сув қани?*

Агар у ор-номусни ёмон деб, хорликдан сақланишини ўйла-са, сўрашдан воз кечиб, эҳтиёжига ярашасини топадиган бирор касб-хунар бошини тутарди ва ўзини (тиlamчилик килишдан) саклашга ҳаракат қиласарди. Шоир шундай деган:

*Ўзингни хорлаш билан тирикчилик қиямасин,*

*Белгисаб қўйилган ризқинг албат сенга етар.*

*Билиб қўйгин, сен албатта уни олгувчи дирсан,*

*Тақдир китобида ёзиб қўйилган барча нарсани.*

**Иккинчи шарт**, бир нарсани беринини кечиктиришга вақт йўқлиги ва уни орқага суришга муҳлат камлигидир. Шунинг

учун у кечиктиришда етарли вақт ва (тангликда) давом этишига муҳлат күрмайды. Ана шу ҳолатда у узрли кишига айланиб, музтар(ночор) лар сафига киради. Аммо вақт бемалол ва муҳлат етарли бўлса, бундай вақтда сўрашга шошилиш пасткашилик ва ноумидликдир. Шоир шундай деган:

*Отажон, гардларга кўзимни юмганим яхни,  
Ишончим комилки, барча қийинчилек ўтиб кетар.  
Баъзида кенг дунёнинг одамларга танг бўлиши бор,  
Баъзида тиглар орасидан чиқишига имкон бершии бор.*

**Учинчи шарт**, сўраладиган кишини танлаш, ё сўровчининг хурмати ёки сўралувчи кишининг карамидан талабин бајариши ва ҳожатни раво этишига умидвор бўлишдир. Чунки пасткашидан сўраса, на хурмат қиласи ва на саховат кўрсатади. Демак, у ўз танловида маломатга қолиб, сўрашида маҳрумга айланувчидир. Балоғат соҳибларидаи бири шундай деган экан: «Факир ҳакир-пасткаш одамга ҳожати тушган кишидир». Балоғат соҳибларидаи бири деди: «Пасткашдан сўраган киши ундан пасткашроқ, баҳилдан кўра берадиган нарсаси бекадрдир». Шоирлардан бири деди:

*Кимки пасткашидан ноёб нарсани оламан деб умид қиласа,  
Демак, у тиконли бутадан хурмо термоқчи бўлур.*

Сўровчида эътиборга олинадиган шартлар учтадир:

**Биринчи шарт**, сўровчини илтимос хорлигидан сақлаш учун кочирим билан кифояланиш ва уни очиқ-ошкора сўрашга мажбур қилмасликдир. Чунки сўровчи ўз ҳолидан билиниб, кочирим кифоя қилиб турған бўлади. Бир шоир деган экан:

*Гапираман зулмат пардаси ётилган чогда,  
Қурбақа ишкоят қилган пайтда гапирганидек.  
Айтганим билан гапим бекор кетгувчидир.  
Жим турсам ўламан, нима ҳам қилай.*

Баъзан сўралувчи киши ииорани тувунса ҳам, сўровчини айблаш мақсадида очиқ ибора билан айтишга мажбур қилади.



Токи у хижолат бўлиб уялганидан ўзини тийсин-у, унга бирор нарса бермасин. Абу Таммол айтганидек:

*Кимки ҳаёсини йўқотган бўлса, унинг юзи  
Қоровули бўлса ҳам қоровули йўққа ўхшар.*

(яъни юзидан ҳаёси йўқлиги билиниб туради. – тарж.)

**Иккинчи шарт**, сўровчини очик чехра ва хурсандлик, хунчакчаклиқ ва ўзига якин олиш билан қарши олиш. Агар бир нарсани берса, ташаккурга сазовор бўлсин, агар бермаса, узрли хисобланисин. Донинимаңдардан бири деди: «Хожатманд кишини очик чехра билан кутиб ол. Ана шунда ташаккуридан маҳрум бўлсанг ҳам, сени маъзур тутишидан маҳрум бўлмайсан». Ибн Ланкак деди: «Абу Бакр ибн Дурайд бир ишни деб вазирлардан бирининг олдига борди. У эса асабийлапиб, унинг ишини битириб бермади. Шунда (Ибн Дурайд унга) деди:

*Тилапчидан сен ҳарғиз ранжима, чунки  
Сўралувчи бўлиб турни қисматинги яхшилигидир.  
Умид билан келганини қуруқ қайтарма ҳарғиз,  
Сендан умид қилинши азизлигинги боқишлигидир.  
Саховатли одамни чехрасидан билиб оласан,  
Насткаш одам қовоқ осганидан маълумдир.  
Шуни билки, тезда хабарга айлангувчиидирсан,  
Шундай экан, сен яхши хабар бўлиб қолгин.*

**Учишчи шарт**, бир нарсани умид қилинса, шу умидни олаш ва у ҳақдаги гумонни рўёбга чикаришдир. Шундан кейин ўзининг ҳам, сўровчишиг ҳам ҳолатини эътиборга олишидир. Чунки бу иккиси тўрт ҳолатдан холи бўлмайди:

**Биринчи ҳолат** сўровчи киши бир нарсани олингга ҳақли, сўралувчи кишиниг уни беришига имкони бўлишидир. Бу ўринда ижобат қилиш олийжаноблик юзасидан ҳақли ва мурувват юзасидан лозим. Бахилликка мубтало ва ёмон деб хисобланган кишидан бошкаси учун рад этиб, қайтаришга йўл қолмайди. У Абдураҳмон ибн Ҳассон айтган кишига ўхшаб қолади:

*Мақтөвли амал деб билдим сизларнинг тўйиншингиз- у  
Ипак либосларни кийшининг кифоятигин.  
Қачондир сизлар ўтирган мажлиседа агар  
Мақтөвли амаллар тилга олинса, сиз юзни ёпинг.*

Молу давлати сарватини ва хусни ҳолини шукр айтиладиган ажр-савобга омонат қўйилишдан маҳрум қилиб, захира қилинадиган яхшиликдан тўсиб қўядиган кишилардан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Бир баҳилга: «Нима учун молингни сафламай ўзингда олиб турибсан?», дейишганида: «Мусибатли кунлар учун», деди. «Мусибатга учраб бўлибсан», дедилар унга. Шоирлардан бири деди:

*Молу давлатинги ҳадя этилганидан бошқаси сеники эмас,  
Шундай экан, эгаси экансан, ўз хоҳининг ила эҳсон қил.  
Амалларим бор дейсан, агар уларни тафтши қитинса,  
Орзу-ҳавасларинг кўзларинги кўр қилиб қўйганин кўрдим.*

Бундай одам (баҳиллик туфайли) ўз нағсени ҳакидан маҳрум қилиб, шукр этиши сабабларини ўзидан узоклаштиради. Натижада (ўз молида ҳам) ҳақи йўқлиги туфайли (молини сарф қилиб шукр ўрнига) мазамматга йўлиқиб, омонатга хиёнат қилган каби гуноҳкор бўлади. Абул Атоҳия деди:

*Бахил ўз молини ғамлаб ётгани менга яхшилигидир,  
Чунки унинг яхшилиги елкамга оғир юқ бўларди.  
Саховати миннатдорлик машақкатини елкамдан  
Соқит қилган киши яхшилигини унумтганим йўқ.*

Бунга ўхнаш ҳолатда рад жавобини бериш иложи бўлмаса, қарайди. Агар кейинга суриш (сўровчига) зарар етказишини билса, саховатини тезлаштириб, пайсалга солмайди. Унинг бу ижобати амал, сўзи эса ҳаракат бўлади. Донишмандлар шундай дедилар: «Ялинишга мажбур килемаслик илтимос қилинувчи кишининг мурувватидандир». Муҳаммад ибн Ҳозим деди:

*Эҳсон сўрашингни кутиб ётганлар бордир,  
Унинг эҳсонидан кўра сўраш угугроқ.*



*Агар яхшилик ўзи истаб олдиндега келмаса,  
Ундан воз кечин, ундан ўзни тиймоқ яхшироқ.*

Агар беришга вакт етарли бўлса ва кечиктириш малол келтирмаса, фозиллар бу хусусда турлича фикрда бўлиб, айримлари сўз билан берилган ваъдани тезлостиши, ундан кейин эса амалга опириш билан ваъдаси устидан чиқишни авло деб маъкуллайдилар. Токи сўровчи киши тезлаштирилган ваъда, ундан кейин устидан чиқиладиган ваъдани деб хурсанд бўлсин. Сўралувчи киши олийжаноблик сифатига мушарраф бўлиб, ваъдасига вафо қилиши билан эътиборга тушиби, деган йўлни тутдилар. Найғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ваъда бериш хайр-эҳсон (ўрида) дир», дедилар. Фазл ибн Саҳл олдига бир иш билан келган кишига: «Бугун сенга ваъда бераман ва эртага ваъдам устидан чиқиб, сени хурсанд қиласман. Токи, сен умидворлик ҳаловатини тотгин ва мен ваъдага вафодорлик либоси билан зийнатланай», деди.

Яҳё ибн Холид олдига илтимос билан келган кишига (хожатини раво қилишни) ваъда берди. Шунда унга: «Сен (хозироқ беришга) кодир бўла туриб, ваъда берасанми?», дедилар. У: «Агар хожатдан олдин амалга опишниш эгаси кутиб турадиган ваъда бўлмаса, унинг қувончини топмайди. Чунки ваъда бериш таъм, ваъдани адо этиш таомдир. Тўсатдан таомни учратиб колган кини (аввал) ҳидини туйиб, (кейин) мазасини тотган кишидек бўлмайди. Токи яхшилик қилинган киши шу яхшилик мазасини тотини учун ваъдани бажарини кечиктириб тур». Балоғат соҳибларидан бири деди: «Агар чиройли ваъда берсанг, тил ва эҳсон самарасини тониш учун амалии ҳам чиройли бажар. Амалда кила олмайдиган ишингни тилга олма. Чунки сен бу билан ўзинг кўл ураётган гуноҳдан ёки ўзингдаги ожизлиқдан холи бўлиб қолмайсан».

Фозиллардан бири ваъда бермасдан олдин амалда саховатни тезлаштириш ҳамда куттирмай ва умидвор қилмасдан олдин ҳадяни берин маъкул эканига далил келтирадилар. (Саховат кўрсатишдан олдин) ваъдани икки кишидан бири беради: ё бадавлат бўлишни кутиб турган факир ёки ўз нафсини саховат-



га ўргатаётган баҳил. Ана шу икки ҳолатдан бошқасида ваъда беришнинг тўғри тарафи ҳам, тунунарли сифати ҳам йўқ. Шу билан бирга, кеча ва кундузнинг ўзгариши, вазиятнинг қийинчиликка айланиши ҳам бор. Бир шоир деди:

*Машриқу магрибга амру фармони ўтгувчи эй подиоҳ,  
Мана шу лой хўллисида саҳифамга муҳр босиб яхшилик қил.  
Билки, унинг қуриши мумкин ишни мумкин эмас қилиб кўяр.*

(Яъни «Минҳожул яқин»да шарқ ва гарбни ўз ҳукмига итоат эттирган эй подиоҳ. Модомики, танамда жоним бор экан, мана шу қоғозимга муҳр босиб бериб менга яхшилик кил. Шуни билиб қўйгинки, ўлим келиб танамнинг кўзлари юмилиши билан бўладиган иш бўлмайдиганга айланиб қолади, дейилган. – тарж.).

Дедилар: «Ваъдадан кайтишда синиш ва ваъданни кутиб ўтиришда умидворлик аччиғи бор, яна ваъдага кайтишда ҳожатнинг сийқаси чиқини ва сўраш хорлигидан иборат яхшилигини булғайдиган ва шукрини лойқалайдиган нарса бор. Шоир деди:

*Ҳожатларни раво қилишни чўзиши албатта,  
Уларни раво қилишида бир нуқсонни қўшади.  
Агар бирор дўстинг ҳожатига кафил бўлдингеми,  
Билки, уни тезлатини унинг мукаммалигиdir.*

**Иккинчи ҳолат** хайр-эҳсон сўровчининг ҳақли бўлмаслиги ва сўралган нарсани бериш имкони йўклигидир. Бундай ҳолатда рад жавобини беришида кенглиқ ва бермасликда узр бор. Лекин рад жавобини беришида мулойимлик ва юмшоқлик бўлиши керак. Токи ўзини таънадан сақлайдиган ва маломатни кеткизадиган узрни изхор этади. Зотан, ҳар қайси камбағал ҳам (ўзи инфок-эҳсон сўраган кишининг имкони йўклигини) билавермайди ва ҳар қайси узрли кини (ҳақли одамни ҳақдор эмас деб ўйлаб) адолат қиласвермайди. Абул Атоҳия одамларни тавсифлаб шундай деган:

*Эй Роббим, одамлар менга инсоф қилмадилар.  
Инсоф қилсан-у, қандай қилиб улар зулм қиладилар?  
Агар бирор нарсан бўлса, уни олини пайида бўлишар,*



Агар ўзларидағи бор нарсаны сўрасам, менга бершишмас.  
Агар уларга хайр-эҳсоним етса, шукр ҳам қилишимас,  
Агар уларға саҳоват құлмасам, мени ёмонлашар.  
Агар менга мусибат етса, бундан роҳат олишар,  
Агар менга бирор неъмат етса, улар ҳасад қилишар.  
Қалбимни уларға мойил бұлишдан сақтайман,  
Күзим ва қовоқтарымни қараңдан юмиб оламан.  
Күнларымни енгіл күн билан ўтказаман.  
Ўз умрим ва маҳзун күнларымни шу билан тугатаман.  
Ахир әнг тоза ҳаёт өкібати хайрли бұлғани әмасми?  
Мен ҳұзур ва хотиржасамлик топған күним әмасми?

**Учинчи ҳолат** хайр-эҳсон сўровчининг ҳақли бўлиб, сўралувчининг беришга имкони бўлмаслигидир. Бунақа ҳолатда у айб-қусурни яширадиган ва мазамматни кеткизадиган сиғилроқ ишдан имкони еттанини зиммасига олади ёки ҳожатмандларга айтиладиган узрлар ва кийналаётганларга билдириладиган ҳамдардликдан бермаслигига узрли қилиб кўядиган ва ҳамдардлиги сабабли миннатдорликка сазовор киладиган сўзларни айтади. Абу Наср Утбий раҳимахуллоҳ шундай деган эди:

Менинг зиқна әмаслигим Аллоҳга маълумидир,  
Бахиллик қилиб ўзимга баҳоналар изламасман ҳам.  
Лекин мен кабилар тоқати ҳеч кимга сир әмасдир,  
Кўтарған юки миқдорини деб чумоли ҳам маъзур.

Аввал иложи етганидан кейин иложи етмайдиган ҳолат пайдо бўлса, ажр-савоб ўтиб кетиши ва одати йўққа чиккани учун афсус-надомат қиласи. Ҳатто жисми заифлапиб, хафалиги зиёда бўлади. Шоир айтганидек:

Бахтсиз бургут кабиман – қанотлари қирқилган,  
Ҳар гал қуши учганида надоматлар қиласиган,  
Атрофида қанот қоқиб учайтган қушиларни кўриб,  
Ўзининг қанотидаги узун патлар эсига тушар.

**Тўртинчи ҳолат** хайр-эҳсон сўровчи шу хайр-эҳсонга ҳақли бўлмаса ҳам, сўралувчининг хайр-саҳоватга имкони бўлишидир.



Бу ҳолатда қарайди: агар рад жавобини берса, обрў-эътибори тушиши ёки бехузур этадиган хунук ҳакоратларга қолишдан хавфлапса, хайр-саховат килиши сахийлик юзасидан эмас, ҳимояланыш юзасидан мандубдир. Зотган Цайғамбар соллаллоҳу алайхи васалламнинг: «Киши нима билан ўз обрў-шашнини ҳимоя қилса, бас, шу нарса унинг учун садақадир», деганлари ривоят қилинган. Агар беобрў бўлиб қолишдан қўрқмаса ва ундан саклана олса, одамлар ичидаги шундай килинилар борки, умидни ноумид қилиш, илтимосни эса кўнгилни қолдириш билан қарши олмаслик учун ҳам, рад жавобини беришига ҳамда баҳилликка олиб борадиган маҳрум қилишни енгил санашта оdatланиб қолмаслик учун ҳам сўрашни (сўровчининг аҳволидан) устун қўйиб, хайр-саховат килинига буюрадилар. Асмай Касойининг шеърини айтиб берди:

*Сен китобда «йўқ!» ни топиб олгандексан,  
У сени қайтариб туриб, рухсат бермайди.  
Агар эҳсон қиссанг, молинг билмассан,  
Саховатинг сабаб кўпаядими ёки озаяр?  
Агар қини фасли келса, сен қўёшсан,  
Агар ёз фасли келса, сен соя-салқин.*

Одамлар ичидаги шундайлари борки, улар (хайр-саховатдаги) сабабларни эътиборда тутиб, сўровчининг аҳволини (сўрашидан) устун қўядилар, агар эҳсон қилиш ҳақли жойга бўлмаса, учраб қолганида ҳақларни адод этишига кучи етсин, лозим ва пиарт бўлганида, ожиз колмаслиги учун ҳам (эҳсон) қилмасликка тарғиб қиласидилар. Шоирлардан бири деди:

*Ноўрин жойларга хайру эҳсон қилмагин,  
Ҳақсиз жойга бермаслик баҳиллик эмас.  
Саховат шуки, сенинг хайру эҳсонингга  
Муносиб бўлганиларга саховат қиссанг.*

Аммо сўраган кишиига бир нарсани беришини ваъда қилған киши ўз ваъдаси туфайли гаровига олиниб, вафо қилиши шу ваъдасига боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун ваъда бергандан кейин сўровчи ҳақининг эътибори йўқ, рад жавобини беришида ўз нафси билан



маслаҳатлашувга йўл йўқ. Бермаслик мазаммати туфайли у баҳиллик настканилиги ва кодир одам учрайдиган нафрат ва ёлғончилар коладиган айбга сазовор бўлади. Ваъда қилинганидан кейин наисалга солишнинг иложи йўқ. Чунки пайсалга солишда савобни кетказиш ва шукрий йўққа чиқариш бор. Араблар ўз маколларида: «Пайсалга солиш иккита маҳрум қилинганинг ва умидсизлик икки омадпинг биридир», деганлар. Башпор ибн Бурд деди:

Бир кун тенамиздан булутинг соя солди,  
 Чақмоқ чақиб ёритди, томчилари кеч қолди.  
 На тарқалиб умидвор умидидан кечар,  
 На ёмғир ёғиб чанқоқ тўйиб-тўйиб сув ичар.

Энди ваъдаси устидан чиқадиган, аҳдига вафо қилиб, уни адо этадиган бўлса, берган нарсасини деб нафсига эрганимайди, кўли юкоридаги кўл (эҳсон қишувлари) бўлиб турганига хурсанд бўлади. Зотап, Расулуллоҳ созлаллоҳу алайҳи васаллам: «Юкоридаги кўл пастандаги кўлдан яхшироқдир», деганлар. Шоир деди:

Олдингга бирор-бир сўрагувчи келганида билмассан:  
 Берган нарсанг туфайли мамнун бўлган сенмисан ё у?  
 Бугун сен маҳрум қилиб турганинг ҳожатманд одам  
 Ажабмаски, бирор кун омади чопиб, бой-беҳожат бўлса.

(Кишиларнинг) ризқлари (хақдор бўлмаганга) бермагани сабаб ундан бошқанинг кўлини кетиб қолмаётган ва (яна бошқа бирорларни) поумид қилигани сабаб ундан юз ўғирмаётган холда ушинг кўли орқали ўтаётгани ва у тарафдан етиб бораётганига хурсанд бўлсин. Ҳикоя қилинишича, бир киши болалари кўнлигидан бир зоҳидга шикоят қилибди. Шунда у: «Қарагин, қайси болангнинг ризқи Аллоҳ азза ва жалланинг зиммасида бўлмаса, ўшани менинг уйимга юбор», дебди. Ибн Сирин ўзининг олдига уловда ксладиган бир одам пиёда келганида: «Миниб юрган уловингни нима килдинг?», деди. «Емишини топиб беришга кийналганимдан сотиб юбордим», деди у. «Уловнинг ризқини сенга қолдириб кетди деб ўйлайсанми?», деди Ибн Сирин. Ибн Румий раҳимахуллоҳ деди:

*Сенинг ўтлогингдан бошқа биз ўтлайдиган,  
Аллоҳининг ўтлоги бор ва сувингдан бошқа суви ҳам бор.  
Албатта Аллоҳининг маҳлуқотларга кўрсатадиган  
Ота-оналарникидан ўтадиган меҳрибончилиги бор.*

Яна хайру саховатининг ҳаммаси Аллоҳ таоло учун бўлсин, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузуридаги ажр-савоб умидида уни кўпайтириш бўлсин, худди Абу Бакра Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳолатига ўхшаб. Бир аъробий унинг олдига келиб дебди:

*Эй Умар, яхшилик қил, мукофотинг жасинат бўлгур,  
Қизларимгаю уларнинг онасига кийим олиб беренг.  
Бизни замон зарбаларидан ҳимоя этувчи бўл,  
Аллоҳга қасамки, албатта сен шундай қила олурсан.*

Шунда Умар розияллоҳу анху деди: «Бордию агар килмасам нима бўлади?». Аъробий деди: «Ундай бўлса, эй Абу Ҳафс, мен албатта кетаман». «Агар кетсанг нима бўлади?», деди Умар розияллоҳу анху. У деди:

*Бўладиган иш шуки, аҳволимдан сўралувчисан.  
Хайру саховат қилмагани учун йигланадиган кунда.  
Уларнинг ўртасида турсан сўралувчининг  
Ўрни ё дўзахда бўлади, ё бўладир жасинат.*

Шунда Умар розияллоҳу апху йиглади. Ҳатто соколлари хўл бўлиб деди: «Эй ғулом, мана бу кўйлагимни унга бер. Бу ўша кун учун, унинг шеъри учун эмас. Аммо Аллоҳга қасамки, шундан бошка нарсам ҳам йўқ».

Агар хайр-эҳсон ана шу йўсинда қилинса, эваз ва миннатдорликни талаб қилишдан холи, миннат қилиш ва ёйишдан йирок бўлади. Бу нарса саховат қилувчига энг шарафли, қабул қилгувчи учун энг ёқимли бўлади.

Аммо хайр-саховат эгаси хайр-эҳсонини деб эвазни истаса, миннатдорлик ва мактовни талаб қилса, у ҳолда ўз хайр-эҳсони туфайли сахийлик ҳукмидан чиқсан бўлади. Чунки у шу иши туфайли миннатдорлик ва мактовни истайдиган бўлса, риёкор



ва шуҳратпастга айланади. Бу икки ишда саҳоватга зид келадиган мазаммат бор. Агар шуни деб эвазни талаб қилса, фойданни ўйлаган савдогар бўлади, миннатдорлик ва на мадҳга лойик бўлмайди. Ибн Аббос розияллоҳу аиҳумо Аллоҳ таолонинг: «**Ва кўп (иш) қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма!**» (Мулдассир сураси, 6-оят) деган сўзининг таъвилида шундай деди: «У шундай хайр-эҳсон қиласиган кишики, эвазига ундан ҳам афзалроғини хоҳлайди». Ҳасан Басрий розияллоҳу анху бу оят таъвили хусусида амалинг туфайли «**миннат қилма**», Роббингга «**Кўп ҳисоб қилган бўласан**», деган экап, Абул Атохия деди:

*Агар эвазига миннатдорликни умид қиласае,  
Қиласиган саҳоватинг эҳсон ҳам, ганимат ҳам эмас.  
Камчилигини тўмдириб турган нарса киши давлатидир,  
Үндап ошиги бўлса, ўша давлат фақирликка айланар.*

Билгинки, олийжаноб кишидан азизлик ва мулоийимлик билан сўралса, пасткаш одамдан ҳакорат ва қаҳр билан сўралади. Шунинг учун пасткаш одам қўрқанидан эҳсон қиласи. Шоир айтганидек, қўполлик бўлмаса, жавоб бермайди:

*Мен сени бутунлигига магзини бермайдиган,  
Чақилганда уни берадиган ёнгоқ деб биладим.*

Хўрлаш сенинг саҳоватингга олиб борадиган йўл ва кўркиш хайру эҳсон килишинингга етказадиган чора бўлишидан эҳтиёт бўл. Йўқса, бошингта абллаҳлар қўполлиги ва пасткашлар таҳкири тушади. Сенинг саҳоватинг шармандаликтан холи бўлиши учун қарам ва рағбат юзасидан бўлсин, пасткашлиқ ва қўркув юзасидан бўлмасин. Аббос ибн Аҳшраф деди:

*Мен худди тиллик сингари бўлиб қолдимки,  
Ўзи ёниб битган ҳолда одамларга нур таратар.*

**Яхшилик килишининг иккиси тuri марҳамат килишdir.**  
Бу каби яхшилик сўз ва амал жиҳатидан икки турга бўлишида: сўз жиҳати ширинсуханлик, очик юзлилик ва чиройли сўз билан кўнгилни олишилар. Буни ҳусни хулқ ва табиатидаги мулоийим-

лик туфайли бажаради. Бу худди саховат сингари чекланган бўлмоги керак. Чунки яхшилиқда истрофга йўл қўйилса, мазамматта қолган тилёгламалик бўлади. Агар яхшилиқда ўргача ва мўътадил йўл тутилса, мақтовга лойиқ яхшилиқ ва марҳамат қилинидир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг: «**Боқий колгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир**» (Каҳф сураси, 46-оят), деган сўзининг таъвилида солиҳ амал ширин қалом эканини айтганилар. Сайд ибн Жубайр упи беш вақт намоздир, деб таъвил қилган. Сайд Абу Хурайрадан ривоят киладики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сизлар ўз молу давлатингиз билан одамларнинг ҳаммасига ҳаргиз яхшилиқ қила олмайсизлар. Бас, сизлар уларга очиқ юзли ва ҳусни хулқли бўлинглар». Ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида аъробийпинг мана бу сўзи шеър килиб ўқилди:

Кудурати борларга чиройли саломингни бергин,  
Дилларини асир қиласан, йиртиқ терига ҳам ямоқ солинар.  
Агар яширишча макр қиласалар, олийжаноблик-ла афв этгин,  
Агар сендан бир сўзни сир тутсалар, сен у ҳақда сўрама,  
Чунки у сўздан сени хафа қиласигани сен эшиштаганингдир,  
Сенинг ортингдан гатирганилари айтилмаган сўз кабидир.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта баъзи шеърда ҳикмат бор. Албатта баъзи сўзларда сехр бор». Аттобийга дедилар: «Сен ҳаммани очиқ юз ва ўзинигта яқин тутиш билан қарши оласан». У деди: «(Бу ишим) озгина маниққат ёрдамида бир қилмишни даф этиш ва озгина нарсани сарфлаб биродарларни кўпайтиришдир». «Мансур-ул ҳикам» да дейилди: «Ҳаёси кам одамнинг дўстлари ҳам кам». Шоирлардан бири деди:

Эй ўғлим, албатта, ҳурсандчиллик енгил нарса,  
Очиқ чеҳралик ва мулоийим сўзликдир.

Баъзилар дедилар:

Кишининг мартағаси билинмайди модомики,  
Одамларга аён бўлмас экан унинг амаллари.

Мендин очиқ чөхрасини қызғанадыған ҳар кишининг  
Давлати менга жетуда ҳам оз фойда берар.

**Аммо амалий жиҳати** обрў-эътиборни ишга солиш, фало-  
кат етганды жон ва мадад берини билан ёрдам қўлини чўзишидир.  
Бу ишни одамларга яхшиликни истаб, эзгуликни афзал кўри-  
шидан киради. Бу ишларда исроф йўқ ва биринчи турга хиллоф  
равицида ҳад-чегараси ҳам йўқ. Чунки у кўпайиб кетса, иккита  
манфаатни келтирдиған яхши амаллардандир. Биринчи ман-  
фаат яхшилик қилувчининг савобга эга бўлиши ва яхши ном  
орттириши, иккичи манфаат шулар туфайли ёрдам берилган  
кишига енгизлилк олиб келиши ва уни қўллаш билан бўладига-  
нидир. Мұҳаммад ибн Мұнқадир Жобирдан келтирган ривоят-  
да Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Ҳар бир  
яхшилик садқадир». Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам  
дедилар: «Қилинган яхшилик ёмон ҳалокатларга йўлиқишидан  
саклайди». Бир ривоятда Найғамбар алайхиссалом дедилар:  
«Яхшилик ўз исмига ўхшайди. Киёмат кунида Жаиннатга би-  
ринчи бўлиб кирадиган яхшилик ва яхшилик қилувчилардир».  
Али иби Абу Толиб каррамаллоҳу важжаҳу деди: «Ношукурнинг  
ношукурлиги сени яхшилик қилишидан буриб юбормасин. Зоро,  
шукр қилувчи киши ношукур кишининг ношукурлигидан кўра  
кўпроқ шукр қилиши мумкин». Ҳутайъа деди:

Кимки яхшилик қиласа, мұкофотсиз қолмайди,  
Яхшилик зое кетмас Ҳақ билан ҳалқ орасида.

Риёний бу шеърни ўқиди:

Яхшининг саҳовити қаерда бўлса ҳам ганиматдир.  
Ношукурга қилинган бўладими ёки шокиргами (барибир).  
Унга шукр қилувчининг шукри учун савоб бордир,  
Ношукурлик қилинниң жазоси Аллоҳ ҳузурида.

Яхшиликни олдиндан (сўралмасдан илгари) қилингга иложи  
етган киши вакт ўтиб кетмаслиги учун теззлатмоги ва иложи ст-  
май қолинини ўйлаб уни щошилтиromoғи лозим. Билиб кўйсин-  
ки, бу унга берилган қулай фурсат ва энг яхши имкониятдир. Ях-  
шилик қилингга ҳар доим иложим етади, деган ишончда бўлиш

уни бенарво қилиб күймасин. Зеро, қанча-қанча ўз куч-кудратига ишонғанлар борки, куч-кудратини бой бергач, афсус-надоматда қолишиган. Ўзининг мартаба-мавқесига қаттиқ ишониб, ундан айрилгач, уят-хижолатга қолғанлар қанча. Шоир шундай деган:

Қанча-қанча ўзига ишониб үялиб қолғанларни тиштардим,  
Хатто бошимга тушиб, мен ҳам ўзимга ишониб үялиб қолдим.

Агар замон мусибатларини аңглаб етса ва унинг макр-хийла окибатларида сақланса, албатта ғаниматлари захирага айлапиб, йўқотинилари тикланған бўлар эди. Бир ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимга яхшиликинг бир эшиги очилса, бас уни ўзига ғанимат деб билсин. Чунки унинг қажон ёнилишини билмайди», дедилар. Яна у зотнинг шундай деганлари ривоят қилинади: «Ҳар бир нарсанинг меваси бор. Яхшиликининг меваси хайр-эҳсонни тезлатишидир». Апуширвонга дедилар: «Сизнингча энг катта мусибат нима?». У: «Яхшилик қилишига қодир бўлсанг-у, уни кўлдан бой берсанг», деди. Абдул Ҳамид деди: «Кимки қулай имконни ўз вақтидан оркага суреа, кўлидан кетишига ишонаверсин». Ишорлардан бири деди:

Омадинг келиб турғанида уни ғанимат билсин,  
Чунки ҳар қандай омадинг яна кетиши бордир.  
Ўша вақтда яхшилик қилишига лоқайд қарама.  
Зеро, ўша юз ўғириш қажон бўлишини билмайсан.  
Тұялариге сут берганды ularни согиб қол, чунки  
Онасидан айро бўталоқ кимники бўлишини билмайсан.

Ривоят қилинишича, Бани Аббосининг вазирларидан бири олдига бирон амалга тайинлайди деб келганд кипишига муддаосини айтмай ганини чўзаверди. Буни кўриб у киши мана бу шеърни айтди:

Узоқ сабр қилғаним сени чақиримайдими  
Ишим ва фойдамни янгидан бошлашга?  
Илминг салтанинг эгасининг иккى хатар -  
Ўлим ва ишдан четлатишинда юриншига чақиримайдими?  
Агар менинг ҳақимни адo этишини ўйлаб  
Издиҳомлардан бўшааб вақт топилгунича тарк қылсане.



Менга ўхшаганга яхшилик қилиш ўтиб кетилганига  
Ағсус-надомат қилиб, таскын бериладиган бўласан.

Хурмат-иззат соҳибларидан бири етарли хурмат-эҳтиром кўрсата олмаган бир волийга шундай деди:

Сирот кўпприги устида мени ҳурмат қилмоқчимисан?  
Ёки ҳисоб вақтида менга қилмоқ бўлдингеми яхшилик?  
Бу дунёда нафинг тегсин деб олдингга келдим, бас,  
Менинг ҳожатим учун уйқудагилар гафлатидан тур.

Абу Али Басийр ишлари кўплигини баҳона қилган вазирлардан бирига шундай деб ёзди:

Бизниг ҳар куни борди-келдиларимиз бор,  
Ейшига ризқимиз, йўл харажатига ортиқча нарсамиз ўйқ.  
Агар бизга бандлигинги рўкач қилсанг, шубҳасиз  
Умидларимиз бандлик чоғингда сенга боғланган бўлар.

Билгинки, яхшиликнинг бир қанча шартлари бўлиб, у факат шу шартлар билан тўлиқ ва мукаммал бўлади. Шулардан бири кеккайиб, кибр-хавога берилмаслиги учун ҳалққа билдирамаслиги ва талтайиб, ўзини упутиб кўймаслиги учун яхшилигини ҳаммага ошкор этмаслигидир. Донишмандлардан бири деди: «Агар яхшилик қилсанг, уни яширгин ва агар сенга яхшилик қилишса, уни ҳаммага билдир». Диъбил Хузойй шундай деган эди:

Ўч олмоқчи бўлсалар ишларин ошкор қиласдилар,  
Агар яхшилик қиласалар, уни яшириб қиласдилар.  
Ўтирганлар уларни кўрсалар, ҳурмат учун тик турар,  
Тик турганлар ҳайбатларидан қўрқиб ўтирадилар.

Аммо ҳар холда яхшиликни яшириш унинг ошкора бўлиши учун кучли восита ва тарқалишининг юқори сабабларидандир. Чунки нафслар ҳар доим маҳфий нарсани ошкор этиш ва сирли нарсани билдиришга мойилдир. Саҳл ибн Ҳорун деди:

Шундай дўст борки, бирор кун олдига сўраб келсанг,  
Кўлида борини сенга берар ва узр ҳам сўраб қўяр.



У яхшилигин сир тутар. Аллоҳ әса уни ошкор этар.  
Албатта, гұзалликни қанча яширсанг, зоҳир бўлаверар.

Яхшилик қилиш шартларидан яна бири уни катта кўриш ўрнинг арзимас деб ҳисоблаш ва кўп деб ҳисобламасдан кам деб билишдир. Токи, шу яхшилиги сабабли талтайиб, мутакаббир, қалондимоғ ва кеккайтган кишига айланиб қолмасин. Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анху деди: «Уч хислат бўлмаса, яхшилик тўлиқ бўлмайди: теззатиш, арзимас деб билиш ва яшириш. Зеро, яхшиликни теззатсанг, ёқимли кишига айланасан. Агар уни арзимас деб ҳисобласан; у янада улуглашади. Агар уни яширсанг, мукаммалланиади». Шоирлардан бири деди:

Яхшилигинг мен учун катта бўлиб боради,  
Албатта, у сен учун арзимас ва ҳақиридир.  
Гёй яхшилик қылмагандек ждан чиқардинг уни,  
Холбуки, у одамлар учун машҳур ва каттадир.

Яхшилик қилиш шартларидан яна бири миннатдан сакланиш ва уни деб мағрурланмаслиkdir. Чунки шу икки иш яхшиликнинг ажру савобини ҳабата қилиб, шукрини кеткизади. Зотан, бир ривоятда Пайғамбар соглаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшиликни миннат қилишдан сакланинглар. Чунки у шукрини кетказиб, ажр-савобни ўчиради», деб: «Эй имон келтирганлар! Садакала-рингизни миннат ва озор бериш билан бекорга кеткизманг», (Бакара сураси, 264-оят) оятини ўқидилар. Ибн Сирин бир кишининг бошқа бирига: «Сенга фалон, фалон (яхшиликлар)ни қильганиман», деб айтаеттанини эшишиб: «Жим бўл! Агар яхшиликни санайдиган бўлсанг, унда яхшилик йўқ», деди. Донишмандлардан бири деди: «Миннат қилинган яхшиликни кеткизади». Адиблардан бири деди: «Яхшиликни миннат қилиш булғайди ва ҳақорат насабдаги шарафни зос қиласди». Балоғат соҳибларидан бири деди: «Кимки қилган яхшилигини миннат қиласа, унинг шукрини соқит қилибди. Кимки қилган амали билан мағрурланса, ажрини кеткизибди». Фасоҳат соҳибларидан бири деди: «Қаттиқ миннат яхшилик заифлигидандир». Бир шоир деди:



Миннат билан эҳсонингни ўйқа чиқардинг,  
Олийжаноб кини эҳсон қиласа, миннат қилгувчи бўлмас.

Абу Нунос деди:

Менга эҳсон қиласанг, миннат қилмай адo этгин,  
Яхшиликни миннат қилини унинг лойқалигидандир.

Шофеъий розиямлоҳу анхунинг шеърлари Рабийъдан ўкиб берилди:

Миннатчи одамлар қилган эҳсонни қабуғ қилмагин,  
Нафсинг насибасин ташла ва сабр қили, чунки у қалқон.  
Одамларнинг миннати қалбларга тиз зарбидан оғир.

Яхшилик қилиш шартларидан яна бири кўпига эҳтиёж бор-у, уни қилишга иложиңг етмай турғанида, агар жуда оз бўлса ҳам, ундан бироргасини ҳакир хисобламасликдир. Чунки ким ундан озини ҳақир хисоблаб, қилмаса, кўпига иложи етмайди-да, уни ҳам килмайдиган бўлиб қолади. Агар оз бўлса ҳам яхшиликни қилиш уни бутунлай тарқ этишдан афзал. Бир ривоятда Пайғамбар солаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «Яхшиликни кичкина деб билини уни қилишдан кайтармасин». Абдулюҳ иби Жаъфар деди: «Оз (парсани эҳсон қилиш) дан уялмагин. Чунки баҳиллик ундан озрокдир. Кўн (нарсани эҳсон қилиш) дан қўрқма. Чупки сен ундан кўпроқ (қадрли) сан». Бир шоир шундай деган эди:

Иложинга етганича, агар оз бўлса ҳам, яхшилик қили,  
Чунки сен яхшиликнинг ҳаммасини қила олмайсан.  
Агар яхшиликдан озини тарқ қилувчи бўлсанг,  
Яхшиликнинг кўпини қачон қила олар эдин?

Аммо шундай яхшилик ҳам борки, уни қилувчи кишига бирон-бир кийинчилик бўлмайди, уни берувчига машакқат тугдирмайди. У (ўша яхшилик) бир мартаба бўлиб, пастдагилар унинг соясидан баҳраманд бўладилар, издошилар ундан фойдаланадилар. Шоир шундай деган:

Кишишинг сояси ўзидан пастдагиларга фойдалидир,  
Унинг учун ўзининг соясида бирон насиба йўқдир.



Билгилки, сен хаммага яхшилик қила олмайсан ва хаммаларига эхсон бера олмайсан. Шунинг учун сен улар орасидан фазилат эгаларини, диёнатли ва омонатдорларини таңлаб яхшилик қил. Яхшилик қилинди мөхр-оқибатли ва ғамхўрларини кидир. Токи киляган яхшилигинг кўпайсии, уларга берган эхсонинг ривож топсин. Бир ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Эхсон кўпроқ шарафли ва диёнатли кишиларга қилинса, фойдали бўлади». Пайғамбар соллаҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ бир бандасига яхшиликни хоҳласа, унинг савоб ва хайр-эхсонларини диёнатли ва омонатли кишиларга етадиган килиб кўяди». Ҳассон иби Собит розияллоҳу аину деди:

*Кишиган эхсонлар эхсон бўлмайди,  
Токи ўз ўрнига бориб тушинаса.  
Агар сен яхшилик қилимокчи бўлсанг,  
Худо ё қариндоши учун қил ёки қилма.*

«Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Билмайдиган одамга килинган яхшиликда яхшилик йўқ». Бир шоир шуни мисол келтириб деди:

*Корини тўйдирсанг одамларни тенадиган,  
Корни оч қолса, ҳанграйдиган ёмон эшакка ўхшар.*

Донишмандлардан бири шундай деди: «Нихол ўтқазгувчи киши уларнинг миқдорига қараб мева теради». Шоирлардан бири шуни олиб деди:

*Қасамики, билган-бильмаганга қилинган яхшилик,  
Худди баъзи бир омонатларга ўхшаб кетар.  
Инсон борки, унга берилган омонат зое кетар.  
Инсон борки, унга берилган омонат зое кетмас.  
Одамлар ўзига қилинган яхшиликка шукр қилиш  
Ва ношукурлик борасида экинзорларга ўхшар,  
Экинзор бор, баракотли ва экинлари серхосил,  
Экинзор бор, деҳқонга ҳосилини кам берган.*

Аммо яхшилик қилинган ва эхсон берилган киши яхшилик асири ва эхсон кулига айланади. Агар шу яхшиликни қайтара



олса, унинг эвазини қайтариши лозим. Агар уни қайтара олмаса, (ўзига қилинган) яхшиликни (одамлар орасида ошкор) тарқатиш орқали унга жавоб килади, мишнатдорлик орқали яхшилик қилувчига ҳам жавоб кайтаради. Ривоятга кўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Кимга бир яхшилик қилинса, уни ҳалқ ичида айтиб юрсин. Чунки ким яхшиликни айтса, унинг шукрини қилибди. Агар яхшиликни айтмай бекитса, унга ношукурлик қилибди». Зухрий Урвадан келтирган ривоятда Оиша розияллоҳу анҳо: «Мен мана бу икки байтни зарбулмасал қилиб ўтирганимда олдимга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб келдилар:

*Заифингни қўллагин, заифлиги сени ҳайратга солмасин,  
Бир кун унинг оқибати ўнгланаб заифлиги кетиши бор.  
Сени мукофотлайди ёки мақтар, қилган ишинг учун  
Ким сени мақтаса, демак, унинг мукофотин берибди.*

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Менга Аллоҳ ҳалок килгур яҳудийнинг сўзини яна қайтаргин. Менга Жаброил Улуғ Раббимдан бир мактуб келтириди: «Қайси кишига биродари бир яхшилик қилса-ю, эвазига дуо қилиш ва макташдан бошқасини топмаса, демак уни тақдирлабди». «Мансур-ул ҳикам» да дейилади: «Шукр қилиш неъматларни боғлаб қўяди». Абдул Ҳамид деди: «Ким эхсон шукрини қилмаса, уни хайвонлардан ҳисобла». «Мансур-ул ҳикам» да: «Ҳар қандай неъматнинг баҳоси унинг шукридир», дейилган. Доинишманлардан бири деди: «Куфрони неъмат қилиш мутакаб-бирлик белгилари ва (яхши томондан ёмон томонга) ўзгариш сабабларидандир». Фасоҳат соҳибларидан бири деди: «Олийжаноб киши кўп шукр қилгувчи ёки шукр қилинувчи кишидир. Пасткаш киши кўп ношукур ёки ношукурлик килинадиган кишидир». Балоғат соҳибларидан бири деди: «Шукр қилиш бор жойда неъматга завол стмас. Ношукурлик бор жойда неъмат бокий турмайди». Адиллардан бири деди:

*Аллоҳга шукр қилиши кўп сано айтши тұфайли,  
Раҳбарларга шукр қилиши холис муносабат тұфайлиидир.*



Тенгдошга шукр қилиши чиройли өваз қайтариши биландир,  
Пасткашга шукр қилиши унга инъом-әхсон қилиши биландир.

Шоирлардан бирлари деди:

*Мол-дунёси күплиги ё мартабаси улуглигини деб  
Олийжанобга миннатдорлик изҳор этиши бўлмаганида.  
«Эй инсонлару жинлар! Менга шукр қилингиз», дея Аллоҳ  
Бандаларни Ўзига шукр этишга буюрмасди.*

Чунки ўзига эҳсон қилган кишининг яхшилигини деб миннатдорлик билдирган ва инъом этувчи саховатини одамларга гапириб юрган кини унинг ҳакини адо этиб, яхшилик талабини бажарибди. Унинг зиммасида қоладигани ана шу ишни давом эттиришдир. Токи, яна ҳам кўпрогига муносиб бўлсин, яна қайтиб эҳсон қилишга ҳақдор бўлсин.

Ҳикоя қилишларича. Ҳажжожининг олдига хаворижлардан бир қавмни олиб келинди. Улар орасида ўзининг дўсти ҳам бор эди. Ҳажжож ўша дўстини колдириб, бошқаларини қатл этишга буйруқ берди. У дўстини афв этиб, ҳадялар бериб озод килиб юборди. Ҳалиги киши Қатарий ибн Фужоанинг олдига қайтиб келди. У ҳам дўстларидан бири эди. (Қатарий) унга шундай деди: «Аллоҳнинг душмани Ҳажжож билан жанг қилишига қайт». У: «Ҳайхот! У ўзи бўшатиб юборгувчиси бу кўлга киshan солган, ўзи озод қилгувчиси бўлған бу бўйинни асир олган бўлиб-а!», дея бу шеърни айтиб берди:

*Ўзининг озод этувчиси деб билган шу қўл билан  
Салтанати учун Ҳажжожса қарии уруши қиласми?  
Агар шундай қиссан, демак мен пасткашман аниқ,  
Энг қабиҳ шашига хиёнати гувоҳ бўлган кишишман.  
У билан бир сафда ёнма-ён турганимда яхшишиги  
Унинг учун ҳужжжат бўлиб турганида мен тима дейман?  
Менга зулм қиласди, дейманми? Йўқ. Ундаи бўлса мен  
Дўстлиги зулм қиласан киши бўлишига ҳақлироқман.  
Одамлар менга қилинган битта яхшиликнинг  
Мевалари аччиқ бўлганини айтиб юрадишар.*



«Мансур-ул ҳикам» да: «Яхшилик асирик, унинг шукри озодликдир», дейилган. Қуйидаги сўзларни айтадиган кишидан хам шукр қилгувчирок ким бор:

*Қизмоқчи бўлган яхшилигине учун сенга раҳмат айтаман.*

*Уни қизмоқчи бўлшининг ўзи ҳам бир яхшилик.*

*Агар уни қилиши тақдир қиласа, сени маломат қилмайман,  
Зеро, ҳар бир нарсанинг белгиланган вақти-соати бор.*

Яхшилик қилиниши ва эхсон стиб келишидан олдинроқ бўладиган шукр бир неча турдаи иборат. Баъзан эхсони етиб келиши ва яхшилик қилишида шукр қилинувчи шахсга қаттиқ ишонч туфайли бўлади. Миннатдорлик билдирган кишининг яхши гумонида бўлган кишишинг ўзи ҳакидаги яхши гумонга хилоф иш қилиб, Аттобий айтган киши каби бўлиш фикри бўлмайди:

*Берган ваъдангни деб умидларим япроқ ёздишар.*

*Умидлар япроғида мен учун бирон самара йўқдир.*

Баъзида (яхшиликни) умид қилувчининг ташаккури кучлилиги ва кутувчининг унга жавоби чиройлилигидан бўлади. Шунинг учун у ҳакни (адо этишини) теззатини ва олдиндан шукр қилишдан бошқасига рози бўлмайди. Ўзининг яхшилиги учун кўпаядиган кон ва униб-ўсадиган экинзорни учратиб қолган кишининг ғаниматини қўлдаш чиқариши ва фойدادан бебахра қолиши мумкин эмас. Бу энди (олдиндан ташаккур айтишнинг) иккинчи кўринишидир. Баъзан (олдиндан ташаккур билдириш) умид қилинаётган яхшилик гарови ва яхшилик қилини сўрадаётган кишининг тарғиби туфайли бўлиши мумкин. Ноумид қилишган вақтдаги маломат олдиндан қанча ташаккур билдириб кўйганига караб бўлади. Донишманд адиллардан бири шундай дебди: «Ким ҳали қилмаган яхшилигинг учун сенга раҳмат айтса, сен унга яхшилик қилишни тезлаштири. Йўқса, иш аксига олиб (ташаккур билдириш) мазамматга айланиб қолиши бор». Ибн Румий деди:

*Кек сақлаш кишиидаги шукр эгизагидир, холос.*

*Тугма хусусиятлар бир-бирларига боғлиқ .*

*Қаерда ёмонлик қилган одамга кек-адовват кўрсане,*



Үша ерда қарзи ҳасана берган үчүн ташаккурни күрасан.  
 Агар ер экилген уругни ундириб чиқарса,  
 Демак, үша ер сенга энг яхши ер ўлароқ кифоядир.

Аммо эхсон қилувчи ўз яхшилигини яшириб, инъоми учун унга ташаккур билдирмайдыган киши куфронаи неъмат килиб, ўзига еттан яхшиликни инкор этибди. Шубхасиз, одамларнинг энг ёмони ва йўллариниң энг расвоси (сўраган вактда) хушук жавоб олинишига ва ёмон маҳрумликка сабаб бўладиганидир. Зоро, Абу Хурайра розияшюху анхуунинг ривоятида Пайғамбар алайҳиссалом: «Одамларга шукур қимлмаган киши Аллоҳга шукур қимлайди», дедилар. Адиблардан бири деди: «Ўзига инъом этган кишига ташаккур айтмаган киши яхшиликдан маҳрум бўлишга муносибдир». Фасоҳат соҳибларидан бири деди: «(Неъмат) берувчининг неъматига куфронаи неъмат қилиган киши унинг зиёда бўлишидан маҳрумликка ҳакли бўлибди». Балоғат соҳибларидан бири деди: «Ким (ўзига қилинган) яхшиликни инкор этса, (яхшилик қилинишдан) кесиб қўйилишга ҳакли бўлибди». Адиблардан бири Али иби Абу Толибининг сўзларини шеърга солиб менга айтиб берди:

Кимки неъматга шукур қилиши билан ёндаиса,  
 Үша неъматининг йўқ бўлишидан қўрқмас.  
 Агар (одамлар) неъмат шукрини қиласалар эди,  
 Аллоҳ айтган сўз улардаги неъматни кўтаптираради:  
 «Агар шукур қиласаларинеиз сизга зиёда қилиб берурман».  
 Аммо уларнинг ношукурчиги неъматни йўқ қилди.  
 Куфронаи неъмат қилиши унинг йўқ бўлишига  
 Шукур қилиши унинг бардавомлигига сабабдир.

Бу (одамлар ўртасини) бирлаштирадиган ахилликдан иборат. Иккинчи коида билан боғлик (биз айтиб ўтган дин, насаб, кудачилик, дўстлик ва яхшилик қилиш каби) ларнинг охиргисидир.

**Аммо** (кишининг бу дунёдаги ахволини яхши киладиган) **учинчи коида** кифоя қиладиган даражадаги нарса (модда) дир. Чунки инсоний эҳтиёж лозим парса бўлиб, ҳеч ким ундан бехожат эмас. Аллоҳ таоло деди: «**Биз уларни таом өмайдиган жасад**

**қилганимиз йўқ. Улар абадий қолгувчи ҳам эмаслар»** (Анбиё сураси, 8-оят). Шунинг учун иисон ўзига керакли моддани топмаса, ҳасти издан чишиб, дини ҳам мустақим бўлмайди. Агар ўша моддадан бирор нарсанни тониш имкони бўлмаса, имконсиз бўлган ўна модда миқдорига қараб вужудига заифлик ва дунёсига халал етади. Чунки бошқа нарсанинг ёрдамида вужудга келадиган нарса ўз мукаммаллигига караб баркамол бўлади, унга халал этиш туфайли бузилади. Кейин ҳамма моддаларга муҳтоҷлиги зарурат экан, талаб бўлмаса ҳам керак бўлади, агар сабаб бўлмаса ҳам йўқолади (яъни озуқа моддаларга ҳаммада эҳтиёж мавжудлиги учун зарур бўлгач, уларни ҳаракат кильмасдан қўлга киритиш мумкин ва сабабсиз пайдо бўлмайдиган қилиб қўйилди).

Яхши кўриш сабаблари ҳар хил ва касб-кор йўллари бир-бирига ўхшамайди. Бу эса сабаблардаги хилма-хиллик (кишилар ўртасидаги) бирлик бўлишигага олиб келиши ва у жиҳатлардаги тармоқланиш эса ризқ талаб килувчиларига сенгиллик бўлини учун ҳам (шунидайдир). Токи улар ягона сабаб устида тўпланиб, тўда-тўда бўлиб қолмасинлар ёки улар бир жиҳатда бир-бирларига шерик бўлиб каноатланмасдан қолмасинлар. Сўнгра одамларни шуларга ақллари ва табиатлари ила йўллаб қўйди. Токи, (бусиз) турли ризқ эшикларида ҳамжиҳат бўлишга ўзларича уриниб (унинг улдасидан чиқа олмасдан) ожиз қолмасинлар, ҳар хил касб-кор туфайли топилган озуқлари ўлчовини белгилашда ёрдамсиз қолиб, паро-кандаликка юз тутмасинлар. Булар ҳаммаси ишлар оқибатидан хабардор Аллоҳ субхонаху ва таоло тарафидан бўлган бир ҳикмат туфайли юзага келди. Ҷарҳакиқат, Аллоҳ таоло Ўзининг азиз Китобида етказиш ва эслатиш маъносида шундай хабар берди: «У: **«Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни хидоятта солған Зотдир», деди»** (Тоҳа сураси, 50-оят). Муфассирлар бу оят таъвили тўғрисида ихтилофга боришган. Қатода: «Ҳар бир нарсага салоҳиятли бўлиш имкониятини бериб, сўнгра ўшанга йўл кўрсатиб қўйди», дейди. Мужоҳид айтди: «Ҳар бир нарсага шаклу шамойил ато этиб, уни яшашга йўллаб қўйди». Ибн Аббос розияллоҳу анху деди: «Ҳар бир нарсага жуфтини ато этди. Сўнгра уни ўша жуфтнинг никоҳига йўллаб қўйди». Аллоҳ

таоло деди: «**Улар бу дунё ҳаётининг зоҳирини билурлар**» (Рум сураси, 7-оят). Яъни ўз тирикчиликларини: қачон экин экадилар-у, қачон кўчат ўтқазадилар.

Аллоҳ таоло деди: «**Холбуки, улар охиратдан ғофилдирлар**» (Рум сураси, 7-оят).

Аллоҳ таоло деди: «**Ва унинг (ахли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу сўровчилар учундир**». (Фуссилат сураси, 10-оят). Икрима деди: «Ҳар бир шаҳарга ундан (rizқдан) бошқа бир шаҳарга бермаган нарсани ўлчовли этиб тақдир қилди. Токи бир шаҳардан бошқа бир шаҳарга тижорат воситасида бориб, бир-бирлари туфайли тирикчилик қилсинлар». Ҳасан Башир ибн Абдурраҳмои ибн Зайд дедилар: «У (шаҳарлар) ахлининг ризқларини (ўзларига берилаётган) ризқларини зиёда қилишни сўровчилар учун ўлчовли этиб тақдир қилди».

Сўнгра Аллоҳ таоло одамларни ўз касблари ва ўз тирикчилик воситаларига йўллаб қўйиш баробарида уларга ҳукм чикаргувчи динни ва назорат қиласиган шариатни ҳам бердики, улар шу ўлчов асосида ўз озукаларини тоисинлар ва унинг тадбири туфайли ўз даромадлари воситаларини изласинлар. Токи, ўз иродалари билан ёлғиз қолиб ўзаро курашмасинлар, ҳою ҳавасларига мағлуб бўлиб узоқлашиб кетмасинлар.

Аллоҳ таоло деди: «**Агар ҳақ уларнинг ҳавойи нафслари га эрганиса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар фасодга учрар эди**». (Мўъминун сураси, 71-оят). Муфассирлар дедилар: «Бундаги ҳақдан мурод Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзи бўлиб, озукаларни илҳом бериш оркали топиладиган қилиб қўймади. Аксинча, ақл-идрок билан етиладиган ва динни унинг устидан ҳукм чикарадиган қилиб қўйдики, баҳт-саодат тўқис бўлиб, икки дунёда ҳам манфаати етиши мақсад қилинган. Шундан кейин улуғ қудрат эгаси – Аллоҳ таоло бащалари хожатларини таъминлаш ва манфаатларига эриншишларини икки жиҳат – озука ва касб-кор билан амалга опишини белгилашиб қўйди.

**Аммо озука** ўз-ўзидан кўпайиб турадиган турларни жамғариш туфайли пайдо бўлиб, у асосан икки турлидир: униб-ўсиб турувчи ўт-ўланлар ва насл қолдирувчи ҳайвонлар. Аллоҳ тао-



ло: «**Ва, албатта, беҳожат қилган ҳам Ўзи, бадавлат қилган ҳам Ўзи**» ( Нажм сураси, 48-оят), деган. Абу Солих деган зот: «У яратған бандаларини мол билан беҳожат этиб, уларга шахсий мулкни тақдир қилдики, у молу давлатнинг асосидир», деди.

**Аммо қасб-кор** озука топишга йўллайдиган амаллар ва хожатга такаладиган тасарруф туфайли амалга ошади. Бу икки важхдан бўлади: бири тижоратдаги амал ва иккичиси қасб-кордаги тасарруф. Ана шу иккиси модданинг икки тури учун қисмдир. Бинобарин, қасб-корларнинг бизга таниш жиҳатлари ва озукаларнинг одатта айланган сабаблари тўрт жиҳатдан юзага келади: зироатдаги униб-ўсиш, ҳайвонларда насл қолдириш, тижоратдан келадиган фойда ва хунар ортидан топиладиган маош.

Ҳасан ибн Ражо шунинг ўхшашини Маъмундан ривоят қилиб: «Мен ушинг: «Одамларнинг ризқу рўзлари тўрт қисм, яъни зироат, синоат, тижорат ва аморат (раҳбарлик) дан иборат бўлиб, ким ана шулардан бирида бўлмаса, унинг яхшилиги йўқдир», деяётганини эшитдим», деди. Биз айтиб ўтганлардан озукаларни топиш сабаблари ацивлаб олинса, улардан ҳар бирининг холатини мухтасар сўз билан тавсифлаб берамиз.

**Аммо озуқа топишнинг биринчи сабабларидан бири зироат ўтрок қавм, шаҳар ва ўлкалар аҳолисининг бу озукадан фойдаланиш манфаати умумий ва тармоклари кўп. Шунинг учун Аллоҳ таоло уни мисол тарзида келтириб шундай деган: «Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли, худди бир дона донга ўхшайди. Ундан етти бошқоқ ўсиб чиқади, ҳар бошқоқда юзталан дон бор. Ва Аллоҳ кимга хохласа, яна кўнайтириб берадир» ( Бақара сураси, 261-оят).**

Ривоят қилишларича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Молнинг энг яхшиси уйқудаги кўз (эгаси) учун (кечаю кундуз тўхтамасдан) окиб турувчи чашмадир». Яна у зот дедилар: «Сизлар учун хурмо дарахти қандаям яхши. У шилдираб турған булоқдан сув ичади ва (экин ўсмайдиган) бўш ерга экилади». У зот дедилар: «Хурмо балчиқдаги томир ёзадиган ва очарчиликда ейиладиган мевадир». Салафлардан бирлари деди: «Молнинг энг яхшиси экин ўсмайдиган ердаги шилдираб турған



булоқдир. Сен ухлаганингда оқиб, йўқлигингда мавжуд бўлиб туради. Вафот этсанг, ортингда қолади». Ҳишом иби Урва Оиниа розияллоҳу анҳодаш келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ризкни ер остидан изланглар», дедилар. Яъни зироатдан. Накғи килишиларича, Мұтазид шундай деган экан: «Тушимда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Буни ол. У ердаги хазиналар калитларидир», деб қўлимга белкурак тутқазаётганини кўрдим». Кисро Мувбадга деди: «Мана шу тожимнинг баҳоси канча?». У бир оз сукут саклаб деди: «Қанча туришини билмайман. Аммо баҳорда ёғадиган бир томчи ёмгирга тенг бўлиши мумкин. Чунки у баҳоси подшоҳнинг тожига ўхшаган нарсадек ҳалқнинг ризқу рўзига ярайди». Абдуллоҳ иби Абдул Малик Ибн Шихоб Зухрийни учратиб қолиб унга: «Мени машғуз киладиган нарсани кўрсатинг», деди. Шунда Ибн Шихоб ушбуни ўқиб берди:

*Ер остини ахтар, унга эгалик қилишини қўй,  
Шоядки сен бирор кун ризқининг топиб олсане.  
Ердаги сувлар сингиб йўқ бўлиб кетганда ҳам  
Мустаҳкам қоладиган мўл-кўл давлатни берса.*

Одамлар зироат ва дов-дараҳтдан қайси бири афзал бўлинни тўғрисида ихтилофга борганларки, у ҳақда батағенл маълумот бериш китобимиз мавзусига кирмайди. Лекин зироатни афзал деган кишилар унинг масофаси яқинлиги ва хосили мўл-кўллиги учун (афзал деганлар). Дараҳт томири бақувват ва пайдарпай мева бергани учун уни (афзал деганлар).

**Аммо озуқа топишнинг иккинчи сабаби ҳайвонлар насли** сахро ахлининг ҳамда чодирлар тикиб яшайдиганлар озуқасидир. Чунки ўтрок яшашга жойлари йўқлиги ва шахарлар аҳолисига қўшилмаганлардан ўзлари билан олиб юрадиган чорваларга, кўчиш ва сафар вактида кўнайишдан тўхтамайдиган молларга муҳтож бўладилар. Шунинг учун улар чорваларни бокиб, кўпайтириш билан машғул. Чунки бир жойга кўчиб ўтмоқчи бўлишса, бу чорвалар ўзи юради, яйлов ва далаларла боқилиб, см-хашакнинг кераги йўқ.

Яна бу чорвалар ичидаги миниладиган ва сутини соғилиб олинадиганларини боқиши харажати камлигига ва кўп меҳнат талаб кизимаслиги билан қўл келади. Бу чорвалар сонини кўпайтириш фойдали, гўшти ва сутини тановул килинади. (Бу ишлар) ўрталарида манфаатларни мувозанатга келтиришда Аллоҳ тарафидан ўз халкига ато этган илҳоми ва фойдаларни ўз ўрталарида таксимлашда бандаларига берган йўлланмаси ўлароқдир. Ривоят килишишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўп туғадиган ёш байтал ва чанглатилган хурмо дарахтида баррака бор», делилар. Яна ривоятга кўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг семизи ризқ-насиба, жуни фахрли либосдир», деб кўйни мактаганлар. Абу Забёнинг бундай дегани ривоят килинади: «Умар ибни Хаттоб розияллоҳу аинҳу мендан: «Эй Абу Забён, қанча молинг бор?», деб сўради. Мен: «Икки минглик маошим бор», дедим. У: «Қурайшнинг болалари устингдан хукм юритиб, улар замонида маошлилар қадрсиз бўлиб колишидан олдин мана бу шудгор ер ва уй ҳайвонлардан олиб қолгии. Уй ҳайвонлари кут-баракадир», деди. Ҳикоя қилишларича, бир хотин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен кўнайтириш ва сутини соғиб олиш учун кўй боқаяпман. У эса кўпаймаяпти», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Уларнинг тузи қашака?». «Қора», деди хотин. «Уларни оқ тусли кўйлар билип аралаштириб», дедилар. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Одам болаларининг никохлари ҳакида: «Бегоналацинглар, заиф болаларни дунёга келтирманглар», деганларига ўхшайди.

**Аммо озуқа топишнинг учинчи сабаби – тижорат зироат ва хайвонот фаръидир.** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ризкниң ўндан тўққизи тижорат ва дехкочиликда, қолгани эса чорвалардаидир», деганлар. Тижорат икки хил бўлади. (Бир шаҳардан бошқа шаҳарга) бориб юрмасдан ва узоқ юртларга сафар қилмасдан бир жойда ҳаракат қилиш орқали бўлиб, у бир жойда кутиб ўтириш ва эҳтикордир. Аммо бу тариқа ризқ-насибани топишни улуг кишилар ўзига кассб қилиб олишмаган. Иккингчиси, мол

былан сафарга чиқиш ва уни шахарларга етказишир. Муруват эгаларига өнг муносиб, даромадли ва манфаатли касб-кор шудир. Искен бу йүйдә хавф-хатар күн ва таҳлика катта. Найзамбар соллаллоху алайхи васалламдан шундай деганлари ривоят қилингандык: «Албагта, мусофири кишии ва унине молига хавф-хатар бор. Илло Аллоҳ сақтайдиган бўлса (ундай эмас)». Тавротда шундай дейизиган: «Эй одам боласи! Сафар қилсанг, Мен сенга ризқ бераман».

**Аммо озуқа топиш сабабларидан түргинчиси синоат ўзидан олдинги уч сабабга боғлапиб, уч киесмга бўлинади: тафаккур, амал ва тафаккур билан амал ўргасида муштарак синоат (**синоат – санъат, хунар, машгулот, қасб-хунар, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш соҳаси маъноларини беради. – тарж.**). Чунки одамлар шулар учун «асбоб»лардир. Бинобарин, одамлар ичидағи нафси энг шарафлиси синоатнинг энг шарафли тури учун яратилганидир. Шунингдек, унинг нафс ва фаолият жиҳатидан энг ёмони ва энг ёмон тури учун яратилганидир. Чунки табиат ўзига муносибиға ундан, ўзига ўхшайдиганига чорлайди. Ҳикоя килишларича, Искандар ер юзишинг узок жойларига сафар қилмоқчи бўлганида Арастуга: «Мен билан бирга юр», дейди. Арасту: «Жисимм заифлашиб, юришга мадорим коямади. Шундай экан, мени безовта қилмасанг», дебди. Искандар: «Маслаҳат бер, ҳоқимларимга қандай муомала қиласай?», деди. Арасту деди: «Карагин, ким қулларига яхни муомала қилаётган бўлса, унга кўшинни топшири. Чорбоғига яхши қараётганларига харож ишини бер». Шундай килиб у (кишилар) табиатини эътиборга олиш оркали синовдан ўтказиш лозим бўлмайдиганини унга кўрсатиб берди. Синоатлар ичида энг шарафлиси фикр синоатидир ва энг ёмони амал синоатидир. Чунки амал фикрнинг самарааси ва тадбиридир.**

**Аммо фикр синоати икки кисмга бўлинади:**

**Биринчиси**, соғлом карашлардан келиб чикадиган тадбирлар устидаги ишлар. Масалан, одамларга сиёсат қилиш, шаҳарларни идора қилиш каби. Дарҳақиқат, сиёсат масаласига алохіда китоб бағишиладик. Мазкур китоб мавзусига кирмайдиган сиёсатта тааллукли күнгина карашларни унда муҳтасар ҳолда баён килғанмиз.



**Иккинчиси**, назарий фикрлардан пайдо бўладиган маълумотларга олиб борадиган нарсалардир. Мазкур китобимизнинг «Илм фазилати хақида» ги бобида бу хусусда етарли тушунча берадиган бир бобни келтирилган.

**Аммо амал синоати** икки кисмга бўлиниади: синоатга оид амал ва ҳайвонга оид амал. Синоатга оид амал бу иккисидан мартабаси энг юкорисидир. Чунки уни ўрганишда ўзаро олди-берди ва уни тасаввур қилишда сабр-тоқатга муҳтож бўлиниади. Шундай қилиб, у ана шу нисбат туфайли фикрий маълумотлар жумласидан бўлиб қолди. Яна бошқаси шуки, у оғир меҳнат синоати ва қасб-хунар асбобидир. У шундай синоатки, тубан нафслар шунда қапоат ҳосил этади, ҳақир табиат эталари шулар устида тўхтайди. Чунончи, Аксам ибн Сайфий шундай дейди: «Гушиб ётган ҳар бир нарсани олувчиси бор». Муталаммис айтганидек:

Икки хор ... маҳалланинг эшағи ўозиқдан бошқасин,  
 Ўзи тортадиган азобларга сабру бардоши етмас.  
 Буниси эски арқопи билан хорликка боғлаб қўйилган,  
 Унисининг боши ёрғадию ҳеч кимниг раҳми келмас.

**Аммо фикр билан амал ўртасида муштарак бўлган синоат** ҳам икки кисмга бўлиниади:

**Биринчиси**, худди хаттотлик каби фикр синоатининг устунроқ ва амалнинг унга тобе бўлишидир. **Иккинчиси**, куриш каби амал синоатининг устунроқ ва фикр синоатининг унга тобелиги бу иккисидан мартабаси юкорироғи фикр синоатининг амал синоатидан устунроқ бўлиши ва амал синоатининг унга тобелигидир. Демак, апа шулар ҳалқларининг яшаш ҳоли бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла ўз озуқаларини излаб топишда ана шуларни асос қилиб яратган, ўз ризқларини қилиришни ўзларига ҳавола қилиб қўйган. Шунингдек, ўзаро ҳамжиҳатликка сабаб бўлиши учун ризқ-насибаларни ҳосил этишда фаолият ва хатти-харакатлар ўртасини фарқли қилиб қўйган. Ўзининг латиф ҳикмати илиа бизлар учун яккаю ягона ва Ўз қурдатини имтиҳонимиз учун намоён этган Зот покдир. Чунки озуқаларни топиш сабаблари



ва ризқни излашпайттар үйләрди ҳақида аник ва равшан айтисынан, улар борасида инсон холатлари учун ишдан бошкасида бўлмайди:

**Аммо биринчи иш** ўзига кифоя микдордаги озуқани тониш ва ҳожатидан ошиб кетмаган ёки унда камига йўл кўймаган ҳолда ўз эҳтиёжига ярашасини олишдир. Ана шуниси талабгорлар ичидан ахволи яххиси ва тежамкорлар мартабаси ичидан мўътадилидидир. Ривоят қилининича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло менга шундай сўзларни вахий кильдики, улар қулоғимдан кириб, калбимга муҳрланди. Ким ўз молидан ортиқласини инфок-эҳсон килса, бу иши ўзига яхшидир. Ким мумсиклик килиб бермаса, бу иши ўзига ёмондир. Аллоҳ яшаш учун зарур нарса (ни эҳсон килемагани) учун маломат килмас». Ҳумайд келтирган ривоятда Муовия ибн Ҳайд: «Ё Расулуллоҳ! Дунёдан менга канча нарса кифоя этади?», деди. У зот: «Очлигингта яраб, авратингни беркитадиган нарса. Бас, агар уй-жойинг бўлса, ана ўша сенга кифоядир. Агар эшагинг бўлса, бас, кандаям яхши. Яримта иш ва бир култум сув. Битта изордан ошиғи ҳақида сен сўраласан», дедилар.

Ибн Аббос ва Мужоҳид Аллоҳ таолонинг: **«Ахир, У сизлардан Пайғамбарлар чиқарди, сизларни подшоҳ қилди»** (Моида сураси, 20-оят), деган сўзи ҳақида: «Албатта, бир уй, бигта хотин ва битта хизматкори бор киши подшоҳдир», дейдилар. Зайд ибн Аслам деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Кимнинг уйи ва хизматкори бўлса, у подшоҳдир». Бу гап маънан тўғридир. Чунки хотин ва хизматкор сабабли амри фармони юриб туради. Ҳовлиси изнисиз (ҳузурига бошқаларнинг кириши) тўсиб қўйилганидир. Ўзига кифоя даражадагини излаб, ошиқчаси туфайли юзага келадиган гупоҳ ва туғёнга ўтиб кетишни хоҳламаган киши ризқнинг ҳалолини топишга ҳаракат қилиши, уни излашда ўртача йўл тутиши ва унга шубҳани аралаштирумаслиги керак. Ноферь Ибн Умар розияллоҳу анхудан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ҳалол аник ва равшан, ҳаром ҳам аник ва равшандир. Шу иккови ўртасида шубҳали нарсалар бор. Бас, сен шубҳалисини қўйиб, шубҳасизига ўтгин. Зоро, сен Аллоҳ



учун воз кечган бирор нарсаны йўқотишни ҳея қачон топмайсан», дедилар». Расулуллоҳ аалийхиссаломдан зуҳд хақида сўраганларида: «Зоҳидлик молши (исроф қилиш оркали) йўқ қилиш ва на ҳалолни (ўзига) ҳаром қилиш туфайли бўлмайди. Лекин зоҳидлик Аллоҳнинг қўлидагига ўз қўлингдагига ишонганингдаи кўпроқ ишонмоғингдир. Мусибатнинг савоби наздингда неъматнинг бокий қолганидан оғирроқ бўлмоғидир», дедилар. Абдуллоҳ ибн Муборак ҳикоя қилиб, шундай дели: «Умар ибн Абдулазиз Жарроҳ ибн Абдуллоҳ Ҳакамийга мактуб юборди: «Агар Аллоҳ сенга ҳалол қилиб кўйганидан сен билан ҳаром ўртасига тўсик бўладиганини тарқ этишига иложинг етса, шундай қилигин. Чунки ҳалолнинг ҳаммасини олган кинининг нафси ҳаромга ҳам мойил бўлиб қолади».

Таъвил аҳли Аллоҳ таолонинг: «**Албатта, унга торчилик хаёти бўлур**» (Тоҳа сураси, 124-оят), деган сўзи хусусида ихтилофга боришган. Бинобарин, Икрима: «Ҳаром қасб» ни назарда тутмоқда, деса, Ибн Аббос: «У ўрнига ўрин бўлишига ишонмайдиган кинининг хаётидир», деган. Яхё ибн Муоз дели: «Дирҳам чаёндир. Агар ундан ўзингни сақлай олишга ишонсанг, уни олгин. Йўқса, уни олма». Дедилар: «Тақвоси кам кишида хатолар кўп бўлади». Балогат соҳибларидан бири дели: «Молларнинг энг яхшиси ҳалолдан олиб, ҳалолга сарфлаганинг Молларнинг энг ёмони ҳаромдан олиб, ҳаром ва гуноҳларга сарфлаганинг». Факих Авзорий кўпинча бу байтларни ўқиб мисол келтириб юрар эди:

*Молниң ҳалоли ҳам, ҳароми ҳам тугайди бир кун,*

*Ундан кейин фақат гуноҳлари қолур холос.*

*Токи еб-ичадиган таоми пок бўлмаса,*

*Ўзи топгани ҳам, аҳли топгани ҳам пок бўлмаса,*

*Гапираётганида сўзлари ширин бўлмаса,*

*Тақводор Аллоҳдан тақво қилгувчи бўла олмас.*

*Бизга буни Найғамбар ўз Раббисидан олиб айтган,*

*Бас, ўша Найғамбарга Унинг салому бўлсин.*

Ибн Мұттамир Суламийдан шундай деганини келтиради: «Одамлар уч тоифа – бойлар, камбағаллар ва ўртаҳоллардан

иборат. Аллоҳ қаноат азизлиги билан беҳожат қилинган камбағаллардан бошқалари ўликдир. Ўзгаришлардан қўркиш туфайли Аллоҳ саклаганларидан бошқа бойлар сархушдир. Яхшиларнинг кўпи камбағал ва бойларнинг, ёмонларнинг кўпи камбағал ва бойларнинг кўни бўлишига караб бўлади.

**Аммо иккинчи иш** ўзига кифоя этадиган ризқни излашни камайтириш ва ўз озукасини топишга кизикмасликдир. Бу тарика камайтириш уч жиҳатдан бўлиши мумкин. Баъзан дангасалик, баъзан таваккул, баъзан зуҳд ва қаноат. Агар у дангасаликдан келиб чиқса, демак у бадавлат бўлиш шодлиги ва унинг роҳатидан маҳрум бўлибди. Шундай экан, у (бошқалар учун) охири йўқ юк ёки бадбаҳт бечора бўлиши мумкин. Ривоятга кўра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалтам делилар: «Ҳасад қадар устидан ғолиб чиқаёзди. Камбағаллик куфрга яқинлашиб боради». Бузружмехр деди: «Агар тирикликтан ҳам афзал нарса бўлса, у саломатликдир. Агар соғликка ўхшаш нарса бўлса, у бойликтадир. Агар ўлимдан афзал нарса бўлса, у беморликдир. Агар беморликка ўхинаш нарса бўлса, у камбағалликдир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Қабр камбағал бўлишидан яхшироқдир». Мисрдаги Нил дарёсида тошга ўйиб ёзилган ёзув топилди:

*Сабр ортида зафар ва бойлик бор, билгинки,  
Фақирлик кўйлаги дангасалик матосидандир.*

Шоирлардан бири деди:

*Эй Аллоҳум, Сендан бойлик манманлигни,  
Мусибатнинг ҳолдан тойдирив қўйиншию  
Камбағаллик хоригидан паноҳ сўрайман.  
Хар қандай ялтироқ нарсага чўзиладиган  
Ва мени ундан қуруқ қайтарадиган умиддан ҳам.  
Агар маъсиятлар мени ўз ори билан булагаса эди,  
Нариншон бўлган шиларимга парво қиласдим.*

Агар унинг (кифоя даражасидан) камайтириши таваккул учун бўлса, демак у ўзига баҳона килиб олган ожизлик ва номи



ўзгартириб күйилган қатъиятсизликдир. Чунки Аллоҳ таоло ноилож вактда таваккал қилиш ва барча сабаблар йўқолганидан сўнг тақдирга тан беришга буюради. Маъмар Айюбдан, у Абу Килобадан келтирган ривоятда шундай деди: «Пайғамбар алайхиссаломнинг хузурларида бир кишининг шаънига яхши гаплар айтилди: «Ё Расулаллоҳ, у бизга кўшилиб ҳажга борди. Бир жойга тушсак, то у ердан йўлга тушгушимизча намоз ўкишидан тўхтамади. Қачон сафарга отланасак, то бир жойга етиб боргумизга қадар Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиндан тўхтамади». Бунга жавобан у зот дедилар: «Унинг туясига емишни ва ўзига таомни ким тайёрлаб берди?». «Ҳаммамиз қарадик, ё Расулуллоҳ», дедилар. Шунда у зот: «Сизларпинг ҳаммангиз ундан яхши экансизлар», дедилар. Донишмандлардан бири деди: «Катъиятни зос қилиш кишининг таваккулидан эмас. Таваккулдан ўз насибасини зос қилиш хам қатъият эмас».

Агар (кифоя даражадан) камайтирини зуҳд ва қаноатни леб бўлса, бу бойлик ва бадавлатлик ортидан пайдо бўладиган маъсиятиларни леб ўзига ҳисоб беринини билгани, ҳой-ҳавас ва (гуноҳ қилишга) кодирлик оғатларидан кўрккан, шунинг учун бойликдан кўра камбағаликни афзал кўрган, хою ҳавасга мойил бўлишдан ўз нафесини тия олган кишининг ҳолатидир. Абу Дардо ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қуёши чиқсан бирор кун йўқки, икки томонидан туриб икки фаришта инсу жиндан бошқа ҳамма эшитадиган килиб: «Эй одамлар! Робингизга шонишлар! Албагта, озгини ва кифоя килгалик нарса тутғинга олиб борадиган кўни нарсадан яхшидир», леб нидо кильмасалар». Зайд ибн Али ибн Ҳусайн отаси орқали бобоси розияллоҳу анҳум ажманилардан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сабр-токат билан Аллоҳдан енгилликни кутиб ўтириш ибодатдир. Кимки озгина ризкини леб Аллоҳ азза ва жалладан рози бўлса, Аллоҳ азза ва жалла ҳам озгини амалини леб ундан рози бўлади». Бир ривоятда Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу: «Камбағаликнинг фазилати шуки, сиз камбағал бўлинг учун Аллоҳга осийлик қиласидиган ҳеч кимни кўрмайсиз», деди. Махмуд Варрок бу сўзни олиб шундай деди:

Хој, фақырлукни айблөвчи, тұхтамайсанми ахир?  
 Бойликниң айбы эътибор берсанғ, фақырлукдан күп.  
 Агар сениң қарашиң тұғри бўлса,  
 Фақырлукниң шарафи ва бойликтан афзалиги шуки.  
 Сен бой бўлайин деб гуноҳга қўл урасану, аммо  
 Камбагал бўлиш учун Аллоҳга исён қилмайсан.

Иби Муқаффаъ деди:

Бойликни деб Аллоҳга осий бўлган маҳлуқни учратишинг,  
 Фақырлукни деб Унга осий маҳлуқни учратмаслигинг,  
 Фақырлукниң бойликтан яхши эканию ҳамда  
 Молниң ози кўпидаи яхшилиги сенга далил-исботодир.

Ушбу ҳолат ўз нафсига насиҳат қилганида, нафси итоат этган, ростгўй бўлишга чакирганида, унга жавоб берган, ҳатто уни бошқариш осон бўлган ва бўйсунмаслиги енгиллашган, озига қаноат килмаган кишининг кўпига ҳам қаноат этмаслигини нафси билган кишилар учунигина дуруст бўлади. Чунончи, Ҳасан Басрий Умар иби Абдулазиз розияллоҳу аиҳумога шундай деб мактуб жўнатди: «Эй биродар, ким Аллоҳнинг тақдирига рози бўлиб, беҳожат бўлса, қаноатга етишибди. Ким Ундаи юз ўтириб бошқасига юзланса, ўзини қийнаб кўйибди. Ким дунёнинг озига тўймаса, қашча кўп йигиб-тўпласа ҳам уни бойитмайди. Бас, дунёдан ўзингга ҳожатингта яранасини олгин, нафсингни тийилишга мажбурла, ортиқча дунёни тўплашдан саклан. Чунки унинг ҳисоб-китоби оғир». Донишманлардан бири деди: «Агар йигиб-тўплаганингдан қаноатланмасант, бой бўлишиңг душвор».

Аммо кимнинг нафси насиҳатни кабул килишдан бош тортса ва зуҳдига итоат этмай, ўжарлик қиласа, уни мажбурлаш йўли ва итоат эттириш усули факатгина риёзат ва ўргатинидир. Нафсни ўзи қочмайдиган оз нарсага тушириб, қачонки унда қарор топғач, ундан ҳам озига қадар олиб тушишдир. Токи аста-секинлик билан кўзлашган мажсаддига қадар олиб келинади. Риёзат ва одат туфайли исталған ҳолатга етказилади. Олдириқ донишманларнинг: «Қийин иш ҳам ўргатини билан осонлашади», деган сўзиари



келтирилди. Демак, ризқда ўзига зарур миқдорни излашы алоқайдар караңы ҳақыдаги иккінчі ишпинг хұкми ана шудир.

**Аммо учиичи амр** киғоя шарсага қаноат килмаслик, ортиқча ва яна ундан ҳам күпини талаб қилишидір. Бунда түрт сабаб бўлиши мумкин:

**Биринчى сабаб:** фақат ортиқча мол-давлат ва күпроқ озуқадан бошқаси билан етиб бўлмайдиган хоҳишлиарга қарши туриш. Агар хоҳишилари устуңлик қиласа, униң етказадиган миқдордаги молни тонали. Бирок хоҳишлиарига ҳад-чегара мавжуд эмас. Бу нарса талаб этиладиган зиёдаликнинг ниҳояси йўқ эканини билдиради. Кимнинг талаби ҳад-чегара билмаса, шунга қараб маشاқкат ва азоби ҳам кўнайиб боради. Шунинг учун хоҳишиларни деб тошилган лаззат уни деб доимий азоб тортиб, машақкат чекишини оқламайди. Бундан ташқари, ўз шаҳватлари билан мусобақаланиш ва қарамликни оғат қилиб олишга дучор бўлиш, ҳатто шаҳватлари истаган нарсанни талаб қилаверадиган, қаноат қилиб ундан тийилемайдиган ва акл ёрдамида тўхтамайдиган ҳайвон сингари бўлиб қолинишдан иборат ёмон ҳолатга тушиб қолиши ҳам бор. Али розияллоҳу анхудан келтирилган ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, шаҳвати билан қалбининг ўртасини тўсиб кўяди. Агар кимга ёмонликни ирода қиласа, уни ўз нафсига ташлаб кўяди». Бир шоир шундай деган:

*Агар сен қорин ва фаржиттга истаганин берсанг,  
Сени мазамматнинг интиҳосига етказар.*

**Иккинчى сабаб** яхши жойларға сарфлаш ва хайр-эҳсон йўлларида ишфоқ қилиб, муқарраб бўлиш, яхшилик ва мухтожиларга ёрдам бериш ниятида киғоядан ортиғини излаш ва уни хоҳланадир. Агар хожатларига қарамликдан ҳалюс бўлиб, ризқ топишнинг шубҳали йўлларидан сакланса, олишида ҳам, беришида ҳам вақтта қараб ва бакадри имкон меъёрға риоя этса, ана шу иши кечиримли, мақтогвага лойик ва муносаби броқдир. Чунки мол-давлат яхши ишларға восита ва дин ишида ёрдамчи ҳамда биродарлар ўртасида илик муносабат ҳосил қилувчиidir. Дунё ахлидан



ким ана шуни йўқотса, унга рағбат ва хайиқиши камаяди. Уларнинг ичларидан хайиқилмайдиган ва рағбат қилинмайдиган кишиларши менсимай кўялилар. Абдуллоҳ ибн Бурайдада отасидан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: «Албатта, дунё аҳлидан мана шу молга караб хисоб олинади». Мужоҳид деди: «Куръонда келган яхшиликпинг ҳаммаси молдир: **«Албатта, у (инсон) яхшиликка ҳаддан ташкари ўчдир»** (Вал-одиёт сураси, 8-оят), яъни молга.

**«Албатта, мен Роббимнинг зикридан қўра дунё ишқига берилиб кетдим!»** (Сод сураси, 32-оят), яъни мол.

**«Бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг»** (Нур сураси, 33-оят), яъни мол-дунё.

Пайғамбар Шуайб алайхиссалом: «Албатта, мен сизларининг яхшиликда эканингизни кўриб турибман», дедилар. Яъни молда. Шубҳасиз, Аллоҳ таолю мол-дунёни яхшилик йўлига сарфлансангина яхшилик деб атаган. Чунки яхшиликка олиб борадиган нарсанинг ўзи яхшидир. Таъвил ахли Аллоҳ таолонинг: **«Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергиз ва бизни дўзах олови азобидан саклагиз», дейди»**, (Бақара сураси, 201-оят) деган сўзи хақида ихтилоғига боринган.

Бинобарин, Суддий ва Абду Раҳмон ибн Зайд: «Яхшилик бу дунёда, охиратдагиси эса жаннатдир», дедилар. Ҳасан Басрий ва Суфён Саврий: «Дунёдагиси илм ва ибодатдир. Охиратдагиси жаннатдир», деди. Ибн Аббос деди: «Дирхамлар ва динорлар сб ҳам, ичиб ҳам бўймайдиган Аллоҳнинг ердаги муҳрларирид. Каерга олиб борсанг ҳам, улар туфайли ҳожатинг раво бўлади». Қайс ибн Саъд деди: «Аллоҳим, менга мақтов ва шарафни насиб ёт. Чунки саховатсиз мақтов ва мол-дунёсиз шараф йўқдир». Абу Зинодга дедилар: «Нима учун дирхамларни яхши кўрасан? Ахир, улар сени дунёга яқин қилиб кўяди-ку?». У шундай жавоб берди: «Улар мени дунёга яқин қилиб кўйса ҳам, ундан мени химоя киладилар». Донишмандаардан бири деди: «Ким ўз молини ислоҳ этган бўлса, иккита улуғ нарса – дин ва номусини саклабди». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Ким беҳожат бўлса,

ўз ахлига яхшилик қилибди». Бадавлат кишилардан бири олимлардан бирининг ёнидаи ўтаётса бойга караб қимирилаб қўйиб, хурматини бажо келтирибли. Буни кўриб турган кишилар унга: «Шундай қилишининг нима кераги бор?», деганларида у: «Тўғри, шарт эмасди, аммо мол эгасини эҳтиромга лойик кўрдим», деди. Бир киши Муҳаммад иби Умайр иби Уторид ва Аттоб иби Варкодан ўнта хун талаб қилди. Шунда Муҳаммад: «Битта хун менинг зиммамда», деди. Аттоб ёса: «Хунларининг қолигани менинг зиммамда», деди. Шунда Муҳаммад: «Шараф козониша бойлик накадар яхши ёрдамчиидир», деди. Аҳнаф иби Қайс деди:

Агар мен мол-дунёси кўп бойлардан бўлсан.  
Саловат кўрсантиб, яхшиликка сарфлардим.  
Чунки шаън-шавкатга эриниш бўлмайди,  
Агар кўпдан-кўп мол-дунёси бўлмаса.

Дейдиларки: «Цирхамлар маъхамларга ўхшайди. Чунки дирхамлар ҳар кандай жароҳатни даволайди ва шулар туфайли ҳар қандай битим яхшилик билан тугайди». Ибн Жалол деди:

Мол-дунёга эринишдиму шавкатига эринимадим.  
Ахир шаън-шавкат кўп мол-дунёдан бошқа эмас.  
Юқори мартабаларга кўтарилмоқ истасам  
Молим камлиги номимни машҳур қилишдан тўсиз бурагар.

«Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Факирлик маглубликка ва бадавлатлик шуд-хуррамликка сабабдир. Ноҷорлик разолатга сабаб бўлса, тилямчилик ҳаёв ва уят кетишга сабабдир». Авс иби Ҳажар деди:

Мен юксалини диёридаман, модомики унда юксалиши бор.  
Агар у ердаги ҳол ўзгарса, кўчиб кетиш менга муносибдир.  
Чунки оғзиша одамлардан бошқа ҳаммасини кўрдимки,  
Кўчиб юршини кўп қиладиган вафосиз инсонлар экан.  
Улар мол-дунёси борларини онасидан туғилган болаларни,  
Кўл бўлса ҳам қавмишга бошлигю мўътабари деб биладилар.  
Улар мол-дунёси камлар учун бир ўзай онаниш болаларидек,  
Ота-онаси тарафидан шарафли бўлса ҳам уни ёмон кўришар.

**Бишр Зарийр деди:**

Менинг јұз обрүйимни сақтайдыған молим йүк ҳолда,  
Әрта кетіб кеч келәётгап тисим ғам ұлароқ киғоядир.  
Дұстимни күпинча хүш келибсиз, дея қарши оламан,  
Бу нараса жағдайда етарни әмас ва уни рози қылмас.

**Бошқа бир киши деди:**

Бадавлат пайтында одамлар сени мақтаб, улугелар,  
Хар қандай давлатманد одамлар наздыда улугедир.  
Зиёфат берадыған кечаси ёки ионушта вакыт  
Кишига зийнәтли давлатдан боиқаси давлат әмас.

Мұхтож қилиб күядыған даражадаги фәқирик макрух ва тақаббурлықка олиб борадыған даражадаги бойликни ёмон деб иттифоқ қилинишиға карамай, бойлик ва фәқирикдан қайси бири афзаллігі түркесіда ихтилоф қылғанлар. Бишебарин, бир тоифа фәқирикдан бойликни афзал күришган. Чүнки бой киши ҳар нарасаға қодир, фәқир киши ожиз бўлади. Ана шу сабабга кўра, қодирлик ожизликдан афзал. Бу шарафни қаттиқ яхши кўрадиганлар йўлидир. Бошқа бир тоифа эса бойликдан фәқирикни афзал билишади. Чунки фәқир киши дунёдан маҳрум ва бой киши дунёга гаркдир. Дунёни тарк ўтиш у билан бирга бўлишдан яхши, унга берилмасликни қаттиқ яхши кўрадиганлар туттаган йўлдир. Яна бошқа бир тоифа фәқирик ҳаддидан бойликнинг паст даражасига чиқиб, ҳар иккисининг фазилатига әришиш ва ҳар икки ҳолат мазамматидан ҳалос бўлиш мақсалида ўртача йўлни танладилар. Бу ўртачаликни афзал билиб, ишларнинг яхиниси ўргачасидир, деган сўзни ўзига шиор қилиб олғапларнинг туттаган йўлидир. Батахқиқ ҳар бир тоифанинг келтирған хужжат-далиллари юкорида айтиб ўтилдики, бу ўринида уларни яна тақрорлашга ҳожат йўк.

**Учинчи сабаб,** кифоясидан ортигини талаб қилиш ва молдунёсини фарзанди учун тўплаб кўйини ҳамда меросхўрларига қолдиришидир. Ҳатто ҳакли бўлса ҳам, молиши ўзидан ҳам киз-



ганиб, сарфламасликдир. Бундай киши мол-дунёни тўплагани сабабли бадбаҳт ва унинг гуноҳи сабабли ҳисоб беради. Ақл өгасига аник бўлган бир қанча тарафлардан маломатга лойик: шулардан бири фарзандлари ва ворисларини фақат ўзим туфайли ризқлантиради, дея Холик Зотта ёмон гумонда бўлишидир. Дедилар: «Ноумидлик ўз эгасини ҳалок килади. Аллоҳ хақида яхши гумонда бўлиш қалбларнинг роҳатидир». Абдул Ҳамийд деди: «Замон сени кўчираётган ҳолда қандай қилиб ўз ҳолатингда қолмокчисан?».

Шулардан яна бири дунё бевафолиги ва мусибатларига қарамай йиғилган мол-дунёсини ўз боласига насиб этади, деб инсонинидир. Бир ривоятда: «Замон ҳасадгўйдир. У қайси нарса устидан ўтса, албатта уни ўзгартириб юборади», дейилган. «Мансур-ул ҳикам» да: «Мол-дунё бесабрдир», дейилган. Донишманлардан бири деди: «Дунё сенга мангу қолса ҳам, сен унинг учун боқий колмайсан».

Шулардан яна бири мол-дунёси фойдасидан маҳрум қилиниб, мўл-кўлчилик ҳолатидан жудо бўлишидир. Бир ривоятда: «Албатта, молинг сеники, ё меросхўрики, ё вабоникидир. Шундай экан, сен ана шу учовидан энг бадбаҳти бўлиб қолма», дейилган. Абдул Ҳамийд деди: «Ҳавои орзу-ҳавасларингдан воз кеч ва ўз молингта ворис бўло».

Шулардан яна бири мол-дунёни тўплаш оқибатида ўзига етадиган баҳтсизлик ва чеккан маппакқатлари азобидир. Балки у маҳрум этилган елиб-югурувчи ва мазаммат қилинган заҳмат чекувчига айланиб колганидир. Дедилар: «Шод-хуррам ҳолда юрган қанча-қанча кишилар борки, аслида шод-хуррамлиги ўзларига татимайди. Ҳасталик туфайли раҳм-шафқат кўреатила-диган қанча-қанча кишилар борки, аслида шу ҳасталиги ўзларига даводир». Бир шоир деди:

Кимнинг нафси ўзига кифоясидан ортизига мажбур этса,  
Бас, унинг меҳнат-машаққати то ўлгунча тугамас.

Шулардан яна бири тўплаган мол-дунёсини деб қилган гуноҳ ва маъсиятлари туфайли жазога тортилиб, ортидан келади-

так журму исёилар туфайли хисоб-китоб қилинишидир. Ҳикоя қилининича, Ҳишом ибн Абдулмалик касал бўлиб қолганида болалари унинг атрофида йигланадилар. Шунда у болаларига деди: «Ҳишом сизга дунёни инъом қилияти. Сизлар эса унга йиги-сигини инъом қилияпсан. У сизларга тонгациини тўлик қолдираяпти. Сизлар эса унга маъсиятларни қолдирияпсан. Агар Аллоҳ магфират қиласа, Ҳишомнинг ҳолига вой». Ана шу маънони олиб, Маҳмуд Варрок шундай ёзди:

Ўлмай туриб, молингдан фойдаланиб қолмасан,  
Ўлгандан кейин сенга ундан ўеч нарса қолмас.  
Сен ути деб бадбаҳт бўласан, сўнгра ўзингдан  
Бошқаларга қолдирасан. Аллоҳ ундан монин узоқ қиласин!  
Улар сенга ёлғон йигилар билан йигиларлар,  
Сен эса уларга тонганингни ишъом қиласан.  
Қўлинеда бор-будингни уларга гаровга берасан.  
Улар сени ғуноҳларингга гаров қилиб қолдирап.

Ривоят қилининича, Аббос ибн Абдулмутталиб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб деди: «Ё Расууллоҳ, мени бирор лавозимга тайинланг». «Эй Аббос! Эй Пайғамбарнинг амакиси! Сиз учун кифоя қиласидиган из нарса ҳалок ўтадиган кўп нарсадан яхшидир. Эй Аббос! Эй Пайғамбарнинг амакиси! Нажот берадиган нафс сиз уддасидан чика олмайдиган ҳоким бўлишдан яхшидир. Эй Аббос! Эй Пайғамбарнинг амакиси! Албатта, ҳокимликнинг аввали надомат, ўргаси маломат ва охири Қиёмат куни шармандалигидир», дедилар. Аббос деди: «Ой Аллоҳнинг Расули! Адолат килган кишилар-чи?». Бунга у зот дедилар: «Қариндошларинг бўла туриб, кандай килиб адолат киласизлар?!». Бир киши Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳга деди: «Мен ўлимдан кўрқаман ва уни ёмон кўраман». Ҳасан Басрий: «Сен мол-дунёнгни ўзингдан кейингиларга қолдирмоқдасан. Агар уни хайр-эҳсон йўлида сарфлаганингда ортидан боришинг сени хурсанд қиласарди». «Мансур-ул ҳикам» да шундай дейилган: «Ўлган кишининг мол-дунёси кўплиги меросхўрларига таскин беради». Ибн Румий ана шу маънони олиб шундай ёзди:



Мол-дунённи ўз ворисига мерос қилиб қолдирдиш.  
 Мол-дунёне ўзингга нима қолдирсанни билсам қанийди!  
 Сендан кейин одамлар шодланшишар шуни деб.  
 Улардан ажералганингдан кейин аҳволинг қандоқ бўларкин?!  
 Йиглаб зерикдилар, сени деб ҳеч ким ишламас,  
 Мерос ҳақидаги гап-сўзлар ҳам ҳал бўлди аллақачон.  
 Сендан юзин ўғириб, ушарга юзланган дунё уларни  
 Сендан чалгитиб қўйди, аслида кунлар ўзгарувчандир.

**Тўргинчи сабаб** мол-луиёни тўплаб, уни кўпайтириш интида бўлиш уни тўплашдан лаззатлапиб, жозибасига маҳлис бўлишдан келиб чиқади. Мол-дунё борасида аҳволи ёмон ва ундан маҳрум этилгап кини ана шудир. Бонка маломатлар ҳам унга юзланган, ҳатто мол-луиё унинг учун зарарга ва ёмон нарсага айлангандир. Унга ўхшаган кинилар ҳакида Аллоҳ таоло шундай деган: «**Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдигашларга аламли азобнинг башоратини беравер**» (Гавба сураси, 34-оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ледилар: «Олтинга ҳалокат бўлсин! Кумушга ҳалокат бўлсин!». Бас, бу гап Пайғамбарамиз саҳобаларига оғир ботди ва: «Қайси молни сақлайлик?» ледилар. Шунда Умар розияллоҳу анху: «Сизлар нимани сақлашишгизни мен билиб қеламан», деди ва Пайғамбарамиз олдилари га бориб: «Ё Расулаллоҳ, Сизнинг (олтин ва кумуш ҳакидағи сўзингиз) саҳобаларинигизга оғир ботганидан: «Қайси молни сақлайлик?» ледилар», деди. У зот: «Зикр қијгувчин тилни, шукр этгувчи қалбни ва дин ишинга ёрдам берадиган мўмина хотинни», дедилар.

Шаҳр ибн Ҳавишаб келтирган ривоятда Абу Умома деди: «Ахли суффадан бир кини вафот этганида изори ичидан бир динор чиқди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир тамга», деб қўйдилар. Кейинроқ яна бир кини вафот этганида изори ичидан икки динор чиқди. Бас у зот: «Икки тамга», деб қўйдилар». У зот замонларида беҳисоб мол ва катта меросларни колдириб вафот этган кинилар кўн бўлса-да, бу икки ахли суффа ҳакида бундай дейиншларига сабаб шу эдики, у ик-



кисидаги бу ҳолат болықаларда мавжуд әмас әди. Чунки у иккиси ўзларини қаноатли қилиб күрсатған ҳолда ортиқча нарасаны олиб юргашлари учун гунох ва икобга мустаҳик бўлишиди. Бир шоир шундай деган әди:

*Мол-давлат әгаси бўлиб, хайр-эхсон қилгувчи бўлмасанъ,  
У ҳолда сен билан камбагаллар баробардирсиз.  
Аммо моллар борасида бир қун борки, ўз әгасининг  
Зиммасида жавобгарлик бор, камбагаллар бундан озод.*

Шофеий розияллоҳу анхунинг Рабиъ ривоят қилган инсъяларини ўкиб бераман:

*Албатта бойлик берилган-у, на мақтөв ва на савоб  
Берилмаган киши шубҳасиз баҳтсиз инсон.  
Баҳту омад ҳар қандай ышроқни яқин қиласар,  
Жидду жаҳд ҳар қандай ётиқ эшикни очиб берар.  
Аллоҳнинг бапдаларидан қайгу чекишга муносаб киши  
Ҳиммати олий бўлиб, тирикчиги таш бўлганиди.  
Тақдирга ҳамда унинг борлигига далил-исботди.  
Оқилининг ночорлигию аҳмоқининг яхши яшаси.  
Бас, агар баҳтли одам қуруқ повда төрган экан,  
Унинг қўлида япроқ ёзиди, деб эшитсанг, ишонсанг.  
Агар хор бўлган одам сув ишгани келган экан,  
Сув қуриб қолибди деб эшитсанг, уни рост десин.*

Мол-дунёни тўплаш ва кўпайтириш туфайли балолантган, мумсиклик ва сақлааб юрини азобига йўлиқкан, ҳатто тўгри йўлдан оғиб адашиб кетган ва ундан чикиб ҳалокатга юз тутган кишининг офати шуки, у мол-дунё мухаббати ҳамда узун орзу-ҳавасларга мағлуб бўлади. Натижада мол-дунё мухаббати уни яна-да мол-дунёни излашга ундейди. Узун орзу-ҳаваслар уни мол-дунёни қизғанишга мубтало этади. Очкўзлик ва қизғанчилик ҳар қандай ёмонликнинг асоси ва ҳар қандай насткашликнинг сабабидир. Чунки қизғанчилик ҳақдорларга ҳақларини беринидан тўсади, силаи раҳмни узишга ва (ота-онага) ок бўлишга олиб келади. Шунинг учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бандага берилган энг ёмон нареа ўта қурумсоклик ва бесабаб



күркөкликтір», деганлар. Донишмандлардан бири деди: «Бахил бадавлат киши күркөк күчли кишиига ўхшайды».

Очкүзлик нафсни ўзига тобе қылиб олғани боис ундаги яхши хислатларни кетказади ва ибодатдаи қалғитиб күйгани боис унинг олдини түсіб туради, шубхали нарсалардан сақланмагани боис уларга аралашып турғанда да жамловчилар ва фазилатларни кетказувчи лардир. Бундан ташқари, очкүз одам очкүзлиги туфайли ўз ризқидан ортиғини күнайтыра олмайды. Факат ўзини хорлаб, Холиқ зотни поризо қылғани қолади.

Ривоят килинишича, Пайғамбар соллашында алайхі васаллам: «Каттиқ ҳаракат құлувчи очкүз ҳам ва зұхдің берилған қаноатлы киши ҳам ўз ризқ-насибаларини тұлық оладилар. Бас, шундай экан, ортиқча уриниб-чираниш нимага керак?». Бир донишманд деди: «Очкүзлик динни ва олийжапобликни бузади. Аллохға қасык, кимшинг юзида очкүзлик асарини күрсам, албатта унда сохталиқ зохир әканини күрдім». Бонка бир кини деди: «Очкүз киши хорликнинг тутқуни ва асиридір». Балоғат сохибларидан бири деди: «Катта бойлуктар кураш билан құлға криитилмайды». «Тақсир килинган ризқ-насибаларға күч-кувват ғана каттиқ чираниш билан етиб бўлмайды». Шундай экан, ўз нағесиңни насиб эттән микдорға итоат эттир ва билиғилки, сен қаттік хире билан факат ўз насибандан бошқасини ололмайсан». Адиблардан бири деди: «Баъзи насибалар борки, унға талаб этувчидан бошқаси әришади ва баъзи яхшиликлар борки, унға ўзига жалб этувчидан бошқаси стищади». Адаб аҳлидан бир киши менга Мухаммад ибн Ҳозимнинг шеърини ўқиб берди:

Эй алдамчи таманинг хорлик кишинида турған асири.

Умидсизликдаги азизлик сенға орзу-истак хорлигидан яхшидір.

Агар замон голиб келса, уни кечир, сенға күйгән вактими олғаси,

Баъзан ҳарис киши қашниоклашиб, данғаса киши бой бўлар.

Очкүз кишининг ўз олдига күйгани мақсади йўкки, унга стиб борганида тўхтаса. Аммо аниқлаб қўйилған никояси ҳам йўкки, унга етганида қаноатланиса. Чунки у ҳарислик орқали ўз орзу-истагига стишигандада ҳам ана шу әришгани уни янада ҳарис

ва орзуманд бўлишга ундаиди. Агар унга эришмаса, меҳнатмашакқати зое кетганини ҳиммат настлиги унга сабр килишини оқишлиқ деб билади. Аввалги чеккан машакқати сабабли янада каттароқ ва кўпроқ нарсанни орзу ва умид қиладиган бўлади.

Ривоят қилининича, Найғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Одам боласи қарийди. Аммо ундан икки хислат

харислик ва орзу-ҳавас ҳеч каримайди». Масиҳ алайҳиссаломга дедилар: «Нима учун қари кишилар ёниларга қараганда дунёга харисроқ?». У: «Чунки қариялар ёнилар тогиб кўрмаган дунё лаззатидан тогиб кўришган», деб жавоб берди. Агар харис одам ўз нафсига яхши муомала килиб, уни қаноатга ўргатса ва ўз аклидан насиҳат олганида, қазою қадарга рози бўлиш ва Аллоҳ тақсимига қаноат этиш энг улуг саодат ҳамда энг яхши ютуклигини билган бўларди. Ривоятта кўра, Найғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ризқ талабида ўргача бўлингизар. Чунки ризқ қилиб берилган нарсанни излашингиздан унинг сизларни излаши кучлироқдир. Қайси нарсадан маҳрум бўлсангиз, ҳарчанд унга интилман; ҳаргиз унга эринча олмайсизлар».

Ривоят қилининича, Жаброил алайҳиссалом Найғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига тушиб деди: «Аллоҳ таборака ва таоло сизга салом айттиб: «Бисмилахир роҳманир роҳийм: **«Кўзларингни уларни сипаш учун айримларига баҳраманд қилиб берганимиз ҳаёти дунёнинг турли зийнатларига тикма. Роббингниг ризки яхши ва боқийдир»** (Тоҳо сураси, 13-оят) ни ўқинг; деди». Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жарчига: «Ким Аллоҳнинг хулқи билан хулқланмаса, унинг жони дунё учун ҳасрат чеккан ҳолатида интиҳо топади», дега жар солинини амр кијидилар. Дедилар: «Китоблардан бирида шундай ёзилган: «Кўзларингизни ўзларингизга кайтаринг. Чунки унда (бошқаларнинг мол-дунёларига қараш билан) сизларни банд қилиб қўядиган машнуллик бор». Мужоҳид Аллоҳ таолонинг: **«Биз унга яхши ҳаёт кечирирамиз»** (Наҳъя сураси, 97-оят), деган сўзининг таъвилида «қаноат билан» деган. Аксам иби Сайфий деди: «Ким очкўзликни қаноатга алмаситирса, бойлик ва шаън-шавкатга ноил бўлибди». Салафтардан бири деди: «Баъзан каттиқ заҳмат чекиб, жиҳу жаҳд қилювчи жоҳил



ноумидликка йўлиқади ва тўғри йўлдан кетгувчи киши муваффакиятга эришади». Бухтарий шу сўзни олиб деди:

Мен ўз ризқидаги насибасини ё кўпайтирувчи ёки  
камайтирувчи құфрат ҳасасин учратмадим.  
Ризқи тор одам ҳарчанд уримасин, маҳрум бўлиб қолаётгани,  
Ризқи кенг киши ҳаракат қылмай кўн нарса топар, ажаб.  
Ҳаракат қылмай истаётганидан маҳрумнинг мусибати  
Ҳаракат қилиб, излаганидан маҳрумнинг мусибатидек эмас.

Донишманлардан бири деди: «Агар қапиноқ бўлса ҳам, ким қаноатли бўлса, бадавлатдир ва агар бадавлат бўлса ҳам, ким қаноатли бўлмаса, камбагалдир». Балоғат сохибларидан бири деди: «Агар азизликни истасан; уни тоат-ибодат билан талаб кил. Агар бойликни истасан; уни қаноат билан талаб қил. Зоро, ким Аллоҳ азза ва жаллаға итоат қиласа, кучли қўллювчига эга бўлади ва кимки қаноатни маҳкам тутса, факирликдан қутулади». Адиблардан бири деди: «Қаноат факир киши учун азизликдир ва садака бадавлат киши учун ҳимоядир». Адиблардан бирлари деди:

Кўряманики, кимда қаноат бўлса  
Албат етар орзу-истакларига.  
Ризқу рўз келадир машиққатсиз ҳам  
Баъзан ризқсиз қолар заҳмат чекиб ҳам.

Қаноат уч хил бўлиши мумкин:

**Биринчиси,** мол-дуңёсидан кифоя даражасига қаноат қилиб, ўзини кўпроғидан тўсан бўлиши. Ана шуниси қаноат аҳлипинг марғабалари ичида энг улуғидир. Шоир деди:

Агар бой бўлиб яшаини истасанг, бас тушиб қолма  
Шундай аҳволгаки, сен унга рози эмас эдине.

Молик ибн Ҷийнор деди: «Одамлар ичида зоҳидроғи кифоя-силан ортиғига қизиқмаган кишиидир». Донишманлардан бири деди: «Ўзига кифоя этадиган микдорга рози бўлиши иффатли бўлишига стаклайди». Адиблардан бири деди: «Баъзи (ризқдаги) ташликлар кенинликдан афзалроқ ва баъзи машаққатлар хотир-жамликдан яхширокдир».

Адаб аҳлидан бири менга мана бу шеърни ўкиб, Али ибн Абу Талиб каррамаллоху важхаҳуники эканини келтирди:

*Қаноат барча иззатни менса бермити,  
Қаноатдан ҳам азизроқ бойлик борми?!  
Сен ҳам уни ўзине учун сармоя айла,  
Ундан кейин савдо моли қилғын тақвони.  
Қаноат қилған чөгиге баҳилдан четлапурсан,  
Озегина сабр қыласан, жаиннатда роҳат қилурсан.*

**Иккинчиси**, қаноат уни кифоя даражасига қадар етказиши, шундан ошиғи ва зиёдасини олмаслигидир. Буниси қаноат қилгүчининг ўртача холатидир. Бир ривоятда Пайғамбар солиалилоху алайҳи васаллам: «Ризки билан ўргасида бир нарда бўлмаган бацда йўқ. Бас, агар қаноат ва тежамкорликка одатланса, ризқини ўзи уни излаб келади. Агар ким шу нардани йиртса, ўз ризқини кўпайтира олмайди», дедилар. Донишмандлардан бири леди: «Кифоясидан ортигини талаб қилини иерофидир». Балоғат соҳиблиаридан бири леди: «Бенинилаб қўйилган (rizqi) га рози бўлган киши қўлида борита қаноат қиласди». Бухтарий леди:

*Дунёда кўп нарсани талаб қиласан, ваҳоланки,  
Дунёнинг озгинаси или ҳам ҳожатинг битар.*

Мен Иброҳим ибн Мудаббаришинг шеърини ўкиб бераман:

*Албатта қаноат ва нафсни тиймокълик  
Ҳар қандай бойликдан беҳожист қиласар.  
Агар орзу қилишибдан ўзингни тия олсане,  
Шукр қил, зеро сен юксак мартабаса етибсан.*

**Учинчиси**, қаноат уни хаёлига келган нарсада тўхтанига олиб келишидир. Шунинг учун у қанча кўп бўлса ҳам, ўзига келган нарсани ёмон кўрмайди. Аммо қанча оз бўлса ҳам, имконсиз нарсани талаб қилмайди. Ана шу холат қаноат аҳрининг мартабалари ичида энг пастрогидир. Чунки у раҳбат ва раҳбат (кўркув) ўргасида муштаракдир. Аммо раҳбатга келсак, у имкон тонилганда, етарли даражадан ортигини ёмон кўрмагани учундир. Аммо раҳбатта келсак, у имконсиз бўлса, модда (озика)



камайтганидан имкони йўқ нарсани талаб килмагани учундир. Зуннун раҳматуллоҳи алайҳи шу кабилар ҳақида деди: «Қаноати кўп кипининг ёвғон-игўрваси ширин бўлади». Ҳасан ибн Али отаси оркали бобосидан ривоят килади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Дунё ўзгариб туради. Бас, ундан нимаики сенга аталган бўлса, унга иложинг етмаса, албатта ўзи келади. Нимаики аталмаган бўлса, уни куч-кувватиг билан ўзингдан даф этишга иложинг етмайди. Ўтиб кетган нарсадан умидини узган кишироҳат топади. Аллоҳ таолонинг берган ризқига рози бўлган киши мамнун бўлади». Абу Ҳозим Аъраж деди: «Мен дунёни икки нарса леб билдим. Бири менини бўлиб, вакти соати келмаса, агар осмонлар ва ердаги куч-кувватиг билан талаб килисам-да, ҳаргиз уни теззата олмасман. Иккинчи бири мендан бошканикодир. Бунга олдин хам эришмаганман ва бундан кейин хам эришмайман. Шуни билдимки, менини бўлган нарсани бошқа ололмаганидек, бопикапикини мен хам ололмайман. Шундай экан, ана шу иккисидан кайси бири учун ўз умримни берай ва ўз жонимни қийнай?». Абу Таммол Тоий деди:

Замонни деб мени айблама, у мен учун тобе эмас,  
Ва мен ҳам замоннинг кафилигин олган эмасман.  
Кимнинг азму қарорию мақсадлари яйлови агар  
Ёлғончи орзулар боди бўлса, доим оч қолиб яшар.  
Агар қаноат султони ва унинг ҳукми ҳалойиқ ичра  
Ёлиб бўлганида эди оз нарсани ҳеч ким оз демас эди.  
Ризқ учун қайгуриб ўйланма, чунки у ўз оёги билан келар,  
Агар сен унга чонар юбормаган тақдирда хам бил.

Адаб ахлидан бир киши менга Ибни Румийнинг шеърини ўқиб берди:

Тақдирнинг қалами ҳамма нарсани ёзib улурган,  
Демак биробардир ҳаракат қилимогуз қилмаслик.  
Хомиглаға ўз пардаси ичиди ризқи етиб турсан ҳолда,  
Сенинг ризқини деб етиб-юзумоғини эрур аҳмоқлик.

Энг карамли сўралгувчи ва энг афзали умид қилингувчи Зот – Аллоҳ таолодан бизларга берган ризқ борасида тавфиққа мушарраф

үтишини, бой-бекшіжатлик туғайли келадиган (маєсиятлар) хамда қалокатта әлтгувчи шаҳватларға мубтало этмаслиги учун Үзи ман этиб қўйған нарсадан қалбларимизни буриб юборишини сўраймиз. Шарийк ибн Абу Намир Абу Жизъдан, у амаки ва боболаридан келтирган ривоятда Пайғамбар соллаиллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Менинг эш яхши умматим кибр-ҳавога мубтало бўладиган дараҷада (мол-дунёга) берилмаганлари ва тиланчилик киладиган дараҷада қашшоқ бўлиб қолмаганларидир». Абу Таммом Тоий деди:

*Мен учун шундай күнлар бўядики агар ўша кун,  
Үйқу дори ичсан одам бошига түниса кўзин юммасди.  
Ризқдан сенса насиб бўлмаган нарсани талаб қилма,  
Худди эмизишни хоҳламасан йиғтқичга осингандек.  
Қайси бир кишига сабр эказ қилиб берилган бўлса,  
Йўқотгани эказига берилган нарсадан камлигин кўрап.*



## БЕШИНЧИ БОБ

### НАФС ОДОВИ

Билгники, нафс табиатан ўз холига эркин кўйилиб, ихтиёри мутлақ ўзида бўлинини хоҳлайди. Нафсиинг маҳмуд макталгани ҳам адабланини ва рози бўлингани ҳам ислоҳга муҳтождир. Чунки мақталган нафс учун муқобил ракиб мавжудки, ўзига тобеъ этувчи ҳою ҳавас ва голиб келувчи шахват унга ёрдам беради. Багахқик, аклга суюниб ёки табиатан энг яхши парсаға тавакқул этиб, нафсга адаб бериниға старли эътибор килинмаса, суюниш мужтаҳидлар назоратини инкор этиб, таваккул ноумил бўлувчилар надоматини келтириб чиқарали. Бас, адаб фойдаси йўқ инга айланиб, иодонлик киёфасига кирувчидир. Чунки адаб тажриба орқали ўзлашади ёки одат-кўникма туфайли маъқул деб топилади.

Ҳар бир қавмшиниң ўз яшиаш тарзи ва урф-одати мавжуд. Бунинг ҳаммаси ақл тавқифи (иљхоми) ва инсоний табиат ўйланини тутиш орқали эмас, балки тажриба, сабр-тоқат ва амал туфайли эталланиб, таълим, малака, машқ ва шуғулланини билан билб олиниди. Ани шунда ақл адаб устидан назорат ўрнатиб, закий таъбли киши адабга эрганшади. Агар ақлга адаб керак бўймаганида, Аллоҳ таоло юбориган найғамбарлар унга муҳтож бўлишмай, ўз ақилари билан кифояланардилар. Ривоят қилининишича, Набий солишмоҳу алайҳи васаллам: «Мен гўзал хулқларни мукаммал қилиш учун юборилдим», дедилар. Исо ибн Марямдан: «Сизга одобни ким ўргатдид?», деб сўрашганда: «Менга хеч ким одоб ўргатганий йўқ, лекин нодонни кўрсам, ўзимни уйдан тортидим», деган экан.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Аллоҳ таоло мақталган ва гўзал хулқларни Ўзи билан сизларнинг ўргангизда висила қилди. Шулардан бири билан хулқланиб, Аллоҳ таолуга боғланиш (розилигини тоини) кишига кифоя этади», деган. Донишманд Ардашер ибн Бобак: «Кўпчилик томонидан мақталиб, ҳамма жойда кўрк бағиниловчи зийнат сиғатида тан олиниши ва қанча вақт ўтганига қарамай, номи йўқолмай келиши адабнинг улуғ фазият деб тан олинишига далилдир», деди. Донишманд Маҳбуд

шундай дейди: «Насаби улуг бўлса ҳам, аммо одоби йўқ олимни хароба бинога ўхшатилган. Бино қанча бўй чўзиб борса, хавфхатари ҳам шунча кучаяди. Яна бундай олимни сувесиз дарёга ҳам менгзалганки, дарё қанча кенг ва чуқур бўлса, ўнқир-чўнкири ҳам шунча кўркинчли бўлади. Яна бундай олимни унумдор бўлса ҳам, аммо ташлаб қўйилган қаровсиз ерга ўхшатилган. Қанча ўтса ҳам бундай ерни бсгона ўтлар коплаб, ҳашоратлар уясига айланади». Ибн Муқаффаъ: «Ташамизга қувват берадиган озикадан кўра аклимизга акл кўшадиган одобга муҳтоҳмиз. Чунки ерга тушган уруғ сувдан маҳрум этилса, намлик старли бўлмаса, тупроқдан ниш уриб чикмайди, кўркам тус олмайди», деган.

Асмаъий роҳимаҳуллоҳ шундай ҳикоя киласиди: «Бир аъробий ўғлига: «Эй ўғлим, Аллоҳ таоло одобни аклларга қувват берадиган устун ва аслзода бўлмаганингни безайдиган зийнат килиб қўйди. Оқил кишининг феъл-атвори табиатан гўзал бўлса ҳам, барибир унга кўрк бағишлайдиган одоб керак. Қанча унумдор бўлишига карамай, ҳосил бериши учун ер сувга муҳтоҷ бўлганидек». Бир донишманд: «Одоб акл суратидир. Ақлинигина ўзиниг хоҳлагандек чиз», деди. Яна бири: «Адабсиз акл мевасиз дарахт, адаб борлиги учун мевали дарахтга ўхшайди», деган экан. Адабни икки асл мақомдан бири, лейилини бежиз эмас. Балоғат ахлидан бири шундай деган: «Фазл (хурмат-эхтиром) акл ва одобда, насл-насабда эмас. Чунки одоби ёмои киши аслзодалигини бой бериди. Ақли кам киши ўз асли (кслиб чикиши) дан адашибиди». Адиблардан бири деди: «Олов ўтин туфайли аланг олгандек, калбингни адаб олови билан алангайлат. Адабни ўзинигта ўлжа килиб ол, уни эгаллаши иштиёқини баҳт-омад деб бил, токи рогиб (рагбат килувчилар) сендан умид килиб турсин, роҳиб (таҳдид килувчилар) хайбатингдан кўрксин ва ҳамиша фойданг тегиши кутилиб, тўғрилик ва холислигингга умид қилинсан». Олимлардан бири: «Адаб барча фазилатларга олиб борувчи йўл ва ҳар бир шариатга воситадир», деди. Фасоҳат ахлидан бири: «Адаб насл-насабдаги айб-кусурларни бекитади», деган. Бу хусусда бир шоир шундай шсьр битибди:

Аллоҳ яратган мавжудот ичра,  
Йүқдир ақлса ўшашы сира.  
Инсон зоти ҳеч эришган эмас,  
Одобга тенг келар бирор ютуқقا.  
Үзүглик аслида тақвадорликдир,  
Үнгә насл-насаб фахр түйдирүр.  
Илмда оқыллар учун зийнат бўлса,  
Енгилтаклиқ ҳилм ахлининг оғатидир.

Асмаъий роҳимаҳуллоҳ бир шеърида деди:

Бўлса ҳамки ақл мавзуд (*тұғма*),  
Демасман беҳожат одобдан ҳам.  
Ақл ва адаб түпраққа синган сүвдек,  
Пайдо құлур ундан түрфа чамани ҳам.  
Ақлдан бенасиб түгілган кимса,  
Мақомда ҳайвондан фарқи йүқ, бадном.

Тарбия икки томонлама бўлишини тақозо этади. Бириңчиси, ёзи вактидан болага отаси берадиган тарбия. Иккинчиси, бола улғайиб, оку қорани таниғанда ўзига-ўзи оладиган тарбия. Ота берадиган тарбия болага ёш вактидан одоб-ахлоқининг асос ва меъёрларини ўргатишидир. Чунки ёш бола уларга кўнишка ҳосил қилиб, одатланған ҳолда вояга етади ва ёши улғайганида ўрганғандар асқотиб, тарбия олишга кийналмайди. Зоро, бола нимаши кўриб вояга етса, шу нарса унинг зеҳнида бир умрга муҳланади. Агар ёш вактида унинг тарбияси яхши бўлмаса, суги қотгандан кейин адаб беришдан фойда кам. Ривоятга кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч бир ота фарзандига гўзал одоб ёки ёмонликдан тўсадиган тарбиядан афзалроқ хадяни бера олмайди», дедилар. Бир донишманц деди: «Ташвишлар кўпайиб, машғул бўлиб қолмасдан олдин болаларга одоб беришга шошилингизлар». Шоирлардан бири шундай деб шеър айтди:

Ёши новдани түғриласанг, түғри бўлур шубҳасиз,  
Қўриб қолган ёғочни эзмоқдан фойда йўқдур.  
Ёшлиқда болаларга одоб берсанг ғанимат,  
Ёши ўтса уртма, барибир зое кетур.

Бошқа бири деді:

*Отадан күрганин қылар фарзанд ҳам  
Дараҳт үз шәдизидан ўсар бегұмон.*

\*\*\*

Инсон улғайиб боргани сари олиши лозим бўлган адаб икки кисмдан иборат. Биринчиси, келишув ва шартлашув одоби, иккинчиси риёзат ва тузатиш одоби. Келишув ва шартлашув одоби ақл әгаларининг бир фикрга келиб, одоб берувчиларнинг бир овоздан маъқуллаб, рози бўлишларига тақлидан олинади. Уларнинг одобни истинбот этувчи келишувлари ва бир овоздан рози бўлишларига яхши деб маъқуллашни вожиб этувчи ҳужжат-далил мавжуд. Бунга муомала қоидалари ва кийиниш одоби бора-сида улар маъқуллаб, рози бўлганлари мисол бўлади.

Хозирги вақтда инсон ўзидан олдингилар маъқул деб тоғлан муомала ва қоида ҳалдидан чикмоқчи бўлса, одобдан узоқлашиб, мазамматга мустахиқ бўлиб колади. Чунки кўниммага айланган урф-одатдан четланиш, келишув асосига кўра қабул қилинган қоидани тан олмаслик, агар итоат этмасликка аниқ баҳона-сабаб бўлмаса, ақл тақозосига кўра, бундай йўл тутиши уни қоралашга муносиб деб тошишни келтириб чиқаради. Ақлга эса ўша нарсанинг иттифок килгандаридан бошқача тарзда бўлиши ҳам жоиз бўлаверади. Бас, улар айнан ўzlари ташлаган нарсанни яхши деб маъқулласа, ундан бошқасини қабих деб биладилар. Демак, бу нарса уни тарк этувчисига мазаммат таважжух этиш жиҳатидан ақл тақозосига кўра вожиб бўлган нарсага мушорик ва ақлан бошқача бўлини ҳам мумкинлик нуқтаи назаридан зиддир.

Аммо риёзат ва тузатини одобига келсақ, ақлда унинг хило-фида бўлиш дуруст-дуруст эмаслиги хақида оқил кишилар ихтилофга бормаган ҳолатга таянади. Бундай нарсаларнинг сабаби ақл билан изоҳланган, ҳақиқатда тўғрилиги далилга боғланган ва улардан қайси бирини қилишига нафс гувоҳ бўлади. Аллоҳ таоло нафсга тўғри йўлни тошишга илҳом берганини шундай марҳамат қиласи: «**Бас, унга фужурини ва тақвосини билдириди**» (Шамс сураси, 8-оят). Ибн Аббос розияллоҳу анхумо

бу оятни тафсирлаб: «Нафсга киладиган яхшиликни ҳам, тарк этадиган ёмоцликни ҳам баён қилиб берди» деган. Кейинрок хар бирининг сабабини ўз ўрида келтириб ўтамизки, шундай килинса, мақсадга мувофиқ ва яхшироқдир.

Риёзат ва тузатиш одобининг дастлабки тамойили хар қачон ўз нафсини яхши деб ўйламаслинидир. Мабодо уни яхши деб ўйласа, ўзининг ёмон сифатлари ва бемаъни феъл-авторларидан вокиф бўлмайди. Чунки нафе шахватларга буюрувчи ва ҳақдан кайтарувчиидир. Аллоҳ таоло: **«Албатта нафе ёмонликка буюрувчиидир»** (Юсуф сураси, 53-оят) деган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллом: «Энг ёмон душман ўз нафсини; сўнг ахлининг ва ундан кейин эса қарамонишдагилар», деганлар. Бир аъробий аёл бир кипининг ҳақига: «Аллоҳ таоло нафсенгдан бошқа дуниманларингни мағлуб этиб, хор айласин», деб дуо қилган экан. Шоирлардан бири буни шундай деб назмга тизибди:

*Қалбим мени зиёнимга ундалай,  
Кўпайтирас дарду аҳам, гамимни.  
Душманимдан қандай қилиб сақланай,  
Тарк этмаса кечакундуз ичимни.*

Агар шундай бўлса, нафсни яхши деб ўйланни уни ҳакам қилингага важ-баҳона ва воситаидир. Нафсни ҳакам килиш эса ҳукмронликни унга топширишни ва хулқ-автор айнишини келтириб чикаради. Агар инсон ўз нафсини яхши деб ўйлашни тўхтатиб, хохишини ортга суриб, маккорлик тамғаси билан тамга босиб, айбласа, ўзига итоат эттириб, гуноҳ-маъсиятдан тийилади. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху леди: «Ким ўз нафснини бошқара олмаса, ҳақиқий ожиз ўшадир». Донишмандлардан бири леди: «Ким нафсига ҳукмини ўтказа олса, одамлар устидан ҳам ҳукмин ўтказа олади».

Аммо нафсни ёмон деб ўйлангага келсак, бу хусусда турли фикрлар айтилган. Айримлар ёмон деб ўйланшида итоатини айблаш ва самимий маслаҳатини рад этиш маъноси бўлгани учун нафсни яхши эмас, деб ҳисоблаганлар. Нафснинг ҳалокатга олиб борувчи ҳийла-макри категорида яхшиликка олиб борувчи

яхшилиги ҳам бор. Нафсни яхни деб ўйлаш ёмонликларидан хабари йўқлигини билдиrsa, ёмон деб ўйлаш яхшиликлари хақида тасаввур йўқлигини аинглатади. Ўз нафсининг яхшиликларини кўрмаслик ёмонликларини ҳам кўрмаслик билан бир хил. Чунки нафсдан на бирор ёмонликни кетказади, на унга бирор яхшиликни ато этади. Жохизнинг «Китобул баён» номли китобида шундай дейилган: «Киппи ўз нафсини айбланида ҳам, уни яхни деб оқлашда ҳам мўътадил бўйлумоги керак. Чунки айблашда меъёрдан чикилса, унга жабр қилиб, мазлумлар хорлигига дучор этади. Агар яхши деб ўйлашда ҳаддан ошилса, аминийн-ишончли кишилар бенарволигига топшириб кўйган бўлади. Бунинг ҳар бири учун ўзига хос машгуллик бор. Ҳар бир машғулликда қанча мashaққат бор. Ҳар бир манаққатда қанча билимсизлик бор. Ахнаф ибн Қайс деди: «Ким ўз нафсига зулм килса, ундан бошкаларга ҳам зулм қилувчи, динини вайрон килган киши ўз шарафини вайрон етувчи бўлади».

Бир тоифа нафсни ёмон деб ўйлаш унинг ислохига йўл очиб, гайратини янада оширади, деган фикрни билдиради. Чунки нафе табиатида ўзбоннимчалик ва ҳаққа бўйсунмаслик одати бўлиб, бундан фақат унга қаҳр-ғазаб қилиш, яъни уни хафа килиш билан кутулади. Шунингдек, нафсда мағрурлик ва кеккайин одати ҳам борки, маломат килинган вактда бу нарса аникрок намоён бўлади. Чунки нафе нозланиб ўзини олиб кочадиган, хийла-макри билан алдайдиган маъшукадир. Агар нафсни ёмон деб ўйланмаса, жафоси кўпайиб, ғурури билан алданни осон. Шундай экан, нафснинг майсур-енгилига қаноат қилиб, шубҳали ҳатти-ҳаракатига рози бўлади. Донишмандлардан бири: «Ким ўз нафсидан рози бўлса, одамлар газабига йўликади», деди. Бу хақда Кушожимининг шундай шеъри бор:

*Нафсим газабидан қўрқиб ундан рози бўлмам,  
Ўз нафсидан розилик газабини қўзгашибир.  
Агар нафсдан рози бўлсан, одоби ортадиган  
Амалларга бенарво ва сусткаш бўлиб қолур.  
Бунинг оқибатин ўйлаш, мени кўп-кўп айблар,  
Бу ҳусусда унинг маломати жууда қўндири.*



Абу Таммом Тоийнинг айтган мана бу сўзини мақталган:

*Яхшилик ҳакида бадгумон бўлган кини  
Ўели ва шеърига мафтуни бўлган кинича эмас.*

Яхшилик қилиш ҳакида ёмон гумонга боришни айб ва на ўз амалини кам деб хисобланни маломат эмас, балки фазлга етказувчи ва зиёдалика ундовчи деб биладилар. Модомики, ўз нафси нимани яширганини билиб, нимани сир тутишини тасаввур қилса, агар адашиш ва хато бўлса ҳам, ўзи яхши кўргац нарсада нафсга итоат этмаса, агар тўғри бўлса ҳам, нафс ёктиргман нарсадан қайтарилса, нафс измида бўлгандан кейин подшохи бўлиб, нафси ғолиб бўлгандан кейин ўзига бўйсундирибди. Абу Ҳозим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Росулуллоҳ алайҳиссалом: «Ўз нафсини синга олган киши ҳақикатда кучли кишидир», дедилар. Авн иби Абдуллоҳ шундай деди: «Нафсин ўзига ёқмаган нарсани деб сенга итоат этмаса, яхши кўрганини килмай, сен ҳам унга итоат этма, сени яхши билмайдиганлар мақтоворига алданиб қолма». Балоғат ахлидан бири деди: «Ким ўз нафсини енга олса, юксак макомга эришибди ва ўз шахватига сабр қила олса, мурувватда етук бўлибди». Ҳар ким ўз нафси сир туттаган нарсани билиб, махфий тутганидан хабар топгандан бошлиб унинг эгрилигини тузатиш, бузуклигини ислоҳ этиши ва тўғри йўлга солиш билан уни тияди. Ривоятга кўра, Оиша розияллоҳу анҳо: «Ё Расулуллоҳ, инсон Роббисини качон танийди?», деб сўраганида: «Агар нафсини таниса», дея жавоб бердилар.

Шундан кейин ўзи солиҳ ва тўғри деб хисоблаб, локайдлик туфайли вужудга келган эгрилик ва ўз ҳолига ташлаб кўйиш оқибагида пайдо бўлган оғишидан силоҳлик мукаммал бўлиши ва саодат давом этиши учун нафсига эътибор беради. Чунки меҳнат-машакқат эвазига тикланиб, кейин ҳолига ташлаб кўйилган ҳар қандай нарса зое кетувчи ва олдинига аҳамият берилиб, кейин қаровсиз колдирилган нарса йўколувчидир. Риёзат ва тузатиш одобининг турли ҳолатларига бағищланган алоҳида олтита фаслни баён этамиз. Мазкур фасллар риоя килиш лозим бўлган хулклар ва муолажа одобларини ўз ичига олади.



## АВВАЛГИ ҚИСМ БИРИНЧИ ФАСЛ КИБР-ҲАВО ВА МАНМАНЛИҚДАН САҚЛАНИШ ТҮҒРИСИДА

Кибр-ҳаво ва манманлик фазилатлардан маҳрум қилиб, разоллатларни юзага чиқаради. Кимда кибр-ҳаво ва манманлик бўлса, насиҳатга қулоқ тутмайди ва одоб ўрганишни истамайди. Чунки кибр-ҳаво мартабадан ва манманлик эса фазилатдан келиб чиқади. Мутакаббир кини ўзини таълим олувчилар даражасидан юқоридаман, деб ўйлади. Манманликка берилган киши ўз фазлини одоб ўрганувчилардагидан кўпроқ хисоблайди. Шунинг учун бу иккиси ҳақида кибр-ҳаво ва манманликни пайдо кила-диган ёмонлик ва иллатлар ҳақида сўз юритиш керак бўлади.

Аммо кибр-ҳаво нафрагии найдо қиласди, яхши муносабатни бузиб, дўстлар қалбида адоват туйғусини уйғотади. Қаттиқ кораланганидан ҳам бу иллатнинг нақадар ёмонлигини билиб олса бўлади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам амаки-лари Аббос розияллоҳу анхуга: «Сизни Аллоҳга ширк келтириш ва кибрдан кайтараман. Албатта, бу иккиси Аллоҳдан тўсади», дедилар. Ардашер ибн Бобак деди: «Кибр аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Аҳмоқлик ўз эгасини каерга олиб боришни билимай, кибрга етаклайди». Унинг айтган сўзи чиндан ҳам ҳақи ростлайдир. Ҳикоя қилинишича, Муторриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххир Мулаҳҳаб Ибн Абу Суфраинг кўйлагини ерга судраб, гердайиб кетаётганини кўрганда: «Эй Абу Абдуллоҳ, Аллоҳ ва Расулини ғазаблантирадиган бу қандай юриш?», деди. Мулаҳҳаб: «Мени яхни танимайсанми?», деди. У: «Нега танимас эканман: аввалинг ифлос нутфа эди, охиринг ҳеч кимга керакмас мурдага айланасан, бу орада эса ичинг тўла пешоб ва ахлатдан бошқа нарса эмассан», леб жавоб берди. Ибн Авф буни шеърий назмга шундай тизди:

*Калондимоғлиқ қилиб, ўзича ҳаволанган  
Кимса ҳолини қўриб, ажабландим қанчалар.*



*Кечагина бор-йүгі арзимас, оддий ва заиф.  
Хақыр сұвдан яралиб, кибр этар шунчалар.  
Хұшсурати заколға юз тұтмасми әртага.  
Айланар-ку лаҳад ичра жиркапч мурдаға.  
Кеккайиб, күкрак кериб юрса ҳам буғын  
Кийимлари ичра најас тұтар уши әртага.*

Мулаҳұаб бундай жавобдан панд ейдиган анои эмас эди. Лекин у үз ҳолини билмай қолиши залолатидан бир зиллат ва бес-такаллуфлик хатоларидан бир хатодир. Аммо айни ахмоқлик ва ўта кетған подонник Нофесь иби Жубайр Ибн Мугъымдан келтирилған ҳикояда шундай келтирилған: «Одамларға дарс берәёт-ған Аъло ибн Абдурахмон Ҳирқийнинг халқасыга Нофесь ҳам күшилиб, дарс тугагандан кейин: «Нима учун бу ерда ўтирганимни биласизларми?», деди. «Дарс олиш учун», дейиши. У манманлық қилиб: «Йўқ, ундай эмас, балки сезлар билан бир-га ўтириб, Аллоҳ таология хокисорлигимни изхор этмоқчи бўлдим», деди. Бушга ўхшаганлардан фазилатни умид қилиб бўладими? Ёки танбех фойда берадими? Ибн Муътаз айтган: «Акли қосир кишилар камолат әгалари ҳузурида үз ҳоллари қандайлигини билишгач, кичикни улуғлаш ва ҳакирни кўтариш учун кибрдан фойдаланадилар. Кибр ҳеч нарса кила олмайди».

Аммо ужб-манманлик яхшиликларни яшириб, бир хиљликни зохир қиласы, ёмонликларни юзага чиқаради, кабиҳликларни ошкор этиб, фазилатлардан түсади. Набий соллаллоҳу алай-ҳи васалламдан шундай ривоят келтирилади: «Ужб-манманлик олов ўтинни егандек яхшиликларни ейди». Али ибн Абу Толиб карромаллоҳу важхаҳу :«Ужбланиш түғрилик зидди бўлиб, ақрилар оғатидир», деди. Бузругмехр: «Эгасига ҳасад қилинмайдиган неъмат такводир, эгасига раҳм қилинмайдиган бало ужбидир», деган экан. Донинманнадилардан бири: «Кини ўзини баланд олиши үз аклиниң ҳасадчиларидан биридир», деди. Кибр-ҳаво туфайли пайдо бўладиган нафратнинг ҳад-ниҳояси, калондимоглик бориб тугайдиган жохилликийнинг охири йўқ. Бу шундай иллатки, урға айланған яхшиликларни кеткизади, ҳамма маълум ва аниқ фазилатлардан маҳрум киласи, эл орасида урға ай-



ланган яхшиликларни маҳв этиб, доврук тутган фазилатлардан маҳрум этиш баробарида адоват қўзғаб, гина-кудуратни пайдо қиласди. Бунинг қанчалик ёмон иллатлигини билib олиш учун сенга шунинг ўзи кифоядир. Умар ибн Ҳафс хикоя қилиб айтади: «Ироқдаги борган жойингиз қандай экан?», деб Ҳажжождан сўрашганда: «Яхши жой экан. Лекин қанийди Аллоҳ менга тўртловини катл қилишни пасиб этса-ю, шуларнинг қонини тўкини туфайли У зотга қурбат ҳосил қисам», деди. «Улар кимлар?», леб сўрашди. Ҳажжож жавоб берди: **«Биринчиси, Муқотил ибн Мисмаъ.** Сижистонга волий этиб тайинлангач, одамлар олдига ёрдам сўраб келишганида мол-дунёсини қизғанмай берди. Мансабидан олинниб, Басра масжидига кирганда одамлар унга тўнларини поёндоз қилиб тўшади. Ўшанда тўнлар устидан бирга юриб бораётган кишига: «Мана шундай шараф учун амал қиувчилар амал қислип», деди. **Иккинчиси, Абдуллоҳ иби Зайд иби Зобён Таймий.** Басра аҳли бошига ташвиш тушганда у хутба қилиб, қисқа баён этиб бераётганда масжидда одамлар: «Орамизда сизга ўхшаганларни Аллоҳ кўпайтирсинг», деб хайкиришиди. У эса ҳаволаниб: «Аллоҳга ҳаддан зиёд ишни юкладингларда», деди. **Учинчиси, Маъбад иби Зурора.** Купларнинг бирила у йўлда ўтиrsa, нотаниш аёл ўтаётib: «Эй Аллоҳнинг кули, фалон жойга қандай борса бўлади?», деб сўрабди. У: «Эй зоти паst; мендек одам Аллоҳнинг кули бўладими?», дэя жавоб қилибди. **Тўрtingchisi, Абу Саммол Асадий.** У түясини йўқотиб қўйганда одамлар қидириб топишолмади. Шунда у: «Аллоҳга қасамки, агар тумни кайтариб бермаса, ҳеч качон У (Аллоҳ) учун намоз ўқимайман», дебди. Одамлар түясини топиб: «Мана Аллоҳ туйнгизни қайтариб берди, энди намоз ўқигин», дейишса, у: «Менинг қасамим лафзида қатъий турувчининг қасами», деган экан.

Манманлик шунга ўхшаганларни қай даражада ахмокликка йўлиқтирганига эътибор бер. Шу манманликни деб ўтганларга ибрат ва қолганларга ўрнак бўлиб қолдилар. Ўзини катта олиб, ужбга берилган мутакаббир киши ўз табиатидаги иллат нималигини ва қандай синалаётганини билганида, албатта хоксөрлик йўлини тутиб, димоғдорликни мудойимликка, безовталини хотир-




жамлилка айлантирган бўлар эди. Ахнаф ибн Қайс деди: «Пемоб йўлидан икки марта ўтадиган банди қайси холига кибрланишига ҳайронман? Шоирлардан бири инсонни шундай тасвирлайди:

Эй ўзига бино қўйиб, кибр изҳор қулувчи  
 Ўзингдан чиққан нарсага бир қараб қўйгин.  
 Сассиқ ҳиддан ҳамма бурун жийириб фуф дер.  
 Ўйлаб кўргин унинг ичиди нима борлигин.  
 Ҳеч ким ўзидағи кибрни билга олмас,  
 Одамзотда бошдан азизроқ аъзо борми?  
 Ҳолбуки, шу бошда ҳам бешта чиқинди бор:  
 Бурун оқар, қулоқ – байдўй, кўз ёш тўқар, оғиздан сўлак оқар.  
 Эй тупроқдан яратиб, унга ем бўлувчи инсон,  
 Сен еб-ичиладиган нарсасан, бошқа нима бор?

Дунёда юксак обрў-ътибор ва баланд мартабали кишилар мутакаббирлик тўнини счиб, манманликдан узоклашишга муносиб ва лойик деб каралади. Чунки улар ўз олий ҳимматлари туфайли ҳар қанча кўпни кам, ҳар қандай каттани кичик деб ҳисоблайдилар. Мухаммад ибн Али айтади: «Олижаноб киши дунёдан ўзига бирон нарсани қадрли ва азиз деб билмаслиги лозим. Акс ҳолда ўшани деб ўзи хорланади». Иби Саммок Мусо ибн Исога: «Улуғланишига лойик бўла туриб, камтар бўлиши сизга шарафингиздан ҳам каттароқ шараф», деган экан. Камтарлик ва шарафни бир маънодаги қарама-қарши икки ном деб, айтишилари ҳам бежизга эмас.

**Мутакббир бўлиш сабаблари.** Бойлик, мансаб ва ўзи тенгилар билан аралашиб юрмаслик асосий сабаблардан биридир. Ҳикоя қилинишича, бир гурухнинг әргашиб келаётганини кўриб Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Ковушларингиз овозини мендан нари қилинглар. Чунки бу нодон кимсаларнинг қалби айнишига сабаб бўлади», деган экан. Иби Масъуд розияллоҳу анху ортидан келаётган бир гурухга: «Қайтинглар! Бундай юриш әргашувчига зиллат, әргаштирувчига фитнадир», деган экан. Қайс ибн Абу Ҳозимнинг ривоят қилинишича, бир кишини ҳузурларига келтирилганда уни титроқ тутганини кўриб Набий солталлоҳу алайҳи васаллам: «Ўзингни бос, кўрқма! Мен оғ-



тобда қуритилган гўшт еб кун кечиргап оддий бир хотишинг ўғлиман», дедилар. Росулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам кибр илдизини қуритиб, манманликка олиб келувчи воситаларни йўқотиш, нафс ғурурини синдириш ва қалондимоғлик устидан ғолиб бўлиш учун шундай дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг айтган мана бу сўзи ҳам шунга яқин. Бир куни ҳазрати Умар ҳаммани масжидга тўпланишини буорди. Одамлар йиғилгач, минбарга кўтарилиб, Аллоҳга ҳамд ва Расулulloҳга саловат айтгандан кейин шундай деди: «Эй инсонлар! Бани маҳзумлик тоғаларимниң молларини боқиб юрганимда менга бир ҳовуч хурмо ва майиз бергандари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бугун эса ...». Шунда Абдурраҳмон ибн Авф: «Эй мўминлар амири, ўзигизни жуда настга уриб юбордингиз», деди. Ҳазрати Умар: «Эй Ибн Авф, ҳолингга вой бўлсан! Ўзим холи колганимда пафсим: «Мўминлар амири бўлсанг, сендан афзал ким ҳам бор?», деди. Мен нафсимга кимлигини танитиб қўймокчи бўлдим».

Мунофиқликни ўзига одат ва қасб қилиб олган, лаганбардорликни фирибгарлик ва найраигбозликка айлантирган хушомади ўйларни улуғлаб, кўкларга кўтаришлари, атрофдагиларниң ҳаддан ортиқ мақташлари ҳам кибр ва манманликка кагта сабаблардан биридир. Агар бу ишлари заиф ақл эгалари томонидан маъқул топилганини билишса, хисоб билиб, уларни алдаш ниятида гиж-гижлайверадилар ва бу ҳолатни устларидан қулиш учун восита қилиб оладилар. Ривоятга кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши бошқа бирини мактаётганини эшишиб қолиб, унга: «Унинг белини уздинг. Агар мақтаганингни эшишиб қолса, нажот топмайди», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху айтади: «Мактov бу – «сўйин» дир». Ибн Мукаффаъ: «Мактovни қабул қилувчи ўзини мактovчи маддоҳ кабидир», деган. Донишманлардан бири айтади: «Ким ўзида йўқ нарсани деб мақталишни яхши кўрса, устидан қулишларига имкон берибди». Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Бир-бирларингни мактаманглар. Чунки мактov бу – «сўйиш»дир. Бирингиз ўз биродарини мактамоқчи бўлса: «Шундай деб ўйлайман, ҳеч кимни Аллоҳ олдида оқдамайман, десин», деганлар. Олдинги китобларда



Аллохнинг нозил киилганлари ичидай шундай сўзлар келтирилган: «Яхшилиги бўлмаса ҳам яхшилиги бор дейишгани учун хурсанд бўлган кинидан ажабландим. У қандай килиб ўзида йўқ нарсани деб хурсанд бўлади? Ёмонлиги бўла туриб, ёмонлиги бор дейишгана ғазабланган кимсадан ажабландим. У қандай қилиб ўзида бор нарсадан ғазабланади?». Шоирлардан бири айтади:

*Майдоҳ мақтаганида алданган ўй жоҳига,  
Ўз ҳакимеда билғанларине ўйлаб.  
Бизмагани зинҳор-зинҳор устун келмасин.  
У тўлиқ билмаса-да сўзлаб, сени олқишилар,  
Сен эса шубҳаларине натижасин яхши биласан.*

Бу оқил киши ўз нафси истагини рад этиб, мақтовга ипониб қолинидан уни тийинни зарур бўлган мухим вазифадир. Чунки нафс ҳар доим мақтовни ёқтиришга ва олкиш эшитишга мойилдир. Шоир айтади:

*Пешқадам ҳам, иўноқ ҳам мақтогни севар,  
Инсон табиати мақтогвга ошик-бекарор.*

Агар ноўрин мақтогларга алданиб, инсон ўз нафсига эрк берса ва бу талабини кондириш учун нафсига эргашса, шу туфайли чалтиб, мақтогли фазилатлар ва инъом ётилган яхшиликлардан бенасиб колади. Окибатда зоҳирининг мақтогда айтилгани ёлғон, ботинида кабоҳат борлиги рост бўлиб чиқади. Бу иккисини бир-бирига киёсланганда кўпроқ ростини инобатга олиш керак. Мақтог бу ақдли киши асло рози бўлмайдигац, фахм-фаросат эгаси ҳаргиз алданмайдиган хийладир. Яхни билиш керакки, мақтаётгани киши мақтоги қабул қилинганини билса, ҳаддан опириб юборади, қабул қилинмаса, мағрурлик билан ўзини тортади. Шундай экан, асл ҳақиқатни ўзи яхшироқ билгани бонс мақтогнинг тасдиғи борасида унда яхши гумон эмас, балки мақтогини айблани устуноқ бўлинни керак. Зоро, ҳаммаси тўғри бўлган мақтог ҳам, барчаси чиндан айтилган олқишилар кам кам учрайди. Шунинг учун фазилат ахли ҳаддан ошишдан қўркиб, тизёгламаликдан кутузини мақсадидиа олкиши ва мақтогни



деб тилларига эрк беришни маъқул кўришмаган. Макхул роҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Сизлар айбловчи, лаънатловчи, бир-бирингизни мақтовчи ва бсҳафсала бўлманглар». Асмаъий роҳматуллоҳи алайҳи ҳикоя қиласи: «Абу Бакр розияллоҳу анҳуни мақтаси; «Эй Аллоҳим! Сен мени ўзимдан кўра яхшироқ биласан. Мен эса ўзимни улардан кўра яхшироқ биламан. Аллоҳим! Менга улар ўйлаганидан яхшироқ бўлишимни насиб эт. Улар билмайдиган гуноҳларимни кечир ва айтаётган мақтовлари туфайли мени иқобга тутма», дер экан. Шоирлардан бири деди:

*Кишини қилган дўзал ишилари мақтамаса,  
Ҳар қанча фасоҳатли ва сўзамол бўлмаси.  
Мақтовчиси алжираған бўлиб чиқар.*

Кўпинча мақтовни яхши кўриш мақтовчиси ўзи бўлишига олиб келади. Бунинг биринчи сабаби одамлар унинг фазилатидан беҳабарлиги ёки ҳақларини поймол қилаётгани тўғрисидаги фикри бўлса, иккинчи сабаби ўзини мақтаб, кўкларга кўтариш орқали айбини яшириб, уларни алданадир. Натижада одамлар унинг сўзига эрганиладиган ҳақиқат ва қулоқ тутиладиган ҳақ нарса деб қарайдиган бўлади. Учинчи сабаби ёкимли овоз ва роҳатбахш қуй эшитмаган киши завқланиб, ўзича қўшиқ хиргойи қилаётгаңдек олқиши эшитиб, лаззатланиш, мақтов ва мадҳ туфайли мамнунлик ҳосил қилишдир. Қандай бўлмасин, барибир бу очиқ-ойдин нодонлик ва шармандали айб-нуқсондан боника нарса эмас. Шеър аҳлининг бири айтади:

*Киши ўзини мақтаси ҳеч қачон шараф бўлмас,  
Ёмонлайдиган ҳам, мақтайдиган ҳам тақдирда бор.  
Ўз-ўзига беришган баҳо ҳамиша бўлмас тўғри,  
Тужжорлар ҳаммаси ҳам фойда кўравермас.  
Сен умид қилганда йўқ пайтиг ҳамма тарафине олмас.  
Омонат олганлар барчаси омонатга вафо қилавермас.*

Оқиқи киши қалблар ихтиёр этган, яхшилик ва камчиликлар кўзгусига айланган чин ва ҳақиқий дўстларни ўзича яхши деб



ўйлаб юрса ҳам, аслида ёмон иллатларга самимий ва чин дилдан берган танбехларидан түғри хулоса чиқариб олиши керак. Чунки улар түғри мuloҳаза юритишдан ташкари соғлом фикрлари или айб-кусурларни тузатиш учун берган танбехлари ўринини мақтовли амалларни маъқуллаш оркали тўлдирадилар. Анас ибн Молик розияллоҳу анху деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Мўмин мўминнинг ойнасидир. Агар унда бирор камчилик кўрса, тузатади», деганлар. Умар розияллоҳу анху: «Бизга хатоларимизни тухфа этган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!», дер экан. Бир донишманддаи: «Сизга айбларингиз айтилса, ёқтирасизми?» деб сўрашганда: «Самимий насиҳат қилувчи тарафидан бўлса», деб жавоб килига экан. Умар розияллоҳу анхудан келтирилган ривоят шунга яқин маънони ўзида жамлаган. Ҳазрати Умар Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан: «Ҳимс шахрига кимни волий қилишимизни маслаҳат берасан?», деб маслаҳат сўраганда: «Сиз муносиб топган ва муносиб деб билган кишини», деди. Умар розияллоҳу анху: «Уша киши ўзинг эмасми?», деди. «Мен сиз тўғрингизда ёмон фикрга борсам, сиз мен ҳакимда шундай фикрла бўлсангиз, бу ҳолатда мендан кандай фойда кўрасиз?», деган экан у. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ким ўз нафси айбини ошкор килса, у нафсини оқлабди», дейилган.

Инсон кибр-ҳаво сабабларини йўқотиб, манманлилук упсурларига барҳам бергач, кибр-ҳавони камтарликка ва манманлилукни ҳоксорликка айлантира олади. Бу улугликниң мустаҳкам риштаси, энг асосий неъмат унсури, қалбларни мухаббатга ошно қилиб, нафратдан тўсадиган энг муҳим восита ҳисобланади. Донишмандлардан бири деди: «Ким ўзини уч нарсадан халос этса, уч нарсага эришибди: «Исрофдан ўзини тийганлар азизликка, баҳилликдан кутулганлар шарафга, кибридан воз кечганилар кароматга эришадилар». Мусъаб ибн Зубайр: «Тавозесь шараф тузокларидир», деган. «Мансур-ул ҳикам» да шундай келтирилади: «Кимнинг тавозеъси давомли бўлса, шунга қараб дўсти ҳам кўпайиб боради».

Бир тоифа одамларга мансаб ва мартабалар таъсир килиб, пайдо қилган феъл-атвор ва одатларини асл табиати бузуклик юзага чикарса, бошкалардаги бегубор табиат ва мусаффолик гў-



зал фазилатларни вужудга келтиради. Чунки ҳолатлар ўзгаришининг яширин хулкларни ва маҳфий сирларни юзага келтирадиган лаззат ва завқи бор. Айникса, улар босқичма-босқич ҳосил бўлмай бирданига, кутилмагандага эшик қоқиб келиб қоладиган бўлса. Ҳикмат аҳлидан бири айтади: «Одамларниң гавҳари ҳолатлар ўзгарган вақтда ўзини намоён этади». Фазл ибн Саҳл: «Кимнинг мансаби обрў-эътиборидан юкори бўлса, у туфайли кибрланади. Агар мансаби ундан паст бўлса, тавозеъга эришади», деган экан. Балогат аҳлидан бири деди: «Мансаб-маргаба борасида одамлар фикри икки хил, биринчиси, ўз фазилатлари, олижаноблиги ва инсонийлиги билан мансабдан устун туради. Иккинчиси, тубан ва насткашлiği туфайли мансаб-мартабасидан фойдаланиб, обрў-эътибор козонади. Ким мансаб-мартабадан юкори тура олса, у туфайли камгарлик ва хушмуомалалик хислати яшада ошади. Ким мансаб-мартабаси туфайли улуғворликни касб қилса, у туфайли тақаббурлик ва зулм тўнини кияди.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### ГЎЗАЛ ХУЛҚ ТҮҒРИСИДА

Ривоят қилининича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло сизларга Исломнинг дин бўлишини ихтиёр этди. Уни гўзал хулқ ва сахийлик билан икром қилинглар. У фақат шу иккиси туфайли мукаммал бўлади», дедилар. Аҳнаф ибн Қайс айтади: «Сизларга энг ёмон дард нималигини айтиб берайми?», деди. Одамлар: «Ҳа, айтгинг», дейишди. «Бадхулқ ва беҳаё тил», деб жавоб берди. Донишманлардан бири: «Кимнинг хулки ёмон бўлса, ризқи ҳам тор бўлади», деди. Бунинг сабаби аник. Балогат аҳлидан бири: «Хулқи гўзал кишининг ўзироҳатда, одамлар ҳам ундан омондадир. Бадхулқ кишининг ўзиғам-ташвишга кўмилиб, одамлар ҳам ундан хавотирда яшайди», деган экан. Бир донишманд айтади: «Аҳлинг билан энг гўзал хулқинг ила муомала кил. Чунки улар орасида яшанинг вақтинчаликдир». Шоирлардан бири айтади:



Асар бир қавмшыңға феъли бұлмас әкап кене,  
Кене дүнәң ҳам торлық қылур уларға.  
Асар киши яратылмаган бұлса ақыл қылаб,  
Ақт әбделік әмас әшінине үзүелесіга.

Қачоң түзәл хулқли бўлса, дўстлар кўпайиб, душманлар камаяди, мушкул ишлар осон ҳал бўлиб, ғазабли қалблар мулойим бўлиб қолади. Ривоят қилинадик, Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Гўзал хулқ ва яхши қўшичилик юртларни обод килиб, умрларни зиёда этади», дедилар. Донишмандлардан бири айтади: «Ризқ ҳазиналари кенг феъликка боғлиқ». Бунинг сабаби юкорида айтиб ўтганимиздек ёрдам берувчи дўстлар кўплиги ва зиёни етказувчи душманлар камлиги билан изоҳланади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Сизларниңг менга энг яхшиларингиз улфат тутиб, улфат тутиладиган, хулки түзәл, хушфесъл ва кўнгли очиларингиздир».

Гўзал хулқ юмшоқ феълли, мулойим табиатли, очиқ юзли, нафратдан йирок ва ширин сўзли бўлишидир. Росууллоҳ соллашоҳу алайхи васаллам бу хислатларни баёни қилиб: «Жаннат ахли заиф, юмшоқ, мулойим ва очиқ юзли кинилардир», дегандар. Биз тилга олиб ўтган бу хислатларниңг белгилаб кўйилган ҳадлари ва ҳакли ўринлари мавжуд. Шоир айтганидек:

*Мұсаффоман, сиповчимса ғоҳо лойқадиғман,  
Лойқасиз шинқыл ҳам мұстаҳсан әмас.*

Шоир «лойқа» деганда беодоблик ва баджахликини пазарда тутмаған. Чунки бу иккиси шундай бир ёмонлик ва айбки, ҳеч ким уни маъкуллаб, рози бўлмайди. Бу сўзи билан шоир ёрдам берувчи маломатта қоладиган ва мувофик келувчи кораланадиган ҳолатларда киши ўзини четта олиб туришини назарда тутган. Агар гўзал хулқтарниңг белгили ҳадлари ва ҳакли ўринлари бўлса, шуни деб ҳаддан ошиш лаганбардорликка ва унинг ҳакли ўрнидан оғиши мунофикникка айланади. Лаганбардорлик хорлик, мунофиклик оса настқашлиқдир. Кимга бу икки сифат тамғаси босилса, унда самимий дўстлик ва на мақталадиган аломат-белги мавжуд әмас. Ҳаким Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан көлтирган ри-

воятда Росууллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Энг ёмон инсон анавиларга бир юзи ва бошқаларга яна бир юзи билан борадиган иккиюзламачидир», дегашлар. Макхул Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Росууллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Аллоҳ таолонинг хузурида иккиюзламачининг қадри ҳам, эътибори ҳам йўқ», дега марҳамат қилинлар. Сайд иби Урва айтади: «Кўриниши хунук ва маҳбари ожизлигига қарамай, ярим юзли ва ярим тилли бўлишим менга икки юзли, икки тилли ҳамда ҳар хил сўзли бўлишдан кўра яхшироқди». Шоир деди:

*Мунофиқликни ўз аҳлига қўйиб қўйигин-да,  
Ўзинг учун аниқ бир йўл ахтариб топгин.  
Ё душман, ё дўст бўлишига интиғин доим.*

Иброҳим Ибн Муҳаммад деди:

*Қанча- қанча дўстларнинг севгиси тиян учида,  
Йўқ пайтинига уялмай хошилик ҳам қилишигай.  
Кўришсам, устимдан истеҳзоли қулишгай,  
Кетган заҳотим орқамдан менга ўқлар ёғилар.  
Иккиюзламачи ҳам бор пайтинг мамнун этар.  
Йўқ чөгингдага нақ зекумнинг ўзи бўлгай.*

Кўпинча гўзал хулқ ва хоксорлик кутилмаган сабаблар ва тасодифий ишлар туфайли баджаҳлийк ва уятсизликка ўзгаради. Ана шулар туфайли юмпокълик баҷаҳлликка, хоксорлик қўполликка ва очиқ юзлийк қовоғи солиқликка айланади. Бунинг сабаблари кўп.

**Биринчиси, мансаб-мартабага кўтарилиш.** Бу хулқнارда ўзгаринини ва таниш-билишлардан ўзини тортишни келтириб чиқаради. Бу ё паст табиат, ё қалби торлик туфайли юзага келади. «Ким мансаб-мартабаси билан фахрланса, ундан кетганда хорликка учрайди», дейилган. Яна: «Мансабидан кетиш хорлиги мансабдорлик кибри устидан кулади», дейилган.

**Иккимчиси, мансабдан олиниш.** Бунинг оқибатида хулқ ёмонлапиб, қалб сиқилади. Бу ё каттиқ куйиниш, ё бесабрликдан келиб чиқади. Ҳумайд Товилнинг келтиришича, Аммор



ибн Ёсир волийликдан олинганды бу унга оғир ботди ва: «Мен волийликнинг эмизиши мазали ва айрилиги аччиқлигини билдим», дегаш экан.

**Учинчиси, бой-бадавлат бўлиш.** Бойлик туфайли пасткаш кишининг феъли айниб, кибр-ҳавога берилади, димоғи кўтарилиб, босар-тусарини билмай қолади. Шунинг учун: «Ким бой-бадавлат бўлса, кеккайиб қолади», дейишган.

Риёший шеър айтади:

*Дарғазаб кини ҳисоблайди ўзича,  
Дин ҳам, одоб ҳам бермаган нарсани  
Мол-дуғёдан тондим деб ўйлар ўзича.  
Мендан улуғ кини ким деб сўраса бирор.  
Одамларнинг улуги қумуш тангаси боридир.*

Шоирлардан бири айтади:

*Дунё сенга бойлик ато этса гар,  
Давлатмандса айлануб қолсанг.  
Авваллари бошинг сира ҳам  
Чиқмас бўлса муҳтожслидан ҳеч.  
Бойни фақирлик кийининг ечиб,  
Остидағи яширип пасткашликларинг.  
Халойиққа ошкор этиб қўяр бандоғоҳ.*

Бойлик бузган нарсани унинг зидди факирлик тузатади. Қутайба ибн Муслим Ҳажжожга Шом ахли айниб кетди, деб хат ёзганда, ризқларидан маҳрум килиб кўйишни буюради. У шундай қилди. Ҳоли оғирлашган Шом ахли Қутайба хузурида тўшаниб, килмишлари учун кечирим сўрашга мажбур бўлишди. Волий бу хақда Ҳажжожга мактуб жўнатганида агар ақл-хушларини йиғиб олишган бўлса, олдинги ҳолига қайтар, деган жавобни олди.

Билгинки, факирлик Аллоҳнинг катта лашкари бўлиб, шу туфайли ҳар қандай ўзбошимча ва манаман деган зўрлар ҳам хорлашади. Ривоят кишинишича, Набий соллаиллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳ таоло Одам боласини уч ҳолат билан хорлаб қўйманда у ҳеч қачон бирон нарсага итоат этмас эди: факирлик, қасаллик ва ўлим», дедилар. Факирлик туфайли хулқ яхши томонга



үзгаради. Бу камбагалликка күникиш хорлигидан ўзиши баланд тутиши, ё бойликни бой берганига афсус-надомат туфайли келиб чикади. Шунинг учун Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Факирлик куфрға яқин туради. Ҳасад тақдирдан ғолиб ксләэзди», деганлар. Абу Таммом Тоий шундай шеър айтади:

*Одам боласининг эң ажайыб ҳоли – феъл-атвори,  
Моҳияти ҳақида ўйласанг, фикр адашиб кетар.  
Озгина нарса билан қолини уни хурсанд этар,  
Үзиге захира бұладиган нарсадан безовта бўлар.*

Кўнинча бу ҳолатдан орзу-истаклар туфайли ўзига тасалли беради. Бир ривоятда орзу-хоҳиш амалга ошиши жуда кам, дейилган. Лекин орзу-хоҳиш ғам-ташвишдан овунчок ёки умид қилиш туфайли шодланишга эваз бўлиши мумкин. Абу Атохия айтади:

*Ғам-ташвишига тушиб қолган чогинг,  
Келтир орзу-хоҳишларни ҳаракатга.  
Чунки орзу-хоҳишлар бир етигич эрур.*

Бошқа бир шоир деди:

*Орзу-хоҳишга берилсанг, кечани шод ўтказурсан,  
Албатта орзу-хоҳини ҳеч нарсаси йўқлар сармоясидир.*

Шулардан бири ақлни лол этиб, қалбни машғул қиласидиган ғам-ташвишлардир. Сенинг уларга тоқатинг етмай, сабр кила олмайсан. «Ғам-андух заҳар кабидир», деб бежиз айтилмаган. Адиблардан бири: «Ғам-андух ғамгин киши қалбида йигилган дардигир», деди. Шоирлардан бири деди:

*Яшашни ғам-ташвиши қилишиниг боғланшидир,  
Хаёт ғам-ташвишидан ҳоли бўлмас ҳареиз.  
Бир иш амалга ошган пайт айб кўзга ташланар,  
Агар тўлиқ бўлди дейилса, завони кутасан.  
Агар бир неъмат ичра бўлсанг уни асрраб-авайла  
Гуноҳу маъсиятлар неъматларни кетказар.  
Аллоҳга шукр айтиб, уларни ҳимоя эт.  
Чунки Аллоҳ жазоити тез берувчи Зотдир.  
Дунё ҳузур-ҳаловатин лаззат деб билма асло,*



Ахыр, асал есанғ ҳам фақат заҳри билан ейсан-ку.  
Канча тақдир мусибати яширин ҳолда келур,  
То бошига тушимаса, одамлар уни сезишмас.

Улардан яна бири танаңда ўзгариш қылғанидек, феъл-атворда ҳам ўзгариши қиладиган касалликлар. Бу касалликлар феъл-атворларни ўртача бўлишга йўл кўймайди ва улар билан эҳтимолга қодир бўлмайди. Мутанаббиъ айтади:

Яшаши учун энг зарури соглик ва ёшликоидир.  
Кимдан юз бурса агар, яшаши ҳам юз бурабар.  
Кекса киши уғ деса ҳаётдан безганимас.  
Лекин қуввати ўйқлиги зерикини пайдо қиласар.  
Қачон хотин ҳаётда ўз тенгини тоимаса,  
Эркак бўлиб ўтишини истаб қолар бегумон.  
Дунё тұхфа қылғанин қайтариб олар албат,  
Кошки, унинг саҳовати баҳиллик бўлиб қолса.

Яна улардан бири ёши улғайиб, кексайиш ҳам тана аъзоларида билишганидек, нафс хулкларига таъсири қилмай иложи йўқ. Тана олдин кўтарған оғирликларни кўтаришга қуввати етмай қолганидек, нафснинг ҳам олдин сабр қылган ишга қарши чиқиши, келинчомчилик оғриғи ва шунга ўхщаш ҳолатларга сабртоқати етмайди. Мансур Намарий айтади:

Ёшлигим қадрига етмадим олдин ағесус,  
Үтгандан кейин дунё унга тобеълигин билдим.  
Эй нафс! Ёшликини бой берини ачиқлигин тотмадинг.  
Бой берини алами деб ғам-қайғегу чекмадинг ҳам.  
Худди ундан безор бўлган мисоли ўзине,  
Бас, сен узрли эмассан, ташла шунга назаринг.  
Ёшилик күнлари бунча қисқа деб қайғурмагин,  
У қолдирған хотиралар бунча потли ва ширин.  
Оқ сочларга кўярар кўз, агар тикилса бирнас,  
Ундан қочиши ва тийилиши кузатилар.  
Ёшиликни бой берини деб пушаймонлик туюядинг,  
Агар сенга умр тудаши тасалли бермаса гар.

Мана шу етти сабаб ҳаммада топиладиган ёмон хулқни пайдо қиласи. Ёмон хулқни пайдо қиласидан хос сабаблар ҳам борки, нафс ёқтиримайдиган кек-адоватни унта мисол келтириш мумкин. Бу душманга нисбатан адсоват пайдо қилиб, факат унинг ўзигагина ёмон муносабатда бўлишига олиб боради. Агар хулқнинг ёмонлиги бирор сабаб натижасида пайдо бўлса, тузалиши ўшанинг кетишига боғлиқ бўлади. Сўнг зидди туфайли.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### ҲАЁ ТЎҒРИСИДА

Билгинки, яхшилик ва ёмонлик иккиси яширин маъно бўлиб, уларни белги-аломатларидан билиб олинади. Араб масалларидан бирида: «Унинг мажхул томони ҳақида кўзигу хабар беради», дейилган. Шоир Салм ибн Амр айтади:

*Сўраманг кишидан табиати ҳақида,  
Бордир хабарчи – гувоҳ унинг юзида.*

Яхшилик аломати – юмшоклик, вазминлик ва хаёдир. Ёмонлик аломати – қўноплик ва беҳаёликдир. Яхшиликда хайр бўлишининг ўзи ҳаёнинг яхшилик экани, қўполлик ва беҳаёлик ёмонлик эканининг ўзи нақадар ёмон иллатлигига кифоядир. Ҳассон ибн Атийя Абу Умома розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаё ва сукут иймоннинг иккиси шохчасидир. Беҳаёлик ва сергаплик нифоқнинг иккиси шохчасидир», деган экан. Бошқа бир ҳадисда: «Менинг наздимда энг ёмонларингиз сергап ва оғзини тўлдириб манмасираб, ўйламай гапирадиганлардир», деган ривоят қилинган. Абу Салама Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат киладилар: «Ҳаё иймондандир. Иймон жаниатдадир. Беҳаёлик тошбағирликдандир. Тошбағирлик дўзахдадир». Донишмандлардан бири айтади: «Ким ҳаё кийимини кийса, одамлар унинг айбини кўрмайди». Балоғат ахлидан бири шундай дебди: «Ўт-ўлан ҳаёти сувга bogлиқ бўлганидек, юзнинг ҳаёти ҳаёсига боғлиқ». Ба-



лоғат ахлидан бўлган бир олим киши: «Во ажаб! Уялмай қилган ишларинг кўплигидан хижолат чекмайсан-у қандай қилиб қўркмасдан килиб юрган ишларинг узоқ давом этганидан қўрқасан». Шоирлардан Солиҳ иби Абдул Куддус айтади:

*Юзинг суви оз бўлса, ҳаёси ҳам оз бўлар.  
 Суви оз бўлган юзда асло яхшилик йўқdir.  
 Сен ҳаёнени саклагин, ўзингда албат  
 Яхшининг ишинга ҳаё эрур далолат.*

Кимнинг ҳаёси бўлмаса, уни ёмонликдан тўсувчи ва таъкиқ ишлардан қайтарувчи бўлмайди. Бундай кимса хоҳлаган ишини килиб, ўзига маъқул йўлдан юриб кетаверади. Бу ҳақда Шульба Мансурдан, у Рибъийдан, у Абу Масъуд Бадрийдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Эй одам боласи! Агар ҳаёнг бўлмаса, хоҳлаганингни қилавер!», деган инсонларга етиб келган хабар аввалиги пайтамбарлик хабарлариданdir», деганлар. Бунинг маънолари ва хитоб қоидаларини тушунмайдиган айримлар ўйлагандек, ҳаёсизларни гуноҳга ундан, даъват этиш маъносида эмас. Шу маънода шоирнинг сўзи бор:

*Ўткинчи умр оқибатидан қўрқмасанг,  
 Яна сен уялмасанг, ҳаё қилмасанг,  
 Хоҳлаганинг қилавер. Аллоҳга қасам,  
 Қачон ҳаё кетса, на яшаши, на дунёда хайр бор.  
 Ҳаёси бўлса агар, кинни яхшилик билан яшар  
 Пўсти бўлса новда ҳам қуриб қолмасдан ўсар.*

Илм ахли мазкур хабар маъноси ҳакида турли фикрларни айтишган. Абу Бакр Мұхаммад ибн Али Шоший раҳматуллоҳи алайх «Усул ул-фикх» китобида шундай деган: «Бу ҳадисининг маъноси шуки, ҳаё қилмагап кишини уни тарқ этиш хоҳлаган ишини қилишга ва бирор тўсувчи уни тўса олмаслигига ундаиди. Кишида ҳаё бўлиши керак. Чунки шу ҳаё уни ёмонликлардан қайтариб туради». Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг асҳобларидан бири Абу Бакр Розийдан ҳикоя қилган кишидан бу ҳадис ҳакида шундай деганини эшитдим: «Сен килмоқчи бўлган ишларингни

олдин бир ўйлаб кўр, агар яхши ва тўзал бўлиб, окибати хижолатли тугамаса, қайси бирини хоҳласант; шуни бемалол қилавер». Бу фикрга кўра ҳаёни амаллар устидан ҳакам қилинмоқда. Иккиси ҳам ажойиб фикр. Биринчи қавлга кўра, ривоят матнига яқишроқ шарҳ. Чунки мазкур ҳадис Набий соллаллоҳу алайхи васалламдан мақтov эмас, балки ёмонлаш маъносида ворид бўлган. Иккинчи қавлга кўра: «Қулокларинг эшитишини ёқтирган амалларни қилиб, эшитишини ёқтирган амаллардан четлан», деган маънодати ҳадиси шариф борлигидир. Юқорида келтирилган ҳадисни ўз зоҳирий маъносига йўйинш ҳам мумкин. Мазкур ҳадис тўгрисида биринчи таъвил аникроқ. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламининг барча ҳадислари ўхшаш маъноларда бўлмай, аксинча, бир-бирига зид келмагаш ҳолда ўзида кўн маъноларни ифода этадиган ҳикмат ва фасоҳат бобида энг юксак мартабада туради.

### ҲАЁНИНГ ТУРЛАРИ

Билгинки, инсондаги ҳаё уч турлидир. Биринчisi, Аллоҳ таолодан ҳаё килиш, иккинчisi, одамлардан ҳаё килиш ва учинчи-си, ўзидан-ўзи ҳаё килиш. Аллоҳ таолодан ҳаё килиш Унинг амрларига бўйсуниб, қайтарикларидан қайтиш билан амалига ошади. Ибн Масъуд розияллоҳу анху ривоят келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилинглар», дедилар. Сахобалар: «Аллоҳ азза ва жалладан кандай қилиб ҳақиқий ҳаё қиласиз?», дейиниди. У зот: «Ким бош ва унинг ичиди, қорин ва унинг ичиди нима борлигини ўйлаб кўрса ва лунё ҳаёти зийнатини тарқ этса ҳамда ўлимни ва чириб-тў-зишни зикр этса, чиндан ҳам Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилибди», дедилар. Бу ҳадиси шариф жуда стук васиятлар сирасига киради.

Китоб муаллифи Абулхасан Мовардий айтади: «Бир кечада Ро-сулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламни туннимда кўриб, у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули! Менга васият килин!», дедим. У зот: «Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қил», дедилар. Кейин: «Одамлар ўзгариб кетди», дедилар. Мен: «Қандай қилиб, эй Аллоҳнинг Ра-сули», дедим. «Ёш гўдакка қараганимда юзида тишиклик ва ҳаёни кўрар эдим, бугун қараганимда, ўша нарсанни кўрмаяпман», дес-



дилар. Шуңдан сүңг ўзим тасаввур қылғандек вайз-насихатларни сүзладилар. Хурсанд бўлғанимдан ҳаяжонланиб, уларни эсимда сақиаб қололмадим. Эслаб қолишни жуда-жуда хоҳлаган эдим, канийди, эслаб қолганимда?! У зот Аллоҳдан хаё қилишдан олдин бирор сўз айтганилари йўқ. Олиб кўйилга тиниклик ва хаёни одамлар ўзигарганига сабаб қилиб, гўдак болани алоҳидаги тилга олдилар. Чунки гўдакнинг хатти-ҳаракати табиий ва самимий бўлиб, унга сохталик аралашмайди. Ўз умматини тўғри йўлга бошилаб, огоҳлантиришини тўхтатмаган, узрларига ўрин қолдирмай, одоб беришини мунтазам давом эттирган ва тарбиясига ғамхўрлик қилган, ҳар бир замон ва аср учун ўз кайтарикларидан улуш ва буйрукларидан насиба тайин ўтган Пайғамбаримизга Аллоҳнинг саловат ва саломи бўлсин. Аллоҳ таолю уларни таъбиқ этишга ва ўз тавфиқи билан доимий амал қилиб боришга муяссар айласин».

Ривоят қилинишича, Алқама ибн Улоса Росулулоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», дея сўраганда у зот: «Қавмингдаги викорли ва хайбатли кишидан ҳаё қилганингдек Аллоҳ таолодан ҳаё қил», дедилар. Ҳёниш бу тури иймон қуввати ва тўғри эътиқоддан юзага келади. Шу боисдан Расулулоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Беҳаёлик куфрлир», деганлар. Яъни, Аллоҳдан ҳаё қиласликда Унинг амрларига итоат этмаслик мавжудлиги учун уни куфрга ўхшатилмоқда. Бошка ҳадисларида: «Ҳаё иймон низомидир. Бир нарсанинг тартибига футур етса, ундаги нарсалар ҳар томонга сочилиб, тарқалиб кетади», деганлар. Одамлардан ҳаё қилиш озор бермаслик ва ёмонликни онкора этмаслик туфайли амалга ошиди. Набий солаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади: «Одамларга озор етказмаслик Аллоҳга тақво қилишдир». Ривоят қилинишича, Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анху жума намозига бораётганида не кўз билан кўрсинки, одамлар жумайти адо этиб, кайтиб келишаётган экан. Шунда дарров ўзини четга олиб: «Одамлардан уялмаган кишида яхшилик бўлмайди», дегап экан. Башибор ибн Ҷурд айтади:

*Кўччилик яхши кўрса ҳам, ҳаё қилиб қалбни бураман,*

*Эртага дуиминглар гап-сўзин эслаб, нафсни иффат ила тияман.*



Бу каби ҳәёниң тури баъзан мурувват комијилиги ва мақтавини яхши күришдан келиб чикади. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ҳәё кийимини сиб ташласа, унинг ғийбати йўқдир», деганлар. Яъни ундағи нафсаний хоҳиш устунлиги ва ор-номус йўқлиги учун шундай дейилган. Аллоҳ билувчирок. Ҳасан Басрый Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Юрини, кириш, чикиш, ўтирини жойи, улфати ва сұхбатдоши кишининг мурувватидандир», деганлар. Шоирлардан бирининг шундай сатрлари бор:

*Кўп ҳолда хунук шини қилиндан факат ҳаё тўсар,  
Агар йигит сурбет бўлса, истаганин қиласаверар.*

Бошқа бири айтади:

*Обрўни сақламасанг, Яратгандан қўрқмасанг,  
Халоинқдан уялмасанг, хоҳлаганинг қиласавер.*

Аммо ўзидан-ӯзи ҳаё қилини иффат ва сақланиши туфайли пайдо бўлади. Дошишманлардан бири айтади: «Бошқалардан ҳаё қилганиндан кўра ўзингдан кўпроқ ҳаё кил». Адиллардан бири: «Ким бир ишини ошкора қилиндан уялиб, уни пинҳона бажарса, унинг ўз наздида қадри йўклигидир», деган экан. Бир жамоа бирга юрини одат қилган улфатини зиёфатга таклиф қилинганда: «Мен кечаки кирққа кирдим. Шу ёнга етганимдан ўзим уяляймани», дея жавоб қилган экан. Шоирлардан бири деди:

*Махфий ҳолатим ҳам ошкорасига ўхшар.  
Бундай бўлни менинг табнатимидир.  
Кечамнинг зулмату қоронгуси ҳам  
Мен учун қундузим ёп-ёргуғ ғур.*

Ҳаёниң бу тури нафс фазилати ва қалб соғлигидан юзага келади. Қачон ҳаё мазкур уч жиҳат туфайли мукаммал ва тўлиқ бўлса, унда эзгулик сабаблари тўлиқ мавжудлиги, ёмонлик сабаблари йўқлиги, фазилати билан машхурлиги ва яхшилик билан ёд этилиниши билдиради. Шоирлардан бири деди:

Мени подонлик, беҳаёлик, қариндошлар ҳақоратидан  
Ҳаё, ислом, тақво ва олийжаноблигим қайтарар.  
Менга ўшиғанларинг фойдаси ҳам, зарари ҳам тегар.

Агар айтиб ўтилган ҳаё турларидан бирига амал қилишда хотага йўл кўйилса, шунга яраша нуқсон ҳам юзага келади. Қанчалик мукаммал ва тўлиқ амал қилинса, ҳаёни ўзида намоён этган кишидаги фазилатлар ҳам кўпайиб боради. Раёший айтади: «Бир ривоятга кўра, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу аинҳу бу хусусда мана бу шеърни мисол қилиб келтирас экан:

Ҳожатларинг бирма-бир очиқ айтотмай эсса олдине,  
Ичинеда қолганига уни белги ва нишона қилиб.  
Албатта мен ҳаёсиз, омонати йўқ кимсани  
Кўнчилик орасида ялангоч деб кўраман.

## ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

### ХИЛМ ВА ГАЗАБ ТЎҒРИСИДА

Мұхаммад ибн Ҳорис Ҳилолийнинг ривоят қилинicha, Жаброил алайхиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Мұхаммад, дунё ва охиратдаги улуғ ва мұкаррам хулқларни олиб келдим: «Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир», деган экан. Суфён ибн Уяйна келтирган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир»**, (Аъроф сураси, 199-оят) оят нозил бўлганда: «Эй Жаброил бу нима?», деганлар. Жаброил алайхиссалом: «Билувчи Зотдан сўраб билмагунимча жавоб беролмайман», деди. Сўнгра қайтиб келиб: «Эй Мұхаммад, Роббинг сенга алоқани узган билан уни боғлашни, бермагантга беришни ва зулм қилганни кечиришини буюрмокда», деди. Ҳинюм Ҳасандан келтирган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга мазкур оят нозил бўлганда: «Сизлар Абу Зомзомдек бўла олмайсизларми?», дедилар. Абу Зомзом уйидан чикаётib: «Эй Аллоҳим! Мен ўз обрўйимни бандаларингга садака килдим»,

дея дуо қилар экан. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳ таоло ҳалим ва ҳаёли бандани яхши кўради, беҳаё ва сурбет бандани ёмон кўради», дедилар. У зот: «Ким ҳилмли бўлса, боинлик бўлади, ким фаҳмласа ва идрок этса, зиёда бўлади», деганлар. Уламолардан бири: «Ҳалимлик ақлдан афзалдир. Чунки Аллоҳ таолонинг ҳалимлик сифати бор, ақл билан сифатланган сифати йўқ», деди. Адиблардан бири айтади: «Ким ҳалимлик пихолили экса, саломатлик мевасини теради». Балоғат ахлидан бири айтади: «Кечириш ва юз ўгиришдек обрўни химоя қиласиган нарса йўқ». Шоирлардан бири айтади:

Гўзал ҳулқарни жуда яхши кўрурман,  
Айблаш ва айбланинни ҳеч ёқтирмайман.  
Ҳалим бўлсам, сўқинини нега керак.  
Сўкангич энг ёмон инсонлигин биламан.  
Одамларни ҳурмат қиласа, ўзи ҳам ҳурмат топар,  
Менсимаган кимса эса ҳурмат топмас ҳеч қачон.

Ҳалимликда обрў-эътиборни сақлаши, тан роҳати ва мақтовга сазовор бўлини борлиги учун шарафли ва ақл өгаларига муносиб ҳулқ саналади. Али иби Абу Толиб каррамаллоху важхаҳу айтади: «Ҳалим кинининг ҳалимликдан оладиган фойдаси одамлар унга ёрдамчи бўлишидир». Газаб кўзғалган вақтда ўзини тутиб туриш хилмнинг хад-чегарасидир. Бунга эса туртки бўлувчи бир канча сабаблар мавжуд. Нафени тутиб туришга ундовчи ҳалимликнинг ўнта сабаблари бор.

**Биринчиси, жоҳилларга раҳм қилиш.** Бу юмшок табиатлилика мувофиқ келадиган яхшилик саналади. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ҳилм сабабарининг энг таъкидлиси жоҳилларга раҳм қилишидир», дейилган. Абу Дардо розияллоху анху бир гани эшиттириб айтиётган килига: «Хой! Бизни ҳакорат қилишда ҳаддан ошма, ярашишга ҳам жой қолдир. Биз ўзимиз ҳакда Аллоҳга осий бўлганларни Аллоҳга итоат қилишдан ортиқ нарса билан жазолай олмаймиз», деган экан. Имом Шаъбийни бир киши ҳакоратлаганда: «Агар сен айтгандек бўлсам, Аллоҳ мени кечирсин, агар сен айтгандек бўлмасам, Аллоҳ сени кечирсин»,




дэя дуо килгап экан. Ошша розияллоху анхо бир хизматкорига жахл килиб, жахлидан тушгандан кейин: «Тақвога қойил. Газабланганга шифо колдирмаган», деди. Муовия розияллоху анху кийим тарқаттанды Даңашқ ахлидан бир кекса кишига берилгандын да шу кийим билан Муовиянинг бошига ураман, деб қасам ичди. Халифанинг хузурига келиб нима деб қасам ичганини айтди. Шунда Муовия розияллоху анху: «Назрингизга вафо қилинг. Кария карияни аясин-да, ишқилиб», деган экан.

**Иккинчиси, ёрдам беришга қодир бўлиш.** Бу бағириенглик ва тўзал ишонч туфайли пайдо бўлади. Набий солгалилоху алайхи васаллам: «Агар душманингга қодир бўлсанг, шу қодир бўлиш шукронаси учун уни авф кил», дедилар. Доңишманлардан бири айтади: «Тажовуздан ўзини ҳимоя кила олмайдиган кишини жазолаш карамли хислат эмас». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Мактаглар хулқлар ичида энг яхшиси ўч олинига қодир бўла туриб кечирган ва ўзи мухтож бўла туриб саховат кўрсанганлардир».

**Учинчиси, ҳақорат қилувчига эътибор бермаслиқ.** Бу пафснинг шарафи ва олийхимматлик белгисидир. Доңишманлар айтганидек: «Макорим мактаглар хулқларга ёга бўлгандек, ёмон хулқлардан ўзини тийиш нафе шарафидир». Бир ривоятда Аллоҳ таоло Яхё алайхиссаломни ҳалимлиги учун саййид деб атаган, деб айтилган. Шоир айтади:

Қавмлар олижсаноб бўла олмас,  
 Азиз бўла олмас, то бошқа қавм олдида  
 Ҳилми ва мулоҳим бўла олмасалар.  
 Ҳақорат қилисалар, ранг-рўйи ўзгаравмай,  
 Очик ва кўркам ҳолда кўрмагунингча.  
 Улуғликка ета олинимас улар барибир.  
 Бу ҳол ҳалимлиги ва кечиримли бўлишидир.  
 Ўзларини ерга урши ёки пасткашилик эмас.

**Тўртинчиси, ёмонлик қилувчини таҳқирлаш.** Бу мутакаббирлик ва манманликпинг бир туридир. Ҳикоя қилинишича, Мусъаб ибн Зубайр Ирокка волий этиб тайинланганда бир куни аскарларига тарқатиладиган улушлар олдида ўтириб, жарчига



Амр иби Журмуз қасерда леб, жар солишии буюрди. (Амр иби Журмуз отаси Зубайрии ўлдирған котыл эди). «Эй амир, у бу ерлардан аллакачон кетиб бўлған», дейиниди. У: «У нодон Абу Абдуллоҳ (Зубайр розияллоҳу анху) ни леб мени жазолайди, леб ўйладими? Эмин-эркин, бемалол ўз улушкини тўлиқ олсин», деди. Одамлар буви кибрининг эпг маъқул леб тонилгани леб баҳоладилар. Баъзи пешволар шеърида шунга ўхшаш айтинган:

*Ҳар қачон пашша гингилаганда ҳайдадим.*

*Демак пашша ҳам қадрлидир менине учун.*

Бир киши Ахнаф иби Қайсни ҳар қанча ҳакорат қиласа ҳам, унга наво қилемай тураверди. Шунда ҳалиги одам: «Аллоҳга қасмки, меига жавоб қайтаришдан уни олдида бечора ва хорлигимдан бошқа нарса тўсмади», деган экан. Шу маънода шоир айтади:

*Сени тубанигинг пашшани қутқарғандек қутқарап,*

*Кўлга туширишга ифлосликлари ҳалақит берганидек.*

Бир киши Иби Ҳубайрага тегишириб нимадир леганида бир оғиз гапирмай ундан юз ўтириди. Шунда ҳалиги одам: «Сени назарда тутаяпман», деди. Бунга жавобан у: «Мен сендан назаримни олиб қочаямсан», деган экан. Шу маънода шоир айтади:

*Обрўйинени тўқмай жўнаб қол,*

*Шу сен учун чин азизликдир.*

*Сен хот бўлган бўлар эдине,*

*Агар унга тенглатимоқ бўлсане.*

Амр иби Али айтади:

*Аҳмоқ сўз қотса, жавоб берма сўзига*

*Сукут сақламоқ ағзал бундай касларга.*

*Нодонга сукут қиласам, хаёлида шундай дер:*

*«Жавоб беришдан ожиз қолдирдим уни».*

**Бешинчиси, ҳакоратга яраша жавоб қилишдан уялиш.** Бу ўз иззат-нафсини сақлаш ва мурувватини стук даражага стеганини билдиради. Донишмандлардан бири айтади: «Аҳмоққа сабр қилиши у билан тенг бўлишдан яхшироқдир. Нодонга ин-



дамаслик унга ўхшашдан кўра яхшироқдир». Адиблардан бири айтади: «Ҳалим одам ножӯя иш қилмайди ва олийжаноб одам ёлғизланиб қолмайди». Лакит ибн Зурора айтади:

*Бани Саъдга айт, менга нима бўлди, сизларга нима,  
Кўн қиласизлар, тоқатим етғанча озод қилини пайидаман.  
Сизларни гўзал хислатларга устамонлигим,  
Бадхулқисикка уқувсизлигим алдаб қўйган чамамда.  
Агар сен менга қаҳр-газаб қилиб, озор берсанг  
Марҳамат, қилавер, сен бадхулқисикка эпчил ва моҳир.*

**Олтинчиси, ҳақорат қилувчига мурувват кўрсатиш.** Бу олийжаноблик ва инокликин яхши кўрини туфайли бўлади. Искандаррга: «Фалончи ва фалончилар сизни камситиб, шаънингизга ёмон сўзлар айтди. Уларни жазоласангиз-чи?», дейишганда шундай деб жавоб берди: «Жазоларини берсам, мени камситиш ва ёмонлашда узрли бўлишади». Бу у тарафдан кўрсатилиган илтифот ва марҳаматдир. Ахнаф иби Қайс: «Қачон менга бирор киши душманлик қилса, унга уч хислатдан бирини кўлладим. Агар ҳурмати менинидан юкори бўлса, унинг қадрини эътиборга олдим, агар ҳурмати менинидан настрок бўлса, ўзимни ерга урмай қадримни билдим, агар у менинг тенгим бўлса, мурувват кўрсатдим», деган экан. Бу сўзларни Халил шундай деб шеърий назмга тизибди:

*Ким ёмонлик қиласа гар, кечирмоқ ўйлип тутдим,  
Агар унинг озор ва ёмонлиси кўп бўлса ҳам.  
Инсонлар аслида учтадан бири бўлур:  
Олийжаноб, шарафланган ва қарши чиқувчи рақиб.  
Юқоридагини билib, уни деб ҳаққа эргашаман.  
Ҳаққа штоат этиши ҳар доим лозим эрўр.  
Аммо ўзимдан настдагига мулоҳим бўламан.  
Агар таъна қашувчи бўлса ҳам менга ҳар чоқ,  
У билан муносабатда обрўйимни сақлайман.  
Аммо ўзим тенги бўлиб, хато қиласа ёки адасиша,  
Мурувват қиламан, у фахр тұфайли ҳокимдор.*



**Еттилчиси, хақорат қылувчиши түхтатиши ва жаңжалға бархам бериш.** Бу әхтиёткорликдан юзага келади. Ҳикоя қишлишичі, бир киши Зирор ибн Қоқыға: «Аллохға қасамки, биттә гап айтсанғ, мендан ўнтасипи эшитардинг», деди. У: «Аллохға қасамки, агар ўнта гап айтсанғ ҳам, миқ этмай тураверардим», деган экан. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху Омир ибн Мурра Зухрийга: «Әнг ахмоқ киши ким?» деб савол берди. У: «Әнг ақпіліман деб ўйлаган киши», деб жавоб берди. Ҳазрати Али: «Түгри айтдинг», деди. «Әнг ақллы киши ким?», деб сұради. У: «Нодонларни жазолашда сукутдаң нарига ўтмаган киши», деди. Шағбий раҳматуллохи алайх айтади: «Онамнинг ҳузурида бўлиш ва хизматиарини қилиш менга насиб этмади. Лекин уни ҳақоратлаб қўймасин деб, ҳеч кимни ҳақорат қылмайман». Дошишмандлардан бири деди: «Обўйингни сақланинг юз ўғиришиңгдадир». Шоирлардан бири деди:

Ҳилмда аҳмоқнинг озоридан қайтариши бор,  
Аҳмоқ бўлма, аҳмоқликда ёвлаштириши бор.  
Падомат фойда бермас пайти надоматчи бўласан,  
Худди олди-сотти ўтиб бўлгандан кейин  
Алданганини билib, чорасиз қолганлардек.

Бошка бир шоир айтади:

Сен билган ёлану тұжматларинкі айтавер.  
Күлогым кар әмас, ҳалимликим кар қылғиб турар.

**Саккизинчиси, жавоб қайтарса, уқубаттаға йўлиқишидан кўркиш.** Бу кўркоқликдан келиб чиқади. Кўшинча фикр шу нарсанни вожиб этиб, әхтиёткорлик тақозо этади. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ҳалимлик оғатлар тўсиғидир», дейилган. Шоир айтади:

Хато қыдувчи аҳмоқнигидан қўрқсанг, мулојим бўл,  
Дено кини ўз шиларида аҳмоқларга ўхшамас .

**Тўққизинчиси, олдин қилингандан яхшилик ва зарур ҳақлар риоясими қилиш.** Бу вафодорлик ва садокат белгисидир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Зиммадаги ҳақларга риоя қилиш энг улуғ хислатдир», дейилган. Шоир деди:



Олижаноб кишига вафо қылыш фаризадир,  
Пасткашлик алдамчи вайдаабозга боғланни эрур.  
Улугелардан ҳамроҳларига нисбатан ишоғ кўрасан,  
Пасткашлар ишоғсизига ўзинг шоҳид бўласан.

**Ўнинчиси, хийлакорлик ва қулай фурсатни пойлаб туриш.** Бу айсрликдан келиб чикади. «Мансур-ул хикам» да: «Кимнинг газаби юзага чиқса, макри оз бўлади», деся келтирилган. Адиблардан бири: «Нодоннинг газаби сўзида, окилпинг газаби амалида бўлади», деган. Донишмандлардан бири: «Нодонга сукут саклаган бўлсанг; демак, унга боилаб жавоб бериб, адабини бердим, деб хисоблайвер», деди. Иёс иби Қатода айтади:

Кўлларимиз жазолгайди. фикримиз ҳилм бўлар,  
Биз сўкини сўзда эмас, амалда кўрсатамиз.

Шеър ахлидан бири айтади:

Пасткашга мурувват кўрсатиб, ҳақоратни тарк этмоқ  
Ҳақорат қилгандаси ҳақоратдан-да қаттиқроқ.

### МАҚТАЛГАН ҒАЗАБНИНГ БАЪЗИЛАРИ

Бу айтиб ўтилган ўнта сабаб ҳалим бўлишга чақиради ва улар бир-биридан афзал туради. Баъзиларининг афзал бўлмаслиги ундан вужудга келган хилмнинг ёмон бўлишини тақозо этмайди. Ҳилмнинг ҳаммаси фазилат бўлеа-да, лекин ҳилмга ёнг афзал деб қаралган сабаблари ундағани яхшироқдир. Борди-ю мазкур сабаблардан бири мавжуд бўлмаса, у ҳилм эмас, хорлик деб қаралади. Биз ҳилмнинг ҳад-чегараси ҳакида газаб кўзгалган пайти нафсни тийиб туриш, деб айтган эдик. Жаҳлни чиқарадиган ҳақоратни эшитгаңда газаб кўзғалмаслиги ор-номус ва ҳамият йўқлигини билдиради. Шунинг учун донишмандлар: «Уч кишини факат уч ҳолатда билиш мумкин; сахийни кийинчиликда, ботирни жангда ва ҳилмли кишини ғазаб чиққанда». Шеър айтади:

Розилик ҳолатидаси ҳилм ҳилм бўла олмас,  
Ғазаб чиққан ҳолатдаиси ҳақиқий ҳилм.

Бошкаси айтади:

*Ҳилми даъво қылғани билай десанғ жаҳлни чикар,  
Ҳилми фақат ғазабланған пайтдағина бүлинар.*

Нобига Жаъдий Расулуллох соллағлоху алайҳи васаллам хұзурларидә шундай деб шеър айтади:

*Ҳилмда хайр үйіkdir, унда мұсаффоголигин  
Лойқаланшидан ҳимоя этар белгиси бўлмаса гар.  
Жаҳлда яхшилик үйіkdir, гар унда ҳилм бўлмаса,  
Качон бир ишин бошлаб, охирига етказмаса гар.*

Набий соллалмоху алайҳи васаллам унинг сўзини инкор килмадилар. Ғазабни чикарадиган ишларда ғазабланмайдиган, ғазаблантиришдан олдин хам, кейин хам ҳолати ўзгармай турадиган киши шижкоат, ҳамият, ўз қадрини билиш, кизганиш, ҳимоя килиш ва ўч олиш каби фазилатлардан маҳрум бўлади. Чунки улар ғазабдан пайдо бўладиган хислатлардир. Агар инсонда шу хислатлар бўлмаса, у хорликка юз тутади. Бундан боника фазилатларнинг қалбларда ўрни ва на ҳилмнинг мукаммал даражадаги эътибори бўлади. Мансур айтади: «Ҳалимлик зиён келтирадиган вактда кечириш ожизлиқдир». Дошишманлардан бири айтади: «Кечириш олижаноб кишини канчалик ислоҳ килса, пасткашини шунчалик бузади». Амр иби Ос розияллоху анху айтади: «Ахмокларингизни хурмат қилинглар. Чунки улар сизларни уят ва шармандаликтан саклайди». Мусъаб иби Зубайр айтади: «Қавмнинг ахмоклари оз бўлганда, хор бўлар эди». Абу Таммом Гоний айтади:

*Үруши чиқса авжга жсанғ майдонида,  
Бир тенгтак тенглантириштар ҳилмилар минега.*

Буни ғазабни устун кўйишга даъват ва жаҳлни чикарадиган ҳолат юз берганда итоат этишга ташвиқот деб тушунмаслик лозим. Чунки киши ўз ғазабига эргашиб, қилиб кўйган ёмон ва кабих ишлари жаҳли чиқмай турған вактда кўзига киритган фазилатларига қараганда кўпроқ. Жаҳлни чикарадиган нарса хужум бошлаган маҳал ғазаб кўзгалиб, тугёнга кела бошлаганды

уни қайтариб, ғалаёнини ҳалимлик билан ўчиради. Чора кўришга ҳакли бўлганларга чора кўринини бошқа бирорга топширади. Қизинган яхшиликка ярана яхшилик қилувчилар албатта мавжуд бўлгандек, адолат билан жазо берувчилар ҳам йўқ эмас. Араблар: «Бир уйдан чиқсан нарса унга яна киради», дейишади. Бунинг маъноси шуки, агар ундан яхшилик чиқсан бўлса, яхшилик киради. Агар ёмонлик чиқсан бўлса, ёмонлик киради, деганидир. Ибн Дурайд Абу Ҳотимдан шундай шеърни айтиб берди:

*Жоҳиллар жаҳлингдан бир марта омон бўлса бас,  
Обрўйинг жоҳиллар учун бир ўлжага айланар.  
Сен унга ҳалимлик ва подонликни бирлаштириш.  
Душманлик ва тинчлик ўртасидағи ҳолатда рўпара бўл.  
Қачон сен аҳмоқ билан тенглашиб қиласани қиласан,  
Ақли расо дейшишмас, у каби сен ҳам подондир.  
Аҳмоқнинг обруғин тўкма, ҳалимлик билан муроса қил.  
Бунга кучине етмаса, алоқани узиб, қутул.  
У сендан кўп марта умид қилиб, бир марта ҳайиқар,  
Ва шу иккиси ўртасида эҳтиёткорликни маҳкам тутар.  
Унга қарши подонлик қилишидан бошқа чора бўлмаса,  
Подонлардан ёрдам сўра, шундай қилиши матонатидир.*

Мазкур сатрлар ҳилмлик ва қаҳр-ғазабни бошқариш тўғрисидаги энг ҳикматли байтлардир. Бундай тадбирни инсон жоҳилга тенг бўлишдан бошқа чорани, ундан кутилиши ва у билан муроса килингага ҳеч қандай илож топмагандан ё унинг ёмонлигидан қўрққани, ё буйругини лозим тутгани учун кўллайди. Аммо кутулиш иложи бўлиб, узоклаштирилиши заرار бермайдиган кишига писбатан шу йўлни тутса, унга хорланиш муносибдир. Энг яхиси, ундан юз ўгиришдир. Агар киши юкорида таърифланган мақомда бўлса, ғазаб уйғотиши билан унинг фойдаларини топади, ғазабланишдан ўзини тийиб, унинг қабоҳатидан сакланади ва ҳалимлик жаҳлни чикарадиган ишларда унинг бошқарувчисига айланади. Ыш баробарида унга ғазабланмаслик нуқси етмайди. Ҳалимликка эга бўлмаслик зиёдалиги ҳам кўшилиб колмайди. Агар хилмдан узоклиги учун ғазабга эргашса, йўлдан адашади, унинг сабабла-

ри ва келтириб чиқарувчи омиллари моҳиятини билиш ҳақида ўйлашдан фикри ожизлик қиласди. Ҳатто у ақли нокис, қараши ноациқ, хужжати йўқ, сабрдан маҳрум бир бечорага айланади. Устига-устак, унинг руҳи ва жисмига салбий таъсир қилиб, бу таъсир жаҳл қилиган нарсасидан-да қўпроқ зарар келтиради. До-нинимандардан бири айтади: «Ҳаддидан ошган кишининг хатоси кўп бўлади», деган. Салмош розияллоҳу анҳу Али каррамаллоҳу важҳаҳуға: «Қайси нарса мени Аллоҳ азза ва жалланинг азобидан узоклаштиради?», деди. У: «Ғазаблацмаслик», дея жавоб қилди. Салафи солиҳлардан бири: «Аллоҳ азза ва жалланинг ғазабига яқин турган пайт банданини ғазабланган пайтидир», деган экан. Балоғат ахлидан бири айтади: «Ким ғазабини ичига юта олса, газаблантиргани яксон қилибди». Адиллардан бири дели: «Қалбинги безовта килган дарғазаблик каби қўзғайдиган нарса йўқ». Бир киши донишмандлардан бирига: «Менга насиҳат қилиш», деди. У: «Газабланма», деди. Ақли расо ва эҳтиёткор киши газаб кувватини ўз ҳилми билан қабул қилиб тўсмоғи, жаҳлдорлик хиссини эҳтиёткорлиги билан қарши олиб қайтармоги керак. Шунда янада янги макомга етиб, мактовли оқибат билан сийланади. Адиллардан бири: «Аъзоларинг роҳати кўз юмушингдадир», деди.

Ғазаб ва жаҳлининг чиқишига нафс ўзига ўзидан пастдан килинган ҳужумни ёқтирмаслиги ва маҳзунликка юкоридан килинган ҳужумни ёқтирмаслиги сабаб бўлади. Ғазаб тана ичидан ташқарига ва маҳзунлик ичкарисига қараб ҳаракатланади. Ғазаб ошкор бўлганидан кишини ўлдирмайди, маҳзунлик яширин бўлганидан ўлдиради. Ошкорлиги учун ғазабдан тажовуз ва ўч олиш келиб чикса, яширин бўлгани учун маҳзунликдан касаллик ва беморлик пайдо бўлади. Шу эътибордан маҳзунлик ўлимга олиб борса ҳам, аммо ғазаб унга олиб бормайди. Ғазаб билан маҳзунлик орасидаги фарқ шу.

Билгинки, ичлан ташқарига чиқаётган ғазабни босиш учун ҳилмга ёрдам берадиган сабаблар мавжуд. Шулардан бири Аллоҳ азза ва жаллани эслашдир. Аллоҳни эслаш кишини Ундан қўрқишига, қўрқиши эса итоатга чақиради. Натижада инсон одобга қайтиб, унинг айтганини бажаради. Ўша маҳалда ғазаб ўз-ўзидан ти-



йилади. Аллоҳ таօло: «Қачон эсдан чиқарсан, Роббингни зикр кил» (Кахф сураси, 24-оят), деган. Икрима рахматуллоҳи алайҳ бу оятни «Ғазабланганингда», деган тағсир қилган. Аллоҳ таолонинг: «Агар сенга шайтон томонидан «санчиши» содир бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўра», деган оятидаги «Санчиш содир бўлса», сўзи «Сени ғазаблантирса, Аллоҳдан паноҳ сўра. Албатта У эшитувчи, билувчиdir. Яъни У зот жохилнинг жохиллигини эшитувчи ва сендан ғазабни кетказадиган нарсани билувчиdir», деган маънони билдиради. Айтишларича, Тавротда шундай ёзилган экан: «Эй одам боласи! Ғазабланганингда мени эсла, ғазабланганимда сени эслайман ва ҳалок қиладиганларим қаторида сени ҳалок қилмайман».

Ҳикоя килинишича, форс подшохларидан бири вазирига хат ёзиб бериб: «Буни жаҳлим чиққанда менга тутказасан», дебди. Унда: «Нега ғазабланасан. Бор-йўғи оддий одам бўлсан: Ердаги-ларга раҳм қили, осмондаги Зот сенга раҳм қилиади», деган битилган экан». Донишмандлардан бири деди: «Аллоҳ таолонинг куч-кудратини кўз олдига келтира олган киши унинг бандаларига зулм қилишдан ўзини тияди». Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Мухориб Ҳорун ар-Рашидга: «Эй мўминлар амири! Сиздан хузурида сизнинг хорлигингиз, менинг хузурингиздаги хорлигимдан-да оғиррок ва сизни жазолашга мени жазолашнииздан-да қодирроқ Зотни ўртага кўйиб мени афв этишингизни сўрайман», деди. Халифа Аллоҳнинг қудратини эслаб уни кечирди. Ривоят килинишича, бир кипи Расулуллоҳ соллағлоҳу алайҳи васалламга қалби каттиқлигидан шикоят қилганда: «Қабрларни зиёрат кил ва қайта тирилиш ҳакида ўйла», деган экан. Баъзи тоифаларниң подшохлари қачон ғазабланса, олдига ўзидан олдин ўтган подшохларниң хилхоналари калитлари ташланаш, шу билан унинг газаби тарқар экан. Шунинг учун Умар ибн Ҳаитоб розияллоҳу анҳу: «Ким ўлимни кўп эсласа, дунёдан озига қаноат қиласи», деган.

**Иккинчиси,** ўзи турган ҳолатдан бошқа ҳолатта кўчиш. Ҳолат ўзгариши ва бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтиш туфайли ғазаб тарқайди. Халифа Маъмун ғазабланганда ёки кимнидир ҳакорат қилганда шундай қиласди. Форелар: «Турган киши ғазабланса, ўтираси, ўтирган киши ғазабланса, турсин», дейишар экан.



**Учинчиси**, ғазабланиш оқибатида пайдо бўладиган пушай-монлик ва аламзадаликнинг ёмон экани ҳақида фикр юритиш. Абравез ўғли Шервайхга йўллаған мактубида: «Сен томондан айтилган бир оғиз сўз кон тўкса, бошқа бири сақлаб колади. Буйруғинг сўзинг туфайли ижро этилади. Ғазабланган пайтда сўзиши нотўғри бўлиши, авзойинг ўзгариши ва танангда енгилтаклик кузатилишидан саклан. Албатта подшоҳларнинг жазо бернишлари иложи стишидан ва кечиришлари халимликларидан бўлади». Донишманлардан бири айтади: «Кўл остингда бўлмаганларга қаҳрининг сочиш ожизлик ва қўл остингда бўлганларга шундай қилиш пасткашликдир. Адиблардан бири айтади: «Ғазаб азизлигидан узоқ бўл. Чунки у узр сўраш хорлигига олиб боради». Шоир деди:

*Газаб ичра Ҷагалласа сени азизлик,  
Узр сўраш хорлигини ёдингда тум.*

**Тўртичиси**, кечириш савоби ва афв этиш мукофотини эслаш. Бу ҳолатда инсон ажр-савоб ва мукофотга қизикиб, ёмонлик ва жазодан кўрқкани туфайли нафси устидан голиб келади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Қиёмат куни нидо қилувчи шундай нидо қиласди: «Ажр-мукофоти Аллоҳнинг зиммасида бўлганлар турсин». Шунда одамларни кечирганилар турадилар, деб ушбу оятни ўқидилар: «**Бас, ким кечирса ва ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасида-дир**» (Шўро сураси, 40-оят). Ражо ибн Ҳайва Абдулмалик ибн Марвонга Ибн Ашъас асиirlари тўғрисида: «Аллюҳ таоло сизга ўзингиз яхши кўрган ғолибликни берди. Энди сиз Аллоҳга У яхши кўрган афвни беринг», дегани диқкатга сазовордир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Барча яхшиликлар уч хислатда жамланиб, шу хислатлар кимда бўлса, иймонни мукаммал даражага етказибди: рози бўлса, розилигини ботилга киритмаган, ғазабланса, ғазаби уни ҳақдан чиқармаган ва қодир бўлса, афв қилган». Бир кинидан ёқимсиз сўзни эшитиб, Умар ибн Абдулазиз: «Шайтон мендан ғолиб чиқишини хохладини: Султон иззати учун бугун сендан поил бўладиган нарса-га эртага мендан ионл бўлмайсан. Кетавер, Аллюҳ сенга раҳм килсин», деди .



**Бенинчиси**, ўзи томон қалблар бурилганини ва нафслар мөйил бўлганини эслашдир. Одамлар ундан ва улардан кейин ўзидан нафрагланиши туфайли юкоридаги холатни бой беришни маъкул кўрмай, газаблацишдан тийилади. Яхши муносабат ва гўзал мақтов йўлини ихтиёр этади. Ибн Абу Лайло Атийядан, у Абу Саъид розияллоҳу аиҳудан ривоят қылғаш ҳадисда Росуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Авф-кечириш туфайли бирор кинининг азизлиги зиёда бўлмай қолмаган. Кечиринглар, Аллоҳ, сизларни азиз қиласди». Балоғат ахлидан бири айтади: «Дарҳол ўч олиш улуғ қишилар одатидан ва неъматларни зое кеткизини олижаноблик шартларидан ҳисобланмас». Мамун Иброҳим ибн Маҳдийга: «Сепинг ишинг ҳакида маслаҳатлашсан, катл этишини маслаҳат бердилар. Лекин мен гуноҳингдан кадринг баландлигини билib, сени ҳурмат қилиш лозим бўлгани учун катл этишини хоҳламадим», деди. У бунга: «Эй мўминлар амири, тавсия қилувчи сиёsatда жорий бўлган одатни тавсия қилган, лекин сиз ғолибликни ўз одатингиз авф этишдан тошишга қарор қилдингиз. Агар жазо тайин этсангиз ҳам, буни қилишда сизга ўхшаганлар бор. Агар авф этиб, кечирсангиз, буни қилишда сизга ўхшаши йўқ», деди ва шундай деб шеър айтди:

Сиз тарафдан менга етган яхшилик,  
Хузурингизда уни қилишим учун  
Менинг узримни ҳозирлади.  
Сиз менга таъна ва на маломат қилмай,  
Мени билшишингиз ўзиёқ, ҳузурингизда  
Айбсиз ва адолат гувоҳи мақомида бўлишимга ҳужжат.  
Сиз менга қилган яхшиликдан тонсам гар,  
Олижанобликдаги улушингиздан кўра  
Тубанликда менинг улушим кўпроқ.  
Инсоф ила авф этиб, инсоф ила ташланасиз.  
Сиз кечирган ва жазолаганлар йўқ десам бўлмас.



## БЕШИНЧИ ФАСЛ

### РОСТГҮЙЛИК ВА ЁЛГОН ТҮҮРИСИДА

Энг ростгүйлар ростгүйи Аллох таоло деди: «Сүнгра ёлвотрамиз, ёлғончиларга Аллохнинг лаънати бўлсин», деймиз» (Оли Имрон сураси, 61-оят).

Аллох таоло деди: «Ёлғонни факат Аллохнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар». (Наҳл сураси, 105-оят).

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумога: «Шубҳалисини тарқ этиб, шубҳасизига ўт. Албатта, ёлғон шубҳа-гумон, ростгүйлик хотиржамликдир», деди. Яна бир ривоятга кўра, у зот марҳамат қиласидар: «Гилини ислоҳ қилиб, унинг жиловини тортган, ҳак йўлини тилига лозим тутиб, тилига эрк берини одат қилмаган кишига Аллохнинг раҳмати бўлсин». Сафвон ибн Сулайм келтирған ривоятда Набий соллаллоху алайҳи васалламдан: «Мўмин қўркоқ бўлиши мумкинми?», деб сўрашди. У зот: «Ҳа», дедилар. «Бахил бўлиши мумкинми?», деб сўрашди. «Ҳа», дедилар. «Ёлғончи бўлиши мумкинми?», дейишганда: «Йўқ», дедилар. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг: «Ҳақни ботилга аралаштирунган», деган оятини «Ростни ёлғонга аралаштирунган», деб тафсир қиласидар. «Мансур-узл хикам» да шундай сўзлар келтирилган: «Ёлғончи ўғридир. Ўғри молингни ўғирласа, ёлғончи аклингни ўғирлади». Донишмандлардан бири айтади: «Ёлғон сўзлагандан кўра соқов юрган яхшидир. Ростгүйлик энг олий баҳтдир». Балогат ахлидан бири шундай деган экан: «Тўғри сўзли одам ҳимоя килинади ва улуғланади. Ёлғончи-каззоб эса хор-зор қилинади». Адиблардан бири айтади: «Ҳақ каби қилич, ростгүйлик каби ёрдам берувчи йўқ». Шоирлардан бири деди:

Ўйлаб кўрсанг яхнилаб, тўғри сўздир ўқ,  
Одамийлик ва гўзалликни кетказадиган.  
Кишилардан қўркамликни йўқотадиган,  
Бехосият ёлеондан кўра бирор нарса йўқ.



Оқибати хупук ва натижалари жирканчлиги бўлганидан ёлғон барча ёмонликларни ўзида тўплаб, ҳамма айбларнинг аслига айланди. Чунки у чакимчиликни пайдо қилиб, нафратни уйғотади ва нафрат ўзаро душманлик ва адованти вужудга келтиради. Душманлик бор жойда на тинчлик ва на роҳат бор. Шунинг учун ҳам: «Рост сўзи кам кишининг дўсти кам», дейишган.

Вафо ва хилоф келгуси ваъдаларга тааллукли бўлганидек, рост ва ёлғон бўлиб ўтган хабарларга тегинилидир. Бир нарса ҳакида қандай бўлса, шу ҳолича хабар беришни рост, унинг аслига хилоф ҳолда хабар беришни ёлғон дейилади. Бунинг ҳар бири учун сабаблар бор. Ростнинг сабаблари лозими, ёлғонники оризадир. Чунки тасдиқловчи ақл ҳам, муаккада шариат ҳам ростгўй бўлишга даъват этади. Ақл ёлғондан қайтариб, шариат уни ҳаром деб таъкиқлади. Шунинг учун рост хабарлар ёлғонга тил бириктириб, бўлмайдиган даражада кенг ёйилиши жоиз бўлса ҳам, ёлғон хабарларнинг кенг ёйилиши жоиз эмас.

Зеро, рост ва ёлғон ҳакида одамлар иттифоқи сабаблар иттифоқига боғлиқ. Ростлик сабаблари устида кўпчилик бир-бири билан мувофиқ келиши, ҳатто бир хабарни нақл қилувчилар ўзаро келишиб олиш иложи бўлмаган даражада адади ташкил этиши мумкин. Бундай пайтда калб ҳам уни рост деб қабул қиласи. Чунки унинг сабаблари фойдали ва одамлар ҳам унга иттифоқ қилиши мумкин. Ўзаро келишиб олиш иложи бўлмаган кўпчиликнинг бир хабарни нақл килишга иттифоқи ёлғон бўлмайди. Чунки уни айтишга ундовчи сабаблар фойда келтирмай, кўп ҳолда зарар келтиради. Шунинг учун одатда кўпчиликнинг бефойда сабаблар устида бирлашиши одат тусини олмаган. Даъват этувчи сабаблар бир бўлгани учун ростга иттифоқ килиш жоиз. Даъват этувчи сабаблар мос келмагани учун ёлғонга иттифоқ этиш жоиз эмас. Ростгўйлик ва ёлғончилик сабаблари мавжуд экан, иложи борича уларнинг сабабларини айтиб ўтиш лозим.

Ростгўйлик сабабларидан **бираинчиси** аклдир. Чунки акл ёлғоннинг ёмон нарса эканини тақозо қилувчидир. Айниқса, бирон наф келтирмаса ва бирор заарани даф этмаса. Ақл яхни деб тошилган нарсани қилишга унданб, ёмон деб ҳисобланган нар-



сани қилишдан қайтаради. Шоирларнинг очик-ойдин ёлғонга айланган муболагали байтларидан яхши дейилтганилари акл ўлчовида ёлғонининг маъкулланишига хужжат бўлмайди. Бунга мисол тарикасида Аздий деган шоирнинг менса ўқиб берган байтларини келтирса бўлади:

*Фикрим у ҳақинда ўйла-ўйлаб.  
Юз чехрасига айланниб борар.  
Унда хаётимдан асар ва из бордир,  
Кафтим у билан қўл бериб кўришиса,  
Унинг кафтини оғритиб қўяр.  
Кафтичининг тегиб, бармоқларида  
Жароҳат асари ва излари қолар.  
Қалбимдан кечган хаёл эди бу  
Бас уни ўша ҳолича қораладим,  
Фикр чизганини ҳеч нарса уддалай олмас.*

Аббос ибн Ахнафининг сўзи ҳам бу кадар муболагали бўлмаса ҳам, лекин шунига ўхшави жихати йўқ эмас:

*Ингичка ҳатда ёзганимни айтасан,  
Нега қалинида ёзганимни айтмайсан.  
Унга: «Озид кетдим, котибига ёрдам берай деб  
Хатим ҳам озиб кетди», дедим.*

Чунки бу ўхшатиш ташбсҳда муболага ва шеърий санъатда маҳторат даражасига кўтарилиди. Ҳарҳакиқат, хол шавоҳиди уни ёлғон фирибидан чикаради. Шунишг учун маҳорат бобида яхши деб эътироф қилиниб, аклан ёмон деб ҳисобланмади. Агар ёлғон ўзи қораланган бўлса ҳам.

**Иккинчиси**, ростга эргашиш ва ёлғондан қайтишни ворид этувчи дин. Чунки шариат акл ман этганига рухсат бермайди, балки ёлғон таъкиқи тўнгисида акл тақозо этганига кўшимчалар қиласи. Зоро, фойда келтирса ҳам, зарарни даф этса ҳам, барибир шариат ёлғонни ман этади. Акл эса факат фойда келтирмаган ва зарарни кетказмаган нарсадан қайтаради, холос.

**Учинчиси**, мурувват. Мурувват ҳам ёлғондан ман этувчи бўлиб, ростгўйликка ундейди. Бу хислат баъзан одобсизликка

ўтиб қоладиган амаллардан қайтариади. Шундай экан, жирканч ва ёмон амаллардан қайтариши аниқ.

**Тўртингчиси**, ростгўйлик туфайли танилишни яхши кўриш. Бундай кишининг сўзи ерда колмайди, пушаймонлик етмайди. Ба-лоғат аҳлидан бири айтади: «Ҳақ мурожаат қиладиган жойинг, ростгўйлик - интиладиган мақсадинг бўлсени. Ҳақ энг кучли ёрдамчи ва ростгўйлик энг афзал дўстдир». Шоирлардан бири деди:

*Тилинги рост сўзга ўргат, насибадор бўласан,  
Албат тилини нимага ўргатилса, шунга одатланар.  
Яхшилик ва ёмонлик борасида унинг учун  
Нимани жорий қиласанг, жавобгарлик унга тушар.  
Қандай нарса қидираётурсан, бир пазар сол.*

Яна ёлнон сабабларидан бири фойда олиш ва зарарни кетказишидир. Ёлғонга энг тиич ва омадли йўл деб қаралади. Ҳийлаларга алдангани ва кучли истак-хоҳин туфайли қўрққанидан ёлнонга ўтилади. Кўпинча ёлғон кучли хоҳиш-истакка энг узоқ ва хавотир олаётганига энг яқин воситадир. Чунки хунук нарса ҳеч қачон чиройли бўлиб колмайди, ёмон нарса яхшига айланмайди. Тикацдан узум, тоқдан закқум териб олинмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ҳалокат борлигини кўрсангиз ҳам, ростгўйликни ихтиёр этишлар. Албатта унда нажот бор. Агар нажот борлигини кўрсангиз ҳам, ёлғондан четланинглар. Албатта унда ҳалокат бор», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: «Ростгўйлик мени ерга уриши (кам ҳолларда учрайди) ёлғончилик обрўйимни оширишидан яхшироқдир. Ёлғончилик обрў келтириши жуда кам». Донишмандлардан бири айтади: «Ростгўйлик сенга нажот келтиради, агар қўрксанг ҳам. Ёлғончилик сени ҳалок этади, агар хотиржам бўлсанг ҳам». Жохиз деди: «Ростгўйлик ва вафодорлик, сабр ва хилм эгизаклардир. Диннинг мукаммаллиги ва дунёнинг барча яхшилиги мана шу хислатларда жамланган. Уларниң зидди ҳар қандай бўлиниш ва низонинг сабаби ҳамда ҳамма фасоднинг асл манбаидир».

**Иккиси**, сўзи ёқимли ва қизикарли, қаломи зарофатли бўлишни ўзига мъқул кўриш. Рост сўзининг ёқимли ва оддий сўзининг қизиқиши уйғотганини кўрмагандан ғаройиботлари ке-

раксиз ва ажойиботлари мўжизадан холи ёлғонни ўзига totли деб қабул килади. Ёлғоннинг бу тури ҳолат жиҳатидан аввалги сидан ёмонроқдир. Чунки бу тубанлик ва ҳиммат пастлигидан келиб чиқади. Жоҳиз айтади: «Ким ёлғон гапирса, ўз наздида ўзининг қадри йўклиги туфайли ёлғон ганиради». Ибн Мукаффа: «Ҳазил аралаш битта ёлғонни айтиб қўйиндан сақлан. Чунки ўша битта ёлғон ҳакни ноҳақча чиқариб кўяди».

**Учинчиси**, ёлғон сўзлаб, душманидан аламини олишни максад қилиш. Душманнга ўзи тўқиб чиқсан кабиҳликлар билан тамға босиб, ёмонотлиқ қилиш, турли шармандаликлар билан номиши булнаинга ҳаракат қиласди. Ёлғондан фойдаланиб, душман юзини қизартириш ва айланнанда ўлжа, унга қараб отишни ўқ ва заҳар деб тасаввур қиласди. Ёлғоннинг бу тури олдинги иккисидан хам ёмонроқ. Чунки бунда шарманда қилувчи ёлғон билан заرار келтирувчи ёмонлик жамланган. Шу боисдан шариатда душманга қарши ушиг гувоҳлигини қабул қиласлик коидаси жорий бўлган.

**Тўртичиси**, ёлғонга уйдайдиган сабабларга кема-кст дуч келиш оқибатида унга одатланиб қолиш. Бундай найтда ёлғонни ўзига одат қилиб, нафси шу ёлғонга итоат этиб айланниб, ҳатто ундан ўзини тийининга ҳаракат килган тақдирда хам иложини то-полмай колади. Чунки одат инсонда иккинчи табиат сапалади. Ҳакимлар: «Ёлғонни эмиб мазасини тотганини ундан ажратиб олиш кийин бўлади», дейдилар. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ёлғон ёлғонши лозим туттан ҳар қандай нарса устидан голиб бўлади», дейилган.

## ЁЛГОНЧИННИГ БЕЛГИЛАРИ

Билгинки, ёлғончини синовдан ўтказиндан олдин унга далилат қиласдиган бир қанча белгилари борлигини билиш керак.

**Биринчиси**, бир сўзни айтилганда уни ёдлаб олиб, айтилган билан ўзи келтиргани орасидаги фарқни ажратиб олмаслик.

**Иккинчиси**, қачон иккилантирилса, иккиланиб, ҳатто ўз фикридан қайтиши. Агар чалғитилмаганда унда шубха пайдо бўймас эди.

**Учинчиси**, мободо айтган сўзини қайтадан айтишни талаб қилинса, тутилиб, адашиб қолиши. Бу ҳолда унда ҳужжат кел-



тирувчининг ғолиблиги ва рост гапиравчининг далили бўлмайди. Шунинг учун Али розияллоҳу анҳу: «Ёлғон сўз худди саробга ўхшайди», деган.

Тўртингчиси, ёлғончилар шубҳаси ошкор бўлиб, шубҳалашувчилар хорлиги билиниб туриши. Чунки инсон ўз табиатидаги безовталиклар туфайли буларни ўзидан даф эта олмайди. Шунинг учун дошишмандлар: «Кўзлар тилдан кўра чакимчи роқдир», дейишган. Балоғат аҳлидаи бири айтади: «Юзлар сенга халойик сирларини кўрсатувчи ойналардир». Шоир айтади:

*Калбларидашни сенса кўзлари билдириб турар,  
Албат кўзлар сирига назар солишига етказар.*

Ёлғончилик тамғасини олган кимсага дайдиб юрган ёлғонлар ҳам ниебат берилаверади, нотўғри маълумотларига сохталиклар аралашади, ҳатто ёлғончи устидан ёлғонлар тўқилиб, натижада ўзида ёлғон сўзлаш ёмонлиги билан тухматга қолиш зарарини жамлайди. Шоир айтади:

*Ёлғончига унинг зарарига айтиладиган  
Баъзи гаплар мусибат учун етарлидир.  
Бошқа бирордан бир ёлғон эшишсанг,  
Шу ёлғонни ҳам ўзига нисбат берилар.*

Бундан ташкири, агар ростини айтса ҳам, уни айбдор қилинади. Агар ёлғондан четланса ҳам, ёлғончига чиқарилаверади, ҳатто инкор килинадиган ёлғон, деб унинг сўзига ишонилмайдиган бўлиб қолади. Шоир айтади:

*Ёлғончи ёлғони билан ном чиқарса,  
Ишонмаслар ҳеч сўзига гар рост бўлса.  
Ёлғончининг оғати учутмоқ эрур,  
Учратасиз зеҳнлисин моҳир бўлса.*



## РУХСАТ БЕРИЛГАН ЁЛГОН

Суннатда бир-бири билан уруниб колганда ва аразланғанлар орасини ислоҳ қилиш учун очик-ойдин эмас, балки ишора ва таъвил билан ёлғонга рухсат берилган. Ёлғонда нафрау уйнотини маъноси борлиги туфайли суннатда унга тўғридан-тўғри рухсат берилган бўлиши мумкин эмас. Агар рухсат берилган бўлса ҳам, ишора ва яширин ифода йўли билан келган. Бунга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ридо билан четта чиқиб, ўзлари ёлғиз қолған пайтда саволга берган жавобларини мисол келтириш мумкин. Бир киши у зотдан қайсан қабиладан эканини билмоқчи бўлиб: «Кимлардансан?», леб сўради. У зот: «Сувдан», деся насл-насаблари ҳакидаги хабарни мужмал қилиб яширдилар. Савол берган киши ўзи мансуб бўлган қабилани айтаяпти, деган фикрға борган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсон яратиладиган сувни назарда тутиб, шу йўл билан рост сўзлаган ҳолатда ўзларини танитишпи хуш кўрмаганлар. Абу Бакр Сийдик розияллоҳу анхудан келтирилган ривоят ҳам шунга ўхшайди.

Ҳижрат сафарида Ҳазрати Абу Бакр Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортидан бораётib, йўлда арабларга дуч келишди. Ҳазрати Абу Бакрни танишса ҳам, Росулуллоҳни танишмас эди. Шунда улар: «Эй Абу Бакр, бу ким?», леб сўранди. Ҳазрати Абу Бакр: «Йўл кўрсатадиган йўлбошли», деди. Бу жавобдан қаноатланиб, йўл кўрсатиб боришни назарда тутди, деб ўйлашди. Аслида яхшилик йўлига раҳнамолик қилишини эътиборга олиб айтган сўzlари рост бўлиб, асл мақсадни сир тутган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта кинояли ифодаларда ёлғондан кочин имкони бор». Умар розияллоҳу анху айтади: «Албатта кинояли ифодалар ёлғондан саксангина кифоя этади». Баъзи муфассирлар Аллоҳ таолонинг: «**Эсимдан чиққан нарса учун мени жазолама**» (Каҳф сураси, 73-оят) деган ояти тафсирида: «Аслида у эсидан чиқармаган, лекин бу кинояли сўzlар хисобланади», дегап. Иби Сийрин раҳматуллоҳи алайҳ: «Калом ўз ичида ёлғонни очикча келтиришлан кенгdir», деган. Рост гаплар ўз ичида ёмонлик ва қабиҳлик борасида ёл-




ғонга тенг келадиган, балки азият ва зарар жиҳатидан ундан ҳам ошиб тушадиганлари бор. Улар ғийбат, чақимчилик ва гап-сўз тарқатиш. Гийбат хиёнат ва айбни очиш бўлиб, иккиси ҳам ҳасад ва бевафоликдан келиб чиқади. Аллоҳ таоло айтади: «**Баъзингиз баъзингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирорта-ларингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини сийини яхши кўурми?**» (Хужурот сураси, 12-оят)

Яъни, биродари гўштини ўлганида сийиши ҳалол бўлмагандек, тириклигига ғийбат килиш ҳам ҳалол эмас. Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замоналарида икки аёл рўза тутса ҳам, одамларни ғийбаг қилишдан тилини тиймас эди. Бу ҳақда хабар берилганда у зот: «Ҳалоллардан тийилса ҳам, ҳаром қилинганидан тийилмаётган экан», дедилар. Асмо бинти Язид келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким биродари гўштини йўқлигига ҳимоя қилса, унинг гўштини дўзахга ҳаром қилиниш Аллоҳнинг зиммасида бўлади». Адий ибн Хотим розияллоҳу анху: «Ғийбаг насткашлар озуқасидир», деган. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи: «Гийбат – аслларниң хузурланиб ейдиган емаклари», дер эди. Бир киши Ибн Сийрин раҳимаҳуллоҳга: «Мен сизни ғийбат қилдим. Ундан қандай покланай, айтсангиз?», деди. Шунда у зот: «Аллоҳ сенга ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишни хоҳламайман», деди. Ибн Саммок айтади: «Йўқлигинг ёмонлиги туфайли айбингни очишига одамларга ёрдам берма». Шоир деди:

*Одамларниң бекитган айбларин излама.  
 Аллоҳ ёмон шиларини фош этиб қўяр.  
 Эсланса, фақат яхшиликларин эслагин,  
 Бирортасин ўзингда бор иллат ила айблама.*

Кўп ҳолда гийбатчи ҳақни айттаётган ва фосикликни билдириб қўяётганлик билан ўзини октайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган: «Уч тоифа борки, уларни ғийбат килиш гийбат хисобланмайди: золим подшо, ҳамр ичувчи ва ошкора гуноҳ этувчи», деган ҳадисни далил қилиб келтиради ва тўғриликдан узоклашиб, одоб доирасидан четта чиқади. Ростини



айтаяпман, деб ғийбат қилиш билан айбларни очиб, ўз айбларини беркитиб, сир сақлааб юрганни ҳаммага ошкор этади. Агар уларни очмаганида ўзига яхши бўлар эди. Кўпинча бу гийбатчининг ўзи яширганини ошкор қилиш, сир сақлаганини билдиришига олиб боради. Бу ҳолат унинг хулқи бузуклиги билан бир қаторда бошқалар учун хеч қандай фойдаси йўқлигидан юзага келади. Ануширвоидан: «Қайси нарсада яхшилик йўқ», деб сўрашганда шундай жавоб бергац экан: «Ўзимга зарар келтириб, бошқаларга фойдаси тегмаган ёки бошқаларга зарари тегиб, ўзимга фойда келтирган нарсада яхшилик борлигини билмайман».

«Мансур-ул хикам» да шундай дейилган экан: «Ғайбларни билгувчи Зот яширган айбларни ошкор этма». Ало ибн Абдурраҳмон отасидан, у Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда ғийбат ҳакида сўрашганда Расулуллоҳ соллааллоҳу алайхи васаллам: «Биродарингда бор сифатни айтишингдир, агар айтганларинг рост бўлса, ғийбат қилган бўласан, агар ёлғон бўлса, унга бўхтон қилсан бўласан», ледилар. Абдураҳмон ибн Зайд Аллоҳ таолонинг: «Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол булат улардан яхшироқдир» (Хужурот сураси, 11-оят), деган оятини тафсир килиб: «Мусулмон киши фосиқлигиши ошкора этган одамни масхара қизинчи», деган. Бир аёл Набий соллааллоҳу алайхи васалламнинг хузурларига фатво сўрашга кириб, қайтиб чиккапда Оиша розияллоҳу анхо: «Эй Аллоҳнинг Расули, бўйи бунча паст бўлмаса?», леди. У зот: «Тўхта, ғийбат килем!», дедилар. Мўмипларнинг онаси: «Эй Аллоҳнинг Расули, ундаги бор сифатни айтдим-ку», леди. У зот: «Тўғри, агар шундай бўлмаганда, бўхтон бўлар эди», дедилар. Адибларнинг биридан пасткашнинг сифати тўғрисида сўрашганда: «Йўқлигига айбили айтади, борлигига ғийбат қиласди», деган экан.

Юкорила келтирилган ҳадисни унда санаб ўтилган тоифаларинг ишларини инкор этиш маъносида деб изоҳланади. Инкор қилиш ғийбатга ўтмайди. Чунки инкор этиш ёмони ишдан қайтаришидир. Очикчасига гупоҳга қўл урувчини ёмонликдан қайтариш билан уни яширини килувчини ғийбат қилиш орасида фарқ бор. Чакимчилик ғийбат мазамматидан ташкари ўзида пасткан-



лик ва ёмонликни жамлаб, тубанлигига разиллик ва хоинликии күшади. Бунинг устига мустахкам муносабатда бўлганлар ораси бузилиши ва яқицларнинг бир-биридан узоклашими хамда қадрдан дўстларнинг адоватлашишига олиб боради. Шаҳр ибн Ҳушаб Асмо бинти Язиддан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллашоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга ёмонларингиз кимлигини хабар берайми?», дедилар. Улар: «Ҳа», дейиши. У зот: «Чақимчилик килиб юрувчилар, бир-бирларини (Аллоҳ йўлида) яхши кўрганлар орасини бузувчилар ва айбларни поҳаклик билан очувчилар», дея марҳамат қилдилар.

Мұхаммад ибн Амр Абу Саламадан, у Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ соллашоҳу алайҳи васаллам: «Икки юзли лаънатланган, икки тилли лаънатланган, ҳар бир адоват солувчи лаънатланган, ҳар бир чақимчи лаънатланган ва ҳар бир миннат килувчи лаънатланган», дедилар. «Мансур-ул хикам» да: «Чақимчилик қатл ўтадиган кизичдир», дейилган. Адиблардан бири: «Юрувчилар ичидаги чакимчилик билан юрувчидан ёмони йўқ», деди. Бир гапни тасиб, етказини булар ичидаги энг ёмонидир. Чунки унда ғийбат мазаммати ва чақимчилик қаторида жонлар ва молларни хатарга кўйиш, обрўлар ва ҳолатларга таъна етказиш мавжуд.

Ибн Кутайба ривоят қилган ҳадисда Набий соллашоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: «Даюс ва қаллов (сугурувчи) жаппнатта кирмайди». Даюс – эркак ва аёллар ўртасида кўнгимчилик килувчи, қаллов (сугурувчи) амирлар эътиборида турган одамлар ҳақида ёмон гап-сўзлар йиғини пайида бўлувчидир. Бундай номланишга амир ҳузурида ўз ўрнини топган кишини айблаб, ғийбат килиш оқибатида мансабидан олиб ташланиши сабаб бўлган. Донишмандлардан бири: «Гап стказувчи икки хунук ҳолат ўртасида: ё рост гапириб омонатга хиёнат қилган, ё ёнсон гапириб мурувватга зид ишни амалга оширган бўлади», деди. Бир донишманд: «Рост ўйлик гап етказувчилардан ташкари ҳаммани безайди. Махфий ҳолда маълумот етказувчишинг энг гуноҳкор ва энг ёмонланган пайти рост гапирганида бўлади», деган экан. Балогат ахлидан бири айтади: «Чақимчилик – тубан-



лик, гап етказиш – ярамаслиқдир. Бу иккиси хоинликнинг боши ва ёмонликнинг манбаидир. Сен бундан четлан ва аҳлидан узоклаш. Фазл ибн Саҳл ўзига гап олиб келган кишининг сўзига шундай деб муҳр босди: «Биз гап етказишдан кўра уни қабул қилишни ёмон деб биламиз. Чунки гап етказиш далолат бўлса, қабул қилиш ижозатдир. Гап етказувчидан эхтиёт бўлинглар. Чунки у гап етказиша рост сўзлаган бўлиши мумкин. Лекин рост гапириб хам, бехурмат қилиб, айбини яширгагани учун гуноҳкорга айланади. Искандар ўзига гап етказган кишига: «У ҳақда айтганларингни олмай, сен тўғрингда айтганинни қабул қилсак, шу сенга ёқадими?», деди. У : «Йўқ», деди. Искандар: «Ёмонликдан тийил. Шунда ёмонлик сендан ўзини тияди», деган экан. Ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий юбориб: «Эй Мусо, юртингда гап ташийдиган бир чақимчи бор. У шу ерда турар ѝкан, ёмғир ёғдирмайман», деди. Мусо алайҳиссалом: «Эй Роббим, менга кўрсан, уни орамиздан чикариб юборай», дея ёлворди. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй Мусо, Ўзим чақимчиликни ёмон кўрсан, чақимчилик қиласманми!?", деди.

## ОЛТИНЧИ ФАСЛ

### ҲАСАД ВА РАҚОБАТ ТЎГРИСИДА

Билгинки, ҳасад баданга заар, динга талафот етказгани боис мазамматта учраган феъл-автор саналади. Шунинг учун Аллоҳ таоло унинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга буюрди. Аллоҳ таоло айтади: «Ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан (паноҳ сўрайман)» деб айт» (Фалақ сураси, 5-оят). Ҳасаднинг қай дарражада ёмонлигини билиш учун шу оятнинг ўзи кифоя этади. Расулуллоҳ соглалюху алайҳи васаллам: «Сизларга хам олдингиларнинг касали – бир-бириши ёмон кўриш ва ҳасад ўтиб бўлди. Булар «кирувчи» дир. Сочни эмас, динни «кирувчи» дир. Мухаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, токи бир-бирларингизни яхши кўрмас экансизлар, мўмин бўлмайсизлар. Сизларга ораларингизни яхши кўришга сабаб бўладиган амални



хабар берайми? Орангизда саломни кенг ёйингилар», дедилар. Набий солшаллоху алайхи васаллам бу ҳадисда ҳасад нималигини, бир-бириши яхши күриш уни йўқ қилишини ва саломлашиш эса бир-бирига нисбатан муҳаббат ошишига ундашини хабар бердилар. Демак, саломлашиш ҳасадни йўқотувчи асосий омилга айланди. Аллоҳ таолонинг китобидаги мана бу ояти карима ҳам айни сўзга мувофиқ келади: «**Сен яхшилик бўлган нарса ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адоват бор кимса ҳудди содик дўстдек бўлур**» (Фуссилат сураси, 34-оят). Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ бу оятни ёмонлик қилувчининг ёмонлигини салом бериб даф қил, дея тафсир қилған. Шоир деди:

*Гоҳида одамлар ораси бузук.  
Дўстлик нишонаси кўришмас асло.  
Дўстлик уругин экар бир зумда  
Салом берин ва арзимас ҳадялар.*

Баъзи салафи солиҳлар айтади: «Осмонда Аллоҳ таолога бўйин товлаб, содир этилган биринчи гуноҳ бу – ҳасаддир. Бунда Иблиснинг Одам алайхиссаломга ҳасади назарда тутилади. Ерда Аллоҳ таолога бўйин товлаб, содир этилган биринчи гуноҳ ҳам ҳасаддир. Бундан Одам алайхиссаломнинг ўғли ўз укасига ҳасад қилиб, ўлдириши назарда тутилади». Ҳакимлардан бири айтади: «Ким Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлса, хеч ким уни норизо қила олмайди. Унинг берганига қаноат қилган кипининг қалбига ҳасад йўл тона олмайди». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Инсонлар ҳасад қилувчи ва ҳасад қилинувчилардан иборат. Ҳар бир неъматнинг ўз ҳасадчиси бор». Алиблардан бири деди: «Ҳасадчикдек мазлумга ўхшаш золимни кўрмадим: доимий хўрсинини, арзимас ғам, саросимага туширган калб». Шоирлардан бири буни назмiga туширган экан:

*Албатта, ҳасадчи – золим ғам-қайгурададир,  
Кимки кўрса уни мазлум деб ўйлар.  
Ҳар доим хўрсингани хўрсингандир,  
Шундан ичиди нима яширингани билинар.*

Ҳасадни факат ўзи қаторилар ва қариндошларга йўналган, шериклар ва таниш-билишларгагина хос бўлган ярамас одат, унинг бошқа кораланадиган жиҳати йўқ, деб фараз қилинган такдирда ҳам барибир упдан сақланиш олижапоблик ва саломат бўлиш кўлига киритилиган бойлик саналади. Ахир жонга заарар келтириб, ғам-ташвишдан чиқармай, душмандан ўч олмаган, ҳасад қилинганга зиён стказмаган ҳолда эгасиши кўпинча ҳалок килишгача олиб боргандан кейин нега шундай бўлмасин? Муовия розияллоҳу анҳу айтади: «Ёмон хислатлар ичидаги ҳасаддан одилроғи йўқ. Ҳасад қилинувчига етиб бормасдан олдин ҳасадчини катл қиласди». Бир донишманд: «Хурсанд бўлган пайтишида ғам чекишпининг ўзи ҳасадчининг жазосига кифоя», дейди. «Мансур-ул хикам» да шундай дейилган: «Ҳасадчининг азоб-укубати унинг ўзидандир». Асмаъий айтади: «Бир аъробийдан: «Узоқ умр кўришингизга нима сабаб бўлди?», деб сўрадим. У: «Ҳеч кимга ҳасад қилмаганим», дея жавоб берди». Бир одам Қози Шурайҳга: «Хусуматчиларга сабрингизни ва хукмшинг чигалликларидан воқиф бўлишингизни кўриб сизга ҳасадим келади», деганида: «Бу ишининг билан Аллоҳ сенга фойда, менга заарар бермайди», деб жавоб берган экан. Абдуллоҳ ибн Мұтаз роҳимаҳуллоҳ таоло деди:

*Ҳасадчининг ҳийласига сабр қил, сабринг уни ўлдирап,  
Ўз-ўзини ейди олов, ейнига нарса топмаса гар.*

**Ҳасаднишг ҳақиқати.** Фозил кишиларда бўладиган яхшиликларни деб каттиқ қайғуриш. Бу ракобатдан фарқ қилиб, кўпинча айримлар яхшилик йўлида ўзаро ракобат қилишни ҳасад деб ўйлайдилар. Аслида упдай эмас. Рақобатлашиш бу фазилат эгаларига заарар етказмай, уларга ўхашашга интилишdir. Ҳасад заарар томонига йўналгандир. Чунки унинг мақсад-гояси фазилат эгаларини эгалламаган ҳолда ўз фазилатларидан маҳрум килишdir. Рақобат билан ҳасад ўргасидаги фарқ ана шу. Демак, рақобатланини фазилат бўлиб, фазилатларни кўлга киритиш ва унинг эгаларининг хабарларига эргашишга ундаиди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин кинни ҳавас килали, мунофик кинни ҳасад қиласди». Шоир деди:



*Яхшиликда улуглар билан рақобат қыл,  
Албатта дүнө рүй бергүвчи гап-сұзлардир.  
Хар бир кишин ўз шаңнини деб ҳаракат қылар,  
Айримлари мерес қолдирса, айримлари мерес олар.*

Билгінки, ҳасаднинг уч сабаби бор.

**Биринчиси**, ҳасад килинувчига адоват саклашыдир. Бу ҳолат ҳасадчи ўзи ҳасад килаёттган кишидаги фазилат ёки таҳсинга лойик сифатин күриб ғамга ботади. Бу ғам унинг ичидә адоватни ва пинхон тутилған ҳасадни күжайды. Ҳасаднинг бу тури әнг заарарлы бўлса-да, омм бўлмайди. Чунки у ҳамма кишига душманлик қила олмайди.

**Иккинчиси**, ҳасад қилаёттган кишида ўзи амалған оширишдан ожиз фазилат бўлиб, бу фазилатда ўзиб кетишими ва унга хосланиб қолишини ёқтирасликдир. Мана шу ҳолат ҳасадни вужудга келтиради. Агар шу бўлмаганды унга эътибор бермас эди. Бу ҳасад турларининг ўртачасидир. Чунки у ўзи қатори ва ўзидан настларга ҳасад килмайди. Балки айнан ўзидан юкоридагиларга ҳасад килади. Баъзан ҳасаднинг бу турига рақобатта ўхшаш нарса араланиади. Лекин у жуда заиф бўлганлигидан ҳасадга айлануб қолади. **Учинчиси**, ҳасадчида фазилатларни қизганиш ва неъматларга баҳишлиқ бўлишидир. Қанийди бу неъматлар уники бўлса-ю, бермаса, кўлида турса-ю, ҳеч кимни яқинлантираса. Бундай қилишининг ҳеч имкони йўқ. Чунки улар Аллоҳнинг тухфалари бўлиб, хоҳлаган баидасига беради. Ҳасадчи Аллоҳ азза ва жалланинг тақдиридан норози бўлиб, Унинг ато этганиларига ҳасад қилади. Агар Аллоҳнинг берган неъматлари кўпроқ, тухфалари кўзга ташланиб турса ҳам. Ҳасаднинг кенг тарқалған ва жирканч тури мана шудир. Чунки унинг эгасида роҳат бўлмайди, уни рози қилишининг иложи ҳам йўқ. Агар бу ҳасад ёмонлик ва унга қодир бўлиши билан бирланиса, ҳалокат ва интиқомга айланади. Агар ожизлик ва хорликка тўғри келса, машаккат ва беморлик етади. Абдулҳамид айтади: «Ҳасадгўй ғам борасида захарловчи кабидир. Агар унинг захри ўтса, ғами кетади».

Билгінки, ҳасад қилиш бир кишида инсоний фазилат ва неъматининг зохир бўлишигига қараб бўлади. Агар фазилат кўп бўл-

са, ҳасадчилари ҳам кўпаяди. Агар оз бўлса, ҳасадчилари ҳам озаяди. Чунки бир фазилатининг намоён бўлиши ҳасадни қўзғаб, неъматнинг вужудига келиши ғам-гуссани зиёда килади. Шунинг учун Набий соллааллоҳу алайхи васаллам: «Ҳожатларни бажаришга уларни яшириш билан ёрдам сўранг. Чунки ҳар бир неъматга ҳасад қилинади», деганилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху айтади: «Кимда Аллоҳнинг неъмати бўлса, унга бир ҳасад қилувчи ҳам бор. Агар кинни камон ўқидан тўғрирок бўлганда ҳам барибир гаъна қилувчи йўқ бўлмайди. Шоир деди:

*Агар менга ҳасад қиласалар, маломат қилимайман ҳеч,  
Мендан олдин ҳам фазилат аҳларига ҳасад қилинган.  
Мендаги нарса ўзимда, улардагиси ўзларида давом этар,  
Кўнчилик тонгани нарсаси билан газабиниб ўлиб кетар.*

Абу Таммол Тоий айтганидек, ҳасад қилинаётган кишининг фазли ва ҳасадгўй нуқсонига эътиборни жалб қилади. Тоий деди:

*Агар Аллоҳ очилмаган фазилатни ёймоқ истаса,  
Унга ҳасадгўй тизини йўлгаб қўяр албат.  
Агар олов алангаси ён-атрофга ўтмаса гар,  
Новданинг хушбўй ҳиди билинмас эди албат.  
Оқибатлардан хавфсираш бўлмаганида,  
Ҳасадчига ҳузур, ҳасад қилинганга зарар бўлар.*

Ҳасад ғолиб келиб, табнатан мойил бўлган киши ўзидан уни даф этиб кутилиши, зарари ва унга йўликишдан халос бўлиши учун қўллайдиган чоралар мавжуд. Ўша чоралар катъий мақсад-интилиш билап амалга оширилса, ҳасад барҳам тошишига шубха йўқ.

**Биринчиси**, диний қайтариқларга эрганиб, Аллоҳ азза ва жалланинг тавсия ва одобларига риоя этини. Нафснинг ёмон одатларини тизгилиб, разил табиатини ўзgartиради. Табиатни ўзgartириш осон эмас. Лекин риёзат ва аста-секинлик билан мушкул нарса осонга айланниб, толиктиргани севимли бўлиб колади. «Роббиси қилган бўлса халк, айрилармиди ундан хулқ», деб ай-



тилган бўлса ҳам, киши ўз нафсини ислоҳ этишни қаттиқ хохласа, дастлаб тақлид қиласётгандек бўлиб кўринади. Сўнгра одатга айланиб, бора-бора хулк бўлиб қолади. Абу Таммом Тоий айтади:

*Хулқарни хулқанидан эканин билдим,  
Зиёда қилиши марҳамат кўрсантидан эканин топдим.*

**Иккинчиси**, ақл. Ақл туфайли ҳасад келтириб чиқарадиган нохуш оқибатларниң хупуклиги апиқланиб, ушинг исподга қолдирувчи ёмонликларидан сакланади. Ана шуларни билиб олгач, ўзини мағрур тутиб нафсини бўйсундиради, ҳеч иккиланмай ундан ғолиб келади. Натижада нафс тўғриликка бош эгиб, ўз манфаати учун лаббай дея жавоб беради.

Бу айтиб ўтганларимиз олийҳиммат ва ғурури бор нафс эгасигагина тааллуқлидир. Аслида ҳиммат сохиби бўлган инсон ҳасад разолатидан ўзиши баланд тутади. Шоир айтади:

*Убайнинг икки нафси бор: бири тоза нафс,  
Яна бири зулмдан қўрқса, қаршилик қашувчи нафс.*

**Учинчиси**, ҳасад заарини бартараф қилиб, унинг таъсиридан сақланиши ва унинг жойи ўз нафсида болигроқ ва ҳасаддан узокроқ эканини билишдир. Хузур-халоват ва осуда хаёт кечириши учун ҳолдан тойдирив, ғамга ботирадиган бу иллатни даф этиши учун эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак. Шунинг учун: «Ҳасадчилар тани сиҳатликдан ғофил бўлиши ажойибдир», дейишган экан. Шоир деди:

*Фикр музодазаси ила ишлар оқибатини  
Воқеалини кўрган мисол идрок этар.*

**Тўртичиси**, одамларининг ҳасадчидан нафратланиб, узоклашишини кўрганда адовати ёки шаънига маломатидан қўркиш. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ўзини тузатиб, улар билан улфат бўлади. Уларнинг диёнатлисининг манфаати қўнилиги ва дўстлиги холис бўлишига гувоҳ бўлади. Ибн Амид айтади:

*Эҳтиросни эҳтирос билан даволар,  
Оловни ўтин билан ушлаган кини эҳтиёт бўлмас.*

**Бешинчиси**, тақдирға тан берип. Аллохнинг тақдирига қарши бориб бўлмаслигини билиб, унга таслим бўлиш. Агар хукмiga қарши чиқинига ҳаракат килса, ночор-нотавон, хонавайрон ва маҳзун ҳолда кайтишини англайди. Андашер ибн Бобак айтади: «Агар бизни тақдир қўллаб-қувватламаса, биз тақдирни қўллаб-қувватлаймиз». Маҳмуд Варроқ айтади:

*Аллохнинг тақдиди ҳукм қилинса юз берар албат,  
Сен ҳақингда Унинг илми ўтган, хоҳини битиб қўйилган.  
Эҳтиёткор кинининг таддири ҳеч нарсани қилимас зиёда,  
Истагига амалга оимаса, қисматга рози бўлгани, эй банди.*

Агар баҳт-саодат ҳасадчини мазкур сабаблардан бирига мушарраф этса, тўғри йўллар ақлни ишлатишга бошиласа, бу ишлатидан кутулиб, азобидан ҳалос бўлади. Нуқсонни фазилатта алмаштириб, таъна ўрнига мақтовни ўзига одат қилиб олади. Нафсиши ёмонликдан ажратиб, уни маломаттага қолишидан ҳимоя қилган киши нафс жиловини эгасига тоширга бўлсаю у билан курашишга халақит берган кишидан кўра эҳтиёткорлик ва қатъият борасида кучлироқдир. Шунинг учун Али розияллоҳу анҳу: «Сизларнинг яхшиларингиз йўлдан аданиб, тавба килганларингиздир», деган.

### ҲАСАД ОФАТЛАРИ

Агар шахват кишини тўгри йўллардан тўсиб, маҳрумлик максадларидан адаштиrsa, бас, ярамас табиатга бўйсунади, бадхуллик голиб келиб, ҳасади юзага чикади ва изтироби куччайган киши тўрт ёмонликка йўлиқади:

**Биринчиси**, ҳасад ҳасратлари ва тана дарллари. Бундай киши ўз ҳасрати интиҳосини ва дарлидан қандай шифо топишни билмайди. Иби Муътаз: «Ҳасад тана дардидир», деган.

**Иккинчиси**, одамларнинг кўнгли қолиб, жирканишганидан ҳасадчининг кадри йўқолиб, обрў-эътибори тушиши. «Мансурул ҳикам» да: «Ҳасадгўйда шараф йўқ», дейилган.

**Учинчиси**, одамлар ҳасадчини ёмон кўриши. Ҳатто улар ичида яхши қўрадиган бирон киши топилемайди ва адовати ту-



файли бирон дўсти бўлмай, ёлгизликка маҳкум этилиб, ёмон кўриш оқибатида қувилган.

**Тўртингчиси**, қарши чиққани учун ҳасадчи Аллоҳ таолонинг ғазабига йўлиқини ва хилоф иш тутгани учун гунохкор бўлиши. Чунки ҳасадчи Аллоҳ таолонинг тақдирини адолат деб ўйламайди ва ўзидан бошқаларни Упинг берган исьматларига лойик деб ҳисобламайди. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Ҳасад яхшиликларни олов ўтинни еганидек сайди», дея марҳамат қилгандар. Абдуллоҳ ибн Мұътаз айтади: «Ҳасадгўй бегуноҳ кишига жаҳл қилиб, ўзиники бўлмаган нарсани қизғанади ва топиш иложи йўқ нарсани қидиради. Инсон шу каби исьмат ҳасадчилари ва фазилат душманларига рўпара келиб, имтиҳон қилинса, унинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраб, макри ҳалокатидан ҳимоялапиб, оғатидан эҳтиёт бўлиши керак. Дарди тузалмас, давосига чора йўқлиги эътиборидан унга ҳамроҳ бўлиш ва ўзига яқин тутишдан узокроқ юрини керак. Зоро, «Неъматта ҳасад қилувчини неъмат кетинидан бошқа нарса рози қилмайди», деб бежиз айтилмаган. Донишмандлардан бири деди: «Ўз феъл-автори билан зарар келтирадиган одам яқинлашса, хушёр бўл. Чунки ўзгармас нарсани ўзгартириш амри маҳол». Абдулҳамид айтади: «Арслонга яқин келганинг ҳасадгўйни кузатганингдан кўра яхшироқдир». Маҳмуд Варрок деди:

*Ҳаммани рози қила олсам ҳам ҳаётимда.*

*Бироқ ҳасадгўйни рози қила олмадим ҳеч.*

*Раҳмон Зот неъматлари поил бўлишидан бошқа*

*Нима гуноҳ қилганимни билмадим ҳеч.*

*Уни менинг хорлигим, мол-дунёмдан айризиним.*

*Тишим кесилишидан бошқаси рози этмас, шуни билдим кеч.*

Набий соллаллоҳу алайхи вассаллам айтадилар: «Уч нарса - шумланиш, балгумонлик ва ҳасаддан ҳеч ким саломат бўлмайди. Бир нарсадан шумлансанг, оргинига қайтма, гумон қилсанг, гумонингта кўра иш тутма, ҳасад қилсанг, ёмонликни қасд қилма».



## ИККИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ ФАСЛ

#### СҮЗЛАШ ВА СУКУТ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Билгинки, сўз калбаги маҳфий сирларни баён этиб, улар ҳақида хабар беради. Айтилган сўзни қайтариш имкони йўқ, айтилганини тутиб келини иложи йўқ. Оқил киши бутунлай тилини тийиб ёки гап-сўзи камайтириш орқали тойилишлардан сакланмоғи лозим. Набий сојиаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшиликни айтиб, фойда кўрган ёки сукут саклаб, саломат бўлган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», дедилар. У зот Муоз иби Жабал розияллоҳу анҳуга: «Эй Муоз, сукут сакласанг; саломат бўласан. Агар ганирсанг, ё фойда, ё зарарингга бўлади», деган экан. Али иби Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтади: «Тил нодонлик аданитирган ва акл тўғрилаган месъёр-ўлчовдир».

Донишмандлардан бири деди: «Сукутни лозим тут. Олим бўлсанг ҳам, жоҳил бўлсанг ҳам, доно киши экан, деб эътиборга олинасан». Адиблардан бири айтади: «Тили сукутни лозим тутган ва сўзи жон озиғи бўлган киши баҳтлидир». Олимлардан бири: «Оқил кишининг сўзлашига энг муҳтоҷ вақти ҳожати ёки ҳужжати учун гапириши, оқибати ёки охирати ҳақида фикр юритишидир», деди. Балоғат аҳлидан бири айтади: «Сукутни лозим тутсанг, сенга соғ муҳаббатни ҳадя этиб, ёмон оқибатга йўликиш хатаридан саклайди, викор кийимини кийдиради ва узр сўраш машаккатидан кутқаради». Фасоҳат аҳлидан бири деди: «Ҳакни юзага чиқариш, ноҳақликни рад этиш, хикмат тарқатиш ва неъматни эса олишдан бошқа ҳамма вақт тилингни тийиб юр». Шоир айтади:

*Азизликни одоб ва тизни тийшида кўрдим,  
 Жаҳолатда хору зорлик бордир албатта.  
 Кинилар чиройи уларга чирой бўлмас,  
 Чиройга нутқ агар ёрдамга келмас.  
 Кини айбига кифоядир билсангиз,  
 Унда юзни кўриб, тизни кўрмассангиз.*



Билгинки, сўзлашнинг ўз шартлари бўлиб, уларсиз сўзловчи хатодан халос бўлмайди. Бу шартларга тўлиқ риоя этиш билангина нуксондан қутулади. Бу шартлар тўрттадир.

**Биринчи шарт**, сўзлашга ундейдиган сабаб бўлиши. Бу сабаб фойда келтириш ёки заарарни кетказишдан иборат.

**Иккинчи шарт**, сўзни ўз ўрнида айтиб, кулай фурсагни мўлжаллаш.

**Учинчи шарт**, эҳтиёж микдори билан кифоялапиш.

**Тўрттинчиси шарт**, айтиладиган сўзни танлани. Сўзловчи бу тўрт шартдан бирортасига футур етказса, қолган шартларнинг фазилат қувватини кетказган бўлади.

Куйида мазкур шартлардан ҳар бирининг зарурлиги ҳакида маълумот бериш каторида асос ва сабабларини ҳам баён этиб ўтамиш.

**Биринчи шарт шуки**, сўзлашга ундовчи сабаб бўлиши. Чунки бесабаб айтилган гап алжирашга ва сабаби йўқ сўз бемаъниликка ўтиб колади. Нафсиға илтифот кўрсатиб, уни ўз эркига қўйган, сўзлаш сабабларининг чиндан ҳам борлиги ва маънолари тўғрилигига риоя килмаган кишининг сўзи бўлмагур ва фикри қосир бўлади. Бу борада Ибн Оиша шундай ҳикояни келтиради: бир йигит Ахнаф ибн Қайснинг йигинида фақат сукут сақлаб ўтирап эди. Йигитнинг бу ҳолати Ахнафи ўз-ўзидан ажаблантиради. Бир куни илм ҳалқасида бир ўзи колган йигитга Ахнаф: «Эй биродаримнинг ўғли, ганир», деди. У: «Амаки, бир одам шу масжид томидан йиқилиб тушса, унга шикаст етармикан-а», деди. Ахнаф: «Укагишам, кошки бизга сирли ва ёпиқлигигча қолганингда», деб Аъвар Шанийнинг ушбу байтини келтирган экан:

*Агар жум турувчи сени ажаблантираётганин кўрсанг,*

*Унинг фазли бор-йўқлиги сўзлагандага билинур.*

*Йигит тили ярми бўлса, унинг қалби ҳам ярим,*

*Бас, гўшт ва қон суратидан бошқа нарса қолмайдир.*

Имом Абу Юсуфроҳматулоҳи алайх билан шундай воқеа бўлиб ўтган экан. Бир ноганиш киши унинг олдига келиб, бир оғиз галирмай доим сукут сақлаб ўтирап экан. Имом Абу Юсуф унга:



«Савол сўрамайсанми?», дебди. У: «Ҳа, бир саволим бор. Рўзадор қачон оғзини очади?», дебди. Абу Йусуф: «Қуёш ботганда», дес явоб қилибди. Ҳалиги одам: «Қуёш ярим кечагача ботмаса-чи?», деганда Абу Йусуф роҳматуллоҳи алайҳ табассум қилиб Жарирнинг бобоси Хотафийнинг икки байтиши келтирган экан:

*Илмсизлик ўзини ерга ургани ва гапиришини  
Яхши билувчи жисм туринидан ажабландим.  
Сукутда илмсизликни яшириши бордир,  
Кишии ақлинига саҳифаси гапирмогидир.*

Имом Мовардий айтади: «Мен сенга ўзим тарафимдан бир кизик воқеани айтиб бераман. Бир куни Басрадаги илмий мажлисида шогирдларимга дарс бериб ўтирганимда саксонга яқинлашган ёки ундан ошган бир кекса киши келиб меига: «Бир масалани леб олдингизга келган эдим, шуни сиздан сўрашни лозим топдим», деди. Мен: «Аллоҳ сизга оғият берсин, сўранг», дедим. «Менга Шайтон юлдузи ва Одам юлдузи ҳақида айтиб берсангиз, нима ўзи улар? Иккиси ҳам катта нарса бўлганидан улар ҳақида фақат дин олимларидангина сўраш мумкин», деди. Унинг бу саволидан мен ҳам, мажлисимда ўтирганлар ҳам ҳайрон бўлдик. Улардан бир қанчаси бирданига саволни ёқтирамай, ерга ура бошлади. Мен уларга: «Тўхтанглар, афтидан уни ўзиникига ўхшаш жавобдан бошқача жавоб қониқтирмайди шекилли», дедим ва мунажжимлар одамлар юлдузини тугилган йилларини билгандан кейин аникласа бўлади, дейишади. Агар шуни биладиган одамни топа олсангиз, сўраб билинг ва кейин олдимга келинг», дедим. У: «Аллоҳ ҳайрингизни берсин!» деб хурсанд ҳолда чиқиб кетди. Бир неча кундан кейин қайтиб келиб: «Шу вактгача ҳам шу иккисининг туғилган йилини биладиган кишини тополмадим», деди».

Анавилар ўзларининг нодонлиги ҳақида қандай аниқ ва равшан гапириб бераётганига, савол оркали айб-камчиликларини ифодалаётганига қаранг: Чунки уларда сўзлашга ундовчи на сабаб, айтганлари ҳақида на фикр-мулоҳаза бор. Агар тушуна туриб сўзлашга туртки берадиган сабаб туфайли сўзлашса, унинг



шармандалигидан кутулған ва айбидан сақланған бўлишпар эди. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Оқил кишининг тили қалби ортида тургани учун сўзламокчи бўлса, қалби га мурожаат килади. Агар фойдасига бўлса, сўзлайди, зарари га бўлса, тийилади. Жохилиниг қалби тилининг учида тургани учун дуч келган нарсани валидираиверади», деганлар. Умар ибн Абдулазиз айтади: «Ким сўзни амаллари қаторида деб билмаса, хатолари кўпаяди». Донишмандлардан бири айтади: «Кишининг акли тили остига яширган». Балоғат ахлидан бири: «Сени узоқ вақт хибеда қолдириши ёки жонинигта талофат етказишидан олдин тилингни хибс қил. Нарсалар ичида узок вақт камашга ҳакни гапиришга сусткашлик қилган тилдан-да муносаби йўқдир», дейди. Абу Таммом Тоий айтади:

*Ҳакимлар айтган сўз ҳикмат саналур:  
Бундай кишининг тили қалбига тобе бўлур.*

Айрим донишмандлар сўзлашга бутунлай рухсат бермай: «Жохиллар билан ўтиранги; сукут қил. Олимлар билан ўтиранг ҳам сукут қил. Жохиллар олдида сукут қилиш туфайли ҳилминг ошса, олимлар олдида сукут қилиш туфайли илминг ошади», деган экан.

**Иккинчи шарт шуки,** сўзни ўз ўрнида айтиш. Чунки бемаврид айтилган сўздан фойда йўқ. Бефойда сўз айтиб ўтилганидек, алжираши ва бемаъниликтан бошқа нарса эмас. Орқага суришни тақозо қилган сўзни олдин айтиб кўйса, шошқалоқлик ва лана-шанглик деб ёмонланади. Илгари айтишни тақозо қилган сўзни кечиктирса, сусткашлик ва ожизлик бўлади. Ҳар бир мақом ва холатнинг ўз сўзи ва ҳар бир вақтнинг ўз иши бор. Шоир айтади:

*Сўзни ўз ўрнига қойил қилиб кўйилар.  
Ундан кейин гап-сўз жуда оз бўлар.*

**Учинчи шарт шуки,** эҳтиёж миқдори билан кифояланиш. Агар сўз ҳожат даражаси билан ҳадланмаса, кифоя миқдори билан ўлчамниса, на ҳад-чегараси ва на миқдорига нихоя йўқ. Ҳад-чегараси аник бўлмаган сўз оз бўлса, баҳилликка, агар кўп бўлса, вайсақиликка айланади. Ривоят килинишича, бир бадавий

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида гапни чўзиб юборди. У зот: «Тилинг олдида неча тўсик бор», дедилар. «Лабларим ва тишларим», деб жавоб берди. У зот: «Аллоҳ таоло сергапликни хуш кўрмайди. Қисқа сўзлаб, керак микдори билан кифояланган банданинг юзини Аллоҳ ёргу килсин», дедилар.

Ҳикоя килишларича, бир донишманд кўн ганириб, кам жим турадиган одамга шундай деган экан: «Эннитганинг сўзлага-нингдан икки баравар кўп бўлсин деб Аллоҳ таоло сенда икки кулок ва бир тилни яратган». Дошишманлардан бири айтади: «Кимнинг гап-сўзи кўпайса, гуноҳи ҳам кўпаяди». Ибн Масъуд розияллоҳу анху айтади: «Сизларни ортиқча ва бехуда сўзлашибдан огоҳлантираман». Балоғат аҳлидан бири: «Кишининг гап-сўзи фазилатини баён этиб, ақлининг таржимонидир. Унинг яхшиси билан чекланиб, ози билан кифоялан. Подшоҳнинг ға-забииши қўзғаб, дўст-биродарларинг жудо киладиган гап-сўздан узоқ бўл. Ким подшоҳини газаблантирса, ўлимга рўнара келади. Дўст-биродарларидан жудо бўлган киши эркинликдан маҳрум бўлади», деган экан. Шоирлардан бири айтади:

*Гапирсанг, гапни ўлчаб гапирсанг,  
Айбдор айбларин очувчи сўздир.*

Ҳар бир сўзни меъёрида сўзлашга зид ҳолат иккитаидир. Биринчиси, гапни тўмтоқ қилиб кўядиган қисқалик бўлса, иккинчиши вайсақиликка ўтиб қоладиган кўпайтириб юборишдир. Ҳар иккиси ҳам айб ҳисобланиб, кўп сўзлашнинг айби хунук ва аксар холларда хавфлидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларни жаҳаннам оловига юзтубан кулатадиган нарса тиллари билан ўрган нарсаларидир», дедилар. Дошишманлардан бири: «Одамнинг ўлими икки жағи орасидадир», деди. Балоғат аҳлидан бири айтади: «Вайсаки бўлишдан кўра дудук бўлиш яхшироқдир. Чунки дудуқлик ҳужжатини заифлаштириб, вайсақилик жонга талофат етказади». Шоир айтади:

*Тил ўз эгасига агар уни жоғушлик бошқарса,  
Ўлжасига ташланган ишрек бўлшишин кўрдим.*



Адиблардан бири деди: «Огох бўлингки, кўп ҳолда тиллар килич каби эгалари бўйнини олади. Кишилар орасида фитна-фасодни камайтирган нарса кўркамлик ва ақлларини зиёда қиласди».

Баъзилар ҳожат миқдоридан ошиб, кифоя ҳаддидан чиқсан, сафсата аралашмаган тўғрилик, хатолардан холи ва бенуқсон гапни баён ва ман этилмаган сеҳр дея аташган. Сулаймон ибн Абдулмаликнинг мажлисида гап-сўзни ёмонлашганда: «Йўқ, ундей эмас. Сўзни айтиб қойиллатган киши сукутни ҳам қойиллатади. Сукут саклашни дўндирганлар ҳаммаси сўзни қойиллатта олмайди», деган экан. Баъзилар котибни шундай тасвирлаган экан: «Ҳақиқий котиб бир парча қоғоз олса, шунинг ўзи унга етади. Агар бир сахифа тоңса, имло қила олади». Айримлар Иёд хатиблари ҳакида шундай шеър айтиган экан:

*Узун хутбаларни ташларлар,  
Гоҳида кузатувчилардан қўрқиб  
Тез-тез, маҳфий сўзларни ишлатор.*

Ҳайсам ибн Солих ўғлига насиҳат қилиб: «Эй ўғлим! Қачон кам гапирсанг, тўғриликдан оғмайсан», деди. Ўғли: «Отажон! Мен унисини ҳам, бунисини ҳам кўпайтирам-чи?», деди. У ўғлига: «Эшитувчилар орасида насиҳат қилувчи бўлишга сендан ҳақнироғини кўрмадим», деди. Менга Абдулфатҳ Бустийнинг мана бу шеъри айтилди:

*Сўзла! Қўлингдан келганча тўғри сўзни айт,  
Сўзинг тирик бўлса, сукутинг жонсиз.  
Агар айтишига тўғри сўз тоғмасан,  
Хатодан сукут саклашинг тўғриликдир.*

Иёс ибн Муовияга: «Сенинг кўп гапиришдан бошқа айбинг йўю», дейишди. У: «Мендан тўғри гапни эшитяпсизларми ёки нотўғрисиними?», деди. Улар: «Йўқ, тўғри ва ростни», дейишди. У: «Яхшиликнинг зиёдаси ҳам яхшилик», леб жавоб килди. Абу Үсмон Жоҳиз айтиди: «Ҳар бир гапнинг ғояси, эшитувчига айтилишининг ниҳояси бор. Гал оғир келиб, токат етмай, машақкат ва малојлик келтирса, ортиқча хисобланади. Вайсакилик шудир».



Абу Усмоннинг айтган сўзи тўғридири. Чунки тўғри гапни кўп айтиш ҳам эшитувчига малол келиб, фикрни ўтмаслантиради. Бу ҳолат сўзлаш туфайли ўзига маҳлиё бўлишдан келиб чиқади.

Агар ўзига бино қўймаган бўлса, гапни кисқа қилиши аник. Ўз сўзига маҳлис бўлган одам месъёрни билмай гапга берилади. Гап-сўзига берилувчининг хатолари кўпайиб, қоқилиши тугамайди. Донишмандинардан бири айтади: «Сўзига маҳлис одам аклдан озиш мусибатига йўлиқади. Вайсақилик хавфиға так-косланадиган бирои бир умид ва зарарига тенглашадиган бирор фойда йўқ. Чунки у ўз хатоси ва эшитувчилари ўзига малол олиши ва зерикишидан қўрқади. Бу иккиси қаршисида на чорловчи ҳожат ва на умид қилинадиган манфаат бор. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг наздимда ёнг ёмонларингиз вайсақи, сергап ва тицмай алжираидиганларингиз», дедилар. Бир киши донишмандан: «Қачон гапирай?», деб сўради. У: «Сукутни хоҳлаганда», деди. «Қачон сукут қиласай?», леди у. Донишманд: «Гапиргинг келганд», деди. Шоир айтади:

Жим туриши – зийнат, сукут – саломатлик,  
Сўзласанг бемаръни сўзловчи бўлма.  
Сукут қилиши туфайли бир пушаймон бўлсанг,  
Сўзлаш туфайли кўп пушаймон бўласан.

Жаъфар ибн Яхе айтади: «Қисқа сўзлаш етарли, чўзиш ожизлиқдир. Батафсил сўзлаш зарур бўлганда, уни муҳтасар қилиш нўндоқлик бўлади», «Мансур-ул ҳикам» да: «Ақл комил бўлса, гап камаяди», дейилган. Адиблардан бири айтади: «Ким узок сукут қилса, ўзи учун фойда берадиган хайбатни ва зарар келтирмайдиган ёлғизлиқни кўлга киритади». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Сенга саломатлик келтирувчи соқовлик пушаймон киладиган тилдан яхшироқдир. Ҳужжатингни асослайдиган ва ҳожатингга етказадиган даражадаги гап-сўз билан кифоялан, ортиқчасидан тийил. Чунки ортиқча гап-сўз оёқни тойдиради ва надоматга қўяди». Фасоҳат аҳлидан бири айтади: «Оқилнинг оғзи юганланган, агар гапирмоқчи бўлса, юган йўл бермайди. Жоҳилнинг оғзи бўш. Қачон хоҳласа, кўйиб юбораверади». Шоирлардан бири айтади:



*Гапирини жилваси қавмни алдаб қўяр,  
Соқовлик ва кўнайтириши уларни адаситирав.*

Тўртничи шарт шуки, айтадиган сўзни таплаш. Чунки тил инсонни танитувчи белги бўлиб, упинг сирлари таржимони ва тажрибалари исботидир. Шундай экан, сўзларни танлашга аҳамият бериб, тилни тўғирлашга эътиборли бўлини даркор. Набий соллаллоҳу алайхи васаллам амакилари Аббос розияллоҳу ан-хуга: «Сенинг гўзаллигинг мени лол қолдиради», дедилар. У: «Эркак кишининг гўзаллиги нима, эй Аллоҳининг Расули?», деди. «Тили», дедилар. Холид иби Сафрон айтади: «Агар тили бўлмаса, инсон кўйиб юборилган ҳайвон ёки ясалган ҳайкал, бундан бошқа нарса эмас». Донишмандлардан бири: «Тил кишининг вазиридир», деди. Балоғат аҳлидан бири: «Кини аклини унинг сўзидан, аслини эса ишидан билиб олинади», деган экан. Шоирлардан бири айтади:

*Агар кинида ақл бўлмаса, унинг тили  
Айбларини очинига йўл кўрсатувчи бўлар.*

Сўзни танлаб, сўзлаш балоғатни ўзлаштирган, фасоҳатга риоя қилинни ўзи учун зарур деб, унга кўникма ҳосил қилган ва одатланганлар учунгина муносибдир. Бундай киши сўзи хунук ва маъноси кемтик иборани қўлламайди. Чунки бир-бирига боғланмаган тутуриқсиз сўзлар балогат ҳисоблапмайди. Балоғат бу фасоҳатли сўзлар қамраб олган аниқ ва тиник маънолардир. Демак, тўгри маънолар туфайли сўзлар фасоҳатининг уйгунилиги балоғатни ташкил этади. Юнонлик бир кинидан: «Балоғат нима?» деб сўрашганда «Жумлани танлай билиш ва таркибни тўғирлаш», дея жавоб берган экан. Румлика: «Балоғат нима?», дея савол беришганда «Тайёргарликсиз сўзлаганда чиройли ва қисқа баён қилиш, бемалол вақтда кенг ва батафсил ифодалаш», деган экан. Шу саволни ҳиндиистонликдан сўрашганда «Қачон тўхташ ва қачон давом этишни билиш», деган экан. Арабдан сўрашганда «Чиройли тарзда муҳтасар қилиб, мажозни кам қўллаш», деган экан. Бадавийдан сўрашганда: «Сехрдан паст, шеърдан балаанд, хантал (дони) ни майдалаб, қояни йикитади-



ган нарса», деган экан. Шахарликдан сўрашганда: «Лол қолди-рувчи жихатлари кўп бўлиб, боши охирига ҳамоҳанг нарса», деган экан. Ибн Муқаффаъ айтади: «Балоғат кам тутилиш ва одамзот олдида журъатли бўлишдир». Ҳажжож ибн Қиррийядан лўнда сўзлан ҳақида сўрашганда: «Сўзни чўзмай сўзланинг ва адашмай нишонга уришинг», дея жавоб берди. Шоир айтади:

*Гапнинг яхиси оз бўлиб, кўп маънога даголат қилганидир.*

*Кисқа маънони узун иборалар орқали баён этши ожиззик.*

*Гапда ортиқча сўзлар ва «деди-деди» лар бордир.*

Маънолар тўғри бўлишига уч жихат сабаб бўлади. Биринчи-си, ноаник ва тушунарсиз бўлиб қолмаслиги учун шархини келтириш. Иккинчиси, факат тааллуклиларини ўз ичига олиши ва таааллуксизларини араланиб қолмаслиги учун маънолар тақсимиғини пухта ва мукаммал килиш. Учинчиши, таққослан тартибининг тўғрилиги. Таққослаш икки жихатдан бўлади. Биринчиши, маънонинг унга мос нарса рўпарасида туриши. Бунинг ҳақиқати ўзаро яқинлик ва ўхашашликдир. Чунки маънолар шаклан бир-бира га ўхшайди. Иккинчиши, маънонинг ўзига тескари нарса қаршисида туриши. Мана шу таққосланинг ҳақиқатидир. Таққослашда шу икки жихатдан бири мавжуд: ё бир-бира га тўғри келган ҳолда мослашиш, ё номувофик ҳолда қарама-қарши бўлиш.

Сўзлар фасохати уч жихатдан бўлади.

**Биринчиси**, эшитганда ёқимсиз бўлмаслиги ва эшитувчи-нинг таъби хира тортмаслиги учун кулокка иотаниш сўзларни кўллашдан четланини.

**Иккинчиси**, хос кишини эътиборсиз қолдирмаслик ва авомнинг фаҳмига тушунарли бўлиши учун сийқаси чиккан сўз ва хунук гапдан ўзини олиб қочиш. Жоҳиз «Қитоб-ул баён» номли асарида: «Мен балоғат бобида ёзувчи-котиблардан кўра яхшироқ йўл тутган бирор тоифани кўрмадим. Бундай дейишимният сабаби, улар омиларга хос наст савияли эмас, кийин ёки ёт бўлмаган сўзларни ахтарадилар».

**Учинчиши**, сўз ва маънолар орасида ўзаро ўхашашлик ва муносиб бўлиши. Ўхашашлик сўзларнинг маъноларга қолипдек ту-



шиб, ундан кам ё ортиқ бўлмаслигидир. Бишр ибн Мұтамир балоғат хақидаги васиятида шундай деган: «Агар сўзни ўз ўрнига тушмаётганини, мувофиқ келмаётганини ва негизида ўрнашмай, балки жойида қалкиётганини, ўрнидан қочаётганини кўрсанг; уни мос келмаган жойига қарор топтиришга мажбурлама. Агар сен қофиядош шеърлар битиш билан шуғулланмасанг, сочилик сўзларни саралаб олишни зиммангга олмаган бўлсанг, буни тарк қилганинг учун сенга ҳеч ким айб такамайди. Агар уларнинг масъулиятини зиммангда кўтариб, иккисида ҳам мөхир бўлмасанг, сеникidan кўпроқ айби борлар маломатига қоласан. Сендан наст бўлганлар шаънингга тил тегизади.

Муносиблик –сўзлардан бирига маънонинг мос тушишидир. Бу урфда кўлланиш ёки яхшилигига иттифоқ қилиниш туфайли бўлади. Мабодо, мана шу маънолар ўзиникидан бошқача сўзлар билан ифодаланса, аникроқ ва тушунарлироқ бўлишига қарамай, ўрганиб қолгани учуп у берган маъпопи бermайди. Балоғат ахлидан бири: «Гапининг маъноси фахминигта, сўзи қулоғинигта етиб боринидан олдин етиб бормагунча сўзамол бўлмайди». Тил қоидасига кўра, эъроб талабларига риоя қилиб, талаффузни бузишдан сақланиш тўғрилик сифатларидан хисобланади. Балоғат эса мартаба жихатдан ундан баланд, мавқе ва даража борасида ундан шарафлидир. Пала-партиш ва нотўғри сўзлайдиганлар балоғат ва фасоҳат аҳли қаторига кириш у ёқда турсин, адиллар қаторига ҳам қўшила олмайдилар.

## СЎЗЛАШ ОДОБЛАРИ

Билгинки, сўзлаш одблари мавжуд бўлиб, сўзловчи уларга риоя қилмаса, сўзнинг кўрки кетиб, нутқининг ороси сўнади. Одамлар унинг гўзал фазилатлари ўринига ёмон одоби билан машғул бўлиб, мақтовга лойик сифатларини эмас, қусур ва айбларини ёйинига ўтадилар.

**Сўзлаш одбларидан биринчиси**, мақташда ҳаддан опмаслик ва ёмонлашда инсофли бўлиш. Аслида ёмонламаслик олижанобликдир. Мақташда ҳаддан ошиш пасткашликдан юзага келадиган лаганбардорликдир. Ёмонлашда ҳаддан ошиш ёвуз-



ликдан вужудга келадиган ўч олишдир. Иккиси ҳам ёлғондан холи бўлиши туфайли айб саналади. Ривоят қилинишича, Тамим элчилари келишганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Аҳтамдан Қайс ибн Осим ҳакида сўрадилар. Амр ибн Аҳтам уни мақтади. Қайс: «Аллоҳга қасамки, Эй Аллоҳнинг Расули, у мени ўзи айтганидан кўра яхшироқлигимни билади, лескин ҳасади келди», деди. Амр уни маломат қилиб: «Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, биринчисида чин ганирдим, иккинчисида ёлғон сўзламадим. Чунки биринчисида рози бўлдим ва билганимнинг энг яхшисли айтдим. Иккинчисида жаҳлим чиқиб, билганимнинг энг ёмонини айтдим», деди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албагта сўздан худди сехрга ўхшайдиганлари ҳам бор», дедилар.

Макташ ва ёмонлашнинг иккисида ҳам ёлғондан сақланиш амримаҳол. Айниқса, якин бўлиб олиш учун мақтаса ёки аламидан чикиш учун ёмонласа. Ахнаф ибн Қайс шундай ҳикоя қиласди: «Бир кеча подшоҳимни рози қилиб, Роббим ғазабини келтиримайдиган сўз ҳақида ўйлаб тунни бедор ўтказдим. Лескин ҳеч топа олмадим». Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Киши подшоҳ олдига кирганда ўзи билан бирга динини олиб кириб, чиққанда динисиз чикади», деди. «Қандай қилиб?», деб сўрашиди. «Аллоҳ азза ва жаллани ғазабини келтирадиган нарса билан уни рози қиласди», деди. Ибн Румий бир киши бирорни кўкка кўтариб мақтаётганини эшишиб шундай деб шеър айтган экан:

Агар бирорни таърифлашни истасанг,  
Таърифлашда ҳаддан ошма, мӯътадил бўл.  
Сен ҳаддан ошсанг у ҳақда гўмонлар ҳам  
Узоқ-узоқ вақтларгача ҳаддан ошар.  
Кўргандан кўрмаганнинг зиёдалиги борлиги учун  
Қандай бўрттирган бўлсанг шундай кичраяр.

**Сўзлаш одбларидан иккинчиси**, умидворлик ва ҳадиксираш кипини қўлидан келмайдиган ва устидан чиқолмайдиган ваъда ва таҳдидларга берилиб кетишга чорламаслигидир. Ким шу иккиси туфайли тилига эрк бериб, унинг жиловини қўйиб юборса, амални



оғир санагандек сўзни оғир санамаса, унинг ваъдаси хилоф қилинга ва тахҳиди ожизликка айланади. Ҳикоя қилинишича, Сулаймон алайҳиссалом модаси теварагида гирдикапалак бўлаётган нар чумчук ёнидан ўтиб кетаётib, асҳобларига: «У модасига нима деяёттанини биласизларми?», дедилар. «Биймадик, эй Алиоҳнинг Набийси», дейинибди. «У мода чумчукни ўзига сўраб: «Менга турмушига чик, Дамамиқнинг қайси хонасини хоҳласанг, ўшанга жойлаштираман», деяпти», дедилар. «Чумчук ёлғон гапирди, Дамашк уйлари харсангтошлилардан қурилган. Унга у ердан бошпана беролмайди. Ҳамма куб ёлғончи бўлади», деган экаплар.

**Сўзлари одобларидан учинчиси**, бир сўзни айтса, уни бајариб кўреатиш ва бир гапни айтса, уни амалда иеботлаш. Бир сўзни айтиш-айтмаслик ихтиёрий, унга амал қилини мажбурийдир. Кини айтмаганини қилиши, қылмаганини айтинидан чиройлироқдир. Доинишманалардан бири: «Гапларшинг энг яхшиси яна гапга муҳтож бўлмаганидир» яъни гапирмай амалга оширилгани. Махмуд Варроқ айтади:

Амал исбот этган нарса чин сўздир,  
Ақэ қувватлаган нарса ҳақиқий амал.  
Тагидан асл амал туғайли  
Камаймаган сўз событ бўлмас.

**Сўзлари одобларидан тўртинчиси**, мақсад ва мўлжалга қараб ган оҳангига эътибор бериш. Агар у тарғиб бўлса, унга манинлик ва оҳисталикни уйғулантириади. Агар огоҳлантириш бўлса, унга дағаллик ва каттиққўлликни аралаштиради. Чунки огоҳлантирганда сўз юмшоқ бўлиб, тарғиб пайтида кўнол бўлиши иккисининг ҳам ўрини йўқолиб, кўзланган мақсад амалга ошмаслиги демакдир. Бас, бундан ган бехудага ва мақсад эса ўйинга айланиб қолади. Абул Аевад Дуалий ўғлига: «Эй ўғлим, кўнчилик орасида бўлсанг, ўзингдан устун кишишинг сўзини айтма, ёмон кўришади. Ўзингдан пастроқнинг сўзини ҳам айтма, срга уришади», деган экан.

**Сўзлари одобларидан бенинчиси**, сўз берилганда ёкимсиз тарзда овозни кўтармаслик, ўринсиз ва кераксиз безовтагликка



йүл күймаслик. Сўзловчи енгилтаклика ўтиб қоладиган хатти-харакат ва имезислик бўладиган ишоралардан сакланиши зарур. Албатта енгилтакликинг нуқсони балоғат фазилатидан кўпроқдир. Ҳикоя қилинишича, Ҳажжож бир аъробийдан: «Мен хатибманими?, деб сўрагаңда «Ҳа, агар кўп қайтариб, кўл билан ишора қиласкермай, аммо баъд, деганингда», деган экан.

**Сўзлар одобларидан олтинчиси,** беҳаё ва ёқимсиз сўзлардан узоқлашиш. Очиқча айтиш хунук, тўғридан-тўғри айтиш маъқул бўлмаган нарсалар ҳақида тил одобига риоя этган ҳолда мақсадига етиш учун ёзма равишда баён қилиш йўлини тутсин. Муҳаммад ибн Али Аллюҳ гаолонинг: «**Улар беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, хурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар**» (Фурқон сураси, 72-оят) оятининг тафсири ҳақида: «Улар уят жойларни киноя қилиб айтар эдилар», деган.

Беҳаёс сўзлардан тилни тийиш баробарида қулокни сақлаш, уят ва фахш гапларга қулоқ тутмаслик керак. Чунки бу каби сўзларни эшитиш уларни юзага чиқаринига чорлайди ва кўпайишнига хизмат қиласди. Агар юз ўгирилса, сўзловчи тўхтайди. Агар юз ўгириш икки инкорнинг бири бўлса, эшитишни икки ташвиқотчишинг бири бўлади. Менга Абул Ҳасан ибн Абул Ҳорис Ҳошимий ушбу шеърни айтиб берди:

*Йўллардан ўртачасини ихтиёр эт,  
Гумонли жойини эса четлаб ўт.  
Тилингни ёмон сўздан тийганинг мисол,  
Қулогингни ҳам эшитишидан сақтай бил.  
Чунки сен хунук сўзни эшишганда  
Шерикдирсан огоҳ бўл, уни айтсанга.*

Бундай сўзлардан четланиб, узоқлашиш зарурлиги жиҳатидан хунук ва бемаъни гаплар қаторига бир қарашда жирканч кўриниб, зоҳири инкор қилинадиган нарсалар ҳам киради. Агар чукурроқ ўйлагандан кейин нуқсони бўлмай, фикр-мулоҳаза юритиб, аংглагандан сўнг тўғри бўлиб чиқса ҳам. Бунга баъзи такаллуфга беришганларга Аздий Сулийдан келтирган ушбу шеърни мисол килиш мумкин:



Албатта мен кексайган, кофирман.  
Аллоҳга қасамки, сен боравер, тарбия қил.  
Илоҳим ёш гўдакка ризқ берувчиидир.

Шоир «кофир» деган сўзи билан ёпувчи деган маънони на-  
зарда тутмоқда. Чунки «кафр» сўзи ёпмоқ, беркитмоқ дегани.  
Аллоҳ таолога куфр келтирувчини ўз маъсияти билан Унинг  
неъматларини ёпгани учун, шу ном билан аталган. «Биллаҳи  
сайрий» дея Аллоҳ поми билан сафар қилиб кетишига қасам ич-  
ган. «Анта роббий», дегани тарбиядан олинган бўлиб болангни  
тарбия қил, дегани. Вояга етиб, куч-қувватга тўлғанлар ризқини  
бергандек «ёш гўдакка ризқини берувчи», деган. Бу беўхшов та-  
каллуф ва бўлмағур чуқур кетишига қаранг.

Фикр-мулоҳаза юриттандан кейин сўзининг нотўгри эмас-  
лиги аён бўлиб, яхши гумонига борилган тақдирда ҳам барибир  
ўзи учун маломатни орттиради. Агар у ҳақда шубҳа-гумонлар  
кучайса, номи қора бўлгани қолади. Бунга ўхшапи фақат сур-  
бет, мутакаббир ёки иккиланувчи, димоғдор кимсалардагина  
бўлиши мумкин. Набий соллаллоҳу алайхи васалламдан ривоят  
қилинган: «Набийга саловот айтманлар», ҳадисига келсак, у  
бу турдаги чалкаштиришдан холидир. Унинг таъвили хусусида  
икки хил важҳ бор. Биринчиси, «набваҳ» сўзидан олиниб, ба-  
ланд ва қия жойда намоз ўқишдан қайтариқ борлигини назар-  
да тутганлар. Иккинчиси, йўлни ирода қилганлар. Аллоҳнинг  
расулларини анбиёлар дейилади. Чунки улар Аллоҳга элтувчи  
йўл бўлганлар. Шу билан бу ҳадисдаги ноаниклиқ ешилади. Ро-  
сууллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шу сўзни айтган бўлиб,  
бошқа биронинг сўзи бўлганда тушунарсиз бир жумбоққа ай-  
ланарди. Лекин у зотнинг хитоби ичидаги маъно ва холатлари-  
нинг шоҳидлари сўзларини буйруқ ёки қайтариққа оид ишларда  
бепарволик ва ўз хошишига эргашиб даражасидан шариатда ке-  
лиши ҳамда Пайғамбар қайтариши жоиз бўлмаган томонга бу-  
ради. Бу холат бошқаларда мавжуд эмас. Шунинг учун у зотдан  
содир бўлган нарса бошқаларнидан фарқ қиласиди.

**Сўзлаш одбларидан еттиҷиси**, оми ва ақли паст одам-  
ларнинг ибора ва мақолларини эмас, балки олимлар ва адиллар-

никини келтирингта одатланиши. Албаттга ҳар бир тоифа ўзига хос ва муносиб ибораларга эга. Сановбарий айтганидек, бетайин одамдан тутуриксиз гап ва бемаза ўхшатишдан бошка нарса чиқмайди. У шундай деган эди:

*Бетайин одамларнинг иборалари бор.*

*Шулардан бири: ўзбҳали нарсани тасвирлаб,*

*«Агар пешобинг сөз чиқса, чиқди,*

*Агар чиқмаса, у билан табибининг юзига сол».*

Бунинг икки сабаби бор. **Биринчиси**, ибора ва мақоллар ҳиммат хаёллари ва кўнгил кечинмаларидан пайдо бўлади. Паст ҳимматли кишида бўлмағур масал ва бузук ўхшатишдан бошқаси бўлмайди. **Иккинчиси**, ибора ва мақоллар мисол келтирувчиларнинг ҳолатларидан олиниб ўзлари қандай бўлса, мақол ва масалалари ҳам шундай бўлади. Асосан шу иккиси туфайли омилар билан хосларнинг мақол ва масаллари орасида фарқ юзага келади. Кўпинча хослар ҳам акли настлар билан бирга юриб, кўн эшитиш оқибатига омиларнинг ибораларини ва нотўғри ташбеҳларни айтишга одатланиб мисол келтиришига ўтадилар. Шундан кейин бундай гап-сўзлар одамлар ичидагасал ва мақолга айланади. Ҳикоя қилинишича, Ҳорун ар-Рашид Асмаъийдан баъзи арабларнинг насаби тўғрисида сўраганда: «Билганга тушдингиз, эй мўминлар амири», дебди. Шунда Фазл ибн Робсь: «Аллоҳ ичингни туширсин, мўминлар амирига ҳам шундай мурожаат қиласанми?», деган экан. Фазл ибн Робеъ илми кам бўлишига қарамай халифалар билан сўзлашганда қай услубда сўз айтишни ўз асрининг ягонаси ва замонининг сараси бўлган Асмаъийдан кўра яхшироқ билган.

Гапдаги ўхшатиш, масалларнинг қулоқларга сингиши ва қалбларга таъсири ўзгачадир. Оддий гап-сўзлар улар етган даражага етиши ва улар каби таъсир қилини мунукул. Чунки уларнинг маънолари ёркин, гувоҳлари очиқ-ойдиндир, нафслар уларга ошиқ, қалблар уларга ишонган ва акллар уларга мувофиқдир. Шу боисдан Аллоҳ таоло Ўз Китобида забулмасаллар келтириб, уларни Расулларининг далилларидан қилиб қўйди.




Улар орқали халойикқа хужжатни очиқ баён этди. Чунки уларни ақдлар кўтариб, қалблар қабул қиласди. Унинг тўртта шарти бор.

**Биринчиси**, тўғри ташбех қилиш. **Иккинчиси**, олдишдан маълум бўлиб, хамма мувофик келган бўлиши. **Учинчиси**, фаҳмга тез стиб, мохияти осон англаниши ва маъносини тасаввур қилиш қийин бўлмаслиги. **Тўргинчиси**, таъсири кучли бўлиб, зеҳнга яхшироқ ўрнашиши учун эшитувчи холатига мос бўлини. Келтириладиган зарбулмасалларда мана шу тўрт шарт мавжуд бўлса, улар гапга безак, маъноларга равшанлик ва фаҳмларга тафаккур баҳш этади.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### САБР ВА САБРСИЗЛИК ҲАҚИДА

Билгинки, мусибатларга сабр қилиш ва кулфатларга йўлиқканда жазавага туимаслик гўзал тавфиқ ва саодат аломатлариңандир. Бу ҳақда Қуръони карим оятлари нозил бўлган ва суннатда кўрсатмалар келган. Аллоҳ таоло айтади: «Эй иймон келтирганлар! Сабр қилинг. Сабр ила ғолиб келинг. Курашга бел боғлаб туринг. Аллоҳга такво қилинг. Шоядки ютуқка эришсангиз» (Оли имрон сураси, 200-оят). Яъни Аллоҳ сизларга фарз килган нарсаларга сабр қилин: Душмандан сабр қилиш ила ғолиб бўлинг. Оятнинг «Курашга бел боғлаб туринг» деган жумласи хусусида икки хил таъвил бор. Биринчиси, душман билан курашиш учун бел боғлаш бўлса, иккинчиси, намозларни интизорлик билан кутиш. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан келтирилган ривоятда Расулултоҳ солиаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ гуноҳларни кетказиб, даражаларни кўтарадиган нарсага сизларни бошламайинми?», дедилар. Улар (саҳобалар): «Ҳа, бошланг, эй Аллоҳнинг Расули», дейишли. У зот: «Машақкат вақтда таҳоратни мукаммал олиш, масжидлар сари қадамларни кўпайтириш ва намоздан кейин намозни кутиш. Мана шу сизларга ҳад-чесгараларни сақлашдир», дедилар. Қуръони карим оятлари ўзи буюрган ва чакирган нарсаларга сабр қилишни таъкидлаш маъносида позил бўлиб, сабрни



фарз қылған ва тарғиб этган нарсалари йүлида тақво қилиш маж-буриятларидан ҳисоблади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Сабр ғамдаш түсік ва балоларға қарши күмакдир». Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху айтади: «Сабр қокылмайды-ған уловдир. Қаноат ўтmasлашмайдыған қиличдир». Абдулхамид айтади: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг мана бу сұзданда ажойибрек сұзни әшитмадим: «Сабр ва шукр иккита түя бўлиб, қайси бирига минишимнинг менгга фарқи йўқ». Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо айтади: «Әнг яхши ҳозирлик мащаққатларга сабрдир». Балоғат ахлидан бири айтади: «Касал вақтда сабр қилипшиң әнг яхши фазилатларингдандир». «Мансур-ул ҳикам» да шундай келтирилади: «Ким бокийликни яхши кўрса, мусибатлар учун жуда бардошли қалбни ҳозирласин». Донишманлардан бири деди: «Ёқимсиз ҳолатларга сабр қилиш туфайли ютуқларга эришилди». Шоирлардан Абид ибн Абраһам айтади:

*Қандай мусибат етса, нафсан тинчлантир,  
Албат сабрда чора изловчига чора бор.  
Бу дунё иши деб сиқилма ҳаргиз,  
Гоҳо учине зұлмати очилар ҳијласиз.  
Күпинча нафслар тушовдан ечилгандек,  
Халос бўладиган ишга қилар сабрсизлик.*

Ибн Муқаффаъ «Ятийма» номлы китобида: «Сабр икки хил бўлади: пасткашлар жисмонан сабрли, олижаноб кишилар ру-ҳан сабрлидир. Эгаси макталадиган сабр киши танаси оғир меҳнат ва қийин ишларни кўтариши билан эмас (чунки бу си-фат эшакда ҳам бор), балки нафс устидан ғолиб бўлиши, ҳар хил ҳолатларга бардош берин ва қалби хотиржам бўлиши туфайли бўлади», дея келтирган.



## САБРНИНГ ТУРЛАРИ

Билгинки, сабр олти қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири макталгандир. Бу олти қисмнинг **биринчиси** ва афзали Аллоҳ таолонинг амрларга бўйсуннинг ва қайтариқларидан қайтишга сабр қилишдир. Чунки бу билан итоат холис бўлади. Агар итоат холис бўлса, дин тўғри бўлади, фарзлар адо этилиб, савобга сазовор бўлинади. Аллоҳ таоло Қуръонда: «**Албатта, сабр қилувчиларга ажрлари хисобсиз, тўлиқ берилур**» (Зумар сураси, 10-оят) деган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сабрнинг иймондаги мақоми худди бошнинг танадаги ўрни кабидир», деганлар. Аллоҳ таолонинг тоатига сабр қила олмаган кишида яхшиликдан насиба ва солиҳликдан улуш бўлмайди. Ким нафсига сабрни раво кўрмаса, уни савобга эга қилмаса ва азобдан кутқармаса, ўзининг хато танлови билан ҳақдан йироқ, залолатга лойиқ бўлади. Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Эй дунёдан столмайдиганини талаб қилувчи! Ўзинг талаб қилмайдиган охиратдаги нарсага қандай қилиб етмоқчисан?». Абул Атоҳия айтади:

*Сени Аллоҳдан кечиришини умид қилган  
 Киши деб кўрмоқдаман, ўйламоқдаман.  
 Сен У зот яхши кўрмайдиган нарса узрасан,  
 Ўзинг бепарвосан, яна тақвога чақирасан,  
 Эй ўзи дардманн бўлиб, одамларни даволовчи.*

Сабрнинг бу тури қаттиқ кўркув ва ҳайиқишидан пайдо бўлади. Ким Аллоҳ азза ва жалладан кўркса, Унишнинг тоатига сабр қиласи ва азобидан ҳайиқкан кинни айтганларини ўз ўрнида бажаради. **Иккинчиси**, вақт тақозосига кўра, юз берган, маҳзунлик ҳолдан тойдирган мусибатларга ёки изтироб ва ғам чекишига мажбур этган ташвишли ҳодисага сабр қилиш. Буларга сабр қилиш ихтиёрий ва мажбуран ҳолда бўлиш шарти туфайли ўз ортидан роҳатни эргаштириб, савоб келтиради. Акс ҳолда, арзимас ғамни кўтаришга, ёқтиргмаган ва гуноҳкор ҳолда сабр қилишига тўғри келади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ай-



тадилар: «Алиюҳ таоло айтади: «Ким менинг тақдиримга рози бўлмаса, мусибатимга сабр қилмаса, ўзи учун Мендан бошқа Роббини ихтиёр этсин!». Али иби Абу Толиб розияллоҳу анху Ашъас иби Қайсга: «Агар сен сабр қилсанг, устингдан ажрга эга бўлгаң ҳолингда қалам жорий бўлади. Агар бесабрлик қилсанг, устингдан қалам гуноҳкор ҳолингда жорий бўлади», деган экан. Абу Таммом бу сўзларни ўз шеърида шундай ифодалаган. Али сабр таъзиясида Ашъасга деди:

*Унинг баъзи гуноҳларидан хавотирланди,  
Синовларга савоб умидидан сабр қилиб, ажр оласанми?  
Ёки ҳайвон каби чидаб, савобсиз қоласанми?*

Шабиб иби Шайба Маҳдийга: «Даф қилиш чорасини топа олмаганингга сабр қилишининг энг муносиб ишдир», деб ушбу шеърни айтган экан.

*Агар сенга мусибат етса, сабр қил фақат,  
Синовдаги бесабрнинг мусибати каттадир.*

Бошқаси айтади:

*Мазлуб ҳолда сабр қилдим, қийналмоқдаман,  
Сенга сабрим саҳродағи ташналиқка ўхшар.  
Менинг сенга сабрим имконимдан эмас,  
Лекин у сабрдан ҳам аччикроқ сабр.*

Учинчиси, кўлга киритиш насиб этмаган орзуга ва умид қилинган хурсандчиликниг саробга айланганига сабр қилиш. Бунга сабр қилиш уни эсдан чиқарини келтириб чиқаради. Умид узгандан кейин афсусланиш аҳмоқликдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Кимга бир нарса ато ўтилса, шукр қиласа, ман этилса, сабр қиласа, зулм қилинса, кечирса, ўзи зулм қилиб кўйса, кечирим сўраса, бундай кишиларга омонлик бор ва улар хидоят топувчидир». Донишманлардан бири айтади: «Дунёдан талаб килиб етолмаган нарсангни хаёлингга келмаган ва тилингдан чиқмаган нарса билан тенг қилгин». Шоирлардан бири айтади:

*Қачон устингдаси бир ши тақдир қўлида бўлса,  
Уни тақдирдан бошқаси ҳал қила олмас.*



Сенга хорзик ҳовлисида туришдан нима фойда?  
Холбуки, азизик ҳовлиси чексиз ва бенёён.

Донишмандлардан бири айтади: «Күлингдан кетган нарсага ачинсан; келмаган нарсага ҳам ачин». Шоирлардан бири бу маъниони олиб шундай назмга тизган:

Күлдан кетган нарсага күп ачинма,  
Ачиншишин: фойдаси йүк барибир сенга.  
Бўлмаган нарса учун гам чеккан киши,  
Күлдан кетганига тенг ранжиганга.

**Тўртингчиси**, юз беришидан кўрқалиган хавф-хатар ёки бошига тушишидан ташвишланадиган фалокатга сабр қилиш. Ҳали рўй бермаган нарсани деб қайғуришига шошилмаслик керак. Чунки кўп қайғулар ёлғон ва аксар хавф-хатарлар келмасдан бартараф бўлади. Набий солишпоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Сабр қилиш билан енгиллик кутилади. Ким эшикни коқиша давом этса, албатта (ичкари) киради». Ҳасан Басрийроҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Эртанинг ғамини ҳаргиз бугунингта юклима. Ҳар куннинг ғами ўзига старлидир». Жоҳиз Ҳориса ибн Зайдга шундай деб шеър айтди:

Агар гам келса кетказ, у дарддириқ фақат,  
Иккигансанг, даф этиши уддасидан чиқмайсан.  
Мусибат келса, эрки йўқ кишидан ёрдам сўрама,  
У ёрдам бермоқчи бўлганда маломатчилар  
Ёрдам бермасликни тавсия қилишар.  
Хавотирга тўла қалбингга таскин топ деб айт,  
Чунки гам-ташивиниларнинг кўни беҳуда.

**Бешинчиси**, умидвор бўлган истак амалга ошигини кутиш ва орзу қилиган неъматнинг интиқлиги йўлидаги сабр. Агар уни кутиш ҳайратга солса, хабар топиш ўйлови паришон қилса, мақсадлар йўли ёпилиб, умидлар иғвоси уни безовта қиласди. Натижада орзусига стишдан узоклашиб, мусибати катталашади. Агар рагбат қилганда викорли, талаб чогида сабрли бўлса, ҳайрат кўрлиги очилиб, довдираш ҳаяжони тарқаб кетади. Бас,



тұғриликни күради ва мақсадни фахмлайди. Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Сабр зиёдир», дедилар. Бунинг маъноси Аллоҳ билувчироқ – ҳайрат зулматларини тарқатиб, ишлар хақикатини ойдинланытиради, дегани бўлса керак. Аксум ибн Соифий айтади: «Ким сабр қилса, ғолиб бўлади». Ибн Мукаффаъ айтади: «Ардашернинг қасрида шундай битик бўларди: «Сабр – етишмоқ қалитидир». Донишмандлардан бири айтади: «Ўзал сабр билан максадларга етиш осонлашади». Балоғат ахлидан бири айтади: «Ким сабр қилса, орзуга етади, ким шукр қилса, неъматни қўргонлайди». Муҳаммад ибн Ясийр айтади:

*Сенга ишлар йўли бекилса, хафа бўйласин,  
Сабр очар унинг ҳар бир ётилганити.  
Сўров қанча ҷўзилса ҳам барибир,  
Агар сабр билан ёрдам сўраган бўлсанг,  
Умид узма шодликни етишимоқдан сен,  
Сабрни ҳожатига етишишига ҳақлироқ,  
Эшикни қоқинида давом этувчи киришига.  
Ҳақлироқдир, шуни билгин, унумта асло.*

**Олтинчиси,** бошга тушган ёмонлик ёки хавфга сабр қилиш. Бунга сабр қилиш билан фикр йўллари очилиб, дуниман хийлала-ри бартараф этилади. Бесабр кишининг фикри тарқоқ, безовталиги қаттиқ бўлади. Оқибатда ўз қайғусининг қурбони ва ғам-танишиллари ўлжасига айланади. Аллоҳ таоло айтган: «**Сенга етган нарсага сабр қил. Албатта булар азм этилажак ишлардан-дир**» (Луқмон сураси, 18-оят). Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам айтадилар: «Агар Аллоҳ учун шубҳасиз иймон билан рози ҳолда амал қила олсанг, шундай қия. Агар бунга қодир бўлмасанг, сабр қил. Албатта ўзингга ёқмаган нарсага сабр қилинингда кўп яхшиликлар бор. Билгина, сабр билан бирга ғолиблиқ, ғам билан бирга шодлик, қийинчилик билан бирга енгиллик бор. Али розияллоҳу анху айтади: «Сабр мусибатларни илдизи билан суғурувчи, бесабрлик замон балоларига ёрдам берувчидир». Донишмандлардан бири айтади: «Сабр иродасининг қалити билан



ишиларнинг қулфларини очишга харакат қилинади». Балогат аҳлидан бири айтади: «Гүйнуклар ёпилганда шодлик аломатлари кўринади». Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилишича, Сулаймон алайҳиссалом жинларни иморат қуришда кийнаб ишлатганда лаънати Иблисга шикоят қилишибди. У: «Сизлар кетаётганда бўш бориб, қайтаётганда банд бўляяпсизларми?», деди. Улар: «Тўғри», дейишиди. У: «Бунда роҳат бор», деди. Бу хабар Сулаймон алайҳиссаломга етиб борганда уларни боришида ҳам, келишда ҳам иш билан банд килиб қўйдилар. Яна улар Иблисга шикоят қилишибди. Иблис: «Кечаси дам олаяпсизларми?», деди. Улар «Ҳа», дейишиди. У: «Бу сизларга вактингизнинг ярми роҳат дегани», деди. Бу хабар ҳам Сулаймон алайҳиссаломга етиб келганда уларни кеча-ю кундуз иш билан машғул қилди. Улар яна шикоят қилишганда Иблис: «Ана энди сизларга ғамдан кутилиш вакти етди», деди. Айтганидек, кўп ўтмасдан Сулаймон алайҳиссалом ҳассаларига суянган холда жон таслим қилдилар.

Агар Аллоҳнинг амрига биноан иш тутиб, Унинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажарадиган пайғамбарларда шундай бўлса, тадбирлар измидаги оддий қуллар учун қисмат ҳайдаб келган кўргилсизликлар нима деган гап? Ҳар бир нарса охирига стиб боргач, ишқирозга учрайди, энг чўққисига чиқиб, пишиб етилгач, тўкилишни бошлиайди. Баъзи адиллар Усмон ибн Аффонга ушбу шеърни айтиб берди:

*Дўстим, Аллоҳга қасамки, қанча катта бўлмасин,  
 Тирикнинг бошидаги мусибат давом этмас.  
 Агар у бир кун бошга тушса, бошинени эзма,  
 Мободо оёқ қоқилса шикоятни кўпайтирма.  
 Қанча узуглар куғфатлар ила синалдишар.  
 Сабр қилдилар, ҳаммаси ўтиб, йўқолиб битди.  
 Қанча-қанча тўлқинлар гирдоби қуттироди,  
 Уларни то очилгунча сабр билан қарши олдим.  
 Кунлар учун авваллари нафсим азиз эди.  
 Хөрликка менинг сабримни кўриб, таслим бўлди.  
 Унга: «Эн нафс, азиз ҳолда ўл, дунё бизники,  
 Сўнг эса юз ўғириб кетди», деб айтдим.*



## МУСИБАТЛАРНИ ЕНГИЛЛАТИШ

Мусибатларни енгиллатиш ва қийинчиликларни осонлаштириш чоралари бор. Бу чораларга әхтиёткорлик билан бирға кучли ирода қүшилса, мусибатлар зарбаси енгил, таъсири ва зарари камаяди.

**Бириңчи чора,** нафс ўзига маълум бўлган фонийликнинг бир кун стишини ва хурсандчиликлар тугашини, тақдир этилган ажали ва тугайдиган муддати борлигини хис қилмоги. Чунки дунёда ҳеч бир ҳолат мангу давом этмайди. Бирор яралмини учун унда боқийлик йўқ. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мен билан дунё мисоли иссиқ кунда дараҳт соясида тўхтаб, сўнг уни ташлаб, йўлида равона бўлгаи йўловчига ўхшайди». Али ибн Абу Толибдан дунё ҳакида сўрашигандан: «Дунё алдайди, зарар беради ва ўтказади», деган экан. Бани Аббос халифаларидан бири дунё ҳакида сўраганда сухбатдоши шундай деган экан: «Юзланса, орқасини ўгиради». Амр ибн Убайд айтади: «Дунё – муддат, охират – агадият». Апуширвон айтади: «Агар гам чекмасликии хоҳласанг, ғам келтирадиган нарсани олма». Шоирлардан бири бу маънени шундай назмiga тизган экан:

Замон бадфеълигидан берганини лойқалаб,  
Тұхфа қылғанини тортиб олғанини күрмадинемі?  
Кимни ўзига ёқмайдиган нарсани күрмаслик севинтирса,  
Йұқолишидан құрққан нарсани олмасин.

Ҳакимлардан бири шундай шеър ўқиди:

Ҳакиммыз Бүкөттинг ўрнашиб олган гамларни  
Кетказадиган яхши мушоҳадаси ва васият бор.  
У айтган: «Ғам-қайғынар халойиқнинг табиатида  
Хусусиятида әүқолиши мавжуд нарсанинг туришидан,  
Агар синиши мумкин бўлган ишишани олсанг,  
Ва у синиб қоладиган бўлса, гам чекувчи бўлмагин.



Илм аҳлидан бири Саъид ибн Муслимга шеър ўқиди:

*Албатта дунё ҳадялар ва қайтариб олинадиган омонатлар.  
Фарогатдан сўнг машаққат, ундан сўнг фарогат бор.*

Бузругмехр қатл әтилганда чўнтағидан шундай сўзлар ёзилган қоғоз нарчаси чиққан экан: «Агар улуш тегмаса, жидду жаҳд килишининг нима кераги бор? Агар ишда давомийлик бўлмаса, хурсандчилик нима кераги бор? Агар Аллоҳ таоло мулкнинг давомийлигини истамаса, чора ахтаришнинг нима фойдаси бор?». Ибн Румий айтади:

*Киши ҳаётининг ўлимига гаров, соглисити ҳам  
Худди шундай касаллигига гаров эканин кўрдим.  
Қачон яшаш роҳат бўлса, туши каби ўтиб кетишига  
Шубҳасиз ишонишни билан унинг роҳати лойқаланади.  
Ким заволга юз туттиш эътибори ила кечирса ҳаёт,  
Бас, у заҳмат иҷрадир, неъмат узра бўлса ҳам.*

**Иккинчи чора**, мусибатларни енгиллатишда кийинчиликлар кетиб, ғам-алам йўқолишини ва уларининг ҳам тугаш муддати бўлиб, ундан олдин тўхтаб қолмаслиги, кейин давом этмаслигини тасаввур этишdir. Ўша белгиланган муддат бетоқатлик билан кискармаслигини, сабр қилса, узаймаслигини, ҳар бир кун ундан бир қисмни кетказаётгани, муайян улушни олаётганини, ўзи билмаган ҳолда, ҳаммаси ўзидан ўтиб кетишини кўз олдига келтириши керак. Ҳикоя қилинишича, Ҳоруп ар-Рашид бир кишини ҳибега олиб, анча вақтдан кейин унинг ҳолини сўради. Маҳбус халифанинг вакилига: «Унга айтиб қўй, ҳар куни хузур-ҳаловатингдан канчаси ўтгани баробарида менинг кийинчилигимдан ҳам шунчаси ўтмоқда. Иш яқиндир. Ҳукмни Аллоҳ таоло чақиради», деди. Бу маънони шоирлардан бири олиб назмга солган:

*Агар бу ҳолатинизиз сизларда давом этса,  
Мен түшсан ҳолат абадий, деб ўйлаган бўлардим.  
Биламанки, мен ҳам, сизлар ҳам фақат  
Эртага бу икки ҳолат аксини янгидан бошлаймиз.*



Менга бир шоирнинг шеъри айтib берилди:

*Ёқимсиз ишларнинг оқибати яхши бұлур.  
Ёмон күнлар давомий әмас, жуда қисқадур.  
Ағар кеч тақрорланса, сүңг күндүз келаверса.  
Машаққати ҳам, ҳұзур-ҳаловати ҳам бөкүй бўлмас.*

Вафоти яқинлашганда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху мана бу шеърни ўқигап экан:

*Роббингнинг аввали ҳозирдаги незъматлари  
Беҳисоб эканини кўрмадингми?  
Хотиржам бўл, ҳеч бир нарса доимий әмас,  
Сенинг ғам-аламларине ҳам абадий бўлмас.  
Эҳтимол Аллоҳ сенга бундан кейин алқаб,  
Раҳмат назари билан пазар солса ажеб әмас.*

**Учинчи чора**, киши гўзал муҳофазага мушарраф бўлганини билиш учун ўзи омон қолган фалокат дучор бўлганидан каттароқ қутқариб қолинган баҳтесизлик етганидан оғирроқ эканини билиши лозим. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Албатта Аллоҳ таолонинг ҳар бир синов - мусибат вақтида совғаси бор», деганлар. Имом Шаъбий мусибатга йўлиқкан маҳалда «Қандай тонг оттирдинг?», дейилди. У: «Икки незъмат - кенг яхшилик ва беркитилган ёмонлик ичидаги тонг оттирдим», деган экан. Шоирлардан бири айтади:

*Ёқимсиз нарса юз берганда ёмон кўрма,  
Чунки оқибатлар фарқли бўлар ҳамиша.  
Қанча-қанча незъматлар шукри адo этилмас,  
Машаққатлар ичидаги яннирин экани боис.*

**Тўргинчи чора**, тақдир зарбасига учраганлардан ўрнак олиш ва кўз ёш тўқаётганларни кўриб таскин топиш. Бунга ўхшашлар жуда кўплиги ва уларнинг ёрдамлари тезкорлигини билиш. Бу билан ғамга тасалли ва чиройли сабрдан аламини сигиллатадиган, безовталигини камайтирадиган қувватни ўзида қайтадан тиклайди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху айтади: «Мусибат



эгалари билан ёнма-ён бўлсангиз, кўнглинигиз кенгаяди». Шоирларнинг марсиялари шунга асосланади. Бухтарий айтади:

*Арслонлар устидан тилли бурро ва тилсизлардан иборат  
Душманларнинг итлари галиб бўлса, ажаб эмас.  
Ваҳшийинг найзаси Ҳамзани ҳалок этмиш,  
Алининг ўлими Иби Мулжамнинг қиличиданмииш.*

Абу Фуроҳ айтади:

*Киши туганмас мусибатлар орасидадир,  
То унинг жисми тупроққа қоришгунча.  
Муҳлат берилса аҳли учун мусибат чекар,  
Муҳлат берилмаса ўзи мусибатга йўлиқар.*

**Бешинчи чора**, неъматларнинг ташриф буюрган бир меҳмон эканини ва албатта қайтишини, келишининг хурсандчилигига кетишининг айрилиқ хавфи аралашганини, келишига то изидан фироқ азобини қолдирмагунча шодлик қўшмаслигини ва хушнудлик миқдорига қараб хафалик бўлишини билишдир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Хурсандчиликка сабаб бўлган нарсанинг айнан ўзи маҳзунликка ҳам сабабдир», дейилган. Айрим накъларда шундай дейилган: «Ким ўзининг энг яхши кўрган нарсасига етса, энг ёмон кўрганини кутаверсин». Донишмандлардан бири айтади: «Ким ҳар қандай мусибатнинг кетишини билса, бошига бало тушганда чиройли сабр кила олади». Ҳасан Басрийдан «Дунё ҳақида нима дейсан?», деб сўрашди. У киши: «Дунё оғатларини кутиб яшаш фароғати билан хурсанд бўлишдан мени машғул қилди», дея жавоб берди. Абдулатоҳия бу маънони шундай назмга солди:

*Ўзгарувчалиги сабаб юзланганда  
Кунлар кўрқув уйготар унда.  
Гўёки ёрдам кўрсатган бўлиб,  
Таҳдидли зарбасин қўяр эшииттириб.*

**Олтинчи чора**, хурсандчилиги бошқаларнинг хафалигига боғликлиги, шунингдек хафалиги ҳам бошқаларнинг хурсандчилигига боғликлигини билиш. Дунё бир ҳамроҳни ташлаб,



бошқасига ўтса, бирини фироқда қолдириб, бошқаси билан муносабат ўрнатса, муносабат ўрнатганига хурсандлик, ташлаб кетганига хафалик етади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Бир жамоа бошқаси билан жанг қылса, бир гурух хурсанд, бошқалари хафа бўлади». Бухтарий айтади:

*Дунё оддий инсонга машҳурлик этса ато,  
Унинг болаларидан номаълумликни кут албат.*

Шоир Мутанаббий айтади:

*Кунлар ўзининг аҳлари ичидা  
Бир қавмга фойдалар берга туриб,  
Бошқасига мусибатларни ҳукм этар.*

Адиблардан бири шеър айтди:

*Албатта дунё дараҳти кўп ўрмонзор  
Бир томони қуриса, бир томони кўкаргай.  
У берсан нарсани деб хурсанд бўлмагин,  
Бир кун кетар у ҳам сен кетган каби,  
Бу кунлар фалокатдан бошқа нарса эмас.  
Роҳат ва лаззатлар фақат мусибатлардир.*

**Еттипчи чора**, инсоннинг фалокатлари фазилатининг далилларидан, машақкат ва синовлари тўлиқлигининг гувоҳларидан эканини билиш. Бу нарса икки сабабга кўра амалга ошади. Чунки бандада мутлақ комиллик бўлиши мумкин эмас. Нуқсон уни лозим тутувчиидир. Жуда кўп фазилатлар мавжуд бўлганда бир жиҳатдан нуқсон ҳам бўлади. «Кимнинг акли зиёда бўлса, ризки кам бўлади» дейишлари бежиз эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Инсоннинг бир аъзосида нуқсон бўлса, унинг ақлида закийлик бўлади». Абулатоҳия айтади:

*Агар инсон бир тарафдан ҳаддан зиёд кучли бўлса,  
Бошқа тарафдан нуқсон унга хоинлик қилас.*

Адиблардан бири месига котиб Иброҳим ибн Ҳилолнинг ушбу шеърини ўқиди:



Қачон иккى кини ўртасини бир касб жам этса,  
Иккисидан қай бири моҳирлигин билиши истасане.  
Тақсим этталған ризқдан олған насибасин құзат,  
Нұқсон бор жойда ризқ кенг бұлар албат,  
Мұкаммалик бор жойда ризқ тор бұлар албат.

Фазилат әгаси ҳасадга учрайди, унга озор беришни касд ки-  
лишади. У душман монеълиги ва қаршилик килувчининг зулми-  
дан омонда бўлмайди. Сонавбарий айтади:

Йигитнинг синовлари унинг фазилатидан дарак,  
Анбарнинг сифатидан олов хабар бергандек.

Фазилатли кишининг синовлари кўп ҳолларда нуксопилилар  
тарафидан, олимнинг мусибати кўпинча жоҳијининг кўли ту-  
файли содир этилади. Бу улар ўргасидаги кескин фарқ сабабли  
адоват кучайгани, пешқадамлик туфайли интиком пайдо бўлга-  
нидан амалга ошади. Шоир айтади:

Олим жоҳијати сабабли балоланса не ажаб  
Аждаҳо (бурж) нике думидан қуёш очилар.

**Саккизинчи чора**, замона кулфатлари туфайли чиниқиши  
ва ўз даври синовларидан тажриба орттириши. Натижада фикри  
теранлашиб, ақлан етук бўлади. Машаққат ва фаровонликнинг  
энг ками туфайли камол топиб, оғият ва мусибат ҳолатларидан  
ўзига ибрат олади. Саълабдан хикоя қилинади: «Бир куни Убай-  
дуллоҳ ибн Сулаймон иби Вахбининг хузурига кирсам, унинг эг-  
нида қаттиқ синовдан кейин розилик кийими бор экан. Унинг  
каршисида ҳозир бўлдим. У менга «Эй Абул Аббос, айтадиган-  
ларимга қулоқ тут», деб мана бу байтларни келтирди:

Замон қулфатлари менга берди одоб,  
Албатта адид одоб олмоғи даркор.  
Ширинни ҳам тотдим, аччиқни ҳам,  
Йигитнинг ҳаёті мана шундай бўлур.  
Ўтған ҳар бир баҳтсизлик ва ҳаловатда  
Менинг улушим борлигини билдим.



*Тирикликдан насибаси бор жонни  
Кечалар ўз мусибатлари билан озиқлантирур.*

Мен унга: «Бу байтлар кимники?», дедим. «Меники», деб жавоб берди у.

**Тўққизинчи чора**, замона ишларини синовдан ўтказиб, унинг иши яхшилигига эътибор каратиш. Буларни англағандан кейин роҳат-фароғатга алданмайди, бир хиллиқдан умид килмайди. Дунё бир ҳолатда туриши ёки ўзгарини ва бекарорликдан холи бўлишини тааммул қилимайди. Албатта дунёни таниб, унинг холидан хабар топганларга ундан етадиган етган баҳтсизлик ва хузур-ҳаловатлар арзимас бўлиб қолади. Адиллардан бири бу хусусда шеър айтган экан:

*Дунё оқибатларига гувоҳ бўладим мен,  
Сўралишдан қўрқиб, диг ҳоҳинин тарж этдим.  
Дунё ҳаёти ҳақида фикр юритдим қанча,  
Унинг ҳамма шилари фоний эканин кўрдим.  
Унинг аксар аҳлини синовимдан ўтказдим,  
Ҳар ким ўз иши учун уринишин билдим.  
Ализзикда мартабанинг энг олий ва юксаги,  
Кулаш ва ўиқилишга энг яқиндир тургани.  
Дунё ёмонликлари яхшиликларни ўчирар,  
Ўлим хабари билан хушхабарда фарқ ўйқдир.  
Қабрлар орасидан ўтиб борганимда,  
Кул ва ҳожсани бир-биридан фарқлай олмадим.  
Канча тирикларни кўрганингни эслга ол.  
Сўнг уларнинг ўлганлигин ёдитида тут, эй оқиз.*

Мусибатга учраган киши мана шу сабаблардан бири топилса-ю, уни тўғри тушунса, ғам-қайғуси енгилланиб, хафалигидан фориғ бўлиши осонлашади. Шунда у мусибатларни тезда унугиб, бардошли ва чиройли сабр қилувчи кишига айланади. Ҳукамолардан бири айтади: «Ким эҳтиёткор бўлса, бесабр бўлмайди, кузатган киши безовта бўлмайди, кутиб тургаплар шикоят арзини қилишмайди». Шоирлардан бири айтади:



Ишларнинг ҳаммаси осон бўлавермас,  
Албатта бу дунё хурсандлик ва хафаликдир.  
Иини енгил билгин, роҳатда яшайсан,  
Кўпинча хотиржамлик Сайҳунда бўлар.  
Машаққат диёрида роҳатни ахтарасан,  
Йўқ нарсани ахтарган адашган бўлар.

Агар инсон ўзини тасалли берувчи сабаблардан ғофил қолдириб, сабр асосларида махрум қилса, ғам қаттиклиги ва безовталик ташвиши тоқат қилиб бўлмайдиган, таскин топишнинг иложи йўқ даражада кўпаяди. Ибн Румий айтади:

Албат кўпаймаган балога чидаш берилар,  
Чидааб бўлмай қолар кўпайса агар.

Мусибатга учраган кишига бесабрлиги бесабрликка ундовчи сабаблар билан ёрдам берса, бетоқатлиги бетоқатликка чорловчи воситалар билан қўллаб турса, у ўзининг ҳалокати сари ҳаракат қилган ва талофатига кўмакланган бўлади.

### БЕЗОВТА БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Безовта бўлиш сабабларидан **биринчиси**, мусибат эгаси ўзи учраган мусибатни ҳадеб эслайвериб унутмаслиги, тасаввур килавериб ундан айрилмаслигидир. Эслашдан чаљитадиган бирор тасалли тоғмаганидан тасаввурига сабрни аралаштиrmайди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: «Эслаш билан кўзёцларни кўзгаманглар». Шоир айтади:

Эслаш каби хафаликка ундовчи йўқдир.

**Иккинчиси**, афсусланиш ва қаттиқ ҳасрат чекиш. Мусибати ўрнини босадиган ўринбосарни қўрмайди, йўқотгани эвазига бирон бадал топмайди. Афсус билан ҳаяжони, ҳасрат билан безовталиги ортаверади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «**Кўлингиздан кетган нарсага афсусланмаслигингиз ва сизларга берган нарса билан хурсанд бўлмаслигингиз учун**» (Хадид сураси, 23-оят), деган. Шоирлардан бири айтади:



Балога учрасанғ, Аллоҳға шион, рози бүл.  
 Албатты балони фақат Аллоҳ кетказар.  
 Аллоҳ тақдир қылса, қудратига таслым бүл,  
 Аллоҳ тақдир қылған шида чора йүқдир.  
 Умидсизлик әгасини ҳалок этар гоҳида  
 Умид узма яратувчи Аллоҳдир.

**Учинчиси**, күп шикоят килиш ва безовталикни кетказиши. Аллоҳ таолонинг: «Чиройли сабр кил», деган сўзи ҳақида шикоятсиз ва ҳаммага ошкор қилинмаган, тарқатилмаган сабр, дейилган. Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ким ёйган бўлса, сабр қилмабди», деганлар. Каъбул Аҳбор ҳикоя қилишича, Тавротда шундай ёзилган экан: «Ким мусибат етганда одамларга шикоят қилса, албатта у Роббисидан шикоят қилибди». Бир аъробия аёл чўлдан келгандан бир ҳовлида дод-фарёд овозини эшишиб: «Бу нима?», дебди. «Яқин кишиси вафот этган», дейишди. У: «Роббисидан ҳимояланиш учун ёрдам сўрай туриб, тақдиридан иорози ва савобидаи юз ўғирган ҳолда кўрмоқдаман», деди. «Мансур-ул хикам» да шундай дейилган. Кимнинг қалби тор бўлса, тили кенг бўлади. Илм аҳлидан бири шундай шеърни айтди:

Дўстга шикоятни кўп қиласверма,  
 Махлуққамас, Холиққа этгин буни.  
 Үнумагин ҳеч қачон, ҳеч дам  
 Кутқаролмас чўкаётган чўкаётгани.

Шоирлардан бири айтди:

Замонанедан шикоят қилмагин ҳаргиз,  
 Бўлса сөғ-саломат тани жонингиз.  
 Бойлик бу – жисемнинг сиҳатидир бил,  
 Касал ҳолда дунёнинг неъматларидан  
 Фойдаланган халифа деб  
 Тасаввур қилиб кўр ўзингни?

**Учинчиси**, мусибат яраси битини ва талабига етишишдан умид узиш. Бундай ҳолатда юз берган фалокат маҳзунлигига



умидсизлик хам қўшилади. Уларнинг бирлашуви натижасида сабр килмайди, қўигил кенглиги йўқолади. Шунинг учун «Мусибатга сабр қилиш икки мусибатнинг кагтаронидир», дейилган. Иби Румий айтади:

Эй нафс! Сабр қил, сабр сенга муносибдир,  
Кўпинча умид пучга чиқар, кумтозмаган нарса келар.

Илм ахлидан бири менга мана бу шеърни айтди:

Бечоралик мард учун доимий деб ўйлайсанми?  
Бир нарса доимий бўлса, уни мўъжиза деб ҳисоблашар.  
Мусибатлар сенга ўз бечоралигин билдирад,  
Улар сенга одоб берди, агар сенга одоб наф берса,  
Агар инсон замон кулфатларидан давом этишин истаса,  
Талаб қўлган нарсаси уни чарчатиб, ҳоритар.

**Тўртинчиси**, саломатлиги сақланган, неъматлари қўриклиниб, омонлик ва хотиржамликка бурканган, бойлик ва кенгликтан баҳраманд бўлган киниларни ўйлаб қийниалиши. Ўзини аввалилари улар билан бир хил хаёт кечиргани, кейин бу бало ва қўргуликлар айнан унинг бошига тушганини олдин улар сингари роҳат-фароғатда яшагани, охири бу фалокатларга бир ўзи лучор бўлганини хаёлига келтиради. Балоларга сабр қилиш учун ўзида куч топа олмайди. Неъматларга шукр қилишни ўзи учун лозим деб билмайди. Агар шу қарашда мулоҳазасини ўзи билан мусибатда шерик ва кулфатда баробар бўлганилар билан таккослаганда икки иш бир-бирига мос келган ва сабр қилиш осонланиб, шодлик вакти якинлашган бўлар ёди. Араблардан бир аёлнинг шеъри менга ўқиб берилди:

Эй инсон! Сабр қил, сабр қил, фақат,  
Қийинчилек ортидан осонлик келишин бил.  
Бугун ҳурликда юрган, эртага ундан маҳрум,  
Қанча одам шу балога йўлиққанин бил.  
Сабрли яхшилик ва ёмошлик моликига айланмини,  
Ҳар қанча аччиқ бўймасин, сабр шаробидан ич.

Менга адиллардан бирининг ушбу шеърини ўқиб беришди:

Йигит қалби күлфатдан маңзұлык ҳис қылар,  
Оқибатда унга сурур ва хуишақтылк еттар.  
Күрмадингми кечани зулмат босиб келганды,  
Тонгнине юзи ва нури балқиганни осмонда.  
Агар олим ва оқыл бұлсанғ ноумидликни хамроҳ этма,  
Албатта замон шилари түрли-тұманшыны англа.

### МУСИБАТЛАРГА САБР ҚИЛИШ

Билгинки, бало-оффатларга сабр қылған, мусибат пайтида үзини құлға олған кишилардан улар тез бартараф бўлиб, шодлик кувончига яқин турадилар. Менга адиллардан бирининг хабар бершишича, Абу Айюб котиб ўн беш йил қамоқда қолиб кетганидан ноилож бесабрлик қила бошлаганда баъзи дўстларига ҳибсдаги муддат узоклиги, токати тугаб, сабри тугаётганидан шикоят қилиб мактуб ёзибди. Шунда унга шундай мазмұнда жавоб хати келған экан:

*Абу Айюб, қаттиқ балога сабр қылғандек сабр қия,  
Күлфатларни оғир десанғ, гамхұр книшине борми?  
Сен ҳақшында баҳтсизлик түгүннин боғласа агар,  
Боғлайдиган зот уларни ечишга эгалик қылар.  
Сабр қыл, албат сабр ортидан бир роҳат еттар,  
Эҳтимол бало бартараф бўлар, ишундан умид бор.*

Абу Айюб жавоб берибди:

*Мени сабрга чорлаб, вайз-насиҳат айтасиз,  
Мен роҳатга етаман, кўп ўтмай шундай бўлар.  
Эҳтимол деган сўзни айтмайман мен ҳаргиз,  
Түгүнни тутган Зот марҳамати ила Ўзи ечар,  
Чунки ечини Ушине қўлида бўлшини билгин.*

Шундан кейин қамоқда бир неча кун турди. Сўнг иззат-икром қилинган ҳолда озодликка чиқди. Ибу Дурайд Абу Ҳотимдан ушбу шеърни ўқиди:

*Қалбларни ноумидлик чулғаб олса гар,  
Кенғ күнсил у туфайли тор бўлиб қолса.*



Гам-тасибиналар маскан тутиб, хотиржам бўлса,  
Бахтсизликлар унга муқим ўрнашига.  
Топмасане бир сабаб ёмонликлар зиддиға,  
Оқил ва донолар ожиз бўлса чорасига.  
Келар сенга мадад-ёрдам ноумид бўлган чоғине,  
Ижсобат этувчи Натиф зотдан нусрат эрур сенга тухфа.  
Мусибатлар барчаси етиб борса ниҳоясига,  
Яқин шодлик улангандир унумта кўргулукларга.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### МАШВАРАТ ҲАҚИДА

Билгинки, ҳар бир акл эгаси насиҳат қилувчи фикр соҳибининг маслаҳати ва комил ақл эгасининг кўрсатмасига қулоқ солмай бирор ишни қилишга жазм этмаслиги ва уни дарҳол амалга оширмаслиги эҳтиёткорликка киради. Аллоҳ таоло тўғри йўлни кўреатини кафолатини зиммасига олиши ва қўлшаб-кувватлаш ваъдасини беришига қарамай, Ўз набийсига маслаҳатланишини буюриб, шундай леган: «**Иш ҳақида улар билан машварат қил**»(Оли Имрон сураси, 159-оят). Қатода раҳматуллоҳи алайх айтади: «Аллоҳ таоло Ўз набийсига унс-улфат бўлиш ва кўнгилларини хотиржам этиш учун маслаҳатланишини буюрди». И мом Заҳҳок айтади: «Маслаҳатланишида фазилат борлигиши билгани учун шу ишга буюрди». Ҳасан Баерий деди: «Мусулмонлар Ра-сулуллоҳнинг суннатларига мувофиқ иш тутишлари ва мўминлар бу борада у зотга эргашишлари учун маслаҳатланишга буюрилганилар. Агар унга ҳожат бўлмаса ҳам». Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Маслаҳат – афсус-надоматдан сақлайдиган кўрғон ва маломатдан омонлиkdir». Али розияллоҳу анҳу айтади: «Маслаҳатланиши қандайям яхши ёрдамчи, ўзбошимчалик қандайям ёмон тайёр гарлиkdir». Умар иби Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: «Одамлар уч тоифага бўлинади. Биринчиси, ишларни ўз фикри билан ҳал қиласиган киши. Иккинчиси, счими мушкул ҳолатларда маслаҳатлашадиган ва фикр эгалари маъкул



күрган тавсияни инобатта оладиган киши. Учинчиси, нима қилишини билмай ҳайратта қолган ярамас киши. У тўғрилик ҳақида на маслаҳатлашади ва на унга йўл кўрсатганга итоат этади». Умар ибн Абдулазиз айтади: «Албатта маслаҳат ва муинозара иккиси раҳмат эшиклари ва барака қалитларидир. Шу иккиси бор жойда фикр хато қилинмайди ва эҳтиёткорлик йўқолмайди».

Сайф ибн Зиязан айтади: «Ўзига бино қўйиб, маслаҳатдан бош тортган ва фақат ўз фикрига суннган киши тўғри йўл топмайди». Абдулҳамид: «Ўз фикри ҳақида маслаҳат килувчи ўзига четдан назар солувчидир», деди. «Мансур-уи хикам» да: «Маслаҳатлашиш сенга роҳат, бошқага машаккагтадир», дейилтан. Дошишманлардан бири: «Маслаҳатлашиш айни ҳидояттир ва ўз фикри билан чекланиб қолган киши хатардадир», деди. Адиблардан бири: «Ким яхшилик сўраса, муваффақиятсизликка учрамас, маслаҳатлашган киши нушаймон бўлмас», деди. Балоғат ахлидан бири айтади: «Ўз фикрига окиллар фикрини қўшиш ва аклига донолар аклини жамлаш ақлли кишининг ишидир. Якка фикр кўпинча хатога йўл кўяди ва ёлғиз ақл кўпинча адашади», деди. Башшор ибн Бурд айтади:

*Қачон фикр маслаҳат қилинса етиб борса.  
Насиҳат қилувчи фикридан ёхуд бўлмаса,  
Эҳтиёткориш насиҳатидан фойдалан.  
Маслаҳатни ўзиге учун нуқсонга айлантирма.  
Жосуллар аскарларга қувват бўлар албатта.*

## МАСЛАҲАТ БЕРУВЧИННИГ СИФАТЛАРИ

Агар маслаҳатлашимиш қарор қилса, ўзида беш хислатни жамлаган маслаҳат ахлини излаб топади.

**Биринчи хислат**, тажрибали ва комил ақл сохиби бўлиш. Чунки тажриба кўплиги туфайли фикр-мулоҳаза ўнланади. Абузинод Аърождан, у Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллем: «Оқил кипидан йўл кўрсатишни сўрасант, тўғри йўлни топасан. Итоатсизлик қилсанг; нушаймон бўласан», дедилар. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ўғли



Мұхаммадға шундай деб насиҳат қилибди: «Жохилининг маслаҳатидан әхтиёт бўл, агар у самимий дўст бўлса ҳам. Оқилнинг адоватидан әхтиёт бўл, агар у душманга айланган бўлса. Чунки жохил ўз маслаҳати билан сени чорасиз ҳолга солиб қўяди. Натижада оқилниң макрига йўлиқиб, жохилининг касофатига коласан».

Абас қабиласига мансуб бир кишидан: «Тўғри ишларингиз нима сабабдан буича кўп?», дея сўрапди. У: «Биз минг кинимиз. Ичимизда битта улдабурон ва әхтиёткор киши бор. Шу кинига ҳаммамиз итоат килганидан улдабуронга ўхшаб кўринамиз», дея жавоб берди. Икки киши билан маслаҳатлашишдан узок бўл: биринчиси, ўзига биспо қўйтган, тажрибаси йўқ йигит, иккинчиси, замон ўзини каритгапидек акли ҳам қариган қария. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ҳар бир нарса аклга, акл эса тажрибаларга муҳтождир», деб айтилган. Шунинг учун: «Кунлар сенга яширин пардаларини очади», дейишар экан. Донишмандлардан бири айтади: «Тажрибаларнинг нихояси йўқ. Оқил киши доимо уни кўпайтириш наида юради». Донишмандлардан яна бири: «Ким ақлли кишилардан ёрдам сўраса, орзусига осон эришади», дебди. Абул Асвад Дуалий деди:

Ҳар бир ақлли киши насиҳат беравермас,  
Ҳар бир насиҳат берувчини оқил деб бўймас.  
Некин ўгу иккиси кимда бўлса гар.  
Унга лозим бўйсунши қараб улушига.

**Иккинчи хислат**, дин ва такво эгаси бўлиши. Чунки бу иккиси ҳамма яхшиликлар устуни ва барча ютуқлар эшигидир. Ким дицдор бўлса, унинг қалби ишончта лойик ва азму иродаси тавфиқ билан қувватланган. Икрима Ибн Аббос розияллоҳу ан-хумодан келтирган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва-саллям: «Ким бир ишини қилмоқчи бўлиб, мусулмон кини билан маслаҳатлашса, Аллоҳ унинг ишларини ўнглайди», дедилар.

**Учиничи хислат**, холис дўстлик ва самимият. Албатта самимият ва холис дўстлик тўғри фикрлашни ва чин дилдан насиҳат беришни юзага келтиради. Ҳукамолардан бири айтади: «Агар маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, факат ҳасадчи бўлмаган әхтиёткор ва қалбida адовати йўқ оқил кини билан маслаҳатлаши. Лёллар



билан асло маслаҳатлаша кўрма. Чунки улар фикри нохолислик ва иродаси заифликка мойилдир». Адиблардан бири айтади: «Эҳтиёткор, доно ва раҳмли кишининг берган маслаҳатида ғолиблик бор. Эҳтиёtsиз ва нодоннинг маслаҳатида хатар бор». Шоирлардан бири айтади:

Ҳамроҳинг ҳақида қўнгилни мусаффо қия,  
 Ҳолис киши маслаҳат берса, ундан хотиржам бўя.  
 Киши дўстлигининг зоҳири келтирсанга бўя рози,  
 Ким инсонларни тергаб, тафтиши қилмоқчи бўлса,  
 Улардан тоپмас бирорта қалби тўгерисини.  
 Ҳамма ҳатолари учун тергайверсанг гар  
 Бирон дўстининг алоқаси давомий бўлмас сенга.

**Тўртинчи хислат**, тўсиқ бўлувчи ташвиш ва банд этувчи ғамдан фикрининг фориг бўлиши. Чунки фикрига ғам-ташвиш кирликлари аралашган кишининг мулоҳазаси тўғри ва хаёли жойида бўлмайди. «Мансур-ул ҳикам» да айтилади: «Ҳар бир нарса ақлига, ақл эса тажрибаларга муҳтождир». Форс ҳукмдори бир ишдан ташвишланса, одам юбориб, мирзабонлари билан маслаҳатлашиб олар экан. Агар улардан жўяли фикр олојмаса, ҳазина қалитлари бериб қўйилган хос ва ишончли одамларини савалаб: «Ҳакини вактида бермаганингиз учун улардан тўғри фикр чиқмаятти», дер экан. Солих ибн Абдулкудус айтади:

Мушикул шида самимий ва қудратли  
 Каби маслаҳат берувчи бўлмас.  
 Шундай кишини маслаҳатчи қилиб  
 Таплаб олгин сен ҳам ўзингга.

**Бешинчи хислат**, маслаҳат берадиган ишдан кўзлагага манфаатдорлик ва ёрдам берадиган ҳой-ҳаваснинг йўқ бўлиши. Чунки манфаатдорлик ўзига тортувчи ва ҳой-ҳавас тўсувиидир. Фикрни ҳой-ҳавас тўсиб, манфаатдорлик ўзига торгса, маслаҳат бузилади. Фазл ибн Аббос ибн Утба ибн Абу Лахаб айтади:

Қунлар соҳида жсоҳи бўлган кишини тишитса,  
 Ҳой-ҳавас ақли расо, фикр соҳибини ташлар ҳалокатга.



Хатоға йўл қўйсан йигит мақталар баъзан-баъзан,  
Яхшиликни қилгувчи эса қолар маломатга.

Мазкур хислатлар қайси кишида бўлса, маслаҳат беришга лойик кўрилиб, фикрлар манбаинга айланади. Ўз фикрингга суюнишни афзал билиб, мулоҳазангни тўғри деб ишонган ҳолда бундай киши берган маслаҳатни олишдан юз ўтиргма. Чунки холис кишиининг фикри камчиликлардан холи ва тўғри бўлади. Бундай киши фикрининг холислиги, ўй-фикри банд эмаслиги, ҳой-ҳавасга эргашмаган ва нафсоний хохишлардан йироклиги шунга сабаб бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Аллоҳга иймон келтиргандан кейин ақлнинг боини одамлар билан дўстона муносабатда бўлишидир. Ўз фикри билан иш қилувчи маслаҳатга муҳтожлик сезади. Маслаҳатлашини билан бирор киши ҳалокатга учраган эмас. Агар Аллоҳ таоло бир бандани ҳалок қилишни хоҳласа, биринчи ҳалок қиласидиган нарса унинг фикри бўлади». Али розияллоҳу анху айтади: «Маслаҳатлашиш айни хидоятдир. Ким ўзбошимча йўл тутса, ўзини хатарга қўйибди». Луқмони ҳаким ўғлига шундай насиҳат килиган экан: «Тажрибали киши билан маслаҳатлаш. Албатта у сенга ўзига қимматга тушган фикрни тухфа киласи. Сен уни текинга оласан». Донишмандлардан бири айтади: «Фикрингни ярми биродаришгда. Сенда бутун фикр пайдо бўлиши учун у билан маслаҳатлаш». Адиблардан бири айтади: «Ким ўз фикри билан кифояланса, адашади. Ақли билан кифояланган киши хато киласи». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Йўл-йўриқ сўраб хато килиш ўз фикрига суюниб тўғриликни тошишдан кўра мактовга лойикдир». Шоир айтади:

Эй икки дўстим, фикр битта қалбда эмас,  
Будунрай ингизни менга билдириш.

**Аҳмокларга хос узрлар.** Ҳеч кимга ўзи ҳакида маслаҳатлашсам, одамлар заиф фикрим ва ноўрни мулоҳазамдан воқиф бўлади, бироннинг фикрига муҳтож бўламан, дея ҳаёлидан ўтказмаслиги лозим. Албатта бундай фикрга бориш аҳмокларнинг узлариидир. Фикрлапиншдан мақсад фахрланиш эмас, балки фикрлашиш натижасида фойда кўриш ва тойиш ўринларида ха-



тодан сақланишидир. Қандай килиб тұғриликка олиб бориб, хатодан сақлаб қолған нарса айб бўлиши мумкин? Набий соллалоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ақлларингизни музокара билан уруғлантирини! Ишларингизда маслаҳатдан ёрдам олинг!». Донинимандлардан бири айтади: «Ақлининг учун ёрдам талаб қилишинг ақли расолик белгисидир». Балоғат ахлидан бири айтади: «Ишлар мушкул бўлиб, кўпчилик сенга нисбатан ўзгарса, ақлли кишилар фикрига мурожаат қил, олим кишилар маслаҳатига суюн. Тўғри йўлни сўрашдан ўзингни беҳожагат тутма, мадад сўрашдан бош тортма. Бир нарсани сўраб саломат бўлишинг ўзбошимчалик қилиб, надомат чекишишидан яхшироқдир».

Хусусан, катта ва улуг иншларда ақл эгалари билан кўпроқ маслаҳатланиб туриши лозим. Камдан-кам ҳолларда кўнчилик фикри нотўғри ёки тўғрилиқдан холи бўлиши мумкин. Чунки ўткир хотиралар ишга тушиб, кучли фикрлар мулоҳаза юритганда мумкин нарса улардан четда қолмайди ва жоиз иш маҳфий бўлмайди. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ким кўп маслаҳатлана-са, тўғриликни кўйла киритганда мактоворчидаи, хатога йўл кўйганда узр айтувчидаи маҳрум бўлмайди. Кўнчиликнинг хатога йўл кўйиши эҳтимолдан йирокдир», дейилган.

**Фикр эгаларидан маслаҳат сўраш.** Агар кўнчиликдан маслаҳат сўраса, фикр аҳли бир тўхтамга кела олмай ихтилофга бориб, ҳар бири ўз қарashi билан ёлғизланиб қолади. Бу борада форслар баҳслашини ва фикр алмасиш учун мажлис килиш афзал, дейишади. Ҳар бир жамоа ўз хаёлидан кечган ва туғилган фикрни ўргага ташлайди. Агар таклиф қилинган фикр тўғри бўлмаса, эътиroz билдирилади. Агар уни инкор этилса, бекор қилинади. Бу худди низо-жанжалгача стиб борадиган баҳс-мунозара ва торгишувга ўхшайди. Албатта юксак фикрли кишилар йигилгани боис таклифда қандай камчилик бўлса, дарҳол кўзга ташланади, қандай хато бўлса, дарҳол мавъум бўлади. Бонка ҳалқлар ҳар бир кишидан алоҳида маҳфий тарзда маслаҳат сўрашни афзал, деб биладилар. Бунда ҳар ким тўғрилики қўйла киритиш умидида бир ўзи фикр юритади. Қобилият ва истеъоддли кишилар ёлғиз колганда тафаккур уларни ақлни

ишилтиштага ундағ, бор имконини сарфлашта мажбурулайди. Бир жойга түйланғанда эса бошқаларға ҳавола қиласы. Уларпинг бириңчи зохир бўлгани сардорға айланиб қолади. Мазкур икки йўналишнинг ҳар бири ўзининг устушилик жиҳатига эга. Иккинчиси, зохирроқдир. Мен афзал деб ўйлаган нарса зикр этилган икки йўналишдан мутлақо бошқача. Маслаҳат қилинадиган ишга қаралади, агар мақсад бир ҳолатнинг тўғри ёки ногўғрилигини аниқлаш бўлса, йиғилиб маслаҳатларни афзал. Чунки икки иш ўртасида тараддуд пайдо бўлиб, ёмон бўлса, унга ёътиroz билдириш ёки яхши бўлса, у тўғрида ҳужжатни келтириш кўзда тутилади. Бунинг учун йиғилиш афзалдир. Бу каби ишларга баҳс-мунозара йўли билан аниқлик киритилади. Агар маслаҳат кўп, жамлани мунқул, хато ёки тўғрилигини билиб бўлмайдиган, жавоби номаълум, япирин ишлар ва чигал ҳолатлардан иборат ва тўғрилиги шоаниқ, ечими қийин катта муаммо ҳақида бўлса, бундай ҳолатда ҳар ким жавоб излаб, ижтиход қилиши учун якка ҳолда фикр билдириши, ақлий қобилиятини ишга солиб бир ўзи мулоҳаза юритиши афзал деб қаралади. Шундан кейин унинг тўғри-ногўғрилиги аниқлаб олинаверади. Демак, жавоб ҳақида ижтиҳод якка ҳолда, тўғрисини аниқлаш эса йиғилиш туфайли амалга ошиади. Чунки якка ҳолда ижтиҳод кўпроқ ноапиқликни апиқлаштиради. Мунозара учун йиғилиш текширувдан ўтказади. Бунинг тафсилоти шундан иборат.

Кентгааш аҳли ҳасад ва рақобатдан узок бўлиши керак. Акс ҳолда, бу икки иллат тўғриликни шеригига етказишта монеълик қиласы. Сўнгра маслаҳат сўровчи ижтиҳод ва фикрлашишнда бир-бирларига ҳамроҳ бўлишларига қарамай, тошилган жавобни ўзига писбат беради. Масалада таклид қилувчи ва фикрда суюнувчи бўлмаслик учун барча фикриши ўрганиб, уларнинг асллари ва сабабларини аниқласа, натижана оқибатлари ҳақида изланса, ижтиҳод орқали иш кўриш оқибатида учта фойдани қўлга киритади. Биринчиси, ўз ақли ва мулоҳазаси қандайлигиги билади. Иккинчиси, шеригининг ақли ва фикри тўғрилигини билади. Учинчиси, ноаниқ фикрга аниқлик кириши, тўғриликнинг ёниқ жиҳати очилиши.

**Маслаҳат тұғрисида насиҳатлар.** Бир фикрга келігач, ана шу фикрини амалға оширишта киришаади. Агар максадига эришманса, маслаҳат бергаптарни айблашга ҳақи йўқ. Насиҳат берувчининг зиммасида ижтиҳод кишини бўлса ҳам, лекин муваффакият жавобгарлиги ва кафолати йўқ. Хусусан, тақдирлар ғолиб бўлганда. Қачон маслаҳат сўровчи маслаҳат берувчими синаётгани билиса, уни ўз раъига қўйилди, ишини ўзига ҳавола қилинади. Оқибатда у ёлғизланиб, ҳеч ким унга фикри билан ёрдам бермайди ва маслаҳат бериб, мадад қўлинни чўзмайди. Форслар ўз хикматларида айтади: «Энг заиф чора энг кучли шиддатдан яхшироқдир. Шошмасликнинг ози шошқалокликнинг кўпидан яхшироқдир. Уруп – ҳал килинган тақдир элчисидир. Агар подшо ўз фикри билан ёлгизланса, тўғри йўлни топиш унга оғир бўлади. Фикр беришга лойик деб ўйламаган, маслаҳат сўрашни лозим кўрилмаган иописанд кишидан фикр олинига тўғри келса, беихтиёр уни ғанимат билади». Чунки фикр йўқолган нарсага ўхшайди, уни қаерда топиляса, ўша жойда олинаверади. Фикр бераётган кишининг ҳолига караб, арзимайди, деб фикрини ташлаб юборилмайди. Албатта ғаввос писанд килинмаслиги дуркалрини туширмайди. Йўқолган нарсанни тошган кишини ҳакир саналиб, уни тарқ қилинмайди. Фикрини фикр берувчи обрў-эътиборини деб қидирилмайдики, ушинг қадри эътиборга олинса. Бундан кўзлашган асосий максал маслаҳат сўравчининг фойда олишидир. Абулайна Асмаъийдан мана бу шеърии ўқиди:

*Насиҳат сомилган нарсалар ичида арzonидир.*

*Насиҳатчи сўзин қайтарма, маломат қилма.*

*Албатта насиҳат иўллари ақл ва фаҳм*

*Эсалари бўлган кинжаларга қоронгу эмас.*

Сўнгра аниқ бир тўхтамга келгандан кейин фикрини амалға оширишида сусткашлик ва лоқайдликка йўл қўймаслик лозим. Чунки вақт кутиб турмайди, ҳар бир фурсат ғанимат ва ишониб қолиш эса ожизликдир. Салтанатини бой берган подшоҳдан: «Унинг талон-тарож бўлишига нима сабаб бўлди?», деб сўрашидир. Подшоҳ: «Бугунги ишни эртага қўйиним», дея жавоб берган экан. Шоир айтади:



Агар фикр эгаси бўлсанг, азму қарор эгаси ҳам бўя.  
Фикрни иккиланиш ила бузувчи бўлмагин ҳеч.  
Мен азму қарорни кечиктиришини айб билсам,  
Фикр эгаси қарорин тўғери деб билдим.

Маслаҳат бериш даражасига кўтарилиган, самимий насиҳатчи мақомига қўйилган, муваффакияти умид қилинган ва хато қилмаслиги кутилган киши бу неъмат ҳақини холис ният билан адо этмоғи ва унга итоат этилгани учун чин дилдан насиҳат қилиб, шукрини бажо келтирмоғи лозим. Набий соллаллоҳу алайхи васаллам айтадилар: «Агар насиҳат сўраса, самимий насиҳат бериш мусулмошининг мусулмон зиммасидаи ҳақидир».

Кўпинча маслаҳат бериш айримлар димоғини кўтариб, ўзига бино қўйишига сабаб бўлади. Бу қабилардан маслаҳат олишига қизиқма. Чунки ўзига бино қўйган одамда тўғри фикр ва соғлом мулоҳаза бўлмайди. Аксар ҳолларда адоват сақлагани, кибр ёки ҳасад туфайли тўғри фикр беришга ҳам ярамайди. Қалбида кечмаган гапни тилига чиқаради ёки макрни қўллайди. Душмандан эҳтиёт бўй, ҳасадчига инсонма. Тўғри йўл топиш умидида маслаҳат сўраган ҳар бир киши хоҳ дўст бўлсин, хоҳ душман бўлсин, фикрни яширишга, агар омонат қўйилган бўлса, хиёнат килишга узр йўқдир. Мухаммад ибн Мунқадир Оиша розияллоҳу анходаи ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар: «Маслаҳат сўровчи ёрдам берилган, маслаҳат сўралган киши омонатдордир». Сулаймон ибн Язид айтади:

*Маслаҳат сўраса, биродарингга маслаҳат бер.  
Насиҳат берса, биродаринг насиҳатин қайтарма.*

Лекин у қадар муҳим бўлмаган вакъларда маслаҳат сўрандан олдин маслаҳат беришга ошиқмаслик лозим. Фикрни фақат зарурат вактидагина тухфа этиш даркор. Чунки фикрлар айблаши ёки четна суришдан холи эмас. Бу иккисидан қай бири бўлса ҳам барибир доғ бўлиб тушади. Фикр сўраш рағбат ва талабдан ёки сабаб ва туртқидан келиб чиқса, қабул қилинади. Абу Ҳилол Ижлий Ҳузайфа ибн Ямондан келтирган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар: «Луқмон ўғлига: «Эй ўғ-



лим, ағар гувоҳликка чақирилсанг, гувоҳлик бер. Агар ёрдамга чақирилсанг, ёрдамнин аяма. Агар сендан маслаҳат сўраниса, ўйлаб кўрмасдан бурун шошиб маслаҳат берма», деган экан». Байҳас Килобий айтади:

*Одамлар ичидаги шундайлари бор.  
Маслаҳат сўраса сендан, фикр беришига  
Жидду жаҳд қиласин, ўйлаб ўтирмаи.  
Лекин у қилмаганингни кўриб,  
Сени хоин ва алдоқчига чиқарар ишон.  
Нойиқ бўлмаганга фикрингни айта кўрма.  
Мактоб-ку олмайсан, фикр ҳам фойда бермас.*

## ТЎРТИНЧИ ФАСЛ СИР САҚЛАШ ҲАҚИДА

Билгинки, бирорга сирни айтмаслик муваффақият сабабларининг кучлиси ва солиҳлик ҳолатлари давом этиши учун мухим воситадир. Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ҳожатларни битириш учун уни сир тутишдан ёрдам ол. Албатта ҳар бир исъмат эгасига ҳасад қилинади», дедилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху айтади: «Сиринг сенинг асирингидир. Қачон уни бирорга айтсанг, ўзинг асирига айланасан». Донишмандлардан бири ўғлига: «Ҳақ йўлида мол сарфлашни қизғанма, сирларни ҳаммага айтишдан қизған. Чунки киши саҳоватининг мақталгани яхшилик йўлида инфок қилиш ва яширин сирларни айтмасликдир. Адиблардан бири айтади: «Ким сирини яширеа, ихтиёр унинг фойдасига, ким уни фош килса, ихтиёр унинг зарарига бўлади». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Сирингни яширишинг сени хурсанд қиласиган нарсадир». Фасоҳат аҳлидан бири айтади: «Қовурғалар ичидаги ғойиб бўлмаган нарса очиқ ва зоедир». Шоирлардан бири Анас ибн Усайд айтади:

*Сирингни ўзингдан бошиқага айтма.  
Албатта дўсти бор ҳар бир дўстнинг.*



Чакимчи одамларнинг итлар каби  
Бутун терини кўрдим қолдицмачанин.

Бирорга сирни ошкор килиш қанча-қанча сир эгаларининг қонини тўкиб, мақсадига етишига тўсқинлик килган. Агар сирини айтмай, янира олганида тажовуздан омонда, оқибатидан саломат ва хожатлари бароридан келган бўлар ёди. Анушервон айтади: «Ким сирини саклай олса, унда икки хисмат найдо бўлади. **Биринчиси**, мақсадга етиши, **иккинчиси**, турли хужумлардан омонлик. Бирорнинг сирини очиш кишига ўз сирини очищдан хунукроқдир». Бу холатда унга икки шармандалик йўлиқади: омонат қилиб тоширилган бўлса, хиёнат, ишониб айтилган бўлса, чакимчилик. Зараф кўришида кўпинча бу иккиси баравар бўлади ёки бири иккинчисидан кўпроқ зиёнга учрайди. Ҳар иккиси ҳам мазаммат этилган. Сирни очган киши ҳар иккиси учун ҳам маломат қилинади.

### СИРНИ ОШКОР ЭТИП ЁМОНЛИКЛАРИ

Бирорга сирини бемалол ошкор қиласаверишда уч ёмон ҳолатга далолат бор. **Биринчиси**, ичи торлик ва сабрсизлик. Албагта унда сир сифадиган кенглик ва сабр-тоқатга куч тошилмайди. Шоир айтади:

*Агар киши тили билан ўз сирин очса,  
Бунинг учун бошқаларни айблаб юрса.  
Бас, у айни аҳмоқдан бошқа эмаслигин бил,  
Агар қалб ўз сирин сақлашига торлик қиласа,  
Сақлашини вайда қиласан қалб ундан-да торроқ.*

**Иккинчиси**, окил кишилар эҳтиёткорлик туфайли ғофиллик ва зукколар уйғоқлигидан парионлик. Донинимандлардан бири айтади: «Сирингни ҳеч кимга айтмай ўзингда сақла. Уни эҳтиёткор кишига омонат қилиб тоширма, у ҳам адашади. Ноёнга ҳам ишонма, (сирингни очиб) хиёнат қиласди».

**Учинчиси**, хиёнат қилиб фойдаланиш ва хатардан кўркиб ишлатиш. Донинимандлардан бири деди: «Сиринг сенинг қонингдир. Қачон уни бирорга айтсан; ўз конингни тўкибсан».



Билгинки, шундай сирлар борки, хисса күпшувчи дўстнинг хабардор бўлишига ҳамда безарап ва самимий насиҳатчидан маслаҳат олишга эҳтиёж бўлади. Бас, агар оқил киши ўз сирини яшириш иложини топмаса, уни айтиш учун ишончли одамни танласин. Сирни омонат қилиб тошириладиган ва айтиладиган кишини танлашни ўйласин. Мол-мулкни ишониб топшириладиган кишиларнинг ҳаммаси ҳам сирларни сакланада омонатдор бўлавермайди. Молдан ўзини тийини сирларни ёйишдан енгилроқдир. Чунки баъзан тили беихтиёр кетиб ва сўзида адапиган киши ўз сирини очганини ўзи билмай қолиши мумкин.

Сирни сақлаш ва асрараш учун озгина молга баҳиллик қиласди. Озгина молини сақлаб қолини тарқалиган сирининг катталиги ва келтан заарарнинг улканлиги олдида арзимаслигини ўйлаб кўрмайди. Шунинг учун сир сақловчи мол омонатдорларига караганда кам ва топилиш эҳтимоли деярли йўқ. Молларни саклаш сирларни сақлашдек эмас. Чунки молларни кўриқлашга каттиқ эътибор берилса ҳам, сирларники уйдай эмас. Сирларни бор-йўғи сўзловчи тил тарқатади ва адапиб айтилган гап тез ёйлади. Умар иби Абдулазиз айтади: «Қалблар сирлар идишилди, лаблар қулфлари ва тиллар қалитларилир. Ҳар ким ўз сирининг қалитини сакласин».

Сирнинг омонатдор сифатларидан биринчиси, заарлардан тўсувчи ақлга эга, сирларни ошкор этишдан қайтарадиган дини бор, маслаҳатини аямайдиган самимий дўст, табиатан камгаپ ва сир бой бермайдиган бўлишилди. Албагта бу сифатлар сирларни ошкор этишдан қайтариб, омонатни саклай олишни такозо этади. Кимда мазкур сифатлар тўлиқ бўлса, у узокларга учувчи апқодидир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Оқил кишиларнинг қалблари сирларнинг кўргонларидир».

Сир соҳиби ўз сирини билишта интилевчи, ундан воқиф бўлишга кизиқувчига сақлаш учун тоширишдан олдин ўйлаб кўрсин. Чунки омонатни талаб кијувчи кўн ҳолда хони бўлиб чиқади. «Мансур-ул ҳикам» да: «Сирингта совчилик қијувчига сирингни никохлаб берма», дейилган. Солиҳ иби Абдулқудус айтади:

Сирни сендан сўрагувчига оинкор этма,  
Сирни сўровчи уни тарқатувчилир.



Сирнинг омонатдорларини кўпайтиришдан сақлансин. Чунки омонатдорлар кўпайиши тарқалиш сабаби ва ёйилиш йўлидир. Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси, кўпчиликда айтиб ўтилган шартлар топилиши қийин. Қачон улар кўпайса, айрим шартларга футур стиш эҳтимоли йўқ эмас. Иккичиси, ҳар бири ўзини оқлаб, тарқатмаганига, айбни бошқаларга тўнкашга йўл қидиради. Натижада бегунохга айланиб, маломатдан қутулиб колади. Ҳакимлардан бири айтади: «Сақловчилар кўпайган сари сирнинг зое бўлиш хавфи ҳам ошади». Шоирлардан бири деди:

*Бир кишида бўлган нарса сир бўлур,*

*Учтанинг сири маҳфий бўлмайдир.*

Бошқаси айтади:

*Сирингни гапирма асло ҳеч кимга,*

*Ҳар бир сир икки кишидан ошса,*

*Тарқалган ҳисобланар албатта.*

Агар сирнинг тарқалишидан қўрқмаса ҳам, манманлик ва димоғдорликларидан сақлана олмайди. Агар сирни ақл тутиб турмаса, фазилат тиймаса, уни билиб олган кишида жуда кекайиши ва тақаббурлик кузатилади. Бу қуллик хорлиги ва итоаткорлигидан ҳам оғирроқдир. Шунинг учун баъзи донишмандлар: «Ким ўз сирини ёйса, унинг устидан хўжайнлик қилувчилар кўпаяди», дейди. Қачон ишончли одамни танласа (хулки сайқалланган кипини танлашга муваффақ қилинишини умид қиласан), сирни омонат кўйишига мажбур бўлса, кошки, мажбурлик ҳолатига тушмаса, омонат сақловчи асраб-авайлаган, ўзини унугтганга солган ҳолда адо этиши зарур. Ҳатто ҳаёлига келтирмаслиги ва дилидан ўтказмаслиги керак. Сўнгра унинг хурматини сақлаб, пасткан ва тубан кишилар каби гердаймайди. Ривоят қилинишича, бир киши дўстига бир гапни шивирлаб айтиб: «Тушиндингизми?», дебди. Дўсти: «Тушунмадим», дебди. У: «Ёнда қоллими?», деганда, «Йўқ, унудим», деган экан. Бир кишидан: «Сирни қандай яширса бўлади», деб сўрашибди. У: «Хабар берувчини эсдан чиқариб, сирни сўровчига касам ичаман», деган экан. Шоирлардан бири деди:



Қовурғаларимдағи сирлар өзінде  
Бутунлай унұтишга қодир бүлсам агар.  
Бир күн уни ёйишідан құрқсам,  
Сирларини унұтувчиларнинг  
Эң аввалесі мен бүлар әдім.

Хикоя қилинишича, Абдуллоҳ ибн Тохирнинг мажлисида сир сақлаш ҳақида сўз борди. Шунда Абдуллоҳ ушбу байтни ўқиди:

Менга сирини омонат қалиб топшырганни  
Сирини қабуя қалиб, ичимда жойлашган  
Бир қабрга уни көмиб ташлайман.

Ўғли Убайдуллоҳ айтади:

Қалбимдағи сир лаҳаддаги мурдага ўхшамас,  
Албатта мен дағы қилингани  
Қайта тирилишини кутаётир деб биламан.  
Некин мен уни ўзимдан ҳам сир тутаман,  
Ҳеч бир замон ундан хабарим бўлмагандек.

## БЕШИНЧИ ФАСЛ

### ҲАЗИЛ-МАЗАХ ВА КУЛГИ ҲАҚИДА

Билгинки, ҳазил-мазах қилишда ҳақларга риоя этмаслик, алоқаларни узиш ва бузин учун йўл бор. Бу иш ҳазил-мазах қилувчининг шаънига доғ тушириб, устидан қулингандык кишини озор беради. Ҳазил-мазах қилувчининг шаънига доғ тушиши ундан ҳайбат, викор ва кўрқамлики кетказиб, енгилтак ва аҳмоқлар журъатини пайдо қиласи. Ҳазил-мазах қилингандык кишини озор стиши эса ёқимсиз сўз, азият бсрувчи ҳатти-ҳаракат туфайли амалга ошади. Агар ўзини химоя қила олмаса, дили ўксийди, ҳазил-мазахга яраша жавоб қайтарса, одобдан четланади. Оқил киши бундай иллатдан сақланиши ва ёмонликларидан ўзини пок тутиши лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳазил-мазах шайтон томонидан бўлган истидрож (ёмонликка билдиримай йўлиқтириш), ҳавоий нағс тарафидан алдовдир», дедилар. Умар ибн Абдулазиз деди:

«Хазил-мазахдан сақланинглар. Чунки у ўргага адовағ соладиган ахмоқликдир». Донишманлардан бири айтади: «Хазил-мазах бу – сўкишдир. Бунинг сўкишдан фарки хазил-мазах қилувчи кулади, холос». Мазах ҳақдан кетказгани учун шу ном билан аталига.

Иброҳим Нахаъий айтади: «Хазил-мазах ахмоқлик ёки мутакаббирлик туфайли келиб чиқади». «Мансур-ул ҳикам» да: «Хазил-мазах олов ўтинни егани каби ҳайбатни ейди», дейилган. До-нишманлардан бири айтади: «Ким кўп хазил-мазах кииса, ундан ҳайбат кетади. Ким кўп хилоф қииса, гийбати ёқимли бўлади». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Ақли кам киши кўп ҳазил қила-ди». Холид ибн Сафрон ҳазил-мазах ҳақида шундай деган экан: «Бирингиз ўз ҳамроҳини тош билан ургандан ҳам қаттикроқ уриб, ханталдан ҳиди ўткир нарсани ҳидлатиб, қозон қайнагандан ҳам иссик нарсани устидан қуиб: «Ҳазиллашган эдим», дейди. До-нишманлардан бири айтади: «Ҳазил-мазахнинг леярли яхшиси йўқ, ёмони айтилмайди». Бу ганига кўшимчалар қилиб Сабурий ўзининг одобларни жамлаган касидасида шундай деб келтиради:

Киши ҳазилининг ёмони айтилмас,  
Яхшилигида, эй дўст, эрпаштмайди.  
Йиғит айтган кўп ҳазиллар гоҳида  
Олиб борар орадаги низога.  
Ҳазилининг боши ҳаловат эрур,  
Лекин унинг охири бўлар адоварат.  
Ундан шарафли ўзини сағлар,  
Аҳмоқ ахмоқлик қилиб журъат қилар.

Абу Нунос айтади:

Сенга гап отганга ёнинги тут.  
Унинг олдидан салом билан ўт.  
Сукут касаллиги билан ўл.  
Шу сен учун гап дардидан яхшидир.  
Оғзиши юғанлаган киши бўлур саломат.  
Ҳазил-мазах туфайли ҳалокат эшиклари очилур.  
Ўлимлар ҳалойиқни еб-ичар доим.

## ЕНГИЛ МУТОЙИБЛ

Билгинки, хунимуомала киши камдаш-кам ҳазил-ма захдан холи бўлади. Оқил киши ҳазил-мутойибадан икки холатдан бирини кўзлайди. Учинчиси йўқ.

**Биринчи ҳолат**, ҳамсухбатларни хушнуд килиш ва эшитувчиларга дўстлик ва хайриҳоҳлик изҳор этиш. Бу мос келадиган чиройли сўз ва яхши деб ҳисобланган иш туфайли амалга ошади. Саиъд ибн Ос ўғлига: «Ҳазил-мутойиба қилишда ўргача бўл. Чунки ҳаддан ошиш кўркамликни кетказиб, сенга аҳмоқлар журъат этишини келтириб чиқаради. Бир хатога йўл қўйиш эса улфагларни тарқатиб, ҳамроҳлар ташлаб кетишига сабаб бўлади», деган экан.

**Иккинчи ҳолат**, ҳазил-мутойиба орқали ҳосил бўлган ма-лолликни ёки пайдо бўлган ғамни кетказиш. «Мусибатга учраган киши нафас чиқариб, сингил тортиши лозим», дейишади. Абулфатҳ Бустийнинг шеъри менга айтилди:

*Жидду жаҳд билан чарчаган табиатингга,  
Эркин ҳолда ҳордиқ чиқаршига имкон бер.  
Уни бир оз ҳазил билан овутгин.  
Унга ҳазилни айтган чоғингда,  
Таомга солингган туз миқдорича бўлсин.*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳазиллари шундай бўлган. У зот: «Мен ҳазиллашман. Лекин ҳақдан бошқани айтмайман», дедилар. Мана буларни у зотнинг ҳазил-мутойибалирига мисол қилиб келтириш мумкин: ансорлардан бир кампир келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мағфират сўраб ҳақимга дуо қилинг», деди. У зот: «Жаннатга кампирлар кирмаслигини билмайсизми?», деган эдилар, ҳалиги кампир доҳ-фарёд қила бошлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи васаллам табассум қилиб: «Аллоҳ азза ва жалланинг «Албатта биз уларни дафъатан, хос қилиб яратдик. Бас, уларни бокира кизлар қилиб кўйдик. Бир хилдаги тенгдош маҳбубалар» (Воқеа сураси, 35-37-оятлар) деганини ўқимаганмисиз?», дедилар.

Бошқа бир аёл эрининг ҳожатини деб келганда: «Эринг ким?», дедилар. У: «Фалончи» деди. У зот: «Кўзида оки бор кишини?»,



дедилар. Аёл: «Йўқ», деди. Росууллоҳ: «Кўзида оқи бор», дедилар. У шоша-ниша бориб, эрининг кўзига диққат билан тикила бошилади. Эри: «Ҳа, нима гап», деди тушумай. Аёл: «Расууллоҳ менга кўзингизда оқ борлигини айтдилар», деди. Эри: «Кўзларимнинг оқи корасидан кўшлигини кўрмаясанми?», деди. Бир киши Али розияллоҳу анхунинг олдига келиб: «Мен онамга эҳтилом бўлдим», деди. У зот: «Уни куёшга қўйиб, соясига дарра уринглар», дедилар. Ином Шаъбийдан шайтон гўштини ейиш ҳақида сўрашганда: «Биз уни озига ҳам рози бўлардик», деди. У кишидан: «Иблис хотишининг исми пима?», деб сўрашганда: «Унинг никоҳида гувоҳ бўлмаганмиз», деган экан. Бир киши хизматкор болага: «Мен билан бирга қанчага ишлайсан?», дебди. У: «Таомим билан бирга», дебди. Ҳалиги одам: «Озроқ енгиллантири», деганда, йигит: «Душанба ва пайшанба кунлари рўза тутаман», деган экан. Ҳикоя қилинишича, муҳаддис Абу Солих иби Ҳассон бир куни шогирдларига ҳазиллашиб, ўзининг мана бу сўзида энг фақиҳ киши Ваддоҳул Ямандир (яманлик кўркам юзли) деди:

*Мен унга кел, узат десам, ранжиди,  
Ҳаром нарсадан Аллоҳ асрасин деб, узатмади.  
Ҳатто ҳузурида зорланиб, Аллоҳ рухсат берган  
Кичик гуноҳлар ҳақида хабар бердим.*

Меъёрдан ошиб, бетамизликкача етиб бориш айб ва ёмонликдир. Абу Муовия Зорирдан келтирилган нақлни бунга мисол килиб келтириш мумкин. У муҳаддис эди. Бир куни ҳамроҳлари олдига мана бу байтларни айтган ҳолда чиққан экан:

*Қачон меъда айниса,  
Унга манжаниқни от:  
Шириш, суюқ бўлмаган  
Набиздан учтасини.*

Бундай ҳазил орқали у бетамизлик қилиб ўзига тұхматни қандай чакираёттанини кўраяпсизми? Аслида унинг ўзи бундан пок ва узоқ бўлса керак. Абу Хурайра розияллоҳу анху ҳазил борасида анча эркин эди. Ибн Кутайба «Маъориф» номли китобида шундай келтиради: «Марвои уни Мадинаға амир килиб кўйиб кетар эди. У



кини әгарланған әшап миниб юрар, бир кишиға учраб қолса, йүлни бўшатинглар, амир келди, дер эди. Баъзан ўйин ўйнаётган ёш болалар олдига келиб, билдириласдан ўзини ораларига отиб, оёғи билан ерни тепар, улар қўркиб қочишар эди».

Бу рухсат берилған миқдордан чиқиши хисобланади. Абу Ҳурайра роҳияллоҳу анхунинг бу ишиларининг биз билмаган жоиз таъвили бўлиши мумкин. Суҳайб иби Синон розияллоҳу анху ҳам ҳазилкани ёди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Кўзинг оғриётган бўлса хурмо ейсанми?», дедилар. У киши: «Эй Аллохнинг Расули, иккинчи томони билан чайнайман», деди. Суҳайб розияллоҳу анху Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳазил билан жавоб беринни жоиз леб билди. Чунки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саволлари ҳазил тарикасида бўлиб, Суҳайб розияллоҳу анху у зотнинг саволларига мақсадларига кўмаклашиш, калбларига яқинланиш умидида муносиб ҳазил-мутойиба билан жавоб берди. Аслида ҳеч ким у зотнинг жавобларини ҳазилга олиши мумкин эмас. Ким Аллоҳ азза ва жалланинг ҳукмларини баён қилувчи, амрларини халойиққа етказувчи у зотнинг жавобларини ҳазил-мазах қиласа, Аллоҳ ва Росулига осий бўлибди. Суҳайб розияллоҳу анху бундай йўл тутишдан йироқ бўлиб, Аллоҳ ва Росулига итоати жуда каттиқ сахобий ёди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен арабларнинг исломга энг аввал кирганиман, Суҳайб румликларнинг энг аввалгиси, Салмон форсларнинг энг аввалгиси, Билол ҳабашшарнинг энг аввалгисидир», дедилар.

Ҳазил-мутойибанинг маъқул тоғилиб, рухсат берилганига Зубайр иби Баккор Киндийдан хикоя килған мана бу воеса ҳам киради. Унда айтилишича, Қушайрий раҳматуллоҳи алайҳ олдиди турған саҳрои бир шайхдан: «Эй аъробий, кимлардан бўласап?», деб сўради. У: «Бани Үқайлдан», деди. У кини: «Қайси Бани Үқайлдан?», деса, у: «Бани Ҳафожадан», дебди. Ўшандаги Қушайрий раҳматуллоҳи алайҳ мана бу шеърии айтган экан:

*Бани Ҳафожадан бир шайхни қўрдим.*

*Аъробий: «Нима шии бор?», деди.*

*У эса: «Қоронғу тушганда ҳожжат бор», деди.*

*Аъробий: «Нима экан у?», деди.*

*У: «Ҳўрзиниң товуққа ҳожжати каби», деди.*



Аъробий таажжубга тушиб: «Куриб кеткур, қавмнинг сирлари-ни қаердан билдинг?», деган экан. Қаранг; ҳазил йўли билан тили нок, обрўси сакланган ҳолда қандай килиб максадига эришашапти. Мана шу аҳли фазллар учун, агар оҳангги хунукроқ бўлса ҳам рух-сат бериладиган нарсанинг энг охирги ҳад-чегарасидир. Шундай бўлса-да бунга ўхшиш мисошлиардан тилни пок тутиш авлороқдир. Киши душман билан ҳазиллашишга берилib кетишдан эҳтиёт бў-лиши лозим. Чунки унга ҳазиллашиб ўзининг заиф томонларини бишдириб кўяди ва у эса буни жиљдий кабул қиласди. Шунинг ба-робарида унга чиндан ҳазил-мазах қилиб қасосини олишига имкон яратиб беради. Донишмандлардан бири айтади: «Агар душманинг билан ҳазилланисанг, айбларинг ошкор бўлади».

## КУЛГУНИНГ ОФАТИ

Кулишга одатланиш жилдий ва муҳим ишларга назар солишдан ҷалғитиб, рўй берган фалокатлар ҳақида фикр юритишдан ғафлат-да колдиради. Кўн кулиш кишида ҳайбат ва викорни, шу сифатни олган кишида қадр ва эътиборни кеткизади. Абу Идрис Хавлоний Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анхудан келтирган ривоятда Расулуллоҳу соллаиллоҳу алайхи васаллам: «Кўн кулишдан саклаи. Чун-ки кўн кулиш қалбни ўлдиради ва юз нурини кетказади», дедилар. Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан Аллоҳ таолонинг: **«Улар: Вой, шўrimiz курсин. Бу қандай китоб, кичикии ҳам, каттани ҳам колдирмай хисоб қилибди», дерлар»** (Каҳф сураси, 49-оят) ояти-даги «кичиник» ни одам ўзи эшитадиган кулигу, «катта» ни қаҳқаҳа, деб тафсир қилгани ривоят қилинган. Умар ибн Хаттоб айтади: «Кўн кулиш кишининг ҳайбати камаяди». Али розияллоҳу анху айтади: «Агар олим бир марта кулса, илмдан бир қисмни туфлаган бўлади». «Мансур-ул ҳикам» да: «Мўминнинг кулгуси қалбидаги ғафлатлар», дейилган. Кулиш ҳақидаги гап мазах ҳақидагиси билан бир хил. Агар инсон кулгудан четланса, унинг улфати камаяди ва бир ўзи ёниз бўлиб колади. Агар у кулишга ўрганиб колса, унинг холи айтиб ўтганимиздек бўлади.

Бас шундай экан, кўнгил олиш чоғида кулиш ўрнига табас-сум ва очик чехрали бўлишни одат қилсиз. Умар ибн Хаттоб



айтади: «Табассум ҳазиллашишдир». Бу күнгіл олини борасыда баъзан истехзо ва таажжубга айланиб қоладиган күлинидан кўра дурустрокдир. Нафени ғафлатда қолдирған фавқулодуда сабаб билан юз берган камдан-кам учрайдиган кулгунин ишкор килинмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламининг ўзлари табассум қилғанларида тишларининг оқи кўринишап. Албатта бу холат биз айтиб ўтган важҳга кўра бўлган.

## ОЛТИНЧИ ФАСЛ

### ШУМЛАНИШ ВА ЯХШИЛИКНИ УМИД ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Билгинки, фикрга зарар бериш, тадбирни бузишда шумланышдан ёмонроқ иллат йўқ. Ким сигирнинг бўкириши ёки карғанинг қағиљлаши тақдирни ўзгартиради ёки бир мусибатнинг олдини олади, деб гумон қилса, ғирт жоҳиј бўлибди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Юқин, шумланиш, бойўғли ва сафар йўқдир». Юқиши одамлар гумон қилғанларидек, иллат ва касалликлар ўтишидир. Бузарнинг бошқа бирорга юқмаслигиин хабар берган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз туюнинг лабидаги кўтиригининг бошқаларига ҳам юқканини кўрамиз», дейинди. У зот: «Биринчисига нима юқтирган», дедилар.

Бойўғли жоҳилията даврида ўлдирилган кишининг қасоси узок вақтгача олинмаса, учининг қабрида: «Мени сугоринилар», дея нола қиласиди, деган араблар эътиқодидир. Зубурқон ибн Бадр айтади:

*Эй Амир, ё сўкиши ва обрўйим тўқишини тўхтатасан,  
Ё сенинг бошингга етаман ҳамто,  
Бойўғли: «Мени сугоринилар», дейди.*

Иброҳим ибн Ҳарма айтади:

*Қандай қилиб улардан қўрқасан?  
Улар сүяклар ва қабргаларга айланаша бўлса,  
Кечқурун садоси ва бойқушлари сағраб турса.  
Бир-бирларини ўйқ қиласидилар, ҳеч ким қолмади,  
Ҳар бир қабила узуглари фонийлик павбатига шошишур.*

Сафар – бу илонга ўхшаган нарса бўлиб, хайвонлар ва одамларга зиён етказади. Улар назлида бу кўтирдан ҳам юқимлироқ деб қаралади. Бу хақда шоир айтади:

*Мадорсизлик ва қасалликдан оёғни тутолмас,  
Озинглигидан қовургасига сафар ҳам ёнишмас.*

Абу Хурайра розияллоҳу аину ривоят қилиган ҳадиседа Расулуллоҳ соллалилоҳу алайҳи васаллам: «Агар гумонга борсангиз, унга кўра иши кўрманги: Агар ҳасад қилсангиз, заарар етказманг. Агар шумлансангиз, йўлда давом этинг, Аллоҳга таваккал қилинг». Шоир айтади:

*Шумланни тақдирни қайтармас асло,  
Замона узрин қабул эт, мағоматга ташлама.  
Қайси куни баҳт билан сен хослайсан,  
Ҳар куни ўлимлар етар тұхтөвсиз.  
Бирор қун йўқки, унда баҳт ва баҳтсизлик  
Бир қавмдан боиқасига ўтиб турмаса.*

Халқ ичидаги форслар энг кўп шумланадиган кишилар бўлишган экан. Араблар сафарга чиқмоқчи бўлишса, йўлда учраган биринчи кунини ҳайдаб учирар эди. Агар у ўнг тарафга учса, яхшилик аломати деб ҳисоблашар, чап тарафга учса, шумланнишиб, изларига қайтишар экан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтариб: «Күшларни ўзлари кўнадиган жойларда қолдиринглар», дедилар. Икрима ҳикоя қиласиди: «Биз Ибн Аббоснинг хузурида ўтирган эдик, бир қуш қичқирганча учеб ўтиб кетди. Қавмдан бир кини: «Яхшилик» деди. Ибн Аббос: «Яхшилик ҳам эмас, ёмонлик ҳам», деди. Лабийд айтади:

*Умринега қасамки, Аллоҳ нима қилишини  
Тошчаларни үрувчилар ҳам,  
Күшларга қараб фол очувчилар ҳам билмас.  
Шумланни умиқсизлар боштапанасидир.*

Билгинки, шумланишга аҳамият бермаган киши камдан-кам топилади. Айниқса, хоҳиши-иродасига тақдир тўғаноқлик қилиган, орзу-талабига стишдан қисмат тўғсан, ноумидлик ғолиб келиб,

умиди ҳали сўнмаган, хавф яқин бўлиб, кўз тикиб турган бўлса. Қачон қазои қадар тўсик бўлиб, орзуси ушалмаса, шумланишни омадсизликка баҳона килиб олиб, Аллоҳ азза ва жалланинг муқаррар ҳукми ва хохишидан ғофил бўлади. Қачон у шумланса, бир ишни қилиндан бош тортиб, ютуққа эришишдан умидини узади. Шумланишдаги бу таққослашни доимий деб билиб, унинг таъсирини узлуксиз деб ўйлади. Кейинчалик бу холат унинг одатига айланади. Ҳаракати ўйлаган натижани бермайди, мақсади тўлиқ амалга ошмайди. Кимга тақдир ёрдам бериб, қазои қадар мақсадига мувофиқ келса, иқболига ишониб, саодатига суюниб иш тутганидан шумланини камаяди, хавф-хатардан холи бўлиб эҳтиёткорлик тутиб қолмайди. Кайтганда зафар билан ютуққа эришган ҳолда қайтади. Чунки фойда бир ишга журъат қилиб киришиш ва муваффакиятсизлик иккиланишдадир.

Шундай экан, шумланиш омадсизлик белгиси, унга эътибор бермаслик омад аломатидир. Шуни бошдан кечирган ва унга йўлиқкан киши ўзидан аҳмоқлар вассасаси, муваффакиятсизлик сабаблари ва маҳрумлик воситаларини кетказиши, азму қарорини бузиш ва Яратгацдан норози бўлишда эркини шайгонга бериб қўймаслиги, Аллоҳ таолонинг қазои қадари ғолиблигини, ризки бандани қилириб юришини, ҳаракат шунга сабаб бўлишини билиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳалойиқка зиён стказмайдиган, тақдирда ёзилганини қайтармайдиган нарса уни ҳаракатдан кайтармасин. Агар азму қарорига берилса, Аллоҳга суюниб, берилмаса рози бўлиб давом этаверсин. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Инсонда шумланиш, гумон ва ҳасад иллати бор. Шумланишдан бир ишда орқага қайтмаслик, гумон асосида иш кўрмаслик ва ҳасаддан озор бермаслик уни ҳалос этади», дедилар. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шумланини каффорати Аллоҳ таолога таваккал қилишдир», дедилар. «Мансурул ҳикам» да: «Яхшилик шумланишни тарқ қилишдадир. Агар шумланиш тўғрисида бир шубҳа рўнара бўлса ёки қандайдир гумон туғилса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган мана бу сўзларни айтсин: «Ким шумланса: «Эй Аллоҳ,



яхшиликларни факат Ўзинг келтирасан, ёмонликларни факат Ўзинг лаф этасан. Куч-куват факат Аллоҳ биландир», дейилган.

Ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз бир ҳовлида яшадик, унда мол-мулкимиз ва ададимизга барака етди. Бошқасига кўчиб ўтганимизда у срда мол-мулкимиз ва ададимиздан барака кетди», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ундан кўчинглар. У бехосият жой экан», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзлари шумланиш маъносида эмас, балки олдингиси баракали эканини билдириб, ётсираётганини тарқ этиб, ўзлари ўрганганига ўтиш маъносидаги тавсиядир. Бир нарсани яхшилик нишонаси деб ётибор қилишида азму қарорни кучайтириш, жидду жаҳдга турғки, зафарни кўлга киритиш учун кувватлаши бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир канча ғазот ва жангларини яхшиликка йўйганлар. Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир сўзни эшитдилар. Ўша сўз у зотга ёқди. Шунда: «Оғзингдан чиққан сўзни яхшилик нишонаси деб умид қилдик», дедилар. Яхшиликка йўйган одам энг яхни таъвиллар билан таъвил қилиши, ўзига ёмон гумонга йўл қолдирмаслиги зарур бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта бало сўзга боғлаб кўйилгандир», деганлар.

Хикоя қилинишича, Юсуф алайҳиссалом Аллоҳ таолога зинданда узок қолганидан шикоят қилибди. Аллоҳ таоло у зотга ваҳий тушириб шундай деган экан: «Эй Юсуф, сен: **«Роббим, улар чакирган нарсадан менга хибс яхшироқдир»** (Юсуф сураси, 33-оят) деб ўзингни ўзинг хибсга туширдинг. Агар: «Менга оғият яхшироқдир», деганингда сенга оғият берилгандар бўларди. Ривоят қилинишича, шоир Муаммал ибн Умайл Ҳийра кунида шундай деган экан:

*Муаммални Ҳийра куни қараши нимжон қилди,  
Коинки Муаммалда кӯз яратишмаган бўлса эди.*

Шундан кейин унинг кўзи кўрмайдиган бўлиб қолди. Тушуда бирор келиб: «Мана сен сўраган нарса», деган экан. Ҳи-



коя килининиң, Валид иби Язид мусхәфға караб, фол очганды Аллох таолонинг: «**Фатху нусрат сўрадилар ва ҳар бир жабр қилувчи, саркаш кимса ноумидикка учради**», (Иброҳим сураси, 15-оят) деган сўзи чиқди. У мусхәфни йиртиб, майдалаб ташлагандан кейин ушбу шеърни айтган экан:

*Ҳар бир жабр қилувчи, саркашни қўрқитасанми?  
Мана мен ўша жабр қилувчи ва саркаш.  
Қайта тирилиши кунида Роббинсга борсанге,  
«Эй Роббим, мени Валид йиртиб майдалаади», деб айт.*

Бир неча кун ўтар-ўтмас хорланиб, ёмон ҳолатда қатл этилди. Унинг узилган калласи аввал ўз қасрига, сўнг шаҳар деворига осиб қўйилди. Аллох таолодан зулм ва унинг ҳалокати, шайтон ва унинг тузоғидан паноҳ беришини сўраймиз. Унинг ўзи бизга етарли, Унга суюндиқ ва Унга қайтамиз!

## ЕТТИНЧИ ФАСЛ

### МУРУВВАТ ҲАҚИДА

Билгинки, нафслар безаги, ҳимматлар зийнати бўлган мурувват фазилатга гувоҳ ва олижанобликка далил саналади. Мурувват энг афзал даражага етгуича ҳолатларга ётибор беришdir. Токи қасддан хунук нарса улардан зоҳир бўлмасин ва ҳақли равишда маломат юзланмасин. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ким муомалада бирорга зулм қилмаса, сўзлагандан ёлғон сўзламаса, ваъда берганда ваъдасида турса, у муруввати комил, адолати зоҳир кипи бўлиб, у билан биродар бўлиши керак». Балоғат ахлидан бири шундай деди: «Мана шулар мурувват шартларидир: ҳаромдан сакланиш, гуноҳлардан узоқ бўлиш, хукмда инсоф қилиш, зулмдан ўзини тийиш, ҳақли бўлмаган ўринда тамаъ қилмаслик, хокисор кишиларга маниманлик қилишдан тийилиш, заифларга карши зўрларга ёрдам бермаслик, олижаноб кишидан насткашни устун қўймаслик, ўзи йўқ вактда гуноҳ ва айб эрганитирадиган нарсани яширии килмаслик, обрў-ўтиборига доғ туширадиган ишни тарқ этиш».



Бир донишманндан ақыл билан муруват орасидаги фаркни сўрашганда: «Ақл сени энг фойдали ишга буюрса, муруват эса уни чиройли тарзда бажаришга ундайди», дейя жавоб берган экан.

Биз таърифлаган муруват ҳадларини ахлоқлар туғма ўзланиширган, уларга риоя қилишга эҳтиёжсиз ҳолда топмайсиз. Инсон табиатидаги мавжуд фазилатлар муруват эмас, уларга риоя қилиш мурувватдир. Чунки ҳавоий нафс алдови билан ҳирс ундоши иккаласи нафс ўзининг энг афзал сифатларига эга бўлиши ва энг чиройли йўлларидан юришига халал беради. Агар улардан саломат бўлган тақдирда ҳам (саломат бўлиш мушкул) ахлоқ шарафига табиатан тўлиқ эга бўлган, уни сайқаллашда ортиқча уриниш ва ўзгартиришга ҳожат йўқ бўлган зотлар саломат бўладилар. Шоир айтади:

*Айблардан холи ким бор,  
Баъзиси хунук ва баъзиси  
Яхши бўлган нарса холис бўлмас.*

Агар фазилатларга туғма тўла-тўқис эга бўлса (уларни охиригача тўлиқ эгаллан осон эмас) замонаси урф-одатлари, даврининг анъанаисига айланиб, яхши деб қаралгап муруват ҳақлари ва шартлари билан машғул бўлиб, уларга осонликча эришиб бўлмайди. Улардан кузатиш ва риоя қилиш билангина воқиф бўлиш мумкин. Бундан нафс ўзининг энг афзал ҳолатларига риоя қилиши муруват экани событ бўлди. Шундай экан, уларга мashaққатли ва мақтovга қизикқани учун қийинчиликлар сингил кўринган, маломатдан эҳтиёт бўлиши туфайли лаззатлар аҳамиятсиз бўлиб қолганлардан бошқалар амал қилмайди. Шу сабабдан: «Қавмнинг саййиди унинг энг баҳтесизидир», дейишади. Абу Таммол Тоий айтади:

*Мақтov қандай олинини кўринмас асал,  
Уни тўплаш ҳам ҳанзал шарбатидандир.  
У қўтарувчисига оғир кишандир.  
Гарданига олиб, қийналмаганлар,  
Кўтаришини енгил деб ўйлаб юрар.*



Бу маънони Мутааббий шундай ифодалаган:

*Машаққат бўлмаса, ҳамма улуғ бўлар,  
Сахийлик муҳтож қиласди,  
Ботирлик ўлимга сабаб бўлади.*

Яна айтади:

*Агар инсон олийликни кўзласа.  
Унга етиши йўлида таналар қийналар.*

## ОЛИЙҲИММАТЛИК

Буни осон деб хисоблашга икки нарса ундайди. Биринчиси, олийҳиммат, иккичиси, олижаноблик. Олийҳимматли бўлиш кўримсизликдан ўзини баланд тутган, ноқислик хорлигига тан бермаган ҳолда испқадамликка унданб, хосланишга чақиради. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ амалларнинг олийси ва шарафлиларини яхши кўради. Паст ва бемаъниларини ёқтирмайди», дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Ҳимматларингиз паст бўлмасин. Албатта мен мақтовли хулкларни олишга ҳиммати настлардан кўра сусткашларни кўрмадим». Донишманлардан бири айтади: «Ҳиммат баҳт-саодат туғидир». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Ҳимматнинг олийлиги неъматлар уруғидир». Уламолардан бири: «Бир ишни икки киши талаб қилса, мурувватлироғи уни кўлга киритади», деди. Олимлардан бири айтади: «Ким ёмон гумонга бориб, олийликларни қидиришни тарқ қилса, катта ютуқларга эриншмайди».

## ОЛИЙЖАНОБЛИК

Олийжаноблик туфайли одобни қабул қилиш, тўғрилаш ва тарбия юзага чиқади. Чунки нафс кўпинча билиб туриб, афзални ташлаб бошқа томонга ўтади, ўзи маъқуллаган ҳолда одобдан бош тортади. Бунинг сабаби одоб унинг табиатига сингмаганлиги ва унга яхши мувофик тушмаганлиги учун қочишига уриниб, унинг зиддини ихтиёр этади. Шунинг учун: «Ҳакни таниб, унга бўйсунмайдиганлар жуда кўп», дейишади. Агар нафс олийжаноб бўлса, одобларни талаб қилиб, фазилатларга қизиқади. Қа-

чон унга одоблар қоришса, феъл-атворига айланиб, ўсади ва карор топади. Ким олийхиммат қозониб, нафе шарафидан махрум этилган бўлса, ҳақиқатан тоқати кўттармай кийналадиган ва жоҳиллиги барбод қиласидиган иншанинг нипонинг айланибди. У худди ёзувни ўрганишга карор қилган кўзи ожиз, хугба қилишини истайдиган соковига ўхшайди. Ҳаракати унга ожизликни, талаби машаккатни зиёда қиласи, холос. Шуининг учун Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Қалрини билган киши ҳалок бўлмас», деганлар. Донишмандларининг биридан: «Ахволи энг ёмон киши ким?», деб сўрашганда: «Ҳиммати узокларни кўзлаган, орзуси кенг, сабаблари камчиликка йўл қўйгани ва имкони кам киши», дэя жавоб берган экан. Уфнун Тағлибий айтади:

*Киши ўзини изланида яхшилик ўйқ, бир нарсанни  
«Кошки у менни бўлса», дэя кўн сапиришида ҳам.  
Умрингга қасамки, агар Аллоҳ унга сақловчи яратмаса,  
Киши қандай сақланшини била олмасди.*

Донишмандлардан бири: «Орзуларга берилманг. Чунки у сизларга берилган тухфалар кўркини кетказиши оқибатида ўзингиздаги Аллоҳининг неъматларини ҳақир деб қоласизлар». «Мансурул хикам» да: «Енгил орзулар ахмоқларнинг савдо молларидир», дейилган. Агар киши химматининг ўзи билан иттифоқо насибага дуч келиб, орзусига етиб қолса, бу етиши ва эришини зўравонлик ва мажбуrlаш билан эринигандан фарқи йўқ. Чунки насибаси кўнилигандаги ҳак белгилаш, ҳақдорни ажратиш бўлмайди. У тўёки дарахтлар ўсадиган жойларга эмас, денгизлар устига ёғадиган булутларга ўхшайди. У яхши ва ёмон устига баравар ёғаверади. Агар унумдор срга тўғри келса, фойда беради. Тасодифан шўр срга тўғри келса, зарап етказади. Насиба ҳам шунга ўхшаб, олийжаноб нафсга тўғри келса фойда беради, ҳамма учун неъматга айланади. Агар ёмон нафсга тўғри келса, катта мусибатга айланади.

Ҳикоя килинишича, Мусо алайхиссалом кавмини дуоибад қиласидаги Аллоҳ таоло ваҳий қилиб: «Унинг настканиларини улуғлари устидан хукмрон килиб кўйдим-ку», деди. У зот: «Роббим мен уларга азоб тезда келишини хоҳлайман», деди. Аллоҳ таоло айтди: «Шуининг ўзи нақд ва аламли азобнинг каттаси

эмасми?». Агар олийжаноблик олийхимматдан ажралса, бундай киции фазилатдан маҳрум бўлиб, қадри кўзга ташланмайди. Бу худди ўзи дангаса, лекин бақувват одамдаги кувватга ёки ўзи кучлию лескин юраги йўқ кўрқокқа ўхшайди. Унинг куввати дангасалиги ва бақувватлиги кўрқоклиги билан чинпакка чиқади. Мансур-ул ҳикам» да шундай келтирилади: «Кимнинг дангасалиги давом этса, орзуси нучга чиқади». Донишманлардан бири айтади: «Ожизлик бенарволикни ўзига никоҳлаб олди ва иккисидан надомат тугилди. Бахтсизлик дангасаликни никоҳлаб олди ва маҳрумлик дунёга келди». Шоирлардан бири айтади:

*Нафсинги хорлаб, қадрини бўлмасане,  
У одамлар учун янада хорроқдир.  
Нафсинги ҳурмат қилишини ўрган,  
Бордию маскан торлик қилиб қолгудек бўлса,  
Нафсинг учун бошича маскан қидирғин.  
Яхшилик қуловчи ёмонга чиқариладиган  
Хорлик манзилига зинҳор яқинланимагин.*

Ҳимматнинг ҳакир, нафсининг шарафли бўлиши, пасткаи бўла туриб ҳиммати баланд бўлишидан афзалроқдир. Чунки нафс тубан бўлиб, ҳиммат ундан устун келса, киши ўзи ҳакли бўлмаган нарсанни талааб қилиб, лойик бўлмаган нарсанни қидиришга уринади. Ҳиммати кичик бўлиб, нафси олийжаноб бўлғанлар ўзлари ҳакли бўлған нарсадан воз кечиб лойик бўлған нарсага интилмайди. Бу икки иш орасидаги фарқ ва фазилат очик-ойдиндир. Аммо ҳар иккисининг ҳам маломатдан улуши йўқ эмас. Донишманларнинг биридан: «Инсонга энг кийин нарса нима?», дега сўрашганда: «Нафсини билиши ва сирларни сақлаши», деб жавоб берган экан. Агар мазкур икки хислат жамланиб, нафс шарафига ҳиммат олийлиги кўшилса, шулар туфайли фазилат зоҳир бўлади. Одоб мукаммалити вужудга келиб, мақтовор сазовор бўлиш йўлидаги машакқатлар улар орасида осонланиб, мурувват шартлари ҳосил бўлади. Ҳусайн ибни Мунзир Рақоший айтган экан:

*Албатта олийжаноблик сабабларини  
Отасидан мерос қилиб олгандан кейин,  
Зое қиган кини мурувватга ета олмас.*



Нафс разиллик, беҳаёликка буюрганды,  
Олийлик йўлларидан қайтарганды,  
Итоат қилғанлар ҳам.  
Агар гўзал хулқлардан бўшилиқни кўрса,  
Олийжаноб киши ўша бўшилиқни  
Ўзи эришган фазилатлар ила тўлдирад.

### МУРУВВАТ ШАРТЛАРИ ВА ҲАҚЛАРИ

Билгинки, мурувват ҳақлари шу даражада қўп ва шунчалик маҳфийки, ҳаммасини бирма-бир айтиб бериш имкони йўқ. Чунки улар ичида ҳиссан тасаввур этиладиганлари бор. Айримларини холатга гувоҳ бўлувчи ўз зукколиги билан англайди. Яна бошқалари амал билан юзага чиқади, эътиборсиз қаралса, билинмай маҳфий қолиб кетади. Шунинг учун мурувват шартларини тўла-тўқис баён этиш қийин. Лекин фазилат аҳли заковати билан пайқайдиган, оқил түгма қобилияти билан холоса чиқарадиган умумий ва қисқача маълумотларни бериш мумкин. Аслида бу китобимиз ўз ичига олган барча нарсалар мурувват ҳақлари ва шартларидан иборат. Бу фаслда биз мурувватнинг машхур коидалари ва асослари, кўзга ташланадиган шартлари ва ҳақларини жамловчи тақсимотда мухтасар ҳолда айтиб ўтамиз, холос. У икки кисмга бўлинади. Биринчиси, мурувватнинг ўзидағи шартлари, иккинчиси, унинг ўзидан бошқага боғлиқ шартлари. Унинг ўзидағи шартлари, шариат вожиб қилған ҳукмларга тўла риоя қилғандан кейин уч иш туфайли рўёбга чиқади: иффат, мусаффолик ва сакланиш.



## ИФФАТ

Иффат икки хил бўлиб, бири ҳаромлардан иффат, иккинчиси гуноҳлардан иффат. Ҳаромлардан иффат биринчиси, фаржни ҳаромдан сакланаш, иккинчиси тилни бировлар обрўсини тўкишдан тийиш, деган икки қисмга ажралади. Фаржни ҳаромдан сакланаш шариат таҳди迪 ва ақл тўсқинлигига қарамай, уни сакламаслик шармандали гуноҳ, қайтарилган уят ва номуссизликдир. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ким фаржи, тили ва қорни ёмонлигидан сакланса, дўзахдан сақланибди», деганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар: «Аллоҳ таолога иффатнинг энг яхиниси фарж ва қорин иффатидир».

Ҳикоя қилинишича, Муовия розияллоҳу анҳу Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан мурувват ҳакида сўраганда: «Аллоҳ таолога тақво қилиш ва силаи раҳм», деган экан. Шу саволни Муғийра розияллоҳу анхудан сўраганда: «Аллоҳ ҳаром килган нарсалардан сакланиш ва Аллоҳ ҳалол қилган йўлда касб-хунар қилиш», деган экан. Язиддан сўралганда: «Балога сабр қилиш, неъматга шукр қилиши, қодир бўлганда кечириш», дея жавоб қилибди. Муовия розияллоҳу анҳу бу жавобни эшитиб: «Сен ҳакиқатан ҳам мендансан», деган экан. Анушервон ўғли Ҳурмузга: «Кимнинг муруввати етук?», деди. У: «Динини сақлаган, силаи раҳм қилган ва биродарларини хурмат қилган кишининг», деган экан. Донишмандлардан бири айтади: «Ким улуг хулқларни яхши кўрса, ҳаромлардан четланади». «Шармандалик исноди маъсият лаззатини лойқалайди», дейдилар. Адиблардан бири менга Ҳусайн ибн Алишинг шеърини айтиб берди:

*Шармандаликдан асли ўтим яхшироқ,  
Дўзахга киришидан шармандалик яхши.  
Аллоҳ мени бунисидан ҳам,  
унисидан ҳам ҳимоячимдир.*

Бунга икки нарса сабаб бўлади. Бири кўзга эрк бериш, иккинчиси нафсоний ҳирсга эргашини. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам Али каррамаллоҳу важҳаҳуга: «Назар ортидан назарни эргаштирма. Албатта биринчиси фойдангга, иккинчиси зара-

ринггадир», деган экан. «Назар оргидан назарни эргаштирма», деган сўзнинг икки таъвили бор. Биринчиси, кўзларинг қарашига қалбинг қарашини эргаштирма». Иккинчиси, биљмасдан ташланган биринчи назарга қасддан иккинчи назарни эрганистирма. Исо алайхиссалом: «Қарагандан кейин зинхор яна қарама. Чунки кейинги қараш қалбга шахват уруғини экади. Бу эса эгасига фитна учун етарлидир», деган экан. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу айтади: «Кўзлар шайтон тузоклариридир». Донишмандлардан бири: «Ким кўзини тиймаса, ўлимини чақирибди», леди. Шоирлардан бири айтади:

*Качон кўзинеги қалбингга  
Йўлбоичи қилиб юборсанг,  
Бир кун қаралганлар сени чарчатар.  
Кўрганларинг ҳаммасига қодир эмассан.  
Баъзиларидан сен сабр қила олмассан.*

Нафсоний хирсга эрганиш ақсларни алдаб, фикрларни маккорлик ила ҷағитади, қабих ва ярамас ишларни чиройли кўрсатади, шармандаликларни зийнатлайди. Ҳар бир ҳалокатга унинг алоқаси бор ва у ҳалокат давом этингта сабабчидир. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимда тўрт нарса бўлса, унга жаннат вожиб бўлиб, шайтондан сақланади: рагбат килганда, кўркканда, хохлаганда ва газаб қилганда нафсини тия олган киши», деганилар. Бу ҳолатлардан уни тийиш уч иш туфайли амалга ошади.

**Биринчиси**, шахватни кўзғайдиган нарсадан кўзни буриш ва унга ёрдам беришдан тийиш. Чунки кўз ҳаракатига келтирадиган йўлбошчи ва ҳалокатга олиб борадиган бошқарувчидир. Саид иби Синон Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиган ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга олти нарсанинг кафолатини берсанглар, сизларга жанинат кафолатини бераман», дедилар. Саҳобалар: «Улар қайсилар, Эй Аллоҳнинг Расули?» дейиниди. У зот: «Агар бирингиз гапирса, ёлғон гапирмасин. Агар ваъда берса, ваъдасини бажарсин. Агар унга омонат қўйилса, хиёнат қиласин. Кўзларингизни ерга қаратинглар, фаржларингизни сақланглар ва қўлларингизни тийинглар», дедилар.



**Иккинчиси**, нафсни ҳаромдан жиркантириб, ҳалолга қизиктириш ва таъкиклар өвазига уни мубоҳ билан қапоатлантириш. Албатта Аллоҳ таоло нимани ҳаром қилған бўлса, нафсоний майлни ва ундаги табиий хусусиятни билгани учун бўйсуннишга ёрдам бериш ва хилофини қилишга тўсиқ бўлиши учун ўз жинсидан бўлган мубоҳ туфайли беҳожат қилған. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу ашҳу айтади: «Аллоҳ таоло нимани буюрса, уни бажаришга ёрдам бериб, нимадан қайтарса, ундан қайтиш имконини яратиб кўйибди».

**Учинчиси**, Аллоҳ таолонинг амрларига бўйсунниш, тақво ва қайтариқларидан четланишда нафсга эҳтиёт бўлишни эслатиш, Унинг итоатига мажбурлаш ва маъсиятидан оғоҳ этиш. Шунингдек, У зотга бирор нарса махфий бўлиб қолмаслиги, илмидан энг дақиқ нарсалар ҳам честда эмаслигини, яхшилик қилувчиларни мукофотлашини, ёмонлик қилувчиларни жазолашини, Китоблар ана шуларни баён этиш учун нозил бўлганини, пайғамбарлар шу хақиқатни етказганликларини билдиришидир. Ибн Масъуд розияллоҳу ашҳу айтанинг ривоят қилишича, Куръондан энг охири: «**Аллоҳга қайтариладиган кунингиздан кўрқини. Сўнгра ҳар бир жон қилганига яраша тўлиқ олур. Уларга зулм қилинмае**», (Бақара сураси, 281-оят) деган оят, Тавротдан энг охири: «Агар хаёй қилмасанг, хоҳлаганингни қил», деган маънодаги оят, Инжилдан энг охири: «Инсонларнинг энг ёмони одамлар уни ёмон деб билишларига парво қилмайдиган киши», деган маънодаги оят, Забурдан энг охири: «Ким яхшилик экса, ҳосилини хавас билан йиғиб олади», деган оятлар нозил бўлган экан. Агар ишон нафсига тавсия этилган нарсанни ҳис эттираса, албатта у тийилишни лозим тутиб, сақланишга кўнади. Натижада дини саломат бўлиб, муруввати юзага чиқади. Айтиб ўтилганлар мурувватнинг ўзидағи шартлардир.

Тилни бирорлар обўсини тўкишдан тиймаслик ахмоқлар боинианаси, пасткашлар интикоми ва кулфатларни сенгил ҳисоблашдир. Агар киши бундан тийиб турадиган сабабни ва тўсувни чорани ишга солиб нафсини жиловламаса, унинг исподи билан булғанади, зарари билан хонавайрон бўлади. Одамлар четланга-



нини кўриб, уни дахлсиз қўрғон ва баланд мартаба деб ўйлаб, ҳалок бўлади ва ҳалок қилади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Огоҳ бўлинглар! Аъбатта қонларингиз, молларингиз ва обрўларингиз сизларга ҳаромдир», деганлар. У зот бу ҳадиси муборакларида қон билан обрўни жамнадилар. Чунки бу билан кўнгилларда ғазаб ўти ёнади, ёмонликлар юзага чиқади, беҳаёлик ва душмаплар пайдо бўлади. Бу каби ишлар бўлиши билан яхши кўрилган кишида аҳамият ва эътиборли кишида мурувват қолмайди. Бунинг устига ғазабга учраб, гунохкор бўлади. Шу сабабдан алоқалар узилиб, уни хайдаб юборилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Иисонларнинг энг ёмони одамлар уни тилидан кўрқиб ҳурмат қилган кишидир». Донишмандлардан бири: «Одамлар ортиқча гап-сўз ва ортиқча мол-дунёни деб ҳалок бўладилар».

Обрўни туширадиган гап-сўз иккига бўлинади. **Биринчиси**, ўз эгаси обрўсими тушириб, бошқаларга ўтмайдиган гап-сўзлар. Бунга ёлғон ва қўнил сўз киради. **Иккинчиси**, бошқаларга тегадиган гап-сўзлар бўлиб, улар тўртта: гийбат, чакимчилик, гап етказиши ва тухмат ёки сўкини оркали ҳакоратлаш. Улар орасида қалбларга кўпроқ жароҳат етказадигани ва кўнгилга таъсири каттикроғи сўкишдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло жазони кучайтирган ҳолда ҳад белгилаб, қаттиққўлиқ билан оғирлаштирганидан фосиққа чиқариб, ундан кайтарди. Гоҳида бу иккисидан бири туфайли бўлади: енгилтаклик туфайли пайдо бўладиган беҳаёлик. Абу Салама Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирилган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин содда ва гўзал хулқли бўлади. Фожир бузғунчи ва пасткаш бўлади», дедилар. Ибн Муқаффаъ айтади: «Гап-сўзда голиб бўлишга уриниш жаҳолат тилидир. Нафсни бу ҳолатдан тўсувчи чораларни ишга солиб жиловлаш омонликдир. Шу нарса мурувват эгасига чиройлидир». Айтиб ўтилганлар мурувватнинг ўзидағи шартлардир.

Гуноҳлардан иффат икки турли бўлади. Биринчиси, очиқча зулм килишдан тийилиш, иккинчиси нафсни пишона хиёнат-



дан қайтариш. Зулмни ошкора қилиш, ҳалок этувчи такаббурник, талофат етказувчи түгёндир. Агар у давом этса, фитна ёки қувгинга олиб боради. Фитна аксар ҳолларда эгасини ўраб олиб, уни бошлаганларнинг ўзига қайтади ва бошлаганларнинг бошига етмагунча йўқолмайди. Аллоҳ таоло айтади: «**Ёмон макр ахлишигина ўраб олади**»(Фотир сураси, 43-оят). Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Фитна уйқудадир. Ким уни уйғотса, унга ўзи ем бўлади». Жаъфар иби Мухаммад айтади: «Фитна золимларнинг кирғизидир». Допишмандлардан бири: «Фитна эгаси ажалга энг якин ва амали энг ёмон кишидир», деди. Шоирлардан бири айтади:

*Сен ҳам ҳудди тупроқ тениб  
Остидаги тиғни чиқарib,  
Ўз бошига ўзи етган,  
Ёмон эчигига ўхнадин.*

Сургун қилиш баъзан золимнинг қувваги ва муддати узоклигидан келиб чиқади. Кучи ва имкони кўплигига қарамай зулми тарқалиб, йўққа чиқади. Бу ҳудди қуриган дарахтга тунгтан ўтга ўхшайди. Қашчалик бақувват бўлмасин, унинг атрофидаги барча нарса куйиб кулига айланиб, ўчади. Золимнинг холи ҳам шу. У олдин ҳалок қиласди, сўнг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бунга журъат ва бағритошлиқ ундейди. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фазл ва яхшиликни умматимнинг раҳмлила-ри хузуридан қидиринглар. Уларнинг ғамхўрликларида яшай-сизлар», деганлар.

Бундан золимлардаги Аллоҳ таолонинг қаҳр-ғазаби нишоналарини қўриш, зулмлари оқибатини тасаввур этиш қайтаради. Албатта уларда унга ибратлар ва огоҳлантириш бор. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ким тонг отганда бирор кишига зулм қилишни ўйламаса, содир этган гуноҳларини Аллоҳ кечиради». Жаъфар иби Мухаммад отасидан, у бобосидан келтирған ривоятда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Али, мазлумнинг дуосидан саклаи. Чунки у Аллоҳдан ҳақини сўрайди. Аллоҳ ҳақдорга ҳақини ман этмайди», деган эканлар. «Мансур-ул ҳикам» да: «Мазлумларнинг ҳақлари олиб



берилаадиган кунда золимларнинг ҳолига вой бўлсин», дейилган. Балоғат аҳлидан бири айтади: «Ким ҳукмда ноҳақлик қилса, зулми уни ҳалок қиласди». Шоир айтади:

*Ҳар бир құдрат устида  
Аллоҳнис құдрати бордир.  
Ҳар бир золим қўп ўтмай  
Бошқа золим билан синалар.*

Пишона хиёнат қилиш бу тубанликдир. Чунки у хиёнат хорлиги туфайли ҳақир, унга ишонч йўқлиги учун итоаткордир. «Мансур-ул ҳикам» да: «Ким хиёнат килса, хор бўлади», дейилган. Холид Робаъий айтади: «Илгарги китобларда шундай сўзларни ўқидим: «Омонатга хиёнат, яхшиликка пошукрлик, силай раҳмни узни, одамларга зулм қилиш жазоси жуда тез етадиган ишлардир». Хиёнатнинг мазаммати учун хоин ўзида ҳис этадиган хорликдан бошқа бирор нарса бўлмагандага ҳам шунинг ўзи бу килменидан уни тийишга кифоя этарди. Агар у омонатдорлик оқибатини, ишончининг фойдасини тасаввур қилганида бу нарса энг кагта фойда келтирадиган обрў сармояси, пешкадамликнинг энг кучли сабабларидан эканини билган бўлар эди. Шунинг баробарида ўзида азизликни, қаршисида эҳтиромни топган бўлар эди. Набий солаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Омонат қўйганга омонатини адо қил. Хиёнат қилганга хиёнат қилмагин». Саъид ибн Жубайр ривоят қиласди: «Аҳли китобларнинг, агар ҳисбесиз молни омонат қўйсан; уни сенга берадиганлари бор ва бир динорни омонат қўйсанг, устида туриб олмагунингча, сенга бермайдиганлари ҳам бор. Бу омийлар учун бизнинг устимизга йўл йўқ, дейиншларидандир. **«Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар»** (Оли Иморн сураси, 75-оят), деган оят нозил бўлганда бу иншлари билан арабларнинг молларини ўзлари учун ҳалол деб эътиқод қилишган. Чунки араблар аҳли китоб эмас эди. Росулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳнинг дуниманлари ёлғон гапирдилар. Жоҳилиятда нимаки бўлса, улар менинг оёкларим остидадир. Омонат бундан мустасно. Чунки у яхшига ҳам, ёмонга ҳам адо этилади».



Иисонниң шарафли бўлишига ёрдам берадиган омонатни сохтакорликка, кўз-кўз қиласиган иффатини алдовга айлантирумаслик лозим. Акс ҳолда сохтакорлик фош бўлиб, алдов биланиб қолади. Натижада айби очилиши хунук, риё расволниги билан шармандалиги кўпроқ бўлади. Набий солаллоҳу алайхи васаллам: «Умматим омонатни ўлжа, садакани зиён деб ўйла-маса, яхшиликка эришади», дедилар. Донишмандлардан бири айтади: «Ким тўрт нарсани тўрт нарса билан қидирса, йўқ нарсани қидирибди: риё билан мукофот қидирган, одамлар мухаббатини кўпоялик билан қидирган, дўстлар вафосини бевафолик билан қидирган, илмни тан роҳати билан қидирган кинни амалга ошмайдиган нарсани қидирибди». Хиёнатта бошловчи нарса пасткашлиқ ва вафосизликдир. Агар одам шу икки ишлатни мен тавсия қилган йўл оркали бартараф қиласа, унинг муруввати аён бўлади. Бу шарт билан биз иффат турларини келтириб ўтдик.

### УЗОҚ БЎЛИШ

Бу ҳам икки турли бўлиб, биринчиси, майдада таъмалардан узоқ бўлиш. Иккинчиси, шубҳа жойларидан узоқ бўлиш. Майдада таъмалардан узоқ бўлишига тўхталсак, тамаъ хорлик, настканик разолатдир. Бу иккиси мурувват кушандасидир. Набий солаллоҳу алайхи васаллам ўз дуоларида шундай дер ўдилар: «Эй Аллоҳим! Мен сендан табиатга сингиб қоладиган таъмадан на-ноҳ сўрайман». Шоир айтади:

*Тамаъ қилиб маҳлуққа бош эзмагин,  
Албатта бу сенинг динингга нуқсон.  
Ризқни Аллоҳ хазинасидан сўра,  
Албатта у «коф «ва «иун» орасидадир.*

**(яъни «кун» ўзбекчада бўл, демакдир – тарж.)**

Бунга икки нарса очкўзлик ва орсизлик сабаб бўлади. Агар очкўзлик кўпайса, берилганига қаноат қилмайди. Орсизлик оз бўлса ҳам, берилмаса тинчимайди. Бу ўз қадрини билмайдиган ва мол-дунёни ўзига азиз деб ҳисоблайдиганлар ҳолатидир. Бундай кимсалар икки ишдан енгилроғини фидо қилишини ютуқ



леб биладилар. Ўз шарафидан мол-дунёни азиз билган кимса огоҳлантиришига қулоқ тутмайди ва одобни қабул қилмайди.

Ривоят қилинишича, бир кини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Насихат қилинг», дебди. У зот: «Одамлар қўлидаги нарсадан умид қила кўрма, таъмадан сақлан. Чунки тама нақд факирликдир. Агар намоз ўқисанг, охирги намозини ўқистган кишидек ўки ва узр сўраладиган нарсадан узок бўл», деган эканлар. Донишмандлардан бири айтади: «Поклик азизлиги фойда хурсандчилигидан шарафлироқдир». Шоирлардан бири айтади:

*Кимниң орзуси ва гами дунё бўлса,  
Орзулар уни ўзиға асир қилиб олар,  
Шубҳалари қулга айлантирап.*

Бу тамаъларни умид қиласлик ва қаноат бартараф этади. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияшоҳу анҳу келтирган ривоятда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Албатта Муқаддас рух қалбимга билдирикли, ҳеч бир жон ризқини тўла-тўқис олмагунча ҳаргиз ўлмайди. Аллоҳдан қўркинглар ва ризқни чиройли талаб қилинглар. Ризқнинг кечикиши уни талаб қилишда сизларни гуноҳ-маъсиятларга ундамасин. Албатта Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузуридаги нарсага фақат Унга итоат килиш орқали стилади».

Шулар ҳам мурувват шартларига киради. Шубҳали жойлар ва холатлар бу – мақтов билан маломат орасидаги тараддуд, саломатлик билан касаллик ўртасида туришдир. Унга гумонсировчилар таънаси юзланиб, шубха уйғотувчилар хорлиги етади ва турған жойининг ўзи уни бадном этишига кифоядир. Агар мақсади тўғри бўлса, шарманда бўлади, акс холда хорланади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Сенда шубҳа уйғотган нарсани тарқ этиб, шубҳасизини кил», деганлар. Мухаммад ибн Алидан мурувват хақида сўрашди. У кини: «Очиқча бажариндан уялган ишингни пинҳона қиласлигинг», деди. Ҳассон ибн Абу Синон: «Пархезкорликдан кўра осон нарсани кўрмадим», деди. «Бу қандай бўлиши мумкин?», дейишиди. У: «Шубҳа уйғотган нарсани дарҳол тарқ килдим», деди.



Мана шу ҳолатта киши ўзига эрк бериши ва уни килишнинг зарари йўқ, деган хаёлга бориш сабаб бўлади. Ундан икки нарса – ҳаёвла эҳтиёткорлик қайтаради. Баъзан қатъий ишонч туфайли шубҳа йўқолиб, узок тажриба сабабли тухмат кўтарилади. Исо алайхисаломни ҳаворийлардан бири бузук аёлнинг уйидан чиққанини кўриб: «Эй Рухуллоҳ! Бу срда нима килаяпсиз?», дебди. У зот: «Табиб касалларни даволайди», деган экан. Лекин бу нарсанинг ўзини назоратсиз ташлаб қўйишни йўл килиб олмаслиги даркор.

Инсонда эҳтиёткорлик кўпроқ бўлиши ва тухматларни тасдиқлашдан кўра хавфга яқинроқ бўлиши лозим. Ҳамма шубҳаларни ҳам ишонч кеткизавермайди. Мана Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандалари орасида шубҳадан энг узоги ва айблардан энг маъсум зотдир. Бир кечада София онамиз билан масжид эшиги ёнида гаплашиб турганларида (ўшанда ёътикофла ўтирган эдилар) ёнларидан ансорлардан икки киши ўтиб қолиб, у зотни кўришлари билан тез-тез юра бошлашди. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Секинроқ юраверинглар. Бу София бингти Ҳуюй», дедилар. Улар: «Субҳонааллоҳ! Сиз ҳакингизда шубҳага бориш мумкинми, эй Аллоҳнинг Росули?», дейишди. У зот: «Албатта шайтон ҳар бирингизнинг қони ва тўнгти йўлида айланиб юради. Қалбларингизга ёмонлик ташлашидан хавотирландим», дедилар.

Энди шак-шубҳалар ўраб олган ва гумонлар куршовидаги бошқаларнинг холи қандай бўлсин! Гумон пайдо қиласидиган жойларда кўрилган киши айтганини ҳак деб билинадиган таъничиликлар ва сўзларини рост деб эътибор қилинадиган маломатчилярдан холи бўлмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Қачон киши қилган инплари туфайли машақкатга йўлиқса, баҳтли бўлади», деганилар. Эҳтиёткорликни ишга солиб, огоҳликни кўпайтиrsa, шубҳа ўринлари, тухмат манбалари, узр сўраш ҳолатларига тушмаса (ихтиёрли қишида узр йўқ), унинг поклигига шак-шубҳа аралашмайди, обрўсига тухмат футур етказмайди. Шоир айтади:

Сенга қарши гумон ўзлашдан  
Сени сақлайман ўзим.  
Чунки тахмин-гумон аниқлик қалитидир.



Сахл иби Ҳорун айтади: «Лайбіа сабаб бўладиган жойлардан четланиш ўзига зулм қилиш машаккатидан яхшироқдир». До-нишмандлардан бири айтади: «Ким Аллоҳ таолодан кўркмайдиган кишин ҳакида яхши гумонда бўлса, у алдангаидир». Адиллардан бири менга Абу Бакр Сулий роҳимаҳуллоҳнинг ушбу шеърини айтиб берди:

*Замонам аҳли ҳақида яхши гумонда бўлдим,  
 Менинг бу гумоним оғир кўйларга солар.  
 Бундан кейин одамларга шионмайман ҳеч,  
 Чунки хавф куттилмаган томондан келар.*

Мурувватнинг бу шартида (узок бўлишининг) икки турини тўлик баён қилдик.

### САҚЛАНИШ

Сақланиш – мурувватнинг учинчи шарти бўлиб, у икки турга ажралади. Биринчиси, ўзига кифоя қадарини қидириш, зарур хожатларини қондириш орқали нафсни сақлаш. Иккинчиси, миннатларни кўғариш ва ёрдам сўрапда ҳаддан ошишдан сақлаш. Ўзига кифоя қадарини қидириш ва зарур хожатларини қондириш орқали нафсни сақлашга келсак, одамларга муҳтож киши ожиз ва қалби синик, хор ва малол келадиган бўлади. У табиатан нафс мойиллигини тузатиш ва кун кечириш заруратини бартараф этиш учун таъминотга муҳтождир. Шунинг учун араблар масалларида: «Ўтирган шердан дайди ит яхшидир», дейилган. Таъминот лозим ва мандуб деган икки хил бўлади. Лозим таъминот кифоя киладиган ва очликни тўсадиган нарса туфайли бўлади. Буни амалга оширища уч шартга риоя қилиш зарур. Биринчиси, мубоҳ – рухсат берилганидан роҳатланиш ва ман этилганидан четланиш. Чунки харом килинган нарсанинг асли ноопок ва натижаси баракасиз бўлиб, уни яхшиликка сарфласа, ажр-савоб олмайди, мақтов оладиган жойларга сарфласа, ташаккур айтилмайди. Сўнгра унинг гуноҳларини кўтаради ва бунинг учун жазоланади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ноҳалол йўлдан мол-давлат ортирган киши сени ажаблантирмасин. Агар уни инфок-эҳсон килса, қабул этилмайди. Агар сарфламай,



ўзила олиб турса, жаҳаннам учун ҳозирлик кўрган бўлади». До-  
нишмандлардан бири айтади: «Молнинг ёмони топиш гунохини  
сенга юклаган ва инфок-эхсон килишганда ажр-савобдан маҳрум  
этганидир». Хаворижлардан бири бир мансабдорнинг мискинга  
садака берастганини кўриб: «Анавиларга қара, қилган яхшилик-  
лари ёмонликларидан саналади», дебди. Али ибн Жаҳм айтади:

*Моли омон бўлганлар хурсанддир дунёда.  
Йўқсилликни хоҳлашар Аллоҳ ҳисоб қилганда.*

**Иккинчиси**, уялишга сабаб бўлмайдиган, обрўйига доғ ту-  
ширмайдиган жиҳатларнинг энг яхисидан талаб қилиш. Чун-  
ки молни обрўни поймол қилиш учун эмас, балки сақлаш учун  
топилади. Нафсни хорлаш учун эмас, балки азизлиги учун то-  
пилади. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу айтади: «Обў-  
йимни сақлаш ва Роббимни рози қилишга сабаб бўладиган мол  
канҷаям яхши». Абу Бишр Зорир айтади:

*Кеч кирсанда, қундуз бўлганда  
Обўйимни сақлаш учун молим йўқлиги  
Гам чекинга менга кифоя эрур.  
Дўстга йўлиққанда марҳабо дейман,  
Лек бу унга кифоя эмас ва уни рози этмас.*

Ибн Оишадан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Хо-  
жатларни юзи чиройлилардан қидиринглар», деган сўзлари ха-  
кида сўрашганда: «Бунинг маъноси: «Ҳалол бўлган йўлларнинг  
энг чиройлисидан», деган экан.

**Учинчиси**, ҳожатини белгилашда ва кифоясини тежашда ха-  
лал етмайдиган, хато юз бермайдиган даражада яхшилаб кўздан  
кечириш. Чунки озгинча молни чиройли таксимлаб, айни ўрнига  
сарфланниши, тўғри тадбир кўллаш тежамасдан, ноўрин жойга  
сарфланган кўп молдан манфаатли ва ўтиборли бўлади. Бу худ-  
ди ерга ташланган донга ўхшайдики, уни парвариши қилинса, ўса-  
ди, ўз холига ташлаб қўйилса, бехуда нобуд бўлади. Мұҳаммад  
ибн Али айтади: «Комишлиқ уч нарсада: динда иффатли бўлиш,  
мусибатларга сабр қилиш ва тириқчиликда тежамкорлик». До-



нишмандларнинг бирига: «Фалончи бой», дейишганда: «Молини қандай тасарруф этишини билмасам, бир нарса дея олмайман», деган экан. Агар кифоя миқдоридаги таъминот борасида бу шартларни түлиқ бажарса, мурувватнинг ўзидаги ҳақини адо қилибди. Ахнаф ибн Қайсдан мурувват ҳакида сўрашганда: «Иффат ва хунар», дея жавоб берган экан. Донишмандлардан бири ўғлига: «Эй ўғлим, ҳеч кимга оғирингни туширма, хорлигинг ошади, ер юзида бориб-келиб сафар қил. Олдин мавжуд бўлиб, кейин қўлдан кетган нарсага ачинма, қийинчилик ва машиқатдан қўркиб, ризқ талабида бўшашма. Бу лозим бўлган таъминотдир. Олий ҳиммат ва ғуури баланд нафс эгалари инсонга касби орқали келган нарсани мерос орқали келган нарсадан афзал деб билишган. Чунки меросда бошқа бирорнинг топганидан фойда кўради, касбда эса бошқа бирорларга фойда етказади. Фазилатда улар орасидағи фарқ очик-ойдиндир. Күножим айтади:

Кун иссиғи ва тун қоронғусида  
 Елиб-юғурмасам, жонимни койитмасам,  
 Яшаи лаззатин ҳис этардим қайдан ҳам.  
 Менга бойлик тасодифан келиб қолса,  
 То машиқат билан қидириғасунча,  
 Уни ҳаром деб билдим ўзимга.  
 Биродарингдан таъма қилишини бас қил,  
 Шернинг томогидан ўзи овлаган ўлжадан  
 Бошқаси шитаҳа билан ўтмаслигин бил.

Аммо мандубга келсак, у кифоя миқдори ва ҳожат даражасидан ошишни билдиради. Бунинг масаласи талаб қилувчисининг холатига караб эътиборга олинади. Агар бошлиқлик мартбабасидан истеъфога чиқиб, ўзи тенгилар билан беллашинидан тўхтаб, ўзига ўхшашлари билан ракобатлашишдан ўзини тортган бўлса, унга ҳар кунига етадиган даражаси кифоя этади. Ундан ортиқчасида фақат ҳирс ва зиёдасида очкўзлик бор. Бу иккиси ҳам қораланган. Набий соллаллоҳу алайхи васаллам айтадилар: «Ризқнинг яхшиси кифоя қиласигани, зикрнинг яхшиси маҳфийсиидир». Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу айтади:



«Дунё мүмин учун оғир юқдир». Ибн Масъуд розияллоху анху айтади: «Дунёдан дунё билан беҳожат бўлувчи оловни сомон билан ўчирувчи кабидир». Донишмандлардан бири деди: «Юзинг сувини қаноат билан сотиб ол. Улуғлардан тасалли олиб, дунёдан узок бўл. Агар инсон олий ҳимматли ва олийжаноблик ғайрати жўш урган бўлса, пешқадам бўлишни ва қўнгилларда улуглик ва маҳобат касб этишни ихтиёр этса, токи моли ортиқча ва ҳадяси кўп бўлмагунча, кифоя этадиган ризқ уни мақсадига етказмайди. Арабларнинг биридан: «Сизларда мурувват нима?», деб сўрашибди. У: «Ейиладиган таом, сарфланадиган тортиқ ва мақбул табассум», деган экан. Ахнаф ибн Қайс айтди:

*Агар саҳийлигим кўп мол билан ёйилса,  
Саҳий бўлиб уни сарф қиласган бўлар эдим.  
Чунки мурувватга ошиқча молсиз етиб бўлмас.*

Нафсни миннатларни кўтариш ва ёрдам сўрашда мўътадиллик ва ҳаддан ошишдан сақлашга келсак, миннат хурларни кул қилиб, уни эшитган кипида хорликни, миннат қилувчидаги ҳукмронликни пайдо қиласди. Ёрдам сўрашда меъёрдан опиш оғирлигини бошқаларга ташласа, хор бўлади. Улар наздида хорланган кишининг қадри йўқ. Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга: «Болаларингиз сизга хизмат қиласин», деди. Ҳазрати Умар: «Аллоҳ мени улардан беҳожат қилиди», деган экан. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ўғли Ҳасанга қиласган васиятида: «Эй ўғлим, агар ўзинг билан Аллоҳ таоло ўргасида бирор неъмат эгаси бўлмаслик иложини кила олсанг, бошқанинг кули бўлмайсан. Аллоҳ сени хур қилиб яратган. Чунки Аллоҳ таоло берган оз нарса бошқалар берган кўни нарсадан азизроқ ва улуғроқдир». Зиёд қишлоқ оқсоқолларидан бирига: «Сизлар мурувватни қандай тушунасиз?», деди. У: «Шубҳалардан чеъланиш. Чунки шубҳа билан қараладиган инсон фазилат эгаси бўла олмайди. Киши ўз молини ислоҳ этиши. Чунки бу унинг мурувватидир. Ўзи билан аҳлининг ҳожатларини бажариши. Чунки ўзи аҳлига муҳтож, аҳли эса бошқаларга муҳтож бўлган одамда фазилат йўқ», деди. Саълаб айтади:



Ким иффатли бўлса, ўзига дўст топшии осон,

Ҳожатлар эгасининг юзи малол келтирадр.

Кимниг ҳамёниг тўлдирсанг, ўша биродарине дир,

Агар уни олиб ўйнасанг, жонга теккан кимсасан.

Одамларда бир-бирлари билан қариндош-уруғ бўлиш ва ўза-  
ро ҳамкорлик қилишга эҳтиёж бор. Чунки улар бир-бирига ёрдам  
бермай, кўллаб-кувватламай ёнғиз холда яшай олмайдилар. Албат-  
та бу дўстона ҳамкорликдир. Бунда улар баробар бўлиб, ўзларини  
ортик ва устун ҳисобламайдилар. Баъзан ёрдам сўровчи устун, ёр-  
дам берувчи у туфайли устунликка эришган ҳисобланади. Худди  
султон лашкарлари экин эгаси дехқонлар ёрдамидан фойдаланга-  
нидек. Бундан бошқа чора йўқ. Ҳеч ким ундан беҳожат эмас.

Улуғлар ўзларини тортган ҳамкорлик илтифот кўрсатиш  
маъносидағи ҳамкорликдир. Улар ўз заарларига хизмат қил-  
маслиги учун ёрдам сўрапидан ўзларини четга олишган, фой-  
даларига бўлиши учун ёрдам беришга шошилишган. Ким маж-  
бур бўлмай туриб обрў-эътибор ёки мол билан ёрдам сўрашига  
қадам қўйса, мурувватини заифлантириб, сакланишини ерга  
урибди. Бошига тушган ташвиш ёки мусибат туфайли қаттиқ  
қайту туфайли қийналиб, улар кишанидан халос бўлиш учун ёр-  
дам сўрашига мажбур бўлса, бундай кишига ҳеч қандай маломат  
йўқ. Агар обрў-эътибор билан ёрдам сўраш мол билан ёрдам  
сўрашга зарурат колдирмаган ҳолатда молга ўтса, узр бўлмайди  
ва иш эгаларига мурожаат қиласди. Чунки улар ҳузурида ҳожат-  
лар раво бўлишига умид кўпроқ ва бу уларга осондир ва ўзлари  
шунга чақирилган. Улар ўзларига тенг келадиганни тоимайди.  
Уларнинг кечикиришларига сабр қилсин. Албатта уларни ин-  
шарнинг ҳадидан зиёд кўнайиб кетиши чалнитиб қўяди. Фақат  
қатъий туриб, сабр қилганлар ўз ниятига етади. Шунинг учун:  
«Баъзи ҳожатларинг учун сабот-матонатингни тақдим эт», де-  
йишади. Абу Сарро Сухайм ибн Аъроф айтади:

Қариндош санаймиз, қудачилик санаймиз,

Шу туфайли ҳақларига риоя этган баҳтлидир.

Биз фақириликдан сени қўргани келмадик.



*Лекин амирликка умид қылған мамнун.  
Нима қылсанғ ҳам нағсинге солиҳисини  
Унинг түқлигидан деб биламан мен.*

Агар холатининг ўнгланиши мусибатларда фойдаланадиган молсиз ҳам амалга оны маса, уни заруратда кенглик бор. Мободо қайтариб бериладиган қарзни топса, саховат ва ҳадя сифатида уни кабул қылмайди. Чунки мурувватда ҳам қарзга рухсат берилади. Қарангки, Аллоҳ таоло қадрлари ва фазиларини халойикдан канчалик олий қилишига қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарз олганлар, уни узғанлар ва чиройли адо килгандар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Кимни Аллоҳ таолонинг ҳалол ризқи ожиз қолдирса, Аллоҳ ва Росули зиммасига қарз олсиси». Бошқа ҳадисларида: «Қарз олувчи Аллоҳ таолонинг ердаги тижоратчисидир», деганлар. Бухтарий айтади:

*Агар күн бўлмаса, розилик истагувчи  
Розиликниң бир қисмига эришаадиган.  
Озроқ ҳадя бўлар, у ҳам бўлмаса,  
Сабаблари осон қилинганд қарз бўлар,  
Худди қарз берган кишинига ҳадя қилинадек.*

Қарз ҳам қулликдир, лекин у сотиб олиш қуллигидан енгилроқ. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Ким бокийлик истаса, боқийлик йўқ. Нонуштани эртароқ қилсин, ридони енгил қилсин», деди. «Ридонинг енгиллиги нима?», деб сўрапиди. У киши: «Қарз камлиги», дедилар. Агар бунга имконсизлик туфайли мажбур бўлса, у хорловчи қулликдир. Шунинг учун «Мұхтожда мурувват йўқ», дейишади. Донишмандлардан бири айтади: «Ким ҳадянгни қабул қилса, мурувватини сенса сотиби. Иzzати ва улуглигини қадринг учун хор этибди». Рағбат қилувчилар мурувватидан қолганини ва сўровчилар сақланишидан арзимаганини тутиб турувчи тўртта хислат бўлиб, улар ноилож кишининг жилду жаҳдири. Аслида рағбат эгасида мурувват, сўровчида иффат бўлмайди.

**Биринчиси**, сўровчилар ялиниши ва кам деб билувчилар гердайишидан узоклашиш. Чунки ялинса, ўзини хорлаганидир. Агар гердайса, қурук қолади. У ҳолда ўзига ўхашаш ҳожатмандин



лар холи такозо этган одоб бўлсин. Донишмандларнинг биридан: «Несъматининг кетиши қачон ёмон?», деб сўрашди. У: «Несъматга қўшилиб сабр ҳам кетса», деб жавоб килди. Адиллардан бири Али ибн Жаҳмнинг шеърини айтиб берди:

*Нафсга нимани юкласанг қўтариар,  
Замоннинг зум ва адолатли кунчари бор.  
Чиройли сабринг оқибати ҳам чиройли,  
Хуликлар ичида гўзали марҳаматли бўлишидир.  
Ҳур кишидан неъмат кетиши айб эмас,  
Лекин ундан сабр-бардош кетиши айбдир.*

**Иккинчиси**, сўрашда ҳожат қалари ва унинг даражаси билан кифояланини. Фойдаланиб қолиш учун бу фурсатни восита қилиб олмаслик. Бас, фойдаланса, маҳрум бўлади, ҳожатида узри қабул қилинмайди. Донишмандлардан бири айтади: «Ким сўрашни одат қиласа, ман этиш уни ўзига улфат этади».

**Учинчиси**, берилмаган тақдирда маломат қилмаслик, берилганда раҳмат айтиш. Чунки берилмаса, ўзиники бўлмаган нарса берилмаган бўлади. Мабодо, берилса ҳам, хақли бўлмаган нарсани олиди. Намир ибн Тавлаб айтади:

*Молини деб кишига ҳаргиз газаб қиласа,  
Обрў ва муруватингни сақлаш учун  
Хизмат қилмагани учун куч-кувватингга газаб қил.*

**Тўртинчиси**, сўрашга лойиқ, ёрдам бериши умид этилган кишидан сўрашга ҳаракат қилиш. Чунки имкони борлар кўп, ёрдам берувчилар кам. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшилик кўп, аммо уни қилувчили кам», деганлар. Кимда уч хислат бўлса, илтимосни қабул қилишига умид қиласа бўлади.

**Биринчиси**, табиатан қўли очиқлик. Чунки сахий киши ёрдам беради, пасткаш эса бош торгади. «Пастканларга иши тушган киши ҳакиқий омадсиздир», дейилган.

**Иккиичиси**, кўнғил тоза бўлиши. Чунки душман сенинг ҳалокатингдан қувониб, фалокатингта ташнадир. «Кимнинг жахлини чиқарсанг, ёмонлигини ўзингга чақирасан», дейишади. Агар душман олижаноб табиати билан сенга юмшаб, чиройли

зафари билан раҳм қилса, душманинг сенга шафқат қилиши қандай ажойиб. Шоир айтади:

*Кишидағи катта ҳодиса дейшиігә етарлидір,  
Душманлари үнга раҳмділ бўлиб қолса.*

**Учинчиси**, имкониятли бўлиш. Чунки имкопи йўқдан бир нарсани сўралса, илтимосни рад этиши аник. Бу худди хибсадаги кишидан турғизиб қўйишни илтимос қилганга ва қарздордан ёрдам сўраганга ўхшайди. Бу ҳолатда у рад этишга лойик ва маҳрумликка муносиб бўлади. Али каррамаллоҳу важҳаху айтади: «Ким йўқлигини то йўқ дейилмагунча билмаса, у ахмокдир». Абдуллоҳ ибн Аҳтам ўғлига насиҳат қилиб шундай деган экан: «Эй ўғлим, ҳожатларни адо этмайдиганлардан сўрама, ноўрин вақтда ҳам улардан бир нарсани тамаъ этма, ўзинг ҳақли бўлмаган нарсани талаб қилма. Агар сен шундай қилсанг, маҳрумликка маҳкум бўласан». Шоир айтади:

*Ҳожат сўрагандан ўзининг ҳам  
Шундай ҳожати боряғини  
Рўкач қилган кишидан уни сўрама.  
Сен таклиф қилган нарсани қўйиб,  
Ундан олдин ўзиникини бошлайди.*

Мана шу айтилганлар муруватнинг ўзидағи шартлардир. Муруватнинг бошқадаги шартлари ёрдам бериш, мулойим муносабат ва марҳамат кўрсатишидир.

Ёрдам бериш икки хил бўлиб, биринчиси, обрўси туфайли ёрдам бериш, иккинчиси, бошига мусибаг тушганда ёрдам бериш. Обрўси туфайли ёрдам бериш кўпроқ қадри баланд ва ҳукми ўтадиган кишилар томошидаи қилинади. Бу турдаги ёрдам бериш улуғ хулқларнинг қиймат жиҳатдан энг арзони, яхшиликлар ичida мавкс жиҳатдан энг латофатлисиdir. Айрим ҳолларда унинг манфаати мол-дунёдан ҳам кўпроқ бўлади. У поилож қолганлар мурожаат қиладиган соя ва қўрққанлар бошина тонадиган дахлсиз қўрғонидир. Агар арбоб ёрдамиши аямаса, ёрдамчи ва тарафдорлари кўп бўлади. Агар ёрдам қўлини



чўзишдан бош тортса, гурухлар ва эргашувчилик қорасини кўрсатмайди. Агар у берса, кўшайтиради ва зиёда қилади. Агар бермаса, камайтиради ва йўқотади. Ким обрў-эътиборга эришган бўлса, баҳишлик қилмаслиги лозим. Акс ҳолда молига баҳилдан ҳам ёмон ҳолатда бўлади. Чунки қизғанчиқ киши ўз молини бoshiga тушадиган кулфатлар учун тайёрлаб, роҳати учун асраб, зурриётларига захира қилиб қўяди.

Мансабига баҳиллик қилувчи эса бунинг тескарисидир. Чунки у мансабини баҳишлик туфайли бой берди, зиқналик қилиш билан зое кеткизади. Ўзини имкон ғанимати ва кодирлик фурсатидан маҳрум этди. Бу иши унга қўлдан кетган нарсага нушаймонликни, зое бўлган нарсага афсус-надоматни, қалбларда ўрнашиб қолган нафратин, одамлар ичидагаркалган маломатни қолдиради. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: «Халойикнинг барчаси Аллоҳга муҳтож ва Унинг қарамоғидадир. Халойикдан Аллоҳга энг маҳбуби Унинг яратганларига кўпроқ яхшилик қиласидиганидир». Дошишманлардан бири деди: «Имкони борича яхшиликни қилиб қол, заволга юз туттандага мақтовори қолади. Давлат фойдангга бўлганда яхшилик қилсан; сенга зарар стганда яхшилик қилинади. Фаровон вақтингни мусибат кунларинг учун хозирла».

Одамларга яхшилик қилиш муваффакият аломатидир. Адиблардан бири айтади: «Обрў-эътибор туфайли ёрдам бериши икки тухфанинг биридир». Ибн Арабий айтади: «Араблар айтади: «Ким бир нарсадан умид қиласа, уни улуғлайди. Ким бир нарсадан бехабар бўлса, уни айблайди».

Обрў ва мансаб туфайли ёрдам берниш баъзан олижаноблик ва неъматга шукр қилишдан юз берса, унинг акси эса аксидан келиб чиқади. Бир нарса илинжида ва эваз талабида обрў-эътибори туфайли ёрдам бериши мақталган ёрдам бериш дейилмайди. Балки у обрўсини сотган, Аллоҳнинг неъматлари ва тухфалини алмаштирган ва маломатга ҳакли бўлади. Адиблардан бири Али ибни Аббоснинг шеърини айтиб берди:

*Яхшиликни сарф қилганда мақтоворни сотган  
Ёки алмаштирган каби сарф этма.*



Яхшилик қылғанды яхшилик бұлғапи учун қыл,  
Эвазга әга бўлиш учун эмас.

Ўзи қозонған обрў-эътибори туфайли ёрдам беріб, хурсанд килған кишининг зиммасида учта бурч бор. Ўша ҳақлар туфайли кўпроқ миннатдорчиликка эга бўлиб, зиёда ажр-савобни кўлга киригали.

**Биринчиси**, ёрдам кўрсатишни хурсандчилик туфайли осон деб, ёктирумай оғир деб билмаслик. Бас, Аллоҳнинг неъматларидан малолланған ва яхшилигидан ғазабланған бўлиб қолади. Набий соллатлоҳу алайхи васаллам айтадилар: «Кимга Аллоҳнинг неъмати улуғ бўлса, унга одамларнинг юки ва ташвиши ҳам улуғ бўлади. Ким ўша юкни кўтармаса, неъмагни заволга учратибди».

**Иккинчиси**, кибрдан четланиш ва миннат килмаслик. Чунки бу икки сифат пасткашлик ва қўнгли торликдандир ва улар туфайли яхшиликни кетказиб, ташаккурни барбод қиласи. Юнон донишмандидан: «Кимнинг йўли тор ва дўсти кам бўлади?», деб сўрашди. У: «Одамлар билан қовоғи солиқ холда мумомала килғани ва ўзини улардан катта олган киши», дея жавоб қилди.

**Учинчиси**, яхни иши билан бирга йўл қўйилған хатога ҳақоратни ва камчиликка танбехни қўшмаслик. Нажот тониш туфайли огохлантириш аламини қоплай олмайди, ташаккур газабга ва мактov айбланига айланади. Шунинг учун Набий соллатлоҳу алайхи васаллам: «Муруватли кишиларнинг хатосини кечиринглар», деганлар. Набиғо Жаъдий айтади:

Иккигиз бўлар иши бўлғандан кейин  
Маломат фойда бермаслигини билмадинизми?

Бошига мусибат тушганда ёрдам беришга келсак, чунки кунлар хиёнат қилувчи, фалокатлар халок қилувчи, баҳтесизликлар рўнарадан чиқувчи ва кулфатлар билдирумай келувчиидир. Бундан факат билғанларгина омон қолиб, улардан мусибатга учраганини факат саломат қолувчигина қутқаради. Адий ибн Хотим айтади:

Кишини ёмонликдан қайтарни учун  
Замонасининг ибратлар билан келиб,  
Кетадиган кунлари кифоядир.



Олижаноб ва саховатли киши замона зайди билан мусибатга учраган кишини кўрса, сахийлик ва неъматга шукр қилиш уни имкон кадар ёрдам беришга чақиради. Набий солиаллоҳу алайхи васаллам айтадилар: «Яхшилик тухфа этувчи яхшиликдан хам яхши. Ёмонликни қилувчи ёмонликдан хам ёмандир». Донишмандларнинг биридан: «Олтин ва кумушдан ҳам яхшироқ нима бор?», дея сўрашди. У: «Уларни берувчиси», дея жавоб қилди. Бошга мусибат тушган вактда ёрдам бериш икки турли – вожиб ва холис ёрдам бўлади. Вожиб уч тоифага хос, яъни аҳли оила, ака-укалар ва қўшнилар. Аҳл-оилага қариндошлиқ риштаси ва насаб алоқаси бўлгани учун ёрдам берилади. «Аҳлини бирорларга муҳтоҷ килиб кўйган киши улуғ эмас», дейишади. Ҳассон ибн Собит айтади:

*Албатта киши бойликка етса-ю  
 Сўнг қариндош ва ҳожатмандларга  
 Улашмаса, у баҳил ва зикнадир.  
 Бойлик сабаб кишиларга адован сақлаган,  
 Аллоҳдан бойлик сўрамаган киши ҳасадгўйдир.*

Ака-ука, биродарларга дўстлик ва ишоқликни мустаҳкамловчи, аҳдга вафони сақловчи бўлгани учун ёрдамни аялмайди. Аҳнаф ибн Қайсдан мурувват ҳақида сўралганда: «Тилнинг ростгўйлиги, дўст-ёрларга ҳамдардлик, ҳамма жойда Аљюҳ таолони эслани», дея жавоб берган экан. Форс донишмандларидан бири: «Ҳақиқий дўст иш тушганда сенга молини, мусибат етганда жонини бериши ва йўқлигингизда химоя қилишидир», деган экан. Донишмандлардан бири икки дўстни доим бирга юрган, бир-биридан ҳеч айрилмганини кўриб, улар ҳақида сўради. Одамлар:»Ораларидан қил ўтмайдиган дўст», дейишди. Донишманд: «Нега бири бой, иккинчиси камбағал?», деди.

Ҳовлиси яқинлиги ва уй-жойи ёнма-ёнлиги учун қўшниларга ёрдам берилади. Али каррамаллоҳу важҳаҳу айтди: «Яхши қўшничилик озор бермаслик билан эмас, балки азиятга сабр қилиш билан бўлади». Донишмандлардан бири айтади: «Ким қўшни-



сипи ҳимоя қилса, Аллоҳ унга ёрдам беради ва ҳимоя қилади». Балоғат ахлидан бири айтади: «Ким күшнисига яхшилик қилса, ўзининг асли тозалигини исботлабди». Шоирлардан бири айтади:

*Күшининг ҳақлари бор,  
Озоридан эҳтиёт бўл.  
Сенга доим озор берса,  
У яхши қўшини эмас.*

Мурувват ҳаклар ва олижаноблик шартларида мана шу уч тоифанинг оғирликларини кўтариш ва қийин вақтда ёрдам бериш зарур. Мурувват эгаси учун имкони бўла туриб, ёрдам бермаслиги ёки ўзидан сўрашга мажбур қилишга узр йўқ. Кўшнилар ҳолидан унинг саховати ҳол сўраб турсин. Чунки улар шу саховат ҳисобига кун кечирувчи ва муруввати меҳмони бўлган кишилардир. Ўз қарамоғида бўлганларни, меҳмонларни сўраш ва кўнглидагини ошкор этишга мажбурлаш дуруст эмас. Саховати қарамоғида бўлган, муруввати меҳмони ҳисобланганлар хам худди шундай. Шоирлардан бири айтади:

*Араб ва ажамларда шундай нақл бор:  
Манфаати ва ҳимояси умид қилинган  
Улуг кишининг бурчи саналар:  
Саховатини энг олис жойлардан аввал  
Энг яқин хизматкорлардан бошлии.  
Албатта Фурот тоиса, аввал соҳибларни  
Сугорар, сўнг бошқа ергарга ёйилар.*

Холис эҳсон – мазкур уч тоифадан бошқа насаби боғланмаган ва бирон сабаб туфайли алоқа ўрнатилмаган кишиларга қилинади. Агар ортиқча саховат, зиёда мурувват билан иззат-икром кўрсатса, бир мушкулини ҳал этса, оғир вақтда ўз қарамоғига олса, мурувват шартларидан ошириб, пешволик шартларига ўтган бўлади. Донинимандларнинг биридан: «Одамларнинг ишларидан қайси иш Аллоҳнинг ишларига ўхшайди», деб сўрашди. «Одамларга яхшилик қилиш», дея жавоб берди у. Агар зарур нарсалар билан машғул бўлиб, бу ишларни қила олмаса ҳеч қандай айби йўқ. Агар



мухтож кишилниң ўзи мурожаат қилмаган бўлса. Чунки хамманинг ҳожатинираво қилиш иложи йўқ. Барчанинг кафолатини зинммага олиш осон эмас. Булар ёрдам кўрсатишнинг хукмидир.

**Юмшоқ муомала** икки турли бўлиб, хатоларни кечириш ва ҳаклар борасида багри кенг бўлишдир. Хатоларни кечиришга келсақ, ҳато ва адаиниш, нуқсон ва камчиликдан холи кишининг ўзи йўқ. Ким хатоси йўқ кишиши тошишга уринса, адаинишдан сақланган кишини кидирса, ҳақдан узокўлашиб, нотўғри фикри билан ўзини-ўзи алдабди. Бундай киши мақсадига етмай, билдирган таклифи билан бир ўзи ёлғизланиб қолади. Донишманувлар айтадилар: «Айби йўқ дўстни кидирган кишининг дўсти бўлмайди». Апушервондан: «Айби йўқ киши борми?», дея сўрашиди. У: «Кимда ўлим бўлмаса, ўша беайбдир», деди. Модомики, у талаб кылган нарсани замон юзага чиқармас, яхши кўрганига ёриштирас, одамлар орасида ёлғизланиб қолгани тарқ этилиб, ажralиб қолгани ташлаб қўйилар экан, тақдир зарбалари борасида замона ахлига ёрдам бермоғи, кечириш ва кўз юмиш билан биродарларига юмшоқ муносабат кўрсатмоғи лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллаҳ айтадилар: «Аллоҳ таоло менга фарзларни адо этишни буюргапидек одамлар билан муроса қилишни ҳам буюрди». Адиблардан бири айтади: «Уч хислат факат соҳибидагина жам бўлади: гўзал муомала, ҳатога сабр килиш ва малолланмаслик». Ибн Румий айтади:

*Ҳуши келибсиз, марҳабо дейиниши билан*

*Олдини суннотига учун узр ва дўстлигиниң қабул этилар.*

*Агар қулогимга мени ҳақорат қылганинг эшишилса ҳам,*

*Қулогимиш кўролмаётган ва тухматчи деб ҳисоблайман.*

*Агар қалб ўзгармаса, тилни ўзгарини туфайли*

*Дўстларимдан алоқани узмайман асло.*

Кўз юмиш зарур ва авф этиш олижаноблик экан, бу ҳам ҳатоининг катта-кичиклиги, айбанинг қандайлигига қараб бўлади. Хатолар катта ва кичик деган икки турга бўлинади. Бундан кичик хатолар кечирилиб, нафслар бу борада мавзурлир. Чунки турли ҳолат ва бир-биридан фарқли хулклари билан одамлар улардан



үзини саклаши кийин, Бунинг учун койишни тарк этилиб, маломат қилиш хунук деб ҳисобланади. Олимлардан бири деди: «Ким биродари билан айбизз аразлашса, экин экиб уни бевакт йиғиб олғанга ўхшайды». Абу Атохия айтади:

*Дұстларнің ёмонаға ҳар ҳолатда  
Маломат ва дашном бераверар.  
Олдингда насыхатини күрсатиб,  
Йүкшегінде қалам каби тароштар.*

Аммо катта гунохлар иккى турли бўлиб, гуноҳ ишни адашиб ё билмаган ҳолда қилиб қўйиш. Бундай пайтда торлик кўтарилиб, маломат қўйилади. Чунки хато килувчини айблаш бекор, маломат қилиш бехудадир. Донишмандлардан бири айтади: «Тузатиш иложи бўлмаган тақдирда биродарингдан алокани уз». Ахнаф ибн Қайс айтади: «Уч нарсага сабр қилиш дўст ҳакидир: ғазаб пайтидаги зулмига, бетакаллуфона қилиган зулмига ва адашиб қилиган зулмига». Иби Авғ ҳикоя қиласди, бир ҳонимиy йигит аҳли фазл бўлған кишиларга одобеззлик қилинганда, амакиси упн жазоламокчи бўлди. Шунда у: «Ой амаки, мен ақсизлик туфайли ёмонлик қилиб қўйдим, ақлинингиз бўла туриб сиз менга ёмонлик қилманг», деди. Абу Наввос айтади:

*Ёмонлик қилганинде сени жазоламадим,  
Чунки ҳақиқий дўст эканингга шионаман.  
Душманнинг яхшилиги чиройли эмас,  
Дўстнинг ёмонағиги ҳам хунук эмас.*

Агар хатоси қасдга, адашуви атайн қилинганга ўхинаса, аниқлаштиради. Маломатта қолмаслик учун гумон билан айбламайди, қораланмаслик учун шубҳа билан тавна қилмайди. Шуннинг учун: «Аниқлик киритиш кечиришинг ярмидир», дейишиади. Донишмандлардан бири айтади: «Аниқлик ислоҳ қилиган дўстингни гумон барбод килмасин». Ҳузайл кабиласига мансуб шоирлардан бири айтади:

*Ишларнинг бирини бири билан ислоҳ қиласан,  
Албатта ориқни семизи ёниб кетар.*



Аниқламай гүмөн қилиб шошилма,  
Аниқлаш билан гүмөнлар барҳам топар.  
Күшин олдидаги аскарлар ўзларин устун билар,  
Яққол устунлик яшириңганида.  
Бу сувга ўхшаб, мазасидан күзлар хабар бера олмас.

**Иккинчиси**, содир этган катта гунохига суюниш ва амалга оширган ёмонлигини атайин қилиш. Бу тўрт ҳолатдан холи бўлмайди.

**Биринчи ҳолат**, ноҳақдан зулм қилиб, ранжитилгани учун ўч олишга интилиш, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайта-ришни қасд этиш. Бу ҳолатда таъна-дашном кўпроқ зулм килганга қаратилиб, уни бошлиғанга қайтади. Чунки тенглашувчи узрлироқ бўлса ҳам, лекин кечириш чиройлироқдир. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёмонлик қилишдан узок бўлинглар. Чунки у яхши сифатларни кетказиб, айбларни юзага чиқаради», дедилар. Донишманлардан бири: «Ким хоҳлаганини килса, хоҳламаганига йўлиқади», деди. Адиблардан бири деди: «Кимга ёмонлигинг етса, сенга ҳам ёмонлик қайтариш уни тинч кўймайди». Балоғат аҳлидан бири: «Ким хунук муомала йўлини тутса, хунук қаршилик билан озорланади». Со-лих ибн Абдулқудус айтади:

Кимни ранжитсанг, адоватидан эҳтиёт бўл,  
Ким тикан эккан бўлса, ҳосили узум бўлмас.  
Албатта душман ўзини ярашгандек кўрсатса ҳам,  
Фурсат топган заҳоти ҳужум қилиб, тинч кўймас.

Агар тенглапиш гуноҳ бўлмаса-да, бу айдан кўз юмиш лозимроқдир. Чунки ёмонлик қилиш оқибатини кўрди. Агар ёмонликни давом эттиrsa, унга жавоб қайтариш ҳам давом этади. «Ёмонликдан ўзингни тортсанг, ёмонлик ҳам сендан четланади ва чиройли адолат билан дўстлик ришталарини боғловчилар кўпаяди», дея бежиз айтишмаган. Донишманлардан бири айтади: «Кимнинг мусибатига сабабчи бўлсанг, бу мусибатни кеткизища мулойим бўлишинг зимманидаги бурчdir». Авс ибн Ҳажар айтади:



Жоҳиллик ва уят сўзлардан юз ўғирмасанг,  
 Ё бир ювош одамга озор берасан,  
 Ё бир подондан ўзинг озор кўрасан.

**Иккинчи ҳолат**, адовати қаттиқ, ҳаловатини йўқотган ва катта мусибатга учраган душман бўлиши. Бундай киши фурсатни фанимат билиб, рақибининг мағлубиятини пойлади, ожизлик хорлиги туфайли ғам-ғусса аламини чекади. Агар бирор заар етиб қолса, дархол ёрдам беради. Агар бир неъматни кўрса, қарнилик қиласди. Эҳтиёт юзасидан ундан узоқлашиш хавфсизроқ ва ўз ҳолига кўйиб адоватидан сакланиш фойдалидир. Чунки унинг охир-окибатда ёмонлик қилмаслигига кафолат йўқ ва хоипларча макридан омонлик йўқ. Донишмандлар айтади: «Давлат қўлида бўлгандা душманингта қаршилик кўрсатма, ундан маҳрум бўлгач, ёмонлиги ўз-ўзидан барҳам топади».

Луқмони Ҳаким ўғлига шундай насиҳат қиласган экан: «Эй ўғлим, ким ёмонликни ёмонлик билан ўчирилади деса, ёлғон айтибди. Агар сўзи рост бўлса, иккита гулхан ёкиб, қарасин, бири иккинчисини ўчирадими? Лекин оловни сув ўчиришида шубҳа йўқ». Жаъфар ибн Мухаммад айтади: «Душманинг сен ҳакла Аллоҳга осий бўлаётганганини кўришингнинг ўзи Аллоҳ таолодан сенга ёрдам учун старлидир». Донишмандлардан бири айтади: «Одил сийраг билан душман устидан ғалабага эришилади». Бухтарий айтади:

Қасамки, ёмонликка ёмонлик ила сени жазоламайман,  
 Сен мени жазолаган нарса ўзингни жазолаига кифоя қилур.

**Учинчи ҳолат**, табиати паст ва асли бузук бўлиш. Табиатан пасткапилик ёмон тунунчани пайдо қилиб, асли бузуқлиги уни бузғунчиликни ихтиёр этишга ундейди. У ёмонликни ёмонлик деб ҳисобламайди ва зулм қилишдан тўхтамайди. Бу ҳолат кагта фалокатдир. Чунки зарари кўпчиликка тегадиган кишидан факат узок юриш ва ўзини четта олиш билан ҳимояланиш, кечириш ва юз ўғириш туфайли халос бўлиш мумкин. Чунки у ўтлаб юрган чорваларга ташланган йиртқичига ва қуруқ ўтинда ловуллаб ёнаётган оловга ўхшайди. Фақат ўлишни



хөхлаганларгина унга яқинлашиб, ҳалок бўлишни истаганларгина олдига боради. Макхул Абу Умома розияллоҳу анхудан келгирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар мевали дарахтга ўхшайди, тиканли дарахтга айланаб келиштирига оз колди. Агар баҳсласанг, баҳслашадилар, агар қочсанг, изинидан қувадилар. Агар тинч қўйсанг; сени тинч қўймайдилар». Саҳобалар: «Бундан чикиш йўли борми?», дедилар. У зот: «Уларга обрўйингдан муҳтожлик кунинг учун қарз бер», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо айтади: «Оқил ва олижаноб киши зарари тегадиган кинидан бошқа ҳаммага дўстдир. Жоҳил ва насткаш ўзига нафи тегадиганлардан бошқа ҳаммага душмандир». Донишмандлардан бири деди: «Улуғ инсондаги энг ёмон нарса сени яхшилигидан маҳрум қилишидир. Насткашдаги энг яхши нарса сендан ёмонлигини тийишидир». Балоғат аҳлидан бири айтади: «Душманларинг дардаларингдир. Тузалишини улардан узоқланишингдадир». Балоғат аҳлидан яна бири айтади: «Улуғларининг шарафи насткашларга эътибор бермаслигидир». Донишмандлардан бири ўғлига: «Эй ўғлим, қачон одамлар сендан омонда бўлсалар, сен улардан омонда бўлмаслигинг лозим. Чунки бу икки пеъмат камдан-кам ҳолда жам бўлади». Абдулмасих ибн Амр иби Буқайла айтади:

Яхшилик ва ёмонлик ўқдонда бирга ёнма-ёндир.

Яхшилик ортидан эргаштирувчи, ёмонлик ман этилгандир.

**Тўртинчи ҳолат**, ўзгариш ва димоғдорликка йўлиқкан дўстга ёки кўноллик ва юз ўгиришини вужудга келтирган оғайнинг айланishi. Бундай кимса ўзицинг ўжарлик сахифасини намоён килиб, бурчларини бир четга улоқтиради ва дўстлик яхшилигини тарк этиб, душманлик қайсарлигига ўтади. Бунга ўхашаш ҳолат тохида чин дўстликда ҳам учрайди. Ҳудди соғлом тана касалликларга мубтало бўлганидек. Агар уни муолажа қилинса, тузалади, агар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, мадорни куритиб, охирни ҳалок этади. Шунинг учун донишмандлар: «Дўстликнинг давоси зиёрат қилиб, дўст ҳолидан хабар олиб туришдадир». Кушожим айтади:



Дүстнинг хатосин кечир, баҳридан ўт.  
 Йўллай олсанг, уни тўғри йўлга йўлаб қўй.  
 Айблашга ҳарғиз шонимагин ҳали,  
 Нияти соғ ҳолда қоқилар гоҳо.

Агар ўзгариб қолса, дўстларни ўз ҳолига ташлаб қўйишни ва айниганда тарк этишни фойдали ва авло деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор. Бу худди танадаги аъзога ўхшайди. Агар бирон аъзо ишдан чиқса, дархол уни кесиш маъқулдир. Агар уни хохламаса, ўзига зиён. Бундай дўст эскирган кийимга ўхшайди. Бу кийимни кийиб юргацдан кўра янгисини олиб, олдингисини ташлаган афзал. Донишманлар айтади: «Сендан юз ўтирганини хохлашинг нафс ҳорлиги, сени хохлагандан юз ўтиришини ҳиммат пастилигидир». Бузругмехр айтади: «Дўст бўлиб юриб, бирдан ўзгариб қолган кишини ноганини бегонадек ўз ҳолига қўй». Наср ибн Аҳмад Хубзаурзий айтади:

Сенга яқин киши билан ришишни боғла,  
 Узоқлашганини унумтиб юбор индамайгина.  
 Яхши қўришга ҳеч кимни мажбур айлама,  
 Момо Ҳавво туғиб, серфарзанд бўлди,  
 Бир бола жафо қиласа, бошқа бирини ол.

Бу вафоси кам, дўстлиги заиф, тутган йўли ёмон, феъли-хўйи торларнинг йўли ва қараашларидир. Бундайларда сабр-бардош фазилати ва бетакаллуф муомалага тоқат йўқ. Кўполликка кўполнлик билан жавоб бериб, бир хатони деб итоб қиласидилар. Олдинги ҳакларни улоктириб, қайсаликка қайсалик билан жавоб берадилар. Фазилат йўлини тутмайди, авф этишга мойил эмас. Баъзан нафси уни туғёнига солиб, ҳалокат жарлигига қулатишини ва танасига оғрик етиб, уни қийшаётгани ва озор бераётганини билади. Ҳар қаңдай одамга тана ва руҳдан иборат ўзлиги, танаси, шахси бошқа ва алоҳида бўлиган дўстидан кўра яқин ва меҳрибондир. У ўз фойдаси учун ўзида тополмаётган нарсани бошқадан кутиши мутлоқо имконсиз ва ғирт жохилликдир. Шу билан бирга, ким сабр килмаса, бир ўзи ёлғизланиб колади, дўст дуниманга айланаб, унинг адовати душманникига қараганда оғирроқ бўлади.



Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Роббим менга етти нарсани васият қилди: ошкор ва пинҳона ихлосни, зулм қилганни кечиришни, ман қилганга беринни, борди-келдини узганлар билан боғланишни, сукутим тафаккур, нутким зикр ва қарашим ибрат бўлишни», деганлар. Лукмони Ҳаким ўғлига насиҳат қилиб шундай дебди: «Эй ўғлим, олдинги дўстингни тарк этма, кейингисига ишониб қолма. Эй ўғлим, мингта дўстинг бўлса, мингтаси ҳам кам. Битта душманинг бўлса, шу биттаси ҳам кўп». Мулаҳҳаб ибн Абу Суфрадан: «Жазолаш ва кечириш ҳакида нима дейсиз?», деб сўрашди. У: «Бу иккиси сахийлик ва баҳилликка ўхшайди, хоҳлаганингни лозим тут», деди. Саълаб айтади:

*Муҳтоҷ бўлишдан олдин ҳозирлик кўрмасанг,  
Керак бўлганда ҳеч кимни топа олмайсан.  
Хато қилганда дўстингни кечирмасанг,  
Бир-бираидан юз ўғириши ҳеч гап эмас.*

Агар иш айтганимдек бўлса, тойиш ва хатога йўл кўйиш сабабини аниқлаш кечириш ҳақларидан саналади. Шу йўл билан ишлатни аниқлаб, уни муолажа қилинади. Агар касалликни аниқлай олмаса, муолажа қилишнинг иложи тошилмайди. Мутанабий айтади:

*Агар бир бузуқ нарса устига қурилса,  
Жароҳат бир муддатдан кейин  
Бўлса ҳам шиниб кетар.*

Шундай экан, бу сабабнинг келиб чиқиши тоқатсизлик ёки адашувдан холи эмас. Агар унинг сабаби тоқатсизлик ва малояла-ниш бўлса, тоқатсизнинг дўстлиги булат сояси ва уйқудаги тушга ўхшайди. «Мунсур-ул ҳикам» да: «Сахийлик билан зийнатланган бўлса ҳам бесабр кишига ишониб қолма. Унинг давоси бесабрлигига ташлаб қўйишидир. Бир кун кеслиб дўстликдан зерикканидек ташлаб кетишдан ҳам зерикади». Агар сабаби адашув бўлса, сабабларини текшириб, мулоҳаза қилиб кўрилади. Агар таъвил ки-лишга йўл, яхшиликка йўйиш эҳтимоли бўлса, яхши томонга таъвил қилиб, энг чиройли тарафга буради. Холид ибн Сафвоннинг



ёнидан икки дўсти ўтиб қолди. Бири унга қараб келди, иккинчиси қарамай кетиб қолди. Буни Холидга айтишганда: «Ҳа, шундай, бу ўзининг фазли билан биз томонга келди, анави бизга ишонганидан йўлида давом этди», деди. Адилардан бири Мухаммад иби Довуд Асфаҳонийнинг мана бу шеърини айтди:

Чақимчиларга мени айнигандейсан,  
 Берган аҳдига вафо қилмади дейсан.  
 Менинг ниятим бузилмаган, Аллоҳ шоҳиддир,  
 Лекин сен менга хиёнат қилиб, айладинг ҳам.  
 Аҳдни била туриб буздинг, начора.  
 Мени қўрқитдинг, ўзинг ҳам қўрқдинг,  
 Мени тинч қўйсанг, ўзинг ҳам тинч бўлармидинг?

Агар хатосини таъвил қилиш иложи бўлмаса, кейинги холатини кузатилади. Агар пушаймонлиги маълум бўлиб, хижолати кўзга ташланса, демак, бу ҳолда пушаймонлик тавба ва хижолат тортиб қайтишдир. Тавба қилувчининг гунохи қолмайди, қайтгани маломат қилинмайди. Бўлиб ўтган нарсани деб узр сўрашга таклиф қилинмайди. Бас, уни ўзгартириш хорлиги ёки қўполлик тортишкоқлигига мажбурланган бўлади. Шунинг учун Набий соллалилоҳу алайҳи васаллам: «Узр сўрашдан узоқ бўлинглар. Чунки ушинг кўпи фожирлик ва ёлғондир», дедилар. Али розияллоҳу анҳу айтади: «Узр сўраладиган ишни қилишининг ўзи айб учун етарлидир». Муслим ибн Кутайба узр сўраган кишига: «Қутилиб кетган ишинг сени қутила олмаслигинг эҳтимоли бор ишга ундамасин». Донишманлардан бири: «Лайборинг шафоатчиси айбини тан олиши, тавбаси узр сўрашидир», деди. Балоғат аҳлидан бири айтади: «Узрни қабул қилмаганинг гунохи катта ва узр сўрагашга яхшилик қилмаганинг ёмонлиги хунукдир». Донишманлардан бири: «Гуноҳкорга узр айтиш тор бўлса, олижаноб кишининг кечирими кеңгрокдир». Шоир айтади:

Узрга ўзгартириши ва ёлғон қўшилар,  
 Сени рози қилишдан бошқа ишнам йўқ.  
 Олдинги неъматлар ўрнига ёмонлик қилдим,  
 Сен эса кечириши билан марҳамат қўрсатдинг.



Агар тавбадан олдин узрохлик қылса, қайтишдан олдин зиммасидагини сокит этса, узр тавба ва сокит килиш қайтишdir. Бас, ўзининг ичи очилмайди, очиқча хиёнати учун қўполлик қилинмайди. Чунки ғалабаси гирром ва мукофоти хунук нарсага айланади. Шунинг учун «Жаҳли тез кишининг дўстлигига алданма», дейишади. Донишмандлардан бири: «Гунохкорнинг ўртасига тушувчи унинг узрига бўйсунувчидир», деди. Шоирлардан бири айтади:


*Узр сўраб келганинг узрини қабуя эт,  
 Агар айтганлари рост бўлса, ёлан бўлса ҳам.  
 Зоҳири рози қилган киши сенга штоат қилибди,  
 Пинҳона сенга бўйсумаган сени ҳурматлабди.*

Агар дўст килган хатосини тузатмаса, узр айтиб, ундан возкечиб ўзини ўнгламаса, тавба килиб, кечирим сўраб айбини ювмаса, унга эътибор бермай, қандай бўлса шундайлигича қолдирсанг, уни уч ҳолатдаш бирида кўрасан.

**Биринчиси,** ёмон ишларидан тийилиб, олдинги хатоларини қайтармаслик. Тийилини икки тавбанинг бири бўлса, қайтармаслик икки узрнинг биридир. Сен кечириш билан унинг узрини қабул эт, илтифотинг билан гуноҳидан кеч. Умар розияллоҳу аинху айтади: «Ёмонлик қилганга яхшилик қилувчи амирдир».

**Иккинчиси,** олдинги хатосини тарқ этмай ҳам, зиёда ҳам қилмай туриб қолиш. Касалликнинг тўхташи икки тузалишдан бири, зиёда бўлмаслиги икки яхшилиқдан биридир. У ҳаддан ошмаслик билан дўстликнинг икки қисмидан бирини қолдирган ва шу билан иккинчи қисмини тузатишда фойдаланади. Сен бундай дўст билан муносабат ўрнатишни зинҳор орқага сурма. Чунки бу ишни орқага суриш упинг бузилмаган қисмини ҳам бузса, улфатчиликни боғлаш унинг бузилган қисмини тузатади. Албаттa танаси оғриган киши уни муолажа қилмаса, касаллик соғ томонга ҳам тарқайди. Агар муолажа қылса, касаллик ўрнини соғайиш эгаллай бошлайди.

**Учинчиси,** борган сари ҳаддан ошиб, вакт ўтган сайин кучайиб бориши. Бу бедаво дарддир. Агар тузагиш имкони ва ислоҳ



чораси топилса, олижаноб кишини ўз ҳолига қўйилади, оддий киши бўлса, унга ёрдам кўрсатилади, агар тенги бўлса, унга танбех берилади. Мабодо, бундан бошқа йўл колмаса, бедаво дарднинг охири қуидиришdir. Тиғ сувукка қадалгаидан кейин ҳеч ким уни маломат қилмайди. Қайсарлигига маҳкам туриб олган кимса золим ва ҳалокатга учрагувчиdir. «Ким зулм қиличини ялангочласа, у туфайли ўзининг боши кетади», дейинишиари бежиз эмас. Бу ҳам мурувват шартлариданdir.

Ҳаклар борасида бағрикенгликка келсак, ҳакиши колдирмай тўла-тўқис қилиб олиш кишини ёлғизликка махкум этувчиdir. Чуқур тадқик қилини ва қаттиқ олиш нафраглантирувчиdir. Ким баҳиллик ва зиқналик туфайли итоагдан бош тортиган нафслардан ҳакини тўлик олмокчи бўлса, бу мақсадига фақат низо ва жанжал орқалигина етказали, аммо унга қўпоплик аралаштиромай ва хасислик килмай эриша олмайди. Инсон табиатида тортишган ва жанжаллашганларни ёмон кўриш, изолаишган ва талашгатшардан жирканиш, аксинча, сингиллик берган ва бағрикенглик қилиганларга нисбатан ҳурмат-эхтиром ва муҳаббат мустаҳкам ўрнашгандир. Шу ўтибордан, ишларининг мурувватга муносibi кўнгилларга мулоҳимлик ва бағрикенглик билан илтифот кўрсатиш, уларни ўртачалик ва сингиллик бериб улфатга айлантиришdir. Донишманлардан бири айтади: «Ким дўст-ёрларига бағрикенглик билан муносабатда бўлса, уларнинг дўстлиги барҳам топмайди». Адиблардан бири айтади: «Қачон кўнгил чиқарганини олсанг, экинзоринг ўсади. Агар чукурлашсанг, қаттиқ каршиликка йўликасан».

Бағрикентлик икки турли бўлиб, шартиомаларда ва ҳакларда. Ҳаклардаги кенгағирлик – нарх-навони талашишда юмшоқ, қаршилиги кам, макр-хийладап йирок, ўзи йўқ пайтларда ишонса бўладиган киши бўлмоғидир. Набий соллалюҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Дунё талабини чиройли қилинглар. Албатта ҳар ким тақдирида ёзилганига мусассар бўлувчиdir». Яна у зот: «Сизларни Аллоҳ ва Расули яхши кўрадиган ишга бошлайинми?», дедилар. Улар: «Ҳа, албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «Заифнинг фойдасига алданиш», дедилар. Иби Ави ҳикоя қилади: «Амр

ибн Убайд Ҳасан Басрийга атаб олти ярим дирҳамга кийим сотиб олиб, сотувчига етти дирҳам берди. Сотувчи: «Унинг нархи олти ярим дирҳам», деди. У: «Мен уни биродаридаң бир дирҳамни бўлмайдиган киши учун сотиб олдим», деди.

Одамлар орасида келишув ва шартномаларда мурувватли бўлинни ожизлик, икир-чикиригача билишини нуҳталик деб биладиганлар ҳам бор. Катта саҳоват қилиш кўлидан келса ҳам, арзимас нарсани деб тортишади. Бунга Абдуллоҳ ибн Жаъфар билан кечган воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин. У жуда саҳоватли бўлишига қарамай, бир дирҳам устида қаттиқ тортишар эди. Ўзидан бунинг сабабини сўралганд: «У менинг молим, хоҳлаганимча эҳсон қиласман. Бу эса менинг ақлим унга баҳиллик қиласман», деган ёкан. Бу мурувват аҳлидан настқашлар алдови ва зиқналар камситишини даф этиш мақсадида бўлса ўринлидир. Абдуллоҳ ибн Жаъфарнинг ҳолати шунгага мос тушади. Аммо кечиб юбориш ва икром кўрсатишини сўраш мутлако жоиз эмас. Чунки бу олижанобликка зид бўлиб, мурувватга тўғри келмайди.

**Ҳақлардаги бағрикенглик** ҳам икки турли бўлиб, унга ҳолатлардаги ва моллардаги бағрикенглик киради. Ҳолатлардаги бағрикенглик мансаб-мартаба учун талапиб-тортишишни бир четга улоқтириш ва пешқадамлик йўлида ракобатланишини тарк этишдан иборат. Чунки нафслар зиқналиги бу борада беҳад катта, қайсарлиги ниҳоятда кучлидир. Агар айни шу масалада бағрикенг бўлиб, ракобатлашмаса, энг афзал ахлоққа риоя этиш ҳамда энг чиройли одобга амал қилиш орқали ҳавасни келтирадиган бебаҳо нарса туфайли мурувват кўрсатгани учун қалблардан яхшироқ ўрин эгаллайди. Сўнгра мартабаси зиёда ва пешқадамликда янада илдам бўлади. Агар ҳасад қилиб, талашиб-тортишса, энг хунук ахлоқни кўрсатиш ва энг тубан одобга амал қилиш баробарида кўнгилларда қилич тифи ва ўқ санчилишидан-да ёмонроқ жароҳат изини қолдиради. Кейин эса мартабаси пасайиб, пешқадамликдан тўсилади. Ҳикоя қилинишича, Бани Ҳошимдан бир йигит Ибн Абу Довуд хузурида ўтирган одамлар елкалари устидан ошиб ўтди. Буни кўриб у: «Эй ўғлим, одоб олижаноб кишилар мероси. Сенда ана шу ўтганлар меросини кўрмаяпман», деди.

Моллардаги бағриксшлик уч турға бўлиниб, уларга йўқлиги туфайли соқит қилинӣ, ожизлик сабабидан енгиллатиш, қийинчилик сабабидан инкор этиш киради. Мазкур сабаблар турли-ча бўлишига қарамай, улуғлардан мерос бўлиб қолган илтифот, макталган улфат тутишдир. Сахий киши баъзан ўз қўли ва тасарруфидаги нарсани эҳсон қиласди. Энди қўлидан кетган ва айрилганига ишонган нарсани кечиб юбориши яхшироқдир. Ҳақлар борасидаги бағрикенглик баъзан яхшилик қилишни қабул қилмайдиган, борди-кељдини боғлашдан бош тортадиганлар билан алоқани боғлаб, таъсир жиҳатдан чиройли, ўрни эса мос бўлади. Ҳақларда мурувватли бўлиш баъзан сўровчини рад этиш ва тилаччини қайтаришдан кўра холисроқ бўлади. Чунки сўрашга журъат қилган кишининг ҳожатини адо этмай қайтарсанг, бошқага бориб сўрашдан тал тортмайди. Ҳақинг асири ва қарзинг гаровига айланганлар ҳаммаси ҳам бағрикенглигинг ва юмшоқ муомалангга чора топавермайди. Шу билан бирга сен гўзал мактов ва катта савобга эга бўласан. Маҳмуд Варроқ роҳимаҳуллоҳ айтади:

Киии ўлимдан кейин афсонага айланар,  
Ўзи ўйқ бўлса ҳам, қилган шилари қолар.  
Холатларнинг энг яхшиси ўлимидан кейин  
Яхши хотиралар қолдирган киши ҳолати эрур.

Юқорида айтиб ўтилганлар юмшок муомалада бўлиш ҳолатларидир. Аммо улашини икки турли бўлиб, уларга ихтиёр этиш, сақланиш ва ҳимояланиш киради. Ихтиёр этиш учун бўлгани иккига бўлинади. **Биринчиси**, шукр қиласиган кишига сахийлик билан тортиқ қилишган нарса. **Иккинчиси**, узоқлашувчининг юз ўтирмаслиги ва дўстлигини сақлаш учун берилгандарса. Иккаласи ҳам мурувват шартлари ҳисобланади. Чунки уларда ўзи учун ихтиёр этиш, пайдо қилиши ва тарафдор ҳамда издошиларни кўпайтириш бор. Миннатдорлик билдирадиганларга яхшилиги кам теккан, узоқлашувчиларни улфат қилишдан бош тортган киши тарк этилган, ёлғизликка маҳкум ва паст саналган қарамага айланади. Тарк этилган ва ташлаб қўйилган кишида мурувват, паст саналиб, оёқости бўлган кишида қадр-киммат бўлмайди.



Умар ибн Абдулазиз айтади: «Ўзим хоҳлаган қайси бир ҳақикат учун одамлар бўйсунмасалар, уларга дунёдан бир четини очиб кўйдим». Донишмандлардан бири айтади: «Неъматини деб неъмат берувчининг фойдасига лозим бўлдиган энг кам нарса неъматни унга итоатензлик учун восита қилиб олмаслиkdir». Менга аъробийлардан бирининг мана бу шеърини ўқилди:

*Ким молни тўплаб, саҳоват кўрсатмаса,  
Қаҳатчиликдан қўрқиб уни тўпласа,  
Ити каби одамларга хор бўлар.*

Исҳоқ ибн Иброҳим Мусилий айтади:

*Моллар кетар, мақтov эса бoқий қолар.  
Ҳар замонда бойлик ва одамлар бордир.  
Мардлар мақтovi ва олқишини деб берувчи,  
Кўли очиқ бўлмасанлар ета олмаслар.  
Кишининг ширин сўзиға ишониб қолма,  
Токи айтганларини амал исботламаса.*

Агар ўзининг ҳоли моли туфайли яхшиликка стиш имконини бермаса, бундай кини гўзал хулқ сабаблари устунидан маҳрум, мурувват шартлари асосидан узокланган ҳисобланади. Шундай экан, бундай кини ўз танаси туфайли ёрдам берувчилар қаторида ҳамдардлигини изхор этиб, улфат каби елкадош бўлсин. Мутанаббий айтади:

*Нутқ ёрдам берсин, гар ҳол ёрдам бермаса.*

Ҳар қанча уринмасин, факир кини барибир фазилатлар саҳийларда бўлиб, хайр-саҳовати кўн кинилар орасида мурувват камайиб бораёттанини кўрса, ҳаракатдан тўхтаб қолмайди. Чунки одамлар берган билан бермаганни баробар кўрмайди. Амалсиз куруқ сўзининг ўзи ҳеч кимга керак эмас, сўз мол ўрнини босмайди. Бундайларни товушни кайтарса-да, аммо фойда бермайдиган садо мисоли кўрадилар. Шоир айтади:

*Ваъда билан саҳоватин кўрсатар,  
Лекин у бўши идишдан ёғлаб кетар.*

Одамлар назда молсиз чиққан ҳар бир нарса бүш, берилмеган ҳар қандай нарса эътиборсизdir. Улашини шартлари хакида шунча айтганимиз ҳам кифоя этади.

**Химояланинш учун сарфланшта келсак**, фазилат ва устунык әгаси исьматта хасад килувчи, фазилатта қаршилик килувчидан холи әмас. Жоһиллик қайсаrlигини изҳор этишга чакиради, разиллиги эсипастлик билан баҳаёлликка унлайди. Агар ахмоклардан ҳимояланиншга эътибор бермаса, беҳаёларни даф этишдан бош тортса, обрўси ҳакоратлан учун мўлжалига, холи муснабатлар учун нишонга айланади. Қачон аклсиздан ҳимояланса, ҳәёсизни қайтарса, обрўсини саклаб, исьматни асрабди. Набий соллалюху алайхи васаллам айтадилар: «Киши ўз обрўсини саклайдиган нарса садакадир». Оиша розияллоҳу анҳо: «Молларингиз билан обрўларингизни сакланглар», деди. Бир киши Ибн Шихоб Зухрийни мақтади ва унга эгнилаги кийимини берди. Бир киши: «Шайтоннинг сўзи учуними?», деди. У киши: «Ким яхшиликни истаса, ёмонликдан сакланади», деди. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ким отга-онасига яхшилик қилинни хоҳласа, шоирларга берсин», деганлар. Бу саҳиҳдир. Чуни шеър яширувчидир, у туфайли аниқ бўлган мақтov ва масхара яширилади. Шу сабабдан: «Шоир билан дўст бўлма. Чуки у есни ҳак эвазига мақтаб, текинга масхара қилади», дейиншган. Бир нарса бериб, ахмоклардан ҳимояланиншнинг икки шарти бор.

**Биринчиси**, махфий қилиш. Токи ахмокларниң умидворликлари кўпайиб кетмасин. Бас, бу ишни ҳақоратлаб, молини тортиб олишга восита қилиб оладилар.

**Иккинчиси**, муомалада бир важ-баҳона тоини ва илтифот кўрсатишда сабабни ўртага қўйиши. Токи у аҳмокона иши ва беҳаёлигига давом этмасин. Билгинки, токи тирик экансиз, яхшиликларингиз эътиборга олишиб, ёмоиликларингиз ҳисобда бўлади ва ўзингиз таркалган гай-сўзга айланасиз. Бирор дўст сизни кузатмайди, ҳеч бир кариндош ҳимоя қилмайди. Сиз тарқайдиган энг чиройни сўз бўлинт: Қилган ишларингизга одамлар таҳсин айтиб, ажрингиз Аллоҳнинг хузурида захира ҳолида тўпланиб турсин. Зиёд ибн Жароҳ Амр ибн Маймундан келтирган ривоятда



Росууллох соллаллоху алайхи васаллам: «Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексаликдан олдин ёшликини, касал бўлишдан олдин соғликни, камбагалликдан олдин бойликни, машғулликдан олдин бўш вакти ва ўлимдан олдин тирикликни».

Бу фасл такозо этган мурувват шартлари ана шулардан иборат. Аслида мазкур китобимиз унинг шартлари ва унга боғлиқ тўлиқ ҳаклар ҳақида дир. Аллоҳ субханаҳу ва таоло билувчиdir.

## САККИЗИНЧИ ФАСЛ ТУРЛИ ОДОБЛАР ҲАҚИДА

Билгинки, ҳолат такозо этиб, одатлар ўзгариб тургани учун одоблар ҳам турлича бўлиши табиий. Бу тариқа одобларни тўлиқ қамраб олиш иложи ҳам, санаб охирига етин имкони ҳам йўқ. Ҳар бир киши ўз замонасидаги одоблар ва ўз даврида урф тусини олиб, маъкул кўрилган одатлардан иложи етгани қадарини келтиради. Агар иложи бўлганида, олдингиси иккинчисига ҳожат қолдирмаган ва олдин ўтгани кейин келадиганини қийнаб қўймасди.

Дарҳақиқат, кейингининг насибаси қочганни тутиш, тарқоқни жамлашга интилиш, илгаргиларни замона ҳукми ва даври одатларига ҳавола қилини, мувофиқ келганини ўзида қолдириб, бошқасини ташлаб юборишдан иборат. Кейин ўз ақл-заковатидан зиёдаликини каşф этиш ва фойда чиқариш учун ёрдам сўрайди. Агар у нима билан ёрдам кўрсатса, унга стишга муваффақ бўлади, фазилатини кўлга киритиб, барчасини ўша замон ва аҳли учун таниш ва тушунарли сўзлар билан баён этади. Чунки ҳар бир замона ўз ахлининг гап-сўз борасида ўрганган одати ва муайян иборалари бор. Қалбларга қаттиқ таъсир килиб, фахмларга тезроқ этиб бориши учун шунга эътибор беради ва уни аввали ва мукалғимасига қараб тартиблайди. Асос тақозосига кўра, асллари ва кондадарига сунтиради.

Дарҳақиқат, ҳар бир илм турининг йўли аниқ ва қамраб олиши енгил бўлган алоҳида услуби бор. Мана шу айтилган бешта шарт кейингиларниң гайрат кўрсатишдаги хиссалариdir. Ҳар



бир янги асар ҳакида ҳам шу гап. Агар бу ҳисса бўлмаганда, илгари ўтган нарса билан шугулланиш беҳуда қийинчилик ва кераксиз машақкатга айланарди. Аллоҳ таолодан бу шартларни адо этишга маваффақ этиш билан мадад беришини ва бу ҳакларни тўлиқ адо этишга мусассар этиши бизни уйғотишини умид қиласан. Токи ҳаддан ошиш нуқсонини тарқ этиб, камчиликка йўл қўйиш айбларидан холи бўлайлик. Арзимас нуқсон кечирилиб, хато қилувчи маъзур тутилса ҳам. «Ким китоб тасниф қиласа, ниёнинг айланади. Агар китоби яхши ёзилган бўлса, қалблар муҳаббатини қозонади. Агар ёмон ёзилган бўлса, нафратига дучор бўлади», дейишган. Ўтган саҳифаларда бир қанча фаслларни ўз ичига олган боблар келтириб ўтилди. Халал етказинини хоҳламаган ҳолимда уларни давом эттиришни лозим топдим.

### ЕЙИШ-ИЧИШ ОДОБЛАРИ

Инсондаги еб-ичиш ҳолатига икки нарса қаттиқ өхтиёж ва хоҳловчи ҳирс ундаиди. Қаттиқ өхтиёж очликни кеткизиш ва чанқоқни кондиришга қаратилган. Бу ақлан ҳам, шаръян ҳам макбулдир. Чунки бунда жонни саклаш ва танани ҳимоя қилиши мавжуд. Шунинг учун шариатда икки кун рӯзасини улаб тутишдан қайтарилиган. Чунки бундай рўза тутиши танани заифлаштириб, нафси ҳолсизлантириб, ибодатга яроксиз килади. Шариат бундан қайтариб, акл ҳам уни маъқул ҳисобламайди. Нафсини кондирадиган егуликни ўзига раво кўрмаган кишида яхшиликдан насиба ва зухддан улуш йўқ. Чунки тоат-ибодатини адо этиши ожизлик ва заифлик туфайли ўз нафсини маҳрум килганидан савобли ва ажри кўпроқдир. Зоро, мубоҳни тарқ килишда тоат-ибодатларни бажариш ва курбат ҳосил қилишга тенг кела-диган савоб йўқ. Ким ўз нафсини тўлиқ фойдалдан маҳрум этиб, зиёнга йўлласа, захира бўладиган ажрдан маҳрум қииса, унинг яхшиликка рағбатидан кўра бош торгиши кучлироқ бўлади. Бу тариқа такаллуфи билан унда риё ва соҳтакорликка ташни-ликтан бопка нарса қолмайди. Ҳире асосан кўнайтириш-зиёда қилиш ҳамда турли-туман лаззатни нарсаларни тановул қилини каби иккига бўлинади.



**Биринчиси**, хожат қадаридан оширишга ва кифоя даражасидан күпайтиришга бўлган ҳирсдан ақлан ҳам, шаръян ҳам ман этилади. Чунки кифоя даражасидан ошигини тановул қилиш шармандали очкўзлик ва заарли баднафслеридир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаддан ошиқ қорин тўйги-зишдан узоқ бўл. Чунки ҳаддан ошиқ тўйиш динни бузувчи, касаллик келтирувчи ва ибодатга эринтирувчидир», дедилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху айтади: «Агар еб тўймас бўлсанг, ўзингни дардга мубтало бўлган деб ҳисоблайвер». Олимлардан бири айтади: «Таомни камайтиранг, саломат бў-ласан». Батоғат аҳлидаи бири айтади: «Таомни камайтиранг, яхши ухлайсан». Адиблардан бири айтади: «Таом тўла ошиқ-зонда илмга жой йўқ». Яна бирлари: «Қўркоқлик тубанлик, очофатлик баҳтсизликдир», деди. Донишмандлардан бири айтади: «Давонинг энг каттаси овкатни меъёрида ейишдир». Шоирлардан бири айтади:

*Озгина лаззат билан олинган бир луқма  
Эгасини қанча-қанча вақтлар  
Луқмалардан маҳрум этиб қўяди.  
Қанча-қанча бир нарсага талабгор бўлиб  
Ҳаракат қилувчилар борки, агар билса,  
Ўшандга унинг ҳалокати бор.*

Бошқа бир шоир айтади:

*Очкўзниң қорнига бир луқма кириб,  
Тапасидан руҳини чиқаргани қанча-қанча.  
Аллоҳ барака бермасин таомга  
Агар жонларниң ҳалокати меъдада бўлса.*

Баъзан ошиқча бир луқма ҳам тановул қилувчи мадорини куритиб, овкатдан қолдиради. Абу Язид Маданий Абдурроҳман иби Муроққаъдан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло қориндан кўра ёмонликка тўла идишини яратмаган. Агар ҳеч иложи бўлмаса, учдан бирини таом, учдан бирини ичимлик ва учдан бирини ҳаво учун ажратсан».



**Иккинчи тури** лаззатларга хире қўйиш ва нафснинг мазали ва ёкимли егуликларни тусаши. Бу нарсалар учун нафста имкон бериш хусусида турли қараашлар мавжуд. Баъзилар нафсни улардан буриш керак деса, яна бири унинг истак-ҳоҳишига эргашишини тарк этишини лозим кўради. Шундагина нафс итоат этиб, унинг бўйин товлаши камаяди. Нафсни ўз истагига қўйиб бериш уни тугёнга кетказадиган гердайиш ва ҳалок этадиган такаббурликни яратиб берилишидир. Чунки нафс ҳоҳиши-истагининг ниҳояси йўқ. Агар нафсега айни вактда тусеб турган лаззатини берилса, ундан кейин яна янгисини талаб қилишга ўтади. Натижада инсон охири йўқ нафсоний ҳоҳиши-истаклар асирига ва битмас-туганмас ҳаваслар қулига айланади. Ким шунга мубтало бўлса, ундан яхшилик умид килинмайди ва на фазилат ҳам бўлмайди. Менга бу ҳақдаги Абу Фатх Бустийнинг шеъри айтилди:

*Эй танаси дастёри, зиёни парсадан фойда излаб.*

*Унга хизмат қилиб қачонсанча баъдаҳт бўласан.*

*Руҳга юзланаб, фазилатларини камолга етказ,*

*Билгин, сен тана эмас, руҳ түфайли инсонсан.*

Бундай холатдан сакланиш учун қуйидаги ҳикоядан ибрат олиш керак. Абу Ҳозимроҳимаҳуллоҳ мева расталари ёнидан ўтиб кетаётиниб, егиси келса ҳам ўзига ўзи: «Сен учун ваъда қилинган жой жанинг», дер эди. Бониқа бир тоифа нафсега лаззат олиш учун имкон бериш маъқул, уни ҳалом ва рухсат этилган егуликлар или сийлаган яхши, бунда нафс ўз ҳоҳиши-истагига этиб роҳатланиши ва лаззатига эришиб фаол бўлади. Шу билан бирга, тизгинлаш хорлиги ва мажбурлаш дангасалиги ундан кетиб, максадга эришинида хатога йўл қўймайди, итоатсизлик қilmайди ва ёрдам қўлинин чўзишдан чекинмайди, дейдилар. Учинчи тоифанинг фикрига кўра, мазкур икки ишнинг ўртачасини олиш афзал. Чунки хоҳлаган нарсасини муҳайё этиш нафсни ташбал ва ялков қилиб қўяди. Ташбал нафс ожиздир. Нафсни баъзи лаззат ва роҳатлардан маҳрум этишда ҳукмрон бўлишига йўл қўйилмайди. Баъзи лаззат ва роҳатларга имкон бериш билан дангасалигини чек қўйилади. Дарҳақиқат, мана шу ҳакиқатга



якин йўлдир. Зоро, кўпроқ ўртача ва мўътадил ишлар мактала-ди. Мазкур бобда сб-ичиладиган нарсалар ҳакида айтиб ўтилди. Энди сўзни кийинини ҳакида давом ётириш лозим бўлади.

## КИЙИНИШ ОДОБИ

Бизгина, сб-ичинига бўлган зарурат чораси йўқ даражада бўлса хам, лекин кийимга иисбатай эҳтиёж хам шундай даражада аҳамиятлидир. Танани исесик-совуқдан тўсиш ва уни азиятдан сакланш, аврагни беркитиш, зийнат ҳосил бўлини кийим-лиbos туфайли амалга ошади. Аллоҳ таоло айтади: **«Эй Одам болалари, батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган лиbos ва зийнат лиbosини нозил қилдик. Тақво либоси, ана ўша яхшидир»**. (Альроф сураси, 26-оят).

**«Эй Одам болалари, батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган лиbos ва зийнат лиbosини нозил қилдик»** яъни, сизларга кийишининг ва авратларигизни ёниш учун лиbosлар яратдик. Аврат жойлар оятда «савъатикум» дейилган. Чунки танадаги авраг деб ҳисобланган қисмнинг очилиши эгасига ёмонлик келтиради. **«Рийнан»** ҳакида тўрт таъвил бор. Биринчиси, Мужоҳидроҳматуллоҳи алайхнинг сўзига кўра, у молни билдиради. Иккинчиси, Иби Аббоснинг сўзига кўра, лиbos, ҳаёт ва неъматлардир. Учинчиси, Маъбад Жуханийнинг сўзига кўра, у тирикчиликдир. Тўргинчиси, Абдурроҳман иби Зайднинг сўзига кўра, у гўзалликдир. **«Тақво либоси»** ҳакида олти хил таъвил бор. **Биринчиси**, тақво либоси Аллоҳ таолога иймонни билдиради ва бу Қатода ва Суддийнинг сўзидир. **Иккинчиси**, солиҳ амал бўлиб, бу Ибн Аббос розияллоҳу анхумонинг сўзи. **Учинчиси**, гўзал хулқ бўлиб, бу Усмон иби Аффон розияллоҳу анхунинг сўзи. **Тўртичиси**, Аллоҳ таолодан кўркиш бўлиб, бу Урва иби Зубайрнинг сўзидир. **Бешинчиси**, ҳаёт бўлиб, бу Маъбад Жуханийнинг сўзидир. **Олтинчиси**, авратни ёниш бўлиб, бу Абдурраҳмон иби Зайднинг сўзидир. Ояти каримадаги **«Ана ўша яхшидир»** деган сўз ҳакида икки хил таъвил бор. Биринчиси, айтиб ўтилганлардан барчасига тегишли. Яъни, айтиб ўтганларимнинг ҳаммаси яхшидир, деган



маңнода. Иккінчіси, «ана ўша» дегандың тақво нағарда тутилған. Гапнинг маңнози, тақво либоси кийим за зийннат либосидан яхши деган маңнони билдиради. Бу Қатода ва Сүдүйининг сўзи. Аллоҳ таоло кийим ҳолатини сифатлаб, уни мишинат қилини даражасига чикарди. Демак, бу у зот тарафидан оҳтиёж катта бўлгани учун бандаларга берилған мададдир.

Шундай экан, кийимда асосан учта фойда бор. **Биринчиси**, азиятдан сақлаш, **иккінчиси**, авратни беркитиш, **учинчиси**, гўзаллик ва зийннат. Кийимнинг азиятдан сақлашни ақлга кўра вожибdir. Чунки акл заарларни кетказиб, фойдаларни жашб қилишпи тақозо этади. Аллоҳ таоло айтади: «**Аллоҳ сизга ўзи яратган нарсалардан соялар қилиб қўйди ва сизларга тоғлардан бошпаналар, сизларга иссикдан сақлайдиган кийимлар ва зарбадан сақлайдиган кийимлар қилиб қўйди**». (Наҳл сураси, 81-оят). Бу оятда Аллоҳ таоло кийим ҳолати хусусида хабар бериб, аkl тақозоси билан кифоялангани ва инсон фитрати чорлагани учун уни кийишга буюрмади. «Соялар» - дарахтлар. «Ақнанан» сўзи «кинин» калимасининг кўплиги бўлиб, ундан бошпанана ва маскан тутиладиган жойлар назарда тутилған. «Иссикдан сақлайдиган кийимлар» - пахта, зиғирпоя ва жундан тўқилған кийимлар. «Зарбадан сақлайдиган кийимлар» - уруш вактида кийиладиган совутлар. «Иссикдан сақлайдиган» деб совукни зикр килмади. «Тоғлардан бошпаналар» деб текисликдагиларни келтирмади. Бунга икки хил жавоб бор.

**Биринчиси**, араблар тоғлар ва чодирларда яшайдиган қавм бўлиб, шунинг учун уларга тоғларни зикр этилди. Ҳолбуки, улар совук эмас, иссикда яшайдиган қавм бўлишган. Уларга хослаб берилган неъматни айтиб ўтилди. Бу Ато ибн Абу Рабоҳнинг сўзи.

**Иккінчиси**, бу кейиннисини айтмай, фақат бирини келтириш билан кифояланиш услубидир. Иссикдан саклаган кийимлар совукдан саклаши ўз-ўзидан маълум. Тоғлардан ўзига маскан, уй ва бошпанана қилиб олган кинин текисликда ҳам шуларни қила олади. Бу жумҳур муфассирлар сўзидир. Авратни ёпиш ақл ёки шариатдан бирининг ҳукми туфайли вожиб бўлгани тўғрисида

ихтилоф килишган. Бир тоифа авратни яшириш акл туфайли во-жиб бўлган, дейди. Чунки аврат очилиши ёмондир. Ҳар кандай ёмон нарсадан акл қайтаради. Одам Ато билан Момо Ҳавво ман этилган дараҳтдан сб қўйишни, авратлари очилиб қолганида дарров жанинг янроқларидан олиб ўзларини тўселилар. Бу очилиш ёмон деб қаралган авратларини ёпиш кераклигини акллари ёрдамида англаганларига ишорадир. Чунки авратлари очилмаган нийтда ҳам уни ёпишга буюрилмаган эдилар. Очилгацдан кейин ҳам, ёнишдан олдин ҳам буюрилмадилар, дейишади. Яна бир тоифа авратни ёниш шариат ҳукмига кўра вожиб, дейди. Чунки аврат ташанинг бир қисми. Акл унинг қолганини беркитишни тақозо этмайди. Аврат шаръий ҳукм билан хосланган. Сатр қилиш лозим бўлган парса шаръий ҳукм эътиборидан во-жиб бўлади. Қурайш ва арабларининг аксари акл расо ва мияси соғлом бўлишига қарамасдан Байтуллоҳи ялангоч тавоф қилишар, ўзларига гўшт ва чарви ёгини ҳаром қилиб, бу ишларини энг кучли қурбат деб ҳисоблашарди. Азбатта акл маъкуллаган нарсалар курбат саналар эди. Бу ҳолат Аллоҳ таоло: «**Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатигизни олинг. Еб-ичинг ва истроф қилман!**» Чунки у истроф қилувчиларни севмас», (Аъроф сураси. 31-оят) маъносидаги оятни нозил қилгунча давом этди. «Зийнатигизни олинг» дегани авратигизни ёпадиган кийим кийиш; деганидир. Ўзингизга ҳаром қилиб олган гўшт ва чарванинг сб-ичаверишлар. Оятнинг «**Истроф қилманг**» деган қисми ҳақида икки хил таъвил бор.

**Биринчиси**, ҳаром қилишда ҳаддан ошманг. Бу Суддий раҳматуллоҳи алайхининг сўзи.

**Иккинчиси**, ҳаром нарсаларни еманг. Чунки бу истрофдир. Бу Абдурроҳман ибн Зайднинг сўзи. Аллоҳ таоло мазкур оят билан авратни ёниш мажбурий эканини бандаларига билдириди. Бунгача акл уни мажбурий деб қарамаган эди. Бу сатри авратнинг акл билан эмас, шариат ҳукмига кўра вожиб бўлганига далолат қиласи.

**Гўзаллик ва зийнат** урф-одатда маъкулланган, уни акл ёки шариат лозим қилмаган. Мана шунда баъзан ҳаддан ошиш ва камчиликка йўл қўйиш учраб туради. Тајаб қилинган ўртачалик

юзага келиши учун икки жиҳат эътиборга олинади. Биринчиси, кийимнинг сифати. Иккинчиси, жинси ва қиймати. Кийимнинг сифатига урфда икки жиҳатдан эътибор қилинади.

**Биринчиси, шаҳар ва юргларнинг урфи.** Чунки шарқ ахолисининг ўзлари кийиб ўрганган кийимлари, гарб ахолисининг ҳам ўзига хос либослари бор. Шунингдек, улар ўргасидаги юргларнинг ҳам кийим борасида турли одатлари мавжуд.

**Иккинчиси, тоифалар урфи.** Аскарлар ва савдогарлар киялигидан одатий кийимлар бор. Шунингдек, бошқа касб-хунар оғаларининг ҳам кийим хусусида қарашлари турлича. Кийим масаласида одамларнинг одатлари шу икки жиҳатта қараб фарқланади. Бу фарқ ажралиб туриш учун бир белги ва билинмай колмаслик учун аломат маъносидадир. Ким бўлишидан қатъи назар, кийинишда ўзи яшайдиган шаҳар урфи ва тоифаси одатидан четта чиқса, бу ини аҳмоқлик ва ножӯя деб баҳоланади. Шунинг учун: «Оғир бўлса ҳам яланғочлик шармандали кийимдан яхшироқдир», дейишган. Кийимнинг сифати ва қиймати икки жиҳатдан эътиборга олинади.

**Биринчиси,** бойлик ва камбагалликдаги ўршига қараб фарқланади. Албатта бой киши учун кийимда обрў-эътибор бор. Камбағал киши учун бор-у унчалик эмас.

**Иккинчиси,** мавқе ва ҳолатта қараб фарқланади. Мавқеи баланд киши кийиницида обрў-эътиборли кишидир. Ундан настга эса озроқ. Ҳолатлардаги устунликлар эътиборга олиниб, шу жиҳати билан бир-бирларидан ажралиб туради. Агар бой камбағал кийимини кийиб олса, баҳиллик ва хасислик бўлади. Баланд мартаба эгаси мартабаси настроқ кийимини кийса, хорлик ва ўзини ерга уриш деб қаралади. Камбағал бойининг кийимини кийса, истрофга йўл қўйиб, пулини бехуда совурган бўлади. Агар мартабаси настроқ мартабали кишининг кийимига ўтса, нодонлик ва қолоқлик бўлади. Одатий анъанага риоя этиш, кўзланган ҳадни назарда тутиш аклга ҳам тўғри келади, маюматдан ҳам сакланишга сабаб бўлади. Шунинг учун Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Сизлар икки турли кийимдан узоқ бўлинглар: машҳур кийим ва хақир кийим». Донишмандлардан бири айта-



ди: «Кийимлардан улуғлар ерга урмайдиган, донолар айбламай-диганини кий». Шоирлардан бири айтади:

*Агар сен күзларга эгенингда  
 Машхур кийимлардан либослар  
 Бўлган ҳолда кўринсанг,  
 Сени назарга илмаслар.  
 Таомдан хоҳлаганингни егину  
 Либосингни одамлар хоҳлагандек қил.*

Инсон ўз кийимига эътибор берипда қўпайтирмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўймаган даражада ўртача йўл тутиши муруватдан-дир. Чунки бутунлай эътибор бермаслик, кўздан кечириб кўйишни тарк этиш хорлик ва камситилишга сабаб бўлади. Аммо эътиборни ошириб юбориш ва унга аҳамият беришни мақсаддага айлантириш пасткашлиқ ва нокислиқдир. Гоҳида фазилатдан маҳрум, фарқлашдан бенасиб айрим кишилар бу нарсани комил муруват ва фозил сийрат деб ўйлади. Бу билан қўпчиликдан ажралиб, ўзини бефаросат омилар сафидан чиққан деб ҳисоблади. Лекин у ҳад-чегарадан чиқиб, меъёрни бузса, номига доғ тушишини, маломатга колишини англаб етмайди. Мутанаббий деди:

*Тубан инсонга башанг кийим фойда бермас,  
 Мурдага чироили кафан фойда бермаганидек.*

Мубарриднинг хикоя қилишича, курайшлик бир киппи бойиса, энг кўримсиз, ночор аҳволга тушса, энг чиройли кийимларини кияр экан. Ундан сабабини сўрашганида: «Бойиганимда сахийлик билан зийнатландим. Ночор аҳволга тушганимда кўринишим билан», дея жавоб берган экап. Ибн Румий ўз шеърида бундан-да балогатлироқ маънони баён қилган.

*Безанмоқ нуқсон учун зийнатдир фақат,  
 У чироидаги камчиликни тўлдирап.  
 Агар гўзалик сенини каби мукаммал бўлса,  
 Уни пардоз қилишига ҳожсат ҳам бўлмас.*

Шунинг учун донишмандлар: «Азизлик либос күркемлігіда әмас», дедилар. Шоирлардан бири айтади:

*Қавмнинг эси насти аұмокълик ила  
Обрүси булғанғанин күрасан,  
Пойабзали ва итпиди артиб құйғанин.*

Агар кийимга әзтибор беріш билан тақаллуғи күчайса, бу нарса уни үзиге әзтибор берішдан қалғитса, либоста ән қадрли нарса деб қараб, унинг риоясига қизиқиши ортса, «Мансур-ул хикам» да айтиласы: «Кийимларнинг сенға хизмат қыладығанини кий, хизмат қылдирадығанини әмас». Холид ибн Сафвой Иәс ибн Муовияга: «Сени кийимшітте бепарво ҳолатда күраман», деди. У: «Мени сақтайтын либосни кийишім, мен уни сақтайтын либосни кийганимдан яхшироқдир», деди. Кийимға жуда әзтиборлы бўлиш ҳам, мутлақо бефарқ бўлиш ҳам ярамайди.

Оиша розияллоҳу анходан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг ҳузурларига келганида унинг кийимларини эскирган, ҳароб ахволда күриб: «Сенға нима бўлди?», дедилар. У: «Аллоҳ менга мол-дунёнинг ҳар туридан берган», деди. Росулулоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Аллоҳ таоло бир кишига неъмат барса, унинг асарини унда кўришини яхши кўради», дедилар. «Ёрқин мурувват покиза кийимдадир», дейишади.

**Хизматчиларга одоб бериш.** Хизматчи ва хос одамлари ҳакида ҳам юқорида келтирілғанга ўхшаш гапни айтамиз. Агар улар билан бутунлай машғул бўлса, қаровчиси ва хизматкорига айланиб қолади. Агар ўз ҳолига ташлаб кўйса, йўлдан озадилар, бузиладилар. Натижада ўзининг ёмон кўрилиши, маломат қилинишига сабаб бўлади. Уларни балхулқиқидан тийиб, ән чиройли ахлоқда ушлаб туриш лозим. Ўшанда шоир айтганидек ҳолат кўзга ташланади:

*Эшиги олдидан ўтсанғ,  
Ховлисингер ери юмшоқ,  
Кўли очиқ, хизматкорлари одобли.*



Уларнинг ҳолидан ўзи шарафини сақлайдиган, енгил санашибга олиб бормайдиган даражада хабардор бўлиб, кузатиб боради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Хушбўйлик суртинишлар, сизлардан ёқимсизлик кетади. Чиройли либосларни кийининглар, сизларда Айлоҳнинг неъмати билинади. Қўл остиғиззагиларга яхшилик қилинглар. Чунки уларга яхшилик қилишингиз душманларингизни каттиқ хўрлади». Уларга юмшоқлик ва қаттиқ қўлиник орасида ўртача муносабатда бўлади. Агар ҳалим бўлса, писанд қизмайди. Агар қўпоп бўлса, нафратланишади. Улар тарафидан хатарда бўлади. Ҳикоя қилинишича, Мубаз Анушервон ўтказаётган мажлисида ходимлари қулаётганини кўриб: «Анави йигитларни қайтармайсизми?», деди. Анушервон: «Шуларни деб душманларимиз биздан қўркишади-да», деди. Абу Таммол Тоий айтади:

*Дўстнинг яқин одамлари  
 Дўстла чип ёки сохталигини  
 Қидирувчи кўзларидир.  
 Кинни хизматкорлари кимнигига қарасин,  
 Улар дўстнинг ахлоқи ўрнидадир.*

**Роҳат ва уйқу.** Билгинки, нафсда икки хил ҳолат бор. Биринчиси, истироҳат ҳолати. Агар нафсни истироҳатдан маҳрум килсан; ҳолдан тояди. Иккинчиси, тасарруф ҳолати. Бу ҳолатда роҳат берсан; бўш қолади. Инсон уйқу, дам олиш уйғоқлик ва фаолият ҳолатларини аниқлаб олиши лозим. Албатта иккисининг ҳам ҳаддидан миқдори ҳамда маҳсус вақти бор. Агар ўзининг ҳаддидан ошса ва вакти ўзгарса, нафсга зарар қиласи. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Тонг уйқуси ожизлик, шиншиш, дангасалик, сўлғинлик, заифлик ва хожатни унтушиш сабабдир». Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо айтади: «Уйқу уч хилдир. Нодонлик уйқуси. Бу тонгдаги уйқудир. Ахлоқ уйқуси. Бу тушдаги уйқу. Аҳмоқлик уйқуси. Бу шом ва хуфтон орасидаги уйқудир. «Мансур-ул ҳикам» да айтилади: «Ким уйқуни лозим тутса, муродга етмас».



Агар нафсга уйку ва дам олиш хақини берсе, уйғоқлик ва фаолият борасыда упдан хақини тұла-түкис олса, иетирохат биләп ожизлиги ва күчсизлигидан халос бўлади, чиншигирини орқали дангасалити ва айнишидан саломат бўлади. Хикоя килиннишича, Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз отасининг олдига кирганда ухлаб ётган эди. Отасига: «Отажон, оламзар өнисик олдиди туришганда ҳам ухлайсизми?», деди. У кипи: «Үтгизниам, нафсим менинг уловим, уни чарчатинин ҳоҳламайман. Мени кўтармай қўяди», деди.

Тасарруф ва уйғоқлик ҳолатини муҳим ҳожатларинга тақсимлаши зарур. Чунки инсоннинг ҳожати лозим тутувчишир. Вакт муҳим ишларни тўлиқ қамраб олинига етмайди. Ўтиш кераксиз ишлар билан банд бўлса, нима бўлишини ўйлаб кўраверниш. Ҳоли ушбу шеърдагидан бошқача бўлмайди:

Ўз тухумин ялангликда қолдириб  
Бошқанинг тухумини босиб ётар.

**Нафси сархисоб қилини.** Сўнгра кечаш кундуз кылган ишларини ҳәёлидан бирма-бир ўтказади. Чунки кеча фикрин жамлаш ва ўйлаш учун муносиб ва мақбул вактишир. Агар мактова тойик ишлари бўлса, унда давом этиб, шу ишинга ўхшашларини кўшайтириб боради. Агар ёмон ишлари бўлса, имкон қадар тузатиб, ўринини тўлдиради. Келажакда унга ўхшаган ёмон ишлардан тийилади. Агар шу айтилганга амал қиласа, ишларини тўрт ҳолатдан бирида топади. **Биринчиси,** кўзлангани максадни тўғри тошганини. **Иккинчиси,** хато қилиб, ноўрин жойга кўйганини. **Учинчиси,** хатога йўл қўйгали ва нокислик юз берганини. **Тўртинчиси,** ошириб юборгани ва ҳаддан олинганини. Бу кузатув фикр юритгандан кейин, амал қилишидан олдин, хатодан сақланиши, уларни тузатишни ганимат билиши учун аниқлаб ониш маъносидаги ишдир. «Кимнинг ўзтибори кўн бўлса, тойинни кам бўлади», дейишган.

Инсон ўз ҳолини тафтиш қиulgанидек бошқалар ҳолини ҳам тафтиш қилиши лозим. Айрим ҳолларда бошқаларининг ҳолини кўриб етиб олинига уринини нафе саломат бўлишинга хой-хавас



шубхаси, хаёлнинг яхши гумондан холилигидан кўра осонрокдир. Агар бирорда мавжуд яхшиликка эга бўлса ёки унинг чиройли амали маъкул бўлса, нафси уни зийнатлаб кўрсатади. Бошқаларнинг ҳолини кузатиб, яхисига эргашган, ёмонидан тийилган киши баҳтлидир. Зайд ибн Холид Жуҳаний ривоятида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Бошқани кўриб, ундан панд-насиҳат олган киши баҳтлидир». Шоир айтади:

*Баҳтли кишига бошқаларда ибрат бор,  
Тажрибада ёмонликдан қайтиши ва маъқуллаши.*

Менга баъзи аҳли илмлар Тоҳир ибн Ҳусайн шеърини ўқиб берди:

*Агар бир кишининг хислатлари ажаблантирса,  
У нима ишини қиласа, сен ҳам уни қил.  
Сени ҳайратланганинг ўзингдан содир бўлар,  
Улуглик ва фазилатлар устида  
Агар қилсанг, қайтарадиган қайтарувчи йўқ.  
Бир ишини қилишидан олдин мулоҳаза юрит.*

Амалга оширишни мўлжал этилган ишлар, амалга оширишга карор қилган мақсадларга қўл уришдан олдин фикр юритиш керак. Агар умид кўпроқ, оқибати хайрли бўлса, энг осон ва энг енгил тарафидан бошлиши керак. Амалга ошириш ишнинг шарабифига қараб бўлади. Агар адаштириш кўп, кўзланган иш паст бўлиши билан бирга умидсизлик кўпроқ бўлса, унга рўпара бўлишдан ҳитиёт бўлсин. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Агар бир ишни қасд қилсанг, оқибатини ўйла. Агар тўғри бўлса, амалга ошир, нотўғри бўлса, амалга оширма». Дошишманлар айтадилар: «Етиб бўймайдиган нарсани талаб қилиш ожизлиқдир». Шоирлардан бири айтади:

*Кириши жойлари кепг бўлиб,  
Чиқиши ўюли тор ишдан узоқ бўл.  
Киши ўзини оқлаши дуруст эмас,  
Қолғанлар ичра уни оқловчи топилмас.*



Оқил киши умрининг ҳар вақтига хос ахлоқ, замонининг ҳар мавриди учун муносиб амал борлигини билсенин. Кексайтаганда ёшлар хулқи билан хулқланса, енгилтак ва маимансираган қиликлар қиласа, ўзидан кичиклар уни назарига илмайди, наст ва ҳақирроқлар ерга уради. Бу шоир сўзида келтирилган зарбулма-салдагидек бўлади:

*Ҳар бир лочин қариб-қартайса агар,  
Унинг бошига чумчуклар ахлат ташлар.*

**Хотима.** Эй оқил ўз ишининг юзланувчи, замонандан рози, замондошларинг билан муроса қилувчи, ўз замонанг одатига кўра муомала қилувчи, одамлар сендан олдинга қўйған кишиларга эргашувчи, сени олдинга қўйғанларга шафкатли бўл. Ўзингни улардан четга тортиб, ажралиб қолма, ёмон кўрадилар. Очиқчасига қарши чиқма, душман тутадилар. Бас, ёмон кўрилган одамга ҳаёт татимайди, Ҷушман тутилганга тинчлик ва на роҳат бор. Адиблардан бири бошқасининг шеърини айтди:

*Одамлар бир кишини мақтаб, алқаса,  
Биттаси розиликда уларга қарши чиқса.  
Уларнинг яқдил келишувлари  
Ёлғизнинг эси оғиб қолганига далолат.*

Нафсингта насиҳат қилишни аклинг учун ганимат деб бил. Айбингни яшириб, узрингни изхор этиб унга тилёғламалик қилма. Таъна қилганинг ва айбларини очиб ташлаганинг сабабли нафсини жиловлашда душманинг сендан кўра насибалироқ бўлади. Чунки сен ўзингга азиз бўлган нафсинги узрлару ёмонликларинг билан йўлдан оздириш билан оворасан. Душманинига фойдаси тегиб, ўзига зарар етказилини кишининг ёмонлигига кифоядир.

Донинимандлардан бири айтади: «Одамлар эрганисин дессан, ўз фойдангни деб нафсинги тузат». Балоғат ахлидан бири деди: «Ким ўзини ислоҳ қиласа, душманлари бурнини ерга ишқабди. Ким жидду жаҳдии ишга солса, орзулари чўққисига етади».



Адилардан бири айтади: «Ким ўз айбины англаса, айболовчини маломат килемасин». Менің Абу Собит Нахвий шоирлардан бирининг шेърини келтирди:

Ўз айбины кўрмаган подон кимса,  
 Биродари айби бўлса, дарров кўрап.  
 Агар у ўзига инсоф қилгана,  
 Цусти айбидан тийшлган бўлар.

Эй инсон, айбларингни фикрлан үтказини оркали нафсингни тарбияла. Ўз нафсингга ақалли душманингга фойданг текканчалик фойданг тегсин. Чунки ўзида насиҳат килувчиси бўлмаган кишига ианд-насиҳатлардан фойда йўқ. Аллоҳ бизга ҳам, сизга ҳам амал билан сўзланимизга, сўзларимизда холис ва самимий бўлишимизга ёрдам берсин. У бизга кифоя ва қандай ҳам яхши вакилдир. Куч-куvvват Эгаси Олий ва Буюк Аллоҳ билгувчироқдир.



## ОДОБ ДУРЛАРИ ЖАМЛАНГАН КИТОБ

### БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Аллоҳ субҳонаху ва таолога Ўзининг улуглигига мос ҳамду санолар бўлсин! Айлоҳнинг Расулига муқаммал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин!

Абулҳасан Али ибн Мұхаммад ибн Ҳабиб Мовардий қаламига мансуб «Адаб үд-дунё вад-дин» деб номланган мазкур китоб мумтоз араб адабиётининг машҳур асарларидаи бири хисобланади. Бу китобни араблардан ташқари кўнглиниа ҳаликларда ҳам араб тили ва адабиётини ўрганувчилар дарслик сифатида ўқининган ва ўқипимоқда, ундаги терап фикр ва ажойиб одоб дурдоналаридаи мағфаат олишмоқда.

Хурматли таржимонимиз бу подир асар билан ўқувчиларни она тилимизда таништиришга ҳаракат қилингандар алоҳида таҳсинига сазовордир. Дарҳакиқат, бу каби савоби узуг ишлар ҳаммамиз учун керакли ва қизиқарли ҳамда фойдали эканини тарькидилашта ҳожат бўлмаса керак. Аллоҳ субҳонаху ва таоло таржимонимизга бу хайрли ишларида катта ажр-савоблар ато этган бўлсин!

Мухтарам ўқувчиларга мазкур таржимани тақдим этилар экан, асар муаллифи ва у кишининг бошқа асарлари ҳакида икки оғиз маълумот илова килиши маъқул топдик. «Адаб үд-дунё вад-дин» муаллифининг тўлиқ номи Абулҳасан Али ибн Мұхаммад ибн Ҳабиб Мовардийдир. У киши Басрада хижрий 364, милодий 974-йилда туғилган ва шоғсъий мазхабида бўлган. Асар сўз бошисида айтиб ўтилганидек, фикҳ, усул, тафсир ва адабиётда пешқадам олимлардан бири сифатида танилган. Мовардий сўзи арабча «мо» – сув, «вард» – атиргул сўзларидан олинган бўлиб, атиргул сувини сотиш касби билан шуғуллан-



ган кишининг номини билдиради. Имом Мовардий ўз даврида Абулқосим Суҳайрий, Абу Ҳомид Исфиройиний, Ҳасан ибн Али Ҳийлий ва бошқалардан таҳсил олган. Имом Мовардий кўплаб шогирдлар етиширган, айниқса, шогирдлари ичida Хатиб Бағдодий ва Абулизз ибн Кодиш машҳурдир.

Бинобарин, Имом Мовардийнинг «Одобул қозий» китоби қозилик одоби ҳакида битилган алоҳида китоблар ичida энг машҳур ҳисобланади. Бу китобни ўқиган киши динимизда қадимдан қозилик ишлари қанчалик мукаммал тарзда, нозик жиҳатларини ҳисобга олинган ҳолда бошқарилганига шоҳид бўлади. Ҳаттоки, қозилик лавозимида ўтирган киши қозихонада хукм чиқариш учун қандоқ кийим кийиши лозимлигигача кўрсатиб қўйилган.

Бундан ташқари, Имом Мовардийнинг «Ҳовий ал-Кабий», «Қонун ул-визора», «Икноъ», «Далоилун нубувва» ва «Тасҳилин назар» асарлари шу вақтгача мўътабар асарлар қаторида тилга олинишини келтириш мумкин.

Имом Мовардийнинг «Аҳком ас-Султония вал-вилоятуд дийнийя» номли асари сиёсаги шаръийя китоблари ичida энг қадимги ва машҳурларидан биридир. Одатда бу номни муҳтасар қилиб «Аҳком ал-Султония» дейилади.

Мазкур китобда Имом Мовардий ислом динидаги сиёсий, молиявий, қозилик, идоравий ва аскарий тузумлар ҳакида баҳс юритади. Шунингдек, бу асар билан танишиш орқали давлат бошлиги, халифалик, вазирлик, унинг турлари ва шартлари, жиҳодга ва юргларга амирлик қилиш, қозилик ва шикоятларга қараш, намозда имом бўлиш ҳамда ҳаж ва садақаларга раҳбарлик қилиш ҳакида алломанинг жўяли ва фойдали фикрларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Шунингдек, «Аҳком ас-Султония» китобида қозилик тузуми, шикоятлар бўйича девон ишларини йўлга қўйиш тартиблари ва тафтишчилик бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ҳам ба-тафсил баён қилинган. Имом Мовардийнинг бу китобида давлатнинг вазифалари, ҳоким ва маҳкум ўртасидаги муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилгани боис ўлжа, жизя, харож ва кўриқ ерларни ўзлаштириш масалалари, катта жиноятлар ва уларга



тайинланадиган шаръий жазолар, ҳауд, қасос ва таъзир ҳақида көнт ва батағсил маълумотларни олинг мүмкін.

Шу боис «Ахқом ас-Султония» китобиниң иеломий тузум ва сиёсати шаръийя бүйича мұйытабар ва машхур манба десак хато бўлмайди. Имом Мовардийдан кейин яшаган ва уибу масалада сўз юритган барча уламолар ҳудди шу китобдан ижодий фойдаланганлар. Имом Мовардий Бағдоғда ҳижрий 450, миляодий 1058-санада вафот этган.

Сўз бошида «Адаб уд-дунё вад-дин» китоби, уининг таржи-масида тутилган йўл ҳамда кўзланган мақсадлар ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар, менимча, араб тилидан қилинадиган барча таржималарга ҳам тегишли деб ўйлайман. Бу китоб устида ишлаган таржимон ва бошқаларнинг барча ишларига дуолар ила ривож тилаб коламиз.

*Шайх Мұхаммад Содиқ  
Мұхаммад Юсуф*

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Муаллиф муқаддимаси .....	9
<b>Биринчи боб</b>	
Ақлнинг фазилати ва «ҳаво» нинг ёмонлиги .....	11
Ақлнинг ҳадди ва ўрни .....	12
Тұғма ақл .....	14
Тажриба ва кексалар фикри	
түфайли муктасаб ақынинг ўсиши .....	15
Ёшлар зүкколиги .....	16
Фараздақ ва Жарирнинг тоңқирлигі .....	17
Үткір зеҳн .....	19
Ақл камолоти .....	20
Муктасаб ақлнинг күпайипи .....	21
Муктасаб ақл ва тұгма	
акынинг ўзаро мутаносибияти .....	24
Оқыл ва ахмокнинг сифати .....	25
Фасл .....	27
<b>Иккисиңчи боб</b>	
Илм одоби .....	35
Илмнинг ҳад-ниҳояси йўқ .....	37
Дин жамиятни тартибга солади .....	40
Дин билан боғлиқ илмлар .....	40
Жохиллар ақл өгаларига душман .....	47
Таълим ҳақида фасл .....	52
Илм олувчилар одоби .....	77
Олимлар хулки .....	83
Билганига амал қилиш олимнинг шиори .....	88
Олимнинг сұлтон хузуридаги одоби .....	96
Илм лаззати хар қандай лаззатдан афзал .....	98
<b>Учинчи боб</b>	
Дин одоби .....	100

<b>Тўртичи боб</b>	
Дунё одоби .....	150
<b>Бешинчи боб</b>	
Нафс одоби .....	280
Авалги қисм.	
Биринчи фасл .....	287
Кибр-ҳаво ва манманликдан сақданин тўғрисида .....	287
Иккинчи фасл. Гўзал хулқ тўғрисида .....	295
Учинчи фасл. Ҳаё тўғрисида .....	301
Ҳаёнинг турлари .....	303
Тўртингчи фасл. Ҳилм ва ғазаб тўғрисида .....	306
Макталган газабининг баъзилари .....	312
Бешинчи фасл. Росттўйлик ва ёлини тўғрисида .....	319
Ёлғончининг белгилари .....	323
Рухсат берилган ёлғон .....	325
Олтинчи фасл. Ҳасад ва рақобат тўғрисида .....	329
Ҳасад оғаглари .....	335
<b>Иккинчи қисм</b>	
Биринчи фасл. Сўзлар ва сукут сақдани ҳакида .....	337
Сўзлаш одоблари .....	346
Иккинчи фасл. Сабр ва сабрезлик ҳакида .....	352
Сабринг турлари .....	354
Мусибатларни енгиллатиш .....	359
Безовта бўлиш сабаблари .....	366
Мусибатларга сабр қилиш .....	369
Учинчи фасл. Машварат ҳакида .....	370
Маслаҳат берувчининг сифатлари .....	371
Тўртингчи фасл. Сир сақлаш ҳакида .....	379
Сирни ошкор этиш ёмонликлари .....	380
Бешинчи фасл. Ҳазил-мазах ва кулини ҳакида .....	383
Енгил мутойиба .....	385

Кулгунинг офати .....	388
<i>Олтинчи фасл. Шумланиш ва яхшиликни умид қилиш ҳақида .....</i>	389
<i>Еттинчи фасл. Муруват ҳақида.....</i>	393
Олийхимматлик .....	395
Олийжаноблик .....	395
Муруват шартлари ва ҳақлари .....	398
Иффат .....	399
Узоқ бўлиш .....	405
Сакланиш .....	408
<i>Саккизинчи фасл. Турли одоблар ҳақида.....</i>	434
Ейиш-ичиш одоблари .....	435
Кийиниш одоби .....	438
Одоб дурлари жамланган китоб .....	449



# Абулхасан Мовардий Дүнё вадин Одоби

Тәржимәттөсінен аудиокнига  
Абдүлхасан Мовардий дастырум

«НЕ ОЛ НАШІР» шапырағы

Ташкент – 2017

Номир: Немолай Мұдаммад Содик

Мухаррир: Бозоңород Әрази

Бадий мухаррир: Айдукбосит Қамбаров

Саҳифалюни: Даимиғұллоҳ Нұкругуллоҳ

Муқова дизайнери: Үйгүн Салихов

Кутузмаг сабтаг  
Оштаги фас. Шумланың ең көзине умуд қынның жаңыда.

Ештеги фас. Мурумай иң да М. иң жаңыда.

Олбайдимитака.

Олбайдимитака.

Мурумай шарсона за жаңыда.

Мурумай

Узак бүлши.

Салынчи.

# НПД АЯ ЁНД НАОДО

Салынчи фас. Түрән олбайдар үшости.

Еңшілдеш адебиет.

Кийиншілдеш адебиет.

Сирб дүрслик жаңыданын күттөй.

Интернат «Англия-Юнион»

105 — тұсынды.

Республикалық мәдениет министрлігі

Алғашқы бөлінілдік премиялық  
жарылған жаңыданын, тұрақтым шының  
жарылған жаңыданын, мемлекеттік  
жарылған жаңыданын, мемлекеттік  
жарылған жаңыданын, мемлекеттік

**Нашр лицензияси № АI 235, 13.02.2013 йил.**

Босишига рухсат этилди 21.09.2017. Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ .  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоги 28.5.  
Шартли босма табоги 18,48. Адади 5000 нұсха.  
Буюртма №44. Баҳоси келишилгандарда.

**«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси**

100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5

Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478

<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz



# Абдуллоҳ Исмоил Махдум (Исмоилов)

1947 йилда Наманган шақрида туғилган. 1965 йилда Тошкент шаҳрининг 40-ўрта мактабини тутатган. Бошлангич диний маълумотни отаси ӣнаиҳ Исмоил Махдумдан олган. Тошкент Давлат Университетининг шарқ филологияси факультета, араб тили ва адабиёти курсини тамомлаган. Коҳира Университета араб тили ва адабиёти факультетида малака ошириш билан биргаликда ал-Азкар Университетининг етакчи устозларидан хусусий даре олган. Дамашк Университетининг шариат факультета талабаси бўлган. Тошкент Ислом Олий маъқадини битирган.

1972-74 йиллар давомида Куролли кучлар сафида бир неча Осиё, Араб ва Африка давлатларининг зобит ва аскарларининг малакасини ошириш куреларида таржимон ва маҳсус ҳарбий кием штаб бошлигининг адъютанти бўлган. Захирадаги зобит.

1970-72 йилларда Узбекистан телерадиоқўмитасининг хорижий эшиттиришлар бўлимида таржимон, диктор ва мухбири бўлиб ишлаган. ТошДУ, Тошкент Ислом университета ва «Кўкалдош» мадрасасида араб тили ва бошқа бир канча диний фанлардан даре берган. Араб, рус, инглиз ва форс тилларида мулоқот кила олади.

1975 йилдан 2008 йилга кадар Узбекистан мусулмонлари идораси (собик САДУМ)да маъсул котиб, халқаро алоқалар бўлими мудири, «Мовароуннар» нашриёти директори лавозимларида ишлаган. Бир канча динлараро ва Ислом конференцияларида иштирок этиш учун Осиё, Африка ва Европа мамлакатларида сафарда бўлиб, кўзга кўринган мусулмон, насроний, буддавий ва бошқа диний арбоблар билан мулокотда бўлган.

Ҳаж ва умра ибодатини адо этувчиларга бош бўлиб камда исломий анжу-манларда иштирок этиш учун 11 марта Саудия Арабистонини зиёрат килган.

Бир канча рўзнома ва ойномаларда ўнлаб диний ва фалсафий мавзудаги маколалари чоп этилган. Яна шу мавзудаги китобча ва таржималари бор. 11афакада, уч фарзанди, ўн уч набира ва етти эвараси бор.

ISBN 978-9943-4819-8-5

